

**«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2011**



МУҲАММАД АЛИ

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

Биринчи жилд

САРБАДОРЛАР

Тарихий роман

Дилогия



«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАХРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2011

ББК 84(5Ў)6
А 49

- 95. араб.

Сўнгсўз муаллифи -
профессор Қозокбой Йўлдош

10-40174/2/2


А 49

Али, Муҳаммад.

Танланган асарлар / Муҳаммад Али; Сўнгсўз муаллифи Қозокбой Йўлдош. — Тошкент: «Sharq», 2011.

Ж. I: Сарбадорлар: Тарихий роман: Диалогия. — 624 б.

ISBN 978-9943-00-342-2



© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2011 й.

Отам Ахмадкул сўфи Бекназар ўғли
хотирасига бағишлайман.

Муаллиф

Биринчи китоб



ЧОРСУ МАЙДОНИ



Биринчи боб

ТАХТСИЗ МАМЛАКАТ

Хижрий 764 йил шаввол ойининг 18-куни¹ туялар карвони Самарқанднинг Кеш дарвозасига етиб келганида вақт хуфтондан ошган эди. Дарвоза тақа-тақ берклигини кўрган оқ ятакдаги паст бўйли, кичик жуссали сорбон тепада қорайиб турган шинакка қараб кичкирди:

— Йўл берсунлар!

Жавоб бўлмади.

— Шаҳри Румдан келаётибмиз, шаҳри Румдан! Кош-ғарга йўл тутғонмиз! — дарвозабон эшитмаётибдимикин, деган ўйда овозини баландроқ қўйди сорбон.

Дарвозабон барини шинакдан кўриб турарди. У карвоннинг олис йўлдан келаётганини англади, зеро карвон ҳали дарвозага яқинлашмай туриб, қўнғироқ овози жангларга эшитилди. Бир маромда жангларга бу овоз қўнғилни эзар даражада маъжус, гўё ҳар садо берганида: «Борар йўлим ҳали олис... ҳали олис... ҳали олис...» деяётгандай бўларди. Дарвозабоннинг юраги орзикди. Ҳамиша ҳам карвоннинг мунгли қўнғироғини эшитганида у шундай ҳолга тушар, нечундир ҳамма нарсани ташлаб, қайларгадир улоққиси келиб кетарди...

Аммо ҳозир соқчи дарвозани дабдурустдан очишга журъат қилолмади. Икки ой муқаддам дарвозани суриштирмай очиб қўйиб, қаттиқ панд егани эсига тушди. Худди шундоқ хуфтон намозидан сўнг дарвозани шитоб тақиллатдилар. Дарвозабон вақт алламаҳал бўлганлигини назарда тутиб, кириш учун доруғадан ижозат олиш борасида оғиз очган эди, карвонбоши баттарин экан, бақириб ташлади:

— Фаросатинг борму? Бепама экансен-ку? Карвонни

¹ Милодий 1363 йил 2 август.

кўрмаётурмусен? Амирзодага ошиғич мужда бор! Ҳазрати олийлари ушбу муждага мунтазирдурлар! Оч!

— Нечук мужда экан?

— Сен каллаварамнинг ақли етмайдурган мужда! — деди истехзоли қочирик қилиб карвонбоши. — Шитоб эт, оч дарвозани!

Дарвозабон пастга тушиб, дарвозани очди. Очди-ю... бош-кўзи аралаш тушган қамчи зарбидан гандираклар кетди, қамчи теккан жойларни чўғ куйдириб ўтгандай бўлди. «Галварс!» — деди кимдир қазаб билан. Дарвозабон қамчи урган одам карвонбоши эканлигини овозидан таниб, ўзини дарров орқага олганди, дарвозага қапишиб қолди. Отлиқ аскарлар урхо-ур қила сурон солиб ичкарига ёпирилишди. Дарвозабон не кўз билан кўрсинки, карвон дегани карвонмас, лашкар эди! Қоронғида юк ортилган туялардай кўринган коралар совуту қалконга ўралиб олган суворийлар экан...

Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Қозогон ўлимидан кейин унинг ўғли амирзода Абдулла мамлакат маснадига ўлтирди. У отаси каби ҳарбий сиёкли шахдам эмас, балки латтамижоз, ланжу беқарор чиқди. Мовароуннаҳр марказини Амударё бўйидаги Солисарой шахридан Самарқандга кўчирган амирзоданинг ҳар бир қадами мамлакат амирларининг китик патига тега бошлади. Энг аввал Ҳисори шодмон амири Баён сулдуз билан Шахрисабз амири Ҳожи барлос бош кўтардилар. Ўша окшом Кеш дарвозасининг соқчиси: «Нечук мужда экан?» деб сўраганида, унга бақириб берган ҳам, унинг бошига қамчи туширган ҳам шу Ҳисори шодмон амири Баён сулдуз эди. Баён сулдуз билан Ҳожи барлоснинг лашкари ўша куни кечаси Самарқандни зеру забар қилди. Икки амирнинг таккабурлик узангисига оёқ қўйганларини кўрган амирзода Абдулла подшолик дасти билан улар танобини тортиб қўймоқ ўрнига, Мовароуннаҳр тахтини ташлаб қочиб қолди. «Ошиғич мужда» амирзоданинг жуфтакни ростлаб қочиб қолиши экан. Дарвозабон буларнинг бари кейин билди...

Шу пайт пастдан жаранглаган овоз дарвозабон хушини ўзига келтирди:

— Ухлаб қолдингму, хей?

Дарвозабонга бу ўктам овоз таниш туюлди-ю тез пастга қаради. Сорбон ёнида бошига кичкина салла ўраган, оқ ятак кийган барваста бир одам турарди. Энгил-бошининг оклиги унинг чўяндай юзини ғира-ширада тағин ҳам қорарок кўрсатар, шопдай мўйлови эса аник кўзга ташланарди.

— Ҳалимқул шахна борми, феъли яхшилар, Ҳалимқул шахна? — деб сўради яна оқ ятакдаги киши. Унинг жарангдор тетик овози дарвозабон хонасини айланиб, гумбазга бориб синди.

Дарвозабон ўзининг номини эшитиб қувониб кетди. Ёпирай, Шаҳри Румдан келаётганлар ҳам Ҳалимқул шахна отини билишади! Ҳалимқул шахна кўкрагини тўлдириб нафас олди. Ахир у Амир Қозоғон давридан бошлаб дарвозабонлик мартабасида! Ўшандан бери Кеш дарвозасидан қанчадан-қанча қарвон ўтмади — бу ёғи Чин Мочину Кошғару Шош, бу ёғи — Марви шоҳижаҳону Нишопуру Сабзавору Ҳамадон... Бирдан Ҳалимқул шахна оқ ятакли одамни танигандай бўлди. Қаерда кўрган эди? Қаерда?.. «Ие! — деди ўзига ўзи. — Бу, самарқандлик, Наддофлар¹ маҳалласининг оксоқоли Абу Бакр Калавий эмасми? Худди ўзи! Ўша, ўша! У Ажамга кўп сафар қилади, доим шу дарвозадан чиқиб, шу дарвозадан шаҳарга қайтади!»

— Абу Бакр оға!

— Хайрият! — деди оқ ятакли киши сорбонга. — Ўзимизнинг Ҳалимқул шахна экан.

— Ҳозирок дарвозани очғаймен, Абу Бакр оға! — Ҳалимқул шахна бурама тор зинадан шитоб пастга туша бошлади. Дарвоза ғасирлаб очилди. Даставвал қўнғирокли туя шаҳарга кирди. Дикқинафас дим хаводан ҳолсизланган, жимлик чўка бошлаган шаҳар қўнғирокнинг мунгли овозидан сесканиб кетгандай бўлди. Қўнғирокнинг жангир-жунгури Қусам ибн Аббос мақбарасидан ўтиб, Чокардиза қабристонидан нари Мотурид гузаригача етиб борди чамаси. Чорсунинг ўнг томонида жойлашган Наддофлар маҳалласида ҳам бу сасни эшитишгандир? Ажабо, Сабзавордан бери эшитавериб қулоғига сингишиб кетган қўнғирок садоси Абу Бакр Калавийга ҳозир ўзгача таъсир қилди. У бу сасни илк мар-

¹ **Наддоф** — титувчи, пахта титувчи (*араб*).

та тинглаётгандай хайратда қолди. Она юрт тупроғида жаранглаган садо жуфти ҳалоли Қорасоч бикани, шаддод қизи Жаҳон бика билан Сабзаворда қолган толиби илм ўғли Шамсулмулкни, ёру дўстларини эсига туширди. Ногаҳонда Ибн Ямин Фарюмадийнинг ушбу сатри хотирига келди:

*Она юртнинг ҳар садоси
Қилгай кўнгилни адоси!*

Фахриддин Маҳмуд ибн амир Яминиддин Муҳаммад ат-Турғройи ал-Фарюмадий, таҳаллуси Ибн Ямин — амири муставфий, сарбадорлар давлатида машҳури офок шоир, ҳалигача унинг каломини кесадиған бир шоир туғилмаган рубъи маскунда! Абу Бакр Калавий замонанинг шундоқ етук ва фозил шоири билан танишлиги, таниш эмас, балки падару фарзанд даражасида эканлигидан ғурурланиб қўйди...

— Хуш қолинг энди, биродар! — деди сорбон Абу Бакр Калавий хаёлини бўлиб. — Қўнар жойимиз қарвонсаройдур. Биз шул тарафга йўлланурмиз.

Абу Бакр Калавий сорбонга қараб деди:

— Оға! Кулбамизда бугун албатта меҳмон бўлурсиз, оби ёвғонимизни баҳам кўрғаймиз... Икки ой давомида бир майизни бўлишиб еб келдик ахир...

— Қуллук, энди бошқа сафар, Абу Бакр! Бу гал маъзуримизни қабул этингиз! — Сорбон шундоқ дедида, қучоғини очиб Абу Бакр Калавий томон кела бошлади. Иккови қаттиқ ҳамоғуш бўлдилар, сўнгра хайрхўшлашдилар. Абу Бакр Калавийнинг кўзлари беихтиёр намланди. Халимқул шаҳна дарвозани қулфлади.

— Зиёратингиз қовул бўлғай, Абу Бакр оға! Қайси эллардан сўраймиз?

— Сўрганингиз бўлғай, эй феъли равшан! — жавоб берди Абу Бакр Калавий, нафас ростлаш учун дарвоза ёнидаги тош супачага ўлтирар экан. — Уф-ф!.. Сабзавордан сўрайсиз! Ёру дўстларни зиёрат этиб келмакдамен. — У дастрўмолини олиб юз-бўйинларини артди. Иссиқ бўғиқ ҳаво нафасини қисарди.

— Ҳа, юрган дайра¹ ўтирган бўйра, дейдилар-ку! — Халимқул шаҳна ҳавас қилгандай деди. — Насиб қил-

¹ Дайра (лаҳж.) — дарё.

ганга қилади буям. Дарвоқе, Сабзавордан сўранг, дедингиз. Сарбадорлардан сўйласангиз, девдим. Даранг-дурунги жуда баландми?.. Карвонлардан ҳар хил воқеалар эшитаман. Турфа хил хангомалар эмиш... Кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган... — Йигирма беш йилдан зиёд-дурким, Сабзаворда сарбадорлар ҳукм юргизар эрмиш. Бу давлат бағоят антиқадир, сўйлай берсам агар Абу Муслим жангномасидан ўтиб тушадир. — Абу Бакр Калавий бош чайқади, Ҳалимқул шахна берилиб тингларди... — Бу юртда ҳамма фароғатда умр кечирмақда. Ҳа, шундоқ бўлмоғи даркор бу фозил мамлакатда! Муаллими соний Абу Наср ал-Фаробий ат-Туркий демишларки: «Авлоди бани башар бир хил йўсинда таваллуд топғай, инчунин бир йўсинда бахтли бўлмоқлари лозим!» Сарбадорлар шул ақидани, устоднинг каломи қувватини замона аҳлига намойиш этишмақда. Аммо...

— Нечук тўхталдингиз, оға?

— Аммо, бу дунёнинг иши босқину вораат экан, алқисса. Афсус, минг афсус... Сарбадорларнинг подшоси, султони ислом, етти иқлим шаҳаншоҳи, арзандаи само, ғолиби ғаним Яҳё Қурробий... Намозхон, тоат-ибодат эгаси ул зот ҳукумат курсисиди қарор топғондан буён ажиб ишлар қилибдир. Энг зўри элхонийлар подшоси Туға Темирхонни ўз ўрдасида, зиёфат чоғида ўлдирғонлиғи бўлибдир. Ҳалоқуийлар зулми Хуросонда таназзулга юз тутмиш. Алалхусус, хожа Яҳёнинг ўзи ҳам оламдан кўз юмубдур. Подшо душманлари Аминиддин отлик бир бетавфиққа уқтиришибдир. Ул феъли хунук пайт пойлаб хожа Яҳёга ханжар урибдир, подшо шарт қайрилиб, бир қўли билан Аминиддиннинг томоғидан бўғиб олибдир, иккинчи қўлидаги ханжарни қорнига тикиб Аминиддинни саранжом этибдир. Шу асно хожа Яҳё қайноғаси Алоуддавла қилич яланғочлаб турғон экан. Ҳарам ёққа гандираклаб кетаётган подшо ортидан бориб қилич солибдир. Бари бир-бирига душман... Бунга беш йилча бўлибдир. Буқун Ҳасан Домғоний сарбадорлар давлати маснадидадир. Юртимизда эмну омонликми, иним Ҳалимқул?

Сарбадорлар киссасидан мутаассир бўлган дарвозабон уф тортиб деди:

— Абу Бакр оға! Бу ерда ҳам сиз айтганлардан қолишмайдиган воқеалар кечди. Амир Қозоғонни куёви

Хоразм амири Қутлуғ Темур Бўлдой қатл қилдирди, буни биласиз. Мўғуллар уч бор чопқун уюштирдилар. Амирзода Абдулла бўлса қувғину мискинликда. Самарқандда Хисори шодмон амири Баён сулдуз даврон тизгини қўлга олмиш эди. Ул ҳам қайгадир кочиб қолди...

— Ха, Мовароуннахрда ҳукуматга хатар етибдир! — деб юборди Абу Бакр Калавий. — Амир Қозоғон ўлди-ю, Мовароуннахрдан тинчлик йўқолди. Босқину талош, қирғин... Ягона ҳоким йўқ... Ит эгасига боқмайди. Кимнинг нимага кучи етса шуни қакшатади. Ҳаммадан ҳам халққа қийин, бечорага қийин...

Наддофлар маҳалласи оксоколи ҳақ гапни айтди. Мовароуннахр тахти ростдан ҳам бўшу фаромуш қолган, юрт тахтсиз мамлакатга айланган эди.

Абу Бакр Калавий икки чақиримча йўл босди. Ана қоронғиликда Чорсудаги Жомеъ масжидининг кунчиқарга қараган баланд қуббали равои элас-элас кўзга ташланди. Ҳаво камоли очиклигидан осмон шундоқ чароғон эдики, гўё бодраб турган юлдузларни қўл билан тутиб олиш мумкиндай туюларди. Тарози юлдузи мағриб тарафга оғиб қолди. Абу Бакр Калавий хуржунини ерга қўйди. Ногаҳонда дарё томондан эсан шабададан хуржундан бўшаган елкаси ажабтовур яйраб кетди. Самарқанднинг тунги шабадаси эсарди. Халигина Кеш дарвозасининг ёнида ўзини бамисли тўнқарилган қозон ичида ҳис қилган Абу Бакр Калавий ҳозир худди ям-яшил Кониғил ўланзориди, Обимашҳад ариғининг бўйида ўтиргандек бўлиб кетди. У бу жаннатмакон мавзени жуда яхши биларди. Ҳар йили наврўзни шу ерда ўтказишар, байрамга Наддофлар маҳалласининг ёшу кексаси катнашар эди. Обимашҳад ариғининг суви самарқандликлар ўртасида қадимдан муқаддас ҳисобланиб келган, ҳар йил баҳорда халқ унинг бўйларида тўпланиб «Қозон тўлди», «Бой бўлди» кабилидаги сайил ва маросимлар ўтказарди.

Чорсу майдонининг сахнини энди илғаб олиш мумкин. Майдон каттагина бўлиб унга тош ётқизилган, умуман Самарқанд кўчаларининг кўпчилиги тош кўчалардан иборат. Гавжумликда Чорсу майдонининг олдида тушадигани йўқ, дейишади. Майдонга қачон, ким томонидан тартиб берилганини биров билмайди, ҳар қалай унинг

тарихи араблар боскинидан ҳам илгари Турк хоқонлиги замонига бориб тақалади, ҳатто хоқон Туминнинг ўзи унинг қурилишидан хабар олиб турган эмиш. Чингизхон қўшинлари Самарқандни босиб олиб вайрон қилдилар, харобага айлантирдилар, кўҳна бинолар ўрнида култепалар пайдо бўлди. Лекин шаҳар авваллари ҳам шундай фалокатга йўлиққанида, кейин доим ўзини тиклаб ола билар эди. Бирок Чингизхон истилосидан кейин шаҳар тикланмади, чунки шаҳаркушларнинг вайрон қилмоқликда турфа усталиклари бор эди. Урганчни, Амударёни тўсиб шаҳарни сувга бостиришиб олишган бўлса, Самарқандда аксинча йўл тутдилар: кирғоқлари қўрғошин билан қопланган мустаҳкам Жўйи Арзиз ариғини бузиб, шаҳарга келадиган сувни беркитдилар, халқ сувсиз қолиб кетди. Самарқанд шаҳристони уюм-уюм тепага айланди. Шаҳар эса жанубга, хунарманду қосиблар расталари билан обод рабодга кўчди. Абу Бакр Калавий яшаётган Наддофлар маҳалласи ҳам ана шу рабодда жойлашган эди.

Майдонга Жомеъ биноси алоҳида кўрку салобат бахш этиб туради. Масжидни Самарқанд тахтининг ҳукмдори, турк қорахонийлар сулоласига мансуб Томғочхон Иброҳим ал-Хусайн бундан юз эллик йиллар муқаддам бино қилдирган экан. Айтишларича, Томғочхон шаҳарнинг ўзида Гуржмин маҳалласида мухташам бир қаср ҳам қурдирган. Қасрнинг таърифи жуда баланд экан. Гўё Ўрта денгиздаги Фарос машъали Искандар Зулқарнайн шаън-шавкати, Тоқи Кисро — Нўширвони Одил шухратини қанчалар дунёга намойиш этса, бу сарой ҳам Томғочхон донғини шунчалар авлодларга етказа олар эмиш. Афсуски, сарой Чингизхон босқинида вайронага айланди. Жомеъ ҳам ўша қасрдан қолишмайдиган даражада серхашам бинолардан ҳисобланар, пештоқи йигирма беш газ, баландлиги етмиш газ келарди, ховлисини қўшганда қарийб беш жариб¹ жойни эгаллаганди. Бу ерда ҳар жума намозида қотмадан келган, бидирлаб гапирадиган масжид имоми Қутбиддан хутба ўқийди, ҳар кун тонғсахар масжид ёнидаги минорадан Шамсиддин сўфининг азони шаҳарга таралиб, мўмин-мусулмонларни ҳам суннату ҳам фарзни адо этишга чорлайди.

¹ Жариб — тахминан бир таноб (0,5 гектарга тенг майдон).

Майдон «Чорсу» деб аталгани билан Шарқ шаҳарларидаги сингари тўрт кўча эмас, балки мусамман шаклида саккиз кўчадан иборат эди. Саккиз кўча шаҳарнинг ичкаридаги маҳаллалар, кўчаларга бориб уланар, юкоридан қаралса, ўргимчакнинг тўрини эслатиши мумкин. Чорсуда даставвал тўрт кўча бўлган экан. Жануб томондан — Бозор кўча, у бозорнинг ёнидан чиққанлиги учун шундай аталган. Кунботиш томондан — Арк кўчаси — боғу роғлар, мухташам саройларга бой бу кўча Чорсудан Аркка, кўхна хон саройига олиб боради, унда Самарқанднинг казо-казолари яшайди. Хусусан, Абу Бакр Калавийлар бутун маҳалласи билан тобе бўлган Самарқанд улугзодаларидан Сулаймон деган киши шу кўчада истикомат қилади. Бу зангину бадавлат киши зарнинг зўридан Бухоро бузургзодаларидан гула кўтариб хутбаларда номига «садри жаҳон» калимасини кўштириб айтдиради. Кейин-кейин умуман, «Садр Сулаймон» бўлиб олди. Уни золимлиги, ўта хасислиги, бешафқатлиги учун «садри жаҳон» — жаҳон устунни эмас, балки «садри жаҳаннам» — жаҳаннам устунни деб сўз ўйини қилишарди.

Шимол томондаги Ҳолвачилар кўчаси Тошкент, Фарғона томонларга олиб боради. Кўчада бор-роғлар кўплигидан уни Каттабоғ кўчаси ҳам дейишади, лекин кўпроқ биринчи номда машҳурдир. Қандолатчилар, ширапазлар яшайдиган бу кўча кўпчиликнинг диққатини ўзига тортиб турарди. Уни ҳазиллашишиб «Ширин кўча» дердилар, чунки бу кўчага кирганнинг димоғига урилган турли ширин хуш бўйлар ҳолваю новвотнинг, парвардаю пашмакнинг, нишолдаю мураббонинг, ажабсанда рохати-жонларнинг хушхабарчи элчисидай туюларди. Ҳолвачиларнинг бозордан ташқари шундок кўча юзида ҳам расталари бор эди. Кўчадан ўтиб қолсангиз, капкирларнинг чўян қозонга урилганию мис товоқларда ҳолвани чилчўплар билан қорилаётгани қулоғингизга чалинади, ўчоқлардан йироққа кетгиси келмай буралиб чиқаётган тунларни кўрасиз, ширинлик тортилаётган тарози шайинларининг шарақлашларини эшитасиз. Бу маҳалланинг оқсоқоли Панжикентдан келиб қолган тожик Қодир Ҳалвойи деган бениҳоя одамохун, ширинсухан бир киши эди. Абу Бакр Калавий жуссаси кичик дўстини эсладию негадир оғзида ҳолванинг чучуккина таъми сезилгандай туюлди. У Ҳалвойи билан ўзининг ўртасида ширинлик борлигидан беадад хурсанд бўлиб юради.

Чорсуга кунчиқардан кириб келган кўча Наддофлар кўчаси эди. Бу кўча Абу Бакр Калавийлар маҳалласига олиб боради.

Кейинчалик яна тўрт кўча қўшилди. Арк кўчаси, Бозоркўча ўртасида Қўрчилар маҳалласини Чорсуга боғлайдиган кўча бўлиб, у шаҳардан ташқарига, харбий аслаҳалари билан машхур ёй ясовчилар яшайдиган Камонгарон кишлоғига олиб борарди. Кўпроқ «тарак-турук кўча» номи билан машхур бу кўчада тийргарлар, тиркишдўзлар, камонгарлар, шамширгарлар, пичокчилар, темирчилар, турли жибачилар оилалари яшашар, курол-аслаҳа, темирчилик буюмлари ясашар эди. Бу кўчада камонмерган Хўрдак Бухорий, Исоқ этикдўзлар истиқомат қилишади.

Кулоллар кўчаси карвонсарой билан Ҳолвачилар кўчаси орасида жойлашган. «Уста Кулол кўчаси», — деб қўйди Абу Бакр Калавий ўзича. Асли оти Ҳакимжон эса-да, кулолчилик сирларини аъло даражада билгани учун ҳамма ҳурматлаб уни «Уста Кулол» деб юборган эди. Уста Кулолнинг отаси Фарғона ёқлардан келиб Самарқандда қарор топиб қолганлардан. Элликлардан ошган, билаклари йўғон, елкали, бақувват Уста Кулол ҳамisha «Лойи пишитилган бўлсин ишқилиб...» деб кўярди.

Бозоркўчанинг Чорсуга чиқаверишида ўнг томонда бозор жойлашган. Бозор билан Наддофлар кўчаси оралиғида нисбатан кичик, бор-йўғи бир арава сиғадиган Қаландархона кўчаси бор. Чорсуни Қаландархона билан боғлайдиган бу кўчада турли кавм одамлари — эронийлар, араблар, хиндлар, юнонлар, румликлар яшардилар. Улар гоҳ урушлар туфайли иссиқ ўрни совиган, гоҳ бошқа сабаблар билан карвонларга қўшилиб Самарқандга келиб қолган бечора кишилар эди. Бу кўчада ҳам Абу Бакр Калавийнинг дўстлари — хинд морбоз Лакшман, румлик Нозим Мехметлар бор.

Наддофлар кўчасининг ўнг томонида кўр тўккан катта карвонсарой, Жомеъ ва Арк кўчасининг бошида қад кўтарган мухташам мадраса билан ажойиб бир учликдан иборат силсила ташкил қилар, бир-бирига мутаносиб тушган бу бинолар Чорсу майдонига хусн қўшарди.

Энг сўнггида — Ҳолвачилар кўчаси билан Арк кўчаси ўртасидаги Хонкали кўчаси пайдо бўлди. Майдонга чиқаверишда кўчанинг ўнг томонида хонақоҳ, чап томо-

нида Жомеъ масжиди савлат тўкиб турарди. Хонақоҳ ёнида Хонлик оқа отлик эркақшода бир хотиннинг катта ховлиси бор бўлиб, у уйда бобилхона очганди. Бу хонадонга шахзодаю бекзодалар, амирлар, карвонсаройда тўхтаган мусофирлар пинхона таширф буюриб туришарди. Хонлик оқа бир неча дил тортар бўлмаларда ёш чўрилар, хурлиқодай канизаклар тутарди. Шахарда ҳамма бобилхонанинг каттиқ сир тутилишидан сўзлар эдилар.

Нихоят Чорсу майдонининг у чеккасида Жомеъ масжиди ёнидаги минорада лип-лип ёниб турган фонус аниқ кўзга ташланди. Абу Бакр Калавий майдонга чиқиб бораётган ҳам эдики, ўн кадамча наридан:

— Жонингдан умидинг бўлса, жойингдан жилма! — деган йўғон овоз эшитилди. Овоз таҳдидли эди. Абу Бакр Калавий чўчимаса ҳам, кўнглига қандайдир бир ҳадик ўрмалади. Қоронғиликдаги овоз тагин жаранглади:

— «Таваккал ту алолло»ни деган эр, на қалқону на талқоннинг гамин ер! Ниятингни яхши қил, дилгинангнинг нақши қил! Ханжарингни қўлга олган бўлсанг қинга сол, бир нафас эс-хушингни ўнглаб ол! Кимсен, бемахалда бир ўзинг нима қилиб юрибсен, мусофир?

Абу Бакр Калавий овозни тахмин қилиб қоронғиликка қараб жавоб берди:

— Мусофир эмасмен, эй феъли яхши! Ўз шаҳримга сафардан қайтмақдамен. Самарқандликмен, Наддофлар маҳалласидан, маҳалла оқсоқолимен!

— Самарқандликмен дейсанму? Хўш... унда қани бир саволга жавоб бер-чи: ҳозир қаерда турибсен? Қаерда турганингни билармусен?

— Албатта, билурмен! Чорсудамен, шундок бозорнинг ёнгинасида.

Қоронғиликдаги одам гулдираб кулди. Овоз кучли ва беғубор эди, Абу Бакр Калавий кўнглидаги ҳадикларни жилла ҳайдагандай бўлди.

— Чорсуда турганмиш! Хо-хо-хо! Бозорнинг шундок ёнгинасида эмиш! Хо-хо-хо!

— Нега куласен? Ҳали эсимни йўқотғоним йўқ. — Абу Бакр Калавий ўзини босиб деди. — Мана бу Бозоркўча, олдимиздаги майдон Чорсу-да, ўнг томонда бозор. Мен бозор ёнидан Қаландархона кўчасига бурилмай Наддофлар кўчасига ўтаман-да, уйимга кетаверамен... Эс

танибменки, Самарқандда ўсганмен. Назаримда, ўзингнинг хушинг жойида эмасга ўхшайдир.

Бирдан кулги овози тинди. Қоронғида пичоқнингми, қиличнингми қиндан суғурилган саси эшитилди.

— Оғзингга қараб гапир, мусофир! Етти жаллод, мурғу саловот, қиличим буро, забоним гўё, кимнинг ажали етди? Шу топда офтобни сояга етказмай, сахарни чошгохга ўтказмай бошингни олайму? Сен ким билан гаплашаётганингни билармусен?

Энди Абу Бакр Калавий қаттиқ кулиб юборди.

— Қоронғуда сенинг юзингни кўрмасам, танимасам, ким билан гаплашаётганингни қайдан биламен ахир? Сўзларингда озгина фаромушлик бормудир, дейман...

— Тўғри, — деб тан олди қоронғиликдаги одам. — Юзимни ҳам кўрасен. Хўш... Баски, сен Самарқандда тувилиб ўсган экансен, билиб қўй: сен турган жой — Тун салтанатидир. Бу салтанатга бу томони — мадраса, бу томони — карвонсарой, у тарафи — бозор, қисқаси, бутун Чорсу майдони кирадир!

— Тун салтанати? Қанақа Тун салтанати?..

— Билиб ол! Сен етти иклимга донги кетган Тун салтанатига келиб колдинг. Мен эсам ғарибу ғурабо, йўксилу гадолар шаҳаншоҳи, қиблагоху валинеъмат, Тун салтанати подшоси Шаҳриёрнинг ишонган валламатларидан жувонмард Ахий Жаббор бўламен! Хуфтон намозидан то бомдод намозигача Тун салтанати мухофизати менга топширилган. Бирорта чибин ҳам Шаҳриёр ижозатисиз бу ердан ўтолмайди! Бунга валламат Ахий Жаббор кафолат бера оладир!

Абу Бакр Калавий негадир енгил тортди. Сахийларнинг сахийсини ахий дейишади, бунинг исми ҳатто Ахий экан. Булар, бир бечора мухтож билан борини баҳам кўрадиган эмас, балки борини беришга тайёр олижаноб кишилардир. Абу Бакр Калавийнинг ўзи ҳам ана шундай футувват одам эгаси эди, шу важдан ҳам унинг атрофидан одамлар аримасди. Бундай одамлар ҳамма билан ҳам тил топишиб кета олади. Чунки уларнинг энг эзгу омоли — киши кўнглини олиш, мискин қалбига фарах бахш этиш, ўзига зиён бўлса-да, ўзга дилини овлашдир.

— Мана ўзинг ҳам валламат, жавонмард экансен, — деди Абу Бакр Калавий Ахий Жабборга. — Бас,

мени ўз маҳалламга ўтказиб юбор! Ўлан-тўшагимдан айри тушганимга ҳам ярим йилдан ошиб кетибди-я...

— Мен hozir бурчни бажармок даражасидамен. Вал-ла-матлигим иш бермайдир. Бунга факат Тун салтанати подшоси Шахриёрнинг ижозатлари керак.

Сухбат хали ҳам қоронғиликда, тахмин доирасида давом этмокда эди. Абу Бакр Калавий шу пайт кулоҳна-мо учли оқ қалпок кийган бир одамнинг унга яқинлаша-ётганини кўрди. Ахий Жаббор келаркан, Чорсу майдо-нининг у чеккасида Жомеъ ёнидаги минорада липиллаб турган фонусни ўз гавдаси билан Абу Бакр Калавийдан тўсиб кўйди. Ажабо, фонус кўринмай қолгандан кейин-гина Ахий Жаббор юзини илғаш осон бўлди. Баланд бўйли, шопмўйлов бир йигит Абу Бакр Калавий олдида худди тол олдидаги теракдай серрайиб турарди. Ёнига қилич эмас, узун пичок осиб олганди... «Барваста қомат-ли, жуссадор, фил унинг салобати олдида хартумини ерга қўяди...» — ўйлади Абу Бакр Калавий, сўнг деди:

— Иккимиз ҳам шопмўйлов эканмиз, валла-мат... А?..

— Хали сиз экансиз-ку, бу ердан пошшоси ҳам Шах-риёр ижозатисиз ўта олмайдир, — кесди бу сўзларга эътибор бермаган Ахий Жаббор. — Қани Шахриёр дар-гоҳига кетдик!


Абу Бакр Калавий Чорсу атрофларида кечалари юриш хатарли, деган гапларни эслади. Ичида: «Мамлакат тахт-сиз бўлгач, ахвол шу-да. Ҳамма ўзига хону ўзига бек... Ишқилиб охири бахайр бўлсин!» — деди-да, ноилож Ахий Жабборга эргашди.

Иккинчи боб

ТУН САЛТАНАТИ

Ахий Жаббор билан Абу Бакр Калавий Чорсу май-донини кесиб хира фонус липиллаб турган Жомеъга қараб йўналишди. Эллиқ қадамча юришганди, ўнг томонда ўрта-ча бўйли икки одамнинг ғира-шира қораси кўринди, ча-маси улар Қаландархона кўчасидан чиқишган эди. Ахий Жаббор сал олдинда келаётган одамни таниб, баланд овозда сўради:

— Той нима деб кишнайди?



Абу Бакр Калавий хайрон бўлди: қанака той ҳақида сўз кетмоқда? Ярим кечада той нима қилади хайхотдай майдонда? Жавоб эса уни баттар таажжублантирди:

— От бўлдим деб кишнайтиди, от бўлдим деб!

Абу Бакр Калавий уларнинг аллақандай ишоралар билан сўзлашаётганларини тушунди. Орадаги сирлилик, Ахий Жабборнинг ҳалиги одам билан хушёр туриб сўзлашишлари Абу Бакр Калавий кўнглида уларга нисбатан хурмат уйғотди. Бундай одамларга ишониш мумкин, деб ҳаёлидан ўтказди у. Одатда бир жамоа ёки гуруҳ кишилари улуғ сирни пинҳон тутиш мақсадида алоқанинг шунака шартли усулини танлайдилар. Сабзаворда сарбадорлар ҳам хали хокимият теласига минмай туриб шундай йўл тутишган. Уларда фақат ўзлари тушунадиган шартли иборалар, сўзлар бор эди. Масалан, «Кўкни булут қоплади» дейилса, бас, сарбадорлар душман бостириб келаётганини тездагина фаҳм этишарди, аммо атрофдаги бошқа одамлар ҳеч нарса тушунишмас, мовий осмонни кўриб елка қисшарди. Абу Бакр Калавий Самарқанд сарбадорлари орасида ҳам шундай сўзлашув йўлини жорий этмоқ керак, деб ўзича ният қилиб қўйди.

— Кониғилда об-хаво қандай? — деб сўради яна Ахий Жаббор.

— Кониғилда каламуш юрибди, — деди ўнгдаги одам.

Ахий Жабборнинг «Шаҳарда тинчликми?» деб шартли сўраганига, у одам «Шаҳарда бегона бор», деб жавоб берганди.

Қаландархона кўчасидан чиққан одамлар энди Ахий Жабборларга етиб олишди. Яхшилаб қаралса, уларнинг чеҳраларини аниқ кўрса бўларди. Сирли сўзлашган одам тунги посбонлардан Ҳасан чиноқ экан. Юпунлигини яшириш учун елкасига чипта қоп ташлаб олганидан, жуссаси кичиклигига қарамай савлатли кўринарди. Унинг чап кулоғи йўқ, биров туғма шундок дерди, бошқалар ҳазиллашишиб, чақалоклигида мушук еб кетган, деб қўйишарди. Ўттиз бешларга бориб-бормаган Ҳасан чиноқ Тун салтанатида кўркмас ва мардлиги билан ном чиқарганди.

— «Меҳмон» ким? — сўради Ахий Жаббор, улар яқинлашгач.

— Арк кўчасига ўтмоқчи эканлар, Кешдан. — Ҳасан чиноқ бамайлихотир жавоб берди. — Пошшодан ижозат олиб кетсинлар, деб бошлаб келаётиман.

Ахий Жаббор меҳмонга яхшилаб назар солди. Ўттиз ёшлардаги ўртача бўй бу йигит ёз бўлишига қарамай қора мовут чакмон кийиб олган, кўринишидан жангари, чапсон эканлиги билиниб турар, унда аллақандай бўғиб қўйилган бир гайрат, шижоат эркинликка чиқишни интиқ бўлиб кутиб ётар эди. У Ҳасан чиноққа Ахий Жабборни кўрсатиб:

— Пошшойнинг шулми? — сўради нописандалик билан.

— Сўйласанг ўйлаб сўйла, доим яхшини кўзла! — деди Ахий Жаббор Ҳасан чиноқни сўзлашга қўймай, меҳмонга қараб. — Пошшо мен эмасмен. Уни ҳозир кўрасен. Шошилма. Шошганнинг иши олчимас, шошган киз эрга ёлчимас!

Йигит афтидан Ҳасан чиноқ билан тортишиб келарди. Унинг Ҳасан чиноқдан қутулиб кета олмагани кўриниб турар, буни айниқса Ҳасан чиноқнинг ўзини бепарво тутишидан ҳам билса бўларди. Дароз Ахий Жабборни кўргандан кейин йигит қутулишдан умидини узиб қўя қолди.

Йигитни Ахий Жаббор ҳам, Ҳасан чиноқ ҳам, Абу Бакр Калавий ҳам танишмади. Унинг исми Аббос баходир бўлиб, Кеш туманининг амири Темурбекнинг ишонган йигитларидан эди.

Хижрий 762 йил ёзида мўғул хони Туғлуқ Темурхон ибн Ўғилхўжа ибн Дувахон ўзини Чигатой мамлакати-нинг меросхўри хисоблаб, Мовароуннахрга от сурди. Шаҳрисабз амири Ҳожи барлос душман хайбатидан кўркиб, юртни ташлаб Хуросонга қочиб қолмакни хаёл қилди. Ҳожи барлоснинг йигирма беш ёшли Темурбек деган жияни бор бўлиб, у фаросатли, воқеалар оқимини тез идрок эта оладиган, шаддод фикрли бир йигит эди. Темурбекнинг амакиси билан кетгиси келмади. Кўч-кўронларини қарвон-қарвон юбориб, оила аъзолари ва канизакларини жамлаб жўнатишга отланган Ҳожи барлос жияни Темурбекнинг беҳаракату султ турганини кўриб:

— Ҳа, жиян, Жета қашқирига ем бўлмоқчимисиз? — деди ўпкали охангда. — Ўзбошимчалик беҳосият нарса... Биларсиз, Жета қашқирини беомон, ҳазилни кўтармайди...

— Энди, амаки, қазо қиличи бошга келса қочмоқ нодоннинг иши. — Ўйланиб деди Темурбек Ҳожи бар-

лосга тик қараб. — Аммо, қирк йил қирғин бўлса ҳам ажали етгон ўладир...

— Падари бузрукворингиз оламдан кўз юмганига бир йилдан ошди... — деди Ҳожи барлос. — Амир Тарағай фоний дунё билан хайр-хўшлаша ётиб, менга «Ўғлимдан бохабар бўл!» деб илтижо қилғонди. Бирга бўлсак, девдим-да, жиян...

Темурбек қалин қошларини чимираarkan, дадил жавоб қилди:

— Бу тонг тушимда падари бузрукворимни кўриб-мен. Кетмоқлигимдан вокиф эмишлар-да, менга ўксиниб: «Қабримни ташлаб кетма, ўғлим!» дермишлар... Юртни ёвга ташлаб кетгим келмай турибдур... — Темурбек жим қолди. — Амаки, агар сиз ижозат берсангиз, Туғлуқ Темурхон билан тил топишга саъй-ҳаракат этиб кўрсам...

— Сиз мўғул хони ўз сўзида турадир, деб ўйлайсизму?

Ҳожи барлоснинг шундай деб сўрашида жон бор эди. Мўғулистон хони Туғлуқ Темурхон Жонобулоқ мавзеида бир оз тўхтагандан кейин Хўжанд суйидан ўтди ва дарҳол юртнинг барча туман амирлари, нуфузли кишиларига, жумладан, Ҳожи барлос ва Темурбекни ўз қошига чорлаб иноятномалар юборди. Иноятномаларни биров алдов деб ўйлади, биров тўғри тушунди. Ҳожи барлос ҳам уларга ишонмади.

— Мен хон олдиға бормок лозим, деб ҳисоблай — мен! — деди Темурбек қатъият билан.

— Хомтама бўлманг, жиян!

— Аввалан, — деди Темурбек, — хон юртимизга бостириб ҳаммани бош эгдириш учун келаётир, унга шу кифоя қилур. Биз эса кўлда қилич биланмас, бош эгиб борурмиз. Не-не замонлар кечибдирки, эгилгон бошни кўрғонда ҳар қандай қилич ҳам ўтмас бўлиб қоладур...

— Кимсен, амир Ҳожи барлос, кўчманчи бир хонга бош эгадурми? Сўнгра у бошни қандок кўтариб юрур-мен?

— Бир бора бош эгган билан бош эгилиб қолмас... — Темурбек истехзоли кулди. — Сониян, хон билан кўришувимизда икки фойда, бир зиён бордур. У билан кўришмай Хуросон томонга ўтиб кетишнинг икки зиёни, бир фойдаси бўлур.

Ҳожи барлос бош чайқади.

— Сиз, жиян, ҳали ёшсиз, ғўрсиз. Бу фойда-зиёнларни тарозига солиб ўлтиргонча фурсат кетур... Чора — қочиб қолмоқликда... Ажали етган сичқон мушукка ғамза қилар эмиш!..

— Амаки! — деди андак сукут сақлаб Темурбек, амакиси сўзларидаги заҳархандани сезмагандек. — Туғлуқ Темурхоннинг олдига бориш-бормаслик хақида пиримдан маслаҳат сўраб мактуб битгон эрдим. Ушбу мазмунда жавоб айлабдилар: «Тўртинчи халифа ҳазрати Али ибн Толибдан, унга тангри марҳамати бўлғай, сўрабдурларки: «Осмон — ўқ-ёй тўла садок бўлса, ёвилғувчи офатлар — ўқ бўлса, инсонлар — нишон бўлса, отғувчи олло бўлса, одамлар қаёққа қочадурлар?» Халифа айтмишки: «Одамлар оллонинг ўзига қочсунлар!» Бас, мен ҳам Туғлуқ Темурхоннинг ўзига қочмоқчимен, қўлидаги ўқ-ёйини тортиб олмақчимен. Бир фойдаси — ишонч қозонамен, иккинчиси — юртни қўлга киритамен...

Ҳожи барлос жиянининг қайсару ўжар, бир сўзлик эканлигини яхши биларди. Уни аҳдидан қайтариш муаммолардан бири ҳисобланарди. Амир ўйланиб қолди. Шу пайт Темурбек яна сўзга оғиз очди:

— Агар юртимизни омон-эсон сақлай олсам, сизгада! Қайтганингизда ўзингизга топширамен. Ётлар қўлига тушмасун деб, ташвишдамен холос...

Бу гап Ҳожи барлосга ёқиб тушди.

— Майли, жиян, розимен! Бу гапингиз ота ўғли гапи бўлди! Сиз шу ерда қолингиз бўлмаса, Темурбек, юртдан кўз-қулоқ бўлингиз!..

Бирдан Туғлуқ Темурхоннинг Бекчик, Ҳожибек Эркинит ва Улуғ Туктемур кераитларни Жетанинг бошқа амирлари билан уч қўшин қилиб Мовароуннаҳр мамлакатини талон-торож айлаш учун юборганлиги, ўша уч қўшин Ҳузур деган жойга келиб тушганлиги хақида хабар келди. Темурбек хонга боришдан олдин илгари бу очқўз амирларни мол-дунё билан алдаб, юртни қатлу қоратдан қутқариб қолишга аҳд қилди. Босқинчи амирларнинг назарлари очлигига яраша кўнгиллари ҳам тор бўлганлигидан, совға-соврун йўсинда уларга берилган хар хил тансиқ моллар кўзларига кўп кўринди ва Мовароуннаҳрни талаш ниятидан қайтдилар.

Туғлуқ Темурхоннинг аскарлари Шахрисабзни босганларида Темурбек хон ҳузурига кириш чорасини қидир-

ди. Олтин узангили тулпор, тилло тугмали чоркаб, нилгун чин атласидан тикилган зарбофт кантара ва дуру забаржадлардан совға-салом тайёрлади. Барлос кабиладан чикқан ўткир кўзли бу йигит Туғлуқ Темурхонга маъкул келиб қолди. Темурбек баланд бўйли, чорпахил, калласи катта, овози кучли бир йигит эди. Унинг катта шижоат эгаси эканлиги, жасуру қўрқмаслиги шундоқки-на кўриниб турарди. Жуда кўп амирлар хонга рўбарў бўлолмайд кочиб қолишганида, йигирма беш ёшли бу амир итоат камаридан белин бақувват қилиб хон хузурига келиши таҳсинга лойиқ эди. Туғлуқ Темурхон унга Шаҳрисабз туманини топшириб деди:

— Менинг Мовароуннаҳрдаги қулимсен, Темурбек! Қулим демаймен, қўлимсен! Сенга амирлашкарликни муносиб кўрурмен. Унга ёрлиғу аҳднома топшурунг!

Темурбек ўрнидан шарт турди-да, қўл қовуштириб таъзим қилди:

— Хизматингизга бел боғлогонмен, хон ҳазратлари!..

Шу пайт хонга ҳалиги уч қўшин амирлари ерлик халқдан соврунлар олиб, толон-торожни тўхтатибдилар, деган хабарни етказдилар.

— Очофатлар, мол бандалари! — ғазаби қайнади Туғлуқ Темурхоннинг. — Барча молларни қайтариб олинсун! Амирларнинг ўзлари мартабаларидан мосуво этилсун! Бундан буён улар Мовароуннаҳрга киритилмасун!

Темурбек мамнун эди.

Туғлуқ Темурхон Мовароуннаҳрдан қайтгач, у ўз хокимиятини мустаҳкамлаш қайғусини чека бошлади.

Даставвал, хос лашкар тузишга уринди. Фақат Шаҳрисабзда эмас, ўзга шаҳарларда аҳвол нечук эканлиги билан қизиқди. Туркистонда харжу марж¹ авж олган бир даврда ўз-ўзинга эҳтиёт бўлмоғинг лозимдир. Ҳар жойда қулоғинг бўлмоғи керак. Темурбек мамлакатдаги сиёсий вазиятнинг томир уришини билиб туриш мақсадида турли шаҳарларга тинғчилар, қуловузлар² юбора бошлади. Қарши, Бухоро, Балх, Самарқандда не корхол экан? Балхга йўлланган тинғчидан нохуш хабар келди: Амир Қозоғоннинг набираси Амир Ҳусайн ўз амакиси Абдулла ибн амир Қозоғоннинг тахтига чиқиш

¹ Харжу марж — анархия маъносига.

² Тинғчи, қуловуз — жосус, агент маъносига.

учун бош кўтарган эмиш... Балки бу унчалар ҳам нохуш хабар эмасдир, яхшиликкадир... Чунки Амир Хусайн Мовароуннахр тахти меросхўри... У билан ҳисоблашмак лозимдур. Бошбошдоқлик замонида бу чора заруриятга айланмоғи шубҳасиз. Ёраб, хар касабаяу депарада албатта бир беномус салтанат икболи ишқида куйиб ёнади. Амир Баён сулдуз Самарқандда майхўрлик дарёсига мустағрик бўлди. Улжайту сулдуз тахт ва ғурур хавасида бесамар хаёлларга эрк берди. Амир Боязид жалойир Хўжандда ҳукмронлик даъвосидан тийила олмади. Муҳаммад Хожа опардий Шибирғонда ўзини Оллоҳнинг ердаги сояси хаёл қилди. Амир Хизир Яссовурий Хисори шодмонда ўзбошимчалик йўлини тутди, Бадахшон шоҳи эса Кўхистонда... Алғов-далғов шундай бир пайтда Темурбек Амир Хизир Яссовурий билан Туғлуқ Темурхонга қарши пинхоний иттифоқ тузишга улгурган ҳам эдики, Амир Хусайндан чопар келиб қолди. Мовароуннахр тахти вориси мамлакатдаги бебошвоқларга қарши курашда уни иттифоққа чақириб нома битибди...

Хасан чиноқ йўл бермаган Аббос баҳодир ҳам Темурбекнинг ишонган тинғчиларидан бўлиб, унинг чекига Самарқанд тушган эди.

— Ўзингни меҳмонинг қаердан экан? — деб сўради Хасан чиноқ Ахий Жаббордан, Абу Бакр Калавийга ишора қилиб.

— Меҳмон атойи худо, меҳмон деб жоним фидо! — деди Ахий Жаббор. — Меҳмон, хўш... Ўзимизнинг самарқандлик экан...

Орага жимлик чўқди. Жимликни фақат тўрт одамнинг қадам ташлашигина бузар эди. Энди бўлса Қавола мавзеи томонда қандайдир чақалоқнинг бивиллаган овози ҳам кўшилди. Шундай бемаҳалда чақалогини бўзлатиб қўйган она қандай она экан-а! Абу Бакр Калавий куйиб-пишиб йиғлаб ётган жиш гўдакни кўз олдига келтирди. Бечора гўдак! Дунёда чақалоқнинг зорланиб йиғлашидан оғирроқ нарса йўқ... Қизиғи шунда эдики, чақалоқ ўқтин-ўқтин йиғлар, бир йиғлаб, бир тўхтарди. Абу Бакр Калавий бирдан алданганини билиб қолди. Бивиллаётган нарса чақалоқ эмас, балки тун-кечада мов бўлиб жуфтини қидираётган мушук экан, ростдан ҳам бу икки овозни дабдурустдан ажратиш қийин. Абу Бакр Калавий енгил торғди.

Жомеъ масжидининг ёнида липиллаб турган хира фонус тобора яқинлашарди. Фонуснинг хира шуъласида кимлардир ивирсиб юрарди. Абу Бакр Калавий масжид олдида, шундоқ майдон четида қайдандир топилган учта эски сандик бир-бирига қалаштириб қўйилганини кўрди, унда аллаким савлат тўкиб ўлтирарди. «Шахриёр деганлари шу бўлса керак!» — хаёлидан ўтказди Абу Бакр Калавий. Дархақиқат, сандиклар устида салобат билан қур тўкиб ўлтирган одам — Тун салтанати подшоси Шахриёр эди. Бошида дубулға шаклидаги латта қалпоғу эгнида етмиш ямоқ мағрибий намат тўн, қўлида ичига қўрғошин солинган таёқ. Шахриёрнинг икки ёнида икки киши посбонлик киларди.

Абу Бакр Калавий Ахий Жабборнинг Тун салтанати хақидаги гапларига ҳайрон бўлиб, бундай салтанатни эшитмаганини айтганди. Ростдан ҳам бир кечалик бу салтанат кўпчиликка номаълум. Салтанат ҳар кеча хуфтон намозидан бомдод намозигача ҳукм суради. Салтанат деганимиз, варибу ғурабо, йўқсил кишиларнинг камтарин жамоаси бўлиб, уни биров атайдан уюштирмаган, балки тақдир тақозоси билан ўз-ўзидан йиғилган бир издиҳом. Салтанат фуқароларининг айримлари кундузи шаҳарнинг ҳар турли мавзеларида тиланчилик қилишар, кўплари эса мардикорликдан пул топишар, хуфтондан кейин салтанат пойига тўпланишиб, топган-тутганларидан подшога ҳисоб айлаб, вазир қўлига топширишарди. Сўнгра Шахриёр буйруғи билан йиғилган жамалға барча фуқаролар орасида баб-баравар тақсим қилинарди.

Адолатли бу салтанатда тартибот ҳам шунга яраша каттиқ эди. Улар тунда шаҳар осойишталигини сақлашни ўзларининг бурчи деб билишарди. Шу сабабдан саккиз кўчага саккиз кўрикчи қўйилар, кўрикчилар ҳар куни алмаштириб турилар, тунда ёмон ният билан юрган кишилар учраса тутиб Шахриёр ҳузурига олиб келинарди. Уларнинг ҳалол ва поклигига ишонч пайдо бўлгандагина, истаган жойларига ўтказиб юбориларди. Бир марта Жета хонининг жосуси қўлга тушди. Жосуснинг айби бўйнига қўйилгач, жаллоднинг қўлига топширилди, у шу майдонда қатл этилди.

Фуқаро кўпчилиги оддий, олақуроқ одамлардан иборат, дунёда ҳеч кими йўқ кимсалардан ташкил топган-

ди. Қарзини узолмай хонавайрон бўлган дехқонлар, бозори синган ношуд савдогарлар, боболари тахтидан мосуво, бор давлати олис, ўтмиш хотираларидангина иборат шўрлик амирзодалар, дунёдан қўлини ювиб қўлтиғига артиб қўйган ҳар тоифа кишилар ҳам фақирлик жандасини эгнига илиб бу салтанат фуқаролигини энг олий мартаба деб тан олган эдилар. Шаҳриёрнинг ўзини Хоразмшоҳлар авлодидан дейишарди, гўё унинг насаби Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ўғли Жалолиддин Мангубердига бориб тақалар эмиш. Лекин бу ҳақда Шаҳриёрнинг ўзи гапирмас, афсона фақат фуқаролар оғзида эди.

* * *

Ахий Жабборлар салтанат пойига етиб боришганида, кундузи тўпланган жамалға тақсимоти охирида қолган экан. Новча, калласи нокка ўхшаб кетадиган вазир Насафий Шаҳриёрга деди:

— Валинеъмат шаҳаншоҳим! Салтанатингизда бирон-бир фуқаро қолмадики, ул ўз насибасини олмаган бўлсин. Ҳатто ёши бир жойга бориб уриниб қолган Чигатойхонга ҳам чорак чакса сўк толқон берилди. Энди сўнгги нарса қолди: фуқаронгиз Бобо Султон бир мис узукни қўлга киритибдир...

— О, бароят улуғ иш бўлибдур, бағоят улуғ! — Шаҳриёр мамнун деди. — Холикберди кизини жуфту халолига узатмакчи. Бас, келинга зийнат бўлсин!

— Бўлсин! — Атрофдан шодмон овозлар ёрилди.

— Адолатли пошшомиз омон бўлсин! — деди кимдир коронғилиқдан.

Абу Бакр Калавий овоз чиққан томонга қараган эди, ҳеч кимни кўриб бўлмади.

— Шаҳриёримизнинг салтанати буюқдир! Ким келса ҳам, агар у Рустами Достонми, Соми Наримонми, Исфандиёри Рўйинтанми, Афросиёби Жаҳонми, Алпомиш паҳлавонми, келаберсин! Ким келса ҳам келган изига ернинг устидан эмас, тагидан қайтади!

Майдонни кийқирик, сурон босди. Сўнгги гапни Ахий Жаббор айтди. У Ҳасан чинок иккиси қўриқчилардан ҳисобот талаб қилинишини бир четга боодоб кутиб туришарди. Ҳали бунга фурсат етмаган эди.

— Холикберди! — кироат билан деди вазир Насафий.

— Лаббай, вазири аъзам! — оркарокдан синик бир овоз эшитилди. Оз ўтмай Холиқберди тахт пойига чиқиб келди, бу ёши олтмишларга бориб қолган озиб-тўзган бир одам эди.

— Кани, бу узукни ол-чи! Қизингга буюрсун!

Холиқберди титрок қўллари билан узукни олди. Ташаккур айтмоқ учун Шаҳриёр томон ўгирилаётганда, фонус унинг суяклари туртиб чиққан кичик юзидан оқаётган кўз ёшларини ялтиратиб юборди.

— Бахтимизга Шаҳриёр салтанатини бардавом қилсун! Бу мис узук биз учун тилло узуклардан ҳам аъло-рокдир...

Холиқберди таъзим билан ортига тисарилди.

— Хай, эшитдингларми? — деди Соҳиб Чангал деган фуқаро. — Амирзода Абдулланинг кор-ҳоли не кечганини?

— Нима бўлган экан?

— Тахт учун курашда Баён сулдуз билан Ҳожи бар-лос тарафиндан аспалосопилинга жўнатилди! — овоз май-доннинг ичкарасидан келди. — Шуни айтаётирмусен?

— Йўқ, уни айтмаётирмен! Амирзоданинг тахтга ўлтирганида юз берган жуда ғаройиб ҳодисани сўйлаб бермакчимен! — Соҳиб Чангал айтмоқчи бўлган ҳодиса баҳосини ошириш ниятида эди. Кўпчиликни оғизга қаратмоқ ҳамманинг ҳам қўлидан келабермайди. Соҳиб Чангал эса буни уддалай оларди, у оломонни кизиктириб қўйиб, ўзини сукутга толганга солди. Оломон хаваси баттар оловланди: ажабо, ғаройиб ҳодиса не экан? Ҳар томондан овозлар ёғила бошлади:

— Амирзоданинг тахтга ўлтириб қўйганидан сўз очар-мусен? Хо-хо-хо! — деди йўғон бир овоз. — Тахтга ўлтирганлар нечта.... Мана, амир Абдулла тахтга ўлтириб қўйибди, қўйлаклари ҳам булғанибди. Кейин қўйлакни турмаклаганча иштонсиз қочиб қолибди, душман яқин экан-да! Мана сизга ғаройиб ҳодиса! Отилмаган сопқон ҳам бошга тегади, ҳам кетга...

Абомуслим деган фуқаронинг бу гапидан ҳамма мароқланиб кулди. Соҳиб Чангал Абомуслимнинг ясама гапидан қанотланмади, кизик гап айтишда Шаҳриёр олдида мен билан обрў талашяпти, деб ўйлади. Оломонни тутиб турган тизгин қўлдан кетаётганини сизди. Суку-

натни ортиқроқ қилиб юборди, чамаси. Аммо тагин оғиз очишга улгурмади.

— Жуфтакни ростлаши лозим эди, — деди ғариб-гураболардан бири Сукрот чийиллоқ овоз билан.

Ҳамма жим бўлиб қолди. Сукрот гапирганда ҳамма жим қолишининг сабаби бор. У чиройли гапирар, лекин кам гапирганидан ҳамма унинг сўзлашига ишқибоз эди, у донишмандлиги ва билимдонлиги билан ўзгалардан ажралиб турарди. Сукрот илгари Усрушона томонда бир мадраса мутаваллиси бўлган экан.

— Мисрлик уламо, фозиллар фозили, — давом этди Сукрот кироат қилиб, унинг гапираётганлари ғирт ёлғон эканлигини барча билиб турар, аммо гапнинг андоми келишганини кўриб бу ёғини кечирар эди. — Оқиллар оқили Ибн Махжурий, жойлари жаннатдан бўлсин, ўзининг «Тарихи Махжурий» рисоласининг тўртинчи фасл, ўттиз саккизинчи саҳифасинда пастдан ўн иккинчи қаторда ёзмишларки, душман бостириб келганда орқа-олдига қарамай қочсунлар, демишлар....

Кулгу кўтарилди.

— Хўроз товукни қувиб бораётган эмиш. — Ҳасан чивок сўз қотди. — Товук айтар эмишки: «Мабодо тез қочиб бормаётганмиканман...» деб. Хўроз айтар эмишки: «Жуда тез қувиб бораётганим йўқми? Етиб олсам нима қиламан!..» деб...

Тагин ҳамма гуриллаб кулиб юборди. Шу пайт улоқни бой беришига сал қолган Соҳиб Чангал овози борича қичқирди:

— Қочиб қолганини айтмоқчи эмасмен! Мунақа чақага ҳам арзимас гапларни гапирмаймен! Бошқа нарсадан сўзлаймен! Ҳаммангиз биласиз, Амир Абдулла тахтга мингач, Чингизхон таомилига кўра Баёнқулихонни мамлакатга қўғирчоқ хон қилиб қўйди. Баёнқулихон номига хон бўлганидан қиладиган юмуши йўқ экан. Ниҳоят бир юмуш топибди: Амир Абдулланинг завжаси билан дон олишибди!..

— Яхши дон бўлса керак-да! Хо-хо-хо!

— Лалмикор ерларда ўсган бўлик, таранг дон... Хо-хо-хо!

— Донмисан дон, де? Дона-дона дон! Воҳ, воҳ!

— Унча-мунча тегирмон эолмаса керак бундай донни, хо-хо-хо!

— Алкисса, — давом этди мамнун Соҳиб Чангал. — Амир Абдулла буни билиб қолибди... Билиб қолиб.... Баёнқулихонни қозикқа ўтказдирибди! Кейин шу қозикқа хотинини ҳам ўтказдирибди... Вассалом!

— О..О..О..! — деб юборди оломон афсус ва надомат оҳангида.

— Бу кечаги гап, бугунгисидан эшитайлик! — деди Бобо Султон барчанинг диққатини ўзига тортиб. — Мўғул хони Туғлуқ Темурхон тавин юртимизга бостириб келмакда!

— Оббо, лаънати-ей!

— Жета хони ўлмади, биз қутулмадик!

— Мен, мўғул хони юртимизга бостириб келмакда, деб хато қилдим, ўтган гапни айтдим, — деди Бобо Султон. — Бостириб келиб қайтиб кетаётир ҳам!

— Оббо, падари қусур-ей! Келишга-ку келибсан, менга учрамай кетмайсанми! Кейин таъзирингни ейсан-ку, нодон!

Гурр этиб кулгу кўтарилди.

— Баён сулдузнинг қочиб қолганини эшитувдик, — деди яна Бобо Султон. — Туғлуқ Темурхоннинг келишини олдиндан билган экан.

— Ибн Махжурийнинг китобини яхши ўқиб олганда! — деди кимдир Сукротнинг гапини эслаб.

— Э, ўқиш ҳам гапми! Бошига қўйиб ётади!

Яна кулгудан майдон ларзага келди. Абу Бакр Калавий ҳузур қилиб кулди. У Баён сулдуздек сиёсий воқеаларда шабқўр ва бефаҳм амирларни кўп кўрган. Шундай паллаларда у, ҳар доим ҳам ҳаётнинг посангиси бўлавермаслигини, халқ — улус, юрт, мамлакат тақдири мана шу Баён сулдуздай фақат ўзини, ўзининг айшишратинигина ўйлайдиган, ундан бошқасига зигирча ҳам ақли етмайдиган бефаросатлар қўлига қолганлигидан ўқсиб кетар эди. Афсус...

— Туғлуқ Темирхоннинг Мовароуннаҳрга боғ қайтганини эшитган амир Боязид жалоийр хон истикболига пешвоз чиқибди. Хўжанд амирининг илгари хоинлик қилгани мўғул хони эсида турган экан, Амир Боязид жалоийрнинг бошини олишга фармон берибди.... Бундан хабар топган Шаҳрисабз ҳокими Ҳожи барлос, — давом этди Бобо Султон. — Мўғул хонига пешвоз чиқаётган

еридан шартта ортига қайтибдир ва Хуросонга кочи-
дир...

— У ҳам Ибн Махжурий китобини ўқиган экан-
да, — деди Шотабиб отлик фукаро. — Жуда бу китобни
ёқтирганлар кўп чиқиб қолди-я...

Бобо Султон қизиқ гап айтиб обрў орттиришда ўзғир-
лик қилди. Соҳиб Чангал билан Абомуслимлар ҳам оғиз-
ларини очиб қолишди. Аввалан, у ҳаммани ўзига мах-
лиё қилиб олди, хали гапининг эса ярмини ҳам айтиб
улгургани йўқ. Унинг устига Соҳиб Чангал гапирганда
ҳам, Абомуслим гапирганда ҳам лом-мим демай ўлтирган
Шаҳриёр, икки марта сўз орасида: «Баракалла, кейин
нима бўлди?» деб қўйди. Бобо Султон авжда эди:

— Туғлуқ Темурхон Амир Ҳусайнни қувиб Вахш
дарёсигача борибдир. Шу мухорибада Амир Ҳусайн мағ-
лублик жандасини эгнига илиб, Қандаҳорга кочибди.
Мовароуннаҳр Жета қўл остида ўтибдир.....

— Зўрники тегирмон юргизибди! — тўнғиллади ким-
дир.

Оломон қаттиқ ҳаяжонга тушди. Бу гап ростдан бар-
ча учун ҳам янгилик эди.

— Энди, — деди Бобо Султон. — Охирги гап: Мова-
роуннаҳрнинг янги ҳукмдори Туғлуқ Темурхон ўғли Илёс-
хўжа бўлади, билиб қўйинглар!

Бобо Султон бу гапларни қаердан билибди, улар
рост гапларми ё тўқиб чиқарилганми — бу хусусда оло-
мон ичида ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа туғилмади. Ҳам-
ма Бобо Султонга ишонарди, чунки у салтанатда мана
шундай янгиликлар жарчиси, соҳиб ул-хабар сифатида
от чиқарганди. Бобо Султоннинг ўзи бундай янгилик-
ларга ишкибозлигидан, доимо мусофирлар атрофида ўра-
лашиб юрарди. Уззукун унинг юмуш ўрни Наддофлар
кўчаси билан Кулоллар кўчаси ўртасидаги карвонсарой
эди. Дунёнинг барча карвонларига жой топиб бера ола-
диган, аммо биронтасини ҳам ўз бағрида олиб қолишга
қурби етмайдиган бу фаройиб маконда бир дирҳамни
тўрт дирҳамга айлантириб олмак илинжида юрган ва
топмак ўрнига, охир-оқибат ўша дирҳамдан ҳам айрил-
ган Басраю Яман, Бағдоду Димишқни кўп марта кезиб
чиққан савдогарларни, мусулмонлик фарзи ҳам қарзини
бажо келтирмак мақсадида Маккаю Мадина азиматини
дилга туккан такводорларни, илму рўшнолик деб Қус-

тантияю Қохирага бормакка бел боғлаган толиби илмларни учратиш мумкин. Дунё кезган одамларда, шубхасиз, янги гаплар кўп бўлади. Бобо Султон ана шундай ерларда кўп кезар, сорбонларга ёрдам берар, юк-пукларни ташишар, эшитган кизик гапларни қулоғига қўрғошиндай қўйиб оларди. Бу унинг энг севган, ардоқлаган машғулоти эди. Янги топган гапларини айтганда, у атрофдагиларга разм солиб турар, агар сомелар хайратга тушса ёки хаяжонлана бошласа, ниҳоятда роҳат қиларди. Хозир ҳам шундай бўлди. Айниқса, Шаҳриёр унга яна бир марта «Боракалла!» деганидан кейин, ёш боладай қувониб кетди. Одатда, у билмаган ёки эшитмаган гап қарийб учрамас, бирон янгилик ҳақида сўз кетса «Ким айтди?» деб сўрашар, Бобо Султон айтганини билганларидан кейин, бу гапнинг рост-ёлғонлиги ҳақидаги ҳар қандай баҳс ўз-ўзидан тўхтарди.

* * *

Шаҳриёр тахтда ўлтирганча гапларга унча қўшилмасди, ахён-ахёндагина Бобо Султонга муносабат билдиргандай бирон нима деб қўярди. У фуқаронинг эркин сўзлашувини ёқтирар, шундан бўлса керак, ҳамма бемалол дилидагини айтишдан чўчимас, аммо ҳеч ким Шаҳриёр ҳузурида чандиқ ибораларни оғзига олмас эди.

— Маъзур тутгайсиз, пошшойим! — деди бирдан вазир Насафий хижолат оҳангида, деди-ю гапни давом этдира олмай жим қолди. У ниманидир Шаҳриёрга маълум қилмоқчи бўлар, аммо журъат этмасди. Шаҳриёр вазирнинг иккиланганини сездди.

— Не бўлди, вазири аъзам? Хижолат чекмай, сўйласунлар! — Шаҳриёр бепарво деди. Насафий томоқ қирган бўлди, халигина гувиллаб турган майдон ҳам тинчиб қолган, ҳамма Бобо Султон янгиликларидан ҳам бошқачароқ бир синоат борлигини фаҳмлар, унинг ноҳушлиги кўнгилларни сиқар эди.

— Афсус-надоматлар бўлсинким, фуқароларингиздан бири гуноҳи азимга юз тутибдир...

— Нечук гуноҳ экан? — Шаҳриёр вазирга синчков тикилди.

— Айтар эдим-ку, айтмакка тил айланмайдир... — Насафий жим қолди. — Тил айланмайдир... Бир қошиқ қонимдан кечасиз...

Шахриёр хушёр тортди. Ажабо, нечук гуноҳ эканки, уни айтмакка тил айланмайдир? Шахриёр билан вазир ўзаро сўзлашаётганларида одатда барча хурмат юзасидан сукут саклаб турарди. Ниманидир очик айта олмай хижолат чекаётган вазирнинг ҳолати ростдан ғариб эди, буни Абу Бакр Калавий ҳам сезди. Барчасини жим қузатиб турган Аббос баҳодир назарида эса, бу салтанатнинг барча тутуми бир ўйиндай туюларди. Сарой аъёнларига хос бўлган ширин мулозимату муомалалар, серилтифотлилик, сўзлашувлардаги дабдабозлигу курук хашам унинг гашини келтира бошлади. Бари саройни масхара қилишдан бошқа нарса эмас!

— Кечдим, айт! — деди Шахриёр.

— Қамариддин деган бир гадо жуда ҳам оғир гуноҳ қилибдир.... Гуноҳки, салтанат шаънига доғ бўлиб тушадиган гуноҳ... — Насафий бир томоқ қириб олди. — У ҳалол тиланчилик қилмак ўрнига қинғир йўлдан борибдир, ўғрилиқ йўлига қириб кетибдир...

Бу гапни эшитган оломон бир чайқалиб олди:

— Бечора адашибди-да!

— Чикаринг ўртага, қани кўзимизга бир қарасин!

— Бундай малъун ҳаромхўрга орамизда жой йўқ!

— Нима бўпти ўзи?..

— Халойиқ, ўзингизни босинг! — деди Насафий. — Воқеа бундай. Бозор ичида бедана уриштиришаётган эканлар. Иккита бедана, биттасини кал бедана дейишди, жанг қилишибди. Жанг қизигандан қизибдики, бозорда ҳамма шу ёққа талпинибди. Қамариддин беданалар жангини кўраман деб, одамлар устидан бўй чўзиб, бутун фикр-хаёли беданаларга кетган бир киши чўнтагида боғичининг учи чиқиб турган ҳамённи илғабди...

Майдон жим бўлиб қолди. Насафий давом этди.

— Қамариддин атрофга аланглабди, қараса, ҳаммининг кўзи потир-потир қилаётган беданаларда... У ёғини, мана, Ҳасан чиноқнинг ўзи гапирсин, шу воқеа устидан чиқиб қолган, ўғрини ўз жойида тутган...

— Фақат мен эмас, Шотабиб оға ҳам кўрди, — деди Ҳасан чиноқ турган жойидан. У «Аббос баҳодирдан ҳам бохабар бўл!» дегандек Ахий Жабборга бир қараб кўйдиди, аста тахт пойига чиқиб келди. Агар шу палла қўйиб юборсалар ҳам Аббос баҳодирнинг кетмаслигини у билмасди.

— Ҳамма бедана жангига караган... Қамариддин ҳалиги одамнинг чўнтагидан ҳамённи аста суғуриб олди. У шокила боғичли ҳамённи гижимлаб-гижимлаб кўрди, ниманидир шилдирагани эшитилди. Шу пайт Шотабиб оға келиб қолди, дори-дармонга гиёҳ қидириб, бўзбозорга борган экан. «Анавини қаранг!» — дедим. Шотабиб оға кўриб: «Хонавайрон бўлибди, шўрлик...» деди. Бор гап шу.

— Ҳамён нима бўлди? — кимдир оломондан кичкирди.

— Эгасига қайтариб бердик...

— Шотабиб! — деди Шаҳриёр. — Шотабиб қани?

— Қулоғим сизда, Шаҳриёрим!

Шу пайт оломон ичидан котмадан келган, баланд бўйли бир одам ажралиб чиқди. Бу Шотабиб эди, у бошига оқ латтадан қулоҳ кийиб олган, эғнидаги оқ яқтаги ҳам беш-олти баҳорни кўриб қўйганлиги билиниб турарди. Шотабиб қаддини тик тутиб юрарди.

— Салтанат солимлиги посбони не дейдилар?

Абу Бакр Калавий Шаҳриёрнинг муносабатига қараб, ҳам ўзини эркин тутишидан Шотабибнинг салтанатда нуфузи баланд эканлигини сизди. Бир шаҳарда яшаб туриб, бу шаҳарда Шаҳриёр, Ахий Жаббор, Ҳасан чинок, Бобо Султон, Шотабиб каби ажойиб одамлар ҳам истикомат қилишларидан беҳабарлиги уни ҳайратга соларди. Қулолу темирчилар, қандолатчию наддофлар ичидан ўзига ҳамфикру ҳаммаслик қидирган Абу Бакр Калавий учун бу антиқа салтанат янги олам бўлди. «Мана сарбадорлар жамоасининг ишончли тирақлари!» — деди ўзига-ўзи ва бу фикрдан кўнгли бениҳоя ёришиб кетди.

— Салтанатда барча соғ-саломат, — деди Шотабиб. — Фақат Чиватой носоғдир. Энди унинг дарди бедаводир, у кексалик дардига йўлиққан...

— Ҳасан чинок гапига не дейдилар? Қамариддиннинг шундай ғаламислик кўчасига бош суккани ростмудир?

— Афсуски, ҳақ гап...

Шаҳриёр уч бор қарсақ чалди.

— Жаллод!

Тахтнинг чап томонида фонуснинг хира ёруғида уч киши бўлиб, биттасини қолган иккитаси қўлтиғидан тутиб турарди. Шаҳриёр: «Жаллод!» деганидан сўнг, ўрта-

даги жиккаккина одам кутулмоқчидай ҳар томонга силтана бошлади. Бироқ темир қўллар маҳкам ушлаб олишганидан, бечора икки қулоғидан тутилган қуёндек тирчиларди, холос. У энди йиғлашга тушди: «Шаҳриёрим, шафқат қилинг! Карамингиз кенг!» деб қўярди йиғи орасида. Кимдир оломон ичидан:

— Кўз ёшингни тий, Камариддин! Эркак учун кўз ёши ҳар қандай исноддан ёмон! — деди нафрат билан.

Камариддин ҳамон силтанар, ўзини тахт пойига ташлашга уринар, бундай қора ишлар олдида ҳамиша меҳрибону мушфик калби нақ Зомин тоғларининг заранг тошига айланиб кетадиган Шаҳриёрдан раҳм-шафқат тиланар, барининг беҳудалигини билса ҳам, тўхтаётган олмас эди.

— Пичоғимнинг тиғи ялтиллади, қиличимни олсам қилтиллади! Амрингизга ҳозир мунтазирдирмен!

Бу жаллод овози эди. Унинг кийими қоп-қоралигидан, ёнгинада турса ҳам Шаҳриёр уни илғамаган экан. Салтанатда жаллодга тегишли ишлар юз бермаганига ҳам хийла вақт бўлди. Шаҳриёр охири марта жаллоднинг кимга жазо берганини эсламак ниятида ҳарчанд уринди, эслолмади. Уртача бўйли, миктидан келган жаллод гўё хали қилмаган иши учун олдиндан мотам либосига бурканган, у машъум туннинг одам қиёфасидаги кўринишими ё тун унинг қора қўнгли инъикоси, тажасумими? Уларни бир-бирдан ажратиб олиш мушкул эди, жаллод-тунми, ё тун-жаллод?..

Абу Бакр Калавий бир нарсага эътибор қилди: бошдан-оёқ оқ кийимда бўлган Шотабиб билан қоп-қора кийимдаги жаллод икки мангу кучлар тимсолига ўхшаб кетди. Дунёни тутиб турган икки куч — оқ билан қора деб аталувчи икки олам, бу — эзгулик билан ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, Ахурамазда ва Ахриман.... Бирининг касби оламини соғайтириш, умрига умр бериш, ўзгасиники эса аксинча, жаҳон боғини ҳазон қилиш, тирлик дарахти — инсонни илдизидан қуритишдир...

— Қазо ўқи қадалса қандай қалқон чидади? — деди Шаҳриёр беихтиёр. Кейин Насафийга ўгирилди: — Салтанат фуқаролари шаънига доғ туширган нокас ҳамёни қайси қўли билан олибдир?

Насафий аввал Хасан чиноққа қаради, кейин Шотабибни қидириб қолди. Кичик пешонасини кафти билан артди-да, Камариддинга ўгирилди:

— Хамённи қайси қўлинг билан олувдинг, Шахриёр сўраяптилар... Жавоб бер, эсини еган, бадбахт!

— Шу қўлим билан, — деди инграниб-синграниб Камариддин ва ўнг қўлини кўрсатди.

— Камариддин салтанатда нопок ишларга дилхоҳлик қилди, филхак фуқаролар шаънига доғ бўлиб тушадиган жиноятга қўл урди. Уғрилиқ — инсонга харомдир, исноддир. Халоллик — кўнгил кўзгусидир, инсоннинг бирдан-бир юрадиган тўғри йўлидир. Ошингни халол қилиб кўчада ич! — Шахриёр бир лаҳза тўхтади-да, кенг майдонга назар солди. — Фуқаро! Камариддин хамённи ўнг қўли билан олибдур. Адолат қиличи кесган қўл оғримас. Уғрининг ўша ўнг қўли кесиб ташлансун!

Хамма оҳ тортиб юборди. Камариддиннинг ингрок саси ададсиз оҳ садолари ичида кўмилиб кетди. Бир қарашда тепса-тебранмас, суст, оламни сув олса тўпигидан келмайдиган бўлиб кўринган жаллод жуда чакқон чиқиб қолди, у тахтдан йигирма кадамча наридаги устига латта-путта ташлаб қўйилган кундага томон юрди ва Камариддинни жазога қандай тайёрлаш борасида кўрсатмалар бера бошлади.

Камариддинни ерга юзтубан ётқиздилар, ўнг қўлига илмоқ қилиб арқон солдилар-да, қилич тушаётганда Камариддин тортиб олмасин учун кунда устидан таранг тортиб боғлаб қўйдилар. Камариддиннинг қўлтиғидан ушлаб келишган одамлар энди унинг икки оёғига ўтириб олдилар. Унинг юзи қарийб кундага тақалиб қолди. Сарик ёзнинг дим ҳавосида кизиби кетган кунда, усти текис қилиб рандаланганидан, тутнинг тўнгагими ё жийданики, билиб бўлмасди, чириган ёғочнинг ҳидига ўхшаш нафасни бўғувчи бир қўланса хид таратарди. Кўнгли ағдарилган Камариддиннинг тоқати тоқ бўла бошлади, бошини кўтармоққа таранг арқон йўл бермасди.

Мана, даҳшатли лаҳзалар ҳам етиб келди. Жаллод қўлига қиличини олди, аввал унинг тиғини текширди. Бир кадам ортга чекинди-да, ўзича нималарнидир пичирлади. Сўнг икки қўлини очиб:

— Оллоху акбар! — деб хитоб қилди ва Камариддиннинг қўлини мўлжаллаб зарб билан қилич солди! Шўрлик гадо оғрик азобидан «Вох!» деб чинқирганча ўзидан кетди. Бу сафар унинг овози хамманикини босиб тушди, Самарканд тунининг қаър-қаърларини ҳам инг-

ратиб юборди. Билакдан шарт кесиб ташланган кўл панжасини очиб-ёпиб арқонни бир-икки силтадию тиниб қолди...

Қамариддиннинг фарёди Абу Бакр Калавий қалбини ҳам поралаб ўтди. Тун салтанатида бўлаётган ишларни шунчаки бир ўйин, ғариб кишилар кўнгилхушлиги-да, деб ўйлаган Аббос баҳодир жаллоднинг расмана берган жазосидан таажжубда қолди. «Салтанат бошқача бўлмоғи мумкин эмас. Фаройиб салтанат экан», — деди у ўз-ўзига ва салтанатга ҳурмати ортганини сезди.

Бир неча лаҳза ўтдими-ўтмадими, ҳамма Қамариддинни унутди, фақат Шотабибгина оғриқдан ғужанак бўлиб ётган беҳуш гадо атрофида куймаланар эди...

* * *

— Салтанат сарҳадида не ҳол экан? — Шаҳриёр вазирдан жавоб тилади.

Ҳамма жим бўлиб қолди.

— Осойишталик, пошшойим! — деди Насафий, сўнг тахт пойига посбонларни чорлай бошлади.

Энг аввал Абу Бакр Калавий билан бир четда турган Ахий Жаббор маълумот берди:

— Бозоркўча посбони Ахий Жаббор ҳузурингизда!

— Қаландархона кўчаси посбони Ҳасан чиноқ ҳузурингизда!

Кетма-кет чиқиб келган посбонлар Ахий Жаббор билан Ҳасан чиноқ ёнига сафга тура бошладилар. Жамоат жамлигини кўргач, Шаҳриёр посбонларга бир назар ташлаб, сўзга оғиз очди:

— Салтанат посбонлари! Сўйланг, ҳеч ким салтанатга тажовуз этмакни хаёл қилмадими?

Арқ кўчасининг посбони бир қадам олдинга чиқди:

— Менга топширилган мавзеда ҳеч воқеа содир бўлмади, Шаҳриёрим!

— Менинг посбонлигимда, — деб бошлади сўзини Ҳасан чиноқ, — бир киши учради. Шаҳрисабданмен, дейдир. Арқ кўчасига бормоқчи экан... Аббос баҳодир эмиш оти... Нечун келаётирсен, десам, буни пошшойингга айтурмен, деб чўғоллик қиладир...

«Арқ кўчаси бир баҳона эди, — деб ўйлади Аббос баҳодир. — Амирим тинғчи, куловуз сифатида умуман Самарқандга юборган. Мен эсам Самарқанддаги энг зўр

салтанатнинг қок ўртасига тушиб турибмен. Амиримга зарур сир-синаотни бу ердан бошқа жойда билмок мушкул. Шу билганларимни амиримга етказиб турсам кифоя килур...»

Шаҳриёр Аббос баҳодирга деди:

— Йўл бўлсин сенга, эй мусофир?

Шаҳриёрнинг ўзини бу қадар такаббуруна тутиши Аббос баҳодирнинг габини келтирди. «Фақирлигингни эсингдан чиқарма, ялангоёк!» — деди у ўзича, лекин шу ондаёқ лат еган иззат-нафс кўйига кириб кетиш катта хато эканлигини англади. У ҳозирги аҳволни ҳисобга олмаслиги мумкин эмас! Рўбарўсида турган гадо — Шаҳриёр, у-чи — Шаҳрисабз амири, Илёсхўжанинг амир-лашқари Темурбекнинг ардоқли валламатни эса-да, бу ерда, бир бечора асир, ғарибу нотавон...

— Шаҳрисабзданмен... Шаҳриёрим... — Аббос баҳодир кейинги жумлани оғриниб, қийинчилик билан айтди. У нима қилиб бўлса ҳам шу салтанатда қолмоғи лозим. Агар дунё сарватини берсалар ҳам ушмундоқ хорликка — Аббос баҳодир назарида, бу ҳолга тушмоқдан ортиқроқ хорлик йўқ, — чидаб бўлмас эди-ку, аммо амири Темурбекнинг сўзи унинг учун ҳар нарсадан улғудир.

— Подшойим! — давом этди Аббос баҳодир. — Мен бир дўкондор эдим... Шаҳрисабзнинг гавжум ерида катта дўконим бор эди. Савдо ҳам бир нави, ҳарқалай нолимагудек, бизга, ишқилиб, даромади буромадини қоплаб турса кифоя, ортиғи не даркор? Бирок мўғул хони келиб, ҳаммаёкни вора қилди, қирди, чопди, дўконимга катта солиқ солди. Буни қарангки, бир дирҳам ишласам икки дирҳам бермоғим лозим! Эшагидан тушови қиммат! Андек оғрингандек бўлувдим, дўконимни ёпдилар, борбудимдан айрилдим. Қимга дод деймен бу замонда. Кўрганларим ҳам ҳалво экан, ўз шаҳримда юролмайдим, ҳар қадамда кисти-қафас айлайдилар... — Аббос баҳодир нафас ростлаган бўлди. — Салтанатингиз доғруғи бизнинг томонларни ҳам тутган, фуқароликка мен бечорани ҳам қабул этсангиз деб келдим. Мени ҳам химо-ятингизга олсангиз...

— Вазири аъзам не дейдилар? — деди Шаҳриёр Аббос баҳодирнинг мунгли киссасидан таъсирланиб.

— Агар мусофир фуқаролик шартларига рози бўлса...

қабул этмоқ керак, даргоҳингиз кенг-ку, пошшойим! Хо-
навайрон бир бечора экан... — Насафий ачингандек де-
ди. — Мана кеча Термиз отадан келган бир ғарибни ҳам
фуқароликка қабул айладик-ку! Ундан олдин тошканд-
лик бир мискин қаторимизга кирди...

Шаҳриёр энди Аббос баҳодирга синчков тикилди.
Буюқда қолгандай қора мовут чакмон кийиб олган... қўли-
да каттагина узук... Шаҳриёрнинг кўзи беихтиёр мусо-
фирнинг оёғига тушди — оёғида камёб сахтиён этик...
Шаҳриёр бўлатуриб, унинг бундай этик кўрмаганига неча
қовун пишиғи ўтди-ю!

Шаҳриёр мусофирнинг гапларига унча ишонгиси кел-
мади. Дўконидан айрилган, бор-будидан Мосуво бир бе-
чора шундоқ кийинадурми? Чакмону узугу этик... Бунда
бир синоат йўкмикин?..

— Мен салтанатингизни адолатли салтанат деб эшит-
дим, — деди шу пайт Аббос баҳодир Шаҳриёрнинг гу-
монли хаёлларини сезгандай. — Боскинчилардан, адо-
латсизликдан бурни қонаган бир бахти қаромен. Пано-
хингизни соғиниб келдим....

— Хуш кўрдик.... — Шаҳриёрнинг қарори энди қатъ-
ийлашди. — Агар фуқаролик шартлари вазмин туюлма-
са, қабул қилмаймиз. Шартларни дуруст англаб олма-
ғинг лозимдир, эй мусофир! Вазири аъзам, шартларни
баён этингиз!

Насафий ноқдай калласини гоҳ-гоҳ тебратиб одатда-
гидек қироат қилмоққа тушди:

— Аввалан, ҳалол бўлмоқ керак, мусофир, ҳалол
бўлмоқ керак! Киши молига зинҳор-базинҳор кўз олай-
тирма, бундай зил гуноҳдан тийил! Зеро оқибатини боя
Қамариддин мисолида ўз кўзинг билан кўрдинг... —
Аббос баҳодир тасдиқ ишорасини қилди. — Сониян,
фуқаро бўлдингми, барча учун, салтанат учун лозим эса
жон фидо этмоққа шай тургайсен. Салтанатда неча фу-
қародир — бир жону бир тандир....

— Бас! — деди Шаҳриёр. — Қолганини ўзи англаб
оладир. Хўш, мусофир! Қани, эгнингдаги чакмонни еч-
чи! Ҳасан чинок, чакмонни ол!

Аббос баҳодир ҳеч иккиланмай устидаги чакмонни
ечиб, ёнида турган Ҳасан чинокка берди-ю, кутилмаган-
да ўгирилиб майдонга қараб кичкирди:

— Шаҳриёримиз бахтимизга соғ бўлсинлар! Шу чакмонни бир фукаро тухфаси сифатида эгниларига ташлаб юрсинлар!

Воқеанинг бундай бурилиб кетиши ҳаммани хайратга солди. Дабдурустандан гапнинг мазмунини тушунишмади шекилли, аввалига чиққан шивир-шивир кейин росмана гала — ровурга айланди. Кўп ўтмай хар тарафдан овозлар ёғилди:

— М-м-муборак эгниларига ташлаб юрсинлар!..

— Мусофирнинг сўзи қайтмасин! Химматингга балли, мусофир!

Тун салтанати подшоси Аббос баҳодирнинг топқирлиги, устаси фаранг эканлигига тан берди, айти пайтда худди шу нарса уни ўйлантириб ҳам қўйди. Лекин ўйлашга фурсат йўқ эди. Насафий билан Ҳасан чиноқ иккиси хар ёқдан ёғилган қийқириклар остида чакмонни олишиб Шаҳриёр томон келишмоқда эди. Салтанат фукаролари бундан мамнун эканликларини яширмасдилар.

— Фукаро, кулок солинг! — деди Шаҳриёр. Ҳамма жим бўлди. — Мусофирга фукаролик кийимидан берингиз! У чакмонини тухфа этмакчи экан, бас, тантилигидан далолатдир, кам бўлмасун! Аммо, чакмонни мен, пошшойингиз эмас, менга сизларнинг меҳру муҳаббатингиз ўзи бебаҳо либосдир, салтанатимизнинг энг кекса фукароси Чигатойхон кийсун, чунки кексайганда саратонда ҳам совуқ қотади киши!

Шаҳриёрнинг гапи барчага ёқиб тушди:

— Узи қолиб, фукаросини ўйлаган Шаҳриёримиз манглайи ёруғ бўлсин!

Фукаропарвар Шаҳриёримиз бошидан давлат куши кетмасин!

Қийқириклардан Аббос баҳодирнинг қулови батанг ҳолга келди. Битта чакмон билан фукаролар ишончини шунчалар қозониш осон эмасди. Аббос баҳодир бунинг уддасидан чиқди.

— Дўпplingни осмонга от, мусофир! Сен Самарқандагина эмас, балки оламда ягона гаройиб Тун салтанатининг фукароси бўлдинг! — Бу гапни Насафий айтди.

— Шундоқ фукароликка кирмакчи экансен, айтиб қўя қолсанг бўлмайдири? — деди Ҳасан чиноқ ўпка оҳангида. — Нукул, пошшонгга олиб бор, дейсен, қайсарлик қиласен....

У Аббос баходир билан бўлиб ўтган хангома давомида лом-мим демади, Шаҳриёрнинг олдида ўз кўнглидаги турли шубҳа-гумонларни айтмади. Ҳасан чиноқ назарида, Аббос баходир аввало дўкондор эмас, аҳли тижоратни у кўп кўрган, улар табиатан юмшоқ феъл, кўнгилчан кишилардир, хуш муомала деб ўзларини нақ томдан ташлайдилар. Аббос баходир тутумига кўра сипоҳларга ўхшайди, бир оз дағал, кўрс, чўрткесарлиги бор...

— Айтсам, мени қабул айлай олар эдингму? Илгингда шундай қудрат бор эдиму? Гўё оламнинг султони янглиғ фикр қиласен, а? — Ҳасан чиноққа кесатик оҳангида савол билан жавоб берди Аббос баходир. Ҳасан чиноқ эшитаркан, гумонлари тасдиқлангандай бўлди, аммо пачакилашиб ўлтирмади, индамай қўя қолди.

Шундан кейин Қўрчилар кўчаси посбони сўз олди ва посбонлик тинч ўтганини билдирди. Навбат Бозорқўчага етди.

— Шавкатли Шаҳриёрим, йўқдир сабру қарорим, жуда-жуда кизиқдир бу кунги сир-асрорим! Ижозат этсангиз, оҳимга етсангиз, бир қошиқ, бир қошиқ қонимдан ўтсангиз!

Бу сўзга чечан йигитнинг Ахий Жаббор эканлигини барча тездан фаҳмлаб олди. «Гапир, булбул!», «Э, тилингда новвот!» деган гоҳ сидкидил айтилган, гоҳ тагида нимкосаси бор қочирикли гаплар эшитилди.

Шаҳриёр бу йигитни яхши кўрарди. У ҳақиқатан ҳам мард, саҳий, садоқатли, шоирона лутф билан гапирмакка ишқибоз содда бир йигит. Баъзан сўзларига фасоҳатдан чиройли либос кийдирмак илинжида қилган саъй-ҳаракатлари кишининг кулгисини қистатарди. У эртаклардагидек саж билан гапиришга интилар, то иборалар бошини бириктириб, мақсадга айланиб келгунча буёқдагиларнинг тоқатлари тоқ бўларди. Аммо бири кам бу дунёда ҳаётнинг аччиқ азобу уқубатларидан юраги зада одамларга Ахий Жабборнинг сўзлари, жазирама ёзнинг кунда ногаҳон эсиб қолган эпкиндай роҳат бахш этар, бу сўзлар шунчаки сўзмас, балки ҳаётий заруратга айланганди. Салтанатда барча бу хушчакчак, ғам деганнинг яқинига йўламаган йигит суҳбатидан баҳраманд бўлишни истарди. Етти пуштида биронта дарвешхулк, шоиртабиат аждоди бўлгандир, деб қўяди ўзича Шаҳриёр.

— Ижозат сенга, Ахий Жаббор, ижозат! Сўйла, не демакчисен? Сенинг посбонлигинг қандок кечди?

— Менинг кўчамда ҳам бир мусофир учради...

Ёнгинада турган Абу Бакр Калавий Ахий Жабборнинг сўзини бўлди:

— Қандай мусофир, эй феъли пишик? Инсоф эт! Наддофлар маҳалласиданмен, дедим-ку?

— Шошилманг ахир, оға, жоним сизга садоға...

— Чиройли гапларингни кўй, иним! Инсоф эт!

— Хўп, дедим-ку, оға! Пошшойим! — Тахт томон юзланди Ахий Жаббор. — Бу киши Наддофлар маҳалласидан, маҳалла оқсоқолимен, дейдир. Олис сафардан кайтмакда эканлар. — Кейин Абу Бакр Калавийга мурожаат қилди: — Исм асли зеб эрур, инсондан хабар бурур... Хўш... Исми зотлари нима эди, оға!

— Абу Бакр Калавий.

Шаҳриёр Наддофлар маҳалласи оқсоқоли номини эшитиб кўнгли сув ичгандай бўлди. Наддофлар! Пахта тозаловчилар! Юнг титувчилар! Бу маҳалла Самарқанднинг обод ва шинам маҳаллаларидан бири. Одамлари ҳалол меҳнат қилиб кун кўришади. Улар пахтанинг толасини тола, чигитини чигит қилгунча жонлари ҳам тола-тола бўлиб кетай, дейди. Қарасангиз, йиллар давомида оз-оз учган момик гардлардан ҳар бир томнинг бўғотига илашган попилдириклар шабадада ғимир-ғимир қилади.... Шаҳриёр бу маҳаллага кўп борган. Абу Бакр Калавий номини эшитиб, худди эски кадрдони билан учрашмоққа интиқ турган одамдай ҳаяжонлана бошлади. Абу Бакр Калавийнинг юзи қоронғида кўринмас, аммо бўйи-басти ўшаники, буни Шаҳриёр аниқ билади, танийди. Наддофлар маҳалласи оқсоқоли унга икки марта хайр-садақа қилган. Биринчи марта — бундан икки йил олдин, иккинчи марта — ўтган қиш фасли. Ундан кейин кўп марта пахтачиларга ёлланиб ишлаган. Абу Бакр Калавий ўтган қишда маҳаллада, шундоқ кўча юзида совуқда қунишиб юрган бир гадони эслармикин? Ўшанда гадо садақа сўраганида, Абу Бакр Калавий: «Иттифоқо, ёнимда ҳозир бир дирхам ҳам йўғ-а, биродар. Аммо сени қуруқ қолдирмоқ ҳам гуноҳи азимдир....» деди ва замҳарир қиш-қаҳратонда гадониниг юпун кийинганини кўриб, уйига кириб кетди-да, эски бир тўн олиб чиқиб гадо елкасига ёпди. Аввало, унга «биродар» деб мурожа-

ат қилгани, бир гадони ўзига тенг кўргани таъсирли эди, гадонинг кўзларига ёш келди, нимадир демокчийди, тили айланмади. Абу Бакр Калавий гадога термилиб ундаги фавқулодда хаяжонни, нимадандир тўлиқишни сезди-да:

«Майли... кийиб йирт, биродар!» деди аста. Гадо Абу Бакр Калавий кириб кетган уйнинг икки табақали дарвозасига қараганча жим қолди. Бир лахзада гадонинг тиззаларидан дармон кетди, у уй пойдеворининг шундок чиқиб турган харисига ўлтирди. Қор гупиллаб ёғарди. Бу ғариблар шомида қанча ўлтирди, билмади, ҳар қалай қор елкасини хийла оқартириб қўйибди. Рўбарўда келатган нотаниш одамдан, икки табақали дарвозани кўрса-тиб, кимнинг уйилигини сўради. «Маҳалла оқсоқоли Абу Бакр Калавий ҳовлиси!» — деди халиги одам. Ўша-ўша Абу Бакр Калавий танти, мард ва саховат эгаси сифатида гадо қалбида муҳрланиб қолди, унинг ҳамиша кимларгадир яхшилик кўргазмоққа ташна, аммо қилган яхшилигини ҳеч қачон эслаб юрмайдиган одамлар тоифасидан эканлигини сезди. Яхшиликни дарёга қил, балиқ билур, балиқ билмаса холик билур, деб бировга раво кўрган ёруғлигини миннат айлаб юргувчи, ёки шу яхшилигимни қайтаришар, деб хомтама бўлгувчи кимсалар бу тоифага кирмасди. «Дунё Абу Бакр Калавий каби кишилар билан барқарордир. Бошқа нарсалар — тахту салтанат, бойлигу сарват, такаббурлигу мунофиқлик, шухратпарастлигу золимлик, сохта шону бекадр обрў, ишрату ҳасад — бари-бари ўткинчи, пайтлар келиб уларнинг ғубори кўҳна Заминдан кўтарилиб кетади, дунёда фақат эзгулик қолади». Шаҳриёр хаёлини безаган бу фикрларнинг ҳақлигига ишонади. Ажаб, Абу Бакр Калавий ҳозир қаршисида тахтда ўлтирган Шаҳриёрнинг ўша қаҳратонда қунишган гадо эканлигини тасаввурига сиғдира олармикин? Шаҳриёр ўзини танитмасликка қарор қилди.

— Самарқанднинг Наддофлар маҳалласидинмен, денг? — Абу Бакр Калавийдан таажжуб оҳангда сўради Шаҳриёр. Жавобни кутиб ўлтирмай давом этди. — Қай юртларга саёҳат қилдилар?

Шаҳриёр сўзларидаги майин оҳанг Абу Бакр Калавий қалбини аллалаб ўтди.

— Ажойиб бир юртда бўлдим, эй Шахриёр! Ул юртда дўстларим бор... Ибн Ямин ал-Фарюмадий деган машхури замон шоир, Хасан Ҳамза, Ҳусайн Ҳамза... Зиёрат этиб келаётирмен...

— Қандоқ юрт экан, ажойиб юрт деганингиз?

— Ул юртни сарбадорлар юрти, дейдилар! — деди Абу Бакр Калавий.

— Сарбадорлар юрти?

— Ҳа, сарбадорлар юрти, пойтахти Сабзавор шаҳридур...

Шахриёр сарбадорлар ҳақидаги гап, миш-миш Арабу Ажам, Хуросону Мовароуннаҳрни тутиб кетганлигини биларди. Лекин мингта миш-мишдан кўра, ўша юртни бир бор кўриб келганинг сўзи албатта эътиборлироқдир.

— Бу қандоқ юрт эканки, доврӯғи бутун Машриқзаминни тутибдур? Қиссасидан сўзланг, оқсоқол!

Сарбадорлар юрти қиссасидан сўзламак.... Абу Бакр Калавий ўтган йигирма етти йил давомида Сабзаворга уч бор сафар қилди. Унинг ҳамиша бир нарсада кўнгли бўш: қачонки сарбадорлардан гап сўралса, беихтиёр тили ечилиб кетар, ҳар бир сафари хусусида кечалаб сўзлаши мумкин, ҳикоя бошланди дегунча, сўз ҳам қуйилиб келаверарди. Лекин негадир бу гал ундай бўлмади.

— Сарбадорлар юрти монанди йўқ, унда ҳамма тенгхуқуқлидир... — Абу Бакр Калавий, аломат мамлакатнинг қайси бир таърифини айтишни билмай қийналди. — Ҳозир сарбадор аъёнларидан домғонлик довурак ва мард Хасан ҳукумат курсида қарор топмишдир...

Абу Бакр Калавийнинг кутилмаганда илҳоми келиб кетди. Сарбадорлар давлатининг етим-есирлар, оч-фақирларни тарбият этиши ҳақидаги гап бутун майдонни тўлқинлантириб юборди. Гап сарбадорлар подшоларига тақалди. Абу Бакр Калавий хожа Али Шамсиддин сарбадорий ва хожа Яҳё Қурробий борасида алоҳида завқшавқ билан ҳикоя қилди, улар билан ҳам кўз, ҳам сўз таниш эканлиги хусусида тўхталиб ўтди.

— Ушбу муқоясага ижозат берсангиз, бир нарса демакчи эрдим... — деди сўзининг охирида у.

— Ижозат, оқсоқол, ижозат! — деди Шахриёр.

— Сизнинг салтанатингиз сарбадорлар давлатига ўхшаб кетар экан!

Шаҳриёрга мукояси ёкиб мамнун бош ирғаб қўйди. Бобо Султон билан Соҳиб Чангал айникса сарбадорлар қиссасини қулоқлари динг бўлиб тинглашди, бу гаплар хатто улар учун ҳам янгилик эди.

— Шаҳриёр! — деди Наддофлар маҳалласи оксоқоли. — Агар лозим топилса... Вақт ярим тундан ошди, кулбаи вайронамга йўллансам...

Шаҳриёр тасдиқ ишорасини қилди:

— Фуқаро, тингланг! Бундан буён Абу Бакр Калавий, Наддофлар маҳалласи оксоқоли, Тун салтанатининг дўсти — биродари деб эълон қилинадир! Бағоят инсонпарвар бу одам яхшилик деб толмайдиган қўнгил соҳибидир, даврон элининг жисмида жон бўлмоққа тайёр бир инсондир. Мен ўзим қўп бор синовдан ўтказғонмен. — Сўнг Абу Бакр Калавийга бир қараб қўйиб деди. — Ахий Жаббор, Ҳасан чиноқ! Оксоқолни кулбаи хонасига кузатиб қўйингизлар! Илохо, умрлари узок бўлсун!

— Илохо, умрлари узок бўлсун! — гувиллаб сас берди майдон.

Воқеанинг бундоқ йўриғидан мамнун Абу Бакр Калавий икки посбон кузатувида майдонни кесиб Наддофлар кўчасига кирган ҳам эдики, навбатдаги соқчининг: «Хонқали кўчаси посбони ҳузурингизда!» деган овози қулоғига чалинди. Беихтиёр орқасига ўгирилиб Жомеъ масжиди ёнида минорада липиллаб турган хира фонуснинг тобора узоқлашиб бораётганини кўрди, тун-кечада бутун Самарқандни титратиб юборган Қамариддиннинг ингрок саси эса хануз қалбини поралар эди... То уйига етиб келгунча ҳам Қамариддиннинг овози унинг қулоқларидан кетмади.

Учинчи боб

ШАҲРИСАБЗЛИК ЙИГИТ

Зарафшон тизмалари оша мўралаган қуёшнинг илк нурлари аввало Садр Сулаймон мадрасасининг маҳобатли баланд пештоқига тушади, ундаги феруза, яшил ва сарғиш нақшларни бетакрор жилоларга буркайди. Мавлонозода ҳужрадан Чорсу майдонининг ўртасига чиқадида, ана шу манзарани томоша қилади. Ростки, бу шаҳрисабзлик хушбичим ва хушсурат муллаваччага жуда ёқади.

Бугун томоша ҳар галгидан ҳам жозибалироқ кечди, даставвал пештоқда сийрак нурлар жилваланди, нурлар қуюқлашгач, пештоқ ўт ичида қолгандай бўлди, нақшлар бамисоли ловуллаб ёна бошлади.

Мавлонозода беш йилдирки, шу мадрасада сабоқ олади. Ўртача бўй, қошлари гўё тутаб ёнгандай қоп-қора, узокдан бурнининг тагига қора чизик тортиб қўйилгандай кўринадиган нозиккина олифта мўйлаби ўзига ярашиб туради.

Шахрисабздан келиб риёзат чекишдан тортинмаган йигирма икки ёшли бу йигит илми нужумда таниқли Яхё Ҳасан барлос деган мунажжим фарзанди эди. Мавлонозода, унинг лақаби, асли исми Нодирбек ибн Яхёдир. Мунажжим, иншоолло, нодир бўлсин, деб ўғлига шундай исм танлаганди. Аммо боланинг зехни ўткирлигидан мавлононинг ўғли, маъносида «Мавлонозода» деб атай бошладилар. Бора-бора ҳатто «Исмингиз нимадир?» деб сўраганларида, ўзи ҳам «Мавлонозода» деб жавоб берадиган бўлди.

Мавлонозода сабоқларнинг барига бирдай қизикарди. Чунончи, у аруздаги руқн, вазнларни яхши билар, қисқа ва чўзиқ бўғинлар аҳамияти ҳақидаги ҳар қандай баҳсларга аралаша оларди. Тиббиёт борасидаги билими ҳам бир кишига етарли, буюк алломалар Жолинус, аз-Заҳровий, Ибн Синолар хусусида китоблардан ўқиганди. Жуғрофияни бўлса жуда хуш кўрарди. Самарқанднинг Турон подшоси Афросиёб билан боғлиқлигини, ундан ҳам олдинроқ Самар деган турк хонининг кентга, яъни шаҳарга биринчи гиштни қўйганлигини яхши билар, Шахрисабзнинг бешинчи иқлимга киришлигию еттинчи иқлимда жойлашган Болосоғуннинг об-хавоси совуқ келишлигидан хабардор эди.

Аммо Мавлонозодани беҳад қизиктирган фанлар фалсафаю фикҳ бўлиб, бу борада уни ҳақиқий билимдон деб санашларини орзу қиларди. Муллавачча назарида, барча фанларнинг ҳам қайдадир охири бор, бироқ фалсафа билан фикҳнинг уфқи чексиздай. Шариат ақидаларидан сўз юритгувчи «Мухтасар», «Ҳидоя», «Фатово» каби рисоаларни кўп варақлаган, мантиқ илмига оид «Шамсия» китобини севиб-севиб мутолаа этганди. Идрокининг тиниқлигига ўртоқларигина эмас, фазлу илмда ўзига бино қўйган мударрис Хожа Лутфуллоҳ ҳам тан берар, «Сиз

тенгқурларингиз ичида ўн йил олдинга кетгансиз!» дер эди ошкора қилиб.

Ўғлининг фавқулодда бир салоҳият соҳиби эканлигини Яхё Ҳасан барлос ҳам ғурурланиб гапириши Мавлонозоданинг эсида. Етти яшарлигида отаси шаҳарга айланишга олиб чиқди. Гузардаги ёлғиз минорада қанотларини қоқиб турган лайлакни кўрган бола: «Тезда ёмғир ёғади!» деб юборди. Дарҳақиқат, Шаҳрисабзда йил бошида, ёмғирнинг биринчи кунини албатта лайлак учиб келади. Шаҳрисабзликлар янги йилнинг бошланишини ҳам ана шу лайлакнинг учиб келишидан ҳисоб қиладилар. Ҳатто кўплар эртага ғаройиб қушнинг қай маҳал учиб келишини ҳам айтиб беришади. Бу ноёб ходиса фақат Шаҳрисабзда юз беради. Яхё Ҳасан барлос бир марта Тошкентдан келган мунажжим дўстига ёмғиру лайлак ходисасини сўйлаб берган, гап устида ўғли ҳам нарироқда ўйнаб ўлтирган эди. Отаси ўғлининг бўлган гапни қулоғига қуйиб олганига хайрон қолди. Чиндан ҳам ота-бола уйларига қайтиб улгурмай ёмғир шариллатиб қуйиб юборди. Отаси: «Етти юз қирк тўққизинчи йил бошланди, ўғлим, алҳамдулиллоҳ!» деганди ўшанда. Шунга ҳам ўн беш йил бўлибди...

— Кеп қолинг, иссиқ нон! Нони пўлоти! Нони пўлоти! Кўлингизни куйдиради!.. — Бозор эшигида нон сотётган боланинг овози муллавачча хаёлини бўлди.

— Нишолда! Нишолда! — дер эди бошқаси.

Мавлонозода ловуллаган пештоқдан кўзини олди-да, мадрасанинг ҳовлисига қараб юрди. Бир ошёнли бу мадрасанинг равоғи баландлиги сабабли, то кун оғиб ўтмагунича, ҳовли қуёш юзини кўрмасди. Ичкарида жойлашган масжид билан дарсхонада ортикча безак-ҳашам ҳам йўқ. Дабдурустандани пештоқи маҳобатли мадраса ичида бу қадар фақирона қурилган масжиду дарсхона борлиги киши хаёлига ҳам келмайди. Мавлонозода фақирона дарсхона сари йўлланар экан, мутаносиблик қонунига путур етганини кўриб, кўнгли нечанчи бордир, билмайди, хира тортди. Тобақай мутаносиблик қонуни бузилур? Шундай бўлмаса эрди, мадрасадай рўшнолик масканини Садр Сулаймондек жаҳолат осмонининг қора булутини бунёд этармиди? Гардуни дуннинг ушбу нотантилик шевашига не демок мумкин, ахир?

Ха, мадрасани Самарқанднинг садри жаҳони — Садр Сулаймон бино килдирган. Бу ҳақда Мавлонозода унинг ўз оғзидан эшитган. Гап шундаки, Садр Сулаймоннинг ўғли, келишган кад-қоматли, хушрўй йигит Худобанда ҳам Мавлонозода билан бирга таҳсил кўради. Худобанда падари бузруквори олдида андак мақтанмоқни хаёл қилиб, ўзини мадрасанинг энг илғор толиби илми билан дўстлигини намойиш айламак мақсадида Мавлонозодани уйига таклиф этганди. Биринчи бор кўргандаёқ Садр Сулаймон ўглининг дидига қойил қолди. Жуда зукко йигит экан Мавлонозода! У Худобандага дўстини кадрлаш лозимлигини уқтирди.

Ховли ўртасида тўпланишиб, гангир-гунгир сўзлашиб турган толиби илмлар дарвозадан кириб келаётган Мавлонозодани кўришди-ю, яқинлашишини кутиб жим қолишди. Фақат Абумансур исмли ўрта бўйли мулла-вачча, ўзини кўрмаганга олиб, ҳикоясини давом эттирар эди:

... — Ярим кеча, дегин... Бирдан қарасам, Абдурахмоннинг хужраси очик, жойи бўш... Яқтакни эгнимга илдиму ховлига отилдим! Астаффурилло! Абдурахмон мадраса деворининг раҳида йиқилмай-нетмай юриб кетяпти! Ё раббий! Ойнинг ёруғида бу жуда кўркинчли бўлар экан. Абдурахмон том орқасига ўтиб кетди. Кейин нима бўлганини билолмадим. Эрталаб қарасам, жойида ётибди! Уйғонганда тунги ҳодисани сўрасам, ҳеч нарса эсида йўқ...

— Наҳотки? — ажабланишда толиби илмлар.

— Абдурахмон бақрайганча қараб туриб, ўзинг туш кўргансан, деб мени енгди...

— Ўзидан яна сўрайлик, нима бўлганини? — таклиф киритди кимдир.

Башараси нимаси биландир каламушга ўхшаб кетадиган Абумансур суйридан келган бурнини силаб қўйдида:

— Ваҳимаки бўлган, мана нима бўлган! — деди. — Шунақа бир дард бор, ойпараст ҳам дейишади.... Валлоҳи аълам!

Мавлонозодани толиби илмлар хушчакчақ кутиб олдилар:

— Ассалому алайкум!

— Яхши туш кўриб турдиларми?

— Толиби илмлар саромади, улусимиз омадига толе колдузи хамиша ёр бўлсин!

— Куллуқ! Куллуқ! — деди Мавлонозода, барчага ним таъзим айлаб салом берар экан. Сўнг Абумансурга мурожаат қилди: — Бировнинг кемтигидан кулмак ва уни сир пардасидан чиқармак одобдан эмас... Беайб ёлғиз парвардигори оламдир.

— Ҳа, ҳа, маъқул гап!

— Ҳаммада ҳам бир айб бор... — қўшилишди толиби илмлар.

Барчани ўз оғзига қаратиб турган Абумансур Мавлонозоданинг келаётганидан дили гашланган эди, бу гап эса ошиб тушди. У мадрасада Мавлонозоданинг обрўи баландлигига чидай олмасди.

— Нечун машриқ ёришди, десак, важи бу ёқдан топилди-ку! Уфқда пешқадам муллавачча офтобдай пайдо бўлган эканлар-да, — Абумансур самимий гапиришга уринса ҳам гараз оҳангини яшира олмади, буни барча муллаваччалар сизди. Бошқа илмларда саъй-ҳаракати суст Абумансур шеъриятни яхши кўрарди. Машқларида маънодан кўра даъво кўпроқлигидан аҳли мадраса ўртасида мутойибага ҳам сабаб бўлар, бунда, албатта, унинг исмида «наسر» га уйқашлик борлигига шама қилардилар.

— Зулматда қолиб кетмангиз, дея ташвишдамен! — ҳазилга ҳазил жавоб берди Мавлонозода. Абумансур шалпанг кулоқларигача кизариб кетди. Ҳамма кулиб юборди.

Абумансурнинг қисик кўзлари доим оғригандай шилпиқланиб юрар, узоқни яхши илғай олмас, уни орқаворатдан «кўршапалак» дейишар, буни Абумансурнинг ўзи ҳам биларди. Мавлонозоданинг лутф билан ана шунга ишора этиши хаммани қойил қолдирди.

— Коронғулик яхши-да! Офтоб одамларга даркор. Абумансурга эмас! — деди марғилонлик Калтатой деган муллавачча. Уни марғилонлик эканлигидан, ҳеч алоқаси бўлмаса-да: «Машхур факих Шайх Бурҳониддин наслидан» деб ҳазиллашишар, бу муллавачча кўнглида фахр туйғусини уйғотарди. Калтатойнинг вашига тегиш учун: «Сиз шайхнинг нечанчи пуштидансиз?» деб сўрашса, у: «Агар суриштириб борилса, ҳеш чиқиб қолишим аниқ, чунки ул зот ҳам Марғилоннинг Эшонгузаридан, қабр-

лари эса ўзимизнинг Чокардиза қабристонидадир!» дерди самимият билан.

— Кўршапалак кечаси бирон нарсага урилиб кетса: «Хой, қаёққа қараяпсан? Кўзинг борми?» деб таъна қилармиш!... — сўзга аралашди муллаваччалардан бири. Тагин кулги кўтарилди.

— Бор... Бирок кўрмайди!.. — пичинг қилди бошқаси.

— Нобино, денг? — сўради учинчи толиби илм.

— Хой, кўзингга қараб гапир! — деди кимдир, яна кўршапалакка ишора қилиб. Аския тобора авжга чиқа бошлади.

Бу гаплар энди Абумансурга ортиқчалик қилди. У аччиқ ҳазилларга жавоб бермоққа шайланди. Жавоб ҳам шундай бўлсинки, эшитган мантиқнинг ўткирлигию фасоҳатнинг нозиклигидан ёқа ушласин! Бирок, бир ҳазилга жавоб топиб идрок андозасидан ўтқаргунча бўлмай, иккинчиси ёғилди, кейин учинчиси!.. Бас, ёшт қолипдан кўчганди. Бирок ҳаммага гап топиб бера олмаслигига ақли етиб, индамай қўя қолди. Ҳа, майли, Абумансур барини унутмасликка ҳаракат қилади. Ҳар нарсанинг жавоби бор, ўз вақтида, ха...

— Биродарлар! — деди шу асно Мавлонозода. — Абумансур ҳақидаги бу гаплар ўринсиздир. Бировнинг устидан кулмак яхши эмас....

-- Кулиш эмас бу, Мавлонозода! — деди Калта-той. — Қилмишига яраша деганларидан бўлди. Тийишини олди бу каламуш башара! Ҳар дам одамни лақилла-тиб ўтирадир... Ёлғон сўзлайдир...

— Қачон ёлғон сўзладим? Тухмат! Тухмат!

Шу пайт дарсхона томондан бир муллаваччанинг:

— Сабоққа! — деб чақиргани эшитилди.

Барча дарсхона сари йўналдилар. Мавлонозода энди-гина жойидан жилган ҳам эдики, кимдир:

— Бир лаҳза тўхталсунлар! — дея сас берди. Мавлонозода дарвоза томонга ўгирилди. Толиби илмлар жуздонини осиб олганча дўсти Худобанда шитоб кириб келарди. Ҳа, томоша қилса арзийдиган йигит эди Худобанда! Бўйи Мавлонозодага тенг, оқ-сарикдан келган, хушқомат... Ажабо, одамзоднинг ичида ҳам шундайлари бўлар экан-да! Мавлонозода ҳазиллашиб унга: «Сиз Юсуф ойинсиз!» деб қўяр, машрабдил дўсти бундан ғурурланиб кетмаслигини яхши биларди.

— Не сўз? Ташвишли кўринасиз?

Худобандани чиндан ҳам қандайдир ҳаяжон чулғанган эди.

— Кечаги девона Чорсуда боз йўлимни тўсди, тагин дилимни хуфтон қилди! — деди Худобанда зорланиб. — Девонамас, телбанинг ўзи! Ақли-хуши ҳам жойидамас шекилли!

— Не дейдир?

Худобанда кулиб жавоб қилди:

— «Бунчалар кўрки хусни қайдан олдинг, эй худонинг бандаси», дейдир.... Гапларидан ақллига ҳам ўхшаб кетадир. Кейин бирдан: «Қани ганак? Ё лошқанот!» дейдими-ей!.. Шу сўзларни кўп айтади...

— Бу сўзлар киморбознинг сўзлари... Қиморбозмикин?

— Билмадим... Ўтиб кетаётсам, бир нафас тўхта, дейдир...

— Садака сўрайдурми?..

— Хар куни садака берамен, хар куни, дўстим! — Худобанданинг чиройли кўзлари маъюс тортди. — Энди мадрасага том ошиб келамен, шекилли. Бўлмаса Чорсудан ўтказгани кўймайдир. Қаттиқ тегайин, десам...

— Зинҳор, дўстим, ундок қилмангиз! Ўзи бир бечора бўлса... Ихлос қўйиб қолгандир-да, — деди Мавлонозода. — Қаттиқ тегмоқ осон, кўнгил олмоқ қийин...

— Оёғимга йиқилиб оладир, «бир нафас тўхта, кўриб олай», дейдир. Менинг нимами кўрадир, нимами? Ўтган-кетгандан уялиб нақ ерга кириб кетмайдурмен... Ҳеч нарсага тушуниб бўлмайди...

Мавлонозода ҳам елка қисди. Ростдан, нима учун бир девона хадеб Худобандага ёпишаверади? Ким у? Қандок одам?...

Худобанда бир оздан кейин деди:

— Сизга айтмакчи бўлганим мутлақо бошқа нарсадир, узр. Падари бузрукворимиз Самарқанднинг улугларини, номдор кишиларини меҳмонга чорлағонлар... Қувонғоним, шулки, меҳмонлар сафида ўзлари ҳам борлар. Ушбу сўзларимни расмий таклиф ўрнида кўргайсиз...

Таклиф Мавлонозодани ниҳоятда хушнуд этди. У дарров тўкин-сочин зиёфат, башанг дастурхон ва турфа хил нуқли таомларни кўз олдига келтирди. Мусиқанинг сеҳр-

ли саси, кўшиқ, рақс... Аммо уни қизиктиргани даврадаги одамлар эди, аниқроғи, ўша ерда бўлажак суҳбат, ақл чархлар лутфлар, оламнинг турфа гаплари...

— Ташаккуримни қабул этгайсиз, дўстим! Падари бузрукворингизга менинг қуллуғимни етказурсиз, деган умиддамен!

— Шак йўқ, дўстим! — самимий деди Худобанда, — Фақирнинг ҳам боши осмонга етгувсидир!

Ховлида иккисидан бошқа ҳеч ким қолмаган, барча дарсхонага кириб кетганди.

— Биласизми, — деди Худобанда мийиғида чиройли кулиб, кейин сал бир кўзини қисиб қўйди: — Хонлик оқа боғида антика гуллар бор эмиш...

— Шундоқ денг! — Мавлонозоданинг кулоғи динг бўлди.

— Гулларки, хушбўй, хушсурат...

— Хўш?... Хўш?

Икки муллавачча, ҳали уй кўрмаган йигитлар энди суҳбатнинг қизиқ жойига келишган эди, аммо шу асно дарвозада сабоқ бермоққа ошиқаётган мударрис Хожа Лутфуллохнинг кичиккина жуссаси кўринди. Икки дўст шакаргуфторликни келган жойида тўхтатдилар-да, ноилож дарсхонага йўналдилар.

Тўртинчи боб

ИККИ АМИРНИНГ АҲДИ

Абу Бакр Калавийнинг Сабзавордан қайтган куни эртаси Самарқандда қутилмаган бесаранжомликлар юз берди. Мовароуннаҳр ҳукмдори Илёсхўжахон довул чалиб, ададсиз қўшин етагида шаҳарга кирди. У отаси Туғлуқ Темурхон Мовароуннаҳрга амирлашкар этиб тайинлаган Темурбек ва тахтга даъвогар Амир Хусайнлар билан саваш қургани Қарши томонларга отланган эди. Илёсхўжахонга етиб борган гапларга караганда, турк амирлари Жета хонига итоатдан бўйин товлаб, ўз нуфузларини ошириш, ҳокимиятларини мустаҳкамлаш ила овра эмишлар...

Келишда Тошкентни уч кун талаган мўғуллар Самарқандда ҳам шундай йўл тутдилар. Лашкарбошиларга

хамма ихтиёр бериб қўйилди, Темур Нўбкан Бозорқўчани эгаллади, Куч Темур Бекчик ўғли аскарлари Қўрчилар кўчасини оралади, Шункум баҳодирнинг очофат одамлари Кулоллар кўчасини човлидай сузиб чикдилар. Туғлуқхўжа чекига Қаландархона кўчаси тушди. Мўғуллар уйма-уй юриб, қўлга илинган нарсани битта ҳам қўймай тортиб олишар, каршилиқ қилганларни шартта чопиб ташлардилар.

Учинчи куни ёш йигит-қизларни асир қилиб Жетага хайдаш учун Чорсу майдонига тўплай бошлашди. Майдоннинг бошқа бурчагига эса мол-қолларни хайдаб келишди. Айрим навкарлар ўзларига ёққан қизларни канизак қилиб олишганди. Отларнинг кишнаши, бойликларни қўлга киритган мўғулларнинг шодмон кийкириғи билан хор-зор бўлган шаҳар ахлининг оху ноласи бир-бирига қоришиб кетди. Самарканд жаҳаннамнинг ўзига ўхшади-қолди...

Қўли боғлиқ асирлар орасида Тун салтанати фуқароси Ахий Жаббор ва толиби илм Қалтабойлар ҳам бор эдилар. Улар Кулоллар кўчасида юришар экан, бир неча йигит-қизларни, кишиларни хайдаб келишаётган мўғулларни кўриб қолишди. Қизлар йиғлашар, йигитлар чорасиз бокишарди.

— Қутқариб олмаймизми? — сўради Ахий Жаббор ёнида фавқулодда пайдо бўлиб қолган барваста Қалтабойга.

— Кетдик! — деди йигит. — Аммо қандай қилиб қутқарамиз? Қурол ҳам йўқ...

— Мен мўғулларни чалритиб турамен... Сиз асирларни мана бу ён кўчага олиб кириб кетасиз...

— Улар сизни тутиб олишади-ку?

— У ёғидан хотиржам бўлинг!

Икки йигит шундай келишиб олдилар.

Аммо иш кўнгилдагидек чикмади. Шу пайт келиб қолган Шункум баҳодир нотаниш йигитларни кўриб қолди:

— Қўлларини бойла ановиларни! — деб қичқирди у. — Яхши, бақувват йигитлар экан! Баҳоси баланд бўлади....

Ўндан ортиқ аскар жам бўлиб бирпасда каршилиқ кўрсатишганига қарамай, икки йигитнинг қўлларини орқасига боғлаб, асирлар ёнига қўшиб қўйдилар.

Арк кўчасидаги Кўксарой олдида шаҳарнинг казо-казолари тўпланишди. Бу ерда шаҳар ҳокими Садр Сулаймон, Шохмалик қавчин каби бойлар, шайхулислом Абулворис Самарқандий, Қавомиддин кози, имом Қутбиддин, мударрис Хожи Лутфуллоҳ сингари шаҳар улуғларини кўриш мумкин эди. Барчаси бориб хоннинг этагини ўпдилар.

Хон кўчма тахтда ўлтирар, гўё шаҳарда бўлаётган суронларни эшитмас, бу мўйлаби сабзи уриб-урмаган ўн етти ёшлардаги хушбичим йигит эди. Шукурчи унинг бошида соябон тутиб турарди. Илёсхўжахон ишораси билан хоннинг тағойиси кичик жуссали Сарик баҳодир бундай сўз бошлади:

— Жета хонининг сарҳадлари кенгаймоғи лозим! Кўхна Мовароуннаҳр буткул тасарруфимизга ўтадир! Бурноғи йил Дарбандға якин ерда Пули Сангин кўприги ёнида Амир Хусайн билан саваш қурдик... Афсус, толе бизга кулиб боқмади. Амир Хусайн ила Темурбек лашкаридан енгилиб қолдик. Лекин мушт еган жой хали ҳам ачишиб турибди... Ха, душманнинг отини гижинглатиб миниб, хотинларини ўлмоқдан ортиқ лаззат йўқ! Ўшал кунлар келур! Олийҳиммат Туғлуқ Темурхон, — Сарик баҳодир жилмайиб Илёсхўжахонга юзланди, — мана шундай оқилу доно йигитни сизларга хон қилиб берди...

— Қуллук! Қуллук! — деди миқтидан келган Қавомиддин кози, унинг аррадай овози ёқимсиз эшитилди. — Бу ҳам Оллонинг марҳамати... Илло...

— Хонимизнинг омадини берсин! — шошилиб сўзланди Садр Сулаймон, қозидан кейин қолганига ўзича хижолат, унинг ингичка овози қулоқларни ёргудай бўлди.

Илёсхўжахон одамларга такаббуруна тикилар, ниҳоят буюк бобоси Чингизхон қадами етган довруқли Самарқандда эканлигига гоҳ ишониб, гоҳ ишонмас эди. «Самарқанд меники, — деб ўйлади хон. — Бас, бутун Мовароуннаҳр оёғим остидадир!» У ўнг томонда турган моҳир саркардалари Искандар ўғлон, Амир Ҳамид, Шункум баҳодир ва амир Юсуфхўжаларга қараб қувониб қўйди. Назари қуюқ мўйлабли, қирк ёшлардаги барваста Шохмалик қавчинга тушди. «Самарқандда сенинг суянадиганинг Шохмалик қавчин», — уқтирганди Туғлуқ Темурхон ва Самарқандга келганда бу бой-бадавлат одам билан хамсуҳбат бўлганини айтганди.

— Шоҳмалик қавчин! — оҳиста сас берди Илёсхўжахон. Унинг овози бўйдоқ йигитларникидай дўриллаган эди.

— Шоҳмалик қавчин! Шоҳмалик қавчин! — деб илиб кетишди боёнлар. — Хон ҳазратлари сизни тиламоқдалар!

Шаҳар казо-казолари, кимдир ҳавас билан, кимдир ҳасад билан Шоҳмалик қавчинга қарадилар. Садр Сулаймоннинг ичидан қиринди ўтиб кетди: «Нега мен ҳоким бўла туриб, хон Шоҳмалик қавчинни чорлайдир?» Қавомиддин қози: «Ҳе-хе-хе... Илло...» деб қўйди.

Шоҳмалик қавчин тахт пойига бориб эгилиб таъзим қилди:

— Битта бошим салтанатингиз йўлида фидо бўлғай!

Хон ишора қилгач, Сарик баҳодир билан Искандар ўғлон зарбофт тўн келтириб янги ҳокимнинг елкасига ташладилар.

— Ушбу фурсатдан бошлаб Самарқанддай шаҳар ҳокимлиги мартабасига минурсиз! Шаҳру қасабалар ҳам сизга бериладур!

«Муборак бўлсин!» «Муборак бўлсин!» деган овозлар янгради.

— Хон хоҳиши — худо хоҳиши! Қутлуғ бўлсин! — деди Садр Сулаймон. У зудлик билан уйда хонга мўлжаллаб қўйилган совғаю тансуқотни яна ҳам кўпайтириброк топширишни ўйлади. Шундагина хон, Садр Сулаймон ҳокимликдан туширилганига ўлка-гина қилмаяпти, деган хаёлга боради. Зинҳор иззат-нафснинг лат еганини билдирмаслик керак...

— Бизлар катта муҳорибага отландик! — Сарик баҳодир «Битта бошим фидо бўлғай!» деб таъзим қилаётган Шоҳмалик қавчинга мурожаат этди. — Амир Ҳусайн ва Темурбекдек қўрқмас амирлар билан майдонга тушишга Илёсхўжахондай шерюрак паҳлавонлар керак! Мовароуннаҳрда Илёсхўжахондан ўзга ҳукмдор бўлмайди! Биз бир ҳафта Самарқандда қолурмиз. Оту улуфа лозим, сипоҳ даркор... Қўшинга дам керак...

— Иншоолло, бўлур! Барчаси адо этилур!.. — жавоб қилди Шоҳмалик қавчин.

Қун қиёмига келиб қолди.

Илёсхўжахон боёнлари билан Шоҳмалик қавчин чорбоғига йўл олар экан, Сарик баҳодир аста шивирлади:

— Юзга якин чўри, асирлар, кўп қўй-қўзи, моллар, бойликни Жетага Туғлуқ Темурхонга пешкаш юбордик... Улуғ хон кўриб, фарзандининг фатҳи нусратидан боши кўкка етадур!

— Тошкандан юборганимиздан озми-кўпми?

— Кўп, хоним, кўп!...

Хон мамнун бош тебратиб қўйди.

Хамма тарқалди.

Ўша атрофда ўзини гадога ўхшатиб, ўралашиб юрган Аббос баҳодирни ҳеч ким сезмади. У издиҳом тарқашидан олдинроқ шитоб Арк кўчасида турадиган Темурбекнинг эгачиси Қутлуғ Туркон оқа уйи томон шошилди.

* * *

Қутлуғ Туркон оқанинг катта ховлиси Чорсудан унча узок эмас эди. Аббос баҳодир ховлига кирдию чапдаги мўъжазгина уйга йўналди. Тездан жулдурвоки кийимларини алмаштириб, Шаҳрисабзга, амири Темурбек хузурига жўнаш ниятида эди.

Ўттизларга бориб-бормаган бодомковок хушрўй Қутлуғ Туркон оқа, йигитни сафарга шайланган холда кўрди-ю, унинг юмуши ошиғич эканини сезди, гапга тутиб ўлтирмади, факат:

— Онамларга, Темурбек инимга дуои саломимни еткуринг! — деди. — Мунглуғ эгачисини фаромуш этмасун! Тўйга айтдуруб эди. Нотинч бўлиб турубдурмиз. Бора билмасмен... Узримни айтингиз...

— Қуллуқ! — таъзим қилди Аббос баҳодир, у қанақа тўй эканлигини сўраб ўтирмади, остонадан отни етаклаб кўчага йўналди. — Эҳтиёт бўлинг, эгачи! Ёғий босган...

Шитоб юрган Аббос баҳодир Шаҳрисабзга кечаси кириб борди. Бемаҳалда Темурбеклар чорбоғига боришга истиҳола қилди-ю, Бозортаги маҳалласида турадиган дўсти Давлатшоҳ бахши уйғурникига тушди.

— «Салтанат» да ишлар нечук? — сўради япалок юзли Давлатшоҳ бахши, афтидан у, дўстининг туриштурмушидан яхшигина хабардор эди.

— Иш пачавадир... Илёсхўжахон Самаркандни босиб олди.

— Нима дединг? Оббо бадбахт-ей!.. — Давлатшоҳ бахши бир оздан кейин давом этди. — Мен ҳам кеча Термиздан қайтдим. Барча мўғулдан дод дейдир...

— Шундокми... — каттик чарчаган Аббос баходир тезроқ ётиш пайида эди, унинг кўзлари юмилиб борарди.

Давлатшоҳ баҳши дўстига жой ташлай бошлади.

— Амир Хусайн ҳам шу ерда... Ўтган куни Балхдан келибди. — Давлатшоҳ баҳши Шаҳрисабздаги янгиликларга ўтди. — Эртага тўй...

— Тўй?.. Қанақа тўй?

— Амир Хусайн синглиси Улжой Туркон оқани Темурбекка узатаётир, — тушунтирди Давлатшоҳ баҳши. — Ҳозиргина сабзи тўғрашдан келдим...

Давлатшоҳ баҳши қараса, Аббос баходир аллақачон хуррак отганча ухлаб қолибди.

Улар азонда уйғондилар-да, ғира-ширада Темурбек чорбоғига жўнадилар. Амир Тарағайнинг катта чорбоғи шаҳар марказида жойлашганди. Аббос баходирлар ичкари кирдилар. Ҳовлининг бир четида катта ўчоқ қазилиб, дошқозон осилган, унда шўрва қайнар, сайхонликка эса жой қилинмоқда эди.

— Айтдим-ку, амиримизнинг тўйлари, деб!... — Давлатшоҳ баҳши Аббос баходирга деди. — Бугун тўй-да...

Ҳовлидаги катта айвонда Темурбекнинг волидаси Текина хотун бомдод намозини ўқиб, тасбехини ўғирганча тиловат тушириб ўтирарди. Эллик ёшлардаги бу аёл бошига катта оқ шол рўмол ташлаб олганди...

— Ассалому алайкум, момо! — деди Аббос баходир кўлини кўксига қўйиб. — Самарқанддан келдим... Қутлуғ Туркон оқа эгачим дуои салом дедилар... Тўйлар қутлуғ бўлсин!

— Оллоға шукур! Униб-ўсингизлар, болаларим! Қутлуғ юрибдими? Келмадими?.. — «Йўқ» жавобини олгач, Текина хотун давом этди. — Темурбек сахар Амир Хусайн иккиси отасини, пирларини зиёрат этгани янғитдагина сағана бошига кетишувди. Ўлтириб турингизлар, болаларим!

Аббос баходир шеригига ўғирилди:

— Бизлар ҳам пирларни зиёрат этиб келайлик...

Улар Текина хотунга: «Ҳозир қайтамиз!» — дедиларда шитоб пирлар кабрига қараб кетдилар. Борганларида, Амир Тарағайнинг сағанаси ёнида бош эгишиб туришган амирларнинг тиловат туширишаётганини кўрди-

лар, маҳалла имоми улар билан бирга эди. Йигирма кадамча берида тўхтаб тиз чўкишган Аббос баходирлар кизик манзаранинг гувоҳи бўлдилар.

— Темурбек! — чорлади имом. Унинг қўлида катта Қуръони карим бор эди. — Ҳусайнбек! Қани, келингизлар!

Амирлар сағананинг икки ёнига тиз чўкдилар.

— Ота-боболаримиздан қолгон эзгу удум бу, пирларнинг қошида Қуръони карим билан қасамёд этмоқ, шижоатларни бир жойга қўймоқ... Иншооллоҳ, оллоҳнинг ўзи қўллағай! Илоё, пирлар мададкор бўлсун!

Имом шу сўзлардан кейин Қуръони каримни қабрининг устига қўйди.

— Бизлар Ҳусайнбек билан дўст тутинмоққа аҳд қилдук. Зеро, туркнинг ота-боболари ҳам Чингизхон авлоди билан дўст бўлиб келгон... Туркнинг амирлари эса бир-бирлари бирлан бундан-да ортик иноқроқ бўлмоқлари керак! — Темурбек имомга қаради. Унинг кучли овози йироқларга ҳам эшитиларди. — Ўн сўзни сўзласанг, бирини айтғил, тўққизини тийғил, дейдилар. Бизлар турли ёқларда ўз ҳолимизча юрмакни бас этиб, бирлашмакка азм айладук...

Амир Ҳусайн ҳам бош ирғади. Бу гўштдор товоқ юзли, қисик кўзли, ўрта бўйли амирнинг ёши Темурбек ёшига тенг келарди.

— Бир-биримизга даъвойимиз йўқдур... — давом этди Темурбек. — Ҳар биримиз ўз ўрнимизда турадурмиз... Бир-биримизга совуқ сувни ҳам раво кўрмасмиз, бало тиламасмиз, қазо ўқини йўналтирмасмиз. Тоабад дўстликни қоим тутгаймиз. Бас, Ҳусайнбекнинг бир дўсти менга минг дўст каторида кадрлидур, бир душмани мингта душман ўрнида душмандур!

Темурбек шундай деди-да, Қуръони каримни олиб меҳр билан уч бор ўпди ва кўзларига суртди-ю, бундан ўн йиллар чамаси олдин бўлиб ўтган бир воқеа эсига тушди.

У ўн беш ёшларида бир куни пирни тўйга айтиб келгани Шайх Шамсиддин Кулол хонақосига борди. Шайх йигирмата дарвиш ўртасида ўлтириб олганча, зикрга берилган экан. У Амир Тарағайнинг дуркун коматли ўғли кирганини кўрди. Темурбек киришга кирди-ю, халал бермай остонага чўкиб, зикр тугагини сабр билан

кутди. Зикр узок давом этди. Темурбек ҳам жойидан жилмади.

— Келинг, чировим, келинг! — зикрдан сўнг деди шайх. — Бардошингизга балли, ўғлим!

— Жуда боодоб йигит экан!

— Сабр-тоқат қилиб кутди-я! Отасига раҳмат!..

Темурбекнинг одоб билан боқиб туриши, ўзини тутishi хонақоҳ аҳлини мамнун этди. Шайх ички бир тугён-да Темурбекни дуо қилди:

— Униб-ўс, тупроқ ушласанг, олтин бўлсун, олгину олдирма! Омиң, оллоху акбар!

— Оллоху акбар!

Ўша-ўша, Амир Тарағайнинг ўғли олиб келаётир, олдиргани йўқ, иншоолло, олдирмайди ҳам. Ўша-ўша, Шайх Шамсиддин Кулолни тез-тез зиёрат этиб туради, барча яхшиликларни ўша дуодан кўради.

— Кўнглимдаги каломни дедингиз, Темурбек! — Амир Хусайннинг овози бўғиқ эди. — Мен мамлакат ҳукмдори эсам, Темурбек амирлашқардир. Мен Темурбекни бир умрлик дўстим дермен, фақат дўсту қариндошга муносиб иш қилурмен. Аҳд-паймонимизни Темурбек ва синглим Улжой Туркон оқа никоҳи билан тағин ҳам пойдор қилмакни дилга тугдик... Агар Темурбекка айтган гапларимга хилоф иш тутмак ниятим бўлса, дўстимга ёмонликни ўйласам, шу Қуръон — Оллонинг китоби урсун!..

Амир Хусайн ҳам Қуръони каримни уч марта ўпиб кўзларига суртди.

Имом «Ёсин» сурасини шошилмай узок ўқиғач, икки амирни сидқидилдан дуо қилди. Темурбек ва Хусайн кучоқлашиб кўришдилар. Аббос баҳодир ўз амирининг Хусайндан бир бошга баланд эканлигини кўрди, Мовароуннахрнинг икки кучли амири аҳд-паймон айлаганларидан кўнгли тоғдай кўтарилди.

Имом билан хайрлашиб, йўлга тушганларидан кейингина Темурбек Аббос баҳодирга юзланди:

— Не муждалар келтурдинг, баҳодир? Самарқандда аҳвол нечук? Айтар сўзингнинг ҳеч кўр-қути борму?

— Аҳвол хатарлидур, амирим... — бош чайқади Аббос баҳодир.

— Не воқеа юз берибдур? — сўради Амир Хусайн сабрсизлик билан.

— Уч кун бўлди, Жета хони Илёсхўжахон Самаркандни зер-забар қилди. Элни таладилар, одамларни асир этиб ҳайдаб кетдилар... Шохмалик қавчин шаҳар ҳокими бўлди...

— Садр Сулаймон-чи? — сўради Темурбек.

Аббос баҳодир билмайман, дегандай елка қисди.

— Дунё моли шўр сун кабидур, ичган саринг ташна-лигинг ортадур... Илёсхўжахон ўз мулки ила қаноатланмай, яна юртимизга кўз тикмакда... У юртга ташна... Ташна!..

— Мовароуннахрга қадам босганнинг жони нечта экан?.. — Амир Хусайннинг сўзлари дағдағали чиқди. Унинг ўнг юзи пириллай бошлади. — Темурбек! Шитоб Самаркандга от қўюрмиз! Йигитларни чорлангиз!..

Амирлар кўча ўртасида тўхтаб қолишган эди.

— Сафинг оз бўлса имконни душманга қўй, деганлар... Қани, ёғий жангга ташлансун-чи, чўғини кўрчи... — деди Темурбек ўзига ўзи айтгандек, у узоқларга, тоғларга қаради, кун чикиб келарди. — Хусайнбек! Қўрайлик-чи, Илёсхўжахон не қиларкин? Самарканддан ортга қайтадурми, ёки мамлакат ичкарисига юрадурми?..

— Илёсхўжахон шу томонларга бостириб келмоқчи, — аниқлик киритди фурсатдан фойдаланиб Аббос баҳодир. — Бир хафта қўшинга дам бермоқчи, холос...

Энди ҳаммаси равшанлашди. Амирлар зудлик билан Илёсхўжага қарши жангга тайёрланиш лозимлигини англадилар. Бошқа йўл йўқ эди.

* * *

Тўй жуда дабдабали ўтди. Шахрисабздан бошқа Хўжа Илғор, Дархон сингари атроф кишлоқлардан ҳам тўйга одамлар оқиб келди. Кечқурун мамлакат ҳукмдори сингиси — ясаниб-безанган келинчак Улжой Туркон оқани Темурбек уйига тушириб келдилар. Ёр-ёр садолари Шахрисабз осмонини янградиб юборганда, юраклар беҳол увалди...

Эртаси куни «юз очди» дан кейин, ҳукмдор сингиси Улжой Туркон оқани Амир Тарағай хонадонидай қутлуф хонадонга бека бўлгани билан кутлаб, кўргани кирди. Ипакларга ўралган келинчак остона ёнида таъзим қилиб бош эгиб турарди. Амир Хусайн сингисининг пешонасидан ўпди ва қўйнидан яшил қутича олди.

— Мана, бу сенга хадя...

Хадя — Яман ақиқидан ҳам аълороқ йирик ёқут кўзли тилла балдоқ эди. Қувончи еру кўкка сифмаган миннатдор келинчак балдоқни кўлида тутганча эшитилар-эшитилмас:

— Куллуқ, оғажон, куллуқ... — дея олди холос.

Куёв, амирлашкар Темурбек буларнинг барини бир чеккада кузатиб турар, хаёлида эса Илёсхўжахон билан бўлажак жанглар бир-бир ўтар эди.

Бешинчи боб

НОМАЪЛУМ ҚИЗ

Мавлонозода сабоқдан сўнг хужрага кириб кийимларини алмаштирди: эгнига янги яктагини илди, устидан авра оқ абришим чопонини кийди, бошига мисқоли салла ўради. «Салланинг тожга менгзаб кетиши бежиз эмас. Муллаваччанинг бошидаги мисқоли салласи унга подшо тождан ҳам азизроқ!» — дея хаёлидан ўтказди Садр Сулаймон мадрасасининг пешқадам толиби илми. У мехмонга боришга тайёрланмоқда эди.

Мавлонозода Чорсу майдонига чиқиб, чапга, Арк кўчаси томонга бурилаётиб, бирдан бозордаги китоб дўконига кириши зарурлиги эсига тушди. Китобфуруш бугун янги китоблар олиб келиши керак, бу ҳақда Мавлонозода у билан келишиб кўйган. Ахир неча ойлар кидирган китобини бугун қўлга киритмоқ умиди бор. Мавлонозода кўпдан Абу Наср ал-Форобий ат-Туркий рисоаларини излайди. Буни унга Хўрдак Бухорий айтганди. Афсуски, шу пайтгача бор саъй-ҳаракатлари қумга сепилган сувдек зое кетди. Мударрис Хожа Лутфуллох сабоқда бугун ҳам ул аллома исмини зикр этиб ўтди:

— Толиби илмларга шул нарса аён бўлсинким, бир бебаҳо рисола, рисолаи мажмуа бордир, илмга дил берганлар ўшани топмаклари лозим. Рисола бутун оламга машхур «Мажмуат расоил ал-хукамо» номига хос... Тарих беш юз саксонинчи хижрий жумодил охир ойи ўн бешида¹ Доруссалом шаҳрида саҳифаланмишдир. Рисо-

¹ Милодий 1184 йил 23 сентябрь.

лада Арасту, ал-Форобий, Абу Али ибн Синоларнинг бебадал асарлари жам бўлмишдир...

Мавлонозода китобфурушга ана шу мажмуани тайинлаган. У омадини синаб кўрмоқчи бўлди: ров бозорга кириб, агар китоб келган эса олиб, сўнг меҳмонга Садр Сулаймон хонадонига боришни хаёлга тугди. Толиби илм майдонни тикка кесиб бозорга қараб юрди. Кутилмаганда чап томондан кимнингдир кузатиб турганини сезди. У шартта ўгирилди: дарвешнамо одам мижжа ҳам қоқмай қаттиқ тикилган, ўқдай бу нигоҳнинг шиддатига дош бериш маҳол эди. Соқол-мўйлови ўсиб кетган, ўнг чаккасида ёнғоқдек нарса бўртиб чиққан, миктидан келган, бақувват бу одамнинг бошидаги учи эгилган қора кулохи, исқирт бир қалпоққа айланиб қолганди. Одатдаги дарвешлар қалпоғига боғланадиган кигиз тасма — уни қурчук дейишади — ҳам кўзга ташланарди. Ўзи ўрта ёшларга борган бўлса ҳам эгнидаги қирқ ямоқ жанда анча қаримсик кўрсатарди.

Мавлонозода бир муддат тикилиб қолди.

— Қани ганақ! Ё лошқанот! — деди пишқиргандай ҳалиги одам йўғон овоз билан, сўнг орқасига қайрилиб нечундир индамай кетаверди. У Тун салтанатининг фуқароси Абомуслим эди.

Шу пайт Арк кўчаси ёқдан эшитилган карнай-сурнай садолари Мавлонозода хаёлини кесди. Садр Сулаймон ховлисидан келаётган садолар бу ерда бўлажак катта базми жамшиднинг жарчиси сифатида бутун шаҳарга тараларди. «Ошикмак зарур!» — деди ўзига ўзи беихтиёр.

Абомуслимнинг сўзларига аввал эътибор қилмаган Мавлонозода бирдан эрталаб Худобанда айтиб берган воқеани эслади. Ажабо, ўша дўстига тинчлик бермаётган девона шулмикин? Мавлонозода айикқа ўхшаб талпанглаб кетаётган бу абтарин ажойибул махлуқотга қараб қолди. Ким ўзи у? Нима истайди? Кўнглида не дарди бор?...

Мавлонозода шу хаёллар билан бозорга етиб келганини билмай қолди.

Китоб дўкони бозорнинг ичкарасида бўлиб, нон растаси, атторлар тими, аллофлар бозоридан ўтиб бориларди. Толиби илм нон растасида тўхтамади-ю, негадир атторлар тимида кадамини секинлатди. Тепасида бешта туйнук-дарчаси бор ёп-ёруғ тимда кезиб юриш хийлаги-

на мароқли эди. Бу ерда упа-элик, турли такинчоқлар, зебигардону тиллақошлар, маржонлар, исирғаю узуклар сотилар, хатто астойдил кидирганга мушки Хўтану дурри Адан ҳам топиларди.

Мавлонозода назарида тимнинг ичи бирдан ёришиб кетгандай бўлди. Водариг!.. Машхур Рўзи аттор дўкончаси олдида коматидан ғайрат ёғилиб турган бикр жуссали бир қиз буюмларни кўриб, ўзига нимадир танларди. Ажабо, содагина кийинган бу қиз барчанинг ичида офтобдай ажралиб турар, атрофдагиларга парво ҳам қилмас, эхтимол дунёни унутган, фикри-зикри факат буюмларда михланиб қолганди. Катта аёллардай бошига солган таканаси ўзига ярашган, оғзини яшириб турган рўмоли одмигина матодан бўлса ҳам кўзга нафис ташланарди. Мавлонозода яқинроқ бориб, сездирмай одамлар орасидан яхшилаб қаради. Азал наққоши бу ойжамолга жило бераётиб ўзининг мукаммал санъатини намойиш этибди, аммо озроқ эхтиётсизлик кўргаэганини ҳам холисанилло айтиб ўтмоқ жоиз: кизнинг қора қошларига ранг бераётиб ногаҳонда мўйқалам учи юзига тегиб кетибди-ю, нуктадай бир хол пайдо бўлибди. Кўзларида лимиллаб турган нур бу дунё минтақасида учрамайди... Мавлонозода бу варойиб нурдан қалбига бир ойқин шуъла оқиб кирганини сезди, кўзларига олам чароғон бўлиб кетди. Узун энгли оқ бўз кўйлаги катон кўйлақлардан ҳам аълороқ туюлди. Чунки ювилавериб унчалар оҳори қолмаган бўз ичида нодир комат яшнаб турганлиги хаёл оинасида равшан кўринарди. «Ёши ҳам ўн олти...ё ўн етти...» — деди йигит энтикиб, томоғига ширин бир нарса тиқилиб ўтди.

Шу пайт Рўзи аттор дўкончасининг ўнг томонидаги пештахта ёнида ўрта бўйли, микти гавдали қиличбурун бир йигит ҳам қиздан кўзини узмай қараб турарди. Афтидан у кўчаданок қизни кузатиб келар, унинг шунчаки қизга махлиё бўлишдан бошқачароқ нияти ҳам борга ўхшарди. Қиличбурун йигитни ҳеч ким сезмади.

Кутилмаганда «Ушла! Ўғрини ушла!», «Қочди! қочди», «Олдидан тўс!» деган овозлар эшитилди. Мавлонозода тим эшигидан кимнингдир лип этиб ичкарига кириб кетганини илғай олди, холос. Ўғри деганлари пачаққина бир одам эди, тез чопганидан бошидаги қалпоғи тушиб кетган, тепакаллиги шундоққина кўриниб қолганди. У

чапдастлик билан тим ичида қочиб борар, ҳаракатларидан бу ишнинг анчагина машқини олганлиги билиниб турар, ҳатто вақти-вақти билан орқасига ўгирилиб, қувиб келаётганларнинг чамасини олишга уринарди. Ҳамма тепакал ўғрига қараб турарди-ю, ҳеч ким уни ушлашга ошиқмасди.

«Қани? Қани?», «Қаёкка қочди?» деганича ўғрини қувиб тимга яна бир одам кириб келди. У атрофга аланглар, ўғрининг тепакал ялтироқ бошини кидирарди. Ўттиз бешларга борган, корин қўйган бу одам бойваччалардан эканлиги кийимидан кўриниб турар, тез югурганидан ҳаллослаб, бошидаги тайласони¹ ечилар даражага келганди.

— Мен у эрсак калга кўрсатиб қўямен хали, қандок килиб бировларни ёнчиғини олишни! Кўрсатиб қўямен хали, ха!

Мавлонозода бойваччани яхшилаб кўришга улгурмади, чунки у тезда одамларга аралашиб кетди, аммо овози танишга ўхшади. Бойвачча Садр Сулаймоннинг босқокчилари² сардори Жаммазабон эди. Ҳа, бу ўша, ўғрига бировларнинг ёнчиғини қандай олишни кўрсатиб қўйишга, кодир, устаси фаранг солиқчилар бошлиғи! Ўғри-ку, биргина Жаммазабоннинг ёнчиғини олибди, Жаммазабон-чи, куппа-кундузи халқнинг ёнчиғини кавлаш билан овора!

«Қувди-қочди» ҳамманинг диққатини ўзига тортди.

— Ҳай... Қалампир қўйиб ол, Насриддин афандига ўхшаб! — маслаҳат берарди қандайдир бир шартаки одам упа-элик, бўёқлар дўкони томонидан, Жаммазабон уриниб қолганини кўриб қах-қах отиб қуларкан. — Ўғрини дарров тутасен!..

— Насриддин афанди нима қилган экан? — сўради бошқаси чандиқ сўзлар айтишдан тап тортмаган одамдан.

— Бўшалиб кетган эшагини пешингача қувиб тутолмабди, кайсар махлуқ кўрғонни айланиб қочар эмиш. Охири кетига қалампир қўйиб олган экан, чунонам юғуриб кетибдики, асти қўяверасиз! Дам Насриддин афанди эшакдан ўтиб кетар эмиш, дам эшак Насриддин афанди-

¹ **Тайласон** — бошга, бўйинга солиб, орқага ташлаб юриладиган чодирдек нарса.

² **Босқокчи** — солиқчи.

дан! Бечора кечгача чолибди, бўлмабди. «Хотин, хотин! — дебди охири ўзини тўхтата олмай афанди. — Эшак бўлганича бўлди, энди мени ушла!..»

Одамлар гурр кулиб юборишди. Мавлонозода ҳам қаҳ-қаҳ отганини сезмай қолди. У ўғрини кидириб, тим ичига кўз югуртирди. Ўғри ичкарини айланиб келиб, тагин эшикдан лип этиб чикди-кетди. Халлослаган Жаммазабонни кўрган одамлар кулгудан ўзларини тўхтата олмасдилар.

— Нега куласизлар? Ўғрини тутиш ўрнига... — деди Жаммазабон зуғум билан уларга ва ўзини эшикдан ташкарига урди.

Кўп фурсат ўтмай ҳамма ҳалигина қорнини селкилла-тиб чопган босқоқчилар сардорини ҳам, ўғрини ҳам унутди. Тимни яна савдо оламининг аллаловчи сокин ғовурғуви ўз бағрига олди.

Жаммазабон воқеаси бир лаҳзада бўлиб ўтди-ю, аммо бу Мавлонозода учун қимматга тушди. Мавлонозода Рўзи аттор дўкончаси томон ўгирилди. Лоҳавло вало қуввато! Йигит кўзларини мушти билан ишқалаб қаттиқроқ тикилди. Не кўз билан кўрсинки, бошига такана ташлаган, ок бўз кўйлакдаги киз... турган жойида йўқ эди!

Мавлонозоданинг манглайдан совуқ тер чиқиб кетди. У тез аланглаб тим ичини караб чикди. Аммо излаганини учратмади. Толиби илм кўзларини мўлтиратиб умидвор тим эшигига тикилди: чиқиб кетдимикин! Чиққан бўлса, қаёққа кетдийкин?..

— Хай, укажон! — деди кимдир шу пайт, йигит наздида овоз пастдан чикди. — Нима қилганингиз бу? Ақчасини тўланг!

Мавлонозода овоз чиққан томонга каради. Четроқда гўштдор юзли, дўрдиқ лабли бир маззанг хотин игна, ангишвона, тугма, сақич каби майда-чуйдаларни олдига ёйиб сотиб ўлтирган экан. Мавлонозода хаёл билан бир ангишвонани босиб мажаклаб юборибди.

— Ақчасини тўланг! — бобилларди маззанг хотин юзларини кирдан қорайган рўмолча билан артаркан. — Яхшики, ангишвона, игнани босиб олсангиз нима бўларди, оёғингизга кириб кетарди. Сақичдан опкетинг, сақичдан! Данипаранг ҳам бор...

Мавлонозоданинг энсаси қотди. У нима ғамда-ю, бу маззанг хотин нима ғамда! Вожаб! Муллавачча маззанг

хотинга зуптагина қилиб жавоб бермоқчийди, хотиннинг ёнида уч яшарлар чамасидаги мўнди болақайнинг оппоқ тишларини кўрсатиб кулиб қараб туриши таъсир қилди-ми, ҳар қалай индамай қўя қолди. Ёнидан ақча олиб маззанг хотинга узатди.

— Сақичдан опкетинг, сақичдан, оппоқ йигит! — деди яна маззанг хотин. — Келинчақлар чайнайдиганидан бор, Эрон сақичи... Ўзиям қарсиллайди. Оберайми?... Ҳа, игна кетди, сақич кетди!..

«Аввал келин бўлсин, сақичнинг бир чораси топи-лар...» деб қўйди ичида йигит ширин туйғу аралаш киноя билан. У беихтиёр Рўзи аттор дўкончаси томон юрди.

Дўконча олдида одам кўп эди. Мавлонозода молларни томоша қилган бўлди, аслида одамларнинг сийрақлашишини кутди. Ниҳоят дўконча холи қолди.

— Келсинлар, келсинлар! — деди Рўзи аттор тавозе билан йигитни қаршилар экан. Олтмишлардан ошган бежирим келбатли бу одам, муллаваччага қаттиқ тикилганча давом этди: — Кўнгиллари нени тилайдир, а? Кимга... нима харид этмоқчилар? Мана, мағрибдан келган маржон, дурри Адан, Эрон узуги, Ҳиндистон уфори...

Рўзи аттор тез-тез гапирарди. Мавлонозода каловла-ниб қолди. Келишга келди-ю, гапни нимадан бошлани-шини билмай боши қотди.

— Ассалому алайкум! — ҳаяжонини билдирмасликка тиришиб деди у, гап билмасанг салом бер, деган ақида этагидан тутиб. — Бир неча дақиқа аввал... шу ерда оқ бўз қўйлак кийган киз... турувди, дўконча олдида...

— Хўш, хўш?

— Шу киз... қаёққа кетди, билмайсизми?..

— Кимингиз бўларди ул ожиза, а? — ўз навбатида сўради гап нимада эканлигини яхши билмоқ ниятида Рўзи аттор.

— Ҳ-мм... синглим бўладир.

— Йўқотиб қўйдингизми?

— Бирга бозор чиқувдик... — Мавлонозода энди ўзини босиб олди. — Сизнинг дўкончангизда мушки Хўтан бўлғуси, деб эди...

Рўзи аттор мийиғида кулди-ю, маънодор деди:

— Бозорда ажралмаслик керак, мулла йигит! Хури-

ликодай синглингизни ёлғиз қолдирасизму? Бу бозор ахир!.. Унинг тимдан чиқиб кетганига талай фурсат бўлди-ку! Халиги ўғрининг шовқин-сурони бошланиши биланок чиқиб кетган. Балки сиз оғасини излаб кетгандир?

Малонозода Рўзи аттор билан хайрлашди-да, шитоб тимдан ташқарига чиқди.

Ташқарида эса... одам... одам... Кичиккина тим ичида номаълум қизни топиш балки мумкин эди, аммо ғимир-ғимир одамга тўлган бозорда бировни излаб топиш бир қоп сомоннинг ичидаги игнани қидириш билан баробар! Излаганингни топгунча ўзингни йўқотасен!

Хафсаласи пир бўлган Мавлонозода бир неча лаҳза тим эшиги олдида туриб қолди. Шу алпозда Мавлонозодага қараган одам бундоқ манзарани кўрарди: йигитнинг манглайдан реза-реза тер оқар, бир томчиси қуюқ қош устида ялтирар, муллаваччанинг табиатан шодмон кўзларига маъюслик ғубори чўкканди. Одамлар унга эътибор беришмас, йигит назарида улар қайдадир бурчак-бурчакларда ивирсиб юришар, нима билан машғул эканликлари мутлақо қоронғи эди. Ана, бири инқиллаганча қоп оркалаб қайгадир кетяпти, иккинчиси буғи чиқиб турган нон тўла саватни кўтариб олган, ана бу бойвачча эса аравада уйга қовун ташиттирмоқда. Кимдир кабобпаз олдида бир сих кабобни ушлаб иштаҳа билан тановул қиларди... «Шундай пайтда қандай қилиб кабоб томоқдан ўтар экан?...» — деди ичида аламдан йигит.

Мавлонозоданинг уларга раҳми келиб кетди, ушбу гаройиб айёмда ҳеч нарсани сезмай, оламдан беҳабар парвосиз юришларига ачинди. Афсуски, бу майда-чуйдалар билан ўралашиб, овора бўлиб бозорда ғимирлаб юрганлар муҳаббатни, ишқни билишмайди, дунёда шундай тансиқ туйғу борлигини хаёлга ҳам келтира олишмайди. Фақат уларгина эмас, ҳатто дунёда ҳеч ким ҳам билмайди шу аснода Мавлонозоданинг кўнглида мавж урган туйғуларни! Муҳаббат! Тонг маҳали борликни ажиб навога тўлдириб эсанг инсон умрининг сарин шаббодаси! Бу шаббода бизнинг вужуд чаманзоримизда турфа чечакларни тарбия этади, ожиз майса-ғиёхларни ҳам яшнаиб юборади! Муҳаббат, агар ёш йигитга насиб этса, уни дунёни кўриб қўйган, оқ-қорани таниган кишилар даражасига кўтаради, кексани эса умрнинг навқирон фаслига қайтаради, унинг ўткинчи эмаслигига ишонч уйғо-

тади! Муҳаббат, севги! Олам, борлиқ шу нафис қудратли туйғу атрофида оройиш топади...

— Бизни чиқариб юборсунлар! — деди кимдир шу пайт тоқатсизланиб.

Мавлонозода қараса, микти гавдали қиличбурун бир йигит ундан йўл сўраб турибди.

— Бемалол! Бемалол! — деди у.

Қиличбурун шитоб чиқиб кетди.

Бирдан Мавлонозоданинг хаёли тиниклашиб, шуури ёришгандай бўлди. Йигит тахминича, қиз бозор айланиб юрмайди, такинчоқлардан бирон нарса зарур бўлиб қолганидан Рўзи аттор дўконига келган, ишини битиргану бозордан чиқиб кетган... У хозир Чорсу майдонида кетаётган бўлса ажабмас...

Йигит ошиққанча Чорсу ўртасига келиб, теваракка мўлтираб қаради. Ростдан ҳам ажойиб манзара: саккиз кўча келиб майдонга қўл берганди. Ана, кунботишда — ўкдай тўғри Арк кўчаси, мадраса, хонакоҳ, Хонкали кўчаси, Жомеъ масжиди... Энди Арк кўчасидан карнай-сурнай садолари эшитилмасди. Шимолда — Ҳолвачилар, Кулоллар кўчалари, карвонсарой кўринадиди, карвонсаройнинг олди гавжум, бинонинг азамат пештоқи пешин офтобига юз тутган. Кунчиқарда Наддофлар, Қаландархона кўчалари, бозор — бозор ичидаги қайсидир бир бино деразасига тушган офтоб ловуллаб кўзни оларди. Жанубда — Бозоркўча, Қўрчилар кўчаси... Мавлонозода кўчаларни назардан ўтказай деб, турган жойида бир айланганини билмай қолди. Ё парвардигор! Ул нозанин тушмиди, ўнгмиди? Саккиз кўчанинг қай бирига кириб кетганини ёлғиз олло биладир, холос... Ёки қанот боғлаб осмонга парвоз этдимикан? Агар ул пари зотидан бўлса, шундоқ қилмоғи ҳам эхтимолдан холи эмас...

Кўчаларнинг бирортаси ҳам Мавлонозода диққатини жалб этмади. Фақат Наддофлар кўчасида бир чакиримча нарида йироклашиб бораётган ок нарса кўзга чалинди. Йигитнинг юраги қаттиқ уриб кетди. Нахотки, ўша бўлса? Ноумид шайтон...

Йигит иккиланмай Наддофлар кўчасига қараб юрди. У ўша вазнсиз, енгил, гўё парвоз қилиб кетаётган фариштадай ок нарсадан кўз узмай одим отарди. Шошилаётган одам йўлнинг танобини қандай тортишни билади.

Майдондан ўтиб пахта тозаловчилар кўчасига кирган Мавлонозода қадамларини катта-катта ташлай бошлади. У йўлда учраган одамларни кўрмас, иши ҳам бўлмасди. Назарида, хозир кўчада номаълум қиз ва йигитдан бошқа ҳеч ким йўқ...

Қиз билан оралиқ тобора қисқариб борарди. Йигит бирдан тўхтаб қолди: бориб... нима дейди? Таниш бўлмас, бегона ожизага сўз қотиш... қандай бўларкин? Бу дабдурустдан Мавлонозодага шаккокликдек туюлди, аммо андишани чуқур фахм этмаган йигит, рости у бунга уринмади ҳам, яна шитоб юриб кетди.

Қиз эса, унинг ортидан Садр Сулаймон мадрасасининг толиби илми изма-из қувиб келаётганидангина эмас, ҳатто дунёда шундай йигит борлигидан ҳам мутлақо беҳабар, шошилмай қадам ташларди. Шамол шўхлик қилиб таканасининг учини елкасидан ошириб ўйнайди. Йигитга худди қиз эмас, ок ҳайкал хиромон этиб кетаётгандай туюлар, чунки бўз кўйлак қизнинг тўпирғигача тушиб турарди.

Наддофлар маҳалласига яқин қолди. Мавлонозода қадамини тезлаштирди. Қиз кўчанинг ўнг томонида товусдай майин юриб борарди, бургутдай йигит товусни чўчитиб юбормаслик учун чап томонда сал орқарокда боришни лозим топди.

Мавлонозода хали ҳам қизга нима деб мурожаат этишни билмасди, фикр-зикри, хаёли минг бир савол билан тўла... «Бахташ таваккал!» — деди йигит ўзига-ўзи ва шартта кўчанинг у юзига сўз қотди:

— Айб этмайсиз, мусофирмен... Шаҳрисабздан... Шу кўча Ҳолвачилар кўчаси, а?

Қиз овоз келган томонга ўгирилди. Кўчанинг нариги четида сохт-сумбати келишган хушрўй бир йигит унга кўзларини тикканча юриб келар, чиройли мўйлаби остидаги юпка лаблари жилмайишга мойил эди.

Қиз ҳайратланганча беихтиёр тўхтади:

— Ие! Қизиқ экансиз-ку! Ҳолвачилар кўчаси бу ерда нима қилади? — Роҳат қилиб қулди у. Унга одамларнинг бошқа жойлардан келиб Самарқандда йўл тополмай адашиб юришлари хуш ёқарди, бу Самарқанднинг улканлигидан далолат эди, қиз эса шу улкан шаҳарда яшарди.

— Мусофирмен... билмаслигимдан сўрайдирмен...

— Бу — Наддофлар кўчаси. Адашиб қолибсиз. Кўплар адашиб юришади ўзи бизнинг кўчада... Чорсудан эртароқ бурилибсиз, бу кўчадан кейинги иккинчи кўчага киришингиз зарур эди...

Қиз самимий сўзларди, унда қимтиниш ёки ўзини тортиш туйғулари сезилмасди. Ёлғиз ўзи шаҳарга чиқиб кезиб юрибди, нақ бир йигитнинг шаҳти бор! Лекин қанчалар назокатли, қанчалар нафис! Офтобда ям-яшил япроқларини ёзиб дайр шабадасига юзма-юз турган бу сулув чечак ҳали гардуннинг турфа шеваю ишоратларидан йироқ ва балки улар ҳақида тасаввури ҳам йўқ, дали-ғули давронда диёнат бор деб ўйлайди. Олам умрининг фақат офтоб яраклашидан иборат эмаслигини ҳаёлига сиздира олмайди. Инсон дунёга севмоқ, хайратланмоқ учун келади, деб ишонади, бу дунёда хайрат посангисини эзгуликлар эмас, балки разолат ва қабохатлар тоши босиб кетажаги мумкинлиги етти ухлаб тушига кирган ҳам эмас...

Қизнинг очиқ чехралиги унинг ойдай жамолига маҳлиё бўлган йигитни яна ҳам ўртантириб юборди. Қизда ҳусну малоҳатдан ўзга ифодалаб бўлмас бир сеҳр ҳам мужассам экан, бунга йигитнинг имони комил бўлди.

— Ҳолвачилар кўчасига бориш учун ортга қайтасиз... — деди ҳамон нотаниш йигитнинг келаётганини кўрган қиз, қия боқиб. Содда қиз йигитни Ҳолвачилар кўчасидан бошқа яна нимадир ҳам қизиқтираётганини зинҳор ўйламас, балки сидқидилдан адашган мусофирни тўғри йўлга солиб юборишнинг ташвишини чекарди. Йигит унга нимтабассум билан тикилганча, лом-мим демасди. «Табассуми ўзига ярашибди...» — ҳаёлидан кечирди қиз.

— Савобга қолдингиз, бир мусофирга яхшилик бундан ортик бўлмас... Қуллук!.. Тағин бир нарса сўрасам... мумкин бўлурми!

Мавлонозода аввал, ўша азал наққоши бу ойжамолга сайқал бераётиб озгина эҳтиётсизлик кўрсатганидан мўйқалам учи тегиб пайдо бўлган ўнг юзидаги холга қаради, кейин саволига жавоб тилаш баҳонасида қизнинг кўзларига тикилди: чашма шахлодаги ёниб турган хаёллардан кўнгли ёришди.

— Нима экан? — сўради қиз очиқ чехралик билан.

— Агар... отингизни... айтсангиз...

— Ие? — яна боягидек роҳат қилиб кулди киз. — Шахрисабзликларнинг бари ҳам шунақа кизиқувчан бўладиларми?..

— Бари эмас, фақат мен! Мен! — деб юборди энтикан йигит.

Киз ниманидир мулоҳаза қилди, ниманидир тушунгандай бўлди. Ҳар қалай, бу хушрўй йигит Холвачилар кўчаси туфайлигина адашиб юргани йўқ шекилли...

— Отимни сўрасангиз... Отим от... — деди киз ноз билан.

Киз бошқа сўз демай юриб кетди. Жавобдан хангманг Мавлонозода, ажабки, киз исмини айтмаганига шукур қилди. Бунда озгина иззатталаблик туйғуси бор, истигно ҳам йўқ эмас, ширин илинж ҳам... «Агар киз отини айтганда, бу менга бефарқ эканлиги аломати бўлар эди, — деб ўйлади йигит. — Отини айтмади. Бас, керак бўлсам, излаб топадир, деган хаёлда шундоқ қилди. Фаросати ўткир киз экан...»

Номаълум киз йироклашиб борарди. Хиромон айлаб кетаётган оқ пайкарни кузатар экан, йигитнинг лабларидан беихтиёр шундай сўзлар учди:

— Холвачилар кўчасини қидириб ширин бир илинж сохиби бўлдинг. Ҳали бу ҳолва...

Ногаҳон ўзининг тонган сўз ўйини унга хузур бағишлади. Мавлонозода мийиғида табассум қилганча ортига қайрилди.

Йўлда келар экан, кўп ўтмай рўпарасидан халиги қиличбурун йигит чиқиб қолди. Мавлонозода унга қаради-ю, қаердадир кўргандай бўлди. Бу қиличбурунни қаерда кўрганди? Лекин дарров уни эсдан чиқарди, чунки хаёли буткул бошқа нарса билан банд эди.

Олтинчи боб

ТАКЯХОНА

Чошгоҳ вақтида Абу Бакр Калавийлар уйининг китобасида «ал факру фахри»¹ сўзлари битилган икки табақали дарвозаси оҳиста тақиллади. Ёш бола тақиллата-

¹ «Фақирлик фахримдир» (араб.).

ётган бўлса керак, гоҳ-гоҳда зулфин ҳам шириқ-ширик қиларди, бола афтидан, биров чиқишини кутиб зулфинни ўйнаб турарди. Так-так садо кенг-мўл ҳовли ичида гўё кимнидир қидириб айланиб юрарди.

Ҳовли ростдан ҳам кенг-мўл бўлиб, кирган одамнинг кўкраги тўлиб нафас олади. Ўнг қўлда айвонли, уч хонали уй, айвонда алоҳида-алоҳида уч эшик кўриниб турибди. Рўпарада, ичкарироқда ҳовли юзидан сўнг бор бошланади, балки бор дейиш ноўриндир, хар қалай, иш-ком, олма, нок бор. Чапда мўъжазгина ёзги айвонча, қуйироқда эса қўшни уйдан жилдираб арикча окиб ўтади.

Ёзги айвончада ёнбошлаганча китоб варақлаётган ўн олти — ўн етти ёшлар чамасидаги жуссаликкина бир қиздан бошқа ҳовлида ҳеч ким йўқ. Дарвоза тақиллай-вергач, қиз китобни қўйди-да, истикболга ошиқди.

— Ким экан? — жонон пиёланинг овозидай сас берди қиз.

— Жаҳон бика опа, менман! Кумарман! Кумар!

Дарвозани тақиллатган ўн ёшлар чамасидаги бола бўлиб, Абу Бакр Калавийнинг хинд биродари морбоз Лакшманнинг ўғли Кумар экан. Улар Қаландархона кўчасида туришади. Кумар Лакшманнинг Самарқандга келиб топган ўғли, жуда чаққон, отаси илон ўйнатганда, у дор тепасида машқлар кўргизар, турли қизиқчиликлар қилиб олқишлар оларди. Доим кулиб турганидан одамга тез ёқиб қоладиган Кумар, хинд афсоналарига ишора қилиб: «Мен яздонлар подшоси Индрадек уста ва эпчил бўлишим керак!» — деб қўярди. Илон ўйнатувчи Лакшман билан унинг хотини Читра бу хонадонга тез-тез келиб туришар, икки оила бир-бирига қадрдон эканлигидан Абу Бакр Калавийлар Кумарни ўз болаларидай суйишар, ўз навбатида хиндлар ҳам Жаҳон бикани қизимиз дейишарди.

Жаҳон бика хурсанд бўлиб, тез дарвоза тамбасини ола бошлади. Тамба қаттиқ қўйилган экан, хадеганда олинавормади. Шу пайт кўчадан падари бузрукворининг овози эшитилди, сахар юмуш билан Уста Қулолникига кетган Абу Бакр Калавий қайтиб келганди.

— Келинг, ўғлим, келинг! — деди Абу Бакр Калавий Кумарни эркалаб. — Нима гап? Отангиз саломатми-лар?

— Саломатлар... Сизни чорлаб юбордилар, борар экансиз...

Бу орада Жаҳон бика дарвозани очди. Абу Бакр Калавий Кумарни етаклаганча ховлига кириб келди. Жаҳон бика кулиб боланинг бошини силаб қўйди. Дарвоза очилганини эшитган кизнинг онаси Қорасоч бика ҳам пахтахонадан айвонга чиқиб уларни карши олди. Бу қирқларга борган, ҳали ёшлик жозибасини йўқотмаган, кулча юзли, қадди-қомати келишган хушбичим аёл эди.

— Кел, Кумаржон! Онанг яхшимилар? — Қорасоч бика суйиб боланинг пешонасидан ўпди.

— Яхшилар... Онам, суриштириб кўргин, Шамсулмулк аканг соғ-саломат юрибдимикан, амакинг яхши бориб келибдиларми, билгин, деб юбордилар. Отам амакингни такяхонага айтиб кел, дедилар...

— Бўпти, ўғлим, бўпти! — Абу Бакр Калавий бор томонга ўтиб чўпазак олмадан икки дона узиб олиб Кумарга узатди. — Ол-чи, ўғлим, еб кўр-чи!

— Олақол, Кумар, олақол! — деди Жаҳон бика ҳам. Кумар мамнун олмаларни олди. У Жаҳон бикани ўз опасидай яхши кўрар, унинг айтганини лом-мим демай адо этарди. Такяхонадаги бугунги йиғинни Абу Бакр Калавийнинг ўзи тайин этганди. Жамоа коидасига кўра, йиғинга иштирокчилар ҳар сафар расмий равишда таклиф қилинади. Кумар шунинг учун келганди.

Абу Бакр Калавий Сабзавордан қайтганига талай фурсат бўлса ҳам, тирикчилик ташвишлари деб, дўстлари билан мириқиб гурунг қилолгани йўқ. Камонмерган Хўрдак Бухорий, Қодир Ҳалвойи, Уста Кулол, хинд биродари Лакшман, Исоқ этикдўз, Нозим Меҳметлар уни ров зиёрат қилиб кетишди.

Дўстлар билан учраша олмаганининг сабаби бор. Гап шундаки, Наддофлар маҳалласи оқсоқоли пахтачи қишлоқларни айланиб келиш билан банд бўлди. Йил жуда иссиқ келди, офтоб тирик жонзотни ковуриб ташлади, айниқса чоракор дехқоннинг энка-тинкасини қуритди. Бу йил пахтанинг чўғи кам, ҳосилнинг гози йўқ, Абу Бакр Калавий ўз кўзи билан кўриб келди. Зарафшонда сув тортилиб, дехқоннинг обидийдасига зордай, саёз ерлари кўриниб ётибди. Самарқанд атрофида жойлашган Қундузак, Соғғончи, Кумушкент, Ведар, Хартанг, Хожай Калон, Соғарч ва Хожа Фунжора сингари чинакчи

кишлоқларнинг барчасида ҳам аҳвол туб ўзга эмас... Кўриб фақат одамнинг юраги эзилади. Сувсизликдан ғўзаларнинг бўйи ўсмаган, кўсақлар очилмаёқ қовжираб қолган, бодрок бўлиб читтайиб кўринади. Кумушкентда пахта бир оз дуруст, аммо Қундузакда иш чаток...

Наддофлар маҳалласи оксоқоли бир нарсани кузатди. Вилоятдаги закотчилар ҳам дод дейдилар, чунки вилоят хароб, раъият аҳволи танг, аксариятнинг хўкиз олиб зироат қилмакка истеъдодлари йўк... Ҳеч бир киши раъият сўзига кулоқ солмайди, осмон узоқ, ер қаттиқ... Кўплар девоннинг экин-тикин учун берган уруғ ва зарурий нарсаларини ночорликдан еб харж қилиб қўйгандилар. Дадаали деган одам ана шундай бечоралардан бири эди. Абу Бакр Калавий дехқоннинг томорқасида яшнаб турган ғўза эмас, қип-қизил шудгорни кўрди. Дадаали бош тебратиб деди:

— Кўрмайсизми, биродар?.. Эсимни танибманки, юмшим пахта, пахта. Сабаби тирикчилик деб, ота-бобом ҳам пахта чангини ялаб ўтиб кетишди. Аммо косаси оқарганини билмаймен... — Дехқон қовжираган пайкалга қараб давом этди: — Жуда таъби нозик нарса бўлар экан, бу пахта деганингиз. Шунча йил пахтачилик қилиб, бу йилгидақа оғир йилни кўрмовдим... Э, ўргилиб қўйдим баридан!

— Пайкалингиз қанча ўзи? — сўради Наддофлар маҳалласи оксоқоли.

— Икки танобгина... — Дадаали афсуслангандек деди. — Илгари олти таноб еримиз бўлган экан. Мана шунақа қилиб, бир йилда ҳосил яхши бўлмай, иккинчи йилда харажатларни қоплай олмай, оз-оз ердан ажралиб қоляпман-да...

— Ажралиб қоляпман?

Дадаали тушунтиришга уринди:

— Аввало Садр Сулаймондан чигитни қарз оламен. Кейин сувга тўлашим керак. Уловим ҳам йўк, уни ҳам бойдан олиб ишлатамен. Эшагидан тушови қимматга тушиб кетади... Ҳосил яхши бўлса барини қоплайди, тирикчилигимга ҳам қолади. — Дадаали хўрсинди. — Лекин бу йил... Э, ўргилдим баридан!

— Ўқсинманг, иним, бир чораси топилур, — шўрлик пахтачини юпатгандай деди Абу Бакр Калавий. — Кўнглингизнинг бир четига тугиб қўйинг: Самарқандда

Наддофлар маҳалласи бор, зарурат туғилса тортинмай келинг. Уқдингизми, эй феъли тўғри?

— Куллуқ, биродар, олло рози бўлсин сиздан! Бу йил сувсизлик, қурроқчиликдан ғўзага қарайман деб, кўп харажатга тушдим, ҳаммаси пўстдумбага чикиб кетди. Еримдан ажраб, барини бой бериб, сувдан силлик, уч қокқан кунжутдай бўлиб қолмасам гўрга эди... Бир қанор ҳам пахта ололмайман бу туришда... — Дадаалининг кўзида ёш филтиллади. — Нима қиламен унда, биродар, нима чора қиламен?..

Ростдан ҳам нима қилади Дадаалилар? Зангин Садр Сулаймонда бари бор — улов ҳам, чигит ҳам, сув ҳам, давлат ҳам. Унинг устига пайкалга чикиб жазирама офтобда куйиш йўқ. Момик ёстикларга ёнбошлаб, саккиз қават кўрпачаларда ётишади, тагин бор ёруғлик шуларга. Бутун азобни улус тортади. Қачон бу ноҳақликнинг куни битаркин? Битармикин ўзи?

Дадаали томорқасидан қайтаркан, Абу Бакр Калавий сарбадорлар давлатидаги Боштин қишлоғи пахтачиларини эслаб кетди. У ерда пахтачилар аҳволи буткул бошқача. Дўстлари ака-ука Ҳасан Ҳамза билан Ҳусайн Ҳамзалар ҳам пахта экишади. Ҳокимият уларга улов, чигит, сув беради, ерлар ҳар бир дехқоннинг ўз ихтиёрига топширилган. У ёқларда бу йил пахтанинг ривожини яхши.

Дадаали, пахтаман яхши бўлмаса, нима чора қиламен, дейди. Ҳўш, пахта бўлмаса Наддофлар маҳалласи аҳли нима қилиб кун кўради? Ўтган йиллар захираларини еб ётишадими? Бирок ҳеч қандай захира йўқ... Ёки тирикчилик учун Фарғона томонлардан пахта олиб келишадими, а? Хасисликда илғорликни қўлдан бермайдиган, ўзигина эмас, ҳатто ота-бобоси ҳам тиззасига нон қўйиб еб келган Садр Сулаймон агар айтган ҳосилини олмаса, ҳаммани офтобда қолган ғўзадай ковуриб юборади! Пахта бўлмаса, Наддофлардан ташқари тўқувчилар юмуши ҳам кесилади, жувоз ҳам айланмайди, унга чигит керак... Наҳотки, эл очлик, дарвишликка юз тутиб, барчанинг ётиши жувозхонаю ичиши мошова, ёвғон шўрва, хайдаши уч қалла чигит бўлади?..

Ана шуларни ўйлаб, такахонага бораётган Абу Бакр Калавий Чорсуга етганда кун ботди. Майдон четидаги бўшаб қолган бозор расталари олдидан ўтиб, нон бозо-

рига кирди. Ўнта нон харид килди-да, Қаландархона кўчасига қараб кетди.

* * *

Тақяхона — Самарқанд сарбадорлари тўпланиб турадиган маскан, — Лакшман ховлисида жойлашган эди. Лакшман ховлиси кўчага қараганда чуқурроқ, кирганда худди ертўлага кирилгандай бўларди. Ховли, девор билан ўралган, хилват ва шинам. Тўрт хонали уйнинг уч хонаси алохида, қолган кўк эшикли чўнгроқ хонаси алохида, тақяхонага ана шуни танладилар. Лакшман тақяхона хизматини ўз зиммасига олди. Тақяхона аъзолари хар ойлик аъзолик бадалларини тўлар эдилар, шу ваддан ҳам тақяхонада барча ўзини эркин тутар, ҳеч ким кўнглида миннат юкини сезмас эди.

Абу Бакр Калавий тепасида хиндлар худоси Шива сурати ёпиштирилган дарвозадан ичкари кирди. Ховлида ивирсиб юрган Лакшман Абу Бакр Калавийни хурсанд кутиб олди:

— Кулбамизга оксоқолнинг қадамлари етди! — деди тақяхона соҳиби.

Ичкаридан бирин-кетин жамоа аъзолари чиқиб кела бошлашди. Мош-биринч соқоли ўзига ярашган Уста Кулол билаклари йўғон қўлларини ёзиб кўришмоққа талпинди. Кичик жуссали Халвойи кўришганида атрофдагилар: «Бағоят ширин бўлди-да!» деб қўйишди, унинг кандолатчилигига ишора қилишиб. Хамма мириқиб кулди. Абу Бакр Калавий Исоқ этикдўз билан омонлашгач, Нозим Меҳметга юзланди. Нозим Меҳмет Диёрбакр шаҳридан келиб қолганди. Ингичка мўйлабли бу румлик ўнг қўлига узук тақиб юрарди. Чақда, айвонда қўлларини бир-бирига қўйиб хиёл бош эгиб турган Лакшманнинг ёстикдоши Читрабону ҳам Абу Бакр Калавийга салом берди.

— Зиёратлар қабул! Кўрган-билганлардан сўзлаб беринг, — деди Уста Кулол хонага кириб ўлтиришгач. — Эшитайлик... Шамсулмулкнинг келиши яқинми?

— Муродингиз ҳосил! Яқин, яқин... — деди хаёли ўғлига кетган Абу Бакр Калавий, бор йўғи уч ой олдин ўғли билан кўришиб, Сабзавор кўчаларини бирга кезишиб келганига қарамай қалбида соғинч ҳиссини туйди.

— Сарбадорлар мамлакатада аҳвол нечук экан? — Нозим Мехмет сўзга аралашди.

— Ўзи қандоқ мамлакат бу, ҳамсоя? Эртакка ўхшайди-я! — деди хайрат билан Халвойи.

— Нимага сарбадор дейишади? — кизикди Исоқ этикдўз. — Сарбадормиз, деймизу билмаймиз-да...

Абу Бакр Калавий дўстларининг гапларини эшитар экан, бир нарсага имон келтирди. Ростдан ҳам у олис мамлакат ҳақида обдан сўзлаб бермоғи лозим, токи дўстлари, ўзларини сарбадорлар деб атаб юрган бу тўғри феъл кишилар ушбу қиссани эшитиб, ўз эътиқодларига садоқатларини чандон килсинлар!

— Тенгсизликка қарши исёнкор давлат бу! — деди Абу Бакр Калавий, лекин бу сўзлар ҳеч нарсани ифода этиб бера олмаганини шу ондаёқ сезди. Ҳа, тарихда бўлмаган, бу йўсин турмуш, бу хил салтанат!

Абу Бакр Калавийни узоқ хаёллар элитди. Падари бузруквори Наддофлар маҳалласининг оқсоқоли, билимли муллаваши киши Абу Сиддиқ Калавий ўғли учун кўп жон куйдирарди. У пайтлар онаизори ҳаёт, ўзи эса эндигина ўн тўққизга қадам қўйган валлават бир йигит эди. Мана шунга ҳам йигирма олти йил бўлиб боряпти. Бугун ҳижрий етти юз олтмиш бешинчи йил... Ҳа... умр сувдай оқиб бормоқда, умр ўтмоқда... Умр, ўн тўққизда бепоён бўлиб туюлган, аслида эса қисқа умр...

Абу Бакр Калавийнинг хотиралардан юраги беҳол бўлди. Сабзаворга борган илк кунлар, сарбадорларнинг элхонийларга қарши бош кўтариб чиқишлари ёдга тушди. Иттифоқо, у ана шу ҳаракатнинг, турфа инқилобий шижоатнинг тарих майдонидаги илк бор қўйган қадами ни ўз кўзи билан кўрган эди. Лекин ўшанда у коим эътиқод билан ушбу жамоага умрбод боғланиб қолажанини ҳали билмасди...

— Отамни маҳаллада «Абу Сиддиқ кофир» дейишарди, — деб ҳикоясини бошлади Абу Бакр Калавий. — Болаликда сабабини тушунмасдим. Маҳалла имоми, айрим художўйлар отамни ёқтиришмасди. Унинг аччиқсўзлиги ҳам кўпчиликнинг гашига тегарди. «Абу Сиддиқ кофир ҳар доим қалампир ютиб гапиради, даф бўлгур!» дер эди, айникса, имом Қутбиддин. Отам мусулмонлар мусулмони, ростгўй, ҳалол одам эди, шунинг учун тирикчилиги ҳам қийин кечарди.

Бир кун масжидда жума намозидан кейин хутбада имом Қутбиддин — у пайтда имом ўттиз ёшлардаги бир йигит — отам ҳақида ваъз айтиб, уни даҳрийга чиқариб, олдига икки шарт қўйибди: биринчиси, ҳажга бориб гуноҳларини ювиб келсин, ёки, иккинчиси, маҳалладан батамом кўчиб кетсин, бадарға қилинсин. Отам кўпчилик билан ҳисоблашишга мажбур бўлди, ҳаж сафарига тайёргарлик кўра бошлади.

Мен эсам ёлғиз ўғил эдим. Отам ҳаж томон бораётган карвонлардан биронтасига қўшилмак учун тез-тез карвонсаройдан хабар оларди. Самарқандга карвонлар кўп келса-да, негадир биронтасидан ҳам отамнинг кўнгли тўлмасди.

Ёши олтмишлардан ошиб қолган отам бир куни карвонсаройдан оғзи қулоғида қайтди. Фарғонадан бир карвон Маккаи муқаррама азиматини дилга тугиб, ҳажга бормоқда экан...

«Ўғлим! — деди отам. — Сени бирга олиб кетурмен, дунё кўрмоқ эр иши. Дунё кўрғон, одам кадрига етадурғон бўлади. Олис сафарлар ҳаж номи билан таомилга кирғон. Йўқ эса, ҳажга бормак лозим эрмас, агар отанангни дуои ризосини олсанг, бу етти ҳажга баробар, дейдилар. Аслида, инсонга табдили ҳаво бағоят зарур...»

Кувониб кетдим, дарров Термиз, Шом, Қўстантия каби шаҳру вилоятлар, обод юртлар кўз олдимга келди. Булар ҳақида отам жуда кўп гапирарди, икки бор бу мамлакатларга сафар қилғон. Бизнинг карвонимиз етти юз ўттиз еттинчи йил баҳор охирларида Самарқанддан Маккага қараб йўлга чиқди....

* * *

...Абу Бакр Калавий сўзлашдан тўхтади-да, бир хўрсиниб олди. У ўшанда она шаҳри Самарқанддан шодхуррам чиқиб кетганди, бироқ бу қувончларнинг умри қисқалигини хаёлига ҳам келтирмаганди.

Марви Шоҳижаҳон шаҳрига боришганида, эхтимол йўлнинг поёнсиз қумлардан ўтгани учунми, офтоб жазирамасию ҳавонинг беҳол этар даражадаги ҳароратиданми, аниқ билмак мушкул, Абу Сиддиқ Калавийнинг эски дарди кўзиб қолди, тез-тез нафаси бўға бошлади. Бунга Марви Шоҳижаҳоннинг ланж оби ҳавоси ҳам сабаб бўлган бўлиши мумкин. Абу Сиддиқ Калавийга ҳаво етишмас-

ди, бутун вужуди билан нафас олишга уринарди. Карвон уни деб бир кун қолиб кетди, чунки табиб беморга аллақандай дориларни ичирди, салкин хаво зарурлигини таъкидлади. Тонг ғира-ширасидагина кечаси билан дард зўридан ухлаёлмай чиққан беморнинг кўзи илинди. Шундан кейин нафас олиши ҳам енгиллашди.

— Отажон, нега кўрkitасиз мусофир жойларда? — деди чорасиз ўғил қиблагохининг хира кўзларига мўлтираб қараб.

Абу Сиддик Калавий қурукшаб қолган қўли билан ўғлининг бошини силади:

— Бандасимиз, ўғлим... Омонатини сўраса, йўқ, деб бўлмайди-да! Йўқ, дейишга кимнинг ҳадди сиғади?

Табибнинг дори-дармонлари қор қилди шекилли, Абу Сиддик Калавий Маври Шоҳижаҳондан чиққан куннинг учинчисида ўзини анча бардам сезди, дарддан форир бўлганига сидқидил ишонди.

Карвон Машҳадда қўнди, Нишопурда ҳам бир оз нафас ростлаб ўтди. Сабзавор музофотида Боштин қишлоғига етганда Абу Сиддик Калавий тагин хасталаниб қолди. Энди Марви Шоҳижаҳондагидан ҳам кўра каттиқроқ бўғар эди нафаси... Карвон қишлоқнинг четидаги сайхонликда тўхташга мажбур бўлди.

Боштин қишлоғи Шарқ қишлоқлари сингари, асосан, бир кўчадан иборат бўлиб, юз эллиқдан ортиқ хонадон ана шу ёлғиз кўча бўйига жойлашганди. Шунинг учун ҳам қишлоқ тепадан қаралса, узун яшил тасмани эслатарди.

— Тездан табиб топиш керак! — деди сорбон Абу Бакрга.

Ғариб ўғил чора излаб қишлоқ четидаги биринчи ховлига бош суқди. Кенггина бу ховли ака-ука Ҳасан Ҳамза билан Ҳусайн Ҳамза деган йигитларга қарашли эди. Йигирма ёшдаги бу эгизак ака-укалар ҳам яқинда оталаридан айрилиб мунгли эканлар, шунданми, Абу Бакрга каттиқ ҳамдардлик кўргиздилар. Томорқаларига экилган ғўза чопиғини ҳам завжаларига қолдиришиб, Абу Бакр учовлон қишлоқнинг у четидаги табибга югурдилар.

Табиб бемор ётган омонат чодирга кириб келганда, у алаҳлаб ётар, ҳарорати баланд эди. Табиб бир муддат ўнг қўлини Абу Сиддик Калавий пешонасига қўйиб, иссиғини аниқлади, кейин нафас олишини кузатди, томир

уришининг гоҳ тезлашиб, гоҳ сусайишига диққат қилди. Бемор курук йўталар, қийналиб нафас оларди.

— Карвон ҳаж сафарига отлангон, бемор ҳам савоб деб олис сафарга чикмиш эди... — деди сорбон.

Табиб афсуслангандек, беморни ўрнидан турғизмокка ундади.

«Ҳаж сафарига чиқишибдир... Бошқа сафар яқин бўлмаса бас эди...» хаёлидан кечирди у, Абу Сиддик Калавийнинг дард оинасига айланган чехрасига боқиб.

— Йўтал тутганда чалқанча ётманг, — маслаҳат берди табиб. — Ўпкангизда хилт тўплангон, нафас йўллари ўша билан тўлибдир. Назлангиз ҳам бор...

Бемор дарддан тинка-мадори куриганига қарамай, амаллаб ўрнидан турди, ажабки, кўкрак қисиши тўхтаб, харсиллаши пасайди.

— Дарров қари хўроз топингиз! — деди табиб. — Қайнатиб шўрва қилсунлар, ўшани тановул этмоқ даркор.

Табиб дафалроқ бир сочиқ олди-да, беморнинг биқин-кўкракларини бир меъёрда ишқай бошлади. Беморнинг безовталанганини кўргач, унга индов мойидан суриб ишқалашни давом эттирди. Сўнгра Ҳусайн Ҳамза билан Абу Бакрга букурди:

— Шу атроф сайхонликка чиқинглар! Қичитки ўт билан чилпоядан топиб келинглари! Сиз келгунча мен ёввойи бодрингнинг уруғини ажратамен. Кейин сурги дори тайёрлаймиз. Беморга сурги керак...

Таом пишгунча вақт ўтмай қичитки, чилпоя ва ёввойи бодринг уруғидан сурги дори тайёр бўлди.

— Бу дори вужудингиздаги нохуш рутубатларнинг барини суриб юборадир, — деди табиб ва беморга ичирди. Кетиш олдидан ичиш фурсатларини уқтириб яна икки хил дори берди, бир — сув аралаштирилган сирка билан зирадан иборат бўлиб, иккинчиси — сариқ йўнғичқа қайнатмасига майиз қўшиб тайёрланган эди.

Абу Сиддик Калавий кечга бориб хийла енгил тортиди. Табиб айтган дориларни ичди. Ҳасан Ҳамза ўзининг қари хўрозини сўйиб шўрва пиширтирди. Қайнатма шўрва беморнинг кигиздай қотиб кетган кўкрагини юмшатди. Бутун карвон аҳли хурсанд эди. Аммо бу хурсандчилик узокқа чўзилмади.

Табиб эртасига беморни кўриб, бош чайкаб, унга сафарга чиқиш мумкин эмас, деган хулосага келди. У маълум муддат бир жойда муқим турмоғи лозим, токи дард чериги бир оз ортга чекилсин, бемор дармонга кирсин, илигига қувват инсин...

Табиб бу гапларни охишта айтди, лекин таъсир кучи момақалдинок садосидан ҳам ортиқроқ бўлди. Сорбон эса бемор дилини баттар чўктирмаслик учун, тетик овозда бундай деди:

— Биродар, иссиқ жонмиз, бир кун ундоғ, бир кун бундоғ... Сиз сал қувватга киринг, хийла холдан тойдингиз... Йўлимиз Шахрируд, Симнондан ўтиб Исфахонга тушадир. Хали жазирама Дашти Кабир олдинда. Исфахонда ўн беш кун тўхтармиз, энг катта карвонсаройда. Сизни ўша ерда кутармиз. Ота-бола, иншоолло, учкур арғумоқда ортимиздан етиб борурсиз! Йўқ эса, Шерозда кўришурмиз, оллох паноҳида асрасин...

Абу Сиддиқ Калавий холсизгина бош қимирлатди. У сорбондан миннатдор бўлди, раҳмат, одамгарчилик шуда... Мана, уч кундирки карвон уни деб йўлдан қолиб турибди. Карвонда ҳар хил одам бор, кўплар норози бўла бошлади. Айрим кишилар эса худа-бехуда Абу Сиддиқ Калавий чодирига кириб, хол ҳам сўрамай, бир фурсат тикилиб туришарди-ю, индамай чиқиб кетишарди.

— Қуллук, биродар, қуллук... — нафаси бўғилиб деди бемор. — Насиб этса, етиб олурмиз, ахир... дийдор кўришурмиз...

Бироқ дийдор кўришиш энди маҳпарга қолди.

Карвон жўнаб кетган куннинг тўртинчисида Абу Сиддиқ Калавий оламдан кўз юмди. Бу воқеа Ҳасан Ҳамза билан Ҳусайн Ҳамза уйида, ҳовли четидаги айвончада содир бўлди. Ҳатто падари бузрукворининг ёнида ётган Абу Бакр Калавий ҳам рафлатда қолди. Бемор туни билан безовта бўлди, ўғли ҳам кўз юмади. Эл уч уйқуни ургандан кейингина, бемор жонига озгина ором инди шекилли, жимиб қолди. У чалқанча ётар, нафас олишлари ҳам унча эшитилмасди. «Кундузги янги дори хуш таъсир этган кўринади, — деб қувонди Абу Бакр Калавий. — Хайрият...» Отасининг устига секин тўнини тортиб қўйди-да, ўзи ҳам ухлашга тутинди. Чарчаган экан, қаттиқ уйқуга кетибди. Бир маҳал чўчиб уйғонди. Тонг сизот отиб ёришиб келарди. Отаси эса ҳамон ўшандай,

тўнни қандай ёпиб қўйган бўлса шундай ухлаб ётар, хатто кимир ҳам этмабди. Бирдан Абу Бакр юрагига гулгула тушди. Наҳотки?.. У тезда отасининг қўлларини ушлади! Муздай эди. «Очилиб колганлигидан бўлса керак...» ўйлади ўғил. У қандайдир дахшат, чекинмас фожеа, мудхиш хақиқатнинг яқинлашиб келаётганини сезар, бутун идроки билан бунга қарши чиқишга, исён қилишга шайланарди. «Ота!» — деб чақирди Абу Бакр. Жавоб бўлмади. «Ота?!» — деди энди у отасининг елкаларидан ушлаб силкитар экан. Унинг ишонгиси келмасди! Охирги марта: «Отажон!!!» — деди-ю, жавоб ҳам кутмай, ўкраб юборди! Монандсиз, андозага сиғмас бир ўқинчга, аламга тўлиб кетган вужуди изтиробдан титрай бошлади...

Абу Сиддик Калавийни ака-ука эгизакларнинг отаси ёнига дафн қилдилар.

— Сен бизга энди оға-инисен, кадрдонсен, оталаримизнинг қабрлари ҳам ёнма-ён... Бу уй сенинг ҳам уйингдир, Абу Бакр! — дейишди ака-укалар. — Етим қолдим деган хаёлдан йироқ бўл! Биз сенинг ёнингдамиз!..

Бу гап чин дилдан айтилди, Абу Бакр Калавийнинг ғариб кўнгли кўтарилди. У йиғидан ачишган кўзларини навбат-банавбат ака-укаларга тикди. Қошлари бир-бирига тутшиб кетган, юзларини сокол-мўйлов босган, ўткир кўзли бу йигитлар ростдан ҳам қуйиб қўйгандай бир-бирига ўхшашар экан. Абу Бакр Калавий уларни биринчи бор ёнма-ён кўриши эди.

Еттинчи боб

ШАЙХ ҲАСАН ЖУРИЙ

Орадан уч кун ўтди.

Жума кунни тонгсахар ака-укалар Абу Бакрни овунтириш мақсадида, уни Боштин марказидаги масжидга бошлаб боришди. «Шайх Ҳасан Журий деган бир валиullo келган, у ерда ваъз ўқир эмиш, бағоят ибратли ва ғаройиб қиссалар сўйлар эмиш... Дил ёзиб қайтамиз...» — деди Ҳасан Ҳамза Боштиннинг катта кўчасида кетишар экан. Абу Бакр Калавий одамларнинг чехраларидан қандайдир норозилик аломатларини илғади. У

бунинг сабабларини масжиддан чиққанларидан сўнг англагандай бўлди. Лекин сабаблар самарқандлик йигит ўйлагандан ҳам кўра теранроқ эди.

Бир асрдирки, Хуросон Ҳалокуийлар давлати, яъни элхонийлар тасарруфида эди. Хон ўрнига янги хон келардию зулм ўша-ўшалигича қолаверарди. Авваллари бу ҳақда пинҳона айтишса ҳам, кейинги икки йил ичида ошқора гапирадиган, тап тортмай сўзлайдиган бўлиб қолдилар. Милодий 1336 йил рабиул охир ойи ўн учида дунёдан ўтган элхоний Абусаиддан кейин боскинчилар давлати фатаротга юз тутди. Чунки ҳамма тан оладиган хокими мутлак топилмади, Абусаид фарзандсиз эди. Давлат йирик заминдор гуруҳлар қўлида бўлиниб кета бошлади, Хуросон танига ўралиб олган элхонийлар салтанати турли жойларидан қилич урилган баҳайбат бўлма илон каби парча-парча бекликларга айланди. Юртда харжу марж, бошбошдоқлик авжга минди, адолатсизликлар ҳаддан ошди, мутағолиблар¹ зулмнинг баланд мартабаларига чиқмакка интилдилар. Чингизхон ёсоти ва мўғул давлат низомларига ортиқ тоқат қолмади. Чорасиз рунуду авбош² дод демақдан ўзга илож топмай, қўлини зулмнинг ёқасига чўзди. Хуросон бўйлаб исён шабадаси эса бошлади.

Озодлик ва эрка бўлган ташналик рунуду авбошнинг тегса ёндириб юборадиган қаҳр-ғазабига айланиб, истибдод бағрини пора-пора қилмоққа чоғланди ва бунда адолатга кўра оддий халқ ўзининг виждоний бурчини бажарди: тарихни тебратгувчи куч бўлиб майдонга кирди. Зеро, тарих бир бешиқдир, тебратгувчиси эса ҳаммаша халқдир.

Одамлар юришдан тўхташмай ака-укалардан оталари китобдор Абдулла Боштиний вафотига ишора қилиб кўнгил сўрар эдилар:

— Кўнгилни чўқтирманглар! Ҳар иш худодан...

— Энди ота-бободан қолгон мерос-да, болам... Оллохнинг иродаси...

Абу Бакр Калавийдан эса ҳеч ким ҳол сўрамас, аммо, дўстлари: «Бу гаплар сенга ҳам тегишлидир, эй биродар!» деб, мусофирчиликда ўқиб қолган кўнгилни

¹ Мутағолиблар — боскинчилар.

² Рунуду авбош — ялангоёқ, қўскилар, қора халқ.

авайлардилар. Эндигина мўйлови сабза урган, ўн тўққизга кирган йигитча падари бузруквори қазо қилиб, ажабо, дафъатан кўпни кўрган катта бир одамга айланиб қолди. Энди у ҳаёт деганлари инсонга билдирилган ғаройиб ҳиммат эканлигини, яратганнинг тансиқ бу инъоми ҳам оқдан, ҳам қорадан иборатлигини билгандай бўлди. Ҳаёт, умргузаронлик уфқнинг олис этакларига ёки тоғларнинг офтобдан қирмизлашган баланд чўққиларига талпинган ёш қалб орзуларидай вазнсиз эмас, балки зил-замбилдай дардлар лиммо-лим, саҳифалари залвор билан очиладиган мураккаб шарҳли китоб эканлигини англаб ета бошлади. Бу китобнинг биринчи сабоғини олиб ҳам улгурди.

Улар Боштин масжидига етиб келганларида, ховлида икки юздан ортик одам жамланганди, ҳамма шолчалар устида чўкка тушиб ўлтирар, шайх Ҳасан Журий ташрифини кутарди. Абу Бакр Калавий масжидга назар солди. Масжид хийла маҳобатли, баланд кунгуралари ой муқарнасидай ишламаларга бой, кошинлари ложувард осмон парчасидай туюлади. Дарвозаси ёғоч эмас, хулудан¹ қуйилганини билди, сохиру моҳир усталар унга пўлат қалам учи билан сўлим табиатли нақшлар бино қилгандилар. Эшик тепасида эса куфий хатида ушбу байт битилганди:

*Дар кафи халқ ҳама макру фиреб асту ҳавас,
Кор даргоҳи худованди жаҳон дораду бас.*

Абу Бакр Калавий байт мағзини чақишга уринди. Халқнинг кафтида, илгида бори фақат алдов, макру ҳавасдир. Иш ёлғиз дунёнинг эгаси бўлган тангрининг эшигидадир... Шу пайт Ҳасан Ҳамза унинг тирсагидан тортди, улар тез ховлига кирдилар-да, бир четдан жой топиб, Ҳусайн Ҳамза келтирган олачипор шолчага ихлос билан чўкка тушдилар.

Ҳамма гангир-гунгир суҳбатлашиб ўлтиришар, шайх Ҳасан Журийдан сўзлардилар. Биров унинг билимдонлигини мактар, биров донишмандлигидан фол очар, лекин ўзини ҳеч кўрмаганликларидан, гаплар тахмин доирасида айланарди, холос.

Масжид аҳли кутаётган машҳур Шайх Халифанинг шогирди шайх Ҳасан Журий фавқулодда ақли, фаросати

¹ Хуло — биринж, мис ва рух қўшиб эритилган қурч маъдан.

билан ажралиб турарди. Пирнинг эътибори кўпроқ Хасан Журийда бўларди. Ардоқлаб, муродимга етказадиганим шул, деб кўнгилни тўк тутганидан, Шайх Халифа уни ўзига ўринбосар этиб тайинлади, шу тарика Хуросонда номи чиққан «Шайх Халифа ва Хасан Журийлар тариқати» майдонга келди.

«Халифа» лақабли, нечукдир асл исмини яширган мазандаронлик бу шайхни Хуросонда яхши билишади. Мадраса кўрган Халифа ҳар бир нарсага диққат билан эътибор айлагувчи, шубҳа билан қаровчи, ҳар қадамда ноҳақлик, адолатсизликка кўзи тушганда, лабларидан: «Нечун? Нима сабабдан?» деган саволлар учувчи тиниб-тинчимас бир киши эди. У аввал Мазандаронда шайх Болвийга мурид тушди, аммо пир суҳбатларидан қаноат ҳосил қилмади. Кейин Эроннинг машҳури офоқ шайхи Рукниддин Алоуддавла Симноний этагини тутмакка кетди. Пир бир кунни янги муридидан оҳиста сўради:

— Бўтам, огоҳдурсизким, суннийларнинг тўрт мазҳаби бордир, яъни — ханафия, шофиъия, моликия, ханбалия. Ушбу мазҳабларнинг қай бирига дил бердингиз?

Халифа жавоб қилди:

— Ҳайҳот, менинг дил берғоним барчасидан юксакроқдир!

Бетавфик ёш муриднинг дахриёна сўзлари Эроннинг машҳур шайхига ҳақоратдай туюлди, у ногаҳон келган қаҳру ғазабини тўхтата олмай, рўпарасида турган давотни зиндик шогирднинг бошига уриб чил-чил қилди. Бу воқеадан кейин Симнонда қолиши мумкин бўлмаган халифа Баҳрабодга, шайхулислом Фиёсиддин Ҳайбатуллоҳ ал-Ҳамавий ҳузурига жўнади, лекин у ерда ҳам ўзини қийнаб ётган минг бир саволу муаммоларга жавоб топа олмади. Голибо, унинг саволлари қизик бўларди, чунончи: «Нима сабабдан ерга бир бадавлат одам эгалик қиладир?», «Нечун ер дехқонларнинг умумихтиёрига бериб қўйилмайди?», «Нимага ҳамма — очу кашшоқ, сарватманду бой тенг эмас?», «Беш қўл баробар эмас, деган ақидани ким чиқарган?», «Нечун эзгулик ёвузликни енгиб, батамом адам чоҳига йиқита олмайди?», «Нечун зодагонлар меҳнат қилмай яхши кун кўради?» ва ҳоказолар. Одатда муридлардан ҳадису мазҳаб, пайғамбару чорёрлар, фикх каби турли масалалар юзасидангина саволлар эшитишга ўрганган шайхлар халифа тутумидан

хайратга тушдилар. Хамма жойда, бу «юзсиз ва осий» шогирд ўзининг ғайритабиий, шу пайтгача учрамаган каломлари учун фақат дашном еди! Оқибат, уни эси пастга чиқардилар, бузғунчи атадилар, шогирдликка нолойик топиб хайдадилар.

Халифа сарсон-саргардонликлардан кейин, ниҳоят Сабзаворнинг Жомеъ масжидида кўним топди. Шаҳар ва атрофларда: «Шайх Халифа деган машҳур зот келибди, Жомеъ масжидида истиқомат қилармиш, нафаси бисёр ўткир экан!» деган гаплар тарқалди. Халифа бу ерда ўзини «Шайх Халифа» деб танитди, «шайх» номини кўшиб олганини ҳеч кимга айтмади. Таомилда шайхлик унвонига фақат пир фатвоси билан эришилди, йўқса шайтоннинг йўлдан оздириши деб қараларди. Аммо биров унинг шайхлиги хусусида сўрамади ҳам.

Шайх Халифанинг қироат билан Қуръон туширишлари, масалаларни қилни қирқ ёргандай изоҳлаб беришлари муридларга маъқул эди, булардан ҳам кўра, шайхнинг бугунги кун борасидаги суҳанлари сомеларнинг юрак-юрагига бориб тегарди. Ахир мавжуд салтанат ҳақида маълум қолипларга сиғмайдиган гаплар хамиша ҳам кулоқларни динг қилади. Одатда муқаддимаси Қуръондан бўлган ваъз тобора «ҳидояти дунё» масалаларига айланиб кета бошлади, кўпроқ инсоний ҳақ-ҳуқуқ, истибодни тубдан қўпориш, тенглик борасида сўз кетадиган бўлиб қолди. Шайх Халифа муридлари сафи кенгайиб борди. Ҳамма жойда пир ҳақида сўз кетар, унинг: «Мен халифаи адлмен, яъни адолат ўринбосари, шундан унвоним Шайх Халифадир!» деган сўзлари машҳур эди.

Ана шундай бир пайтда кутилмаган ҳодиса юз берди. Кунлардан бир куни тонгда бомдод намозини ўқишга масжидга келган муридлар хайратда қотиб қолдилар: Шайх Халифани масжид устунига осиб кетишган эди! Бировлар пир ўзини-ўзи осиб қўйган, дейишарди, эл ўртасида, бу Шайх Халифа обрўсини кўролмаган Сабзавор уламоларининг хуфия хусуматидир, зеро гадонинг душмани гадо бўлади, дегувчилар ҳам оз эмасди. Машъум воқеа ҳижрий 736 йил рабиул аввал ойининг йигирма иккисида рўй берди...

Шайх Халифанинг фожиали ўлими муридларни бу йўлдан қайтара олмади, аксинча, ўчай деб турган ўтга

мой куйилгандай, салтанатга қарши ғазабларни баттар оловлантириб юборди. Харакат тизгини энди серғайрат ва уддабурро шайх Ҳасан Журий қўлига ўтди. У бутун вужуди билан ишга киришди. Даставвал Нишопурга борди, шайхнинг эхтиросли ваъзаларидан сўнг атрофида яшайдиган тоғликлардан кўпчилик унга мурид бўлди. Машхаддан қосиблар қўшилишди. Ҳасан Журий тарафдорлари сафига кирган ҳар бир аъзо рўйхатга олинарди.

Ҳасан Журий Машхаддан Обивардга, сўнг Ҳабушонга ўтди, кейинги беш ой ичида бир неча бор турар жойини ўзгартирди. Ёш шайхнинг авомуннос ўртасида ҳурмати ҳаволаб бораётгани уламою шайхларга ёқмасди, унинг рофизийлардан, яъни шиалардан эканлигини айтишиб: «Шайх Ҳасан Журий эл орасида исён тухмини сочувчидир, у авомни шиа мазҳабига ўтишга ташвиқ қилмоқда, халқни қўзғолонга даъват этмоқда, шул важдан ҳам ул бетавфиқ ўлимга маҳкумдир!» — дея Хуросон хукмдори амир Арғуншоҳ қулоғига қуяр эдилар. Бу гаплардан серғакланган шайх Ирокка, кетди, сўнг Балхга отланди, Термизда эса Чингизхон босқинида вайрон бўлган шаҳарда, бозор майдонидаги Ҳаким отанинг кўмилиб кетган қабрини топиб тавоф қилди, бироқ шу ердан ортга қайтишга тўғри келди. Самарқандга ҳам бормокни ният қилганди, буни яхши кунларга қолдирди. Йўл кейин Хирот, Қўхистон ва Қирмонга тушди. У борган жойида кўп турмас, яширинча яшар, шайхни эшитишлари билан одамлар оқиб кела бошларди. Ҳамма жойдаги ваъзлар, нутқлар босқинчилар шаънига нафрат сўзлари билан яқунланар, одамлар, қарнай овозини эшитиб беихтиёр тўй ховлисига қандай бориб қолишганини сезмаган болалардай, шайх атрофида парвона бўлардилар.

Мана, шайх Ҳасан Журий Нишопурдан келаётиб Боштинда узоқ сукут этди. Бу вилоятда олти катта-катта қишлоқ бор, барчаси Ҳасан Журий тариқатини қабул этмоқлари лозим.

Масжид ховлисида игна ташланса ерга тушмасди. Қишлоқ аҳли мўътабар меҳмонни кутарди. Довруғи Хуросону Мозандарон, Афғонистону Мовароуннахрни тутган шайхнинг Боштинга қадам ранжида қилиши тақдирнинг бир инъомидек эди, ҳамма тамизли мусохабалардан баҳраманд бўлиб қолмокни ўйларди.

Бирдан: «Кўриндилар, кўриндилар!» деган садолар янгради. Масжид ичкарисидан баланд бўйли, оқ юзли ёшгина шайх чикиб келди. Бир қўлида китоб, бир қўлида тасбеҳ ушлаган, эгнига оқ хирқа ташлаган шайх Ҳасан Журийни кўришлари билан одамлар орасида шивир-шивирлар бошланди:

— Ёш экан-а!..

— Ҳа-я... йигирма бешда бўлса керак-да...

— Шайх Ҳасан Журий десалар, ёши олтмишларга борган бир одам, деб ўйлабман. Ёш йигитча-ку!

Шайх Ҳасан Журий роз юриб келди-да, ҳаммага салом берди. Сўнг имомликка ўтди, бомдод намозини ўқишга турдилар. Абу Бакр Калавий назарида намоз тез ўқилгандай бўлди, ҳар қалай кўп фурсат кетмади. Ҳасан Журий минбардан сомеларга юзланиб бундай деди:

— Ё машаралмуслимин! — Шайхнинг янғрок овози ҳовлини жаранглатиб юборди. — Пирлар изидан юрмак шогирдлар бўйнидаги мўътабар юқдир... Шайхул машойих Фаридууддин Аттор, инда зикри ас-солиҳина танзилу ар-рахмату¹, Нишопурга яқин Шодёх деган жойда истиқомат қилар, кичиккина дўкон очиб тирикчилигини тебратарди. Иттифоқо, кунлардан бир кун қўлида кашкулидан бошқа ҳеч нимарсаси йўқ бир дарвеш дўконга кириб келди-да: «Кишини ҳаққи, ҳақиқатга етиштиргувчи юпунликдир, дўконингни юпунларга бер, бечоралар бошини сила, асл инсон бўлурсен... ўзинг эса дарвешлик жандасини кий! Ҳаққа етишмакнинг бундан ўзга ҳидоятти йўқдир!» — деди. Аттор дарвешнинг ушбу сўзларидан бағоят таъсирланди ва шу фурсатдаёқ дўконини етимесир фақирларга ланг очиб қўйди, ўзи эса бу дунё бозоридан илик тортди. Дўкондор эди — фиғону нолакор бўлди, турмушнинг икир-чикирлари занжирида банд эди — шу ҳидмати ила турмуш икир-чикирларининг ўзини занжирларга банд этиб ташлади, фақирлар сафига қадам қўйди...

— Оббо-ов! — деб юборди кимдир, Фаридиддин Аттор ҳимматига қойил қолиб.

— Ана шундоқ бечоралар кўнглини олғони учун ҳам, — давом этди Ҳасан Журий, — бул дамда ул зотни

¹ Яхши кишиларни зикр қилинса раҳмат ёғилади (араб.).

хотирлаб турибмиз. Пиримиз Шайх Халифа, қуддиса сирруху¹, бизга хамиша шундоқ сабоқ берар эдилар, оч-юпунларнинг қадди тоғдай бўлмоғи керак, барча тенг бўлмоғи лозим, деб уқтирардилар. Зобитларнинг қадами муборак тупроғимиздан қирилмоғи даркордир...

Хасан Журий ниманидир эсдан чиқариб қўйгандай бир лаҳза тўхтади ва зимдан одамларга назар солди. Аслида у ҳеч нарсани эсдан чиқармаганди, сукут одамлар кайфиятини билишда қўлланадиган усул эди, холос. Шайх Хасан Журий сўзларига сомелар не деб муносабат билдиришар эканлар? Қўшилишадими ёки Ироқда бўлганидай хай-хайлар билан уни минбардан тушириб юборишадими? Ироқда-ку шайхнинг ўзидан ўтди, ёшлик қилди, сомеларнинг қўпчилиги сунний мазҳабидан эканлигини била туриб, ваъзининг сўнгида ўн иккинчи имом Махдий нисбали Муҳаммад Мунтазар ҳақидаги қиссага тўхталди. Беш юз йиллар муқаддам ном-нишонсиз го-йиб бўлган имом Муҳаммад Мунтазар — Махдий ҳамон тирикдир, фурсати келганда у қайтажак, зобитларни юртдан қуважак, халқнинг оҳига етажак, деб юборди — қиссанинг асосий мазмуни ана шундан иборат эди. Имом Махдийнинг пайдо бўлишини бундоқ тасаввур қилишарди. Ҳар кун окшом ва сахар эгарлоғлик безатилган отни етаклаб қишлоқлар четига, шаҳарлар дарвозасидан ташқарига чиқишиб имом Махдийни интизорлик билан кутадилар. Агар сохиби аз-замона имом Махдий кўринмаса, ноумидликка тушмайдилар, бугун келмаса, янги кун келади, дейдилар-да, ранжга дил бермайдилар. Мана беш юз йилдирки, Хуросоннинг шиа мазҳаблик музофотларида ҳар кун юқоридаги хол такрорланиб келади...

Суннийлар билан шиаларнинг ёқалашишига оз қолди ўшанда, нақ бўлмаса Хасан Журийнинг ўзи асфаласофилинга кетаёзди. Суннийларнинг пешвоси орага тушиб, шайх ур калтак-сур калтакдан қутулиб қолди. Унга: «Шитоб бу ердан чекил, ёш экансен, жонингга жабр қилма!» деб маслаҳат бердилар...

Хасан Журий у кунларни эсларкан, мийиғида кулиб қўйди.

— Нега жимиб қолдилар, шайхим? — деди олдинги каторлардан кимдир. — Ҳайиқмасдан сўйлайверингиз!

¹ Унинг сирларини муқаддас қилсин (араб.).

— Бас, бу гапдан сўзламанг! — деди энг олдинги қаторда ўтирган катта салла ўраган киши. — Ичимизда кулоқлар бор, биров тагини кавлашга ишқибозлар кўп... Эртага хонга етиб боради...

— Нега? Сўзланг! Сиз сўзламасангиз, мен эшитмасам, қандоқ бўлади? — Ҳасан Ҳамза шарт ўрнидан туриб кетганини билмай қолди. — Сўзланг, улуғ зот, сўзларингиз жароҳатларга малҳам бўлаётир! Хоҳламаганлар кулоқларига момик кўйсунлар!

— Босқинчилар изи тупроғимиздан қирилсун!

— Эй, гапирма деган ким? — орқароқдан овоз чиқди, Ҳасан Журий олисдаги одамни яхши илғай олмади. — Хайиққан, уйига борсин-да, писиб тухум босиб ётаверсин! Жўжа очиш ҳам қўлидан келмайди!

Ҳамма кулиб юборди. Даханаки жанг бошланиб кетганини кўрган Ҳасан Журий мамнун эди, демак, сомелар унинг сўзларига қўшилишади. Демак, совук сўзлик бўлиб ўтирмасин, йўқ эса кўнгилларга сустлик оралаши мумкин. Шайх ҳамиша ҳам минбарда сабукрух бўлмоқ лозимлигини билар, ваъз вақтида мажлис аҳлига боқар, агар ўлтирганлар сўз тиласалар, айтарди...

Шайх сўзга оғиз очди:

— Муборак тупроғимиз ёт қадамлар остида топталиб ётавермаги бизлар учун исноддан баттар бир ҳолдир. Агар босқинчиларни она юртдан қувсак, сўнгра ҳамма тенг бўлғуси, зулм эса фатарот топажак...

— Фатарот топсун бари! Иншооллох! — деган хайкириқлар янгради.

Ҳасан Журий пири Шайх Халифанинг ушбу панднасихатини қуловига қуйиб олганди: «Ғазаб, нафрат тигини истибдодга қарши қаратмак дилга туккан омили-миздир. Зулмга қарши элни оёққа турғизиш, уйғотишда Маҳдий афсонасидан аъло даражада фойдаланмак лозим. Мўғулни енгган кунимиз Маҳдий аён бўлажак, деган эътиқодни рунуду авбош дилига жойламоғимиз даркор. Озодлик орзулари эса инсон боласида хали туғилмасидан аввал она қорнида жимит юрак пучмоқларида жо бўладир. Зулмга қарши айтилғон ҳар бир фикр юракдаги ўша орзулар гунчасини очтириб юборади, эътиқодни эркалайдир... Эътиқоддадир, оламнинг меҳвари, эътиқодда...»

— Бизнинг омомиз — оч-юпун, етим-есир, хору гадо бошини силамоқдир, улар бир-бирига тенг бўлсунлар, неъматларга баробар эгалик қилсунлар... Пир Шайх Халифа маздакийлар, хуррабийлар тақдиридан сўйлаб, ажиб қиссалар нақл айлар эдилар. Бир кун, — деди Ҳасан Журий кўлидаги китобни жамоага кўрсатиб. — Шу китобни варақлаб ўлтирибдилар. Яқинроқ бориб назар қилдим, Абу Наср ал-Форобийнинг «Китоб аро аҳл ал-мадинат ал-фозила»¹ китоби эркан. «Фозил шаҳар хақида ширин тил била қисса этибдур, — дедилар пир, — фозил шаҳар бўлмак, бахт-саодатга эришмак, шаҳар аҳлининг ўзига боғлиқдир, биров ғойибдан ҳеч қачон инъом этмайди... Одамларни бир-бирига дўсту иноқ қилгувчи, бирлаштиргувчи фазилат инсонийликдир, шу важдан ҳам улар омонликда фароғатда яшамоқлари лозим. Билим, турли хунарлар, савдо-сотик ривож топмоғи керак. Бундоқ шаҳар аҳли бир-бирининг тағига сув қуйиб эмас, балки қўллаб, ардоқлаб бахт-саодатга, камолотга эришадурлар...» Баъдаз пир айтдиларки: «Сабзавор шаҳрини анингдек фозил шаҳарга айлантиргай-биз!» Баски, ушбу китобни иликдан қўймай келадур-мен... Илло, пирлар изидан юрмак, шогирдлар бўйнидаги мўътабар юкдир...

Масжид ховлиси сув сепгандай жимжит. Ҳасан Журийнинг тиниқ овозини ёки унинг нутқидаги дилларни аллаловчи, кўнгилларни яйратувчи бахт-саодат, олий камолот, фозил шаҳар тўғрисида айтилган ажабтовур фикрлар сеҳрими, ҳар қалай, сомелар мафтун бўлиб қолган эдилар. Ҳовлига зор учса эшитарли даражада сукунат чўканди.

— Фақат эртақларда бўлади бу айтгонингиз, шайхим! — киноя қилди боя «гапирманглар» деган катта салла ўраган киши. — Фақат эртақларда... Эртақлар эса йўқ нарсалар...

— О, қанийди шундоқ фозил шаҳар бўлса... — сўз қўшди кимдир.

— Ҳамма бир-бирига тенг бўлса... — деди яна бошқаси.

— Мутағолиблар зулмидан қутулсак...

¹ «Фозил шаҳар кишиларининг қарашлари» (араб.).

Сўнги икки гапирган — ака-ука Ҳасан Ҳамза билан Ҳусайн Ҳамза эдилар. Абу Бакр Калавий жунбишга келган одамларни кўриб хайратга тушди. Бу Ҳасан Журийнинг каломларидаги ғайритабиий бир жозиба хаёлларни беихтиёр аллақаяқларга, номаълум томонларга чорлар, аниқроғи, киши ўзида қанот пайдо қилиб, бу оламда эмас, қайдадир, самовий фусункор боғларда кезиб юргандек бўларди.

— Бизда эса ҳар томонда хор-зорлик... — нолиди кимдир.

— Зулм нағалидан елкамиз жароҳатли... — кўшилди яна биров.

— Ришвахўр фирибгарларга кунимиз қолди... — деди сийрак соқолли чол.

Ёшроқ сомелардан бири сўзни илиб кетди:

— Адолат устунларининг кирдикорларини кўринг! Уялмай-нетмай нишонларини кўрсатиб, фалон бек ёки фалон шаҳзоданинг хизматчисимиз, фалон муҳим юмуш билан писмадон ерга борурмиз, деб юз турлук баҳона билан элдан нарса ундириб, озор етказадилар...

— Боскинчи мўғул дастидан дод! Дод! — деб юборди аллаким.

— Дод! Дод!

— Ё машаралмуслимин!

Ховли бирдан тинчиб қолди. Ҳасан Журий кичиклигиданок гапга чечанлигидан ҳамманинг диққатини ўзига тортиб келарди. У Қирмон вилоятидаги Жўз кишлоғидан бўлиб, ҳамқишлоқлари уни тўппадан-тўғри, «Ҳасан булбулигўё» деб аташарди. Мадраса кўриб, мударрис унвонини олгач, ўткир фаҳм-фаросати, фавқулудда равшан идроқи туфайли нотиклик бобида каломи илғорлик кўргизадирган бўлди.

— Ё машаралмуслимин! Орангизда камина Шайх Ҳасан Журийга мурид бўлмоқни ният этгон кимсалар борму?..

— Бор, бор!

— Бизни ҳам муридликка олсунлар!

— Бизни ҳам! — деган овозлар янгради.

— Муридлар бир хил кийим киядирлар, бир хил таом тановул айлайдирлар, ягона эътиқод занжирига кирадирлар. Барча одамлар тенгдир, деган ақида кўнгилларнинг бебаҳо сарватига айлангусидир, ҳамма бир-би-

рини қўллайдир... — Ҳасан Журий шахдам эди. — Ҳўш, ким беадад ва бебадал муридларим сафини кенгайтирмакни хоҳласа, бу ёққа келиб исми-шарифини айтсун! Хатга битамен...

Одамлар ўртасида тағин ғала-ғовур бошланди. Ҳамма Ҳасан Журий олдига бориб ўзининг исм-шарифини айтар, қасамёд қилиб, яна жойига келиб ўлтирар эди.

— Ёзинг: Насруллоҳ Боштиний... — деди озғин ўрта бўйли одам.

— Қасамёд қилингиз!

— Менким, Насруллоҳ Боштиний, шайх Ҳасан Журий этакларидан тутдим. Измим шайх ҳазратлари илгидадир. Ҳасан Журий жамоасига мансуб эканлигимни дунёда икки киши билур, бири — олло таоло, иккинчиси — шайх Ҳасан Журий! Ушбу сирни сақлашга, уни кимсага билдирмасликка битта бошим билан жавоб берурмен!

— Абдураззоқ! — чиқиб келди бақувват билакли, кадду қомаги келишган йигит. Жўйин шохининг аъёнларидан хожа Фазлуллоҳ Боштинийнинг ўғли, — Абдураззоқ Боштиний!

— Важиҳиддин Масъуд!

— Ҳасан Ҳамза! — қичқирди ака-укалардан бири, у Ҳусайн Ҳамза билан Абу Бакр Калавийни ҳам қўллари-дан ушлаб олиб чиққанди, уларга номларингни айт, дегандай ишора қилди.

— Ҳусайн Ҳамза Боштиний!

— Абу Бакр Калавий Самарқандий!

Самарқанд номини эшитган шайх таажжубда бошини кўтарди, рўпарасида дуркун бир йигитча киприк қокмай кўй кўзларини унга тикиб турарди.

— Офарин, ўғлон, офарин! — сўзланди Ҳасан Журий. — Самарқанд сайқали рўйизаминдир. Сафарим чоғида Термиз отадан нари ўтолмағонимдан бағоят дили озурда эрдим. Баски, сиз туфайли Самарқандга борғондаймен! Иншооллоҳ, менинг қадамим етмаса ҳам, муриднинг қадами етур!

Падари бузрукворининг хаёт омонатини казои кадар муваккилига топширганидан кейин ўзини оламда танҳо, кимсасиз сезиб юрган Абу Бакр Калавий бугун ушбу издаҳомда ҳамфикр одамлар ичида эканлигини тушунди, инсон инсонга дўсту тираклигини теранроқ англади.

Масжид ховлисига тўпланган олти юз чоғлик одам бирин-кетин Ҳасан Журий қошига келиб дафтарга ёзилишда давом этарди.

— Ибн Ямин! — деди ёши элликларга борган, соқолларига ҳали оқ оралмаган тиниқ юзли бир киши минбар олдида яқинлашиб.

Бошини кўтармай муридларни хатга битаётган шайх бу исмни эшитиб бирдан тўхтаб қолди-да, ялт этиб ҳалиги одамга қаради.

— Лоҳавло вало қуввато! Наҳотки? Машҳури замон шоир Ибн Ямин Фарюмадийнинг ўзларими?.. — Кўзлари хайратдан катта-катта бўлиб кетди Ҳасан Журийнинг.

Кутилмаган учрашув юз берди. Фахриддин Махмуд ибн амир Яминиддин Муҳаммад ат-Тугройи ал-Фарюмадий, тахаллуси Ибн Ямин, — бутун Хуросонда сўзи ўткир шоир, аҳли дил ва хуштабъ, фасоҳатманд бир инсон. Келиб чиқиши турк бўлган шоир Сабзавордан ўн тўрт фарсах шимоли-ғарбий томонда жойлашган Фарюмад кишлоғида ҳижрий 687 йилда дунёга келди. Соҳиби қалам отаси Амир Яминиддин билан фарзанд ўртасида тез-тез мушоира ва шеърғўйлик воқе бўлиб, уларда адолат хиссини юксак тутилиши ҳақида камоли эхтиром билан сўз юритиларди. Ибн Ямин дехкончилик қилар, топган бир бурда нонини шоиру фақирлар билан баҳам кўрарди. Йўқчилик дастидан у саройда маддоҳлик ҳам қилди, не-не кибру хаво ботқоғига ботган тутуми дарал хокимларга, юмуши эснамоқдан иборат бекорчихўжаларга шеър бағишлашдан ўзга илож топмади.

— Ибн Ямин ҳазратлари! — деди шоирни ҳурматлаб Ҳасан Журий, у дарҳол минбардан пастга тушиб Ибн Ямин қошига келди. Шайх халқнинг, юртнинг ташвишига шерик бўлмай, балки боскинчи келгиндиларни улуглаб, уларнинг ногорасига ўйнаб юрган сотқин шоиру алломаларни биларди. Улар шахсий ғаразу манфаатларини ўйлаб ўз халқининг эзилишига, юртининг таланишига кўмак берардилар. Шайх Ҳасан Журий айрим дин арбобларини ҳам шу каторга қўяди. Мана шундай пайтда Ибн Яминдай машҳури офоқ шоирнинг муридликни қабул қилиши шайхга катта мадад эди. — Кўп бор сиз хақингизда эшитганмен, мана шу гуноҳкор қулоқларим

гувоҳ! Нечук шамол учирдиким, биздек ғарибу ғураболар сари қадам ранжида қилдилар?

— Зулм тивидан кўкси яраларни ғазаб чериги осонгина бир жойга йиға оладир... — деди Ибн Ямин Ҳасан Журий билан кучоклашиб кўришар экан. — Шайх ҳазратлари, сизнинг Нишопурдан Боштин ёққа отланганингизни акраболардан билдим. Келмак, ўзлари билан ҳамсухбат бўлмак максудим эрди...

— Шоири аъзам, иттифоко, камина дилида ҳам шундай ният устиворлик қилурди... — деди Ҳасан Журий. — Аш-шукрулиллаҳ, вақти соати келибдур!..

— Софдил кишиларнинг ковушмоғи ҳамиша мушкулдир, ҳаёт йўсинига айланиб қолғон ҳақиқатдур бу. Лекин уларнинг баҳамжихат бўлғонлиги окибат офтоб фалак токида султонлигин қилур, тоғлар нурамоқ ташвишидан фориг... — Ибн Ямин жим қолди. Ҳамма замонанинг икки машҳур кишисига ҳайрат билан боқарди. — Чарху фалакнинг жабру жафосидан дилим тегирмон тошлари орасида қолғон дон каби эзилиб, хунга айланди, энди ҳар қандай бағритош ҳам, унинг фарёидан қон бўлмай чорасиздир. Бу кунни-ку минг бир қайғу бирлан ўткардим, ажабо гардуни дун эртага не каромат кўргизур эркан?

— Эртага гардуни дуннинг кўрсатмакчи бўлғон каромати таърифга сизмайдур, — деди жўшиб Ҳасан Журий. — Ё машаралмуслимин! Баски, тарқалмак фурсати етди. Энди яширинмоқ лозимдур. Қачонким, каминадан ишорат етадур, сиз қўлингизда аслаҳа била истибдод қошида зоҳир бўлурсуз, токим уни тубдан қўпорайлик! Ҳокимлар, боёнлар зулм қилодурлар, агар ҳақ-таоло қўллаб юборса, биз зулмни йитирғоймиз, бордию мағлубият жандаси эгнимизга тушса, «сарбадор» бўлайлик, бошимиз дорга тортилсун! Сар-ба-дор!

— Сар-ба-дор! — қичкирди Ҳасан Ҳамза.

— Сар-ба-дор! — қўшилди Ҳусайн Ҳамза.

«Сарбадор!» — деган садолар масжид ховлисини тўлдириб юборди. Ҳамма, «Сарбадор!» деб қичқиради ва бу билан машъум истибдод иморатининг бирон жойини ўпириб юбораётгандек бўларди...

Сақизинчи боб

БОШТИН ҚИШЛОҒИ ЧЕТИДА ДОР

...Хикоя шу ерга келганда, дарвоза тақиллади. Лакшман Кумарни чақирди-да, уктириб деди:

— Дарвозани очишдан олдин, ким деб сўра, ўғлим!

Кумар югуриб чиқиб кетди. Ўғлига дарвозани оч деб, буюришга буюриб қўйди-ю, Лакшманнинг кўнглига хавотир тушди, шарт ўрnidан туриб Кумарнинг ортидан чиққанини билмай қолди.

Бир оздан кейин Лакшман камонмерган Хўрдак Бухорий билан яна бир нотаниш йигитни бошлаб келди. Норғул, пахлавон камонмерган Хўрдак Бухорий, ғирашира тушиб қолганидан девдай қорайиб кўринди, ёнидаги ўрта бўйли йигит иккисига йироқдан қаралса отаболалар, дейиш мумкин эди. Асли Бухородан бўлган камонмерган, мана бир йилдирки, Самарқандда яшайди. Амир Қозоғон Хирот малиги Муизиддин Муҳаммад Курт билан Хиротда саваш қурганда, камонмерган Мовароуннаҳр ҳукмдорига сипоҳлик қилиб ном чиқарди. Аммо ўлжалар тақсимотида арзимаган нарсадан жанжал чиқиб, қурчибоши камонмерганга қаттиқ тегди. Кўнгли ранжиган Хўрдак Бухорий сипоҳийликни ташлаб кетди. Самарқандга келгач, пахсакашлар гуруҳига қўшилиб, одамларнинг уйини қуриш, ховлиларни девор билан ўраш ишлари-ла машғул бўлди. Лекин сипоҳийлик барибир унинг севган касби эди.

Ҳамма Хўрлик Бухорий билан қуюқ кўришди, аммо ёнидаги йигитни танишмади.

— Бу йигит Мавлонозода бўладилар, — деди Хўрдак Бухорий йигитни ўлтирганларга таништириб. — Садр Сулаймон мадрасасининг илғор толиби илми, сарбадор руҳиятидаги йигитлардан. Жуда ҳам ишончли йигит, буни яхши биламен, хийладан буён танишмиз. Ал-Форобийнинг «Фозил шаҳар кишилари қарашлари» рисоласини ўқишни тавсия қилган эдим. Топиб, ўқиб ҳам чиқибдур...

Абу Бақр Калавий Хўрдак Бухорийни жуда ҳам ардоқларди. Ўта содда, ҳам билимдон, садоқатли бу йигит билан ораларида бўлган тўққиз-ўн ёш фарқ сира сезилмас, бундан иккиси ҳам хурсанд, ўзларини тенгқурлар-

дай сезар эдилар. Ота-оналаридан хабар олгани Бухорога кетганига йигирма кун бўлди, Абу Бакр Калавийга йилдай туюлди, Хайрият, соғ-саломат қайтиб келибди. У Қўрчилар кўчасида туради.

— Мавлонозода толиби илмлар ичида кўз-қулоғимиз бўлғусидур, — деди Хўрдак Бухорий. — Жамоамизнинг етакчи фуқаролари даражасига чиқадур, деган умидда-мен.

— Лойи пишитилган бўлсин, ишқилиб... — деб қўйди Уста Кулол.

Гап давомида Мавлонозода ўзини кайга қўйишни билмай изо тортди. Камонмерган уни ортикча мактаб юбордилар, жуда унчалик эмас... Лекин Мавлонозода бир нарсани аниқ билди, кишига мактовнинг ўзи эмас, балки ана шу изо тортдириши ёқар экан.

— Агар... ўзларингизга тенг кўрсангизлар... Сарбадорлар эътиқоди ҳам шуни такозо этади-ку ахир... — сарбадорлар таълимотидан бохабар эканлигига киши билмас ишора қилиб деди Мавлонозода нимтабассум билан. — Мадрасада, толиби илмлар орасида ҳам шундок кайфият кишилари кўпдир, бироқ улар уюшмағондурлар, хар кунжакда...

Толиби илмларни сарбадорлар жамоасига тортмак Абу Бакр Калавийга жуда диққатталаб масала бўлиб туюларди. Бу борада у ўғлига умид боғларди, Шамсулмулк Сабзавордан қайтгандан кейингина, унинг кўмагида мадраса ахли орасида сарбадорлар жамоаси обрў-эътиборини оширишни ўйларди. «Хўрдак Бухорийга тасанно айтмоқ лозим, — хаёлдан ўтказди Абу Бакр Калавий, — бу юмушни аввалроқ ҳал этмакка бел боғлабдур...»

— Хуш кўрдик, Мавлонозода! Сарбадорлар жамоасига кирмак мурод экан, маъқул, аммо жамоа шартидан бохабармидурсиз?

Абу Бакр Калавий шу сўзларни айтди-ю, бирдан тун салтанати вазири Насафийнинг Аббос баходирга фуқаролик шартларини қандай маълум қилгани хаёлига келди. «Аввалан ҳалол бўлмоқ керак, мусофир... Салтанат учун жон фидо этмоғинг талаб этиладур... Ҳамма фуқаро бир жону бир тан...» Водарие! Тун салтанати билан сарбадорлар жамоасининг фуқаролик шартлари шунчалар ҳам икки томчи сувдек бир-бирига монанд бўлурми?... Нечун улар бирлашмайдурлар?..

— Нечук шарт экан? — Мавлонозода Абу Бакр Калавийга тикилди.

— Жамоа фукарolari буни яхши англайдурлар, бу йўлдан қайтсак, бошимиз дорга тортилсун, дейдилар... — Наддофлар маҳалласи оқсоқоли қўшимча килди: — Биз эзгу ниятли турли мазҳаб кишилари бир мақсад йўлида бирга ҳаракат этишлари мумкин, деб ҳисоблаймиз. Аммо, сарбадорларнинг даҳрийларга тоқатлари йўқ!

— Эътиқоддан чекинганнинг боши дорга тортилсун! — деди Ҳалвойи.

— Аҳли жамоа! — Мавлонозода шарт ўрнидан турди. — Кўнглимдаги имоним билан шуни айтаманки, агар сарбадорлик эътиқодимдан бош тортсам, бошим дорга тортилсун!

Тақяхонани ҳайкирик босди. Толиби илмнинг чиройли сўз ўйини барчанинг дилини равшан килди. Бир лаҳзадаёқ Мавлонозода гурунг аъзоларига яқин бўлиб колгандай туюлди.

— Шу айёмдан эътиборан сарбадорсиз, Мавлонозода! — деди Абу Бакр Калавий. — Шу дақиқадан бошлаб жамоа фуқароси сизга оға-инидур, эй феъли чиройли!

Мавлонозода қўлларини кўксига қўйиб ним табассум билан жамоа аҳлига таъзим килди:

— Камина ҳам умрим етгунча сарбадорлар билан биродарлик шавкатини баланд тутмак ташвишини чекурмен!

Уста Кулол йирик қўлини мушт килиб кўтарди-да, ҳаммага қараб:

— Сар-ба-дор! — деб қичқирди. Жамоа аҳли бундан, биз бир муштдек бўлмоғимиз зарур, агар шундоқ бўлмасак, бошимиз дорга тортилсун, деган маънони англади.

— Сар-ба-дор! — кўкка ўрлаган муштлар орасида энди Садр Сулаймон мадрасасининг илғор толиби илми, шахрисабзлик мунажжим Яҳё Ҳасан барлоснинг ўғли Нодирбек ибн Яҳё — Мавлонозоданинг хушбичимгина мушти ҳам бор эди... Ўша-ўша бош узра кўтарилган мушт Самарқанд сарбадорларининг бирлик рамзи бўлиб колди...

Ҳамма дастурхонга юзланди. Соқий аёқларга май қуйди, айримларига жуллобдан тўлдирди. Майдан ҳам кўра, олиचाю гилосдан килинган шаффоф тўқ-қизил жуллоб

диққатни ўзига тортиб турарди. Мавлонозода ана шу шарбатдан хўплаб ўлтирди.

Шу пайт Читра катта лаганда таом олиб кирди. Ким нуқли таому газакдан тотиди, ким эса лаганга қўл чўзди.

— Давомини эшитайлик!... — деди Лакшман пўк овозда Абу Бакр Калавийга.

— Қизиғида тўхтаб колди-да... — қўшилди Нозим Мехмет.

— Бошидан бўлмабмиз-да... — афсуслангандек деди Хўрдак Бухорий.

Абу Бакр Калавий хикоясини бундай давом эттирди:

— Масжиддаги йиғин тугади-ю, Ҳасан Ҳамза билан Ҳусайн Ҳамза учовимиз одамлар орасидан Ибн Ямин хузурига шошилдик. Шоир ака-укаларнинг оталари китобдор Абдулла Боштинийнинг кадрдон дўстларидан экан.

— Ибн Ямин оға! — деди Ҳасан Ҳамза. — Бизнинг кулбамизга ташриф буюрсангиз, бугун бизникида бўлсангиз... Келганингизни билиб бошимиз осмонга етди! Падари бузрукворимиз казои кадарга юз тутдилар...

Ҳасан Ҳамзанинг йиғлаб юборишига оз қолди.

— Эшитдим, ўғлим, эшитдим... Хонадонингизга кириб ўтмоқ мақсудим эрди. Бағоят оғир мусибатда қолиб-сизлар. — Ибн Ямин йигитни юпатаркан, юзига фотиҳа тортди. — Падари бузруквор ҳам оламда яғонадур...

— Бу Ҳусайн Ҳамза, укам, эгизаклармиз... бу йигит эса, — деб мени кўрсатди Ҳасан Ҳамза. — Самарқанддан, Абу Бакр Калавий. Мехмонимиз... Иттифоқо, унинг отаси ҳам, уч кун бўлди, ҳажга бораётиб, бизнинг ховлида оламдан кўз юмди...

* * *

...Улар кўчага чиқдилар. Масжиддан қайтаётган одамлар, худди ини бузилган аридай кўчани тутиб кетганди.

— Мошолло! — деб қўярди ҳар замон-ҳар замонда Ибн Ямин учта етим қолган бақувват йигитларга қараб хайратда. Мана шоирнинг ўзи ҳам отадан сағир, отаси фозил ва сўзамол шоир Амир Яминиддин Фарюмадий ҳаёт деган шаҳарнинг ойнаванд кошонасидан тупроқ маҳалласининг туйнуқсиз хужрасига кўчиб ўтди... Ўшанга ўн уч йил бўлди.

— Сағирлар йиғилишиб қолибмиз... Бир-биримизни англай олурмиз! — деди шоир йигитларнинг кўнглини кўтариб.

Улар Боштинийнинг кенггина ховлисига кирганларида вақт шомга яқинлашиб қолганди. Ҳасан Ҳамза ховлига қадам қўйиши билан: «Хотин! А, хотин!» деб қайлиғини чақира бошлади. Ака-укаларнинг уйланганларига йил тўлмаган, ҳали уларда келин-куёвлик гашти, завки баланд, алоҳида рўзғорни бошқариш ҳавоси устивор, шундай ёшда бўладиган, кимнингдир соҳибиман, деган ғурур ҳам йўқ эмасди. Ёш қайлик билан мақтанмоқ кандоқ ширин!..

— Мехмон келди, Гулрухсор! Зулфизар қайда? — сўради Ҳасан Ҳамза ичкаридан чиқиб келаётган қайлиғидан. Гулрухсор бошига катта оқ рўмол ташлаб олган, юзлари кўринмас, қадди-қоматидан латофат барқ уриб турарди. У мехмонларга эгилиб таъзим қилди.

— Зулфизар чопиқда эди... Ҳозир чақирамен...

— Уйимизга улур мехмон келдилар, Ибн Ямин оға...

— Сухани пок, дили хуш шоир... Падари бузрукворимизнинг кадрдон дўсти... — қўшимча қилди Ҳусайн Ҳамза.

— Хуш кўрдик... — деди охиста Гулрухсор ва мехмонларга жой ҳозирлагани уйга кириб кетди.

Улар алламахалгача суҳбатлашиб ўлтирдилар. Ҳасан Ҳамзанинг мўъжазгина хонаси гоҳ хикматли гаплардан, гоҳ ҳазил-мутойибалардан, гоҳ лутф ила қилинган суҳанварликлардан жаранглаб турди. Ёшлар, асосан, тингладилар, суҳбат тизгини эса Ибн Ямин измида бўлди. Шоир дайри дуннинг норасоликлари, зулм дастининг узунлигию ҳақ қўлининг қискалигидан сўз юритди.

Бугун кундузи Боштин масжидида бўлган издахомдан сўнг ёшлар ажиб бир кайфиятда эдилар, Ибн Яминнинг сўзлари улар қалбига яна чўғ солди. Оталаридан яқинда жудо бўлган йигитларга суюнчиқ, дилкаш маслаҳатгўй, қиблагоҳ лозим эди, шунинг учун улар беихтиёр Ибн Яминга боғланиб қолдилар, буни шоирнинг ўзи ҳам сезди:

— Менинг уч ўғлим бор, деб юрамен, — деди шоир ярим ҳазил-ярим чин. — Иккитаси Хуросонда, биттаси Туркистонда истиқомат қиладур дейман сўраганларга!

Ҳаммалари кулиб юборишди.

— Биз эса, улуг падаримиз, муаллимимиз бор деб мактанамиз! — дейишди уч йигит баробарига.

— Зобитлар салтанати завол топажак, шак-шубха йўқ бунга! Чунки ўзга юртга кўлида қилич билан бостириб киргон хар бир мустабид золим ҳеч қачон дўст топа олмайду, балки бу юртда ўзига энг ашаддий душман орттиради! Қасос яшовчандир, қасосда ҳаёт бор! У авлодлар қонидан авлодлар қонига ўтаду! — Ибн Ямин озгина сукут этди. — Юсуф туркигўйнинг «Қутадуғу билик» достонини мутолаа қилгон эрдим, бу асарнинг кадри баланддир, унинг жойи Ибн ал-Муқаффанинг «Китоб ал-адаб ал-Кабир», Низомулмулкнинг «Сийёсатнома», Кайковуснинг «Қобуснома» сингари комус ул-улумлар қаториндаду. Шоир ҳокимнинг адолатли бўлмоғи ҳақинда қалам суради, қонун-қонидани поймол этмасликни уқтиради, зеро бу ахлоқан тубанликка тенгдир. Бу эл-улусни эзишга олиб келадир, зулмни оширадир, зулмдан исёнга йўл бир қадамдир...

Абу Бакр Калавий бу китобни ўқимаганига ачинди, юртга қайтгач, мадрасага кирмоқни ҳаёл қилди, илм олмоқнинг кечи йўқ. Йигитнинг ботинан ўз-ўзига шундай дашном бераётганини кўриб тургандай, Ибн Ямин деди:

— Дунёда боқий қоладиргон нарса инсонийликдир... Инсонийликка эса илм ила етишадурлар. Юсуф Болосоғуний демишки:

*Билим бир машъалдир, нобинога кўз,
Ўлик танларга — жон, лол тилларга — сўз...*

Филҳақ инсон зулмат ичидаги уйдир, илм эса ана шу дарчасиз уйни ёритғувчи машъал....

Бирдан ҳовли эшиги қаттиқ тақиллади. Кейин: «Ким бор? Тирик жон борму? Чик бу ёққа!» деган дағал овоз эшитилди. Вақт хуфтондан ўтиб қолганди. Хусайн Ҳамза югуриб чиқиб кетди. «Ким бўлди экан? — деб ўйлади Ҳасан Ҳамза. — Қўшнилар бундай дағдаға билан келишмайди...»

Шу пайт Хусайн Ҳамза чопиб кирди:

— Кирмондан Озарбайжонга кетишаётган мўғул элчилари экан. Бугун шу ерда қоламиз, бизга жой керак, дейишяпти...

— Неча киши? — сўради Ҳасан Ҳамза.

— Беш киши.

— Нега биз жой беришимиз керак экан? — гижинди Хасан Хамза.

Гапга Ибн Ямин аралашди.

— Тездан жой хозирлаб, улар кўнглини олинглар. Бирон кор-хол юз бермасин. Улар — салтанат элчилари, хукуклари чексиздур...

Абу Бакр Калавий эса нохуш бир нарсани сезгандай кўнгли увишиб, токчада лип-лип ёниб турган ёғчирокка ҳолсиз тикилди.

Бирдан каттиқ тепкидан уйнинг эшиги тарақлаб очилди! Ибн Ямин ҳам, Абу Бакр Калавий ҳам ака-укалар ҳам лаҳзалик саросимада ўринларидан туриб кетганларини билмай қолишди. Шошилишда Ибн Ямин чопонининг пеши ҳалпириб сал бўлмаса жинчирокни ўчириб кўяёзди. Остонада кўлида қилич тутган, иягида бир чимдимгина соколи бор, қисик кўзли йигирма икки ёшлардаги барваста йигит кўринди, у дам-бадам қиличини этигининг кўнжига шапиллатиб уриб кўярди. Элчиларнинг бошлиғи хонадагиларга бир-бир қараб чиққач, Ибн Яминга муурожаат қилди:

— Бизлар элхон Туға Темурхон элчилари бўладурмиз. Кирмондан Озарбайжонга йўл тутурмиз. — Элчи чамаси шоирни ёши улурлигидан хонадоннинг бошлиғи хаёл қилганди. — Бизга кўноқ ва томоқ лозимдур, отларимизга ем керак!..

У жавоб ҳам кутиб ўлтирмади.

— Таваккал! — қичқирди шерикларидан бирига. — Отларни боғладингму?

— Боғладик, Улжойтубек, боғладик! Яхши жойга боғладик! — жавоб қилди Таваккал.

Тез фурсатда ичкарида жой тайёр бўлди, элчилар бирин-кетин этикларини ҳам ечмасдан хонага кира бошладилар. Ғира-ширада бари бир-бирига ўхшарди. Ибн Ямин қадам олишларидан элчиларнинг Хасан Хамзалар ёшидан ошиб-ошмаган йигитлар эканлигини пайқади.

Хасан Хамза бирор таом тайёрлаш ташвишида кўшни уйга, келинчақлар ёнига чиқиб кетди, Абу Бакр Калавий Хусайн Хамзага кўмаклашгани омборга йўл олди, улар қоплардаги арпадан элчиларнинг отларига беришлари керак эди. Итгифоқо, омбор қалити топилмасди. «Хозир қаерда экан энди?» — деб ғудранган Хусайн Хамза нариги уйга йўналди, Абу Бакр Калавий эса ҳов-

лида қолди. Томорқа томонга боғланган отлар ем келишини сезишгандай пишқириб қозиклари атрофида гирд айланишар, депсиниб қўйишарди. Ҳовлига тун салқини чўккан. Абу Бакр Калавий осмонга қаради: осмон юлдузлар билан тўлиб-тошганидан оғирлашиб, анча пасайиб қолгандай туюлди. У Етти оғайни юлдузларини қидирди, бир маҳаллар шу юлдузларга қараб кунчиқишу кунботишни билиб олиш мумкин, деб эшитиганди. Бунинг учун аввал Олтин қозик юлдузини топиш лозим. «Етти оғайни» нинг олтинчи ва еттинчи юлдузини хаёлий чизик билан бирлаштирасиз-да, йўлни ўнгга қараб давом этдирасиз. Чизик нурсиз бир юлдузга олиб боради, ўша юлдуз — Олтин қозик бўлади. Бас, Олтин қозик томон шимолдир, қолган томонларни шунга қиёслаб билиб оласиз... Абу Бакр Калавий она шахри Самарқанд жойлашган тарафни аниқламоқчи эди: «Тонг отиши билан юртимга қайтиш тарадудини кўраман!» — деб хаёл қилди у.

Абу Бакр Калавий кўкка бокиб эндигина хаёлий йўлдан Олтин қозик томонга бораётган ҳам эдики, Ҳусайн Ҳамза омборнинг калитини топиб қўшни уйдан чиқиб келди. Улар катта қанор қоплардан арпа олишиб отларнинг тўрваларига солдилар-да, бошларига илиб қўйдилар.

Йигитлар ичкари кирганларида, Ибн Ямин билан Ҳасан Ҳамза жим ўлтиришар, фақат гоҳ-гоҳ шоир: «Оғир бўл, ўғлим! Оғир бўл!» деярд эди. Ҳасан Ҳамза нимадандир қаттиқ ранжиган, азбаройи жаҳли чиққанидан ичида ўзига инсоф тиларди.

— Оға! Нима гап? — сўради Ҳусайн Ҳамза, у акасига нисбатан оғирроқ, унча-мунчага тутоқмас, ўзини босиб шайтонга хай берадиган йигитлардан эди. Аммо жаҳли чиққанда уни тўхтатиб бўлмасди.

— Инсофсизларнинг ўтказиб қўйгани бормикин, нима опқирсам ёқмайди... — деди Ҳасан Ҳамза. Ичкаридан қийқирик, хушчақчақ давранинг сас-садолари эшитилиб турар, элчилар ўзларини гўё нотаниш бир уйда эмас, балки ўз ўлан-тўшакларида ўлтиришгандай тутишар, бу Ҳасан Ҳамзанинг баттар ғашига тегарди.

— Ҳасан! — деб чақирди ичкаридан шу пайт элчилар бошлиғи Улжойту.

— Тилинг узилгур-ей! Отимниям билиб олибди! — деди тишини тишига қўйиб Хасан Ҳамза ва ичкари кирди.

— Элхонийлар фукаросимусен? — дарғазаб сўради ундан Улжойту. У чўкка тушганча дастурхондан илик тортиб, қиличини тўшакка тираб олганди. Қолганлар ҳам унга кўз тикишди.

Хасан Ҳамза тасдиқ ишорасини қилди.

— Йў-ў-ў-қ! Сен элхонийлар душманисен! Ха-ха, душманисен! Душман бўлмасанг, итинг ҳам емайдиган эски этни бизга пишириб берармидинг?... Гапир, ит эмган! — Улжойту шундай деди-да, таом тўла косани Хасан Ҳамзага улоқтирди. Коса йигитнинг ўнг елкасига тегиб оёқ тагига тушди, ичидаги шўрва тўкилиб, Хасан Ҳамзанинг юзларига ҳам сачради. — Бизга эски этни едириб, ичбуруғ қилдирмоқчимусен? Ҳукумат юмуши деб кечани кеча, кундузни кундуз демай, жонини жабборга берган одамларни-я?! Салтанат элчиларини-я?! Ичагингни суғуриб оламен, пир урган, билдингму?!

Хасан Ҳамза ҳайратда қотиб қолди. Улжойтунинг чакчайган қисик кўзларига тикилар экан, у шу ҳолатда нима қилиш кераклигини идрок этолмас, не сўз дейиш лозимлигини билолмас, фақат қўллари титроқ ичида муштга айланаётганини сезарди. Шовқинни эшитган Ибн Ямин дарҳол эшикни очиб, Хасан Ҳамзанинг қўлларидан ушлади: «Ўзингни бос, ўғлим! Жаҳл отига минма, у учкуру асовдир!»

Улжойту яна бақирди:

— Гунг-кармисен, сийниталок? Ёки қулоғингни очиб қўйинму, онаси даладан топган?!

— Йўк! Гапираверинг, эшитади! — деди Ибн Ямин орадаги ловуллаи деб турган ўтга сув сепишга уриниб.

— Қўйинг борму? — сўради кутилмаганда элчилар бошлиғи Ибн Яминдан.

— Қўй нима қилади бизда? — ўкинч билан деди Хасан Ҳамза. — Барини олиб кетишган...

У баридан ҳам келгиндилар қилган хўрликка чидай олмасди.

— Хўш... қўйинг йўк бўлса... Хўрозинг бордир? Ёки бизни чарху дук ёнига қўйиб қантармоқчимусен? А?..

Хасан Ҳамза индамади. Ибн Ямин бор ишорасини қилди.

— Хўрозингни сўясен... Шитоб пиширтирасен! Сўнг май олиб келасен! Тез бўл! — Улжойту ҳар бир сўзни шошилмай дона-дона қилиб айтди.

— Ҳа-ҳа! Бир яхшилик қил! Май... олиб кел! — деди Таваккал ҳам. — Озроқ димоғларни иситайлуқ...

— Нўш этмаганимизга хийла бўлди-я... — оғизларидан сув келиб кетди қолганларнинг ҳам.

Ҳасан Ҳамза порози бўлиб энди оғиз жуфтламоқчийди, Ибн Ямин сўзлашга қўймади, «жим!» дегандай қўлидан тортди. Ҳасан Ҳамза бирдан шайх Ҳасан Журийнинг бугун масжидда айтган сўзларини алам билан эслади: «Муборак тупроғимиз ёт қадамлар остида топталиб ётавермаги бизлар учун исноддир. Агар боскинчиларни она юртдан қувсак, сўнгра ҳамма тенг бўлғуси, зулм эса завол топажак...»

— Завол топажак! — деб юборди Ҳасан Ҳамза ғалати беихтиёр, хонадан чиқар экан. Ҳусайн Ҳамза ғалати сўзни эшитиб:

— Нима завол топади, оға! — деб сўради.

— Зулм! Зулм! Келгиндилар зулми, укажон! — деди изтироб билан Ҳасан Ҳамза. — Ушанда уйимнинг тўри ўзимники бўлади! Ҳозир эса ана уларники!

Ҳасан Ҳамза Абу Бакр Калавий билан хўроз тутишга киришдилар, Ҳусайн Ҳамза май олиб келгани кишлоқнинг нариги четида турадиган Тўкол майфурушникига жўнади.

Эгизакларнинг тўрт товук, икки хўрози бор эди, лекин бу ярим кечада, зим-зиё тунда хўроз тутиш хийла мушкул — улар, ким билади, қайси бурчакдаю қайси қўноқда? Ҳасан Ҳамзанинг келинчаги Гулрухсор ҳам йигитларга хўрозларни топишда қўмаклашди.

— Оғилнинг нарёвида кичиккина, томи баланд товукхона бор, улар тепадаги қўндокка чиқиб ухлашади, — деди Гулрухсор.

Ҳасан Ҳамза тусмол билан қоп-қоронғи оғилга кириб кетди. Алламаҳалгача ундан садо бўлмади. Бир пайт товукхона томондан товукларнинг безовта патирлагани эшитилди, айниқса бири қаттиқ зориллаб қақиллаб юборди.

— Ҳа, тутди!.. — деди Гулрухсор Абу Бакр Калавийга. Йигит ёнгинасида турган дўндиқкина келинчакнинг нафасини сизди-ю, алланечук бўлиб кетди. Тасоди-

фан қоронғиликда иккови танҳо қолишганидан уялиб вужудига титрок югурди ва бу аҳволдан кутулиш учун, гарчи зарурат бўлмаса-да, Гулрухсорни овил оғзида қолдириб, шитоб ичкари юрди:

— Оға! Ушладингизми? — овозини кўтариб сўради Абу Бакр Калавий.

— Тутдим! — жавоб қилди қоронғиликдан Ҳасан Ҳамза. — Омадларидан кўрсин, хўроз ўрнига товук ушлабмен!

Улар товукни сўйиб, парт қилиб, патини юлдиларда, қозонга ташладилар. Шу пайт Ҳусайн Ҳамза ҳам бир хурмача май топиб келди. Хурмачани кўриб элчиларнинг хурсандчиликдан оғзи қулоғига етгудай бўлди. Бир оздан кейин шўрва ҳам пишди. Ичкарида кийкирик авжда эди.

— Емакдан сўнг ётиб хордиқ чиқаришади, тонг билан улар олдида йўл турибди ахир!.. — деди Ибн Ямин ўз-ўзига айтаётгандай.

— Бас, бизларда энди хақи қолмади... — деди Ҳасан Ҳамза.

— Ўзлари ҳам ноинсоф экан, — гапга аралашди Абу Бакр Калавий. — Бировни одам ўрнида кўрмагандан кейин, қандай қилиб ўзи одам бўладир? Узрким, ана бу оғилдаги ҳайвон ҳам булардан кўра одамийроқ: бировга зулм этмайдир, киши оромини бузмайдир...

— Нечун энди биз бунинг барига чидашимиз керак? — деди Ҳусайн Ҳамза бирдан ғазаб билан. Ҳамма хайратда қолди. — Ярим кеча бўлса ҳам уларга жой бер... ўзинг ема, уларга едир... ўзинг ичма, уларга ичир... тагин хўрлан... Қурбақани боссанг ҳам «вақ» этади. Биз ҳали одаммиз-ку!..

Шу асно ичкаридан Улжойтунинг маст-аласт овози эшитилди:

— Ҳасан!!!

Ҳасан Ҳамза ўрnidан тураётган эди, укаси уни тўхтатди.

— Оға! Мен кирамен...

Ҳасан Ҳамза укасининг ғазаби қайнаб турганини кўриб, унинг элчилар олдига киришидан чўчиди. Буни Ибн Ямин ҳам, Абу Бакр Калавий ҳам сезди.

— Ҳусайн Ҳамза! Майли, оғанг кирсин, — деди шоир. — Сен бу ёқдаги юмушларни ўринлат...

— Хасан, деяпман?! — такрор чакирди Улжойту.

Хусайн Ҳамза индамай дик этиб ўрнидан турди-да, бошқалар гапириб улгурмай дадил ичкари кирди. Хона-ни тўлдирган теру май хиди аралаш бир қўланса хаво йигит бошини айлантиргундек бўлди-ю, гандираклаб кетишига оз қолди.

— Майни ичган бизлар-ку, кайфини Ҳасан суряпти... Хо-хо-хо! — масхаромуз деди Улжойту Хусайн Ҳамзани акаси деб ўйлаб. Хонада маст-аласт кулгу кўтарилди.

— Уй кўрғонмусен? — деб сўради Улжойту Хусайн Ҳамзадан. Ҳамма йигитга тикилди. Хусайн Ҳамза «ха» дегандек бош ирғади.

— Баракалла... Демак, паричехра нималигини биласен...

Хусайн Ҳамза элчилар бошлигининг нима демакчи эканлигини тушунмади, хайрон бўлганча қараб тураверди. Ширакайф даврага эса бу ёқмади, Улжойту йигитнинг соддалигидан ранжиди.

— Курсор бўш эди, тўлди, майдан кўнгил хуш бўлди... Энди бизга жонон керак, бизга паричехралардан топиб бер!.. Боштинда ҳам биронта туркзода ва ёқдишлардан қолдирайлик... Зурёд қолсин!..

— Ха, ха! Бир яхшилик қил! — қўшилди ялтоқла-ниб Таваккал. — Дилдор... топ... Во-е-ей! Оқ тўшлар-нинг хумори ёмон, оқ тўшларнинг хумори!... Бир турк-зода бизданам қолсин! Хе-хе-хе!

— Нима?! Нима деганингиз бу? Мен қаердан топа-мен? Мен... Мен...

Хусайн Ҳамза бошқа ҳеч нарса деёлмади. Инсонлик киёфасини йўқотган тил-забонли бу махлукларнинг без-бетларча қилаётган даъвоси, кўрпасига қараб оёқ узатма-ган бандаларнинг андишасизлиги, ҳаёсизлиги унинг ти-лини боғлаб қўйди. Водарие!

— Салтанат элчилари фақат фармон айлайдилар, иж-роси эса сенларнинг бўйнингдадир!

Ширакайф даврадан ҳар хил овозлар ёғилди:

— Билдингми, пандавоқи? Бўл! Занглаб кетди-ку!.. Хе-хе-хе!

— Нимага аммамни бузоғидай анграясан? Ижроси сенинг бўйнингда, гўрсўхта!

— Жононлардан топ! Манови латтани қаранг! Мунча имиллайсан? Қакраб кетдик-ку!..

— Ха, ўғилларим... Элчиларнинг гарданини бир совутмоқ керак экан-да. Инсофсизлар!.. Уятсизлар!.. Бу ҳақоратга ортик чидаб бўлмас!.. — деди бу гапларни эшитиб ўтирган ғазабнок Ибн Ямин.

Лаҳза ўтмай Улжойту ўрнидан турди ва остонада лом-мим демай қотиб қолган Хусайн Ҳамзани бир четга суриб, ташқарига йўл олди. Хусайн Ҳамза шундагина ўзига келди ва унинг ортидан югурди. Улжойту маст эди, у тебрана-тебрана ҳовли четига борди-да, узок тимирскиланиб таҳорат ушатди, сўнг хе йўқ, бе йўқ, келинчаклар бўлмаси томонга юрди. Хусайн Ҳамза аввалига уни чиққан хонасини тополмай адашди, деб ўйлади. Аммо Улжойту хеч адашганга ўхшамасди. Ногаҳон келган даҳшатли фикрдан Хусайн Ҳамзанинг бадани музлаб кетди: Улжойту... келинчакларга кўз олайтирмоқчи! Шу пайт укасининг ҳаяллаб кетганидан ташвишланиб Хасан Ҳамза чиқиб қолди:

— Мехмон юмушини битирдимми? — деб сўради у.

— Йўқ, оға, ҳали юмуши бор... — деди захарханда аралаш Хусайн Ҳамза ва оғасини тинчлантириш учун кўшиб кўйди: — Қўлини ювдирмак лозим. Сиз кираверинг.

Хасан Ҳамза хотиржам орқасига қайтди.

Улжойту келинлар бўлмасига яқинлашди. Хусайн Ҳамза югуриб бориб олдини тўсди. Улжойту Хусайн Ҳамзага караганда барваста эди, йигитнинг ёқасидан олиб бир четга букюмдек улоқтирди ва келинлар эшигига қўл юборди. Беш қадам нарига юзтубан йиқилган Хусайн Ҳамза, кичкириб оғаларини кўмакка чорлай деди-ю, бироқ ори келиб бу ишни қилмади. Кўзи қонга тўлган Улжойту эшикни очди... Ўн етти ёшлардаги нозиккина Зулфизар, хонага кирган куёвим Хусайн Ҳамза бўлса керак, деган хаёлда бепарво энгашганча жой солар, Гулрухсор нариги хонада иш билан овора эди. Улжойту аста бориб биттагина кўйлақдаги келинчакни орқасидан қучоқлаб олди. Бегона нафасни сезган Зулфизар, Улжойтунинг қучоғидан чиқаман, деб қаттиқ типирчилай бошлади. Лекин гулдай нозик нарса девдай барзанги қучоғидан қандай қутулсин? Зулфизар «Нопок!», «Бадфеъл!» деб ўнганмоққа уринар, кучи етмай ингранар, ер тепи-

нар, Улжойту эса парво қилмас, гоҳ-гоҳда алламбало сўзларни хирс билан шивирларди, холос...

Зулфизар энди ўнгланиб олгандай эди, аслида Улжойту сал ён берди. Ўнгланиб олган келинчак эса Улжойтунинг кучоғига яна ҳам қаттиқроқ тушганини билмай қолди. Улжойтунинг оғзидан келаётган бадбўй хиддан бечора Зулфизарнинг ўқчигиси келар, тиканакдек бир чимдим соқоли вашига тегар, қўлларини элчи кўксига тираса ҳам нарироқ бўлишнинг чорасини тополмасди. Улжойтунинг очофатдай лаблари келинчакнинг нозик бағ-бақасига ёпишди...

— Хой, қаердасиз?.. — ингранганча кичкириб юборди Зулфизар Хусайн Ҳамзани чақираркан. Улжойту отиб юборганда тиззаси билан ерга қаттиқ тушган экан, кўр оғриқ Хусайн Ҳамзанинг қадам босишига қўймас, турай деса кўзидан ўт чиқариб юборарди. Хусайн Ҳамза қайлигининг овозини эшитиб оғриқка ҳам қарамади, энди унинг кўзи қонга тўлганди. Эшикни очиб не кўз билан кўрсинки, Улжойту қўйлаги пора-пора Зулфизарни қийнаб, ётқизмоққа уринмоқда, қиличи халал берганидан, орқасига суриб қўяр, аммо қилич яна Зулфизар билан иккисининг орасига кириб қолар, бу билан гўё, нопок ишларнинг охири қилич аралашувисиз битмайди, деяётгандай бўларди. Улжойтунинг сабр-тоқати қолмади, бир қўли билан қиличини шартта ечиб четга отди, мастлигидан нима қилаётганини ўзи ҳам билмасди. Хусайн Ҳамзанинг кучига куч қўшилди, шартта бориб қилични олдида, кинидан суғурди!

— Иблис! Тур ўрнингдан! — дарғазаб Хусайн Ҳамза Улжойтунинг думғазасига ғарчча қилич санчиб олди! Улжойту «Оҳ!» деганча кетини ушлаб қолди. Унинг ўзи билан ўзи оворалигидан фойдаланган Зулфизар ўрнидан турди, шовқин-суронни эшитиб нариги хонадан чиққан овсини Гулрухсорга ўзини отди-ю, ўқсиб йиғлаб юборди. Гулрухсор уни юпатиб: «Қўйинг! Қўйинг!» дер эди холос. Воқеа кўз очиб юмгунча фурсатда юз берди.

Улжойтунинг мастлигидан асар ҳам қолмаган, қисик кўзлари кўркувдан катта-катта очилиб кетган эди. Туға Темирхон элчиларининг бошлиғи уй ичида эмаклаб юрар, Хусайн Ҳамзанинг қўлида совуқ ялтираб турган ўзининг қиличидан кўз узмасди. Исфихон қиличининг дами ўткир, Улжойту уни жуда қўп қиличлар ичидан танлаб олган-

ди, энди билса, қилични ўз бошига бало қилиб олган экан.

— Ҳасан! Мени ўлдирма! — ёлворарди Улжойту, хали ҳам Ҳусайн Ҳамзани акаси деб ўйлаб. — Бутун бойлигим сенга пешкаш бўлсин! Мени ўлдирма!

— Э, айвонга чиқ, иблис! Сенинг қонинг билан кулбамни нопок қилгим йўқ!

Ҳусайн Ҳамза шундай дегач, айвонга чиқди, Улжойту унинг ортидан эмаклади. Ҳусайн Ҳамза пойлаб, ичкаридан Улжойтунинг боши кўринди, дегунча, қаттиқ қилич солди! Исфиҳон қилич бошни шартта кесиб кетди. Шундагина йигит тиззасидаги оғриқ қаттиқ кучайганини сезди, ҳолсизланиб бир лаҳза айвон четига ўлтирди.

— Улжойтубек қанилар? Улжойтубек? Бегим! Ҳо, бегим! Соринтириб қўйдингиз-ку? Жонон қидирялсиз-а, жонон...

Бу — Таваккал эди. Унинг орқасида Ҳасан Ҳамза, Улжойту қаёққа гумдон бўлди экан, деганча хайрон қараб турарди. Ҳусайн Ҳамза охиста ўрнидан турди, қиличини яшириб ғира-ширада Таваккал томонга юрди. Орада ўн кадамча масофа бор эди. Ҳасан Ҳамза укасини кўриб:

— Меҳмон қаерда? — деб сўради.

— Меҳмон шу ерда...

— Қаёққа яширдинг Улжойтубекни? — дардага қилди Таваккал. Ҳеч қандай жавоб бўлмади. Таваккал гандираклаб келар экан, қўлларини шоп қилиб нимадир демоқчийди, улгурмади. Ногаҳон бошу бўйин аралаш тушган қилич зарбидан шилқ этиб йиқилди.

— Қойил сенга, ука! — қувониб кетди Ҳасан Ҳамза, қўлидаги тошни бир четга ташларкан. — Бопладинг баचाғарни! Мен ҳам қоқ миясига тош билан тушираман деб турувдим. Эҳ, қани иложи бўлса...

— Улжойтунинг ўзи ҳам ер тишлади... — дея олди холос Ҳусайн Ҳамза холсиз.

— Ие! Ростми? Қани?... — ҳаприқди Ҳасан Ҳамза.

— Ҳа... тўнғиз қавмида кетибди... — деди шу пайт ичкаридан чиқиб келган Ибн Ямин.

Шундан сўнг ака-укалар Ибн Ямин, Абу Бакр Калавий биргалашишиб, жононларнинг келишини кутишиб қийшайиб қолишган маст уч элчининг ҳам бошларини танларидан жудо қилдилар.

Машрик бўзариб қолди. Ибн Ямин Ҳасан Ҳамза билан Абу Бакр Калавийга бундай деди:

— Қишлоқ аҳлини бу ёкка чорланг! Бутун Боштинни чақиринг! Токи замона золимларининг кирдикорларини кўрсинлар! Разил мутағоллиблик башарасига бир боксинлар! Ортиқ чидаб бўлурмикин бундоқ зулмга, бундоқ хорликларга, зўравонликларга?

Биринчилардан бўлиб Жўйин шохининг аёнларидан бўлган қишлоқ кахдуси Фазлуллоҳ Боштиний ўғли Абдураззоқ етиб келди. Ҳовлида Туға Темирхоннинг беш элчиси қора қонига беланиб ўлиб ётарди.

— Жаҳон пароканда бўлиб турганда, бир қишлоқи боланинг ору номусини тўкмоқчи эдингизму? Баским, лойиқ жазонгизни олибсиз! — деди Абдураззоқ нафратини тия олмай.

Кеча масжиддаги йиғиндан кейин ёнаман деб турган одамларга бир учкун кифоя эди. Бирпасда Ҳасан Ҳамзалар уйига одам ёғилиб кетди. Абдураззоқнинг буйруғи билан қишлоқ четига дор тикдилар. Даставвал Абдураззоқнинг ўзи салласи ва тақиясини дорга осди, сўнг қўлига тош олди-да, саллага қараб отди:

— Сар-ба-дор!

Кейин Ибн Ямин шундай қилди, навбат Хусайн Ҳамзага етди, Абу Бакр Калавий ҳам четда қолмади... Энди ҳамма дордаги салла ва тақияларни тошбўрон қилишга турди, ҳар тош отган одам «Сарбадор» деб хайқирар, бундан: «Агар йўлимиздан ортга чекинсак, бошимиз саллаю тақиялардек дорга тортилсин!» деган теран маъно англашилди. Шу ернинг ўзидаёқ етти юз киши, сарбадормиз, деб бақувват билакли Абдураззоқ бошчилигида аҳду паймон чекдилар.

Боштиндаги туғён хабарини эшитган Хуросон вазири Хожа Аловиддин Муҳаммад Хинду сарбадорларни тийиб қўйиш мақсадида мингта куролли отлик юборди. Муғиса қишлоғи ёнида юз берган мухорибада сарбадорлар улар устидан ғолиб келдилар. Бу сарбадорларнинг тарихда биринчи қозонган зафари эди. Сарбадорлар шикаст топган лашкарни таъқиб айлаб Фарюмад қишлоғига бўлган ерларни катрон қилдилар. Алқисса, Сабзаворга юриш қилиб, сарбадорлар давлатининг бўлажак пойтахтини фатҳ айладилар...

Ана шу юришларда булбулзабон шоир, қаламини қуролга алмашган Ибн Ямин Фарюмадий билан боштинлик ака-ука Ҳасан Ҳамза ва Ҳусайн Ҳамзалар ёнида самарқандлик ёш сарбадор Абу Бакр Калавий ҳам иштирок этди.

Шундоқ қилиб, сарбадорлар оёқларини ўз ўринларидан қўзғотдилар ва фахрли қўлларини мамлакат атрофига чўздилар. Тарихда «Сарбадорлар давлати» деб номланган, жаҳонда ўхшаши йўқ, сиёсати олий, равнақи баланд давлат бўй кўргизди. Бу воқеа хижрий 737 йилда¹ рўй берди...

Тўққизинчи боб

АБУ БАКР КАЛАВИЙ

...Абу Бакр Калавий ҳикоя қилишдан тўхтаганда вақт ҳам тўхтаб қолгандек бўлди. Тун пардаси чўккан ховлида сукунат ҳукм сурарди.

Сарбадорларнинг фаройиб ишлари тақяхонада ўлтирганларнинг хаёлини буткул ўғирлаб қўйди. Барча ҳозир Самарқандда, Лакшманнинг чуқуртак ховлисида эмас, гўё Сабзаворда, Машҳад, Нишопур, Кирмону Симнонда кезиб юрар, ўзини қўлида тош тутган ҳолда Боштин четида тикилган салла-ю тақиялар осилган дор тагида хис қилар эди. Уста Кулол оёқларини йиғиб, бир-бирига чалиштириб олган қўлларини тиззаларига қўйганча бир маромда охиста бошини тебратиб ўлтирарди. Ҳалвойи кичик жуссасини қаерга қўйишни билмагандек, бевозта бўлиб «Бай-бай! Бай-бай!» дея қўярди. Нозим Мехмет жим ўтирар, хаёллар оғушида бурнини тез-тез ушлаб қўяётганини ўзи сезмасди. Лакшман катта-катта кўзларини ровийга тикканча қотиб қолганди. Хўрдак Бухорийга ҳикоя шунчалар таъсир қилдики, бутун ҳикоя давомида у гоҳ-гоҳда: «Ие! Ие! Мен бўмабман-да!», «Қангшарига солиш керак!», «Изини қуритиш керак!» деб гўлдираб ўлтирди. Мавлонозода ичида Хўрдак Бухорийдан бениҳоя миннатдор эди. Ахир у бўлмаганда, Мавлонозода бу даврага келмас, сарбадорлар ҳақидаги

¹ Милодий 1337 йил.

турфа нақлдан ҳам беҳабар қоларди. Бирдан толиби илм кўз олдига Самарқанднинг ёнгинасидаги Қонигил ўланзориди тикилган машғум дор келди. Дорга бошқалар қатори Мавлонозоданинг ҳам мисқоли салласи осилганди. «Агар йўлимиздан чекинсак, салладек бошимиз дорга тортилсин!» — деб қичқирарди муллавачча. Бир пайт караса, дорга осилган нарса мисқоли салла эмас... Мавлонозоданинг боши эмиш! Боши жойида эмас, дорда эмиш!..

Бало-қазодай ёпирилиб келган бундай хаёлдан толиби илмнинг эти жунжикди. Нега кутилмаганда уни шундай ўйлар қамраб олди — Мавлонозода тушунмади. У хаёлларни қувишга ҳаракат қилди, бироқ улар хира пашшадай ўралашиб сарбадорларнинг оламшумул юришларидан жонланган тасаввурни музлатмоқчи бўларди.

Мавлонозода ўзини ўзи чалғитиш учунми, Абу Бакр Калавийга қараб деди:

— Ога, сарбадорлар ҳукуматини ким идора қиладур?

— Пахлавон Ҳасан Домғоний, — жавоб берди Абу Бакр Калавий. — Қомронлик курсисида, мана уч йилдирки, барқарордур. У ҳукуматни амирзода Лутфуллох қўлидан олди, ўзи хос навқарлардан эди. Ваҳжини бундок баён қилурлар. Амирзода Лутфуллох ҳукмронлиги бир йилу уч ойга етганда Домғоний билан ўрталарида адоват чиқди. Амирзода Лутфуллох Ҳасанга дашном берди. Пахлавон Ҳасан кинадор бўлди. Бир кун кечаси амирзода уйига бостириб бориб, уни хибсга олди ва пойтахтда ўзини подшо деб эълон қилиб, нақора қоктирди...

Сарбадорлар қиссасидан мутаассир давра иштирокчилари энди ўзларига кела бошладилар.

— Адолатли мамлакатда-я? — ажабланиб сўради Уста Қуллол. — Бировни ўлдириб... Бу ёғи неча пулдан тушди? Навқар ўз хожасига тигни раво кўрса...

Ғапга Исоқ этиқдўз аралашди:

— Навқари бўлса, нима? Ўғил оғасини ўлдиради, падари бузрукворининг пайини қирқади. Навқар эмиш! Мана, хушқомат Юсуф алайҳиссаломни бир қориндан талашиб тушган ҳасадгўй оғалари нималар қилишмади-ю! Ҳасадгўй оғалари, ҳа! Қул қилиб сотишди!..

— Тахт бор жойда қасд бор-да хамиша, ҳамсоя! — деди Ҳалвойи.

— Янги давлат бошига келган албатта ўзидан олдин ўтганни пайхон қилади, баҳосини мис чақадан ҳам пастга тушириб юборади. — Нозим Меҳмет афсус билан деди. — Бундан қирк йиллар муқаддам Кепакхон Нахшаб ёнида сарой қурдирганди, «Қарши» дердилар. Амир Қозоғон тахтга мингач, шу саройни вайронага айлантirdи, бир ой бўлди, бориб кўргандим... Амирнинг ўзи эса ҳеч вақо бунёд этмади. Энди Кепакхон ҳам йўқ, амир Қозоғон ҳам... Қани Кепакхон!

— Лекин ундан кепак қолди... — деди Абу Бакр Калавий.

Ҳамма кулиб юборди. Гап шундаки, Мовароуннаҳр хони Кепакхон Хуросондаги Ҳалокуийлар сингари, мамлакат тарихида биринчи бўлиб пул бирлигини муомалага киритади ва танга зарб қилдиради. Масалан, бир динор икки мисқолга тенг, бир мисқол уч дирҳамга тенг ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси Кепак тангалари, бора-бора «кепак», «кепаки» номи остида машҳур бўлиб кетди ва бу сўз чакани билдирадиган, қиммати паст деган маънони англатишдан нарига ўтмай қолди. Абу Бакр Калавийнинг «ундан кепак қолди», дейишида Кепакхон киритган пул муомаласи назарда тутилганди, айни чоқда, Мовароуннаҳр хонидан сариқ чақачалик бирон-бир эзгу қолмаганига ҳам ишора бор эди.

— Сарбадорлардан не қолаётир экан, оға? — яна сўради Мавлонозода. У хунук хаёллардан хали ҳам қутула олмаганди.

— Оч-юпун, етим-есирлар бошини силайдурғон сарбадорлар давлатининг ҳокими Домғоний ҳамма билан ўзини баробар тутадур, — деди Абу Бакр Калавий. — Сарбадорларнинг меҳрпарварликларини эшитган қуллар, гадолар ўзга мамлакатлардан унинг қошига паноҳ излаб келишмакда. Султон шитобан улуфа тайин этадур, улар билан хослашқар сафини кенгайтирмак ташвишини чекадур. Унинг чопқунга моҳир, чапдасту чапсон йигитлардан иборат ўн икки минг кишилиқ лашқари бордур. Ёнида ҳамиша етти юз турк фуломини шай тутадур. Ўзга шоҳлардай ҳарбий ўлжанинг қонуний бешдан бир қисмини талаб қилмайдур, балки навқарлар билан баб-баравор баҳам кўрадур.

— Одил подшо экан-да, Нўширвони Одил! — хурсанд бўлиб деди Ҳалвойи.

— Хирожнинг қандоқ олинишини ҳаммангиз биласиз, — давом этдирди сўзини Абу Бакр Калавий. — Садр Сулаймон сиёсати маълум: чорикор йил бўйи ишлаб бир таноб ердан бир ботмон пахта олса, ярмини бойга берадигон қилиб қўйгон. Сарбадорлар давлатида эса ҳосилнинг ўндан учини оладилар, қолгани чорикорнинг ўзига сийловдир, чорикорнинг бошқа бирон динорига ҳам тегилмайди. Домғоний даврида эл тинч, фароғатда яшамакда, райият мамнундир. У кадхудоларни каттик назорат остига олди, дастурхонидан бўлса хосу ом баробар лаззатланар экан. Ҳар йили бир марта ўз молмулкини элга талон-торож қилдириб турадир, кечалари маҳалла-қўйда кезиб, бева-бечораларга пул ва таом улашиб чиқади...

— Шайх Ҳасан Журий номаи аъмолидан ҳам сўз айтинг, — сўради Хўрдак Бухорий. — Сарбадорлар давлати султонларининг пири муршиди, қиблагоҳи, валинеъматиди бўлсалар керак-а, ул зот...

— Шайх Ҳасан Журий амир Масъуд билан давлат бошига келдилар, амир шайхга мурид бўлди, — деди Абу Бакр Калавий. — Ушбу тотувлик шарофатини қарангки, бир куннинг ўзида уларнинг икки минг кишилик қўшини уч бор ғолиблик жомасини кийди!

— Йўғ-е! — хайратга тушди Исоқ этикдўз. — Бир кунда уч ғалаба-я?

— Лоф ҳам эви билан бўлсин... — қўшилди Уста Кулол ҳам хазиллашганнамо.

— Бор гапни айтаётирмен, — хотиржам деди Абу Бакр Калавий. — Эрталаб Пўштфуруш деган жойда Мухаммад Туркман бошлиқ йигирма беш минг кишилик қўшинни енгдилар. Пешин намози вақтида Балқишон кишлоғида Қорабуқа Жоний Қурбоний етагидаги йигирма минг кишилик лашкарни мағлуб этдилар. Намозшомга қолмай Урдуғиш мавзеида яна бир жанг бўлиб ўтди. Бунда сарбадорлар Арғуншоҳ бошчилигидаги ўттиз минг сипоҳдан иборат черикнинг адабини бердилар!..

— Омадни қаранг! — деди Лакшман. — Рама сингари ёвларини яксон қилишибди! Индра асурларни қиргандай қиришибди!

— Сабзавор шахрини, сарбадорлар давлатини донишманд шайх Ҳасан Журий билан саркарда Масъуд

бошқара бошладилар. Баайни ал-Форобий айтганларидек бўлди: фозил шаҳарни бошқариш учун кўп фазилатларга эга бир киши топилмаса, шунча фазилатларни ўзида жам этган икки киши бошқаруви мумкин...

— Ёки уч киши, — кўшимча қилди Хўрдак Бухорий.

— Ёки бир неча кишилар гуруҳи, — яна ҳам аниқлик киритди Мавлонозода. Унинг ал-Форобий рисодалари билан яхши танишлиги кўриниб турарди. Абу Бакр Калавий давом этди:

— Аммо... Ғийбатчилар ҳар қайда бор, адоватни байроқ қилиб олғонлар, кина-кудуратга илинж боғлағонлар кўп, эй феъли яхшилар! Масъуд билан шайх Ҳасан Журий ораларига нифок солдилар. Масъудга дедиларки: «Сен эҳтиёт бўл! Мамлакатни шайх Ҳасан Журий муридлари банд қилмакда, унинг тарафгузарлари кўпайди... Хутбаларда ҳам шайхнинг номи олдин ўқилади, кейин сеники... Иш бу аҳволда давом этса, ҳокимият илгингдан кетмагига шубҳа йўқ! Муридлар кўп, уларнинг қай бири билан сўйлашасен? Яхшиси, пири муршиднинг ўзлари билан ҳисоблашмак лозим: ҳазратни ораддан кўтариб ташлаш керак... Токи у юмушларга ҳалал бермасин...» Бир бетавфик кинадорнинг бу ҳавойи сўзларига ишонган амир битта имонини ютганни топиб шайх Ҳасан Журийга пичоқ уришни буюрди. Шу тарика шайх Ҳасан Журий дорилфанодан дорилбакога рихлат қилдилар...

— Ие, ие! — деди Исоқ этикдўз хайратда. — Ҳозир ул зот оламдан ўтганмилар?

— Нахотки шундоқ бўлса?.. — сўради Мавлонозода ҳам афсусланиб.

— Шундоқ адолатли мамлакатда-я? — сўради тағин Уста Кулол.

Абу Бакр Калавий: «Ҳа», дегандек бош ирғаб қўйди. У шайх Ҳасан Журий ўлими хусусида шундан нарига ўтолмади. Сабзаворда ҳам хосу авом шундоқ деб ўйларди.

Аслида масала сал бошқачароқ эди. Ростдан ҳам шайх Ҳасан Журий муридлари кўпайди, шайхнинг обрўи ошиб кета бошлади. Аммо у, шуҳратим орғиб Масъудни соясида қолдирипти-ку, деган хаёлдан йироқ эди. Чунки муаллима соний Ал-Форобийнинг: «Фозил шаҳарнинг бошлиқлари иккита, учта бўлса ҳам, давлатни бошқа-

ришда бамисли бир жону бир тан бўлади, бир кишидек фикр қилади, юрт бошқаради», деган доно ўгити унинг кўнглини тўқ тутарди. Мана, у Масъуд билан бирга хукуматнинг янги, аммо унча мустақкамланмаган аробасини гичирлатиб бўлса ҳам тарих йўлларида олиб ўтиш пайида. Элхоний Туға Темурхонни даф қилсалар, Ҳирот малиги Ҳусайн Куртни тарих майдонидан суриб ташласалар, сарбадорлар давлатининг нуфузи яна ҳам ортади. Башар тарихида бундай жамоа бўлмаган, йўқ эса Арасту, Афлотун, Ал-Форобий, Ибн Сино шундай фаройиб салтанат хусусида ўз рисоаларида ёзиб кетишмасмиди?

Лекин буларнинг бари шайх Ҳасан Журийнинг орзулари эди, холос. Сарбадорлар жамоасида кўп ўтмай иккита оқим пайдо бўлди. Бири шайх Ҳасан Журий номи билан боғлиқ бўлиб «шайхийлар» деб юритила бошланди, иккинчиси, Масъуд тарафдорлари эди, оқим «сарбадорлар» номини олди. Икки оқим орасида шубҳа-гумон даражасида билинар-билинимас кураш келиб чиқди. Пинҳона олиб борилган курашга ҳамиша фирромлигу фиску фасод аралашishi аён нарса. Шайх Ҳасан Журийнинг Сабзаворни фозил шаҳарга айлантириш ҳақидаги ниятлари рўёбга чиқмай қийнай бошлади. У ана шундан ташвишга тушди. Фозил шаҳар бўлиши лозим Сабзавор эса жоҳил шаҳар либосига бурканмоқда! Алҳазар! Алҳазар! Худди Ал-Форобий айтганларидек, шаҳарда ўзаро душманлик тўр ёйган, бойлик учун тўхтовсиз кураш олиб бориш керак, айримларда зўравонликка интилиш ошкор тарзда кўринмоқда, ғийбат ўқи имон осмонидаги юлдузни бехато урмақда... Жоҳил шаҳарнинг ўзгинаси!.. Бундай шаҳарда яшамок учун ҳамиша жанг-жадал олиб бормоқ лозим. Нега шундоқ бўлмақда? Нега? Фозил шаҳар ўрнига қабих, бебахт шаҳарга айланиб бормакда Сабзаворимиз? Оламда ягона сарбадорлар салтанатининг пойтахти, шон-шухрати ҳали мағрибу машриқни, Фарангни, жумла рубъи маскунни тутадирган бўлажак фозил, етук шахримиз! Нега? Нега?.. Бу саволларга жавоб топиш керак эди.

Сабзаворни жоҳил шаҳарга айланиб бормакда, деб ташвиш чекаётган шайх бошқа нарсани эсдан чиқарганди. Модомики, жоҳил шаҳар ахволи шундоқ экан, унинг бошловчиси не ўйларга фарқ? Ахир Ал-Форобий ўгитларидан маълумки, жоҳил шаҳар бошлиғи ўзини оқилу

доно санайди, ёлғону сохта такаббурликлар билан ўзгаларни алдайди. Оламнинг фароғати ёлғиз ўзим учун дейди, ўзгани даражаи камолга етмаган ҳисоблайди, душмани устидан ғолиб келишни олий бахт-саодат, деб билади ва оқибат уни ўлдиради...

Сарбадорлар салтанати султони Масъуд шайх Ҳасан Журийни худди шундок четлатмак кўйига тушди. Буни Хирот малиги билан бўладиган жанг пайтига белгилади, воқеа жанг шов-шувларига кўмилиб, аралашиб кетиши керак... Насруллох Жувайний деган сарбадорни шайхга расмий кўриқчи этиб тайинларкан, «Ишни битирсанг, бир вилоят эгаси бўласен!» деб юрагини ўйнатиб ҳам кўйди. Жоҳил амир ишни Ал-Форобий айтганидан ҳам ошириб ўринлатди. «Одам хужум қилади-ю, — деб уқтирган эди муаллими соний, — бироқ асл мақсадини яшириб, ўзини бошқа нарсага интилаётгандек қилиб кўрсатади, натижада ундан хавфсирамайдилар, чўчимайдилар ва қаршилиқ қилмайдилар...» Масъуд ҳам шу йўлдан борди — зоҳиран ўзини шайхга ниҳоятда меҳрибон кўргизди, ростдан ҳам ҳеч ким ундан гумонсирамади: шайхни Насруллох Жувайний ўлдирган бўлиб чиқди. Аммо ўйин шу ерда тугамади, балки беаёв суратда давом этдирилди. Бундоғини кам кўрган бўлсанг керак, эй Ал-Форобий! Мана, эшит: шайх ўлиmidан кейин қотил Насруллох Жувайнийни ақлдан озганга чиқардилар, унинг кўзига қўй кўринибди, қўй деб ўйлабди, билмасдан шайх ҳазратларига пичоқ уриб ғафлатда қолибди, деган мишмиш таркатдилар. Масъуд энди ҳамманинг кўз олдида Насруллох Жувайнийни жазолатди — қилич билан етти пора қилдирди...

— Абу Бакр! — деди бирдан Халвойи. — Сарбадорлар давлати ҳақидаги гапларингизни эшитиб, қантдекки-на давлат экан-да, Нўширвони Одил экан-да, деб ўлтиривдим. Энди мана бу қирғину қирпичоқларни кўриб ўйлаиб қолдим... Ўзимизнинг амирлардан қолишмас экан, шекилли, улар ҳам...

— Бир-бирини ўлдириш, пайини қирқиш... Душман-нимас, бир-бирини!.. Ўз улувларининг номини бадном айлаш... улусни ўйлаш йўқ, юртни ўйлаш йўқ... — гапга қўшилди Хўрдак Бухорий.

— Ўзи сарбадор аталса-да, шу йўлни бошлаб берган зотни маҳв этса!.. — ўқинч билан деди Мавлонозода. —

Шу улкан эътикод деб жонини жабборга бергон, муридларини оёққа турғизгон фасохатманд инсонни... Инсонга ажалнинг захри қотил тигини қаратсалар! Кескинрок гапиргоним учун узрлимен...

— Бундай ноҳақлик етти иқлимдаям йўқ! — деди Нозим Меҳмет.

— Етти иқлимни гапирасиз, уч оламдаям йўқ, деяверинг! Ха-ха, уч оламдаям! — Нозим Меҳметни қўллаб гапирди Лакшман, хинд афсоналаридаги худолар, одамлар, девлар оламига ишора қилиб.

— Сарбадорлар давлати сиз билан биз кутганчалик нуфузга эга эмас... Бунинг сабаби, шайх Ҳасан Журий ҳазратларининг бевақт оламдан кўз юганидадир. У киши ҳаёт бўлганларида, замон не йўсин кечар эрдийкин, билмадим... — Бу кеча кўп гапирганидан Наддофлар маҳалласи оқсоқоли хорғин эди. — Емак, ичмак, ётмак, сохта улувворликка интилмак, енгил обрў кетидан қувмак, ҳукмронлик ҳавасидан маст бўлмак... Афсуски, Сабзавор ана шундай беодоб, бадахлоқ шаҳарга айланиб қолди.

* * *

Тақяхонага жимлик чўкди, ҳамма ўз хаёлига гарқ бўлди, таом ҳам совиб қолди. Лакшманнинг: «Олинглар, олинглар!» деганига карамай, ҳеч ким дастурхонга қўл чўзмасди.

— Самарқандимиз-чи, дўстим? — сўради бирдан муллавааччалардай ўтирган ерида чўкка тушиб олган Уста Кулол жимликни бузиб. Унинг донғилсўзлиги тутиб кетди. — Самарқандимиз қандоқ шаҳар бўларкин?.. Лойи пишитилган бўлса ҳеч гапмаску-я...

Токчада жинчирок липиллаб ёнар, хира шуълада ўлтирганларнинг турфа соялари хонанинг тўрт томонига тушиб турарди. Бошлар ҳам катта-катта, қулоқлар узун-узун кўринар, гўё бу ерда одамлар эмас, аллақандай девлар ўлтиргандай эди. Ана, Нозим Меҳмет гапирар экан, катта бурни орага суқулиб, Лакшманнинг кичкина бошига тегиб-тегиб кетар, худди чўкиётгандай туюлади. Чап томондаги деворни Хўрдак Бухорийнинг бир қулоқ келадиган елкаси эгаллаганди. Абу Бакр Калавий Мавлонозода соясини чунон кидирди, тополмади. Кейин билса, унинг сояси камонмерганининг сояси билан қўшилиб кетган экан.

— Хуллас... Самарқандимиз фозил шаҳар бўлиши керак, — деди, сўзини яқунларкан Нозим Меҳмет. — Оламга маълуму машҳур шаҳар бу, уста! Ўша айём менинг қахвахонам барча учун сахардан очиқдир!

— Кошкийди, кошкийди! — деди мамнун Уста Кулол. У негадир Лакшманга қараб обдаста олиб келишини сўради.

Жамоа хайрон бўлиб қолди, обдаста нега керак экан? Лакшман обдаста олиб келгани ташқарига чиқиб кетди.

Уста Кулол обдастани кутиб, бирдан ўсмирлик йилларини эслади. Ўн ёшида бўлса керак, у шахрисабзлик Рустам кулолга шогирд тушди. Уч йилча хизмат қилди. Уста унга кулолчилик сирларини ўргатиши, кейин фотиҳа бериши лозим эди, аммо Рустам кулолдан ҳеч садо чиқмасди. Ҳақимжон эса меҳнатқаш, қобил бўлиб ўсганди, Рустам кулолнинг хотини Биби уни ўз ўғилларидан ҳам ортик кўрарди.

Бир куни Биби, эрининг Ҳақимжонга бепарво қарашини кўриб, пайт пойлаб ғалати иш қилди. Рустам кулолнинг олдида, Ҳақимжонни ёнига чақириб, шарт кўкрагини бериб эмизган бўлди:

— Мана, Ҳақимжон ҳам ўрил бўлди энди, билдингизми? Уни эмизганман деб айта оламен! У сизнинг ҳам ўғлингиз энди!

Бибининг гапидан Рустам кулол хайрон қолди, Ҳақимжоннинг эса кўзларидан ёш чиқиб кетди. Шундан кейингина Рустам кулол унга меҳрибончилик кўргиза бошлади, кулолчилик сирларини ўргатди.

— Энди уста бўлдинг, ўғлим! — деди бир куни Рустам кулол. — Ўз аравангни ўзинг торт, ўз чархингни ўзинг айлантир!

Таомилга кўра жонлиқ сўйдилар, Ҳақимжон уста эгнига бир чопон ташлади, шогирд ҳисобидан бўлиши керак бу харажатларни Рустам кулол ўз ёнидан қилди. Кейин уста икки қўлига туфлаб фотиҳага очди-да, осмонга қараб:

— Олгину олдирма, тўлгину тўкилма! Илоё, ушлаганинг олтин бўлсин. Мени унутма! — деб оқ йўл тиларди...

Шу пайт қўлида обдаста Лакшман кириб келди.

— Аҳли жамоа! — мурожаат қилди Уста Кулол обдастани олиб ҳаммага кўрсатар экан, унинг ичида озрок

суви ҳам бор эди. — Самарқанддаги жаъми кулолчилик буюмлари менинг мана шу илгимдан ўтган. Тошкент, Бухоро, Термизларга ҳам олиб кетишади, аммо Фарғона томонларга тишим ўтмайди, чунки у ёқда Риштон бор... Кўза, офтоба, хум, лаган, гули, машрафа, косаю тандирларгача ясаймиз. Тагин шамдону гулдон, сополак, кошину қувур, ўйинчоқлар ҳам қўлдан келади. Самарқанд хокими Шохмалик қавчин маҳалламизга йигирма беш мингта сирли кошин солиқ солибди, меҳмонхона қура-миш, бу меҳмонхонада Жета хонларию турк амирларини кутиб олар эмиш... Хўш... Мана шу кичиккина обда-стани тайёрлаш учун узоқ ишлаймиз... Гапиргим келиб қолди-да, жуда эзмаланди-ку бу уста, деманглар тагин...

— Асло, уста! Гапиринг! Бекорга гапирмайсиз! — деди Абу Бакр Калавий.

Уста Кулол мош-биринч соқолини қўллари билан силаб қўйди-да, давом этди:

— Мана шу обдаста лойини сағиз тупроқдан қиламиз... Тупроқни офтобда қуритиб, майдалаб, элаб бўлгач, лой қориймиз. Кейин пиштамиз. Риштон кулоллари ишнинг кўзини билишади, лойни хўл шолга ўраб, ҳар кун пишитиб, устига сув сепиб туришади. Лой уч ҳафта сақлансин, ана энди олиб чархга қўндирилинг-да, истаган нарсани ясанг: лой, ипақдек эшилиб бир химога махтал бўлиб туради, узиб бўпсиз! Мана шу обдаста, — кўрсатди яна уста, — ясалгандан кейин ангобга чайиб олиб, чаймасангиз обдаста куйиб кетади, хумдонда қиздирилади. Оловидан бохабар бўлмасангиз, яна чаток: қозондаги гурунч баробар қайнаши лозимдек, идишнинг ҳамма томони бир хил қизиши керак... Буюмларнинг зуваласи пишиқ чиқиши шундан. Отиб юборсангиз ҳам синмайди.

— Уста Кулол шундоқ деди-да, обдастани пойгак томонга отишга чоғланди. Буни кўрган шериклари эътироз билдириша бошлади:

— Хай, хай! Ҳамсоя! Ишондик!.. Отмай қўяқолинг!

— Йўк! — деди, — ҳозир бир нарсага гувоҳ бўласизлар...

Уста Кулол хай-хайларга карамай, обдастани девор томонга отди. Обдаста шарақ этиб деворга тегди-ю, қопқоғи илгагидан учиб кетди, ичидаги сув деворга сачради, аммо синмади, ҳамма жим бўлиб қолди.

— Лойи пишитилган бўлсин, деганимнинг сабаби шулки, — деди жиддий Уста Кулол. — Самарқандимиз ҳам Нозим Мехмет айтмоқчи, фозил шаҳар бўлмоғи керак... Агар Исоқ этикдўз қолипу шона, сўзану бигиз, кундасига қарамай қўйса, тановорига яхши тоб бермаса, қандай қилиб зўр этик тика олади? Унда унинг этиги кимга керак? Яхши пишмаса, пашмак хамир бўлиб қолмайди-ми, а, Ҳалвойи? Дуруст пишитилиб йиғирилмаса пахта толаси чирт-чирт узиладиган ипга айланмайдими, Калавий?.. А?..

— Жуда оқил гап!

— Самарқандимиз ҳам фозил шаҳарга айланармикин... — деди Уста Кулол боядан бери тушунтираётган фикрларини сал англата олгандай. — Ёки лойи яхши пишитилмай, барчани бадном қилармикин?.. Мана шулар ҳақида ўйлаб қоласан киши... Ўйламай дейсану, ўйлайсан...

— Шақари меъёрида бўлиши керак-да... — деди Ҳалвойи. — Кўпайиб кетса ҳолванинг тахирини чиқариб юборади...

— Тағчармини жуда танлаб солиш лозим... — қўшимча қилди Исоқ этикдўз. — Тоб ташламайдиган бўлади-да, этик... Узоқ чидайдиган бўлади, айниқса сахтиён...

Наддофлар маҳалласи оқсоқоли Устанинг гапларини эшитиб қувонди. Уста Кулол — сарбадорлар жамоасининг ишонган аъзоларидан, Абу Бакр Калавий унга катта умидлар боғлайди. Ҳаёт хумдонида пишган Уста ўша хумдондаги оловдай қайсар ва кескир, хиёнат уноҳакликни кўрса ёндириб кул қилмоққа шошилади.

У тўғри айтади: Самарқанд қандай шаҳар бўлмоғи лозим? Фозил жамоани ўзида мужассам этган, бахт-саодат қалитини илгида тутган, кишилари бир-бирига хайру саховат қўлини чўзган фазилатлари олий шаҳарми, ёки...

Абу Бакр Калавийнинг ҳаёли узоқларга кетди. У ҳаётини сарбадорлар эътиқоди билан боғлагандан бери, ана шу инқилобий хуруж, унинг тарих майдонидаги дадил қадамларини неча-неча бор ақл торозисидан ўтказди. Ҳаёлларнинг бир учи Абу Наср ал-Форобийга бориб улангандан кейин олам яна ҳам кенгайиб кетгандай туюлди. Фозил шаҳар, етук жамоа, бахт-саодат, рухий камолот, тенглик, комил инсон ҳақидаги ўйлар бутун еру кўкни камраганди, бу турфа оламнинг бир четида

Абу Бакр Калавий турарди, марказини эса Абу Бакр Калавийнинг она шахри Самарқанд банд қилганди.

Чорак асрдирки, Ал-Форобий хусусида илк бор ўша Боштин масжидида шайх Хасан Журийдан эшитган Абу Бакр Калавий, файласуф асарларини ўқиб, ўзининг кўнгил «дард» ларига даво топгандай бўлади. Буюк ватандоши Абу Наср ал-Форобий беш юз йиллар муқаддам, инсон қандай яшамоғи керак, у қандай жамоада истикомат қилсин, у жамоа қандай бўлмоғи лозим, каби масалалар билан қизиққанди, энди эса бу ёруғ ташвишларни елкасида даст кўтариб асрлар қаъридан унга кўмак қўлини чўзмакда. Наддофлар маҳалласининг оқсоқоли Ал-Форобийнинг бир замонлар Шош, Бухоро қатори, шу она Самарқанд тупроғида ҳам яшаб таҳсил олганини китоблардан ўқиб билди, бу нарса уларни хийла яқинлаштирди, Абу Бакр Калавийда муаллими соний билан ҳамшахарлик, ватандошлик туйғусини тирилтирди. Чорсуданми, Бозор кўчаданми, ё Арк кўчасиданми ўтиб қолганда: «Бир пайтлар буюк файласуф дунёнинг ташвишларию дайри дуннинг жумбоқларига жавоб топмак истагида шу кўчаларда оҳиста кезиб юрган-да...» деган ўйга борар ва бундан хаёли обод бўларди. Ахир Ал-Форобий Чорсу майдонида туриб Зарафшон тизма тоғлари оша чиқиб келаётган қуёшни неча-неча бор кузатган, бунга шак йўқ. Она Самарқанд тасаввурларда буюк ватандош билан учраштирди-ю, муаллими соний Абу Бакр Калавий учун бамисли қиблагоҳу маслахатгўйга айланди. У улуг бобокалонга, Сайхун бўйидаги Фороб кишлоғида туркий корлук қабиласидан бўлган оилада хижрий икки юз олтмишинчи йилда дунёга келиб, беқиёс идрокю билими, саъю саботи, низомию интизоми билан дунёга хайратлар солган инсонга таъзим қилади, ўзини дўсту биродар тутганидан шавқиб туйғуларга тўлади. Ха, у Шарк Арастуси Абу Наср ал-Форобий билан кадрдон дўст бўлиб қолди! Қайсидир китобда ёзилишича, шоир ё олим, ё хаттот ё бастакор ўзининг олис ўтмишдошига вайибона мухлис ёки шогирд бўлса, ўша буюк устозга нисбатан «Увайс» лақабини олар экан. Шунга кўра, Ал-Форобийга нисбатан Абу Бакр Калавий «Увайс» эди. «Увайс» нинг назарида, унинг учун файласуф билан ўрталарида кечган бемиқдор йиллару сувдай оққан замонларнинг фарқи йўқдай. Инсон шунга кодирки, у

тафаккур, зехн, шиддати тахайюл билан замонларни бир нуқтада кўра олади, беадад асрларни лахзалар қанотида оралаб чиқа олади! Авлодлар силсиласи мустаҳкамдир, хаёлдай узун, умрдай ардоқлидир, кимки ўз умрини ана шу силсилага бир ҳалқадай боғлай олар экан, бас, бахтлидир, таҳсинларга лойиқдир. Абу Бакр Калавий ўзини шундоқ буюк силсиланинг бир ҳалқасидай ҳис этарди.

Увайсликни жойига қўйиш кишидан катта шижоат талаб қилар экан. У муаллими соний ҳақида битилган рисоаларни кидирди. Ал-Форобий рисоаларини ўрганар экан, у уч нарса шохиди бўлди: биринчидан, мантиқ илмига оид рисоалар: мантиқ илми мураккаб эди, уларни мутолаа қилдию тиши ўтмади, тиши ўтмаган нарсаси ҳақида фикр юритишни эса мантиксизлик деб билди. Иккинчидан, фалсафага оид рисоалар, бу рисоаларда юнон файласуфларининг асарларига ёзган шарҳларида дунёнинг абадийлиги ва йўқ бўлмаслиги тўғрисида сўз борали. Тўрт унсур — тупрок, сув, ўт, ҳаво — абадийдир, мавжудотдаги бор нарса ана шу тўрт унсур, тўрт модда аралашувидан ҳосил бўлади. Олам моддийдир, моддага эса абадийлик хос... Учинчидан, давлатни бошқариш, сиёсат борасида битилган рисоалар, бу хилдаги рисоалар Абу Бакр Калавийнинг жони-дили эди. «Ас-сиёсат ал-мадания» — шаҳарни, ҳукуматни бошқариш ҳақидаги, «Китоб аро аҳл ал-мадинат ал-фозила» — фозил шаҳар кишиларининг қарашлари тўғрисидаги, «Рисола ат-таҳсил ас-саодат» — бахт-саодатга эришув йўллари хусусидаги рисоаларни такрор-такрор ўқиб мағзини чақишга уринди.

Боштиндан қайтгандан сўнг Абу Бакр Калавий мадрасага кириб ўқишни дилга тугди. У пайтлар Садр Сулаймон мадрасаси йўқ, ўрнида кичик масжиднамо иморат бўлиб, мадраса ўша ерда жойлашган эди. Илғорлик кўрғазиб, саккиз йил деганда мадрасани битиргач, имом мартабалик бўлди, аммо нечундир имомлик қилмади. Ажабки, кичиклигидан одамларни уюштиришга, бирлаштиришга ҳавасманд, кўпроқ жамоат орасида юрмакни хуш кўрган Абу Бакр Калавий, қаерга бормасин, биринчи галда эл кадхудоларига разм солар, уларнинг иш тартиботи, тутумини назардан ўтказарди. Ўттиз ёшларда эканидаёқ Наддофлар маҳалласи жамоаси уни маҳалла оқсоқоли этиб сайлади. Шунга ҳам ўн олти йил бўлди...

— Нечун хаёлга чўмиб кетдингиз, оксокол? — деб сўради Уста Кулол. — Саволим ноўрин бўлдими, дейман...

— Саволингиз бағоят ўринлидир, уста! — деди катъий Абу Бакр Калавий. — Самарқанд фозил шаҳар бўлур, эй феъли равшанлар, бўлур!

У кўп гапирмокчи эди, лекин бошқа сўз қўшмади.

— Фозил шаҳар бўлса, — деди Ҳалвойи, — ўша куни мен барчангизни оғзингизни ширин, димоғингизни хуш бўйлардан обод килур эдим!

— Фозил шаҳар бўлса, — деди Исоқ этикдўз, — барчангизни шундоқ ажойиб этик тикиб берайки, ундай этикни Нўширвони Одил ҳам киймаган бўлсин! Кийиб Чорсудан ўтганингизда ғарчиллашига осмон тоб беролмайди!

Бу «ким ўзар» ўйинига ўхшарди. Энди сўзни Нозим Меҳмет илиб кетди:

— Оғизни ширин қилдингиз, димоғингиз обод бўлди... Энди ғарчиллама этикни кийиб менинг қахвахонамга келасиз, базми жамшид қиламиз! Майрамга айтаман, нуқли таом пиширади. Аввал қултум-қултумдан, оз-оздан, сўнг иштаха кўтарса, соз-создан оламиз. Чехрамизга кизил нур киргунча отамиз, қийшайиб қолганлар секин сафдан чиқаверади!

— Балли, Нозим! Лойини пишитиб сенга бир қулинг ўргилсин хум ясаб берайки, унда юз йиллаб май асрасанг ҳам бўлаверади! — қўшимча қилди Уста Кулол.

Ҳамма қах-қах отиб қулди. Самарқанддаги машҳур қахвахона мутасаддиси улоқни олиб кетди. Бу қахвахона ғарибу ғураболар, Тун салтанати фуқаролари, сарбадорлар аҳён-аҳён бўлса-да, бориб турадиган дил тортадиган бирдан-бир маскан эди. Борганлар хамиша яхши узум шароби — майиздан бўлган, шаърий, дер эди Нозим Меҳмет — газагу нуқли таомлар билан таъмин этилар, бу ердан одам аримас, қахвахона сохиби Нозим Меҳмет ва унинг хотини Майрам қахвахонани холи қудрат обод тутишга ҳаракат қилишарди. Абу Бакр Калавий билан Хўрдак Бухорий қахвахонага тез-тез бориб туришар, бунга қахвахонанинг Қаландархона сингари паскам ва ғайридинлар яшайдиган кўчада, кўздан четда жойлашгани ҳам қўл келарди. Нозим Меҳмет билан ҳам шундоқ келганларининг бирида танишишган эди.

— Кофирлар билан дўст бўлмак... — деганди ўшанда камонмерган. — Қандай бўларкин?.. Мана, Лакшман... Қавми бошқа...

— Кофирлар исломни танимайдилар холос, лекин улар худога ишонмайдиган осийлар, даҳрийлар эмаслар, — жавоб қилганди Абу Бакр Калавий. — Уларнинг ҳам ўз худолари бор, улар фақат ғайридиндурлар. Кўнгиллар тўғри, ниятлар пок эса, қайси диндан бўлмасин, маслагимиз бир бўлса биз ўша билан дўстмиз. Биз сарбадорларга нияту кўнгил, маслак эътибор... Ундан кейин, ислом миллату кавм ажратмайди. Хаммани ҳам худо яратган...

— Баъзи жамшиддан чиқдингиз, кийшайиб қолмадингиз... — гапга морбоз Лакшман аралашди. У гоҳида «Амроватий, о Амроватий!» деб қўяр, фозил шаҳар хақидаги ўйлар яздонлар подшоси Индранинг пойтахти гўзал ва афсонавий Амроватий шаҳрига бориб уланарди. Бу шаҳарда мангу ўлмас рухлар, эзгу-саховатнинг олий тимсоли бўлган кишилар яшар эдилар. — Энди тўғри Чорсу майдонига йўл оласиз. У ерда кенг даврада илон ўйинини кўрасиз.. Қалча илоннинг ўқдай туриб олиб қилган нағмаларини томоша қиласиз! Дор тикамиз, Кумар дорда югуриб ўйнайди, қилиқлари эса ичагингизни узади...

— Оғзингизни ширин қилдингиз, этикни кийдингиз, Нозим Меҳмет қахвахонасида чеҳрангизга қизил югурди, Чорсу майдонида илон ўйинини ҳам кўрдингиз, ичакларингиз узилгудай бўлди... — Гулдираб гапираётган Хўрдак Бухорий эди. — Бас, баридан кейин Конирилга чиқиб мерганлар мусобақасида қатнашурсиз... Агар ёйни тутишга қурбингиз келмаса, бир четга чиқиб томоша қилиб турасиз. Факирингиз ижозатингиз билан ёйни оладир, осмонда учиб бораётган қушни отиб, қушга теккизмай икки қанотини бир-бирига тикиб қўядир! Ана шунда теккан соврун сизники бўладир, камина рози!

Тақяхона ичини кийқириқ тутиб кетди. Ҳамма ўз истагини айтар, самимий дилини ёзарди. Фақатгина Мавлонозода Самарқанд фозил шаҳарга айланса, сарбадорлар жамоаси учун нима қилиши мумкинлигини айтмади. Чиндан ҳам Мавлонозода, Садр Сулаймон мадрасасининг толиби илми нима қила олиши мумкин? У — толиби илм, албатта ҳали мадрасани тугатмаган эса-да, тугат-

ганлардан обрўйи баланд. Факих бўлмоқ нияти бор. У йирик факих ва қонуншунос шайх Бурхониддин Марғиноний номини тилдан қўймайди. Айникса, ўзини самарқандлик машхур қонуншунос олим Абу Лайс Самарқандийнинг ғойибона мухлисларидан деб билади. Хижрий уч юз саксонинчи йилларда Самарқанд шайхулисломи бўлган бу соҳиб ал-қонуннинг турган-битгани фикх хазинасидан иборат «Хазонат ул-фикх», билимдонлар бўстонидан сўз юритувчи «Бўстон ул-орифин» китоблари Мавлонозоданинг ардоқли китобларидан саналарди... У нимадир демокчи эди, улгурмади. Абу Бакр Калавий сўз бошлаб қолди:

— Аввало, шаҳримизда сарбадорлар эътиқодига кўнгил қўйғонлар нечта эканлигини аниқламоқ жоиздир. Бизга сарбадор эътиқодидаги кишилар рўйхати керак... Бир жихатни ёддан чиқармайлик. Рўйхатга олаётганда тайин этишни унутмангизким, сарбадорлар жамоасига аъзо бўлиб кирғон ўз сирини яширмаги даркордир. Качонким, фақирдан ишорат етадур, очилмоқ чоғи етадур...

— Шайх Ҳасан Журий ҳам Боштиндаги анжуманда худди шундоқ қилмакни тайинлаганлар... — эслатди Хўрдак Бухорий.

— Бас, шундоқ экан, Ҳалвойи ҳамсоядан талаб қилурмизки, ўзининг маҳалласидаги сарбадорлар хисобини берсун. Сир тутсун.

Ҳалвойи хўп ишорасини қилди.

— Уста Кулолдан талаб қилурмиз, ул ҳам кулоллар маҳалласидаги сарбадорлар аҳволотидан сўз айтсун, рўйхат берсун... Нозим Мехмет чекига Қаландархона кўчаси тушадир...

— Менга Қўрчилар кўчаси берилса, ул ерда ҳамрозларим кўп... — сўз олди Хўрдак Бухорий. — Ундан Камонгарон қишлоғига ҳам ўтурмен, шу ниятда...

— Балли, балли! — маъқуллади Абу Бакр Калавий камонмерганнинг топқирлигидан мамнун. — Айникса, Қўрчилар кўчаси ва Камонгарон қишлоғидан рўйхат тивиз бўлса... Ахир улар — қўрчилар! Жамоамиз қўрчиларсиз мушқулликларга учрайди, бу кундай равшан!

Навбат Лакшманга етди:

— Лакшман! — деди сарбадорлар жамоаси оқсоқоли, — Сен ўз санъатинг билан бормаган жойинг йўқ.

Хамма жойга сен учун йўл очик. Сенинг чекингга Хонкали кўчаси тушмакда...

Жамоа бу гапни кийкирик-хазил билан қарши олди.

— Ўх-хў! Лакшманнинг омади келди! Хонкали-я!

— Шу кўча менга тушсин деб умидвор эдим-а! Атанг илиб кетишди... — деди камонмерган.

— Энди Лакшман кўчани бошлаб кўздан кечиради! Хо-хо-хо!..

— Рўйхатни тўппа-тўғри Хонлиқ оқа хонадонидан бошлайсен, ҳа, бобилхонадан! Илон ўйинини кўрсатасен уларга! Қих-ких-ких!..

Қаҳқаҳа кўтарилди.

— Хай, овозни кўтарманглар! — деди яна Уста Кулол кулгудан кизарган кўзларини артиб. — Читра келин ухламаган бўлса, бу гапни эшитиб қолмасин тагин. — Уста шундай дерди-ю, ўзи гулдираб қаҳ-қаҳ отиб куларди.

Кийкирикнинг сабаби бор эди. Лакшман, кичик жусали сабзак ранг морбоз кўйнинг оғзидан ҳам чўп олмаган, покдомон, ҳалол одам бўлиб, буни ҳамма билар, бобилхонали кўчанинг айнан шундай одам чекига тушганлиги чиндан ҳам кулгили эди. Лакшман ҳам бўш келмасликка ҳаракат қилар, катта-катта кўзларида кувлик ўйнардди.

— Агар илон ўйнатишдан чарчасам, сизни чақирамен, уста! — деди у.

Хамманинг ичаги узилгудек бўлди. Бу гап Лакшманнинг ўзига ҳам нашъа қилди. Кийкириқлар тингач, Лакшман жиддий деди:

— Бозоркўчани ҳам оралаб чиқсам, менинг ҳам у ерда кўп таниганларим бор... Тўйларида бўлганмен... Мени билишади.

— Менга ҳам гал келди шекилли... — сўз олди Мавлонозода ним табассум билан. — Мен Арк кўчаси билан машғул бўлсам, иттифоқо шу кўчада менинг яқинларим бор... Сўғин, мадраса толиби илмлари орасида ҳам сарбадор рухиятидаги оташ диллар бор, деб билурмен ва умид килурмен... Барчасининг рўйхатига камина тартиб берса...

— Барчасининг рўйхатига сиз тартиб берурсиз, Мавлонозода! — деди Абу Бакр Калавий. — Яъни... Арк кўчасию толиби илмларгина эмас, балки бутун Самар-

канд сарбадорлари жамоаси фуқаросига, ха-ха, бутун сарбадорлар рўйхатига тартиб берурсиз!.. Сиз жамоамизнинг котибию мирзосисиз.

— Бош устига! — деди Мавлонозода. — Фақирнинг хужраси бу кундан жамоамиз ихтиёрига ўтди, деб ҳисоблангиз, ҳар он ҳар дақиқа барчага очик бўлур.

— Вақт алламаҳал бўлиб қолди, бу гал узоқ давра қурдик... — Абу Бакр Калавий тоқчадаги жинчиروقқа қаради, чироқ липиллаб ўчар бир ҳолатга келганди.

— Узоқ давра қурдик, аммо вақтнинг қандай ўтганини билмай қолдик... — деди Уста Кулол. — Оламни айланиб чиқдигу...

— Камина Наддофлар кўчасию маҳалласи аҳлини ҳисобга оладурмен... — давом этди Абу Бакр Калавий. — Маҳаллада аҳиллик бор. Мана Уста Кулол, Ҳалвойи борғонларида ўз кўзлари билан кўрдилар. Раҳимқул деган фуқаромиз томини хашар билан ёпиб бердик. Кўп юмушлар хашар йўли билан адо этиладир. Хашар бирлашмакнинг улуг расм-русумидир, ота-боболаримиздан қолган эзгу удумдир. Хашар сарбадорлар жамоасида энг аъло одатларимиздан бирига айланиши лозим. Маҳаллада яна яхши урфларимиздан бири «Хайрия» деб номланади. Фуқаро холи қудрат хайр йўлига бир дирхам пул ажратадир, бизда уни Анорқул сатанг деган йиғадир. Жамалға камбағал, бева-бечораларга, мусофирларга, ночор кишиларга сарф этилади. «Хайрия» ҳам жамоамизнинг ардоқли қондасига айланиши дарқордир...

— Кўп яхши! Кўп яхши! — дейишди ҳамма.

— Инчунин, бир кишини «Хайрия» га мутасадди этиб тайинласак... Кимни тайинлаймиз? — ўлтирганларга синчков назар солди Абу Бакр Калавий, лекин ғираширада ҳеч кимнинг юзини кўриб бўлмасди.

— Нозим Меҳмет! — деди Лакшман. — Нозим Меҳмет!

— Жуда тўғри! — қўшилди Уста Кулол. — Озми-кўпми, ишқилиб, доим кўлида пул бўлади, қаҳвахонаси бор. Шундай одам бўлиши керак! Вақти-бевақт «Хайрия» да пул бўлади, ё бўлмайди...

— Жоним билан! — деди Нозим Меҳмет, бурнини бир ушлаб қўяр экан. — Ҳисобни кепакига ҳам хиёнат этмай олиб борурмен!..

— Рўйхатга олаётгонингизда, — Абу Бакр Калавий энди барчага мурожаат қилди. — Бир кишини тайин этингким, ул ишончли вакил бўлсун, сарбадорлардан бир дирхам-ярим дирхам йиғсун, бу аъзолик бадалидир, сўнг Нозим Меҳметга топширсун, ҳисобини берсун. Нозим Меҳмет эса жамалга ҳисобини бизларга баён этиб турадир. Шаҳримиздаги ғарибу ғураболар, етим-есирлар, ҳеч кими йўқ қари-қартанглар ушбу хайриядан кўмак оладилар... Зардўштиymi, мусулмонми, монавийми, хиндийми, маъжусийми — «Хайрия» дан фойдаланишда барчасининг ҳуқуқи теппа-тенгдир. Ушбу шартни фуқароларга аён этмак лозим...

— Шаҳар ҳокимидан ижозат олинурми? — сўради кимдир.

— Зинҳор! — деди Абу Бакр Калавий. — Аввало, улар ижозат бермайдилар, сўнгра билиб қолишса хуржга йўл очурлар. Биз кўпайишимиз керак, бирлашмагимиз зарурдир.

Мавлонозода Абу Бакр Калавийнинг донишмандлигига қойил қолди. Ҳа, Самарқанд сарбадорлари жамоаси оқсоқоли билимдон, ҳаётий тажрибаси пишган, оқни қорадан ажратиб олган, босиқ табиатли бир инсон экан! Ҳаманинг ҳурмат қилиши бежиз эмас... Хўрдак Бухорий у ҳақда қамоли эҳтиром билан гапирарди, таърифларни эшитган сари Мавлонозодада бу инсонни кўриш иштиёқи орта борар эди. Шукрлар бўлсинким, ўша ниятига эришди, содда ва ишонувчан, асл инсон билан танишди, суҳбатидан баҳраманд бўлди. Оқил инсон эканлиги учун ҳам кишиларни бир жамоага бирлаштира олибди. Мавлонозода мана шу жиҳатига эътибор қилди. Турли дину қавм эмас, мусулмонларнинг ўзининг ичида, бирлашиш у ёқда турсин, бир-бирининг йўлини тўсган, душманлик қилган, қонини тўкканлар қанча!..

— Эй, феъли мағрурлар! — деди Абу Бакр Калавий, овози бу гал тетик ва хушбахт эди. — Сизларни ғаройиб бир ходисадан огоҳ қилмакни кўпдан ўйлаб юрардим, аммо фурсат пойлардим. Фаҳм этдимки, вақти келибдур... Шаҳримизда турфа, биров етти ухлаб тушида кўрмагон бебаҳо бир салтанат бордур...

— Салтанат? — ажабланди Қодир Халвойи. — Йўр-е? Нималар деяписиз, ҳамсоя?

«Нахотки, биронта одам бу салтанатга дуч келмағон бўлса?» — ўйлади Абу Бакр Калавий, сўнг деди:

— Бу салтанат ҳар куни тунокшомдан то тонгга қадар даврон сурадур. Уни шунинг учун Тун салтанати, дейдилар. Кундузи тирикчилик куйида юрадилар, тунда эса салтанат тузадилар. Бу ҳалол салтанатнинг ўз шахриёри, вазири, фуқароси, хатто... жаллоди бор! — шундай деди-ю, Қамариддиннинг ингрок саси гўё эшитилиб кетгандай бўлди.

Абу Бакр Калавий Тун салтанати, ўзига хос қоида-йўриқлар, фуқаролик шартлари, энг муҳими, уларнинг қоим эътиқод эгалари эканлигидан сўзлади. Шахриёр, Насафий, Соҳиб Чангал, Шотабиб, Бобо Султон, Ахий Жаббор, Ҳасан чинок ва бошқалар ҳақида гапирди. Уларни, аллақачонлар сарбадорлар руҳиятига кирган кишилардир, деди.

— Бизлар Тун салтанатини сарбадорлар жамоасига бирлаштиришимиз лозим... У салтанат рўйхатини тузмак фақирга топширилсин, деймен...

Абу Бакр Калавий сўзлари тугар-туғамас, шаҳарнинг жануб томонидан, чамаси Бозоркўча тарафдан тун-кеча бағрини ёриб аёл кишининг дод-фарёди эшитилди, кейин итлар вовуллаши борлиқни тутди. Аввал олисдан эшитилиб аста-аста кучайиб бораётган от туёқлари овози, сурони аёл фарёдини ҳам, итларнинг вовуллашларини ҳам босиб кета бошлади. Шаҳарга йигирма-ўттиз човлик суворийлар тош йўлни тарақлатиб от қўйиб кириб келарди.

— Бу бирон қўшиннинг бўлаги, — деди Хўрдак Бухорий қулоқ солиб. — Йигирма-ўттиз отлик ўзи кечаси юрмайди, фақат чорасизликдан юради. Бу — ёки енгилиб пароканда бўлган қўшин оқоваси ёки ичидан низо чиқиб парчаланган лашкар аломати. Ҳар қалай, отликлар қочиб бораётибди.

Дарҳақиқат, отликлар ҳеч қаерда тўхташмади. Улар Чорсу майдонигача бир шиддат билан келишган бўлса, майдонни кесиб ўтгач, Ҳолвачилар кўчасига бурилдилар-да, Тошкент томонга қараб икки шиддат билан отга камчи босдилар. Тун-кечада итлар вовуллашига қўшилиб кетган отларнинг тақир-туқури тобора узоқлашиб борарди. Отликлар шаҳардан чиқиб кетишди шекилли, овозлари энди эшитилмай ҳам қолди.

— Қаердан билдингиз, мерган, отликларнинг қочиб бораётганини? — деб сўради Уста Кулол. — Отликларни туёқ олишидан биласиз-а!

— Буни-ку, билиш кийин эмас эдику-я... — ўйлаиб деди Хўрдак Бухорий. — Аммо отларнинг туёқ олиши яхши эмас-да, уста!..

— Бу нима деганингиз? Отликлар қочиб қолишдику?..

— Ана шу қочиб қолишини айтяпман-да! Агар уларни каттарок бир черик қувмаганида эди, қочишмаган бўларди, балки бамайлихотир шаҳарда қолиб, бирон-бир бечорани қақшатиб, тонг откизиб жўнар эдилар...

— Демак, уларни кимдир қувиб келмоқда, шундайми?

— Кимдир эмас, хийла катта черик, хар қалай, қочиб колганлардан катта...

Сал ўтмай камонмерганнинг бу тахмини ҳам тасдикланди. Шаҳар томон энди бурғу чалиб, довул қоқиб катта қўшин келмоқда эди. Қўшин ҳали олисда бўлса ҳам, шовқини кучайиб борарди. Халигина қулоғи тинган шаҳар, яна итларнинг вовуллаши, отларнинг кишнаши, бурғу ва довул саси, навкарларнинг ғала-ғовуридан иборат қоришиқ олатасир садоларга тўлиб кетди. Моваруннахр тахтига даъвогар Амир Қозоғоннинг набираси Амир Хусайн Темурбек, Шайх Муҳаммад, Шер Баҳром сингари урушқоқ амирлар кўмагида Шаҳрисабдан тўрт фарсахлик масафада Тошариқ мавзеида мўғул хони Илёс-хўжахонни енгиб, ўзини тириклай тутиш мақсадида унинг пароканда қўшинини қувиб келмоқда эди.

Ўнинчи боб

ТУНГИ САМАРҚАНД ҚЎЙНИДА МАШҶАЛАЛАР

Самарқанд ҳали тун қўйнида эди. Жануб томондан уфқ ёришиб келаётганини кўрган айрим шошилган хўрозлар тонг отмоқда ҳаёл қилиб қичқирришга турдилар. Лекин уфқни ёриштириб юборган тонг эмас, балки Амир Хусайн навкарлари тутиб олган машғалалар шуъласи эди. Хар бир навкар тўпча машғалани бош узра ўйнатганча наъра тортиб шаҳарга кириб келарди. Аввал икки

юз чоғлиқ отлиқ тасир-тусир от чоптириб. Бозоркўчага кирди. Қапчиғай отлар минган бу жарчилар, то Амир Хусайн аъёнлар билан етиб келгунча шаҳар аҳлини Чорсу майдонига чорлаб, жам этиб туриши лозим эди. Жарчилар марказий майдондан йигирмата-йигирмата бўлиб саккиз кўчага таралиб кетдилар. Агар шу пайт тепадан қаралса жуда ғаройиб манзара гувоҳи бўлиш мумкин эди: машғалали жарчиларнинг катта бир тўпи Чорсу майдонини банд қилганди, гўёки шу тўпдан кўчаларга машғалалар оқарди. Жарчилар кўчага киргандан сўнг бўлинишиб олдилар, биров кўча бошига тушди, биров ўртадан бошлади, бошқа бирови маҳаллалар оралаб кетди. Ҳар бир дарвозани тақиллатиб, тездан ҳамма Чорсу майдонига боришлари зарурлиги, буйруқ оҳангида айтиларди. Шаҳар аҳли бунга кўникиб қолган, ҳеч ким бемаҳалда нега безовта қилишяпти, демас, хайрон ҳам қолмасди.

Жарчилар бошлиғи, амирлашкар Темурубекнинг йигитларидан бўлган барваста Давлатшоҳ бахши Чорсу майдонига қолган жарчилардан кимнидир чақирди:

— Элтутмиш!

— Жон вужудим қулоқ! Лаббай, бегим! — Баланд бўйли навкар Давлатшоҳ бахши олдиға лапанглаб чопиб келди. Машғала ёруғида Элтутмишнинг елкасида кокили кўриниб турарди.

— Ёнингга ўн навкарни оласен!..

— Оламен!..

— Арк кўчасига борасен!..

— Борамен...

— Шаҳар хокими Шоҳмалик қавчин уйини биласен...

— Биламен...

— Искирт Шоҳмалик қавчинни тутасен...

— Тутамен!..

— Оёғини ерга теккизмай олиб келасен!

— Келамен!

Элтутмиш ўнта навкар билан буйруқни адо этишга жўнади. Жарчилар бошлиғи энди Зайниддин деган навкарни ёнига чорлатди.

— Садр Сулаймон деган табаррук зотнинг ховлисиға боргил! Сен ҳеч у ховлида бўлганмусен? Самарқанд садри жаҳони ховлиси!..

— Менга йўл бўлсин, бегим! Мен қаёқдан бўламан бундоқ ховлида? — деди навкар энсаси қотиб.

— О!.. Ўтган йил амирим Темурбек сабабли ул зот меҳмони бўлувдик! О... мрамар ховузда сиймин баданлар билан бирга хопитган эдик... Ок томоқ гўзаллар...

Зайниддин индамай турар, афтидан бу гаплар уни кизиқтирмас, балки нима юмуш топширилар экан, деган хаёл оғушида эди. Навкарнинг бефарқлигини кўрган Давлатшоҳ бахши жаҳли чиққанини билдирмади, жиддий тусга кирди-да:

— Бўлди! Бўлди! Суриштираверма! — деди, гарчи навкар ҳеч нарса демаган эса-да. — Сенга шундай гаплардан бўлса, эшакдек қулоғингни шалпайтириб эшитаверсанг, а!.. Ҳозир ўнта навкар билан бориб Садр Сулаймонни ҳурмат-эҳтиром ила олиб келинглар! — Кейин кўшиб кўйди. — Зинҳор шошилтирманг! Бешта навкар олдиндан кўриклаб келсин, бешта навкар орқадан! Уқдингму?

— Уқдим! — деди Зайниддин.

* * *

Жета хони Илёсхўжахон синашта саркардаси Амир Хамидни, Искандар ўғлон билан Амир Юсуфхўжаларни олиб такрор катта кўшинни Мовароуннаҳр сари бошлади. Аммо хижрий етти юз олтмиш бешинчи йилда Шаҳрисабз ёнида бўлиб ўтган жангда унинг кўшини енгилди. Вовайлолар бўлсинким, илғор саркардалари ёғий қўлига асир тушдилар, Илёсхўжахон каноти қайрилди. Шу пайтда отаси Туялук Темурхоннинг вафот этганлиги ҳақида машъум хабарни эшитиб, кўзига ҳеч нарса кўринмади. У қолган-қутган аскарини олиб юртига ошиқди. Жета мамлакатининг танг аҳволи унинг тез боришини такозо қиларди.

Хўрдак Бухорий отларнинг узоқда чопиб бораётганини эшитиб: «Бу пароканда кўшиннинг қолдири», деб каромат қилганида ҳақ чиқди. Ўша отлиқлар Илёсхўжахон бошлиқ қочиб бораётган мўғул аскарлари эди.

Жарчилар Қаландархона кўчасини ҳам оралаб юришар, Лакшманнинг чуқуртак ховлиси ёнида тасир-тусур чопиб ўтган отлар, худди тақяхонадагиларнинг бошида юргандек туюларди.

— Қаёкка кетишяптийкин? — деди ўз-ўзига айтгандек Абу Бакр Калавий қоронғида. Токчадаги жинчирик аллақачон ўчиб бўлган, негадир уни ёқиш ҳеч кимнинг эсига келмасди.

— Нозим Меҳметнинг қахвахонасини кидиришяпти-микин?

Уста Кулолнинг ҳазил қилиб айтган бу гапига ҳатто кулиб ҳам улгуришмади. Дарвоза кетма-кет қаттиқ тақиллади.

— Ким бор?! Ким бор, деяпман?!

Лакшман ўрнидан турди, буни сезган Хўрдак Бухорий қатъий деди:

— Мен очамен! Бундай кезларда дарвоза очишга хийла устамен...

Камонмерган чаккон ўрнидан туриб дарвозага йўналар экан, боз дарвоза қоқилди. Жарчи дарвоза тирқишидан қараганди, чирок кўринмади, ховли қоп-қоронғи. Ҳеч ким йўқ, деб ўйлади шекилли, у кетишдан олдин, ҳар эҳтимолга қарши қичқирди:

— Ким бор? Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Ҳусайн фармони! Ҳамма Чорсуга борсин! Ҳамма Чорсу-у-у-уга-а! Биронта одам уйда қолмаси-и-и-и! Ким фармонни ба-жармаса, ўзи ўлимда, моли талонда-а-а!..

Камонмерган дарвозани очиб қараса, машъала тутган жарчи йироқлашиб бораётибди. Хўрдак Бухорий такахонага қайтди.

* * *

Сарбадорлар Қаландархона кўчасига чиқишганида, шаҳарнинг ҳамма томонидан: «Чорсуга! Чорсуга!» деган овозлар эшитилар, узоқдан машъалаларга тўлиб кетган Чорсу майдони ажабтовур кўринар, маъжусийларнинг кўҳна маконини эслатарди.

Кўчада одам тобора қалинлаша бошлади. Ярим кечада бесаранжом бўлган, дили оғриган кишилар Чорсу майдони томон боришар, оқим ичида хотин-халаж, ёш болаларни ҳам учратиш мумкин эди. Кўча охирида жойлашган қаландархона жарчилар қутқуси билан бузилган ари уясига ўхшаб қолди: бемахалда қаландарларнинг қай бири шошилиб жандасини топа олмас, бошқа бирови қайиксифат заврақини йўқотган, ўзгаси эса кашкулини белига боғлаш билан овора, мисвокни ҳам эсдан чиқар-

масди. Улар ҳамма нарсаларини ўзлари билан олишга ҳаракат қилишарди, ким билсин, шу кетишда балки бутунлай Самарқанддан чиқиб кетилар, ахир чархи кажрафторнинг турфа ўйинлари кўпдир...

*Дунё молин дегоклар
Ғам-аламга ботмишлар... —*

деб жавраб борарди бир кексароқ ёшдаги қаландар, аслида уларнинг ёшини билиш ҳам мушкул, буни Абу Бакр Калавий кўп марта ўзи синаган. Соқол-мўйлови ўсган, бир хилда кулоху жанда қийган кишиларга қаралса, ҳаммасининг ёши бирдай кўринади. Жамол ал-ҳақ, яъни ҳақнинг жамолига мушарраф бўлмоқ, висолига умид боғламоқ, ҳақ билан яқинлашмоқ ва унинг вужуди вожибига бутунлай сингиб кетмоқ илинжидаги бу турфа одамларга ёшнинг ҳам фарқи йўқ, улар ҳатто қаерда, қачон тувилганларини ҳам ёдларидан чиқаришган... Улар ёруғ дунёни рўё деб билардилар, дорилфано деб атардилар. Дорилбақода, яъни у дунёда яшамок учун бу аччиқ рўёни бошидан кечирмоқ ҳам фарз, ҳам қарз, деб ҳисоблар эдилар.

Кексароқ қаландарнинг орқасида ҳасса тутган, белига кашкул борлаган пакана қаландар келмоқда эди. У гоҳ олдига қараб, гоҳ орқасига ўгирилиб пала-партиш келаётган одамларга тикиларкан:

— Ҳа, бандаси-я, бандаси! Борига шукр қил! Ношукрлигинг қачон қолади? — деб қўярди, одати шунақа эди. Оғзида икки қозиқ тишигина қолганлигидан, гапи ҳавода шувалиб, бобиллаган овоз чиқарди. Қаландарнинг ёнидаги ўрта ёшлардаги бақувват бир эроний, кўпдан кузатиб келаётган шекилли, бирдан унинг ёқасидан олди:

— Ҳалитдан буён вайсайсен... Бир айтдинг, майли, дедим, икки айтдинг, майли, дедим. Мана, бешинчи марта такрорляяпсен «Банда! Ношукрлигинг қачон қолади?» деб! Менинг ношукрлигим билан сенинг нима ишинг бор? А? Нима ишинг бор?..

Иттифоқо, эронийнинг кекса баджаҳл отаси бор бўлиб, ўжару қайсарлигидан нолиб ҳамиша ўғлини тергагани тергаган, икки гапнинг бирида «Ношукрлик қилма! Борига шукр қил!» дер эди. Ўғли эса инсофсизлик, адолатсизликни кўрса, тутаб кетар, ўзини қўйгани жой тополмай қоларди. «Бу қандай дунё ўзи? — фиғони

чиқарди йигитнинг. — Мадрасада гирромлик, махкамада фирибгарлик, ҳокимиятда ўғрилик... Қани инсоф, қани диёнат?..» «Инсофу диёнатни бошқаларга қўй! — дер эди отаси. — Сен ўчакишма, бориға шукр қил! Мана, бойдан ҳам домангирсан. Битта нон ишласанг, бир бўлагини берса ҳам хит бўлма!.. Ношукрчилик қилма!» Кечкурун ҳам шу ҳақда сўз борди, йигит отасига аччиқ гаплар демоқчи эди, «ношукрчилик қилмай», деб ўзини босди. Ажабо, шу сўзни эшитди дегунча, тепа сочи тикка бўладиган, кўнгли ағдариладиган бўлиб қолди.

Қаландар «ғиқ», «ғиқ» килар, ёқасини эронийнинг панжасидан қутултиришга уринарди. Атрофдаги қаландарлар шовқин кўтаришди. Жанжалга кекса қаландар аралашди:

— Хай, хай, бетавфиқ! Отанг тенги бир бегунох бандага осилармусен, а? Ёқосини тез қўйиб юбор, гуноҳга ботма!

— Нега менга таъна қиласен? — дерди пурғазаб эроний бўғиб олган жойида пакана қаландарни силкилашни қўймай. — Сен қолувдинг энди менга таъна қилмаган! Бориға шукр этмаймен, ха!

— Хой, мусулмонлар! Тез! Тез!.. Телба-ку бу... — ёлворди кекса қаландар.

— Дод! Дод! Ёрдам беринг! — чувиллашарди қаландарлар.

— Бориға шукр қилмаймен! — дерди ҳамон эроний.

— Хўп... хўп... шукр қилма... Фақат қўйиб юбор! — илтижо қиларди пакана қаландар.

Абу Бакр Калавий беш қадамча орқада бўлаётган жанжални билди-ю тинчиб кетар, деган ўйда аралашгиси келмади. Эронийнинг «Бориға шукр қилмаймен!» деган гапини эшитиб, Нозим Мехметга қаради.

— Кўчангдаги сарбадорлардан бири ана шу эроний бўладир. Биз «Бориға шукр қилмайдиганлар»дан бўламиз, сарбадорлар...

Бу гап сарбадорларга таъсир қилди.

— Бориға шукр қилмайдиган... — деди Уста Кулол пичирлаб.

— Бориға шукр қилмайдиган... — қўшилди Мавлонозода ва кидириб юрган нарсасини ногаҳон топиб олган боладай қувониб кетди. «У мадрасада тиним билмай ўқигани-ўқиган, бу нимадан? Бориға шукр қилмаганидан, янги

дўстлар, янги давралар излайди, Самарқандни фозил шаҳарга айлантириш хаёли уни безовта қилади, булар нимадан? Борига шукр қилмаганидан!..»

Пакана қаландар энди хириллай бошлади. Буни кўрган қаландарлардан бири айюханнос солди:

— Ўлдириб қўяди-ку! Ўлдириб қўяди!

Иккинчи қаландар унга жавобан ҳазиллашибми, жиддий тарадами, билиб бўлмасди, деди:

— Шундоқ зер-забар чоғинда шахид бўлса, тўғри жаннатга тушади-да, жаннатга!

Абу Бакр Калавий билан Нозим Меҳмет бечора қаландарни эронийнинг темирдай панжасидан қутқаришиб, «жаннатга тушиш» дан сақлаб қолдилар.

— Бад... бад... бадбахт — деяётган эди томоғини силаб пакана қаландар, эроний унга қараб:

— Нима-нима?! — деб ўдагайлади. Пакана қаландар алам билан:

— Бадбахт эканманки, сендай бадфеълга йўлиқдим, деяпмен!.. — деди.

Эроний билан пакана қаландар жанжали туфайли, одамлар бир жойга тўпланиб, кўчада тикин пайдо бўлди. Шу пайт кўча охиридан хаммани қувиб келаётган жарчилардан бири:

— Пў-ў-шт! Нима туриш?! — деб бакирди тизгинни тортиб, тикинга яқин қолганда. — Тоғам томоша кўрсатяптими?..

Жарчи қўлидаги машғалани одамларнинг юзига яқин олиб келди, чехраларда ёнган ғазабми ёки шуъламиди — жарчи шунинг фарқига боролмади, кўрмаслик учун, тездан машғалани нари олди.

— Қани кетдик! Чорсу майдонига! Мовароуннахр хукмдори Амир Ҳусайн ибн Мусаллаб ибн Амир Қозоғон бутун Самарқанд ахлини ўз ҳузурига чорлайдир!

— Ҳой жарчи! Жарчибоши! — хутомад қилган бўлди Ҳалвойи, уни суҳбатга тортиш мақсадида. — Жета хона нима бўлди, хамсоя, Жета хони?..

— Жета хони Илёсхўжахонми? Хо-хо-хо! Нима бўларди? Иштонини кўтарганча қочиб қолди! Қочаётиб шаша қилиб кетмакда! Иштонига қиб қўйди, иштонига! — мамнун деди жарчи. Бу ҳақда гапириш унга ёкишлиги кўришиб турарди.

— Қаерда жанг бўлди?

— Шахрисабз ёнида. Қон дарё бўлиб оқди ўзиям! — мақтанди жарчи.

— Туғлуқ Темурхон ўз саройида оламдан ўтибди. Энди Илёсхўжахон Мовароуннахрга эмас, бутун Жета мамлакатига хонлик қилар экан... Ўшанга шошилиб майдонни ташлаб қочди, хе-хе-хе! Аммо-лекин таноби тортилиб қолувди ўзиям...

— Таноби тортилиб қолувди?.. — сўради Хўрдак Бухорий.

— Эса-чи! — деди жарчи. — Неча лашкарбошиси жангда ер тишлади, аскарлари нобуд бўлди. Бир чимдим лашкар билан Амир Хусайндек ҳукмдорга бас келиб бўлурми экан? Унинг Шайх Муҳаммад, Темурбек, Шер Баҳром деган филтан, арслон юракли саркардалари ҳар бири бир иқлимга татийдир, ўх-хў!..

Мавлонозода Темурбекнинг номини эшитиб кўнглига илиқлик югурди. Темурбекнинг отаси Амир Тарағай билан Мавлонозоданинг отаси мунажжим Яхё Ҳасан барлос ўртасида дўстлик иплари боғлангани, бунга уларнинг бир қабиладан — барлос уруғидан эканликлари боис эди, айни пайтда, мунажжимнинг жангу жадаллар, ҳарбий юришлардан мутлақо узоқ одамлиги бу дўстликни мустаҳкам тутувчи омиллардан саналарди.

Навкарларнинг ҳарб майдонидаги юришларидан кўра юлдузларнинг фалак бўстонидаги ҳаракатларини кузатишни жони-дилидан ортик кўрган мунажжим Яхё Ҳасан барлос ўзининг камтаринлиги ва хокисору синиқ сажияси билан Амир Тарағайга ёқарди. Амир унинг илми нужумдаги билимини, одамийлигини кадрларди, айни чоқда, кундалик турмуш, яшаш бобида мутлоқ уқувсизлигига чидай олмасди. Шу жиҳатларга ишора қилганда неча марта мунажжимнинг дили оғриб қолганини сезган. «Барчаси ўткинчи, — дер эди Яхё Ҳасан барлос. — Фақат юлдузларгина бу дунёда абадул абаддир». «Шундоқ-ку, лекин юлдузларни еб бўлмайди-да! Улар билан қорин тўймайди...» — жавоб қиларди Амир Тарағай киноя билан. У Шахрисабз амири Хожи барлосдан мунажжим учун маош тайин қилишни сўради ва бунга эришди. Бир куни мунажжимга деди: «Мана, менинг ўғлим Темурбек, чапдастлиги бор, сенинг ўғлинг Нодирбек олти ёш кичик... Эртанги кун шуларники, булар дўст, оғанини бўлсунлар, деб умид қиламен. Амирга ҳар қачон фозилу

фузало зарурдир, Яхё!» Шундан кейин, Темурбек билан Мавлонозода иккиси оталари олдида, то хаёт эканлар, бир-бирларидан хабар олиб туришга, бир-бирларини кўллаб-куватлашга аҳд-паймон айладилар. «Юлдузларингга боқ-чи, Яхё! — деди кўнгли алланечук ийиб Амир Тарағай. — Темурбек туғилғонда, эсимда, фол очиб, икки саодатли юлдуз тўкнашуви кунда туғилибдур, иншоолло, соҳибкирон бўлғуси, деб башорат қилғондинг... Юлдузлар бугун недан фол очадилар?...» Яхё Ҳасан барлос зудлик билан ертахта келтиришларини сўради. Ертахта устига юлдузлар ҳолатини аён этувчи толе жадвалини чизиб чиқди. Юлдузларнинг йиллик жойлашишини ҳам назардан қочирмади, ҳар бирини ўзларига мос келган буржга қўйди... Вожаб! Саҳм ус-саодат билан саҳм ул-ғайбнинг¹ ҳар иккиси ҳам толе жадвалининг битта даражасига тушган эди! Мунажжим узок термилиб, мулоҳаза қилди-да, деди: «Олам ёритгичи, фалак шоҳи куёш асад буржига бош қўймакда. Яъни оламтобнинг шер рўбарўсида бўлмаги саъд замондан аломатдир, икбол онларига ишоратдир!...» Ўшанда Амир Тарағай ҳам, мунажжимга хайратда бокиб туришган Темурбек билан Мавлонозода ҳам офтобнинг қандоқ қилиб асад буржига бош қўйишини, юлдузларнинг жойлашишини аниқ тасаввур қилиша олишмаса-да, бахтли замонлар келишини эшитишиб бағоят хурсанд бўлдилар. Орадан икки йил ўтиб Амир Тарағай оламдан кўз юмди, ярим йилдан кейин, Яхё Ҳасан барлос ҳам бу дунё ташвишларидан илик тортди... Ўшанда Мавлонозоданинг Садр Сулаймон мадрасасида таҳсил олаётганига икки йилгина бўлган эди, холос.

Ўтган йиллар ичида Темурбек билан Мавлонозода учрашмадилар, чунки биринчиси, ҳарбий майдонларда от сурмоқдан, лашкар йиғмоқдан завқ олди. Мавлонозода эса чапдаст амирдан кўра ўзгача йўл тутди. У падари бузруквори изидан кетди, мадраса тупроғини ялаб, қол ва ҳол илми сирларини ўрганмакда. Афсуслар бўлсин-ким, у илмнинг ўндан бирини ўрганди, эхтимол, юздан бирини... Мавлонозоданинг ёдида бор, ўшанда Темурбек билан иккиси аҳд-паймон қилганларидан сўнг, Яхё Ҳасан

¹ Саҳм ус-саодат билан саҳм ул-ғайб — илми нужумда махсус далиллар, толедаги юлдузлар ўрни, жойлашиши.

барлос Амир Тарағайдан кетишга изн сўради. Йўлга чиққанларида кеч кириб колганди, падари бузруквори Шаҳрисабз осмонига қараб чарақлай бошлаган юлдузларга кўз тикди-да, оҳиста деди: «Ўғлим, шуни билки, бизлар бир қабиладан бўлсак ҳам, бошқа-бошқа одамлармиз. Улар умр деган оқар дарёнинг сўл томонидан макон кидирадурлар, бизлар бу қирғоқда қолаверамиз, дарё эса азим, Қурдум дарёдур... Дарёнинг у ёвида туриб, пайт келганда сенга қўл узатмайдилар, буни ёдинг-да сақла!..» Нега мунажжим шундоқ деди ўшанда, толиби илм хали-хануз тушуна олмайди.

Яқинда Аббос баходир деган бир кишини Мавлонозодадан хабар ол, деб юборган экан, хужрасини топиб келибди. «Амирим, толиби илм бирор кор-холга сарф этиб юрсин, деб мана бу юз динорни бериб юбордилар...» — деди-да, унга ёнчиқ узатди. Мавлонозода ҳаяжонда ёнчиқни олганини билмай қолди. Аббос баходир: «Мен шу ердамен, Самарқандда бўламен, ўзим келиб турамен...» — деди-ю, бошқа гап айтмади. Мавлонозода ҳам суриштириб ўтирмади. Мана энди Темурбекнинг ўзи Самарқандга келаётган эмиш. Балки аҳд-паймон қилган дўсти, инисини йўқлатар?

— Биз бу кеча Самарқандда тўхтаб, сахар Тошкент томонга от сурамиз. Илёсхўжахонни тириклай тутмак керак! Кимки Жета хонини тириклай тутса, унга авраси Чин атласидан олтойи пўстин, дубулғали қалпоқ, узангиси олтиндан от суюнчиси бўлғай!

Жарчи салдан кейин худди пинҳон сирни айтгандай кўшиб қўйди:

— Айтишларича... олтойи пўстин чўнтагида минг динор ҳам бор эмиш... Энди, олганлар билади-да, буни... Ундан бошқа, — давом этди у хаммани ўз оғзига қаратганидан мамнун. — Ҳар қайси аскар қилич чопиб баходирлик кўрсатса, безалган ўтоға, турнабеллик қилич ҳамда бир от билан сийланадир. Уни ўнбошиликка кўтарурлар!

— Хой! — деб қичқирди кимдир. — Баходирлик кўрғазиб ўнбошиликка кўтарилсанг, зиёфатга бизни ҳам чақиришни унутма!

Сарбадорлар Чорсу майдонига кириб келганларида майдоннинг қозондай қайнаётганини кўрдилар. Гарчи унда-бунда машғалалар ёнаётган бўлса ҳам майдонни

ёритолмасди, одамларнинг гала-говурини эшитиш мумкин, ammo ўзларини кўриш маҳол эди. Чорсу майдони бамисоли бахайбат ўрани эсатар, беш-олти минг одам гўё вафлат босиб, ярим кечаси зулмат кўйнида бу чукур ўрага тушиб қолгану энди қандоқ қилиб ундан чикиб кетиш йўлларини излашарди. Мушкул жойи шунда эдики, ваҳима исканжасида биров бировнинг гапига кулок солмас, ит эгасига боқмасди. Гала-говур ичида хотинхалаж, ёш болаларнинг ҳам овозлари кулокка чалинарди. «Тун салтанати нима бўлдийкин?» — деган фикр ўтди Абу Бакр Калавий хаёлидан. У майдоннинг нариги чеккасида Жомеъ масжиди ёнида лип-лип ёниб турган фонустга тикилди, чамалаб Тун салтанати подшоси Шахриёрнинг уч сандиқдан иборат «тахт»и турадиган жойни кидирди. Афсуски, тахт кўринмас, лекин ўша ерда хийлагина сайхонлик муҳофаза қилинган, кечаси эканлигига қарамай, сув сепиб супурилар, афтидан, Амир Хусайн ва унинг аёнларига жой ҳозирланарди. Сайхонликнинг куйиригида эса дор тикилмоқда эди.

Одамлар сафи тивғизлашиб борар, айникса, Арк кўчаси, Кулоллар, Наддофлар, Бозоркўчадан одамлар дарё бўлиб оқиб келарди. Майдоннинг озроқ ичкарасига киришган пайтда, чап томондан аллақандай тўлқин келди-ю, уларни ўнган, Наддофлар кўчаси томон суриб юборди. Одамлар ёпирилишиб сарбадорларни бир-биридан ажратиб ташларди. Абу Бакр Калавий қараса, фақат Мавлонозода иккиси қолибди.

— Мавлонозода! — деди қаттиқ овозда Абу Бакр Калавий. — Камонмерганлар қаёқда?

— Бизлар сурилиб кетдик! — жавоб қилди Мавлонозода. — Таассуфки, барчасини кўздан йўқотдим!

— «Таваккал ту алолло»ни деган эр, на толқону на қалқоннинг ғамин ер! — деган сўзлар эшитилди шу пайт Абу Бакр Калавийдан йигирма одимча нарида. Сарбадорлар жамоаси оқсоқоли ялт этиб ўша томонга қаради. Гира-ширада баланд бўйли кулоҳнамо қалпоқ кийган, шопмўйлов йигит унга ғоятда таниш кўринди. Ажабо, сўзлари ҳам, келбати ҳам таниш... Айникса, Абу Бакр Калавийникига ўхшаб кетадиган шоп мўйлови...

Машғала тутган жарчилар энди Жомеъ масжиди олдигаги сайхонликдан Бозоркўча томонга қараб одамлар орасидан йўл оча бошладилар.

- Пўшт! Пў-ў-шт!
- Қоч, куясан! Ўтни кўрмаяпсанми?
- Э, мунча болангни бигиллатасан? Эмчак берсангчи!

— Бир четга туринглар, ҳозир шу йўлдан ҳукмдор келадилар!..

Жарчилар икки қаторга тизилиб, ҳар ўн-ўн беш қадамда биттадан бўлиниб олдилар. От устида қўлда машъала билан пўртанадай оломонни тўсиб, эни эллик қадам келадиган йўлак очдилар. Йўлак бориб Бозорқўчага уланди. Мовароуннаҳр ҳукмдори аъёнлари билан Бозорқўчадан кириб келиши кутилмоқда эди.

Абу Бакр Калавийдан четроқда кимдир беш ёшлардаги ўғилчасини кўтариб олганди. Бола ҳадеб отасидан сўрарди:

— Йима бўйади, айтинг?.. Йимага келлик бу йейга?..

— Томоша бўлади! — деди ота ниҳоят, бола тинчисин деган маънода.

— Қайқа томоша а? — баттар қизиқиб сўради бола.

— Томошами? — деди ота. — Катта томоша! Отнинг калласидай!

Абу Бакр Калавий ҳалиги шопмўйловни эслади: у Тун салтанатининг фуқароларидан валлакат Ахий Жаббор эди.

Ахий Жаббор билан Калтатой иккиси Илёсхўжа асирлари ичида Жиззахгача бордилару қочишга имкон топа олмадилар. Ниҳоят бир кун кечаси улар ўн чоғлик асирлар қоровулликда турган соқчиларни ўлдиришиб, пасқам йўллар билан Самарқандга қайтиб келдилар.

*«Таваккал ту алолло»ни деган эр,
На толқону на қалқоннинг гамин ер!
На бор бошда паноҳ ва на бир соя,
Адолатдир мен танлаган ҳидоя! —*

деган кироатни эшитди сарбадорлар жамоаси оқсоқоли шу пайт. Энди унинг кўнглида шубҳага ўрин қолмади:

— Ахий Жаббор!

Валлакат Ахий Жаббор ўз номини бегонадан эшитиб, фуқаролардан бири деб гумон қилди, чунки фақат Тун салтанатидагина уни номини айтиб чақирардилар, бошқа жойларда у ғариблардан бири эди, холос.

— Эй, Тун салтанати фуқароси, кимсен? — деди Ахий Жаббор шерик топилганига қувониб. — Соҳиб Чангал бўлсанг, кел! Бобо Султон бўлсанг, кел! Абомуслим бўлсанг, кел! Насафиймусен? Холикбердимусен? Аббос баходир ё Хасан чинокмусен? Шотабибму Сукротмусен? Қамариддину жаллодмусен? Салтанат шаҳаншоҳи Шаҳриёрмусен, дўстмисен, ағёрмусен, кимсен? Бу олашовурда барчангиздан айрилиб ғамгинмен, хайриятки бирингиз топилдингиз!

Ахий Жаббор шундай деди-да, одамлар орасидан Абу Бакр Калавий томонга қараб интилди. Валламатнинг кофияли гапириши, ҳар хил номларни бирма-бир териб ташлаши атрофдагиларда ғалати фикр уйғотди.

— Турфа инсон бор-да! Ёқангни ушлайсан киши! — деди секингина баланд бўйли, бошига чиройли салла ўраган одам қўлида тасбех тутган ёнидаги шеригига, афтидан мадраса мударрисларидан бўлса керак. — Астафурилло! Шаҳримизда ақлдан озганлар ҳам илло йўқ эмас...

— Жинними, нима бало! — деди шериги, одамларни бесаранжом қилиб суриб келаётган Ахий Жабборга қараб: — Китобларда ўқиган эдим, одамзоднинг тўрттадан биттаси жинни бўлиб туғилармиш...

Кимдир бу гапга кулди. Абу Бакр Калавий ҳам Ахий Жаббор томонга сурила бошлади. Уни кўрган мадраса мударриси, булар жанжаллашишмоқчи деган ҳаёлда:

— Туппа-тузук одам жинни билан тенг бўлмоқчи! — деди афсуслангандай.

— Пес песни қоронғида топади, дейдилар-ку, — деди қўлида тасбех тутган одам. — бу ҳам бир жиннидир-да...

Абу Бакр Калавий ҳаяжон ичида бу гапларни эшитмади ҳам! У бағрини очиб Ахий Жаббор келишини кута бошлади. Валламат қараса, Тун салтанати фуқароси эмас, бошқа бир бегона одам унга кучоқ очиб турибди. У тўхтаб қолди.

— Ахий Жаббор! — деди Абу Бакр Калавий, инисини кўргандай қувониб.

— Сиз... Ким бўласиз? Танимадим... — деди ўзини тортиб валламат.

— Ана, айтмадимми! — мадраса мударриси шеригини туртди. — Бир-бирини бирпасда танимай ҳам қолишди... Жиннилар!

— Мени танимадингми, а, феъли тузук? Йўғ-е! Мен Наддофлар маҳалласи оқсоқолимен-ку! Тун салтанати дўсти биродари! Шопмўйлов...

— Ие! Ие! Ана! — деди Ахий Жаббор бирдан Абу Бакр Калавийни таниб қолиб. Улар кучоклашиб кўриша кетдилар.

— Бу йигит Мавлонозода, Садр Сулаймон мадрасасининг толиби илми. — Абу Бакр Калавий уларни бирига таништирди. — Бу — Ахий Жаббор, Тун салтанатининг ишонган тоғларидан. Шопмўйлов буям...

— Шопмўйловлар! — деди Ахий Жаббор ҳар иккисига ишора қилиб.

Кулгу кўтарилди.

— Зўр йигит экансиз, кўнгли очик, самимий... — деди Мавлонозода Ахий Жабборнинг жуссадор келбати-га боқиб. — Дўст бўлайлик, биродар бўлайлик. Салтанатингиз ҳақида эшитганмен...

— Ташаккур... Куллук... — деди Ахий Жаббор.

Абу Бакр Калавий ундан колган фукаролар ҳақида бирма-бир сўрамоқчи эди-ю, лекин бунинг фурсати ҳам, жойи ҳам эмаслигини билиб ўзини тийди. Кейин Ахий Жабборга бундай деди:

— Валлажат! Шаҳриёрни олиб, бизнинг маҳаллага ўтингиз! маъқулми? Кўпдан сизларни кўрмакчи эдим.... Англадингму?

Ахий Жаббор хурсанд, тушундим, ишорасини қилди.

* * *

Жомеъ масжиди олдидаги сайхонликни жарчилар бошлиғи Давлатшоҳ бахши идора қиларди. Бир пайт Элтутмиш бошлиқ навкарлар Самарканд ҳокими Шохмалик қавчинни, унинг тўрт хотини, кизини ҳайдашиб олиб келиб қолди. Кўлига кишан солинган Шохмалик қавчин ёлғиз шолворда, навкарлар кийинишга фурсат бермаган бўлса керак...

— Бегим! — ҳисобот берди Элтутмиш машъала ёрувида кўзлари йилтираб, орқадагилар унинг елкасига тушиб турган кокилини кўришлари мумкин эди. — Фармонингиз адо этилди! Ҳоким хотинларию бола-бақраси билан хузурингизда!.. — Кейин Давлатшоҳ бахшига яқин келди-да, кулоғига шивирлади:

— Қизи, дурру носуфта... бай-бай!.. Нақ хонлар ўтоғини обод эта оладир... Кенжа хотини, хи-хи-хи... кўрки малоҳатда қизи билан бас бойлашадир... Хи-хи-хи!..

— Нима у ёнаётган? — деди кутилмаганда Давлатшоҳ бахши Арк кўчаси томондан кўринаётган шуълаларга қараб. У Элтутмиш гапларига ўзини бепарво кўрсатмакчи эди.

— Шоҳмалик қавчиннинг чорбоғи... бегим... — деди Элтутмиш шаштидан тушиб.

— Э, «бегим»ламай ўл! Нега уйни ёқасен? Чорбоғда не гуноҳ? Уйда не гуноҳ? Уй сен билан бизга ҳам керакку, калласи йўқ, галварс, ножинс! Тез бориб ўчиртир! Қандай ёққан бўлсанг, шундоқ ўчиртир!..

Буйруқни аъло суратда бажарганим учун олқиш оламен, деб ўйлаган Элтутмиш ҳафсаласи пир бўлиб, алам билан мағрур турган Шоҳмалик қавчин томонга қаради.

— Тез жўна! Имиллама! Ўтни ўчириб қайт! — деди таҳдидли Давлатшоҳ бахши. — Бундан кейин айтғонимни қиладигон бўласен!

Элтутмиш навкарларини ўтни ўчиришга жўнатар экан, «Пўшт! Пўшт! Йўлни очинг!» деган сўзларни эшитди. Бу навкарлар бошлиғи Зайниддиннинг овози эди. Олдинда машъала тутган беш навкар ярим доира шаклида тантанали юриб келар, йигирма қадамча орқада яна бешта навкар иккинчи ярим доира ҳосил қилганди, ўнг ва чап томонда ҳам худди шундоқ навкарлар бўлиб, машъалалардан иборат ўтли доира кўзга ташланарди. Доира ичида уч отлиқ келарди, биринчи от устида Самарқанднинг садри жаҳони Садр Сулаймон савлат тўкиб ўлтирар, шу ўлтиришда, ярим тунда нега оромимни буздингиз, дегандай ранж ила кибру хаво аломатлари сезилади. У яқтакнамо оқ, аммо томоғигача бўғиқ кўйлак устидан тилло тугмали чорқаб кийиб олган, тарвузга салла ўратиб қўйгандек бошидаги дастори салобатига салобат қўшар, чап қўлидаги узукнинг катта ёқут кўзи машъалалар шуъласи тушганда ялт-юлт этиб кетарди. Садр Сулаймон минган, устига тўқ-қизил баҳмал ташланган олойи отнинг икки қулорига тақилган қўнғироқчалар «жаранг-журинг!», «жаранг-журинг!» деб садо берар, кишида аллақандай биқик, чучмал туйғулар уйғотарди.

Садр Сулаймон бадавлат кишилардан, йигирма беш минг қўйли қўраю қўтонга эга. Минг бияси бўлиб ҳар биянинг орқасида қулуни бор, ҳар йили доғоҳга¹ тойчоқларни тамғалатишга чиқар, ўтган йилги тойларнинг ёғунон бўлганлигини кўриб кўзи яйрарди. Самарқанд атрофидаги Кундузак, Хожа Фунжора, Кумушкент, Совғончи, Ведар, Хартанг, Хожаи Калон кишлоқларида жуда кўп қуллари меҳнат қиларди. Тошкентнинг Самарқанд дарбоза мавзеидаги ва Термиздаги қарвонсаройларни сотиб олганди, энди ҳар кунги тушум, усиз ҳам битиб кетган Садр Сулаймон хазинасини бойитар эди. У Нишопурда ҳам бир қарвонсарой очмоқчи эди-ю, аммо Амир Қозоғон ўлиmidан кейин Мовароуннаҳрда ҳукумат фатарот топгач, алаҳда бўлган қўнглига ҳеч нарса сифмади...

Иккинчи отни Садр Сулаймоннинг ёлғиз ўғли Худобанда миниб олган. Учинчи отда бойнинг босқоқчилари бошлиғи, ардокли кадхудолардан Жаммазобон ўлтирарди. Улар «садри жаҳон»ни кузатиб келишарди.

— Хуш келдилар, султоним, хуш келдилар! — Давлатшоҳ бахши югуриб бориб Садр Сулаймоннинг тилло тугмали чорқаби пешини ўпиб кўзларига суртди. У самарқандлик бойни кутаётган бемисл обрў ва мартабалардан бохабар эди, хусусан, Амир Хусайн билан Темурбек Илёсхўжаҳон одами Шоҳмалик қавчинни Самарқанд ҳокимлигидан олиб ташлаб, кимни тайин этамиз, деб узоқ баҳслашишган, Амир Хусайннинг таклифи билан Садр Сулаймонга тўхталишган эди.

Давлатшоҳ бахши куйманганча узангидан ушлаб Садр Сулаймони отдан туширишга кўмаклашди.

— Мовароуннаҳр султони, шукухи сарбаланд бўлғай Амир Хусайн ибн Мусаллаб ибн Амир Қозоғоннинг муборак нафаслари хали етмадиму? — ингичка ўткир овозда сўради Садр Сулаймон Давлатшоҳ бахшидан. Барваста Давлатшоҳ бахши эгилиб-букилишдан кичрайиб жавоб килди:

— Хабар етдиким, Мовароуннаҳр ҳукмдори Кеш дарбозасидан кирмишлар, фирдавсмонанд Самарқанд тупроғига кадам қўймишлар!

¹ Доғоҳ — тойчоқларни тамғалатадиган жой, яйлов.

Садр Сулаймонни шериклари билан сайхонликнинг тўрисида қилинган катта сўри ёкка бошладилар. Сўрига кўрпачалар ташланган, ўртада Амир Хусайн учун катта тахт қўйилганди. Шайхулислом Абулворис Самарқандий, Самарқанд қозиси Қавомиддин, Жомеъ масжидининг имоми Қутбиддин, мударрис Хожа Лутфуллоҳлар ҳам шу ерда хозир у нозир эдилар. Улар Садр Сулаймонни «Келсинлар! Келсинлар!» деб хурматини жойига қўйиб кутиб олдилар. Сур-сурда Наддофлар кўчасининг оғзига келиб қолган Абу Бакр Калавий ва Мавлонозодалар Самарқанд «садри жаҳон»ининг нечоғлик асъасаю дабдаба билан сўрига келиб ўлтирганини кўриб туришарди.

Сайхонликдаги аҳволни кузатаётган Мавлонозода бирдан хайратда қотиб қолди. Ногаҳон машъала ўттиз қадамлар нарида унга тикилиб турган бир одам юзини ёритди. Чехра бир лаҳза ёришганда Мавлонозода унинг ўнг чаккасида бўртиб чиққан ёнғокдек нарсасини кўрди. Бадани негадир жувиллаб кетган толиби илм дарров таниди: халиги одам Худобандани ҳам, Мавлонозодани ҳам кўрган жойида тинч қўймаётган, изидан қолмаётган гадо Абомуслим эди! Мавлонозода қоронғи бўлса ҳам Абомуслимнинг ундан кўз узмай турганлигини сезарди. «У хозир Худобанданинг ҳам олдига боради... — деб ўйлади толиби илм. — Тағин дўсти кўриб қуйиб-ёнади... Бу одам билан сўзлашмак лозим, у нима истайди? Не демакчи? Ким ўзи у?..»

Чорсу майдонида одам кўп эди, ҳамма Мовароуннахрнинг янги ҳукмдори келишини интиқлик билан кутарди.

— Келсанг кела қолмайсанми-я! Ҳукмдор бўлмай ергина ютгур! — деб пўнғиллади йўғон овозли бир кампир. Чамаси одамлар орасида туртинавериш, тик оёқда хориб-толганди. — О-о-ов! Келдинг нимаю менга, келмадинг нима!..

— Хай, ундай дема, кампир! — деди чоли, одамларнинг ичида эканлиги эсида йўқ. — Деворнинг ҳам қулоғи бор, дейишади. Биров эшитиб қолмасин тағин?

Игна ташланса ерга тушмайдиган, одамлардан тифиз ерда бирдан ҳеч ўйламаган кишиларингни кўриб қолишинг табиий. Шу асно фаройиб бир учрашув юз бердики, бу Абу Бакр Калавийнинг ҳам, Мавлонозоданинг

хам етти ухлаб тушига кирмаган, кутилмаган воқеа бўлди.

— Шамсулмулк! Ҳо, Шамсулмулк! — эшитилди қандайдир аёл овози. Овоз ўн кадам наридан келарди. Абу Бакр Калавий ғала-ғовур ичида ўғлининг номини эшитиб, дабдурустдан вазиятни фаҳмлай олмади, бемаҳалда ким бўлиши мумкин? Юраги бўшашган Абу Бакр Калавий овоз келган томонга қаради, аммо қоронғида ҳеч нарсани кўриб бўлмади. Маъғалалар бўлса йироқда... Бозоркўча томондан довулу ноғоралар овози тобора яқинлашар, сурон кучайиб борарди.

Яна халиги овоз янгради:

— Шамсулмулк! Ҳо, Шамсулмулк! Бизмиз... биз...

Абу Бакр Калавий энди таниди — уни ёстикдоши Қорасоч бика чақирар эди! У шеригини йўқотиб қўймаслик учун Мавлонозодага деди:

— Бу ёққа!..

Улар одамлар орасидан қийинчилик билан Қорасоч бика томон сурила бошладилар. Наддофлар маҳалласи оқсоқоли Қорасоч бика билан қизи Жаҳон бикани кўриб:

— Ҳа, Шамсулмулк? Нима қилиб юрибсизлар? — деди, кейин қўшиб қўйди: — Жаҳон бика қизим, тинчингиз бузилибди-да!

— Ҳа! — жавоб қилди Қорасоч бика. Она-бола бошларига такана ўрашиб, қора тўн кийиб олишганди. — Дарвозани тақиллатавериб қўймадилар... Ҳамма бориши шарт, Мовароуннаҳр ҳукмдори фармони, ким бормаса ўзи ўлимда, моли талонда, дейишди... Хотин-халаж ҳаммамиз бирга келдик... Ана улар ҳаммаси шу ерда...

Абу Бакр Калавий атрофга қараб ўзининг маҳалладошларини кўрди, улар орасида Аноркул сатанг, Раҳимкул ва бошқалар бор эди.

— Ё фалак! — энсаси қотиб деди у. — Эркаклар-ку эркак, ҳа, аёлларга нима бор бундай издаҳомда, бемаҳалда... Асли тунда бундай қилмакнинг ўзи ақллилик белгиси эмас... Амир Ҳусайннинг ўйламай қилган иши бу...

Мавлонозода Абу Бакр Калавийнинг ёстикдоши билан самимий сўзлашувига эътибор қилди. Улар бири-бирига одоб билан мурожаат қилишар, ҳурмат юзасидан бир-бирини ўғилларининг исмини айтиб чақирарди,

халқнинг қадим эзгу одатини маҳкам сақлашлари толиби илмга жуда ёқди.

— Ҳаяллаб кетдингиз-а, отажон? — деди Жаҳон бика қўнғироқдай овози билан. — Ҳеч қўнғлимиз ёришмади. Аямлар иккимиз ташвиш чекдик.

Кутилмаганда қизнинг тиниқ овозини эшитиб Мавлонозоданинг юраги ўйнаб кетди! «Ие! Қизиқ экансиз-ку? Ҳолвачилар кўчаси бу ерда нима қилади? Бу... Наддофлар кўчаси. Адашиб қолибсиз... Отимни сўрасангиз... отим от...» Бундан бир йил олдин Наддофлар кўчасида учратган ўша бошига такана ташлаган узун оқ бўз кўйлак кийган сирли қизнинг юқоридаги гаплари такрор-такрор эсланаверганидан йигитга ёд бўлиб кетганди. Овози ҳозиргидек қулоқларида жаранглаб турибди. Мавлонозода гарчи қизнинг дарагини кўп қидирган бўлса ҳам бирон натижа чиқара олмади. Аммо ўша номаълум қиздан сира умидини узгиси келмас, назарида албатта топадигандай бўлаверарди. Мана, худди ўша овоз жаранглади! Шундоқ ёнгинасида! Мавлонозода вужудидан ғайрат ёғилиб турган қизнинг чехрасини, ўнг юзидаги чиройли холи, шахло кўзларини қоронғи бўлишига қарамай қалб кўзи билан равшан кўриб турибди! Тақдирнинг андоқ турфа мурувватлари борки, чамалашда ҳар қандай ақл андозаси торлик қилур! Ана шундай идрокларни лол айлаган, қўнғилларни хайратга солган, умрларга нур уфурган соҳибқудрат тақдирга ташаккурлар бўлсин! Садр Сулаймон мадрасасининг толиби илми тақдирнинг амалдаги конунлардан ташқари, ўзининг синалган қоида-йўриқлари бор эканлигига яна бир бор ишонди. Йўқ эса, шунча вақтдан бери йўқотган қўнғил гавҳарини топмоғи учун Жета хони Илёсхўжаҳоннинг Мовароуннаҳр тахтига даъвогар Амир Ҳусайн тарафидан енгилиши, хоннинг қочиши, тахт даъвогарининг кувиши, шу муносабат билан Самарқанд аҳлини ярим кечада Чорсу майдонига тўпланиши лозим бўлармиди? Ахир Мавлонозода қидирган гулини мана шу издахомда учратиб қолди-да!

Абу Бакр Калавийнинг гаплари толиби илм хаёлини бўлди:

— Ҳа, тўғри айтдинг, Жаҳон бика қизим! Бугун такяхонада гаштагимиз узок чўзилди... — деди Абу Бакр Калавий Қорасоч бика билан Жаҳоннинг тун бўйи уни кутиб ташвиш чекиб ўлтирганларини тасаввур қилар

экан, дили увишди. Сўнг ўзини оклагандек қўшиб қўйди: — Лакшман билан Читрабонулар ҳам, Хўрдак Бухорий, Уста Кулол, Ҳалвойи ҳаммамиз бирга эдик... Сур-сурда ажрашиб кетиб қолдик... Мана Мавлонозода иккимиз қолдик, холос. Бу йигит мадраса муллаваччасидир... Жаҳон бика, ўксинма, мен шу ердамен, қизим!

Исми ҳам... жисмига мос: Жаҳон бика! Жаҳон бика... Ҳа, бир жаҳон қиз!.. Мавлонозода аллақандай ширин туйғудан ўзида йўқ, мийиғида кулар экан, Абу Бакр Калавий ёнида турган, кўпдан кўрмакка маҳтал бўлган киздан кўзини узолмасди. Мавлонозода, гўё индамай турса сири очилиб қоладигандай, хаяжонини яшириш учун орага гап қўшмоқчи бўлди. Бу пайт Амир Хусайн ўз аъёнлари билан Чорсу майдонига яқин қолган, нафора садолари майдондаги олачипор ғала-ғовурни босиб кетмакда эди.

— Мавароуннаҳр ҳукмдори ҳам майдонга кирмакда... — деди Мавлонозода атай бўйинини чўзиб Бозоркўча томонга қараркан. Эллик қадамлар наридаги жарчи тутиб турган катта машъала бир лаҳза йигит юзини тиник ёритди. — Суронни кўринг...

Мавлонозода, гарчи гапи унча ёпишиб тушмаган эсада, ўз кўзлаган мақсадига эришди. Жаҳон бика йигитни танигандай бўлди, айниқса йигит Бозоркўча томонга қараганда, қора чизик тортиб қўйилгандек хушбичим мўйлаби кўриниб кетди, лабларида эса нимтабассум ҳам бордай эди. Ҳайхот!..

Ўша Наддофлар кўчасидаги учрашувдан сўнг Жаҳон биканинг ҳам осуда хаёллари бузилди. Унинг хаёти типтиник феруза осмонни ўзида акс эттирган мусаффо қўлдай тинч эди. Энди нечундир тез-тез кошлари тутаб ёнгандай қоп-қора, нимтабассуми ўзига ярашиб турган йигитни ўйлайдиган бўлиб қолди. Уни бошқа учратмади. Ҳар доим йигитни кўрмоқ умиди «у самарқандлик эмас, Шаҳрисабздан-ку» деган фикрга келиб урилар, чилпарчин бўларди. Қизнинг фаровон хаёллари бориб Шаҳрисабзга уланадиган одат чиқарди. Шаҳрисабз томонларнинг кўкала-майдон хушманзара жойлар эканлиги, у ерда халиги мусофир йигитнинг яшашини ўйлар, ўша ёқларга боргиси келиб кетарди. Бу ҳақда кўп хаёл сураверганидан, учрашганлари ҳам бора-бора рўёга айланди, лекин шуниси қизикки, Жаҳон биканинг барча кўрган тушлари

шу ёшдаги қизларники сингари хотира оинасидан ўчиб кетар, ёлғиз ўша Наддофлар кўчасида юз берган рўё собит турарди. Энди билса, у рўё эмас экан! Узоқ дамлар унга хаёли тинчлик бермаган йигит шундоқ падари бузрукворининг ёнида турибди. Исми Мавлонозода экан... Мавлонозода!..

Қиз билан йигит атрофидаги шовқин-суронни ҳам, кўзларига халал бераётган тун-кечанинг зимистон пардасини ҳам сезишмас, уларга ҳозир олам чароғон эди. Тақдир беғараз ҳиммат кўргизиб муҳаббатга ташна икки кўнгилни кутилмаган учрашув билан ажабтовур сийлаганди.

Майдонга кираверишдаги жарчи қўлида машғаласини ўйнатиб йигирма қадам нарида турган шеригига қичқирди:

— Мовароуннаҳр султони ҳазрати воло, мартабаи маолий Амир Ҳусайн ибн Мусаллаб ибн Амир Қозогон ташриф буюрадила-а-а-ар!..

Бир лаҳзада бу хабар жарчидан жарчига ўтиб сайхонлик тўрисига етиб борди ва бутун майдонга тарқалди.

Ҳамма тараддудга тушди. Сўрида ўлтирган Садр Сулаймон, шайхулислом, козиқалон, имому мударрислар ҳам пастга тушишиб, олиймақом меҳмон истиқболига ошиқдилар.

Абу Бакр Калавий баланд бўйли эканлигидан эллик қадамлар наридаги йўлакни, унда майдонга кириб келаётган Амир Ҳусайн ва унинг аъёнларини кўриб турарди. Йўлакнинг икки четидаги жарчилар тутган машғалалар теваракни яхшигина ёритарди. Бир неча навкарлар нақора ва сурнай чалиб майдонга сурон солиб мамлакатнинг янги султони келаётганидан хабар берди. Аввал ўн бештача кўрчию қоровуллар пайдо бўлди. Ўн қадамча орқада отига қора барқутдан ёпинчиқ ташланган, бошида дубулғали қалпоқ, камон осган, қилич таққан бир йигит кўринди. Эгнига ҳелвагай сақарлот чакмон ташлаган бу йигит — Мовароуннаҳр султони Амир Ҳусайн эди. Лашкарбошилар — Темурбек, Шер Баҳром, Шайх Муҳаммад, тўқсабо, шиғовул ва бошқа олий мансабдорлар ҳукмдор билан ораликни бир хил сақлаганларича изма-из отларда келишарди.

Амир Хусайн сайхонлик тўрисиға етай деганда суронли садолар мамлакат тарихида хосиятли дакикалар келганлигини билдириб яна ҳам авжга мина бошлади, сурнай паст оханглардан куйиб-пишиб юкори пардаларга чиқар, ундан навбатни карнай олар, салобатли саси билан кенг майдонни тўлдириб юборар, фақат нақорагина ҳаммасиға бирдай попиллаб қўяр эди, холос.

Амир Хусайн сўриға йигирма қадамча қолганда тўхтади. Тўксабо, шиғовул ва рикоббоши унинг қўлтиғидан олишиб, отдан тушишга қўмаклашдилар. Садр Сулаймон йирик одамларға мос келмаган фавқулдда бир чакқонлик билан йўргалаб бориб уларға қўшилди. Мовароуннаҳр ҳукмдори отдан тўғри сўриға тушди-да, қўрчилар ортидан тахтға томон йўналди. Темурбек, Шер Баҳром, Шайх Муҳаммадлар ҳам келиб сўрида, тахтнинг ўнг томонидаги юшоқ тўшакларға тиз чўкдилар. Амир Хусайннинг завжаси Сароймулкхоним, Темурбекнинг ёстикдоши Улжой Туркон оқа бошқа лашкарбошиларнинг ҳам аҳли аёлу канизлари орқароқда уғруқда¹ эдилар, етиб келишгач, сўрида, тахтнинг чап томонига ташланган тўшакларға жойлашишди. Аёлларнинг юзларида парда йўк, очик эди.

Нихоят суронли унлар тугади, карнай барини яқунлаган бўлди: гўё кутиш азоблари битди, дегандай осмонга қараб сўнгги бор наъра тортдию тинди. Майдондаги гала-ғовур ҳам аста-секин пасая бошлади. Ҳамма мамлакат ҳукмдори не дер экан, деб интиқ эди.

— Самарқанд аҳли, тингланг! — деди бўғик йўғон овоз билан Амир Хусайн ниҳоят тахтда ўлтирган жойида. Йўлакда турган жарчилар, майдоннинг турли жойларидаги машғалали навкарларнинг ҳар бири амир сўзларини одамларға етказиш учун такрорлар, гўё ҳукмдор сўзи акс-садо бераётгандай бўларди:

— Самарқанд аҳли, тингланг!.. — эшитилди майдоннинг чап томонидан.

— Самарқанд аҳли, тингланг!.. — келарди ўнг томондан.

— Самарқанд аҳли, тингланг!.. — сўзлари янгради майдон ичкарасида.

¹ Уғруқ — ўрта асрларда хону амирларнинг хотин, бола-чақалари, канизларини бирлаштирган, озиқ-овқат, қурол-аслаҳа ортилган карвон номи.

— Жета хони иблис Илѣсхўжанинг кадами Мовароуннахрдан кириб ташланди. Унинг ҳар бир фармони ҳам, сўзи ҳам унут этилажак! Лозим эса қилич билан ўчирилажак ул сўзу фармонлар! Бунинг тараддудин кўрурмиз!..

Амир Ҳусайн сўзлари майдонда акс-садо беришда давом этарди.

— Бобомиз Мовароуннахр султони Амир Қозоғон Садр Сулаймонга Самарқанд ва унинг атроф қишлоқларини салтанатга садокату ихлоси учун иқтаъ қилмиш эрди. Аммо Жета хони Илѣсхўжа шундоқ улуг фармонни ерга уриб, бобомиз руҳига ранж еткурди. Бас, ҳақ кўкларда қарор топди, Самарқанднинг фозилу фузалоларидан, эл таниган зотларидан Садр Сулаймон бугундан бошлаб катта мартабага минадур... Яна Самарқанд шаҳрининг ҳокими даражасига чиқади! Умид улким, Самарқанд салтанатимизнинг энг мустаҳкам ўрдугоҳларидан бирига айлангусидур ва бунда Самарқанд ҳокими Садр Сулаймоннинг хизматлари олийдан қуйи бўлмас... — Амир Ҳусайн ўнг томонга ўгирилди. — Темурбек! Садр Сулаймоннинг Самарқанд ҳокимлигига тайин этилганлиги хусусида бизнинг иноятномани зудлик билан Самарқанд аҳлига ошкор айлангиз!

Темурбек ўрнидан турди-да, найча қилиб ўралган иноятномани ёйиб, босиқ овоз билан ўқиди:

«Мовароуннахр султони, Амир Ҳусайн ибн Мусаллаб ибн Амир Қозоғон сўзимиз! Самарқанд улуғларидан Садр Сулаймон шаҳри олий Самарқанд ҳокимлигига лойиқ кўриладур. Ушбу иноятномага биноан, бутун шаҳар аҳли — ақобиру авёнлар, олиму уламо, раийят, ғарибу гурабо, мужовиру мусофир — Садр Сулаймон сўзини ўзига йўриқ деб биладурлар! Самарқанд музофоти ушбу зотга иқтаъ қилиб бериладур.

Самарқанд. Тарих 765 хижрий, шаввал ойи 20 куни,
пайшанбаи нажотбахш».

Иноятнома ўқилгач, сурнай, нақора, карнай янграб Мовароуннахр султони фармонига етарлича ҳаво бердилар. Сўрида ўлтирганлар, қуйирокда турганлар ҳаммаси бирин-кетин янги ҳокимни қутладилар.

— Муборак бўлсин! Бўлсин, илло... — деди Кавомиддин кози.

— Эзгуликка буюрсин! — кўшилди шайхулисом Абулворис Самарқандий ва кечагина Шохмалик кавчинни худди шундай мансаб билан қутлашганлари эсига тушди. Намунча беқарор бўлмаса бу олам!

— Омад берсин! Омад берсин! — бидирлади имом Қутбиддин.

Садр Сулаймон калта қирқилган соқолини мамнун силар экан, ўрнидан турди-да, тахт томон эгилиб таъзим қилди:

— Бошимиз эгик... Бир жонимиз салтанат омади учун фидо бўлгай, иншоолло! Мовароуннаҳр султони, султонлар саромади Амир Ҳусайн ибн Мусаллаб ибн Амир Қозоғон иқболимиз чироғи порлаб турмағи учун узоқ умр кўрсинлар! — Ҳокимнинг ингичка ўткир овози майдоннинг ҳамма жойларига эшитилди. Ўрта бўй, йирик гавдали одамнинг ингичка овозда гапириши қулгили эди. Садр Сулаймон ишораси билан Жаммазабон катта тугун олиб келди. Тезда тугунни ечдилар. Самарқанднинг янги ҳокими тугундан ичига ипак солиб қавилган юмшоқ оқ зарбофт тўн олди-да, тахтда ўлтирган Амир Ҳусайннинг кифтига ёпди, чиройли камчот бўркни¹ бошига кийдирди:

— Йўлингиз оқ, бошингиз омон бўлгай султоним!

— Қуллук! Қуллук! — дея миннатдорчилик билдирди Амир Ҳусайн.

— Берган худога ёқибди!.. — деб қўйди буни кўриб Абу Бакр Калавий ёнидаги йўғон овозли кампир.

— Султоним! — деди Садр Сулаймон атай бу сўзга урғу бериб. Амир Ҳусайн кўпдан орзу қилган мартабасига эришган, янги султон бўлган палласи, бу сўз унга, шубҳасиз, хуш ёкарди, буни фахмлаш қийин эмасди. — Султоним! Салтанатимиз учун беш юзта қул, мингта уча-ман деган от жамлаб қўйибмен! Аллахусус, қўшинингизнинг барча отларига озиқ-ем тайёр...

Садр Сулаймон чекиниб тугундан сарполар олиб Темурбекка, Шер Баҳром билан Шайх Муҳаммадларга ҳам улашди. Темурбекка мовут чакмон кийдирар экан, аста қулоғига: «Сизники... ўзга... алоҳида... Қарзимиз бисёр-

¹ Камчот бўрк — қундуз телпак.

дир...» деб шивирлади. Темурбек индамади. Унга Садр Сулаймоннинг Амир Ҳусайни хадеб «Султоним! Султоним!» деявериши хуш келмади. Темурбек жуда ўжар ва қаттиққўл Амир Ҳусайни Мовароуннахр султонлигига муносиб эмас, деб ҳисобларди. Лекин на чора, фақат Чингизхон авлодидан бўлган ёки ўша шажарага бориб боғланидиган кишиларгина тахтга эгалик қилиши мумкин, замонларнинг таомили шундоқдир. Амир Ҳусайннинг бобоси Амир Қозоғон юрт бошида турган, Темурбек бўлса ким бўпти — барлос уруғидан чиққан шуҳратсиз бир амирнинг зурёди холос, на унинг бобоси юрт бошқарган, на бирон хеш-ақрабоси! Ким унга тахт беради, тахтга минганда ҳам ким кулок осади?..

— Райятга айтар иккинчи сўзимиз шулки, — деди Амир Ҳусайн, — Шахрисабз амирларидан Темурбекни салтанатимизнинг ўнг қўли деб ҳисоблайдурмиз! Қўшимиз сардори, амирлашкар, биз хатто биродарлик ришталарини маҳкамроқ боғлаш муроди била синглимиз Улжой Туркон оқани Амир Темурга завжаликка раво кўрдик... Бас, менинг олтин зийнатлик камаримни, чопонимни, ёрлиғимни унга топширинг!

Темурбек тухфаларни олар экан, Амир Ҳусайннинг гапидан хурсанд ҳам бўлмади, бўлганини билдирмади ҳам. Бир пайтлар Жета хони Туғлуқ Темурхоннинг: «Сен менинг Мовароуннахрдаги қулим демаймен, қўлимсен!» дегани ёдига тушди. Ёдига тушди-ю, лабига истехзоли кулгу ёйилди. Қул эмиш! Хонлар севган, ардоқлаган фалсафа! «Амир Ҳусайн эл кўзида шундоқ деса-да, доим пинҳона мартабамни пасайтиришга интиладир. Мана хозир ҳам, қандайдир Самарқанд ҳокимини аввал эълон қилиб, салтанатнинг ўнг қўлини — амирлашкарни! — кейинга қолдирди...»

— Райят! — деди Темурбек жиддий. — Биз ўлим ўртоғимиз Мовароуннахр ҳукмдори Амир Ҳусайн ибн Мусаллаб ибн Амир Қозоғондан, қайин оғамиздан бағоят хурсанддурмиз... Подшоларнинг ҳукм ҳурматларидан ўзга баҳралари йўқ. Бас, кучимиз, саботимиз етгунча ушбу салтанат устиворлиги йўлида белимиз боғлонғондур. Билингим, Илёсхўжахон, Жета хони бошимизга ит кунини солғони, юртимизни хору хароб қилғони черик тўплаб, қаршилиқ яйловини ёйди. Искандар ўғлон, амир Хамид, амир Юсуфхўжа янглиғ баддинлар унга

қўл бердилар... — Темурбекнинг кучли овози узоқ-узоқларга етиб борарди. — Жета хони лашкари синди. Ўзи қочди, манглайи тор, кимга тиг кўтаришнинг фарқига бормаган ушбу уч бадбахт, мана неча кунким хибсдадир... Душманни хибсда узоқ сақлаш пасткашлиқдир. Душманга нисбатан икки йўл тутмоқ жоиз, чунки у доим икки холдан бирига мос бўлур. Душман айбсиз бўлади — айбсиз бўлса, уни хибсда сақлаш золимликдир. Бордию айбдор бўлса, тирик қолдирмоқ адолатсизликдир...

Амир Хусайннинг ишораси билан энди Шер Бахром сўз олди:

— Мовароуннаҳр ҳукмдори фармони билан салтанат кўрғонига рахна солмоқчи бўлган ёғийнинг уч амири дорга тортиладир!

Нақоралар чалинди. Навкарлар қўлига кишан солинган, учовининг бўйинларига битта жела¹ ташланган, абгор бўлган Искандар ўғлон, амир Ҳамид ва амир Юсуфхўжаларни ҳайдаб дор тагига олиб бордилар. Кишанларни ечиб, желадан бошларини бўшатиб осишга хозирладилар.

— Нега осишади, а? Қўйиб юборишса бўлмайди-ми? — деди Жаҳон бика ўз-ўзига айтгандай қилиб.

— Ҳукмдорлар одам ўлдириб туришмаса, кўнгиллари ўрнига тушмайди-да, шунақами, Шамсулмулк? — сўради Қорасоч бика.

— Анави кишандагиларга жазо бериш учун осаётгонлари йўқ, — деди Абу Бакр Калавий. — Мана бу майдондагиларга сабоқ бўлсин деб, осишяпти. Бизларга сабоқ бўлсин, деб... Шунинг учун вақтнинг бемаҳал эканлигига қарамай, хаммани қувиб келишгон-да... Қатарону кирғин, қонлар, салтанатларнинг ош-нони.

— Ҳа.. сиз билан бизга сабоқ... — деди Мавлонозода ҳам сал овозини кўтариб, гўё Жаҳон бика эшитсин дегандай.

Муллавачча кўнглининг аллақарида Илёсхўжахон амирларининг дорга тортилишини ёқлар эди ҳам, душманга душманчасига жавоб бериш керак, дерди у.

Нақора садолари кучайди. Абу Бакр Калавий дор томонга қараган эди, учта жонсиз тананинг осилиб ётганини кўрди.

¹ Жела — бир неча кишига солинган яхлит кишан, давра кишан.

Давлатшоҳ баҳши пайтдан фойдаланиб Темурбекга яқин келди-да, шивирлади:

— Амирим! Шоҳмалик қавчининг... агар лозим топсангиз... дурра носуфта ожизаси бор... Алқисса, кенжа хотинини қулингизга баҳшида қилсалар...

— Кўнглингни бўшлиғи ҳеч қолмади, қолмади-да, уйғур! — деди Темурбек.

Шу пайт Амир Хусайн овози янгради:

— Раийят! Шоҳмалик қавчин, Илёсхўжа тайин қилган Самарқанд ҳокими, биз юборгон ёрлик йўлидан юрмади. У зарбимиздан қочиб бораётгон Илёсхўжахонни аъёнлари билан тутиб банди қилмоғи зарур эди. Аммо бу икки кўали бир кўтарим гўшт, сўзимизни итоат қуловига илмади, хоинлик қилди. Келгиндилар пойини ялади. Инчунун, Шоҳмалик қавчинни муборак каломимиз кирмаган қуловига қайноқ симоб қуйилсун! Хоиннинг жазоси шу!

Навкарлар Шоҳмалик қавчинга ташланишди. Қирқ ёшларга борган барваста Шоҳмалик қавчин гавдаси билан навкарларни ҳар ёққа итқитиб юборди. Унинг хотинлари, қизи фарёд кўтардилар.

Майдонда қий-чув қўпди.

— Хой, Амир Хусайн! — деди бирдан тахт томон боқиб Шоҳмалик қавчин. — Огоҳ бўл! Жета хони Илёсхўжа, агар Хусайнни тутсам, ичида ковоқари тўла қопга солиб, чақтириб ўлдирамен, деб эди... Илёсхўжахон эмас... сени мен ўзим тутишим керак эди... Нима қилишни билардим!..

— Ётқизинглар ерга даюсни! — буюрди Шайх Муҳаммад. — Тилини суғур, такрор бундай беъмани сўзларни айта олмасун!

Олти навкар бир бўлиб Шоҳмалик қавчинга ёпишдилар. У кўпчиликка бас келолмай, ерга йиқилди. Бирдан инграган овоз эшитилди! Унинг тилини суғуриб олган эдилар! Шоҳмалик қавчиннинг оғзи қонга тўлган, хиқиллар, лахтак-лахтак қон тупурар, тўлғаниб ўқранар, соқов одамдай гунгранарди.

Мавлонозода бундай ёвузликни кўриб тонг қолди. «Нахотки Темурбек буларнинг барига жим қараб турса?.. Йўғ-е?» — деди муллавақча ўзига-ўзи ва Темурбекни кидирди. Темурбек қандайдир изтироб ичида кузатиб турар, лом-мим демасди.

— Қани, симоб, ландовур? Симобдан қуй! — деб бақирди Шайх Муҳаммад.

Шохмалик кавчин энди чинқириб юборди. Қулоғига қуйилган қайноқ симоб мияга томон ўйиб борар, борган жойини қуйдириб-ёндирадди. Чинқириқ овоз бутун майдонни тутди, одамларнинг қулоғи ҳам қоматга келди. Амир Ҳусайн барини жимгина эшитар, қисик кўзларида эса ғалаба нашъаси ёнарди.

Шохмалик кавчиннинг чинқириқли овози узок вақт тинмади. Миясига етиб борган симоб уни жинни қилаёзди, фавқулудда куч пайдо бўлиб, бўкирганича шарт ўрнидан сапчиб кетди, хушёр турган навкарлар шарт уни ушлаб аркон билан қаттиқ ўрадилар. Самарқанднинг эски хокимини дорга тортганларида, майдон жимиб колгандай бўлди, энг аввало Шохмалик кавчиннинг ўзи бемисл азоблардан қутилди. Унинг хотинлари лашкарбошиларга улашилди, кенжа хотини Давлатшоҳ бахшига ҳадя бўлди, қизи Амир Ҳусайн ҳарамига қанизликка олинди.

Машриқ бўзариб қолди. Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Ҳусайн ўз қўшини билан Ҳолвачилар кўчасига кирди ва шаҳардан чиқиб Илёсхўжани қувиб Тошкент томонга йўл олди. Машғалалар қарвони шаҳардан узоклашиб борарди. Эл тарқалганда, Чорсу майдонида Искандар ўғлон, амир Ҳамид, амир Юсуфхўжа ва Шохмалик кавчинларнинг хокисор жасадлари ётар, бу мамлакатдаги нотинчлигу бесаранжомликлардан хабар берар эди.

Ўн биринчи боб

ХУДОНИНГ БАНДАСИ

Ушбу воқеалар тасвирланаётган пайдан ўн беш йил олдин, яъни ҳижрий 750 йилнинг ёз ойларидан бирида ўттиз ёшлик самарқандлик бойвачча Садр Сулаймон кул бозори билан машриқу мағрибга доврқ солган Нишопур шаҳрига кириб келди. Қозон Султонхон ибн Ясовурни енгиб Мовароуннаҳр тахтини қўлга киритган Амир Қозоғондан Самарқанд атроф кишлоқларини иқтаъ сифатида олгач, кишлоқларда, экинзорларда ишлатиш учун одам кучига эҳтиёж сизди. Унга қуллар керак эди. Бир замонлар, уч юз йиллар илгари ўзининг қул бозори билан оламга машхур бўлган Самарқанд — унда факат энг яхши окбадан қуллар сотиларди — Чингизхон босқинидан кейин бундоқ «шухрат»ини бутунлай йўқотди. Нишопур ҳам кунчиқар, ҳам кунботар мамлакатлари учун қулай минтақада жойлашганидан, бу ерда қул бозори авж олиб кетди. Буюк Ипак йўлининг шаҳардан ўтиши ҳам унга қўмак берди.

Садр Сулаймон йигирма саккиз ёшида раҳматли отаси Мингқутлуғ ўлиmidан кейин катта мол-мулк, ерга эга бўлди. Бадавлат Мингқутлуғ ва Амир Қозоғон ўзаро айрилмас дўстлик ришталари билан маҳкам боғлангандилар. Амир Қозоғон Мовароуннаҳр ҳукмдори Қозон Султонхон, Ҳирот малиги Куртлар билан савашлар курганда Мингқутлуғ ёрдамига таянди: ундан аскарларига улуфа олди, отларини боқтирди, қуллари билан сийрак тортган лашкарини тўлдирди, тўбичок, козоқи отлари эса амир қўшинига зеб берди. Амир Қозоғон давлат бошига келганидан кейин кўп ўтмай Мингқутлуғ ришта касалига йўлиқиб оламдан кўз юмди. Амир Қозоғон қаттиқ қайғу чекди, дўстининг хурмати, бор яхшилигини унинг фарзандларига қилди.

— Сулаймон! — деди бир куни Амир Қозоғон Самарқандга келганида. — Ўғлим Абдулла қатори ўғлимсен... падари бузрукворинг билан қалин эдук... Мингқутлуғ ҳурмати Самарқанд ҳокимлигини сенга бахшида қилдум!

Садр Сулаймон, қуллук, дегандай таъзим қилди, бир оз сукут сақлаб, сўзга лаб очди:

— Бошим осмонда, валинеъмат шаҳаншоҳ! Аммо менда бир андеша бор-да...

— Нечук андеша экан? — чимирилди Амир Қозоғоннинг ўсиқ қошлари.

— Менга Самарқанд ҳокимлигини топширсангиз ҳам, топширмасангиз ҳам ҳамиша сизнинг хизматингиздамен... Ҳокимликни қабул қилмоғим мумкин... Аммо бундан ҳам яхшироқ йўли бор...

— Қандок йўл? Намунча йироқдан бошлайсен гапни? Яқинроқ кел!

— Фақирнинг ўтинчи шулки, Самарқанддай шаҳарда ҳокимликни, ўғлингиз, умр сандиғингиздаги дурри якто Амирзода Абдулла адо этсалар, деб эрдим. Мен мартабалардан ўзимни тиямен. Амирзоданинг ҳокимлик қилиши салтанат собитлигига холисалилло хизмат кўргизадур, деган умидим бор...

Садр Сулаймоннинг бундан кўзлаган мақсади иккита эди, аввало, ўзи шундай нотинч замонда ёш туриб Самарқанддай вилоятда ҳокимликни эплаш мушкул вазифа деб идрок қилди, бунга хали фурсат бор, деб ўйлади. Сониян, Самарқанд ҳокимлигига ҳукмдорнинг ўғлини тавсия қилиб Амир Қозоғон ишончини қозонмакчи, айни пайтда, Амирзода Абдуллани ҳам яхшилик кўргизиб қарздор этиб қўймакчийди, ҳар қалай, амирзода Мовароуннаҳр тахтининг валиаҳди-да...

— Амирзода Абдулла давлат ишларига хийла ёш... — деди Амир Қозоғон ўсиқ қошларини ёзиб йироқларга қараркан. — Бўшлиги бор...

— Ёш бўлсалар ўрганадур... Мана биз бормиз... Қараб турмасмиз... Оға-инимиз...

Садр Сулаймон тўғри ҳисоб қилганди. Амир Қозоғон унинг олижаноб таклифини маъқуллади. Ростдан ҳам у пойтахт Солисаройда яшайди, бас, ўғли Амирзода Абдулла салтанатнинг бош шаҳри Самарқандни идора этсин. Мамлакат осойишталигини ўйлаган Садр Сулай-

монга Амир Қозоғоннинг ҳурмати ортди ва ўғлига ҳам бу хусусда кўп уқтирди. Йигирма ёшлардаги Амирзода Абдулла қачондир келажак салтанат ҳокимлиги ҳақида ширин орзулар дарёсида фарқ эди, бу фаслда ҳеч ким ҳавойи ҳаёллар сеҳридан қутула олмайди. Ногаҳон Самарқанд ҳокимлиги топширилганда ёш амир хурсандлигидан ўзини кўймоққа жой топа олмади, бу ҳаётбахш сарин шаббоданинг қай томондан эсаётганини билгач, Садр Сулаймонга ўз оғасига суянгандай суяниб қолди. Самарқандда бирор иш қилинадиган бўлса, кимгадир жазо бериладими, кимнидир бирор мансабга тайинладими, кимнингдир тўй-маъракаси ўтадими — бари-бариди маслаҳатгўй Садр Сулаймон эди.

Давлат деб туғилган, бойлик йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган Садр Сулаймондай антиқа сажияли одамда савод йўқ даражада эди. Инсон ўзида нима йўқ бўлса ўрнини бошқа нарсалар билан тўлдиришга уринади. Садр Сулаймон ҳам худди шундай одамлар тоифасидан. Унинг уйида катта китобхонаси бўлиб, ўн мингдан ортиқ ҳадис, фикҳ, илми нужум, тасаввуф, тарих, ҳандаса, риёзиёт, жуғрофияга оид ҳар хил китобларга эга. Ҳатто шаҳарда китобхона ҳақида ҳавоסי баланд гаплар юрарди. Китобхонада асосий ишни китобдор олиб борар, хаттот айрим китоблардан нусхалар кўчирарди. Мунаққашлар китоб саҳифаларига чиройли суратлар чизишар, гулбарг, ислимий гирех услубида нақшлар солишар, муҳаррир китобнинг беҳато чиқиши устида қайғурар, саҳхоф эса унга узок йиллар сақланиши учун шошилмай шероза қилар, мукова қопларди. Қоғоз Самарқанднинг ўзида ишланарди, Қуллоллар кўчасининг охиридаги машҳур қоғоз жувози Кониғилдан келган Сиёб суви билан юргизилар, жувозда ёғоч содда усулда эзилиб қоғоз олинади. Садр Сулаймон китобхонасида фақат султоний қоғоз ишлатиларди. Хуллас, китобхона юмушлари учун кетган харажатлар харажат ҳисобланмасди. Аммо зикна бойнинг бундай саҳийликларига кўпдан ишонавермас эдилар, унинг ҳасислиги борасида эса ҳар хил мишмишлар юрарди.

Бир куни Садр Сулаймон Чорсу майдонидан ўтаётиб тиланиб юрган девонани кўриб қолибди. Девонани чақириб, етти дирхам берибди-да:

— Савобини Ҳазрати Сулаймон кул хожа Аҳмад ар-воҳига бағишладим. Дуо қил! — дебди.

Девона фотиҳага қўл очиб дуо қилибди:

— Давлатингиз бундан ҳам зиёда бўлсин! Омин!

Етти дирҳамни беришга бериб қўйиб, нарига борган-да Садр Сулаймон ўйланиб қолибди: «Ахир етти дирҳам бир бечоранинг етти кунлик тирикчилиги-ку! Қўп бериб юбормадимми?...»

— Тез ортингга қайт! — буюрибди бир ясовулига, энди Чорсу майдонидан юз кадамча ерга боришган экан. — Беш дирҳамни қайтиб ол! Девоналарни ёмон ўргатиб қўямиз. Унга икки дирҳам ҳам кифоя қилур!

Ясовул бориб девонага дебди:

— Қани, ҳалиги дирҳамларни ол-чи!

Девона кўрқиб кетиб дирҳамларни чиқарибди. Ясовул олти дирҳамни олиб, бирини чўнтагига урибди, девонага бор-йўғи бир дирҳам қолдирибди-да, бешини хо-жасига келтириб берибди...

Садр Сулаймон аҳли илм, фозилу фузалолар маж-лисини хуш кўрар, тез-тез уйида шундай анжуманлар чакирар, шаҳарнинг нуктадонлари — Қавомиддин кози, шайхулислом Абулворис Самарқандий, мадраса мудар-риси Хожа Лутфуллох, имом Қутбиддин, шоиру шуаро-лар доирасида мажлисоро бўлиб ўлтиришни ёктирарди. Ўзининг ўқимай қолганига ич-ичидан афсусланар, китобларни ўқиб ақлу идрок пучмоқларини тўлдириши мум-кин бўлган билимларни оқилу фозиллар суҳбатидан олишга тиришар, айтиш керакки, бу борада унда укув етарли эди. У давраларда худди умрининг ярмини мад-расалар тупроғини ялаб, риёзат оstonасига бош қўйиб ўтказган толиби илмлардай, алломалардай тутишга хара-кат қиларди. Инчунин анжуман иштирокчиларининг кўнглида, Садр Сулаймон таҳсил кўрмаган, китоб тут-маган деган фикрга жой қолмасди. Бойвачча бундок ан-жуманларни ўтказишда пулнинг бетига қарамас, дастур-хонни ноз-неъматга тўлдириб юборарди.

Бойваччанинг икки укаси бўлиб, йигирма ёшли Баҳо-дир султон Мингкутлуғнинг ўртанча хотинидан, ўн беш ёшли Қодир султон кенжа хотинидан кўрган ўғиллари эди. Оталари дунёдан ўтгандан кейин, бу она бошқа ота бир укалар уни ташвишга сола бошлади. Қодир султон назмни севар, пинҳона ғазаллар матқ қилар, улусда

шоир бўлиб донг таратмоқ орзуси билан яшарди. Баҳодир султонда эса харбий санъатга меҳр кучли, сипоҳий бўлмоқ, тўбичоқ устида қиличини офтобда ялтиратиб душманларни зир қақшатмоқ хаваси устивор эди. Садр Сулаймон укаларидан хавфсирашга тушди: «Булар hozир ёш, билишмайди, бир-икки йилдан кейин, падари бузрукворимиз мулкани бўлиб берасан, деб туриб олишсачи? Бутун Самарканд атроф кишлоқлари унга иқтаъ қилинган экан, бунда укаларининг ҳам ҳаққи бор-да!..» Бу фикрдан Садр Сулаймоннинг вужудига титроқ киргандай бўлди. Во ҳасрато, кута-кута энди етишган мол-мулк, давлат, кафтингдаги қумдек бармоқларинг орасидан сирғалиб чиқиб кетса, била туриб тутиб қололмасанг! Жигаринг эзилмайдими?.. Бойлик, давлат жигардан бўлади... Садр Сулаймон эса жигари эзилишини асло истамайди!

Бойлик мол-мулкка табиатан сиғинадиган, олтину зар йиғмоқни олий эътиқодга айлантирган, яшашнинг асл мояси-ю мазмуни деб билган одамлар учун бундан ортиқ муқаддас нарса бўлмайди. Садр Сулаймон учун ҳам эътиқод кепакий чақадан бошланади, бир кепакий чақа бир пайсага чиқсин, пайса дирҳамга йўл очсин, дирҳам учтага етса — мисқол пайдо бўлади, мисқолнинг иккитаси йиғилиб, динор бўлиб кўрк очади, бас, динор бирдан ўнга кўпайсин, ўндан юзга, юздан туманга, лак-лакка... Шундагина эътиқод устивор бўлади, тақдирнинг ҳеч қандай бўронлари уни йикита олмайди, балки пурвиқор Ургут тоғларига урилгандай кучи қирқилиб кетаверади...

Садр Сулаймон укаларидан қутулишга қатъий қарор қилди, ҳаёлида турли режалар қурди... Иш шундай ижро этилиши керакки, ҳеч қимда шубҳа уйғонмасин. Ўйлай-ўйлай охир бир тўхташга келди. Қўли нопок ясовулларидан чапдастани чорлаб, танга тўла ҳамён берди ва кўзини қисиб деди:

— Менинг укаларимни Тахти Қорача тоғларига сайру саёҳатга олиб бор... Айлантир... Ўша ёқда, тоғларда... чўққидан... бирор жарликка... а? Пайқадингму?

Ясовул ишонмай анграйиб қолган эди, бойвачча деди:

— Нега анграясен? Ҳамённи ол!... Ҳа... шундай бўлсин!

Ясовул ҳамённи қўйнига тикаркан, энди кўз қисиб

бош ирғади. У илгарилари ҳам бундай хуфия ишларни кўп қилган, сирдош кишилардан эди. Бойвачча дарров укаларини чақиртирди. Баходир султон билан Қодир султон кириб келишганда улар билан кучоқлашиб кўришди-да, ёнига ўтказди:

— Сизлар менинг кўмакчим, ўрнимни босадиганим-сизлар... — деди бойвачча меҳрибонлик билан. — Бир ўзим мол-мулкимизни айланиб улгуролмаяпмен... Инчунин, бир Тахти Қорачани айланиб, мулкимизни кўриб келинглар, хўпми? Иккита яхши чопқир от тайинлаб кўйдим. Хозир тоғлар ҳам гўзал жуда...

— Қуллук, оға! Айтганингизни адо этиб келурмиз! — қувониб кетди Баходир султон.

— Тахти Қорача тоғларини гўзал дейишади, роса томоша қиламен... — чиройли маъюс кўзларини жавдиратиб деди шоиртаъб Қодир султон.

...Тахти Қорачадан нохуш хабар келди, фалокат юз берибди. Баходир султон билан Қодир султон отда тоғларни сайр қилиб юриб, бир қоядан оти билан қулаб тушишганмиш! Аввал Қодир султоннинг оти мункиб кетиб жарликка учибди, уни кўрган Баходир султон укамни тутиб қоламан, деган ўйда билмай орқасидан от солибди. Бунинг барини олдинда кетаётган ясовул кўрибди, у ўгирилиб қараса, ака-укалар отлари билан жарлик томон учиб боришаётганмиш...

Садр Сулаймон уч кунгача аза тутди, кўзидан даст-рўмолини олмади, ажабки, ёш ҳам аримади. «Дорилфанода мени ёлғиз ташлаб кетган жигарларим-ов, жигарларим-ов!» деб ингичка ўткир овоз билан чинқириб йиғлаганини кўрганларнинг юраклари эзилди. Бир неча кишилашиб ҳам уни юпатиб бўлмади. Унинг фарёд чекаётганини кўрган ясовул хатто: «Чакки ишга қўл урибмен-ку, хожамни иниларидан мосуво қилибман-ку! Адашиш бўлибди-да!» деган хаёлга ҳам борди. Шайхулилом Абулворис Самарқандий илиқ сўзлар айтиб кўнглини кўтарди. Хожа Лутфуллох бундок деди:

— Иниларингиз қарсиллаб турган бир ёшда эдиларда... Бисёр садр¹ айладингиз... Садрсиз, ўзингизни қўлга олинг!

¹ Сўз ўйини: садр — азада овоз чиқариб, саннаб йиғлаш, шунингдек, исмга ишора.

Мударриснинг сўз ўйини қилганлигини кўплар сезди. Қавомиддин қози бойваччага яқинлашди:

— Бу ерда бирон фитна йўкмикин? Сизга зид фитна қилгувчилар ҳам йўк эмас... Мен қидиртирамен!.. Амин бўлингким, зудлик билан ул баттолни топтирамен!..

Садр Сулаймон, худи қози ҳозирок Баҳодир султон билан Қодир султон фалокатининг айбдорларини қидириб кетадигандай, йиғи, орасида:

— Не чорамиз бор... бандаси эрсак... оллога қарши ким борибдир... Ўзи отадан бор-йўғи учта эдик... Энди ўзим қолиб ўтирибмен... Раҳмат, Қавомиддин!.. Далдангиздан укаларим тирилиб келгандай бўлди... — деди.

Самарқанд ҳокими Амирзода Абдулла бойваччани бағрига босаркан, атрофдагиларга ҳам эшиттириб гапирди:

— Энди... оғир бўлинг... Ҳамманинг ҳам бошида бор бу.. Қайғурманг, иниларингиз ўрнида мана мен турибмен-ку!..

Шундоқ қилиб у катта мол-мулк, давлатнинг ягона соҳиби бўлиб олди.

* * *

Нишопурда Садр Сулаймонни машҳур савдогар, кулжаллоб Малик Ашрафнинг ўзи қаршилади. У бундан хабардор эди, чунки самарқандлик бойваччанинг хос одами Нишопурга аввалроқ келиб Малик Ашрафга учрашган, кул савдосининг ўзига хос қонун-қоидалари билан яхшилаб танишиб қайтганди. Малик Ашраф, қутилмаганда ниҳоятда бадбашара, афтини кўриб кўнгил хира тортадиган одам бўлиб чиқди: тумоға кўз, кенг пешона, ияги қарийб пастки лаби билан бирлашиб кетган, катта бурни ярим юзини эгаллаганидан беўхшов кўринарди. Гапга чечанликда, ширинсўзликда лекин Малик Ашрафнинг олдига тушадигани йўк экан — Садр Сулаймон бунга имон келтирди. Малик Ашраф ёқимли овозда жуда чиройли гапирарди, ким билсин, балки унинг касб-кори, савдогарлиги шуни тақозо этармиди ёки худо чечанлик бобида унинг зуваласини шунчалар пишиқ қилиб яратганмиди, ҳар қалай, у сўзга моҳир эди. Шундан бўлса керак, унинг биринчи қарашда туюлган бадбашаралиги кейин билинмай кетар, ҳатто катта бурни ҳам ўзига ярашиб турарди. Эллик ёшларга бориб-бормаган, ўрта бўйли Малик Ашраф ёшлардек тетик кўринди.

— Нишопурнинг кул бозоридай бозор оламда йўк! — деди Малик Ашраф Садр Сулаймон ва унинг шерикларини сукар ракикка¹ бошлар экан.

— Бунда сиз истаган ёшдаги, хохлаган жинсдаги, лойик кўрилган қавмдаги, кўзланган ранг-тусдаги, ният қилинган бўйдаги канизакни, қулни топа олурсиз... Бу ёғи на Бобилу Шомда, на Басраю Яманда, на Мисру Аданда, на Фарнотаю Куртобада бордир бундайин бозор! Бу ёғи на Чиндаю Хўтанда, на Шошу Самаркандда, на Термизу Бухоро, на Булғору Фарангда бордир ушмундок бозор! Жаҳоннинг ҳамма жойларидан фақат бизга келурлар, тулпорларин терга солиб елурлар!

Малик Ашраф тез-тез, аммо дона-дона гапирар, у шу топда ўтмайдиган молини оғиз кўпиртириб мақтаётган чорбозорчига ўхшарди. Садр Сулаймонга унинг гаплари ёқа бошлади.

— Ва лекин кул сотиб олишда адашманг, зинҳор адашманг! Ахир текинга олмайсиз! Эҳтиёт бўлмасангиз, шундок куппа-кундуз куни лақиллатиб кетишади!..

— Йўғ-е, соҳиб, қандок қилиб? — Садр Сулаймоннинг заңчалиш овози Малик Ашрафнинг ёқимли овози олдида ғариб эшитилди. «Ўзи келишган йигит экан-у, овози беўхшов экан...» деб қўйди Малик Ашраф ичида.

— Ўҳ-хў-ў!.. — Малик Ашраф бош чайкади. — Нонсофларнинг турфа найранглари бордир...

— Найранг? — Бойвачча хайрон бўлди. — Ахир оладиган одам қараб олади-ку!

— Қараб олгани учун ҳам чув тушади-да! — кулди Малик Ашраф. — Оқни олдим, дейди, қорани олиб кетганини билмай қолади, қараб олгани учун... Олтин сочли канизакни олдим, деб, териси ғадир-будур қора қизни сотиб олади, найранг билан қоқ суякдан иборат қиз-қуймичлари диркиллаган, сув ичса томоғидан кўринадиган чикка бел жононга айланади, тўрсикхон халта-курсоклар — нозик адо сарв қоматнинг айни ўзи бўлади қолади...

— Ие! Ие! Соҳиб, энди бунисига ишониниш қийин... — деди самаркандлик бойвачча. — Қандок қилиб ундай одам бундай бўлади ахир...

¹ Сукар ракик — кул бозори (араб.).

— Осон, осон, бойвачча! Жуда осон! — Малик Ашраф қўл силтади. — Бу ишнинг усталари зангори кўзларни қорага бўййди, сўлишган рухсорни, қуруқшаган терини олрангли лўппи юзга айлантиради, чавкарранг ола сочларни қоп-қора соч қилиб кўяди, жингалак-жингалак этиб юборишади. Чўпдай озғин кўлни семиз, чиройли кўл бўлиб қолганини кўриб ажабланманг! Чечак, сўгал, юзнинг бетигаги доғлар, сепкил ва хоказоларни шундоқ йўқ қилиб юборишадики, кўриб хайрат бармоғини тишлайсиз! Ҳа... мен сизга айтсам, хайит кунларида зинҳор-базинҳор бозорга йўламанг! Қиз сотиб олдим, деб ўғил бола олиб кетганлар нечта! Андоқ кийинтиришадики!..

— Ҳали шунақаси ҳам бўладими? — ажаблантиди самаркандлик бойвачча.

— Ўх-хў-ў!.. Бўлганда қандоқ! Ҳа... Биз қулжаллоблар ичида ҳам имонини ютганлар бор-да, бойвачча, имонини ютганлар бор! Беш қўл баробар эмас... менинг бир танишим не дейди, денг? Агар беш дирҳамлик хинони аямасанг, канизагингни баҳоси беш баробар ошади, дейди! Мана алдоқчилик, фирибгарлик! Алалхусус, бизнинг ишимизда, бу қул савдоси-я, фирибу фирромлик аралашмаслиги керак! Ҳалол бўлсин, ҳалол!

Малик Ашраф Садр Сулаймонга қул сотишнинг яна бошқа сирларини ҳам айтиб берди. Жумладан, қалта сочларни улама билан узайтирилади, хушбой модда исқатилиб бурун хидлари йўқотилади, pista кўмирга толқон туз аралаштирилиб кир тишларга суртилса, ҳар қандай тиш ярақлаб кетади, қўл-оёқ тирноқлари ҳам назардан четда қолмасин, уларни чиройли, текис қилиб олиш зарур, йўқ эса битта эрдан чиқиб олинмай қолган тирноқ бутун «тоат-ибодат»ни бекор қилиши мумкин. Сотилаётган каниз, қулларга, чоллар ва тортинчоқ одамлар келганда, уларни оғдириб олиш учун, мулойим, эримсок, кўнгилчан, уновчан бўлиб кўриниш тавсия қилинади, аксинча, ёшлар келганда, ёнига яқин йўлатмайдиган хуркак охудай туриш лозим, ўшанда харидорнинг юраги, қалби ишқ билан баттар оловланиб ёнади. Оқбадан қизларнинг тирноқлари қизил рангга бўялади, қора танли қизларникига — қизғиш тилла ранг, сариқ танли канизакларнинг тирноқларига эса қора ранг суртилади. Рангларни алмаштириш ҳам мумкин. Киядиган кийимлари ҳам шу рангларга мос қилиб танланади. Оқбадан

чўрилар қорамтир ва қирмизи харир кўйлак кияди, қора танли қизлар қизил ёки сарик либосга бурканишади. Чунки бир-биридан кескин фарқ қиладиган ранглар бақамти келганда кўрк ила хусн янада бўртиброқ кўринади...

— Хуллас, бу ҳам бир санъат... — деб гапини тугатди. Малик Ашраф.

Садр Сулаймон одам сотишнинг бундоқ нозик сирасорлари борлигини хаёлига келтирмаганди. Малик Ашрафнинг кул савдоси, йўриқлари ҳақида тортинмай, бамайлихотир айтган гаплари унга галати туюлди. Одамзоднинг ўз-ўзини билиши, англаши мураккаб эканлигини аёлдан билса ҳам бўлади: тўққиз ойу тўққиз кун юрагининг тагида олиб юргани ўрилми, қизми эканлигини тугилгунча била олмайди. Ўзимни яхши биламан, босган қадамимни чамалай оламан, деб хаёл қилган Садр Сулаймон, кулжаллобларнинг кирдикорларини Малик Ашрафдан эшитиб нафратланиб ҳам кўяди. Аммо ўзининг ҳам шундоқ савдогар эканлигини англамайди. У табиатан савдогар эди, лекин Чин мамлакатидан ипак олиб келиб Самарқандда сотадиган, Хўтан қизларининг бармоқларини бўяш учун Эрондан хино ортиб келадиган ёки Самарқанднинг султоний қорозини Бағдодга олиб бориб тиллоий аҳмарга алмаштирадиган тангу тор тужжорлардан эмасди. Унинг сотадиган моли ҳам антиқа, худди кулжаллобларникига ўхшаган тирик жон эди-ю, аммо фарқи бор эди. Кул савдогарлари ошқора одам сотардилар, Садр Сулаймон эса пинҳона одам сотарди. Бировнинг юзига битта гапириб, ортидан бошқа сўз қиладиган бойвачча, бир амирнинг ҳаракатларидан пайдо бўлган совук изғириндан бошқалар қунишиб турганда, қандоқ, йўсинда исиниб олишни ўйларди. Икки шунқор уришса бир қарғага ем тушар, деганларидай, у ҳеч қачон «ем»сиз қолмасди. Ҳукмдор алмашаверарди, аммо Садр Сулаймон ўша-ўша, мусичага озор бермайдиган, қўйнинг овзидан чўп ҳам олмайдиган бир киши бўлиб қолаверарди. Жета хони Туғлуқ Темурхон Самарқандга бостириб келаётганда, у бир ясовулини хонга пешвоз чиқарди. Ясовул Самарқанднинг тегли-тахтли бузургэодаларидан Садр Сулаймоннинг Жета хонини тухфаю совғоту саломлар билан кутаётгани, шаҳарда барча олий мартабали ҳукмдорга интизор эканликлари хусусидаги муждани

хонга етказди. Туғлуқ Темурхон урушсиз Самарқандга кирди. Амир Қозоғоннинг, кейинчалик Амирзода Абдулланнинг кўрсатган яхшиликлари бир лахзада Садр Сулаймоннинг ёдидан кўтарилди, бас, энди улардан наф йўқ. Амир Қозоғон ўлган, Амирзода Абдулла ҳам қазойи қиронга йўлиққан... Уларни ёмонотликка чиқара олса, Жета хони олдида эътибор қозониши мумкин. Унинг содда, аммо яшовчан фалсафаси шундан иборат эди.

Садр Сулаймоннинг сотқин феъл эканлигини англаган Илёсхўжахон бўлди, шу важдан ҳам уни Самарқанд ҳокимлигидан олиб, Шохмалик қавчинни тайин қилди. Лекин бойвачча тағин тадбиркорлик кўргизиб Амир Хусайн ишончини қозонди, бу йўлда мол-дунёнинг сарига бормади. Ҳали бу гапларга анча бор эди.

* * *

Малик Ашраф Самарқандлик бойваччани етаклаб бозорга кириб келди. Қатор расталар олдида катак-катак жой ажратилган, гўё ҳар бир чўри, каниз, қул айвончада ўлтиргандек таассурот қоларди. Малик Ашрафнинг бу бозорда ҳам расталари бор эди, лекин асл бозори махсус қул маҳалласида жойлашганди. У Садр Сулаймонни хашаки бозорни оралатиб, қул савдоси нима, қул, каниз нима ўзи, уларнинг солиқани сажияси, таъриф-тавсифлари қандок, қайсилари нималарга мойил — барчаси ҳақида маълумотлар билан таништириб, сўнгра ўзининг маҳалласига ўтмоқни кўнгилга тугди.

Биринчи айвончада Ҳиндистондан келтирилган канизак ўлтирарди. Харидорлар яқинлашганини кўрган канизак сохиби тараддудланди, ўн етти ёшлардаги қиз ҳам ўрнидан турди. Малик Ашраф изох берди:

— Ҳинд аёллари итоатгўй, ювош бўлишади, сочлари илондай узун, ўзлари чиккабел нозик адодурлар, аммо хусни тез сўлийтиди... Иккиқатликни енгил ўтказишади. Уларнинг бошқа жаъми аёллар олдида битта афзаллик томони бор: эрларидан ажралишса тағин қиз бўлиб қолишади...

— Шундокми?.. — Садр Сулаймон канизакка қарар экан, бунга ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билолмади, чунки Малик Ашраф жуда жиддий гапирарди. — Ўзлари бу касбнинг пирлари эканлар-да, сохиб...

— Энди... Сидкидилдан шу касбни деганмиз, яхши билмагимиз лозим! — деди Малик Ашраф жилмайиб. — Нонни халоллаб ейиш керак... Хўш... Ҳинд эркаклари уй ишини бошқарадиган гумашталикини жуда боплашади, бойвачча. Уларнинг қўли гул, лекин кўпинча миясига қон куйилиб ўлишади, сакта касаллиги уларда тез-тез учраб туради. Ҳиндларни Қандахор тарафлардан олиб келишади...

Уларнинг канизак баҳосини сўрашмаганига чўри соҳиби хайрон бўлиб қолаверди.

Харидорлар занжи қиз турган айвончага яқинлашдилар. Бозорда занжилар кўп сотилар экан, бойвачча бунга эътибор қилди:

— Занжи қизлар қанчалар қора бўлса, ажабки, тишлари шунча ўткирдир... Улардан наф кам, ўзлари ҳам пала-партиш иш тутишади, — деди Малик Ашраф. — Уларнинг жони-дили ўйин тушиш, ўйин учун турилганлар. Агар осмондан ташлаб юборсанг ҳам ерга ўйнаб тушишармиш. Хабаш қизларининг бадани эса аксинча, юмшоқ ва нимжондир, тез-тез сил касали билан оғриб туришади, ашула-ўйин бобида жуда нўноқ, иннайкейин мусофирчиликда яшашга ўрганишмаган. Лекин уларга суянса бўлади, гарчи баданлари нимжондир, унда кучли саботу қатъият мужассамдир. Қора танли қизлар ичида энг мўмин-қобил, уновчан ва хушчакчак табиатлиси нубий қиз саналадир. Аммо, у Нубиядан бошқа фақат Мисрдагина яшай олади холос, чунки она юртида ҳам Нахри Нил сувини ичиб катта бўлган. Ўзга жойларда тездаёқ қон айнишдан хасталаниб оламдан қўз юмади... — Малик Ашраф гапларим бойваччага қандоқ таъсир этмоқда экан, деб билмоқчи бўлди ва озгина танаффус қилди. Садр Сулаймон эса қулжаллобнинг гапларига маҳлиё бўлиб қолди, уларнинг ҳар бирини беғараз маслаҳат, кенгаш деб тушунди. «Ҳаммасини эшитгину, ўз билганингдан қолма, дейдилар», кабилида фикр ўтди бойваччанинг хаёлидан.

Иккиси бозор айланишни давом этдилар. Расталар кўп эди, Малик Ашраф ҳар бир айвонча олдида канизакнинг қаерданлигини билиб, таърифини келтирарди:

— Мадиналик араб қизининг тили бағоят ширин, буралиб гапирганда кўнгил ийиб кетади, ақли ҳам тийрак, бадани гўзал, ўзи нозлидир. Ранг деган нарсанинг

яқинига йўламаган, боодоб, кўнглида кири йўк, овоз кўтариб гапирганини биров кўрмайди, ашулани бўлса қийиб қўяди. Унинг олдида маккалик қиз ипакойимдай эшилган, бўғину аъзолари нозик, ушласанг синаман, дейди, хумор кўзлари ўтли боқади. Тоъиф шаҳридан келтирилган қиз... Ана нариги айвончада кўрдик, ўша қиз тоъифлик экан, — деди Малик Ашраф, бойвачча тасдиқ ишорасини қилди. — Тоъиф шаҳридан келтирилган қиз, сабзак-тилларангу хушқаддир, енгилтабиат, ўйин-кулгларга мойил, бироқ оналикка қурби йўк, бўйида бўлмайди, бўлса ҳам туғаётганда ўлади. Барбар қиз эса, аксинча, яхши туғади, мўмин-ювош, ҳар бир юмушга моҳирдир...

Малик Ашраф жим қолди. У бир нуктага тикилганча ниманидир эшлашга ҳаракат қиларди.

— Бир куни, унга ўн йиллар бўлди, — давом этди Малик Ашраф юзлари ёришиб, — шу бозоримизда машҳури офок даллол Абу Хувайдонинг ушмундоқ таърифини эшитмиш эрдим. Битта барбар қизнинг савдоси устида харидорнинг асло ён бергиси келмади, ўз айтганида туриб олди. Шунда Абу Хувайдо деди: «Чўрининг энг аъло, ҳар йўсиндан, хоҳишу истакка мос, ҳавас этса бўладиганини билурмисиз? Бале! Барбар қизчани тўққиз ёшида олиб кетилсун, Мадинада яшасин уч йил, Маккада уч йил... Ўн олтига кирганда Бобилга бориб нозик хунару санъатлар сир-асрорини ўргансун, гўзал хулқу одоб қоидаларини сув қилиб ичиб юборсун. Бале! Йигирма беш ёшга кирган ушбу барбар қизда мадиналик қизнинг нозию таманноси, маккалик қизнинг ипакойимлигию бобиллик қизнинг билимдонлиги жам бўлиб, кўрганнинг кўнглига фараҳ солади. Ана шундай чўри чўриларнинг энг аълоси, энг ардоқлиги, энг марғубидур...»

— Соҳиб, ҳозир ўша машҳури офок даллол Абу Хувайдо қайдалар? — деб қизиқиб сўради самарқандлик бойвачча негадир.

— О... ул зот Нишопур бозорининг кўрки эдилар, ул киши борликларида ҳамма расталар гавжум, савдо суръати юксак, бозордан қут-барака аримасди. Водариғо, икки йил бўлди, машҳури офок даллол Абу Хувайдодан ажралиб қолдик... — Малик Ашраф ерга қаради. Бойвачча фотиҳага қўл очди.

— Жуда ғаройиб гапларни дедингиз... — Садр Сулаймон Малик Ашрафдан сўради. — Буларнинг барини кайдан билурсиз? Ё Абу Хувайдо сўйлаб берганмилар, дейман...

— Филҳақ, ўша даллолнинг кўп суҳбатларини эшитганмен, жуда кўп кул, чўриларимни сотишда далоллик килардилар, доно гапларига кулоқ солиб турардим, — кулиб деди Малик Ашраф. — Сўнгра шу борада битилган рисолалар бордир, ха, ха, ғаройиб рисолалар! Бундай рисолаларнинг энг етуги насроний ҳаким Ибн Бутлон тарафдан иншо этилган, уни ўқийвериб сув қилиб ичиб юборганмен. Хамиша ёстигимнинг тагида туради. Мен гапирган гапларнинг кўпини ўша ҳаким айтганлар... Ундан ўзга китоблар ҳам бор. Андоқки камина билган, ўқиган, эшитган нарсаларимни тажриба тошига уриб текшириб ҳам кўрганмен... — илжайганча тумоға кўзларини ўйнатиб деди Малик Ашраф. — Илло эшитган бошқа, кўрган бошқа...

— Шунақа денг?.. — бойвачча қарашда «Бало экансиз-ку!» дегандай маъно яширинганди.

— Ха-да...

Бозор кизий бошлади. Ғала-ғовур кучаяр, сурон ичида хар ёқдан даллолларнинг шиддатли овозлари эшитилиб турарди. Улар ҳамон раста оралар, бир жойда узок тўхтамас эдилар.

— Кул харид этишингизда ушбу кенгашлар сизга наф келтирадур, деган хаёлда ташвиш чекадурмен... — Малик Ашраф Самарқанлик бойваччанинг бош ирғганини кўриб давом этди. — Хабашистон билан Нубия мамлакати оралиғида Бўжъ отлик бир шаҳар бор. Шу шаҳардан келтирилган чўри кизлар юзлари чиройли, тилларанг, териси майин эмиш, аммо бадани беўхшов бўлармиш, шунисини кўрмаганмен... — хижолат бўлиб тан олди Малик Ашраф. — Бу шаҳарнинг йигитлари кўркмас, мард, вале қароқчилардир. Зинҳор уларга пулни ишониб топшириб бўлмайди, уй ишларини бошқарадиган гумашталиққа ҳам ярамайди. Турк кизлари гўзал бўладилар, юмшоқ феъл, оқбадан, кўзлари қисик, ўзлари дилкашдир. Иттифоқо, бир шоир турк кизининг қисик кўзлигига ишора қилиб, «Бу гўзалнинг кўзлари андоқ қисикки, хатто бўёқ қалам учи ҳам сиғмайду», деб лутф этибдур. Бўйлари ўртача, баъзан ундан ҳам пастрок,

дарозлари кам учрайди. Бола туғишда уларга тенг келадигани йўқ, серфарзанддурлар... Ўзингиз ҳам, бойвачча, билурсиз...

— Билурмен, билурмен... — деди самарқандлик бойвачча.

Малик Ашраф турк аёлларининг кўп фарзанд кўришларини айтиб, билмасдан ногаҳон Садр Сулаймоннинг битмас ярасига тегиб кетиб, очиб юборди. Шунчалар мол-дунё, юртга эга бойваччанинг кўнглида кемтик жойи бор. Садр Сулаймон фарзандсиз эди! Ўттиз ёшга киргунча ўн марта тўшак алмаштирди, хотини билан бир йил яшайди ё яшамайди, бўйида бўлмагач, янгилашга тушади. Биринчи хотинини туғмас деб хайдади, иккинчисини касал экан, деб гап таркатди-да, жавобини бериб юборди. Учинчисида ҳам фарзанд нишонаси кўринмади, тўртинчи кенжа хотинига, пушти куйиб кетган экан, қабилда айб тақиб, талок хатини тутқазди. Кейинги хотинларнинг ҳам бўйида бўлмади. Эгачи кампирлар ҳар гал юпка пишириб бойвачча билан хотинининг белларига иссиқ-иссиқ боғлашди, пичилган қора кўчқорнинг ёғидан суртишди, меҳригиё ва дориворлардан фойдаланишди. «Ким юкли бўлса, шитоб айтсин, бўйи баробар олтин тўкаман!» деб юборди Садр Сулаймон алам ичида ва пинҳона хотинларининг қорнига кўз ташлаб юрадиган бўлди.

Садр Сулаймон бир куни машҳури офоқ шайх Баҳоваддин Накшбандийни зиёрат қилди, бефарзандлигини айтиб, олло-таолодан бола сўраб дуо этишини ўтинди. Шайх Бухоро яқинидаги Қасри Ҳиндувон кишлоғида факирона кун кечирарди. У бойваччанинг шажараси билан қизиқди, укаларининг ўлими сабабларини сўраб-суриштирди. Сўнг қўлидаги тасбеҳни ўгирганча кўзларини юмиб узок хаёлга чўмди. Кейин тасбеҳни қўйди-да, ёнидаги зарҳал муқовали китобни очди ва бир жойини ўқиди: «Анинг қазоси фарзанд илгидан етур!», «Демак, фарзандим бўлар экан-да?» — қувониб кетди бойвачча. Шайх китобни ёпиб бойваччага юзланди: «Олло-таоло сизга фарзанд ато қилур, вале ул бошингизга бало бўлур, китобнинг каломи шундоқ...»

Бойвачча шайх олдидан мамнун бўлиб қайтди. Аммо, яна уч йил ўтиб кетди. Ҳеч бир хотини бўйимда бўлди, демайди... «Ит ҳам болалайди-ку? Фақат мен... мен шу

қутлуғ нарсадан махруммен! Ана, Мирзо Қавомиддинда неча-неча фарзанд... Шайхулислом, имом, мударрис, амирзода уйларида болаларнинг овози жаранглаб эшитилади. Фақат менинг уйимда шу йўк!..» — деб ўксинарди бойвачча. Демак... айб хотинларида эмас... Демак, айб... унинг ўзида! Аммо дўст-душман олдида буни қандок тан олади? Қандок тан олади?..

У бирдан даҳшат ичида қолди. Хайхот! Ёлғиз ўзи бу дунёда, ёлғиз ўзи! Агар бир кун ўлим унинг азиз бошига соя солса... кўз юмса.... Катта мол-мулк, Самарқанд замини... кимга қоладир? Даҳшатли ҳақиқат қазо қиличидай унинг бошида турарди, на ундан юз ўгириб бўларди, на кўз юмиб!

Садр Сулаймон ўйлай-ўйлай ниҳоят бир чора топди: бола боқиб олади! Чакмоқдай бу фикр машъум хаёллардан ровлаган миясини ёритиб ўтгандай бўлди, бора-бора бойвачча ҳаётининг асл маъно-мақсадига айланди. Унинг Нишопурга келиш сабабларидан бири ҳам шу — бешолти яшар болани сотиб олиб, қул қилиб эмас, балки — ўғил қилиб ўстирсам, деган нияти бор. Ахир машҳур Ғазнавийлар сулоласи асосчиси Сабуктегин ҳам асли қул эди. Сомонийларнинг Ғазнадаги ноиб Алптегиннинг қули бўлатуриб, ақлли эканлигидан унинг қизига уйланган, дин ва давлат хомийси, яъни «Носируддин вад-давла» лақабини олган...

— Турк аёллари кўп туғадилар-ку, тукқанларининг ичида майиб-майриқлар оз, — давом этди Малик Ашраф самарқандлик бойвачча хаёлларидан беҳабар, — иннайкейин, фарзандлари дурустгина чавандоз бўлиб ўсишади. Улар тозаликни маҳкам тутишади, пазандаликка ҳам мохирдурлар, аммо тежаб-тергашни билишмайди, исрофгарчиликдан ўзларини тийиша олмайди...

— Ҳақ гапни айтасиз, соҳиб, ҳақ гапни айтасиз! — қўшилди самарқандлик бойвачча, хаёлларини нари қувиб. Кўз олдидан бир-бир хотинлари ўтди. — О, уларни мен биламен, кўрганмен...

Икковлари гап билан бўлиб бозордаги барча расталарни айланиб чиқишганини сезмай қолишди. Чўриларга, қулларга таъриф-тавсиф бериб борган Малик Ашраф охирги айвонча олдида тўхтади. Айвончада ўн беш ёшлардаги бир канизак савдога қўйилганди, одам гавжум, ҳамма ушбу антиқа гулни томоша қиларди. Тўпланган-

лар биров эшитади-ку, деб тап тортмай, ўзаро очик сўзлашишар эдилар:

— Сулув қиз экан!... — деди биринчиси кўзи ўйнаб.

— Жаннатдан чиқибди-да! — кўшиларди иккинчиси. — Пари, фаришта...

— Фаришталарнинг кўзи мовий бўладими? Мовий кўзли фаришта!

— Э, кўзи билан нима ишинг бор, ўзига қара, каллаварам!

— Тукқан онангга раҳмат!

— Отаси-чи, отаси? Отани эсдан чиқарма, эсвос! Иш бошлаган — ота, кейин — она...

Ўрта бўйли, сиёхдай қора сочлари силлиқ таралган, мовий кўзли, очик чеҳра бу қизнинг энди пишиб келаётган қирмизи олмадай иккита лўппи юзи нигоҳни ўзига тортиб оларди. Икки қора қошининг ўртасида, ўнг кошга яқинроқ жойда қорағат донасидай мўъжаз холи ўзига бинойидек ярашганди. Садр Сулаймон яхшилаб разм солди: дўндик бу қиз қора ҳарир ипакдан кўйлак кийибди, агар синчиклаб каралса, кўйлақдан қизнинг хушбичим қоматини, укувсизгина кўксига яшириб олган икки анорини, нозик белини, дўмбок куймичини, чиройли оёқларини, хуллас, бутун вужуд-андомини илғаб олиш мумкин... тиниқ осмондай мовий кўзлари беҳол ва маъсум боқади, уларда ғубордан асар йўқ... Офатижон қиз уни мафтун қилиб қўйди, ишқ хаданги юрак-юрагини тиғи паррондай тешиб ўтиб, оромини олди... Бундоқ фавқулудда гўзал, бежирим, ажабтовур чиройли, хушбичим қизни Малик Ашрафдай корчалоннинг ўзи ҳам кўпдан кўрмаган эди! «Табиатнинг ғаройиб ижоди, башар ахлининг дурри якдонаси!» — деб қўйди ичида кулжаллоб.

Жориянинг соҳиби, Малик Ашраф уни яхши танирди, Қибрис юртидан Караклис деган савдогар бўлиб, кул оламида анчагина номдор ишбошилардан саналарди. У Малик Ашрафни кўриб ичкаридан чиқиб келди.

— Товарингиз олийдир, Караклис! — деди Малик Ашраф.

Бир-бировининг молини тан олиб гапириш савдогарлар орасида ҳам кам учрарди. Караклис миннатдор бўлди. Садр Сулаймоннинг хаёлидан кечди: «Ажабо, шундай гўзални сотиб... ўрнига нима оларкин?..»

— Кўстантияда эски синашта чўпкотларим бор, — деди Караклис саломлашгандан сўнг. — Қизни болалигида ўзим уларникига олиб келдим. Орифу обид оиладир... Ўшал оилада камолга етган жория... Юнон қизидир.

— Юнон қизлари ювош, кўнгилчан, сўз айтсангиз, рўйхушлик бергувчи, садокат этагини маҳкам тутгувчи бўладилар... — деди Малик Ашраф. — Бемалол инонмоқ, суянмоқ мумкин. Юнон йигитлари уй ишларини бошқаришга хийла моҳирдирлар, саришталикни жуда ёктиришади, ҳуда-беҳуда совуриб юборишни ёмон кўришади, қўллари гул...

— Жориянгиз тил биладурми? — Караклидан сўради самарқандлик бойвачча, аммо кўзи сулув кизда эди...

— Биладур. Юнон тилидан бошқа, турк тилини хўб биладур, араб тилини ҳам оз-моз... Аммо қунти яхши, борган жойида ўрганиб ҳам олаверади билмаганини! — Караклис ишонч билан деди, кейин қўшиб қўйди. — Ўзи бениҳоя камгап, камсуқумдир, гапирса бир кунда бир гапирадур холос, бўлмаса гапирмайди...

— Менга шу жорияни олиб берингиз, соҳиб! — деди катъий Садр Сулаймон. — Самарқандга олиб кетурмен...

— Тўғри қиласиз, бойвачча, бағоят тўғри қиласиз! — қувватлади Малик Ашраф. — Бундок жориялар кам...

Шундан сўнг савдолашиш бошланди. Малик Ашраф даллоллик қилди. Кулжаллоб билан бойвачча ўртасида узок тортишув бўлди. Ўқувчилар бизни маъзур тутсинлар, инсон шаънини ерга урадиган, камситадиган, уни мол, буюм қаторида сотиш борасида қизик устида тилга олинган турфа ҳақоратомуз ибораларни, жанжалга айланай деган машмашани тасвирлашдан ўзимизни тиямиз, юнон қизнинг баҳоси оқибат қанчага тўхталганини айтиш билангина чекланамиз... Жория тил билгани, гўзаллиги, ёшлиги, нозик ҳунарлар соҳибаси, яъни шеър айтиш, уд чалиш ва ҳоказолар кўлидан келишлиги назарда тутилиб, баҳоси ўн минг динар қилиб белгиланди. Садр Сулаймон пулни қафтлари орасига олди-да, Караклисга бериб: «Бор барака!» қилди, Малик Ашраф икки қўлни «кесди». У даллолликни бажо келтиргани учун кулжаллоб билан бойваччадан чўтал олишни унутмади.

— Энди ирими шунақа-да, ирими... Чўтални олмасак гуноҳга ботамиз, ха...

Малик Ашраф Самарқандлик бойваччани шундан кейин ўзининг қул маҳалласига бошлади. Улар Нишопурнинг жанубига қараб икки чақиримча юрдилар ва махсус мураббаъ шаклида қурилган, тўртбурчак маҳаллага кириб бордилар. Малик Ашрафнинг хос кишилари уларни кутиб олишди. Қул савдоси учун махсус қурилган маҳаллани тўғри йўлақлар узунасига ва кўндалангига кесиб ўтганди, йўлақлар бўйидаги уйлар, хоналар, болохоналар, чиройли расталар ҳамиша турли юртлардан келтирилган жориялар, қуллар, чўрилар билан гавжум эди. Нишопур бозорида ҳафтада бир кун бўладиган савдо Малик Ашраф маҳалласида ҳар куни қизғин кечар, чунки йирик корчалон дунёнинг кўп шаҳарлари билан алоқа боғлаганди.

Садр Сулаймон кишлоқларда, экинзорларда ишлаш учун қуллар, чўриларнинг бакувват-бакувватларини танлади, сотиб олинган қуллар сони юзтага етди. Уларнинг ичида хинду араб, юнону турк миллатларидан бор эди. Маҳаллани айланиб кўзига ўтдай кўринган жориялардан йигирматасини сотиб олди, юнон қизи ёлғиз бўлмаслиги керак... Маликага арзирлик қизга канизақлар зарурдир, чиройли, хушбичим, хушқомат канизақлар!

Бас, режадаги юмушлар ўринлади. Фақат битта сўнгги иш қолди. У бозорни айланганда, маҳаллани кезганда, кўраману беш-олти ёшли болани ўзим сайлаб оламан, деган умидда эди, аммо ёш болалар учрамади. Бунинг сабаби, у фақат ишловчан, кучли қул ва чўрилар харид қиламан, деганидан, бундан беҳабар Малик Ашраф, табиийки, болаларни кўрсатиш фикридан йироқ бўлди.

— Битта ўтинчим бор, соҳиб! — деди Самарқандлик бойвачча.

— Бажонидил, бойвачча, бажонидил! — унга қаради Малик Ашраф.

— Менга... бир бола керак, турк боласи... Боодоб бола бўлса... Ўзим тарбият этсам, одам қилсам...

Малик Ашрафнинг кайфи чоғ эди, жуда кўп қуллари, жорияларини пуллаб олди. Бойваччанинг гапини эшитган корчалон ерга тикилиб бир лаҳза ўйлаган бўлди-да, деди:

— Сиз тилаган турк боласи менинг маҳалламда йўк... Лекин бир танишимнинг уйида ана шундай болалар бўлишлигини биламен, уларни аскарликка сотиб олишди, ўстиришиб, ўргатишгандан кейин аскар қилишади. Хирот малиги ҳам, сарбадорлар ҳам жанговор турк аскарлари билан ҳарб майдонига чиқишни хуш кўришади. Мана кечагина Сарбадорлар давлати тахтига минган Хожа Али Шамсиддин турк аскарларидан лашкар тузаётган эмиш...

Малик Ашраф бойваччани олиб ўша турк болалари боқиладиган уйга борди. Элликка яқин бола бор экан. Бойвачча беш-олти яшар келадиган қўғирчоқдай бир болани танлади. Унинг қаерданлигини сўраб-суриштирди.

— Мовароуннаҳрдан эмиш... — деди соҳиб, кўзлари қоп-қора, оппоқ юзли чиройли боланинг бошини силар экан. — Маккатуллога кетаётган бир усрушоналик мулла ночорликдан сотиб кетишга мажбур бўлди...

— Излаб юрган ўғлим! Ўғлим! — бағрига олди болани бойвачча алланечук бўлиб...

Садр Сулаймон қулларини олиб туялар, отлардан иборат карвон билан Самарқандга жўнади. Ўзи севиб қолган офатижон юнон кизининг отини суриштириб ҳам ўтирмади, хонлар маликаси бўлишга арзирлик гўзалсан, деди-да, унга ардоқлаб «Хонлик оқа» номини берди. Беш яшар болани ҳам суйиб қолди, унга фарзандим деб қаради, худонинг бир бандасисан-да, деди. Шунинг учун болани «Худобанда» исми билан атай бошлади.

Ўн иккинчи боб

ХОНЛИҚ ОҚА ХОНАДОНИ

Шундай қилиб, Хонлик оқа Самарқандга келиб қолди. Қўстантияда турк тилида ҳам хўб гапиришини қулжаллоб Караклис таъкидлаб ўтган эди. Одатда бошқа тилни яхши ўрганган одам, ўз тилидан кўра ҳам, ўша ўзлаштирган тилида чиройли гапирадиган бўлади, сўзларни бузиб қўймай деб шошилмай, чертиб-чертиб талаффуз қилади, тил ҳам нозик йўсинда ажабтовур буралиб-буралиб кетади, буларнинг бари эшиттувчига жуда-жуда ёқади. Айниқса аёлларда бу нарса яққолроқ кўзга чали-

нади, калому ибораларга бетакрор бир сеҳр киради, ажабки, бу нарса унчалар кўрку хуснга эга бўлмаган аёлларни ҳам чиройли қилиб юборади.

Қирмизи лўппи юзлари нигоҳни ўзига тортиб оладиган, очик чехрали, тўлачадан келган дўндик қизнинг кўрку чиройда ўксинадиган ери йўқ, Хонлиқ оқани табиат беками кўст қилиб яратган. Лекин... ҳар тўқисда бир айб экан... Буни Садр Сулаймон Самарқандга йўлга чиққанларидан кейин билди. Караклис юнон кизи ҳақида: «Ўзи бениҳоя камгап, камсуқумдир, гапирса бир кунда бир гапиради, бўлмаса йўқ», деган эди. Ушанда самарқандлик бойвачча буни қизнинг одобига, тарбия кўрганлигига йўйди. Одобли жориялар ҳадеб гапиравермайдилар, сўралганда оғиз очадилар, чунки сукут сақлаш кишига кўрк эканлигини яхши биладилар.

Нишопурдан чиққанларининг учинчи куни улар Маври Шоҳижаҳонга етиб келишди. Хонлиқ оқа маофадан бош чиқармай отни етаклаган қулдан секингина сўради:

— Қайси юртга келдик?

Садр Сулаймон кулларини йиғиб-йиғиштириш ғамини чекиб, қочиб кетмасликлари ташвишини қилиб, жориялари билан сўзлашишга интилмади, сирасини айтганда, у чўнтагига солиб қўйган оқчасини ҳамманинг олдида ошкор санайдиганлар тоифасидан эмасди. Хонлиқ оқа қулга савол берганда, бойвачча, иттифоқо шу ерга якин эди, йўғон овозни эшитиб ҳайрон бўлди: «Нечукким, жиловбардор қул журъат кўргизиб ундан, соҳибидан сўз сўрайди? Бу қандоқ беодоб қул экан? Йўртолмас йўл бузар, айтолмас — сўз!..»

— Хой, жиловбардор! — қичқирди Хонлиқ оқа отини етаклаб бораётган қулга Садр Сулаймон, ғазаб билан гапирганидан овози баттар ингичкариб. — Нима деб вайсаяпсен?..

— Мендан сўраяпсизми, соҳиб? — деди йигирма беш ёшлардаги ҳинд қул пинғиллаган овозда.

Бойвачча унинг гапини тушунмади, лекин қизиғи, ҳинд қулнинг овози ҳалиги овозга сира ўхшамасди. Қизиқиши ортган Садр Сулаймон от жиловини Хонлиқ оқа маофаси томон бурди. Юнон кизи соҳибини кўрди-ю, қирмизи юзи баттар олранг касб этди, одоб билан бош эгиб таъзим қилди. Унинг таъзими чиройли эди, бежирим ўралган рўмолдан қочиб қолган бир тутам сочи ўнг

юзига беҳол тушиб турарди. Борлиқ андомидан латофат ёғилиб турган қизни кўрган бойвачча оби оташда қолди. У хозирок карвонсаройга тушиб, қизни бағрига олгиси, айш-ишрат қилгиси келиб кетдию хаёлига эрк берди... Хос хонада озрок нуқли таому қонни қизитадиган фараҳбахш шаробдан сўнг, қизнинг либосларини бирмабир ечмакчи бўлади... Қиз уялиб қўшни хонага чиқиб кетади. Бу баттар бойвачча иштиёғини оширади. Бир оздан кейин эғнига ёлғиз гулгун либос ташлаган хусн афлокининг ёркин ситораси ноз билан бир-бир босиб келади ва унинг тиззасига оҳиста ўтиради. Бойвачча парирўйни қабо ичидан ажратиб олиб...

Шу пайт Хонлиқ оқанинг оти пишқириб юборди ва Садр Сулаймоннинг отига қараб бўйнини чўзиб кела бошлади. Икки от, соҳиблари билан ишлари йўк, пишқирганча бир-бирини искашар эдилар. Ҳинд қул Хонлиқ оқа отини жиловидан қаттиқроқ тортиб юборди шекилли, забонсиз махлук чўчиб, сапчиб кетай деди. Ҳалигача бош эғиб таъзим қилиб, соҳибидан бир сас кутиб турган жория қўрқиб кетди-да, «Вой!» деб қичқириб юборди! Бунинг ҳаммаси бир лаҳзада бўлиб ўтди. Хаёл тизгинини йўқотган бойвачча жаҳл устида жиловбардорининг бошига қамчи солди: «Лапашанг!» Тездан у карвонбошини чақиртирди, Хонлиқ оқа отига бошқа одам тайин қилдирди.

— Қўрқингми, Хонлиқ оқа? — сўради совуққина қилиб бойвачча, у жорияни ҳаддан ташқари севиб қолганини билдиргиси келмас, гўё қошида гўзаллар гўзали эмас, балки карвондаги йигирмата хушбичим чўрилардан бири тургандай тутар эди ўзини. Қандоқ қилиб жорияни севиш мумкин? Бунинг эшитган улус нима дейди? У аслзода бўлса...

Аммо покдомон, олудалиқдан йироқ юнон қизи, гарчи уни ўн минг динорга сотиб олган бўлсалар ҳам, бахосининг бундан баландроқ эканлигини фаҳмлар, ўзини мағрур тутишга, иложининг борича иззат-нафсини ерга урмасликка ҳаракат қиларди. Лекин у жория эди, ҳар қанча уринмасин, тиришмасин, охир-оқибат соҳиби Садр Сулаймон ихтиёридаги бир буюм эканлигига ақли етар, қисматнинг машъум йўлини дил истаган томонга буриб юборишга қурби келмасди. Барини қиз пешонага, тақдирга йўяди. Пешонада бўлмаса, Фессалоники шаҳрида,

Юнонистонда туғилган қизалокни етти ёшида қуллжаллоб Караклиснинг одамлари кўчада ўйнаб юрганда ўғирлаб Қибрис оролига олиб кетишармиди? Отаси фессолоникилик Мирикос деган киши бўлиб, онаси Салжук шаҳрида яшовчи Ҳабиба отлиқ араб аёли эди, қиз юнон билан арабнинг фарзанди эканлигидан, икки табиат, икки эл наслининг дурагай зурёди фавқулудда гўзаллик, кўрк, нафосат тимсолига айланганди. Лекин худди ана шу нарса унинг бошига бало бўлди, Караклис шунинг учун ҳам чиройли қизалокни етти йил давомида Қўстантияда ўзининг чўпқотлариникида тарбия қилдирди. Мирикос билан Ҳабиба жажжи қизчаларидан айрилиб жинни бўлиб қолишмадимикин? Хонлиқ оқа у ёғини билмайди.

— Йўк, кўркмадим! От хуркиб кетди, холос... — деди жория эркакларникига ўхшаган йўғон овоз билан.

Садр Сулаймон анграйиб қолди! Бундан чиқди, халиги овоз қулнинг овози эмас, юнон қизнинг овози экан-да! Ростдан ҳам қизнинг овози дўриллаган, бўйдок бўлган ўсмирнинг овозидай бузук кўринди. Наҳотки, шундай келишган, силлик, юзлари нақшин олмадай сулув қиз ўхшовсиз, ёқимсиз овозда гапирса? Наҳотки, кўрку хусн бобида қизга саховат сандиғини беминнат очиб қўйган табиат овозга қолганда зикналигу хасисликка мисол бўлиб ўлтирса?! Қулжаллоб Караклиснинг юнон қизини кам гапиради дейишида сабаб бор экан-да! Қўстантиянинг ўзидаёқ: «Сен кам гапиришга ўрган, айникса бозорда, харидорнинг олдида сас берма!» деб жорияга уқтиришган бўлса керак, чиндан ҳам Садр Сулаймон хали-хануз юнон қизнинг овозини эшитмаган эди.

Хафсаласи пир бўлган бойвачча Хонлиқ оқага ажабланиб қаради. Юнон қизи ҳам энди тап тортмай ўтли нигоҳини Садр Сулаймонга тикди: мовий кўзлар хорикулодда суратда тип-тиник, мусаффо эдики, бойвачча бир лаҳза ўзини йўқотди, дўриллоқ овоз ҳам хотиридан кўтарилди. Хонлиқ оқанинг юпқа лабларидан майин табассум югуриб ўтди — томонлар бир-бирига ён бермай иккиланиб турганда қизлар ёрдамга чақирадиган бу усул жуда қўл келди — табассум ёз офтоби Тахта Қорача чўкқиларидаги неча йилги қорларни эритгандай, Садр Сулаймоннинг тош бўла бошлаган кўнглини юмшатди. У юнон қизининг мафтуни-махлиёси эди, бамисли Моний чизган монанди йўқ парипайкар суратига ошиқ бўлган

Тайсафун шахзодасидай мухаббатини, туйғусини одамлар ўртасида ошкор ашула қилиб айтишга ҳам тайёр турарди. Лекин Тайсафун шахзодасидан унинг фарқи шу эдики, шахзода суратга — ғойиб жамолга ошиқ бўлганди, бойвачча ёқтирган юнон қизи эса унинг ёнгинасида; шахзода севиб қолганди, бойвачча эса махлиё эди, махлиёлик ҳали мухаббат эмаслигини, афсуски, у тушуна олмасди.

* * *

Садр Сулаймон Самарқандга қайтгач, олиб келган жорияларидан халаблик гўзал араб қизини совға-саломлар билан Амирзода Абдуллага инъом этди. Лекин Хонлиқ оқа тақдири унинг бошини қотирарди. Уйланай деса, мумкин эмас, юнон қизи ғайридинлардан саналади, унинг устига чўри жория. Йўл-йўриқ топмоқ жоиздир, буни фозилу фузалолар топадир...

Пайшанба куни Садр Сулаймон олис сафардан қайтиш муносабати билан чорбоғига меҳмон чақиртирди. У Арк кўчасидаги энг хашаматли ва номдор ховлилардан бирида яшарди. Гарчи бу кўчада Кўксарой, шаҳар казозоларининг кўркем хонадонлари бор бўлса ҳам, биронтаси бойвачча ховлисига тенг келолмасди. Кичиккина маҳалла деса бўладиган ховли кенг эканлигига қарамай шинам кўринади. Ўртада панжарагулчин зинадан чиқадиган баланд ойнаванд нақшин кўшк савлат тўкиб турарди, кунбеткай тушган бир ошёнли, икки ошёнли оқ иморатлар, хоналар ховлига фусун бағишлайди. Ховли ўртасидан ичкарига хиёбон кетган, хиёбоннинг чап томони боғ, ўнгда бўйи ўттиз газ, эни йигирма газ келадиган хавзи арзиз кўзга ташланади, қирғоқлари қўрғошин бу ховуз бағоят антиқа, унда ҳамиша сув лиммо-лим эса-да, сувнинг азбаройи тиниклигидан ховуз таги аниқ кўриниб туради. Ховузнинг тўрт бурчагида тўртта кумуш устун, уларга кумуш халқачалар орқали ипак арконлар тортилган, арконларга ичига ҳаво тўлдирилган чарм кўрпалар боғлаб қўйилган, кунлар исиб кетганда бу кўрпачаларда Садр Сулаймон хордиқ чиқаради, гўё ховузнинг салкин шабадаси канотида учиб юргандай бўлади. Ховуздаги нилуфарлар эса буларнинг барини кўриб, хайратдан кўзларини катта-катта очганча қолишган... Ховуз, айниқса, кечалари чиройли бўлиб кетади, ой нурида ку-

муш устунлар, ипак арконлар, кўрғошин кирғоқлар сирли ва маъюс яраклайди. Буларга ховуздан яна ҳам ичкарироқда, хиёбоннинг ўнг томонида яшнаб турган олтин олма ҳам кўшилади, гап шундаки қуриган дарахт кичик-кичик зарҳал лапшакчалар билан копланган, ердан қулочга сизмас заррин дарахт ўсиб чиққандай туюлади. Яраклаган «олма»лар орасида, ёқутнинг турли хилларидан ясалган олмаларни, масалан, қора-қизғиш ёқути райҳонию сарғиш-кўкиш рангдаги ёқути занжорий, нок барги тусидаги ёқути осий ва яна ёқутнинг зулмоний, сақлий, собуний, алвохий рангларидаги олмаларни учратиш мумкин. Олма шохларига эса митти-митти лаълу забаржад феруза қушчалар қўниб олишган, уларнинг баъзилари қанотларини йиғиб туришар, гўё енгилгина пуф дейилса қулаб тушадигандек алфозда, ўзгалари худди меваларни чўқиётгандай ҳолатда, айримлари эса парвозга шай вазиятда кўзни қувонтиришарди.

Хиёбоннинг чап томонида, боғ этагида кутубхона жойлашган, ёнидаги бир неча бинода китобдор, муҳаррир, рассом, хаттоту саҳхофлар тирикчилик қилишади. Чапроқда иккита катта бостирмага ўхшатиб қурилган уйларида канизу қуллар туришади. Боғ этагидаги уйлар ховлининг асосий қисмидан ажратилган, бу ёқдаги одамлар хиёбон томонга ўтишолмас, улар алоҳида дарвозадан кириб чиқишади.

Хиёбон охирида айвони баланд ганч шарафали баҳаво бинони бутун ховлининг кўрки дейиш мумкин. Бойвачча бу меҳмонхонада замонанинг жуда кўп улуғлари меҳмон бўлганлигини ғурур билан эслайди. Падари бузруквори Мингқутлуғ даврида-ку кимлар келганини яхши билмайди, ҳар қалай, у киши хийла меҳмондўсту одамлар эдилар, аммо ўзи чорлаган кишилар ичида Моваруннаҳр ҳукмдори Амир Қозоғон, Амирзода Абдулла, Ҳисори шодмон амири Баён сулдуз, Шаҳрисабз амири Ҳожи барлос, Темурбек, Хўжанд хокими Амир Боязид жалойир, Жета хони Туғлуқ Темурхонлар бор.

Хонадон соҳиби меҳмонларни дарвоза олдида кутиб ола бошлади. Биринчи бўлиб Самарқанд қозиси Қавомиддин қозикалон жаноблари ташриф буюрди:

— Зиёратлари қабул бўлсин! — деди Қавомиддин қози бойвачча билан қучоқлашиб кўришар экан. У гапи-

да «илло» сўзини кўп ишлатарди. — Илло... қабул бўлмай! Бўлмай!.. Хе-хе-хе!

Бўйи ўртадан баландроқ, миқтидан келган Қавомиддин қози ўта жоҳил, қонундан бошқани тан олмайдиган дағал бир одам эди. Улар бойвачча билан қурдош эдилар, сирдошликлари ҳам йўқ эмасди, аммо бу сирдошлик кемага тушиб қолган, мажбуран бир-бирига боғланган икки одамнинг муносабатидан фарқ қилмасди, бундай одамлар кема кўзланган манзилга боргач, ҳеч оғринмай-нетмай ажралиб кетишаверади. Уларни муҳит, эгаллаган мавқе, мансаб бирлаштирганди, агар биронтаси мавқеидан ажралса, эртасига уни танимай қолишлари ҳам мумкин. Кучоклашиб кўришганларига назар қилган одам, ўзаро муносабатлари коса тагида нимкоса борлигини пайқай олмасди, аксинча, улар ўртасида тиллоий аҳмарга тенг дўстлик бор экан, дерди ҳавас билан.

— Муродингиз ҳосил! Иншоолло! Бизнинг нима гуноҳимиз борки, зиёратимиз қабул бўлмайди, Қавомиддин дўстим? — Садр Сулаймон қозикалонга лутф қилди. — Шукрким, ноҳақдан бурнимиз қонаса, тарафимизни оладирғон биродаримиз ёнимизда!

Иккиси кулиб юбордилар. Қавомиддиннинг жеркигандай хунук кулгуси билан Садр Сулаймоннинг ингичка, ўткир овози бир-бирига қовушмай ажралиб турарди. Лутф қозикалонга ёкиб тушди. У энгашиб бойвачча қулоғига шивирлади:

— Аммо, бир гап-да... ҳокимимиз Амирзода Абдулла думбул эканлар... Шаҳарнинг аъёну акобирлари, фозилу фузалолари норизо бўлишмакда... илло... хе-хе-хе! — Қавомиддин қози яна ҳам сирли деди. — Энди... бизга айтишади-да... Келгинди, шаҳарни билмайди, дейишади...

— Шундоқми? — хайрон қолган бўлди бойвачча.

— Сиз яқин биродаримсиз, ҳам ҳокимга атка ўрнидасиз... Билиб қўйинг, деб айтаётирмен.

Садр Сулаймон ёмон нарсани босиб олгандай ижирганди, аммо сездирмади.

— Илло... Самарқанд ҳокимлиги сизники эди! — давом қилди қозикалон. — Ҳа! Мен лозим кўрилган ўринда айтмакдамен, айтамен ҳам! Инчунин...

— Хай-хай! — уни тўхтатди бойвачча, бу гапдан саратонда музни ушлаб олгандай сесканиб. — Зинҳор

бундай дея кўрманг! Зинҳор! Бу гап ҳукмдор Амир Қозогон қулоғига етиб борса, не деган одам бўламен? Демак, Садр Сулаймон жўралари орқали ушмундок гап чиқарибдур, бас, ҳокимликдан умидвор экан-да, демай-дирму? Сиз мени, нима, хонавайрон қилмоқчимусиз?

— Нечун? Бу кўпчилик, эл-улус хохиши...

— Қуллук! Минг қуллук! Бу хусусда ҳокимни ўз ўрнида қўйинг, фақирни ўз ўрнида! Ҳа, ҳа, ўз ўрнида! Билъакс, бундоқ фасод гаплар чиқса, сиз адлу инсоф тарозисининг бошидасиз, тухмини қуритинг! Қуритинг! Қараб турманг, ҳа!

Садр Сулаймон қизишиб кетганлигини сезди. Унинг қозикалон жанобларини бугун меҳмонга чақиришидан мақсади беҳуда жанжаллашиш эмас, балки Хонлик оқа масаласида ҳамфикр, ҳаммаслик топиш эди, қуйканаклик орқасида ишни бузиб қўйиш мумкин. Нафсиламрини айтганда-ку, Самарқандга ҳоким бўлиш бойвачча юрагининг тубига кўмилган эзгу орзу, Қавомиддин қози билбми, билмайми, ўша орзу катини очиб юборди. Йўқ, жуда эҳтиёткорлик кўргизиб иш юритмак даркор.

Тахт, ҳокимият қуёшга ўхшаб кетади, ҳаммага баробар нур сочади-ю, лекин ҳаммани ҳам баробар иситмайди, ул қуёшни оламан, деб чўзилган қўлларга эса ҳаётбахш нурлар найза бўлиб санчиладир...

— Таксир, сиз қозикалонсиз, — атай ҳурматини жойига қўйиб деди бойвачча. — Тўғри фахмларсиз, деб ўйлаймен. Мен меҳрингизни, фақир учун чекаётган ташвишингизни англадим. Бари учун қуллук, алқисса...

Садр Сулаймон қозининг тирсагидан ушлаб хавзи арзиз бўйига бошлади:

— Ўзларига бошқа бир йўсинда кенгаш солмакчидим...

— Бажону дил. Қандоқ кенгаш экан? — Қавомиддин қози ҳам изнсиз гапларни айтиб юборганидан хижолатда эди. У бойвачча мамлакатнинг нуфузли шахсларидан бирига айланиб қолганини билар, ичида буни кўролмас, лекин ҳисоблашишга мажбур эди.

— Жанобингиз Нишопурдан канизу қуллар олиб келдим. Зеро теварак қишлоқларда борлиқ зироту экинзорлар қаровсиз ётибди... Андоқки, бозорда юриб бир канизакни кўрдим... — гапни мақсадга бура бошлади бойвачча.

— Канизак?

— Ажабки, харид этганимни сезмай колдим...

— Харид этсангиз... нимаси ёмон? — сўради қози хайрон.

— Ахир ул ожиза ғайридинлардандур... — хижолат бўлиб деди бойвачча.

— Подшонинг ишки қурбакага тушибдир... Хе-хе-хе! — Арра овозига ўхшаган кулгуси эшитилди қозининг.

— Борингки, андоқ ҳам бўлсин... — тан олди Садр Сулаймон. — Эшитган эдимки, бир оқилу покдомон шайх, отини Санъон дедилар, ғайридин ожизани ёқтириб қолибдур, вале ожиза унга боқмас эмиш. Шайх тасбехини отибди, дасторини чувалатиб ожиза йўлига ёзибдирки, ул зорим ўтармукин деб... Охири хор-зор бўлибдур... Ишқ уни Мажнун холига туширибдур...

— О, динини сотган! — деди Кавомиддин. — Менинг илгимга тушмабдир! Илло, оёрига тахтакач солиб, товонини қип-кизил жиш бўлгунча савалатардим, токим ўзгаларга ҳам сабоқ бўлгай!

— Таксирим! — деди бойвачча жунбушга келаётган қози сўзини кесиб. — Сиздан худди шу маънода ҳам кенгаш, ҳам кўмак сўрайдурмен...

— Хўш?.. — синчков тикилди Кавомиддин, лекин бойвачча кўзини опқоча бошлади.

— Сиз нима дер экансиз, мен... — дудукланди Садр Сулаймон.

— Нахотки... — деди қози бир нимани англагандай бўлиб. — Илло... Тўхтанг... сиз ўша ғайридин жорияни ёқтириб колган бўлманг? Шайтон йўлдан оздириб... А?.. Оздирдиму? А?..

Бойваччанинг тан олишдан бошқа иложи қолмади:

— Худо битта бўлса... сиз ҳақ гапни дедингиз.... оздирди...

— Ё фалак... Ўйламак лозим бўлур...

— Шариатни хўб биласиз, таксир! — деди Садр Сулаймон. — Бирон йўл топиб берасиз-да! Кўмак деганим шул эди... Шайхулислом олдида биз тарафга ён босасиз-да...

— Шайхулислом? Ҳали у киши ҳам келадирму? Нечун даркор эди у дароз бўйлик? Кўрсам хитим чиқадур. Астафурилло! Хар каломида: «Одилу оқил бўлмак лозим! Улусни алдаш гуноҳ!..» деган гаплар...

— Сизнинг ризкингиз билан ул кишининг ризклари бирми, Қавомиддин?.. Айтгандай, ўзларига бир жория тухфа этмак ниятимиз ҳам йўқ эмас... Жория ҳам ёш, диркилаган... Нақ шайтонни йўлдан урудур... — бойвачча кўзини бир қис иб кўйди.

— Инчунин... инчунин... — жория хабарини эшитиб хурсандчиликдан гапини йўқотди Самарқанд қозиси. — Сиздек қадами пок бойваччалар шахримизнинг, улусимизнинг фахри ила кўркидур... Илло, кўмак ҳам берурмиз, кенгаш ҳам бўлғай... Хе-хе-хе!

— Куллук! Минг куллук! — бойвачча меҳмонхона олдида бир кўлида офтоба, бир кўлида сочик меҳмон кутаётган Жаммазабонга ишора қилди: — Чаққон қимирла! Қози калон жанобларининг кўлларига сув қуй, ичкарига олиб кир!

— Хўп бўлади!

Йигирма ёшлардаги хипчагина Жаммазабон йўргалаб келиб қозини меҳмонхона томон бошлаб кетди.

Садр Сулаймон дарвозага қараб йўналган ҳам эдики, кимнингдир томоқ киргани эшитилди. У ҳалигина қози «дароз бўйлик» деб ёқинқирамайроқ гапирган, шайхулислом Абулворис Самарқандий эди. Шайхулислом ростдан ҳам баланд бўйли, жиддий, чўзинчоқ юзли одам бўлиб, чўққи соқоли юзини яна ҳам чўзиб юборгандек туюлади. Саллани катта ўрар, қандай ўралишига аҳамият берар, узун бармоқларида доим тасбех айланарди.

— Хуш кўрдик, таксир! — деб қарши олди шайхулисломни бойвачча.

— Сафарлар беҳатар ўтдим, иншоолло! — деди Абулворис Самарқандий. У қирқларда бўлса ҳам, ёши катта кўринарди.

— Ахир кетарда ўзлари фатво бериб қолдилар, йўлимиз очилиб кетди... шукроналар ила қайтдик... — бойвачча ҳовлига кирганларидан сўнг давом этди. — Шахримизда тинчлик, дорилмонликми? Қайда дорилмонлик йўқ, ул ерда барака йўқ эмиш...

— Дорилмонлик... ха... — деди ўйланиб шайхулислом. — Қаерда экан ул дорилмонлик?..

Садр Сулаймон шайхулисломнинг киноясини тушунмади.

— Таксир, сўзларингизни сал англамайроқ турибмен...

— Ха, энди... — Абулворис Самаркандий жилмайган бўлди. — Дориломонликми, дейсиз... Дориломонлик фақат бир жойда, нариги дунёга бўлур! Бандаси бор жойда дориломонлик не қилсун?

Бойвачча шайхулислом нимадандир ранжиган, деган хаёлга борди.

— Сизга биров озор берганга ўхшайди... — деди бойвачча. — Ёки рўзфорингизда нотинчликми, тақсир?..

Улар ховуз бўйига келиб тўхтадилар. Шайхулислом бир лаҳза лиммо-лим шаффоф ховузни томоша қилди.

— Асло, хонадонимиз тинч, шукр оллога! Лекин улус...

— Ие? Улуста не бўлибдур? Улус безовтами? Амир Қозоғон адолат пешадир, унинг ўғли Амирзода Абдулла Самарқандда адолат устунидир! Мамлакатнинг янги ҳукмдори улус бошини силамагига ишонамен. Холис бўлмоқ лозимдир, холис!

— Менинг сўзларим, айнан холислик юзасидан бўлаётир, бойвачча! Бешак, ҳукмдор улус бошини силамаги лозим. Лекин... — Шайхулислом сўзларида энди захарханда оҳанглари аниқ сезила бошлади. — Лекин улусни мушти билан силаган ҳукмдорнинг холи вой...

— Нечун бу сўзларга хожат бор экан, тақсир, англамайдурмен... — деди Садр Сулаймон.

— Хожат бор, — қатъий деди Абулворис Самарқандий. — Аслида-ку, бу нарса жаъми ҳукмдорларга хос. Амир Қозоғон ҳам мустасно эмас... Ҳукмдор тахтга миндими, мамлакат улугларини, фозилу фузалоларини тахт атрофига жам этмоғи ва бу кишиларнинг ақл-идроки, саъй-ҳаракати, шижоатини юрт фаровонлиги йўлига бурмоғи лозим...

— Сўзларингиз ҳақдир, тақсир... — бойвачча тезроқ меҳмонни ичкарига олиб киришга ошиқди... — Оёқда кўп туриб қолдилар... Жамма!

Дуркун хизматкорнинг йўрғалаб келаётганини кўрган шайхулислом гапларининг бойваччага унчалар ёқинқи-рамаганини сизди, у энди гапни бошлаган, ҳали асл мақсадини айтиб улгурмаганди, у кенгликка чиқиб энди чопа бошлаган тулпордай бирдан тўхташи кийин ҳолда эди, камон тортилган, ўқнинг олдида отилмоқдан ўзга йўл йўқ... Бас, шайхулислом ўйлаган гапини айтиб тугатишга қарор қилди:

— Бизда қандай ҳол юз бермакда? Юртнинг бечора улуғлари қувғину мискинликда, йиллар давомида элу миллат кўрки бўлиб келган фозилларнинг обрўи қаро ерга тенг...

— Йўғ-е! Йўғ-е! — деди бойвачча.

— Сув келтирганлар, хору, кўза синдирганлар азия бугун, бойвачча! Ҳа! Ҳа!..

— Нималар деяпсиз, тақсир?

— Битта қўшимиз бор-ку... «Қайси дардингни айтиб йиғлай, амакиваччам, жигарим!» деган сўзлари бор. Юртимиз, афсус, ўшанинг ҳолига тушди...

— Қўлларини тутсинлар, тақсир! — дер эди дамбадам Жаммазабон. — Ювиб олсинлар, шайх буво!

— Шайх Нуриддин Халилуллох, тўғри сўз, аччиқ тил эрканликлари сабабли ҳукмдор марҳаматидан мосуво бўлди... Шундоқ юртнинг, миллатнинг саромади, фозиллар фозили, оқиллар оқили! — Абулворис Самарқандий алам билан гапирарди.

Шайх Нуриддин Халилуллох, етмишларга борган, Самарқанднинг обрўли, эътиборли кишиларидан эди, у бугунни эртанги кун тарозисига қўйиб чамалай олар, улус ғамини еб, дилидагини яширмай шартта тилига чиқарадиганлар тоифасига кирарди. Садр Сулаймон шайх номини эшитиб, кўнгли хира тортди. Шу пайт отаси Мингкутлуғнинг Шайх Нуриддин Халилуллохдан нолиб гапирганлари ёдига тушди. «Бундоқ кишилар, — деганди падари бузруквори ўшанда, — Эл тархини бузадир, улардан нари бўлмоқ керак...»

— Афсуски, ул зотни шаҳардан чет кишлоққа сургун қилдилар, у кишининг шаҳар заминидаги иқомоти қатогон бўлди... — Шайхулислом, бойвачча бу хабарни қандай кутиб олар экан, деб ўзгариш сезмади. — Ахир Шайх Нуриддин Халилуллохдек бир фозил инсоннинг вояга етмаги учун йиллар керак бўлур, аммо уни қаро ерга тенг қилмак учун лаҳза ҳам кифоя қилар экан. Қадрига ким етадир? Водариг!

Садр Сулаймон Абулворис Самарқандийдан «дориломонлиқми?» деб сўраганига ҳам пушаймон бўлди, шунча гап тилаб олди. Нохуш суҳбатни қандай тўхтатишни билмай турганда, мадраса мударриси Хожа Лутфуллох ва Жомеъ масжиди имоми Қутбиддинлар келиб қолишиб, унинг мустар жонига ора кирдилар. Кичик жусса-

ли, қора пахмоқ соқолли Хожа Лутфуллоҳ яқиндагина мадраса мударрислигига тайин этилган, бу бойвачча шижоати билан боғлиқ эди. У билими пухта, аммо юмшоқ феъл бўлганидан эгилувчан-букилувчанлиги бор, тазйик остида ўз фикру эътиқодидан чекиниб кетаверарди. Ўрта бўйли, котмадан келган, ўттиз беш ёшлардаги Қутбиддин уч йилдирки, Жомеъ масжиди имомлиги вазифасини адо этар, тез-тез бидирлаб гапириш одати борлигидан, «бидирлоқ имом» дейишарди оркаворатдан.

— О... олис эллар сафари ўзларига бисёр хуш келибдур, табдили хаво ёқибдур, бойвачча! — Хожа Лутфуллоҳ қучоқ очиб келиб кўришаркан. — Ҳа, ха... Бари яхшиликка, кори хайрга ярасин, иншоолло!

— Мусофир бўлмагунча, мусулмон бўлмайсен, мусулмон бўлмайсен! — деди Қутбиддин. — Зиёратингизни олло-таоло ўз даргоҳида қабул этсин, ўз даргоҳида қабул этсин! Омин, оллоху акбар!

Сухбат тўхтаб қолганлигидан фойдаланиб Абулворис Самарқандий қўл ювишга тутинди. Мударрис ва имом ҳам шундай килдилар.

Улар меҳмонхонага кириб бордилар. Бўйига қирк газ, энига ўттиз газ келадиган баҳаво меҳмонхона пойдевори баланд қилиб солингани, ховлига қараган деразалари катта-катта эканлигидан жуда маҳобатли кўринар, киши ўзини тўрт девор ичида эмас, балки баланд хушманзара тепалиқда, кўкаламзор сайхонликда ўлтиргандай сезарди. Нимтатир мовий деворларга чизилган нофармон, кизил, оқ гуллар чаманзорни эслатар, нафис нилийранг дарпардалар нигоҳларни эркалаб, кўнгилда аллақандай нозик туйғулар уйғотарди. Хаво очиқ кунларида хатто девору дарпардалар ҳам билинмай, меҳмонхона гўё борлиқ бағрига сингиб кетгандай туюларди.

Меҳмонлар кириб борганларида қозикалонни ичкаридаги энг чекка деразадан ташқарига, олисдаги Зарафшон тоғларига тикилиб турган ҳолда учратдилар.

— Ассалому алайкум, қозикалон жаноблари! — деди Хожа Лутфуллоҳ овозини бир парда кўтариб.

Қавомиддин қози кириб келаётганларнинг ким эканликларини аввалдан билса-да, ўзини атайин билмаганга олди, гўё салом берганини яхшироқ кўриш учун эшик томон юрди. Бу орада шайхулислом билан мударрис,

котмадан келган имом узун-киска бўлишиб хонанинг ярмига бориб қолишди.

— Ана, ана! Ахли диннинг устуни, шариатнинг пешвоси шайхулислом хазратлари-ку! — қувониб деди қози. — Ие! Ие! Кўнгил бағоят ёришди, бағоят! Бугун эрталаб нечукким хушлик тушлар кўрдим, десам, боиси, ўзлари билан дийдорлашув экан... Хе-хе-хе!

Қавомиддин микти гавдасини силкитиб кулар экан, ўзини самимий кўргизишга уринди. Аммо шайхулислом козикалоннинг сўзларидан тортиб, ҳаракатларигача ясама мулозамат сизди. Бунинг сабабини шайхулислом яхши англайди: Қавомиддин кўпдан унинг ўрнига кўз тиккан, у шайхулисломнинг мартабаси ўзиникидан юқорироқ эканлигини кўра олмасди, ахир саройдаги қабул маросимларида Абулворис Самарқандий хоннинг ўнг томонида ёнмаён ўлтиради, козикалон эса анчагина қуйида...

— Қуллуқ! Қуллуқ! — деди шайхулислом.

Меҳмонлар бир-бирлари билан кўришиб бўлишгач, Садр Сулаймон барчани дастурхонга таклиф қилди.

Тўрда катта хонтахта атрофига атлас тўшаклар солинган, парқув ёстиқлар, менга ёнбошла, хордиқ оласан, дегандай сирли имларди. Хонтахта турли ноз-неъматлар билан безатилган, ўртада катта заррин баркашда нақ етти иқлим мевасини кўриш мумкин. Баркаш шунчаки зийнатга қўйилган, ейиш учун эса мевалар ҳар кишига алоҳида-алоҳида лаганчаларда берилар, ёнида пўчок ва нишхўрд солишга шиша тоғорачалар турарди. Ҳар меҳмон олдида ликопчаларда меваларни арчишга жажжи пичоқчалар қўйилган.

— Бай-бай, жаннатдан келганми а, бу шафтоли? Шираси томоғингни олади-я! — деди мударрис.

— Шафтоли-ку дорилфано меваси, аммо мана буни си тўғри жаннатдан чиққан, жаннатдан чиққан! — бидирлади Қутбиддин пўртахолнинг пўчоғини ажратиб шиша тоғорачага солар экан.

— Жаннатдан қайси мева чиққанини билмас экансизлар, яхши билиб олмоқ лозим, — гапга кўшилди иштаха билан қора анжир еяётган шайхулислом. — Анжир жаннат дарахтидир, ахир Одам Ота билан Момо Ҳаво онамиз ҳам бир-бирлари билан анжир тагида учрашганлар!

Ҳамма марокланиб кулди. Мевалар еб бўлинди. Садр Сулаймон ишораси билан Жаммазабон кириб келди-да,

лаганча, ликопчаю пичоқчаларни, шиша тоғорачаларни йиғиштириб олди. Сўнгра бир ғулом кўзада сув қуйиб турди, меҳмонлар шира қўлларини ювдилар. Бир оздан кейин Жаммазабон чарм дастурхонга ўралган катта лаган олиб кирди. Дастурхонни ёзган эдилар, ажойиб бир манзарани гувоҳи бўлдилар: катта фағфурий лаган ғаров қопқоқ билан зич ёпилган, устига мисрий ипак мато ташланган, атрофига кичик-кичик сочиклар терилган... Манзаранинг чиройлидигидан кишининг теккиси келмасди. Бойвачча охиста қопқокни олди. Лагандан қуюк буғ кўтарилди, меҳмонлар кўз олдини бир лахза парда тўсгандай бўлди. Шайхулислом ҳам, кози ҳам, имом ҳам, мударрис ҳам бундоқ таом усулини хали-хануз кўрмаган эдилар. Лаганда буғда пиширилган каклик гўшти бўлиб, Қавомиддин ичида йигирмадан ортик каклик санади. Таомга солинган кўкатлар хуш бўй таратар, айниқса зиранинг ўткир хиди иштаҳани баттар оширарди. Биринчи бўлиб лаганга шайхулислом Абулворис Самарқандий қўл узатди.

— Какликдан ортик гўшти хуштаъм илвасин бўлмас эмиш-да оламда!.. — Хожа Лутфуллоҳ семиз бир какликнинг этидан ушатиб оғзига солди. — Бай-бай! Мана буни жаннат қушининг гўшти деса бўлади! Оғзингга олишинг билан эриб кетади-я! Ажаб...

Қавомиддин, гап билгунча иш бил, дегандай ейиш билан банд эди. Имом ҳам шу тутумни тутди. Таомларнинг кети узилмасди.

— Сабзаворда сарбадорлар давлати қарор топмишдир, — деди бойвачча.

— Подшоси ким экан? — сўради шайхулислом.

— Хожа Али Шамсиддин Чашмий эмиш... Унга мамлакат тахтини берганларида у рад этибдур: «Мен бир дарвиш банда эсам, гўшанишин зот, дунёнинг тўртдан бирини банд айлаган султонликни бошқаришга факирга йўл бўлсин!» — Бойвачча бир оз тўхтади. Хамма қизиқиб қолди. — Нишопурда хамма ўшанинг зикрини қилдур. Эмишки, замон султони Туға Темурхон билан сулх тузибдур. Ўн саккиз минг кишига маош тайин қилибдир. Райият аҳволини енгиллатибдир. Сабзаворда бир омборхона бино айлабдирки, туя устидаги юки билан унинг томига чикса кўтарар эмиш... Жибохонасида ўзи учун хар куни беш юз жиба яроғ мукамал турар эмиш...

— Қандок одам эмиш ўзи? — кизиқди Қутбиддин.

— Жуда камтар одам, дедилар. Султонлигига қарамай, одми кийинар экан. Ёнига икки кишини олиб ўзи кўча-куйларда юрармиш, етим-есирлар билан кўришиб сўйлашармиш...

Садр Сулаймон самимий сўзларди.

— Ҳақиқий султон экандир... — тан берди шайхулислом. — Мовароуннаҳрга ҳам андоқ бир хоким лозимдир!

— Нечук бундоқ илмокли сўзлар? — деди бирдан Қавомиддин. — Илло... Мовароуннаҳр хокимига нима қилибдир?

— Жаноблари, албатта, мендан Мовароуннаҳр ҳукмдори андоқдир, Мовароуннаҳр ҳукмдори мундоқдир, деган сўзлар кутмақдасиз... — истехзо билан жавоб берди Абулворис Самарқандий. — Ўзингизни беҳуда уринтирманг... Ундоқ бўлмайди!

— Бас, ундоқ бўлмас экан, у ҳолда юкоридаги қаломларга не ҳожат бор, тақсир? — сўради яна кози.

— Ҳожат бор! — Шайхулислом қатъий деди. — Мамлакат хароб бўлганини нахотки кўрмасангиз? Самарқандни ўзини олинг, ўғри оралаган кулбадан не фарқи бор?

— Даргумон гаплардан сўйламанг! Сиздай улуғ зот, кимсан, Абулворис Самарқандий шайхулислом, хокимининг ўнг томонида ўлтириб, чаппа гаплардан сўзлайдирмусиз? Инсофданмукин?

— Қозикалон жаноблари, ҳамма инсофдан сўзласа ҳам сиз сўзламангиз! Кўриб ер ёрилмайду, мен ерга қирмайдумен... Водариғ!

Шу пайтгача таом ейиш билан машғул бўлиб, гапга аралашмай турган мударрис Хожа Лутфуллох:

— Ҳай! Ҳай! — деб юборди. — Сиз ёшсиз, Қавомиддин, бир гапдан қолинг! Сиз улуғсиз, шайтонга ҳай беринг, шайхулислом ҳазратлари!

Хожа Лутфуллох эҳтиёткор одам бўлганидан умуман бундоқ баҳсларга қўшилмас, баҳс тугагач, қайси томон фикри устун келса: «Ўзим ҳам ўйловдим, шундай деб...» дея шу томоннинг ёнини оларди. Шунинг учун ҳам доим, бошқалар нима деркин, қани кутиб турайликчи, қабалида иш юритарди.

— Жанжал бор жойдан барака кўтарилур, барака кўтарилур! — қўшилди имом.

— Качон тўғри айтдингу тукқанингга ёқдинг!.. — деди афсуслангандек шайхулисом. — Ҳамиша оғзингга урадилар...

— Сиз урмайдиган қилиб сўзланг! Қонун бор, шариат бор...

— Таксир! — кинояли жилмаяркан деди шайхулисом, қозига қараб. — Сиз қонун билан шариатни пеш қилмангиз! Мен уларни сиздан ўн қовун пишиғи олдин ўқиб-ўрганишни бошлаганмен ва бул хусусда жуда кўпларга сабоқ бермоғим мумкиндир, хотиржам бўлсунлар!..

— Камроқ ўқибдилар-да, камроқ ўқибдилар... — ён бергиси келмай деди Қавомиддин.

Баҳс Садр Сулаймонни ташвишга солиб қўйди. Бойвачча давлату замон, юрт ҳукмдори ҳақида самарасиз мубоҳаса юритишни ёмон кўрар, бирон ерда шундай гап чиқди дегунча, уни ёпишга ҳаракат қиларди. Бойваччанинг бугунги меҳмондорчиликдан мақсади Хонлиқ оқа фатвосини олишдир, шу холос. У баҳс кучини кесиш мақсадида бундай деди:

— Мен иккингишни ҳам ўзимнинг ҳамфикр дўстларим, оғаларим деб билурмен. Наҳотки, мендек биродарларингизга ёмонликни раво кўрсангиз?

— Йўғ-е, нима деяпсиз? — деб юборди қози, бойваччанинг бир жория тухфа қилгум бор, деган гапи эсида қоим турарди.

— Сизга совуқ сувни ҳам раво кўрмаймен... — деди самимий шайхулисом.

— Менинг хонумонимни созуриш фикри йўқ бўлса керак, деб ўйлаймен...

— Эса-чи!

— Шак йўк! Шак йўк!

— Бўлмаса, уйимда ўтириб, туз-намагимни еб, юрт ҳукмдори ҳақида ҳар хил тайинсиз гаплар дейишга журъат этарму эдингиз? Нима дедингиз, Қавомиддин? — Бойвачча, қозининг Самарқанд ҳокими ўзингиз бўлишингиз керак, деган гапига ишора қилди. — Бу гапларингиз қанот боғлаб қайларгадир етиб борса не бўлур?

— Етиб ҳам борадир, сўзларингиз ҳақ... — ўз-ўзига айтгандай деди Абулворис Самарқандий.

— Ким етказадир? — деди жаҳл билан қози. — Мен ўшанинг оёғига тахтакач боғлаб...

— Азиэлар! Тоғларда эркин сакраб юрган каклик гўштидан тотиб ҳаволаб кетдингиз дейман! Сал ерга тушайлик! — Садр Сулаймон меҳмонларни қўшни хонага таклиф қилди. — Иликларни ювиб олайлик, шираси кетсин.

— Иликлардан шира, кўнгиллардан хира кетсин, аммо суҳбатдан сира шира кетмасин! Қих-қих-қих!.. — деди Хожа Лутфуллох, таранг даврага кулгу аралаштириш ниятида.

Қўшни хонада уларни ҳар бири елкасига мисрий сочик ташлаган ғуломлар кутиб туришарди. Меҳмонлар махсус идишларда қўлларини ювдилар-да, сочикка артиб, хушбўй сувдан сепиб олдилар.

Хожа Лутфуллох кун оғиб қолганини сезди, деразадан Арк кўчаси оша Чорсу майдони тарафга каради, майдоннинг нариги томонида Наддофлар билан Кулоллар кўчалари ўртасида жойлашган карвонсаройнинг баланд пештоқи кечки офтоб ёлқинида ялтирар эди.

— Аср намози казо бўлмасин тагин! — деди мударрис. Ҳамма хонтахта тўрисида намоз ўқишга турдилар.

Дастурхон ёнига қайтишгач, бойвачча қўшни хонадаги мутрибларни чорлади. Пойгакдаги кўрпачаларга тиз чўккан мутриблар «Уззол» куйини чала бошладилар. Кейин «Бўғмача билагим» деган куйга навбат келди.

— Бу қандай куй экан? — сўради Хожа Лутфуллох куйдан таъсирланиб. — Танишга ўхшайди-ку ўзи...

— «Бўғмача билагим», тақсир! — деди Абулворис Самарқандий ҳам мусиқа таъсиридан кўнгли увалиб.

— Мусиқа эмас, роҳат десангиз-чи! Роҳат десангиз-чи! — мактади имом.

Кавомиддин шайхулисломнинг гапига қўшимча қилмоқчи, шунинг билан улар ўртасидаги хирачиликдан асар ҳам қолмаганини кўрсатмоқчи бўлди:

— Шайхулислом жаноблари, «Бўғмача билагим» дейсиз. Илло... ўзи бўғмача бўлсаям, ошиқ диллар тугунини ечиб юборди-да, нақ, а, лаббай, бойвачча?

Бойвачча юзларига хижиллик сояси югурди, ичида: «Хайрият, бугунги анжуман мақсадга юз бурди», деб қувонди ва қозига мамнун назар ташлади:

— Ишқилиб, озрок яйраб сафо этсангизлар, дейман-да...

— Муҳаббат бир ажойиб табиат тухфаси экан, —

деди яна Қавомиддин. — Тохир ва Зухрони олинг, ёки Вомику Узрони! Алпомишу Барчинни, ё Лайли ва Мажнунни! Хар бир достон, қисса, сўйласангиз, Шахризода эртаклари ҳам бир четда қолиб кетади.

Шайхулислом Қавомиддиндай диндор одамнинг кутилмаганда муҳаббат ҳақида бундок ёйилиб гапиришидан хайратга тушди ва синаб кўриш мақсадида деди:

— Қозикалон жаноблари! Муҳаббат ҳақида сўз юритдилар...

— Шундок, тақсир, шундок...

— Муҳаббатни ажойиб табиат тухфаси дедилар...

— Дедим, дедим...

— Тохиру Зухро, Вомику Узродан сўз очдилар, Алпомишу Барчин, Лайлию Мажнунлар ҳам қолмади... Аммо, бир нарса хаёлингиздан фаромуш бўлибдур...

— Нима экан? — сўради тобора таажжуби ортиб. — Десинлар, илло...

Муғанний «Шашмақом» дан кўшиқ айтар, Хожа Лутфуллох билан имом Қутбиддин, суҳбатнинг оқими қаёққа борар экан, деб қизиқиб қолишганди. Шайхулислом синовни давом этдирди:

— Ахир муҳаббат, оламда фақат бир сиймога қаратилмоғи зарурдир, яъни яратганнинг жамолига, ҳақнинг жамолига! Сиз шу нарсани ёддан чиқардингиз, билъакс, Тохир-Зухролар муҳаббатига алмаштирдингиз!.. — Шайхулислом атай қаттиқроқ гапирди.

— Ажаб, ажаб... — деб кўйди Хожа Лутфуллох.

Қавомиддин кутилмаган хужумдан сал эсанкиради, аммо тездан ўзини қўлга олди. У ҳақнинг жамоли ва муҳаббат ҳақидаги мунозарали фикрларни англаб етади, бунга муносиб жавоб ҳам тайёрдир, фақат бир нарсага тушунолмай турибди: шайхулислом ҳазил қиладирму ё жиддий гапирадирму?

— Шайхулислом ҳазратлари, фақирни имтихон кўзгусига солиб кўрмақдурларму дейман? Фикҳу шарият илмини биздан ўн қовун пишпағи илгари билганликларини намойиш этмакчилар шекилли! Хе-хе-хе! — Қавомиддиннинг ясама кулгуси янгради. — Тақсир! Ҳақнинг жамоли ҳамиша дилимиздадир, агар бир гул кўрк очса, ҳақнинг жамоли аён бўлгани шулдир. Алалхусус, Вомиқ Узрони хуш кўрса, билингким, анинг латофатида ҳақнинг жамолидан шуълалар борлигидандир...

— Андок денг? — шайхулислом кинояли сўради. — Агар сиз Мансур Халлож замонида кун кечирганингизда... дордан қочиб қутулолмас эдингиз!

— Таксир! — Қавомиддин баҳсни бошқа изга қўчириш ниятида деди. — Яқинда Қасри Хиндувон қишлоғини зиёрат этдим, у ерда шайх Баҳоваддин Нақшбандий истиқомат қиладурлар... Бир таноб ери бор, экин-зироат билан ҳам машғул эркандир...

— Ажаб, ажаб... — деди Хожа Лутфуллох. — Машхури офок ул зот...

— О, Баҳоваддин балогардон пирим! — деб юборди Қутбиддин. — Ул зотни зиёрат этмак ҳаж савобига тенгдир!

— Ул зот ҳам ҳақ жамоли деб, худо деб қўл қовуштириб ўлтирмайлик, уни дилга жо этиб, тирикчиликдан қолмайлик, деб таълим берадилар. «Дил ба ёру даст ба кор», у кишининг каломларидир. Яъни дилимизни муҳаббатга берайлик, қўлимизни ишга юборайлик. Илло, муҳаббат ҳам бундан мустасно эмасдир...

Қавомиддин хисобни тўғри олган эди, баҳс бошқа изга қўчибгина қолмасдан, энг мухими, қози учун керакли йўлга тушди. Гап шундаки, Абулворис Самарқандий Баҳоваддин Нақшбандийнинг муридларидан эди, шайхнинг тарикати унинг интилишларига, қарашларига мос келарди. Самарқанд шайхулисломи кўз ўнгида қўллари бақувват, юзлари офтобда пишган қорамағиз юзли чайир киши намоён бўлди, гарчи ёши Абулворис Самарқандийникидан кичик эса-да, шайхулислом шайхни пир тутарди. Пирларнинг эса кекса ёши бўлмайди.

— Жаноблари шайх Баҳоваддин Нақшбандийнинг бунчалар яхши билишларидан беҳабар эканмен... — Сидқидил тан олди шайхулислом.

— Ажаб, ажаб... — қўшилди орага Хожа Лутфуллох.

Садр Сулаймон шайхулислом билан қози ўртасида чиққан янги баҳсдан яна кўнгли хижил бўлди.

— Таксир! — деди у Қавомиддинга қараб, унинг захраси учиб турганлигини қози сизди. — Сизлар... шайхулислом ҳазратлари билан мабодо божа эмасмисизлар?

— Йўк... — деди қози хайрон. — Нимага ундок деяпсиз?

— Халиги... божа божани кўрса... дейдилар-ку?.. Бир-бирингизни кўрсангиз, даров бахсга тушиб кетасиз-да... Ких-ких-ких-ких!... — Садр Сулаймоннинг ингичка аччиқ кулгуси жаранглаб мехмонхона деворларини тешиб ўтгандай бўлди.

— Ажаб, ажаб... Божа эканларму, а? Билмаган эканмиз... — деди Хожа Лутфуллох. — Ажаб...

— Э, наmunча «ажаб» лайверасиз? Ё волидалари тукканда «ажаб» деб тукканмилар? — Бойваччанинг жаҳли чиққани энди билинди. — Ха, бахс қилманглар, еб-ичиб, яхши гаплардан сўйлашиб ўлтирайлик, дейиш ўрнига, нукул «ажаб» демакдан нари ўтмайсиз?

— Шундоқ, шундоқ, бойвачча, сиз ҳақсиз... ўтмай-мен... — шоша-пиша деди Хожа Лутфуллох.

Кавомиддин зўр-базўр кулди-да, деди:

— Яхши сабоқ бердингиз, бойвачча, куллуқ! Ростдан ҳам биз мехмонга чақирилган эканмиз, мана, едик, ичдик, бахслашдик... Албатта, бизни барон маслаҳатга чорлаган бўлсалар керак?.. Мен шул ҳақда сўрамакка энди оғиз жуфтлайдирмен, шайхулислом жаноблари фақирни саволга тутиб қўймайдирлар.

— Агар сўзимиз оғир ботган бўлса, бойвачча, бизни маъзур тутасиз... Ўз уйимизда ўлтиргандек, сўзга эрк берибмиз... — деди шайхулислом.

— Асло малол сарига борманг! — деди бойвачча каттиқроқ тегиб юборганини тушуниб. — Ўз хонадонингиздек... Сизларни яқин олиб шундоқ гапирамен-да! Оғанимиз... Бир нарса хусусида маслаҳатингиз жуда зарурдир... сизлардан яширадиган жойим йўқ...

Мехмонлар бир оз энгил тортдилар. Садр Сулаймон Нишопур сафаридан ҳикоя қилди, кўхна шаҳар таърифни келтирди, куллар, чўрилар харид қилганини айтди. Хонлиқ оқа хусусида сўйларкан, ёш нарса эканлигини, кутилмаганда ёқтириб қолганлигини тан олиб гапирди. Сўнг ғайридин бир жорияга қандоқ қилиб эш бўлмок йўлларини қидираётганлигини англади.

— Ажаб... — деб сўз бошлаётган хожа Лутфуллох бирдан бойваччанинг дашноми эсига тушиб жимиб қолди, сўнг қўллаш маъносида деди: — Муҳаббат покиза нарса... Уни пок тутмак лозим... Инчунин, бойвачча пок тута олгай, иншоолло...

— Ҳали бунга шубҳангиз ҳам борму, таксир? — ўсмоқчилади Қавомиддин. — Нима дедингиз, шайхулислом ҳазратлари, а?

— Муҳаббатнинг покиза нарса эканлигига асло шубҳам йўқдир... — деди Абулворис Самарқандий, аммо бойвачча уни пок тута оладими, йўқми, бу томонига муносабат билдирмади.

— Муҳаббат бир офтоб экандир, барча офтобдан баҳраманд бўлгиси келадир... — жилмайди мударрис. — Зеро офтоб нурида исинмак гуноҳ саналмас! Бу оллога ҳам хуш ёқадир...

— О, кўнгил кўнгил! Менинг кўнглим балодир, ёнги ўтга соладир! Кўнгилимнинг кўчаси кенг... — гапга кўшилди индамай ўлтирган имом.

— Шайх Баҳоваддин ҳам ҳақнинг жамоли деб, қўл қовуштириб ўлтирмайлик, уни дилга жо этиб тирикчиликдан қолмайлик, деганлари шу-да! — Қавомиддин гапим тўғрими, дегандек шайхулисломга қаради. — Бойваччанинг муҳаббати, ана ўша шайх айтмоқчи, тирикчилиги... Ғайридин ожизага меҳрини шундоқ англамак лозим!..

Яна баҳс бошланиб кетди. Бу ерда Хонлиқ оқанинг ғайридин эканлиги ўртага ташланди, бойвачча хотинлари хусусида сўз кетди. «Агар бойвачча юнон қизига уйланмакчи бўлса, икки жихатга эътибор қилинсин, — деди Хожа Лутфуллоҳ. — Биринчидан, ғайридин қиз мусулмонликни қабул қилсин, сониян, тўрт хотинларидан бирига талоқ хати тутқазсин...»

— Бойваччанинг юнон қизига муҳаббати зўр экан, бунга шариатда йўл топилур... — деди шайхулислом. — Аввало, жориянинг мусулмонликни қабул айлаши шарт эмас... Фақат, у муваҳхид бўлса, яъни оллохни ягона деб тан олса кифоя. Китобий кофирлар, яъни бир китобга ва бир пайғамбарга ишонувчи ғайридинлардан бўлган жорияни, гарчи у кофир эса-да, никоҳлаб олмоқ мумкин, аммо қиз бермак кораланадир...

Абулворис Самарқандий бойваччани яхши биларди, кўнглига тугиб қўйган мақсадини аввалдан ҳал қилиб қўйиб, номига ўзгалардан маслаҳат сўрагувчилар тоифасидан эди бойвачча. Модомики, Хонлиқ оқани хуш кўриб қолган экан, ҳар қандай йўл билан унга уйланади, шак йўқ. Юнон қизи муваҳхид бўладими, тўрт хотиндан би-

рининг жавоби бериладими — буларнинг заррача ахамияти йўқ. Лекин шайхулисломга битта алам қиладиган жойи, бойваччанинг устомонлиги туфайли, кейин ўзи истамаган холда шундай ишга фатво берган бўлиб чиқиши эди. Албатта, бу ходисанинг кунлар келиб тавқи лаънат бўлиб ёпишажагини шайхулислом ҳозир хаёлига ҳам келтирмасди. Шайхулислом учун яна бир янгилик шундан иборат бўлдики, Қавомиддиннинг муҳаббатни мактаб гапиришидан манфаат излаганини билиб олди. Бойвачча, шубҳасиз, унга недир ваъда қилган! О ғараз кули, нафс бандаси!

— Ул ожиза муваҳҳид бўлса, бас, малолсиз уйланмак мумкин, уйланмак мумкин! — Буни имом айтди.

— Фақат бир шартким, Хонлиқ оқага янги чорбор сотиб олиб бергайсиз ва ул ўша ерда истикомат этмаги лозимдир, — деди шайхулислом.

Бу сўзларни фатво деб тушунган бойвачча:

— Хотиржам бўлсинлар, шундоқ килурмен! — деди мамнун.

Садр Сулаймон Хонлиқ оқа масаласини ҳал қилиб олгач, тўй тараддудига тушди. Аввало, у Самарқанднинг казо-казолари берган маслаҳатларга кўра, келинчак учун янги ҳовли сотиб олди, ҳовлини Хонқали кўчасидан танлади. Арк кўчаси билан Хонқали кўчаси оралиғида Чорсу майдонига чиқаверишда, хонақоҳ ёнида бир синган савдогарнинг каттагина ҳовлиси бор эди. Тўй ана шу ҳовлида бўлди. Хонлиқ оқанинг келинлик даври бошланди. Лекин бечора киз манглайида не савдолар борлигини ҳали билмас, эртанги кун ҳам бугунги кундай кечадди, деган умид асираси бўлиб яшарди.

* * *

Ҳаш-паш дегунча ўн йил ўтиб кетди. Кўнгил деб ғайридин жорияга уйланган бойвачча, барибир, кўп дашномларга қолди, бўлар-бўлмас миш-мишлар туғилди. Жаммазабон яқинда Бухорога бориб келди, ўша ерда ҳам: «Самарқандлик бойвачча, ғайридиндан хотин олибди, кофир қиз илгини тутибди...» — деган гап юрганмиш. Бойвачча фарзанддан умидвор эди, фарзанд кўришса, ҳамма майда гаплар кўмилиб кетарди. Аммо фарзанддан дарак бўлавермади.

Кутилмаганда лўп этиб чиқиб қолган бир ходиса ҳамма нарсани ўзгартириб юборди.

Бир куни Жаммазабон Садр Сулаймоннинг олдида индамай бош эгиб тураверди. Нохуш нарсаларни гапиришдан аввал унинг шунақа қилиш одати бор эди. Бойвачча хайрон сўради:

— Ҳа, Жамма? Нима бўлди?

— Мен... итингизмен, султоним.... Аммо итлик қияпти, деманг...

— Гапир!

— Бутун умримни хонадонингиз остонасига боғлаганмен... — Жаммазабон бойваччага тик қаролмасди. — Беминнат хизмат туфайли шу қутлуғ рўзғор куллари каторидамен...

— Чўзмай гапирсанг-чи! Нима бўлди ўзи?

— Сизнинг шаънингизга озгина доғ тушса, мен у дунёю бу дунё ўзимни кечиролмаймен...

— Эй, намунча тешадай ўз-ўзингга томон йўнасен? — Садр Сулаймоннинг энди жаҳли чиқа бошлади.

— Султоним... хонадонингизга хиёнат оралади...

— Нима?! Нима деяпсен, бадбахт?! — Бойвачча каллахум Жаммазабоннинг ёқасидан олиб силкита бошлади. — Ким... доғ туширди?

— Айтдим-ку, султоним, итлик қияпти деманг, деб...

— Айт?! Ким?! —

— Кенжа завжангиз... Хонлиқ оқа бойбича...

— А?! Нима дединг, тилинг кесилгур?! Хонлиқ оқага нима бўлибди?

Жаммазабон Хонлиқ оқанинг сўнгги пайтларда Қавомиддин қози билан дон олишиб юрганини гапириб берди. Бойбича ҳафтанинг маълум кунида бозорга чиқади, қози ҳам иттифоқо бозорда юрган бўлади... Хар жума куни тунда хилватда кўришадилар...

— Бас! — деб юборди бойвачча. — Ҳеч кимга оғзингдан чиқарма!!!

Садр Сулаймон Жаммазабонга қаттиқ ишонарди, у ҳеч қачон алдаган эмас...

У ўзини қўйгани жой тополмай қолди. Садр Сулаймонни Хонлиқ оқанинг хиёнати, келиб-келиб Қавомиддин қози билан боғланиб қолиши беҳад ўртаб юборди. Дарров улар учрашиб турадиган хилватни топиб, икки-

сини ушлаб, Чорсу майдонида эл олдида шармандаю шармисор қилиш керак, деган фикрга келди. Аммо тезда бу фикридан қайтди, чунки агар шундоқ қилса, аввало бойвачча шаънига яхши бўлмаслигини тушунди. Улус эшитиб, бойвачча ундоқ экан, хотини бундоқ экан, дейди, эл оғзига элак тутиб бўлмайди... Қозикалонга бўлса нима гап ҳам тегарди...

Садр Сулаймон Хонлиқ оқа хонадони томон борар экан, қандай қилиб юзсиз хотиндан ўч олиш ҳамда сувдан қурук чиқиб кетиш йўлларини ўйлар, дам-бадам дудам пичоғини ушлаб қўяр эди. У шу боришида Хонлиқ оқага пичоқни ботириб-ботириб олгудай аллозда эди. Хонлига кадам қўйдию ўзини қўлга олди.

— Хонлиқ!!!

— Лаббай, султоним! — югуриб келди Хонлиқ оқа, унинг дўриллаган овози ҳар қачонгидан ҳам хунукроқ эшитилди. Хонлиқ оқа анча тўлишган, тиниқ осмондай мовий кўзлари аввалгидек беҳол ва маъсум боқмас, балки шаддод ва таптортмас эди. Синчиклаб қараган одам, мижжалари остида хиёл салқилик пайдо бўлганлигини илғайди, бир пайтлардаги офатижон хушбичим коматли санам энди йигирма беш ёшли тўлғин бир хотинга айланган... Садр Сулаймон уни биринчи марта кўраётгандай узок тикилди, кейин индамай ичкарига йўналди. Хонлиқ оқа эрининг изидан эргашди.

— Хўш... — деди бойвачча шоҳи кўрпачага чўкка тушаркан. Унинг вазохати кўрқинчли эди. — Ўзлари чўри эдилар... Бойбека даражасига кўтариб қўйган эдик... Энди... тўйдиролмай қолдикми?... А?!

— Султоним... — Хонлиқ оқа нохуш нарсани сезиб турарди.

— Энди тўйдиролмай қолдикми?... А?! Гапир, манжалақи!!!

— Нимани... гапирай? — кути учиб сўради Хонлиқ оқа.

— Нимани?! Нимани, эмиш! Менинг юзимга оёқ қўйганингдан гапир! Хиёнат қилганингдан гапир? Ана бу кози билан пинҳона гуфтуғуларингдан гапир! Расво!!!

— Мен у кишини бозорда кўриб...

Хонлиқ оқанинг сўзи оғзида қолди... Садр Сулаймон олдида турган махлукни шапалоқ билан тортиб юборди.

— Мегажин! Яхшиликни билмаган ахмок, ношукур банда! Итнинг бошини товоққа солса юмалабдир... Астафурилло!..

Бойвачча гапирган сари ўзининг сўзлари ўзининг бағрини ўйиб борарди. У гапни қисқа қилмокни ўйлай бошлади.

— Ахир... гуноҳим... — хикиллади Хонлиқ оқа. — Нима...

— Сенинг гуноҳинг учун, девор тагига бостириб юборишим керак... — деди бойвачча, Амирзода Абдулланнинг хиёнаткор завжасини ўйнаши Баёнқулихон билан қозикқа ўтказдирганини эслади. — Йў-ў-ў-ўқ! Унда осонликча ўласан кетасан!.. Сени ўлдирмайман... Эл-халқ ўртасида Хонлиқ ундок, Хонлиқ бундок деган тавқи лаънат гапларга ҳам токатим йўқ! Йў-ў-ўқ!

Бойвачча аламли тиржайганча ўрнидан туриб кетди.

Хонлиқ оқа Садр Сулаймоннинг фарзанди йўқлигини кўриб, агар фарзанд туғса, шунча мол-мулк меросхўри бўлиб қолишини яхши биларди. Аммо йиллар ўтиб, ўзида бирон ҳомила нишонасини сезмади. У қандок қилиб бўлса ҳам фарзанд кўриш ташвишига тушди. Тўғри йўлдан чиқиш эмас, балки тўғри йўлга тушиш қийиндир. Хонлиқ оқа фарзанд илинжида шайтон васвасасига учиб, Қавомиддин кози билан пинҳона топишиб қолди. Топишди-ю, бошига бало ортгирди. Шўрлик хотин буни Садр Сулаймонга қандай тушунтира олади? Ахир у издан чиққан бўлса, бир чеккаси, бойвачча шаънини ўйлаб шундай қилди. Хўш, фарзанд кўришса, Садр Сулаймон обрўси эди-ку! Буни қандай тушунтиради, ким тушунади-ю, ким кулок осади?..

— Худо хайрингизни берсин!.. — Хонлиқ оқа шитоб келиб бойвачча оёқларига тиз чўқди. — Менга бир яхшилик кўргизинг, султоним! Бошимни очик қилиб беринг! Юртимга кетай, ўша ёқларда гумдон бўлай!..

Садр Сулаймон пойида тагин ўша ўзи билган хушсурат, мовий кўзлари илтижога тўла сулув юнон қизини кўрди. Хонлиқ оқанинг латофати ҳали кўнгилларни куйдирар даражада жозибали, ҳар қандай қаҳрлар музини ҳам эритишга қодир эди. Аммо лат еган орият туйғуси, хиёнат алами олдида кўз ёшлар, кўрку ҳусн васвасаси бойвачча кўнглига таъсир этишдан ожиз қолди.

— Султоним!..

Садр Сулаймон ғазаб ичида Хонлик оқанинг елкасидан тепиб юборганини билмай қолди. Хотин ўмбалок ошиб кетди.

— Уч талоқсан!!!

Хонлик оқа хўнграб юборди.

— Шўрим қуриди! Шўрим қуриди!..

— Лекин хиёнат учун берилган жазо ҳали бу эмас, ҳароми! — тиш орасидан деди бойвачча овозини пасайтириб. У Хонлик оқага қандай жазо бериш борасида бир тўхтамага келолмасди. Бирдан Дайлам мамлакатининг подшоси Азудадавла билан малика Жамила ўртасида бўлиб ўтган машҳур ишқ можаросини эслади. Подшо ёқтирган кизига уйланмоқчи эди, аммо малика катъиян рад этди. Ранжиган Азудадавла Жамилани бобилхонага юборди. Малика кочиб, ўзини Дажлага отиб ҳалок бўлди...

— Девор тагига бостирсам, деворга ачинамен... От думига боғласам, отга жабр... Осонгина ўласан кетасан... Йў-ў-ўк! Шундай бир жазо топайки, бир умр азобини торт! Ҳа! Дайлам подшоси бўлмасам ҳам Самарқанд бойваччасимен! — Садр Сулаймон босиқ гапирарди. — Сен ҳаром ишга қўл урдинг, хиёнат ботқоғига ботдинг... Ўзинг шуни тиладинг! Бас, қолган умринг ҳам шундоқ кечадир! Сен шу уйда бобилхона¹ очасен, ўзингдек ҳаромиларга бош бўлиб, сенга сарф қилинган ўн минг динорни узиб берасен! Озодликка чикқач, бошинг оққан томонга кетаверасен! Шундагина кўнглим ўрнига тушади, ҳа!!!

— Ундай қилманг, султоним! Расво қилманг, султоним! — Хонлик оқа шундай деб йиғлар, бойвачча этакларига ёпишарди. — Уринг, ўлдиринг қўйинг, ундан кўра мен бахти қарони! Ундай қилманг!.. Войдо-о-о-д, уйим куйди! Уйим куйди-и-и!!!

— Сени ўлдиргани ҳазар қиламен! — хотиржам деди Садр Сулаймон. — Торт қўлингни! Менга номаҳрамсен!!!

Бойвачча ялиниб-ёлворган аёлга боқмай хонадан чиқиб кетди.

Хонлик оқа беҳол ўзини ўринга ташлади, хўнграган овозини чиқармаслик учун ёш ювган юзларини барқут ёстикқа босди...

¹ Бобилхона — ўйинхона, фоҳишахона маъносига.

Ўн учинчи боб

МАВЛОНОЗОДАНИНГ ҲУЖРАСИ

...Конигилда ғаройиб манзара кўзни қувонтиради. Баҳор нафаси табиатга жон озигидай мадад бермакда, хар кунжакда жаннат жамоли кулиб боқадир, минг бир хил сабзау райҳонлар ўз бағирларига Эрам боғини яширишган... Турфа-турфа чечаклар далага айланишга чиқишган...

Ям-яшил ўланзорда ҳеч ким йўқ, Самарқанд халки сайру томошага чиқишни яхши кўрадиган Конигилда, чошгоҳ вақтидан ўтган бўлишига карамай, ажабо, ҳеч ким йўқ... Икки кишидан бошқа... Бошига такана ташлаган, узун энгли оқ бўз кўйлак кийиб олган, вужудидан ғайрат ёғилиб турган гўзал қиз Жаҳон бика билан эғнида янги оқ яқтак, мисқоли салла ўраган Мавлонозодадан бошқа... Гўёки бутун олам, эл, табиат, икки севишган юраклар бир-бирлари билан кўришолмай азиятда қолдилар, бас энди, қониб-қониб сўйлашиб олсинлар, бир-бирларига боқиб тўйсинлар, дейишгандай, икки оташ қалбнинг холисанлилло ташвишини чеккандай туюларди.

Ажабланарли жойи шуки, Жаҳон бика ўланзорнинг гуллар тўфони қайнаб ётган чап томонида, Мавлонозода лолалар хирмони тошиб шоширган ўнг томонида эди. Қиз севиклиси тараф қадам ташлагани сари, юриш қийинлашиб борар, гуллар қалинлашиб йўл бермасди. Йигитда ҳам шундай хол: вазифаси севишган дилларни бирлаштириш бўлган гуллар Конигилда, аксинча, тўскинлик қиларди. Лекин на қиз, на йигитнинг нимага шундоқ эканлигини ўйлашга фурсатлари бор, фақат тўтиқушнинг болаларидек қизгин бир-бирига талпинишади:

— Жаҳо-о-о-о-он!..

Йигитнинг кучли овози Конигилни жаранглатиб юборади, ўланзорни оралаб, гулларни, майсаларни сийпалаб ўтиб, олисдаги тоғларни бағирлаб, эпкинга қўшилиб қайтиб келади:

— ...о-о-о-он!..

Қиз, оламни тўлдирган бу овозни шахарда, Наддофлар маҳалласида эшитиб қолишади-ку, деб хижолат че-

кади. Жаҳон биканинг ёлғиз ўзи у ёқларда нима қилиб юрибди дейишмайдими, дейди.

— Астароқ сўзланг, мулла ака! — илтижо айлайди Жаҳон бика. Ажабо, оҳиста айтилган кизнинг каломлари йигитнинг овозидан ҳам қаттиқроқ акс-садо бериб, борлиқнинг қат-қатларини янгроқ оҳангга тўлдириб юборади. Бундай ҳолдан иккиси ҳам лол, бир-бирларига тикилишар экан, кўнгиллари фарахларга тўлади.

Энди эса бутун табиат ҳаяжонда, майсалар жилмаяди, гуллар табассум қилади, тоғлар хохолайди, олам қаҳ-қаҳ отиб кулади...

Мана шундай талотум ичида Жаҳон бика билан Мавлонозода олдинга, рўпарадаги тоққа қараб юрар эканлар, гул хирмонлари ортда қолар, бошларида қушлар гужрон ўйнарди. Қиз билан йигит тоғ тепасига чиқадилар. Олдинда бепоён фазо, туйғулар кенглиги, муҳаббат олами яшнаб ётарди.

— Келинг, учиб кетамиз! — дейди Жаҳон бика осмон қатларига чиройли кўзларини тикиб.

— Эркин қушлардек! — кўшимча қилади шайдо йигит фазонинг мовий рангларидан завқланиб.

Улар чўккида туришар экан, оёқларида қайдандир фавқулудда бир куч пайдо бўлади-ю, қўлларини ёзишганча фалакка парвоз қиладилар. Улар қушдан ҳам енгил учардилар. Қаёққа учиб боришаётганини билишмас, кўнгилларида фақат парвоз сеҳри, кенгликлар меҳри... Ана, пастда Кониғил ўланзори, ана Самарқанд... ана Шаҳрисабз... ана офтобда ялтираб, эгри-бугри олов тасмадай кўринган Зарафшон билтанглаб оқмоқда...

Бирдан Жомеъ масжиди томондан Шамсиддин сўфининг азони эшитилди:

— Оллоҳу акбар!.. Оллоҳу акбар!.. Ашҳаду ал-ла илаҳа иллоллоҳ!.. Ашҳаду анна Муҳаммадар-расулиллоҳ!..

Мавлонозода уйғониб кетди. Аъзойи бадани жикқа ҳўл бўлибди, аммо руҳи қушдек енгил эди. У яна парвозга қайтгиси келиб дарров кўзини юмди. Наф бўлмагач, шифтга қараб бир муддат хаёл суриб ётди. Кейин ўрнидан турди-да, қўл-бетини ювди, таҳорат қилди. Мадраса ховлисига чиқиб машриқ томон кўз ташлади. Офтоб ҳали чиққани йўқ... У хужрага қайтиб нонушта қилди-ю, кўпдан орзулаб юргани Абуллайс ас-Самарқандий-

нинг «Бўстон ул-орифин» рисоласи мутолаасига киришди. Китобфуруш топиб қўйган экан, кеча бозордаги дўкондан олувди.

Бир пайт ташқаридан:

— Хў, мулла! Уйдадилар?... — деган овоз эшитилди. У китобни очик лавҳда қолдирди-да, ташқарига юзланди:

— Айтганингиздай уйдадилар! Келаверсинлар!

Толиби илмининг тахмини тўғри чиқди, келган одам Кулолар маҳалласи оксоқоли Уста Кулол экан.

— Сахар мардондан келабердим, мулла! — хижолатомуз деди Уста Кулол.

— Айни муддао-да, уста!

— Маҳалламизда юз элликта уй бор, — ўтирар-ўтирмас гапни ишдан бошлади Уста Кулол, — кўпчилиги кулоллар. Лекин яхши билмас эканмен, ичида бориға шукр қиладиганлари ҳам бор экан...

Мавлонозода кўз олдига Мовароуннахр ҳокими Амир Хусайннинг Самарқандга келган кечаси Қаландархона кўчасида юз берган издахом, «бориға шукр қил!» деб вайсаган қаландар ва унинг ёқасидан олган бақувват эроний йигит гавдаланди. Шу-шу, сарбадорлар орасида «шукр қилмайдиганлар» билан «шукр қиладиганлар» иборалари рамзий маъно касб этадиган бўлиб қолди.

— Кўпми? — сўради Мавлонозода.

— Учрайдир... — жилмайди Уста Кулол. — Учрайдир... Мана, бири — Неъмат кулол деганимиз, кўшилмади. «Мен пулидан қочмайман, «Хайрия» учун бир дирҳам-ярим дирҳам бўлса беравераман, аммо хатга мени кўшманг. Хатга тушдинг, ўтга тушдинг, деганлар. Тағин бир балога гирифтор бўлмай!» деди.

Тақяхонадаги ўша суҳбатда, ўз ҳужрасини сарбадорлар жамоаси ихтиёрига топширдим, дегандан кейин, Мавлонозоданинг ташвиши кўпайди, авваллари фақат Худобанда билан Аббос баходиргина келиб турадиган хужра энди расмана гавжум бўлиб қолди. Бу ерда Хўрдак Бухорий, Қодир Ҳалвойи, Исоқ этикдўз, Нозим Мехметларни тез-тез кўриш мумкин. Улар ўз чекига тушган жойлардаги кишилар рўйхатини келтириб беришди.

Мавлонозода Уста Кулол билан суҳбатлашиб ўлтиришган пайтда морбоз Лакшман ҳам сарбадорлар жамо-

аси котиби хужрасини излаб келиб қолди. Хужралар томчи сувдай бир-бирига ўхшаганидан, топа олмай, нарига ўтиб кетди. Бир хужрани очди, ичкарида овози ингичкадан келган, кўзлари шилпик, каламушбашара бир муллавачча кироат билан баланд эди. Лакшман Абумансурнинг хужрасига келиб қолганди.

— Мулла йигит, сизни сабоқдан қўйдим... уэр... — деди, сўнг Мавлонозода хужрасини сўради.

— Ўн хужра оркага қайтасиз, ўша ерда... — деди Абумансур кўзлари катта-катта Лакшманнинг кичик жусасига тикиларкан, дастрўмоли билан шилпик кўзларини артди: «Нима учун Мавлонозода атрофида ҳаммаси парвона экан-а? Қандай сир бор бу ерда, қандай сир? Нега мен билмаймен, нега?...»

Морбоз раҳмат айтиб ортига қайтди.

— Шукр қилмайдиганлар нечтага етди, уста? — сўради Мавлонозода.

Уста Кулол жилмайди.

— Наддофлардан сўнг бизники-да Самарканднинг энг катта маҳалласи, — деди у. — Чоғимда, мингтага бордиёв! Лойи пишитилган бўлсин, ишқилиб...

— Сир тутмакдаусиз? — Мавлонозода умум қида ни эслатди. Сарбадорлар жамоаси оқсоқоли ҳар бир вакил келганда шуни сўрашни каттиқ тайинларди.

— Бешак-шубҳа! — тинчлантирди Мавлонозодани Уста Кулол.

Шу пайт хужрага Лакшман кириб келди.

— Овозларингиздан танидим, — деди у. — Хужрангизни топгунча анча қийналдим...

— Нима... овозимиз ташқарига чиқиб турибдими? — ташвиш ичра сўради Мавлонозода.

— Ҳовлига эшитилиб турибди, хужра ёнидан ўтган баралла эшитади.

Уста Кулол билан Мавлонозода ҳайратланиб бир-бирларига қарадилар.

— Биз эса сир тутмак хақида бақириб гаплашаётган эканмиз-да! Бу ёғи қандок бўлди, уста?..

— Деворнинг ҳам қулоғи бор, деган гап машхур... — қўшиб қўйди Уста Кулол.

Уста Кулолнинг гапи бу ерда жуда ўрнига тушди. Абумансур морбозни кузатиб қўйди-ю, қизиққанидан жойида ўлтиролмади қолди. Мадраса ҳовлиси кимсасиз... У

Мавлонозода хужраси эшигига келиб, биқинганча гапга кулоқ сола бошлади.

— Бағоят ҳақ гапни айтдингиз. Бордию ҳозир шундоқ эшикнинг орқасида кимдир гапимизни эшитиб турган бўлса-чи? — Мавлонозода шундай деди-ю, бу гапига ўзи ҳам ишонмади.

Юраги така-пука Абумансур мабодо эшик очилиб колса нима қилиш лозимлигини ўйлаб атрофга кўз ташлади. Эшик билан девор ўртасида бир одам сиккувлик жой бўлиб, агар эшик очилса, ўша ерда биқиниб олиш мумкин. У ортга қайтмоқни ҳам мўлжаллади, бироқ сирни билиш истаги устун келди-да, жойида қолди.

— Йўқ, ташвиш қилманг, — деди Лакшман. — Ташқарида одам зоти кўринмайди.

— Кимнингдир овози келяптими? — сўради бирдан Уста Кулол.

Орага жимлик чўқди, ҳамманинг қулоғи динг бўлди. Ҳеч қаердан ҳеч қандай садо эшитилмас, фақат Чорсу майдони томонда садақа сўраб юрган бир гадонинг ўтқир овози элас-элас кулоққа чалинарди. Абумансур бўлса эшик орқасида нафас ҳам олмай турарди. Эрталаб кўйлақчан ташқарига чиқиб кетганданми, у сал нохушлик сеза бошлади, бурни ачишиб акси уриб юбориш хавфи туғилди.

— Ҳонқали кўчасида уч юз киши. Ҳар бир одам билан сўйлашдим. — Морбоз мамнун эди. — Кўплари сарбадорлар ҳақида эшитишган. Самарқандни фозил шахарга айлантириш борасида сўйласам, Ниёз қизиқчи, афсонани гапирманг, дейди. Сарбадорлар жамоасини маъқуллашди, «Хайрия» жуда ёқди... Гапларимни тушунмаганлар ҳам бўлди... уларни қўшмадим.

— Сир тутишадирму?

— Албатта! Бозоркўчадагилар рўйхатини энди олиб келурмен.

— Биронта ҳам хонадон колмадими? — сўради Уста Кулол.

— Биронта ҳам! — жавоб берди Лакшман.

Абумансурнинг димоғи тобора чирсиллаб борарди, у икки бармоғи билан бурнини қаттиқ қисди. Энди нафас маромига путур етганидан томоғи қичишга турди, ха-па, дегунча йўтал тутиб қолиши ҳам мумкин...

— Балли, балли! — деди уста зўрға ўзини кулгидан тўхтатиб.

Мавлонозода ҳазилвон Уста Кулолнинг гапни қаёққа бураётганини яхшигина тушуниб турар, соддадил морбознинг тўғрилиқчасига самимий бераётган жавобларидан завқланар, сўзга аралашмай суҳбат оқимини кузатарди.

— Бундан чиқди, кўчанинг бошидаги хонадонга ҳам кирибсан-да? — жиддий тикилди Уста Кулол.

Морбоз ўйланиб қолди. Бирдан хижолат тортиб жилмайди, худди айб иш қилиб қўйган одамдай катта-катта кўзларини четга опқочди:

— Ҳа... Оббо сиз-ей! Қўймайсиз-да, уста!..

— Асосий рўйхатни ўша ердан бошлаш лозим эди! — қаҳ-қаҳ отди Уста Кулол, Мавлонозода ҳам унга қўшилиб куларди.

— Тўғри... Биронта ҳам кирмаган хонадоним қолмади, дебман... — Морбоз ҳазилни келган жойидан давом этдирди. — Хонлик оқа хонадонига кирмадим. Лекин унинг ўзи билан гаплашдим...

— Ие? Ие? Хўш, хўш? — жиддийлашди Уста Кулол кулгидан тўхтаб.

— Биз «хайрия» га дирхам-пирхам беролмаймиз, дейди...

— Ҳа, нега энди? Нега энди?..

— Биз... бошқа нарса... берамиз, деди...

— Бошқа нарса берамиз?.. И-и-и...

Қаттиқ қаҳқаҳа кўтарилди. Абумансурнинг иложи қолмади, қараса акса уриб юборадиган. Оғзини беркитганича ўрнидан турди-да, эшикдан ташқарига отилди. Беш ўн қадам юргач, қаттиқ акса уриб юборди, бу пайт кулгу тинганди, «апчшу!» хужрадагиларга аниқ эшитилди. Мавлонозода шитоб ховлига чиқди, уни кўрган Абумансур лўкиллаб чопа бошлади.

— Ҳа, Абумансур? — маъноли савол ташлади Мавлонозода.

— Баданни тоблаётирмен... — деди Абумансур боз акса уриб. — Чиниқмак лозимдур...

— Ажаб... бадан тоблашингизни ҳеч кўрмаган эканмен...

— Бугун илк бор бошладим...

— Акса уриб турибсиз...

— Тўғри айтасиз, кириб кетамен, шекилли... — Абу-мансур шундай деди-да, секингина хужрасига кириб кетди.

Мавлонозода hozиргина Абумансур турган жойга бирпас тикилиб турди, бирон шубха хаёлига келмади. Бирдан толиби илмининг кулофига:

*«Таваккал ту алолло»ни деган эр,
На қалқону, на толқоннинг гамин ер! —*

деган сўзлар зшитилди. У дарвоза томон қайрилди: рўпарасида баланд бўйли, бошига учлик қалпоқ кийиб олган, барваста, шопмўйлов Ахий Жаббор кўринди. Мавлонозода Тун салтанатининг ишонган тоғларидан бўлган бу йигитни, ўша Самарқанд қўйнида машъалалар порлаган кечаси Чорсу майдонида кўрганича бошқа учратмаганди.

Аmmo Ахий Жабборнинг ортида атрофга олазарак тикилганча, айиққа ўхшаб лапанглаб келаётган, юзларини сокол-мўйлов босган, ўнг чаккасида ёнғоқдек нарса бўртиб чиққан Абомуслимни кўриб озроқ саросимага тушди.

— Дўстни кўрмок зўр юмуш, хеч бахоси йўк эмиш! — деди Ахий Жаббор Мавлонозодага қучоқ очиб. Сўнг ёнидаги одамни таништирди: — Бу киши Тун салтанати фуқароси Абомуслим оға бўладилар!

Мавлонозода Худобанда билан иккисига тинчлик бермаган бу одамни доим йироқдан кўрганлигиданми ёки хамиша йўл тўсиб чиқаверганидан хаяжонга тушганиданми, чехрасига яхши қарамаган экан. Абомуслим очик чехрали, хушрўй киёфали эди, чуқур ботиб кетган кўзлари сўнгги йўк қайғуга тўлиб турарди.

— Абомуслим оға кечаги йиғинда Тун салтанатининг хазиначиси этиб тайинланди, Шахриёрдан тортиб салтанатнинг энг сўнгги фуқаросигача Абомуслим оғани, ҳалол, хиёнатдан йироқ одам деб ёкладилар. Сарбадорлар жамоаси «хайрия»сига жамалгани бу киши йиғиб берадилар. Келаётган эдим, Абомуслим оға: «Самарқанд сарбадорлари жамоаси котиби, хушбичим йигит Мавлонозода билан мени ҳам таништириб қўйсанг!» деб қолдилар. Бу ердан чиқиб Нозим Меҳмет қахвахонасига борамиз...

— Жуда яхши! Жуда яхши!

Кутилмаган учрашувлардан хайратларга тушган Мавлонозода мамнунлигини яширмади:

— Қани, ичкарига... Меҳмонлар ҳам бор эди...

Тун салтанати фуқаролари хужрага кириб бордилар.

— Ёдингизда бўлса, — деди Мавлонозода. — Абу Бакр оға гаройиб салтанат хақида гапиргандилар. Мана, ўша салтанат фуқаролари — Ахий Жаббор, Абомуслим оға! Булар эса — Кулоллар маҳалласи оқсоқоли Уста Кулол оға, сарбадорлар такахонаси сохиби морбоз Лакшман оға...

Хол-аҳвол сўралганидан сўнг Ахий Жаббор одатдагидек тантанали суратда сажли сўзини бошлади:

— Азизларим, сизларга битта сўзни айтайин, ёмони йўқ оламда сўз дейилса нотайин. Рўйи заминда яккаю ягона унга тан беради замона, Тун салтанати фуқаролари ўзларини бундан буён сарбадорлар сафида кўрадилар! Мана шул муждани котибимизга еткурмакка келдик. Сарбадорлар жамоаси оқсоқоли кеча анжуманимизда иштирок этдилар, ўзлари ҳам қароримиз гувоҳи бўлдилар...

— Тун салтанати фуқаролари ўзларининг ҳар бир кепакий чақасини лозим эса сарбадорлар жамоаси учун сарф этишга тайёрдурлар! — деди Абомуслим.

Уста Кулол бу фуқароларни қаердадир кўргандай бўлаверди, аммо қаердалигини эслай олмади. Лакшман эса дарров таниди, уларни Чорсу майдонида, бозорда, карвонсаройда, тўй-томошаларда кўп кўрган...

— Салтанатингиз каттадирму? — сўради Уста Кулол Ахий Жаббордан, унинг ўтли-шудли эканлигига эътибор бериб.

— Салтанатимиз бутун Чорсу майдонидан иборатдир...

— Ўҳ-хў!.. — деб юборди хужра аҳли.

— Ушбу салтанат худуди кенгайиб бормакда, буткул шаҳарга ёйилмакда... Мана, рўйхати...

Шу пайт Абомуслим ўз-ўзига айтгандай хаёл ичида:

— Қани ганақ? Ё лошқанот! — деб юборди.

Хамма нима деяпти, дегандай хайрон бўлиб унга қаради, ҳеч ким ҳеч нарса англамади. Мавлонозода Худобанда иккиси Абомуслим билан неча бор учрашган бўлса, барчаси бир лаҳзада толиби илм хаёлидан лип этиб ўтди. Абомуслим ҳар сафар ҳам бир хилда ана шу сирли сўзларни такрорларди.

— Нима дедингиз? — сўради Уста Кулол, жуссаси кичик Лакшманнинг хайратдан кўзлари яна ҳам каттарок очилиб кетди.

— Ўзим... шундоқ... — хижолат бўлди Абомуслим. — Кечирасизлар мени...

— Ахий Жаббор! Нечун Абомуслим ога доим шу сўзларни айтиб юради, балки биларсиз? — сўради Мавлонозода. У бу сўзлар сирини қачондир билиб олмоқ ниятида юрарди. — Кўнглида бир дардлари борми...

— О, толиби илм, кимда бордир дард, дарди билан қувватлидир мард! Тун салтанатида бир олат борким, ҳеч қачон кишининг ўтмиши борасида сўралмайдир. Ким эдинг, қандоқ эдинг, қашқанг бормиди, тожинг бормиди — булар салтанат фуқароларини асло қизиқтирмайдди. Аввало, унинг одамлиги даркордир. — Ахий Жаббор жиддий гапирарди. — Бу сирли сўзларни ёнма-ён юриб ўзим ҳам кўп эшитганмен, аммо қоидадан чикмай деб маъносини сўрашга ботинмаймен. Ўзлари эса айтмайдурлар...

Абомуслим лом-мим демас, кўзларини ерга тикканча гапларга қулоқ солиб ўтирарди. Шу ерга келганда ох тортиб юборди.

— Айтамен... нега айтмаймен? Айтамен! Айтмасам ёрилиб кетаман, деб кўркамен! — ўртанди Абомуслим. — Фақат қиссамнинг кимга кераги бор, дейман. Андиша қиламен... Азобларим мени жинни қилишига оз қолаёттир...

Ҳамма Абомуслимга тикилиб қолди.

— Андиша қилманг! Айтинг, биродар! — Уста Кулол самимий қувватлади. — Айтинг! Дардингиз енгиллашадди...

— Майли... — Абомуслим ҳаммага бир-бир қараб чикди. — Ўзим ҳам қийналиб кетдим. Енгил тортсам зора...

Абомуслим ҳикоясини бошлади.

* * *

— Бу йил хижрий 765 йил кўкламида, адашмасам, қирк тўққизга кирдим. Асли Фарғона томонларданмен, Ахси шахридан. Ахси — Сайхун бўйида жойлашган бўлиб, Мовароуннаҳрда унга тенг келадиган шаҳар кам.

Қубо, Андижон, Марғинонлар унинг ёнига боролмайди. Хўжанд, Тошкент, Самарқандлар билан бас бойлашадиган кент эди она шахрим Ахси... Мен Ахси ҳокими Саъд Акбар хонадонида туғилдим, Жалойирбек деб атадилар. Волидам отамнинг кенжа, тўртинчи хотини бўлиб, Оққизбегим дердилар. Падари бузрукворимиз волидамизни суюб қолиб уйланган эканлар.

Мен эрка-талтанг ўсдим, укаларим билан ўйнамайдим. Мактабда ўқитишларига бепарво эдим, ота-онам чунон уриндилар, такасалтанглигимдан уларни ҳам ҳоритдим. Менда ўйин-кулгига ҳавас кучли эди, ўқиш, меҳнат қилиш ҳақида гап кетди дегунча, елка томирим тириша бошларди. Тенгқур дўстларим билан Сайхун бўйларига шикорга чиқардик, ошиқ ўйнаш, бўзахўрлик, баччавозлик қилиш, чилим тортиш асосий машғулот эди. Чилимни тортиб, эски гиёҳвандлардек: «Қиршо! Қиршо!» деб қўярдик йўталиб, аммо маъносини билмасдик, бу бир маънисиз сўз бўлса керак...

Ёшим йигирма бешга борганда Марғинон бегининг қизини олиб бердилар, тўғрироғи, олиб бермасликларига қўймадим. Унгача уйланмадим. Бир марта шаҳар аёнларидан бирининг қизига уйлантирмакчи бўлдилар, оёғимни тираб туриб олдим. Иккинчи марта қозининг қизига оғиз очдилар, тўй арафасида Андижонга қочиб кетдим... Бундай қилишимнинг сабаби, мен уйланмак, ожизаларга эш бўлмак руҳи пок кишиларга тўғри келмайди, деб ўйлардим, андишасизларча ўзимни ўшандок кишилар қаторига қўярдим, домоним булғанмасун, дердим...

Бир куни волидамизни қузатиб Марғинонга боришга тўғри келди. Онамиз Марғинон бегининг заифалари билан дугона эдилар. Бўлажак завжамни ўша ерда кўриб ошиқу бекарор бўлдим. Сулувбика — сут билан чайиб қўйгандай офатижон эди, кўрдиму жигаримдан урди, гўзал чехра хаёлимдан кетмай қолди. Ота-онам уйланаман, деганимга хурсанд бўлиб кетишди, аммо Марғинондан келин тушириб келишга оғринишди. Сабаби, отам билан Марғинон беги орасида орият даражасида бир келишмовчилик ўтган экан. Ўшанда отам: «Қандай бош эгиб борамен?» дер эмиш. Мен: «Жалойирбек беклигини қилади, Сулувбикани олмасам дунёдан тоқ ўтамен!» деб туриб олдим. Отам мени оқ қилиб юборамен, дер эмиш, тагин ўзини босар эмиш... У ақлли, андишали

одам эди, онам икковлари охири маслаҳат қилишиб, ўғлимиз уйланса қуйилиб қолади, тезроқ тўйини бошлаб юборайлик, дейишибди.

Отам катта бошини кичик қилиб Марғионга совчи юборди. Совчилар бир неча марта қатнашди, қуда томон совчилар борган сари қизининг баҳосини оширарди...

Тўй ҳам ўтди.

Афсуски, тўйдан кейин ҳам менинг яшаш тарзим ўзгармади. Ўша давралар, шикорлар, бўзахўрлик, кимор-бозлик...

Ногахон юз берган бир воқеа ғира-шира хонамни чакмоқдай ёритиб кетди, қўлмак сувдай ҳаётимни тўлқинлантириб юборди: ўғил кўрдим! Ота-онам ҳаддан зиёд севинишди, Сулувбика бахтли эди. Ўғлимга «Шерўғлон» деб от қўйдик. У бирам ширин эдики, бирам ширин эдики, қўяверасиз! Бирга кирди, иккига ўтди... Уни «Ширинўғлон» деб эркалатардим. Кейин қиз кўрдик. Ширинбика деб атадик уни. Икки курагининг ўртасида чиройли нори борлигидан, «Қизингни Норжон дейиш керак!» дер эдим онасига хазиллашиб. Адашмасам, ўғлимнинг кўкрагида, юрагининг тепасида ҳам нори бор эди, ха-ха, каттагина нори бор эди...

— Ширинбика туғилган йили фожеа юз берди, — давом этди хикоясини Абомуслим. — Отам Саъд Акбар саройда кечаси номаълум кишилар томонидан ўлдирилди. Отамнинг турли хотинларидан фарзандлари кўп эди, лекин ҳокимлик рутбасига амаким Саъд Ваққос эришди. Тажанг, кекчил бу одам азалдан пинхона ҳокимликка даъво қилиб келарди. Ҳатто отамнинг ўлимида амакимнинг қўли бор ҳам дейишди. Буёғини энди олло билади, мен бир нарса деб гуноҳга ботишни истамаймен.

Амаким Саъд Акбар фарзандларидан шубҳалана бошлади. Бировини ҳоким қилиб у ёққа юборди, бошқасини элчи қилиб буёққа жўнатди. Лекин амаким мендан шубҳаланиб ўлтирмади. Чунки мен на сипоҳийликка қизикар эдим, на олий мартабага, қилган ишим, боя айтганимдай ов, кимор, майхўрлик... Амаким-ку мендан шубҳаланмади, лекин мен ундан ҳадиксирай бошладим, ётар-тураримдан ҳаловат кетди. Хотиним Сулувбика, ҳозиргидай эсимда турибди, шаҳло кўзларини тикиб: «Отамлар томонга Марғионга кетайлик!» деди, бироқ қайин отамникига сарғайиб боришни ўзимга эп кўрмадим...

Шу алфозда кунлар кечди. Тўрт ёшга кирган Шерўғлоннинг тобора шўхи чиқиб борарди. Ширинбика, ширинқизим эса бирдан ўтиб иккига қадам қўйди. Тили чиқиб чулдираб колди. Ростданам ширин.

Авваллари шикорми, майхўрликми, чилимми, қиморми — барчасидан ҳам оз-оздан бўлиб турарди. Кейинги вақтларда овни умуман йиғиштирдим, гарчи Сайхун бўйларида шикор килишни дунёнинг уч фароғатидан бири деб ҳисобласам ҳам. Мени, шайтон адаштирди-ю қимор ўзига батамом тортиб олди. Унинг васвасасидан тунлари ухламай чиқадиган, «Қани ганақ? Ё лошқанот!» сўзларини такрорлайдиган бўлиб колдим. Киши бундай паллаларда нима қилаётганингни билмайсен, буткул эсхушингдан Мосуво бўласен, ақлинг терс томонга ишлай бошлайди. Умидингни узиб молингни тикасен, аммо молини оламен, деб умид киласен. Рақибингни жонини олай дейсен, жонингни тикасен, бутун олам, ҳаёт, ёр-дўст, одамгарчилик торозининг бир палласида туради, бир палласини ўзининг васваслари, гиж-гижлари, қайнок хаваслари, кутқулари билан қимор банд этади...

Бир кун ютқизавериб бор-будимдан айрилдим. Ҳеч омадим келмади. Олам кўзимга қоронғу бўлиб кетди, ҳеч нарсага ақлим етмай колди. Нима бўлса тикишга тайёр бир холда эдим. Миям қарахт, гарангман. Теграмни омади чошиб турган рақибларнинг хушчақчақ ва музаффарона овозлари тутган... Ақлим бир лаҳза ёришгандай бўлди-ю, дунёда менинг ўйинга тикадиган хотин, бола-чақамдан бошқа ҳеч вақом йўқ эканлигини англадим! Энди ўйласам, даҳшатга тушиб кетамен, лекин миям қизиб турганда, ўшанда, менга хотинимни ўйинга тикиш даҳшат бўлиб туюлмади. Аксинча, шу йўл билан ютқазган молларимни қайтариб оламен, деб умид килдим, бунга ишондим, хотинимни ютқазиб қўямен, деб асло ўйламадим. Рақибларимни бир бор «Аттанг!» дегизгим, «вох»-латиб қўйгим келди. Заррача ҳам иккиланмай суюкли хотиним Сулувбикани, Шерўғлонни ва Ширинбикани қиморга тикиб юбордим! Даврада хотинимнинг гўзаллигини эшитишганди, сулувлигини яхши билишарди. Тўйимизда улфатларим қатнашишган эдилар-да!

Қиморбозлар орасида бундоқ таваккал қиладиганлари, одатда кам учрайди. Менинг қароримни даврадагилар хайрат билан кутиб олишди. «Бу феълингдан қайт!»,

«Бошқа бир чора изла!», «Кўй! Бундай қилма!» дегувчилар бўлди. Аммо бундоқ сўзлар янгради дегунча, ўжарлигимдан, ўчириши лозим бўлган шамол оловни баттар лангиллатиб юборгандай, қарорим яна ҳам қатъийлашар эди... Хатто рақибим Гардкамшоҳнинг ўзи мени бу йўлдан қайтармоқчи бўлди, майли қарзини бир йил ичида узиб берса кифоя, дебди, тангилик қилибди. Қиморбозлар танти бўлишади ўзи. Семиалигидан бўйни йўқолиб кетган Гардкамшоҳ қиморнинг пири эди, Хўтану Ҳиндистон томонларда уни билишар, эътиборли, нуфузли ўйинчилардан саналарди. Авваллари уни ютган пайтларим ҳам бўлган. Таваккалчилиги, мардлиги учун «Гардкамшоҳ» лақабини берган эдилар. «У мард экан, мен киммен, кўрқокмумен? Мен ҳам мард ўғилмен, бировнинг раҳму шафқатига зор жойим йўк!» дея қайсарлигим тутди.

Ўртани бўшатдилар. Мен қўлимга беш дона ошиқ олдим. Ошиқлар ҳам ташланавериб ажабтовур хирпа бўлиб кетган. Бешовини кафтимга тердим, яхши ниятда барини олчи қилиб қўйдим. Бир лаҳза теваракка назар ташладим. Теваракда чағир кўз, ола кўз, қўй кўз, қисик кўз, қора кўз, кўк кўз, соққа кўз, зағча кўз — турфа кўзлар, Жалойирбек ҳозир нима қилар экан, ошиқларни қандай ташлар экан, дея катта кизикишу хайратда тикилиб қолишган...

Мен кафтимда саф тортган бешта бир хил ошиқларга қарадим. Қарадиму кўзим тиниб кетди! Ошиқларга жон кира бошлаганди! Ана, биринчиси кимирлади, иккинчисига жон кирди, учинчиси!.. Ҳозир қўлимдан ўрмалаб тушиб кетишадигандай! Лол бўлиб қолдим! Ҳеч кимники бундай бўлган эмас! Қайси қиморбоз, ошиқлар қўлимда жонланиб кетади, деб мақтана олади? Мен буларнинг барини яхшиликка йўйдим, омадим келди, деб ўйладим.

Аслида эса мени қаттиқ хаяжон чулғанди, қўлим қалтираганидан, ошиқлар кимирлаб жон кирганга ўхшаб кўринганди. Мен парвосиз, руҳим баланд, ошиқларни камоли завқ билан дадил ўйинга отдим:

— Гардкам! Бахташ-таваккал!

Ошиқларни ўйинга отдиму нечундир кўзларимни очишга кўрқардим. Ҳамма бараварига «Оҳ», деб юборди. «Битта-я, битта!» деди кимдир. «Биттаси олчи турса нима қиларди?» дерди бошқаси. Мен одатда ошиқларни ўйинга ташлаб кўзларимни юмардим, сўнг «Қани ганак?

Ё лошқанот!» деган сеҳрли сўзларни айтиб, ошиқларга қарардим, бу сеҳрли сўзлар кўнглимга мадад берар, рухимни кўтарарди.

— Қани ганак? Ё лошқанот!

Шундай дедиму апил-тапил кўзимни очдим! Очдиму очганимга пушаймонлар едим... Афсус... сеҳрли сўзлар бу сафар мени қўлламаган эди! Бешта ошиқдан иккитаси олчи турган, қолган учтаси бўзахўрлик қилиб хориб-толган худобезор сўтаклардай юмалаб ётарди! Мен ютказган эди, гўзал хотиним Сулувбикадан, Шерўғлон билан Ширинбика фарзандларимдан тирик туриб ажраб қолган эдим!..

Аммо ҳали ўйин давом этарди. Албатта, бу ёғи ўйиннинг оқаваси. Мен Сулувбикани ва фарзандларимни ўз қўлим билан Гардкамшоҳга топширишим керак эди. Уйга ёлғиз эмас, балки Гардкамшоҳ ва унинг гумашталари билан кириб бордим. Хотиним бизларни кўрди-ю, мен севадиган шахло кўзлари жиққа ёшга тўлиб, уввос тортиб юборди:

— Нима қилиб қўйдингиз? Нима қилиб қўйдингиз?! Шундан кўркардим-а! Хонумонимни куйдирдингиз-ку!?

Индай олмадим.

Шу пайт Шерўғлон тайпанглаб югуриб келиб қолди. Тўрт яшар бола нимани ҳам биларди дейсиз?.. У қўлингга ол, дегандай оёғимга ёпишарди. Ўғлимни қаттиқ кучоқладим-да, юз берган даҳшатли воқеадан жинни бўлаёзган Сулувбикани етаклаб болохонага олиб чиқдим.

— Яхши-ёмон гапларимга рози бўл! — дея олдим фақат хотинимга, лекин кўзларига қарай олмадим. Болохонадан кўча яхши кўриниб турарди, шу пайт кўчада икки ит ириллашиб уришишаётган экан. Шерўғлоннинг ўша билан андармон бўлиб қолганлигидан фойдаланиб, манглайдан аста ўпдим-да, пастга тушдим. Қимор қоидаси бўйича, ютказган одам хотин-болаларини томга, ҳамма кўрадиган жойга чиқариб қўяди, эшикни ланг очиб ўзи этак қоқиб уйини тарк этади... Мен ана шундай қилиб кета бошладим, остонадан беш кадам юриб улгурмаган ҳам эдимки, қулоғимнинг тагига тушган шапалоқ зарби гандираклатиб юборди:

— Мусулмончилигингни қилиб кет, сийниталоқ! — деди Гардкамшоҳ дарғазаб. Боплаб жавобини берсам бўларди, аммо бир кундаёқ ич-этимни еб, қуруқ гавдам

колганди холос. Илгарилари кариллаб юрган, шикорга чикиб ҳаммадан кўп илвасин отиб мақтанган, неча-неча май тўла хумларни бўшатиб парво қилмаган, урганда уч одамга бас кела оладиган Жалойирбекнинг суратигина турарди...

Хамма менга тикилган. Гардкамшоҳ айтган нарсани тушунардим. Мен атай индамасдан чикиб кетаётгандим. Кўнглимда, ахир қачондир омадим келиб уйимга қайтармен, деган умид бор эди, шу важдан орани узмоқчи эмасдим. Гардкамшоҳ эса хотинингни талоқ қилиб кет, демоқда эди.

— Уч талоқ қўйдим! — дедим ҳаммага эшиттириб. Ўксиб-ўксиб йиғлаб турган Сулувбика шу ерга келганда ўкраб юборди... Энди унинг боши очик, менга етти ёт бегона бўлганди...

Ўша-ўша Ахсидан «Хай-ё хуйт!» деб чикиб кетдим. Бошимни қайси тошларга уришимни билмаймен, каерни ватан айлай, деб ўксинамен. Андижонга бордим, Окгўр маҳалласида ҳаммомда гўлаҳлик қилиб кун кечирдим. Сўнг Ўшга ўтдим, бир бойнинг қўйларини боқдим. Кейин Кубода ризким сочилган экан, териб едим. Хўжандга йўлим тушди, ундан Усрушопага йўл олдим, бир карвонга кўшилиб Тошкент, Ўтрор томонларга бордим, Ясси, Фороб кентларини кездим. Энди билсам, бу кентда муаллими соний Абу Наср Форобий таваллуд топган экан, сарбадорлар жамоаси оқсоқоли Абу Бакр Калавий суҳбатларидан билдим буни. Ўша ерларда бўлибмен. Икки йилдан бери Тун салтанати фуқаросимен. Ахсидан чикиб кетганимга ўн саккиз йил бўляпти... Ҳозир ўрлим йигирма иккига кирган, қизим ўн тўққизда бўлса керак... Билмадим, тақдирлари қандай кечди. Гардкамшоҳ иккисини ҳам сотиб юбордими?..

Ахсидан чикиб кетганимнинг бешинчи йили Хўжандда турганимда яширинча болаларимни кўриб келишга қарор қилдим. Дарвиш жандасини эгнимга ташладим, кашкулни белимга илдим, қўлимга ҳасса тутдим, термизлик савдоси синаб гадо бўлиб кетган давлатманд сифатида Ахсига келдим. Мен кетгандан кейин икки йил ўтгач, Гардкамшоҳ бошига фалокат тушибди, — қайтар дунё бу, — киморда бой бериб, бор-будидан айрилибди, бир куни тонг сахар бозор дарвозасининг ёнидан унинг ўлигини топибдилар... Шундай қилиб, Сулувбика билан бо-

лаларим бедарак кетишган, мен эса коронрида қора кўзумчоғини йўқотиб қўйиб, излаб тополмай умидини узган бола кўйига тушган эдим. Хаёлимда факат мустар Сулувбиканинг ёш тўла шахло кўзлари, Шерўғлоннинг кўксидаги, Ширинбиканинг икки кураги орасидаги норлари колган, хотирам даштини ўшаларгина обод қилади. «Қани ганак? Ё лошқанот!» дейишимнинг сабаби шу, кимор ўйнашни ташлаб юборганмен, аммо бу сўзларни ҳеч эсдан чиқара олмаймен, ҳозиргача ҳам ҳаётнинг ачиқ ўйинида иштирок этаётгандаймен. Ўғлим тенги, қизим тенгиларни кўрсам, барини Шерўғлон билан Ширинбиқага ўхшатаверамен, кўз узгим келмайди...

* * *

Абомуслим кўнглини бўшатиб олган эди. Ўзи ҳам ажабтовур енгил тортди. Мунгли қисса барчага каттик таъсир қилди. Мавлонозода Абомуслимнинг тутумини энди тушунди. Гадо Мавлонозода билан Худобандани ўз ўғлига ўхшатиб юборганидан узоқ-узоқ тикилар экандал..

Ахий Жаббор Абомуслим ҳикоясини эшитаркан, ҳаёлидан бир-бир ўзининг аламларига тўла ҳаёти ўтиб туради. Фарғона томонда, Қубо шаҳрида туғилгани, уч ёшида ота-онасига ўлат тегиб дунёдан кўз юмгани, ўн боласи бор холаваччасининг қўлида колгани, кўча-қўйларда сандироклаб юргани, кейин ўғри болаларга қўшилиб кетгани, ўғрибошининг уни бачча қилмоқчи бўлгани, шундан ўғрилар галасидан қочиб чиқиб кетгани, сўнг Марғинонда бир мударрисга хизматкор бўлиб тушгани, ўшанда дурустгина савод чиқариб олгани бари — бирма-бир тасавурида жонланди. Уста Кулол билан Лакшман ҳам болаларидан айрилган гадога ачиниш билан карашар, ундан кўз узишмасди.

— Сиз Жалойирбекман, дедингиз... Исмингиз Абомуслим шекилли? — сўради Мавлонозода. Абомуслим жавоб берадиган ҳолатда эмасди. Ахий Жаббор сўз олди:

— Салтанатимизда ўз аламли ўтмишини унутишга бел боғлаганлар истикомат қиладир. Ўтмишни унутишни исмларини ўзгартиришдан бошлайдилар. Шу сабабдан бу кишининг исмлари Абомуслимдир...

— Хафа бўлманг, болаларингизни топасиз! Ўлмаган бўлсин ишқилиб... — Уста Кулол Абомуслимни юпатиб деди.

— Биргалашиб топамиз! — сўзга аралашди Лакшман. — Мана мен ҳам эл ичида юрамен. Суриштирамен...

— О, канийди! — Абомуслимга яна жон кирди. — Болаларимдан бирон хабар топсангизлар айтинглар! Бобо Султонга ҳам айтганмен. У карвонсаройда кўп бўлади, турли мамлакатлардан келган мусофирлар билан учрашади...

— Бобо Султон? Ким у? — сўради Уста Кулол хайрон.

— Ҳа... Уми? — тушунтирди Ахий Жаббор. — Тун салтанати фуқароси. Салтанат қулоғи. Барча янги гапларни бизларга ўша айтиб беради.

— Мен ҳам сизга қўлимдан келганича кўмак беришга тайёрмен, — деди сарбадорлар жамоаси котиби. — Болаларингизнинг дарагини қидирамиз. Ноумид шайтон...

Абомуслим миннатдорчилик билдирди.

— Маъзур тутасизлар... — деди Ахий Жаббор. — Абомуслим оға билан Нозим Мехмет қахвахонасига бормоғимиз зарур. Сўнг кундалик юмушимиз ҳам кутиб турибди. Ҳар нарса ўз вақтида бўлсун, одам бахти аҳдида бўлсун...

Тун салтанати фуқаролари кетишга hozирландилар.

— Мотурид гузариди ҳаммом қуришмакчи эканлар, ништ букюртма қилишганлар, ваъда бўйича, маҳалла калонполари келишмакчи эдилар, — деди Уста Кулол. — Мен ҳам борай...

— Мен ҳам Камонгаронга пешинга етиб бормагим лозим, Кумар уйда қараб турибди. — Қўзғалди Лакшман ҳам. — Тўйга айтилганмиз...

Мавлонозода бирин-кетин меҳмонларни кузатиб ҳужрага қайтди. Вақт чошгоҳдан ўтиб колганди. У рўйхатларни тоқчадан олиб тартибга келтира бошлади. Рўйхатлар ичида фақат Наддофлар маҳалласига тегишлиси йўқ. Уни Абу Бакр Калавийдан олиб қўшиб қўяди. Бугун пешиндан кейин Наддофлар маҳалласига ўтади. Кўнглининг бир четиди Жаҳон бикани кўриш умиди ҳам бор, Жаҳон бика...

Бирдан хаёлида сахарда кўрган туши жонланди. Туш достони, рўё қасидаси дейиш мумкин эди уни! Ишққа ташна, муҳаббат гадоси бўлган йигирма икки ёшли йигитнинг туши эди у!

Мавлонозода кўзларини юмганча энтикиб ширин тушнинг барча тафсилотларини эслашга тушди.

Ўн тўртинчи боб

СУВДА ҚАЛҚИБ КЕЛГАН ОЛМА

Наддофлар маҳалласининг оксоколи кун кўринмай шаҳар ҳокими эшигига етиб борди. Сабаби, Садр Сулаймон далаларга тонг салқинида чиқиб кетишни яхши кўрарди. У бир кун олдин Абу Бакр Калавийга одам юбориб, чинак мавсуми қандай кечаётганлигини кўрмок учун эртага кишлоқларга чиқажагини билдирди.

Садр Сулаймон ҳар йили йиғим-терим вақтидагина ҳосилнинг чўғини билиш учун пахтачилар хузурига бориб, кишлоқларни айланиб қайтади. Бошқа пайтларда чинак ишларини Абу Бакр Калавийдан сўраб, ҳисоб олади. Чунки пахтани Наддофлар маҳалласи оксоколи қабул этиб оларди, унинг берган маълумотига кўра пахтачиларга ҳақ тўланади. Наддофлар маҳалласи ахли эса, бор пахтани олиб толасини толага, чигитини чигитга ажратади.

Дарвоза ёнидаги соқчи Абу Бакр Калавийни танирди.

— Ҳокимга хабар бергил, — деди у соқчига. — Наддофлар маҳалласи оксоколи сафарга тайёр эканлар, дегил.

Соқчи тезда хизматкорлардан бирига хабар берди. Абу Бакр Калавий Чорсу томонга назар ташлаган эди, анча нарида, кўз илғар-илғамас масофада уч отлик келаётганини кўрди. У эътибор бермади, нима кўп, кўчада тасир-тусир от чоптириб юрадиганлар кўп, ўшандайлардан бўлса керак, деб ўйлади. Шу пайт ичкаридан отда Садр Сулаймон чиқиб келди, ортидан Худобанда билан Жаммазабонлар кўринишди. Жаммазабон яқинда девонбеги мартабасига кўтарилган эди.

— Ассалому алайкум, ҳоким бува! — деди Абу Бакр Калавий қўл олиб кўришар экан.

Садр Сулаймон Наддофлар маҳалласи оқсоқоли саломига хушламайгина алик олди. Ёз бўлишига қарамай, ҳоким зарбофт матодан авра тўн кийиб олган, ўнг қўлидаги сўфибармоғида ёқут кўзли узук жилва кўргизарди.

Самарқанд ҳокими, ўз шериклари билан эндигина жиламан деб турганида, ҳалиги отлиқлар етиб келишди. Улар Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Ҳусайннинг элчилари бўлиб, элчиларга Темурбекнинг одамларидан амир Жоку барлос бошлиқ этиб тайинланганди.

Энгига ҳарбий зирх ташлаган амир Жоку барлос одан тушди-да, шерикларини йигирма қадамча ерда қолдириб, Самарқанд ҳокими истиқболга ошиқди. У чап қўлини белидаги қиличга тираб олган, қадам ташлаганда орқасидаги қоқили у елкасидан бу елкасига селкиллаб ўтиб турарди.

— Самарқанд ҳокими Садр Сулаймон — садри жаҳон мартабалари бундан ҳам зиёд бўлсун! — беш қадамча нарида тўхтаб таъзим қилар экан деди амир Жоку барлос. — Мовароуннаҳр султони Амир Ҳусайн ибн Мусаллаб ибн Амир Қозоғондан қутлуғ мактуб келтирдим!

— Қадаминг бўлсун, элчи! — деди ҳоким хушнуд, юрмоққа ошиқиб депсинаётган отининг жиловидан тортиб-тортиб қўяркан.

— Мамлакат подшосининг назари муборак, эй падари бузруквор! — майин овозда қутлади ҳокимни Худобанда.

— Мовароуннаҳр ҳукмдоридан қутлуғ нома келган бўлса, ажабмас, султоним! — ялтоқланиб сўзланди Жаммазабон девонбеги. — Ахир биз солиқларни пулу молни, ғаллаю пахтани уч ҳисса ортиғи билан етказиб бердик...

Абу Бакр Калавий жим кузатиб турар экан, хаёлидан Садр Сулаймон босқоқчиларининг ғирром, ножўя ишлари бир-бир ўтди. У ҳоким ва босқоқчиларни бир неча бошли аждаҳога ўхшатади: энг катта бош — ҳокимнинг ўзи, ундан кейингилари Жаммазабон, яна бошқалари. Ҳар бошда оғиз бор, бу оғизлар эса ўлқон... Солиғу ўлпонни энг четдаги «бош» йиға бошлайди ва ўзининг оғзи тўлмагунча иккинчисига ўтказмайди.

Амир Жоқу барлос кўкрагининг чап томонига кўл сукиб найча қозғолди ва ортига бир кадам чекинди-да, мактубни ўпиб кўзларига суртди, сўнг икки кўллаб ҳокимга олиб бориб берди.

Садр Сулаймон ҳам найчани ўпгач, сирачланган жойидан авайлаб очди-да, ўқимокка тутинди. Фармонда наставлиқ усулида жуда бежирим, чиройли қилиб қуйидаги сўзлар битилган эди:

«Мовароуннаҳр султони Амир Хусайн ибн Мусаллаб ибн Амир Қозогоннинг айтадурғон сўзимиз. Руби маскунда ягона Самарқанд шаҳрининг танҳо ҳокими Садр Сулаймонга маълум бўлсунким, мамлакат маснадида осойишталик байроғи ҳукм сурмишдир, фаровонлик авжида... Юрт сарҳадлари дахлсиз, Жета унсурларининг қадамлари қирқилмишдир. Инчунин баттол Илёсхўжа ҳануз Мовароуннаҳр даввосидан кўнгил узолмайди... Вале ул нопок жаннатмакон тупроғимизга хуруж черигин ияртиб келмак ниятидан халос бўла олмайди эрмиш. Баски, шайланмак лозимдир. Алалхусус, бизга бегараз кўмагингиз даркор бўладир. Солиғу ўлпон, божу хирож барчасин фуқародин жам айлаб, Шаҳрисабзга, ўнг қўлимиз Амир Темур ихтиёрига юборурсиз, токим ул черик тадорикин қиладур. Раийятдан фақат ушбу йилги эмас, келаси йилнинг солиқларини ҳам бир унновда йиғиб олингиз, илло шароит тақозоси шулдир. Имилламак — душман кўнглини олмак демакдир. Бесарҳад мамлакатнинг барча шаҳру қасабаларига ҳам шул мазмунда фармон юборилмишдир.

Солисарой. Хижрий 766 йил, шаввол ойи 15-куни, чаҳоршанбаи муродбахш».

Самарқанд ҳокими мактубни авайлаб найча ҳолига келтирди-да, бир лаҳза Чорсу томонга, узокларга тикилди. Яна солиқ йиғмоқ керак, ўлпон солмоқ керак... У Самарқанд ҳокимлигига тайинлангандан бери ўтган бир йил ичида турли важ-корсонлар билан уч марта солиқ олинди. Учинчи мартасида Қўрчилар маҳалласининг одамлари гожлик қилишиб қурол-яроғ кўтаришиб чиқишибди. Хўрдак Бухорий деган бир одам тўппадан-тўғри бундоқ депти: «Ҳокимнинг ўлпон йиғмоқдан бошқа юмуши ҳам борми? Ҳокимми ё ўлпончимми? Агар бас қилма-

са, ўзи ўлпон бўлиб кетади!» Шу гап алам қилди. Оширич чора кўриб сипоҳ юбормак лозим эди-ку, бироқ бошқа маҳаллаларда ҳам бундоқ кайфиятга эрк бергувчилар борлигини айтдилар. Мана энди тагин ўлпон деб шахар аҳлини безовта қилмоқ керак... Ҳокимнинг ўзи ҳам билади, Холвачилар маҳалласида қозонда ҳолва пиширилади, аммо ўзларига фақат ҳолва хиди қолмоқда, кулолларнинг ўзи кўзага ёлчишмайди, хумдонда қанчадан-қанча ришт тайёрлашади, лекин бири икки бўлмай ўзлари пасха уйларда ўтиришади... Қаландарлардан не олиш мумкин, аксинча уларга бермоқ керак. Наддофлар ҳам очикдан-очик нолиш йўлини танлашди, улар ҳам солиқдан бош тортишмақда. Арк кўчасидаги казо-казоларга тегиб бўлмайди, тўппадан-тўғри бетингдан олишади...

Лекин мамлакат султонининг айтган сўзи — дарёга отилган тош, қайтиб олишнинг иложи йўқ. Отилган ўк балки қайтиб келадир, аммо ҳукмдор сўзи айтилган жойда қоладир!

— Уғлим, — деди Садр Сулаймон Худобандага қараб. — Мактуб менинг шахарда қолмоғимни такозо этадир. Бу сафар ҳам бора олмадим, начора... Лекин доғоғга бешак-шубҳа бирга чиқурмиз, ўғлим...

— Мактубда бирор кори ташвиш изи кўринадирму, эй падари бузруквор? Озроқ тараддудга тушиб қолганингиз сезилди? — деб сўради Худобанда.

Худобанда, Самарқанд ҳокимининг эрка ўғли, мана, ўн олти-ўн етти йилдирки Садр Сулаймон хонадонида яшайди. Қоши-кўзлари пилиқдек бола унинг хонадонига қадам босганда фарзандга ташна садри жаҳон алланечук бўлиб кетди, Худобандага худди ўз пушти камаридан бино бўлгандек меҳр қўйиб қолди. Келган кунидан бошлаб унга энага тайин қилди, алоҳида хона ажраттирди. Ҳар кун эрталаб Худобанданинг кўлидан ушлаб ҳовли айланади. Меҳмонга борса бирга олиб боради, уйда қолдириб кетишга қўнгли бўлмайди. Худобанда худди тансиқ кўчатдай парвариш қилинди. Шаҳарнинг энг яхши мударрисларидан Хожа Лутфуллоҳ унга сабоқлар берди, саркардалардан бири эса харбий санъатга ўргатди, қилич тутиш, найза отиш сирларидан огоҳ этди.

Садр Сулаймоннинг айтишига қараганда, Худобанда — ҳокимнинг яккаю яғона ўғли. Уни тўрт яшар

вактида, мана шу Арк кўчасида ўйнаб юрганида аллакимлардир ўғирлаб кетишган экан... Ўғлини излаб, ота юрак оғриғига мубтало бўлди, онаси эса чўпдай озиб кетди, ёлғиз ўғлидан айрилиб ўзини ўнглай олмай, оламдан ўтди... Уч йилдан кейин Нишопурдан хабар етди-ю, Садр Сулаймон бориб ўғлини олиб келди... Йигит бу гапларни кўп эшитганди.

— Ташвиш ҳам бор, ўғлим, бор... Беғалва калла каллами, деган экан бир машойих. Мамлакат ҳукмдори яна Жета хони Илёсхўжагон устига қўшин тортмакчи... — ўйланиб деди Садр Сулаймон.

— Ё раббий, бало-казонгдан ўзинг сакла! Тагин уруш-талашми? — деб юборди шу пайтгача жим турган Абу Бакр Калавий. Унинг оти ҳам бир жойда тураверганидан зерикиб депсина бошлади. — Уруш подшолар учун ўйиндир, вале фуқарога ўлим билан баробар!

— Тагин урушми, валинеъмат? — зорлангандай деди Жаммазабон девонбеги ҳам, чунки ҳар сафар уруш тараддуди кўрилди дегунча, Самарқандда бутун ташвиш унинг зиммасига тушар, солиғу ўлпонларни йиғиш тобора машаққатга айланиб бормоқда эди.

Элчиларнинг иккитаси нарирокда тўхталган кўйи кимир этишмас, Амир Жоқу барлос эса лом-мим демай ҳокимдан жавоб кутарди. Садр Сулаймон томоқ кирдида, деди:

— Бор меҳримиз, қалбимизнинг қўри Мовароуннаҳр султони Амир Хусайн ибн Мусаллаб ибн Амир Қозоғон умрларини зиёда қилишга бахшида бўлғай! Улуғ ҳукмдорнинг айтганлари ҳамиша аъло, деганлари доимо дуруст! Хўш... Жаммазабон девонбеги, одамларингни ол, ҳам Абу Бакр билан чинакни кўриб келасен, ҳам олти кишлокнинг ҳар бирида солиғу ўлпонни йиға бошлайсен! Бугун шу юмушга кириш, маъқулми? — Жаммазабон номига биринчи марта девонбеги сўзини қўшиб айтганларидан мамнун эди, у «хўп!» дегандай бош ирғади. — Худобанда барига ўзинг бошчилик қиласен! Ўрган, ўғлим...

* * *

Худобанда бошчилигидаги закотчилар, улар ўнга яқин эдилар, Қундузак кишлоғига вақт чошгоҳдан ўтиб қолганда етиб бордилар. Чинакчи кишлоклар шаҳардан унча

йирок эмасди, улар гарби-жанубда Зарафшонга яқин ерларда жойлашганди. Қишлоқлар асосан йигирма-ўттиз атрофида уйдан иборат бўлиб, энг каттаси Қундузак эди, унда саксон хонадон истикомат қиларди.

Қундузак қишлоғининг оқсоқоли Холмат сўфи «мехмон»ларни нохуш кутиб олди. Тўғрисўз, қизиққон ва шартаки бу одамнинг Жаммазабон девонбеги босқоқчиларини кўриб ваши келди, совуккина кўришди-ю, «ха» йўк, «бе» йўк, деди:

— Худодан ҳам хафа бўлиб кетаман-да баъзан! Нега энди бизнинг бир парча қишлоқни шаҳарга яқин қилиб қўйган-а! Шаҳарда ётган одам кўлини мундоқ ташлаб юборса, бизнинг қишлоққа тушади!..

Холмат сўфи мехмонларнинг келишиданок мақсадларини билиб, оғиз очишга ҳам қўймай бобиллаб берди:

— Ўн кун бўлмади, бўлмадимми, бор-будимизни қоқиштириб кетдингизлар-ку? Тағин меҳрибончилик кўргизгани келдингизларми? Ахир фуқаронинг уйида кип-қизил девордан бошқа ҳеч вако йўк-ку!

Қишлоққа ҳокимнинг босқоқчилари келибди, деган хабар лаҳзада барчанинг қулоғига етиб борди. Одамлар бирин-кетин Холмат сўфи ҳовлисига тўплана бошладилар. Улар қишлоқ оқсоқоли билан босқоқчилар ўртасидаги даҳанаки жангга дабдурустан қўшилолмайд турдилар.

— Ушр дедингиз олиб кетдингиз, ўн боғ пичан ўриб қўйган бўлсам, бир боғини олдингиз, товуклардан олдингиз, ўтган йили тариқдан ҳам беришга тўғри келди... Тағин...

— Ҳой, вайсаки! — деди дарғазаб Жаммазабон девонбеги кўлидаги камчинни ўқталиб қишлоқ оқсоқолига. — Э, оғзингни ёп! Ҳаммани ерга қорвординг-ку! Бас қил! Эмаса қишлоқ-пишлоғинг билан қулингни кўкка созуриб юбораман, пир урган!

Холмат сўфи орқага қайтадиганлардан эмасди, қишлоқ аҳли шунинг учун уни қаттиқ ҳурмат қиларди.

— Пир урган?! Пир урган деб сени айтадилар, урса сени уради, ха! Ўн кун олдин келиб, энди бу йил бошқа солиқ бўлмайди, мана шу охиргиси, деб кетган ким эди? Тағин келиб турибсан-ку! Пир урган бўлмасанг, шунақа қилармидинг нас босган?!

Худобанда Холмат сўфининг дадил гапларидан хайратда қолди. Унинг ҳам жаҳли чиқа бошлади, нимадир демоқчи бўлди, аммо шуури оқсоқолнинг гаплари ҳақ эканлигини сезиб турганиданми, тили айланмади.

Абу Бакр Калавий Холмат сўфини эскирдан яхши биларди. Оқсоқол фуқарони ўйлаб, ҳоким одамлари билан тез-тез «сен-мен» га бориб қоларди. Ҳар сафар солиқ йиғишга келишганда ана шундай ловиллаб кетарди-ю, кейин барибир солиқни тўлашга мажбур бўларди. Аммо, бу гал Холмат сўфининг қарори қатъий эди. У Абу Бакр Калавийга деди:

— Булар-ку, майли, еб тўймасдан нари қоч, деганлар! Сиздек одам ҳам шуларга қўшилиб бизни шилишга келдингизми, оқсоқол? Жуда булар учун иззат-обрўли одам экансиз, билмаган эканмиз. Ахир бир оғиз тушунтирсангиз не қипти, ҳамма нарсанинг ҳам чегараси бор деб!

— Хў, Холмат сўфи! Холмат сўфи! Ўзингизни босинг, эй феъли яхши! Мен бошқа юмуш билан келдим, менинг юмушим пахта, ўзингиз биласиз-ку! Закот билан менинг ишим йўқ! — вазиятни англаймоққа тиришди Абу Бакр Калавий.

— Энди, унақамас-да!.. — деди Холмат сўфи. — Тагин мени феълинг яхши, деб мактайсиз...

Ҳовлида қишлоқнинг қирқ-эллик одами тўпланиб қолди. Шу пайт Жаммазабон девонбеги қўлларини белига тираб таҳдидли деди:

— Ҳа! Ушр дейман, оламан, хирож дейман, оламан, жон солиғи дейман, оламан! Ҳа! Дод десангиз ҳам оламан, вой десангиз ҳам оламан! Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан!

Фуқаролар энди жунбушга келди.

— Эй, оғзингга қараб гапир! Оғзим бор, деб гапир-верасанми?

— Чатаноғини кериб гапиришини қаранг! Ёриб ташлайман, даюс, чатаноғингни!

— Битта тушириш керак, мана ушр деб!

— Ушр деганни тушир! — сўз ўйини қилди кимдир.

Аммо ҳеч ким кулмади.

— Халойик! — деб Холмат сўфи қўлини кўтарган эди, ҳамма жим бўлди. Қишлоқ оқсоқоли Худобандага юзланди: — Сиз оқил йигитсиз тушунасиз... Фуқаро-

нинг ҳам оғзи бор, томоғи бор, бола-чақаси бор. Тонгсахардан туриб қора шомгача бир парча еридан чиқмай меҳнат қилади, бири икки бўлмайди. Яширмаймен, кишлоқ аҳли бағоят норози, зулм чегарадан чиқиб кетмоқда. Кеча Совғончига бориб келдим, бир эски танишим қазо қилибди. Кафанликка бўз топилмайди!.. Ана!.. Пичок бориб суякка қадалапти... Ҳамма дод дейди...

— Биз ҳам одаммиз-ку! — қичқирди кимдир.

— Алқисса, — давом этди Холмат сўфи кишлоқ фуқаросига ишора қилиб. — Кўриб турибсизлар, буларнинг ёниб турган қахру қазабидан бошқа, аламдан бошқа закотга берадиган нарсаси йўқ...

— Мурод не? Муроддан гапиринг! — сўради Жаммазабон девонбеги тоқати тоқ бўғилиб.

— Муродми? — кетмонсоқолини силаркан, истехзоли сўради Холмат сўфи. — Мурод шулки, агар аҳволга адолат кўзи билан қараб, идрок торозисига солиб ўлчанса, сизларнинг солиқдан воз кечишларингиз даркор бўладир...

— Девонбеги! — мурожаат қилди Абу Бакр Калавий. — Инсоф юзасидан сўйлаганда Қундузак аҳлининг закотга берадиган мол-матоси йўқ эканлиги аён-ку. Бир сафар буларга тегмаслик керак, дейман...

Нима қиларини билмай турган Жаммазабон девонбеги энди бутун захрини Абу Бакр Калавийга тўкди:

— Э, оқсоқол! Сиз маслаҳатингизни қоғозга ўраб қўйинг! Наддофлар маҳалласига борганимизда яраб қолади. Бу ерда эса тилингишни тийинг, ха! Яхши бўлади!..

— Қаттиқ тегманг! — девонбеги сўзини кесди Худобанда.

Абу Бакр Калавий жавоб бермади. Жавоб берадиган пайт ҳали етиб келмаган эди, у буни хис қиларди.

— Холмат ака! — деди бирдан Худобанда. — Ташвишланманг, сизлар бу сафар закотдан озод этилурун!

Ҳамма хурсанд бўлиб кетди.

— Яшанг, ўғлим! — мақтади Холмат сўфи.

— Чинакам ота ўғли экан! — қўшилди кимдир.

Жаммазабон девонбеги эса тилини тишлаганча қолди:

— Нима қилаётирсиз, султонзода? Булар шунақа дея беради-да! Ахир... — Нолий бошлаган эди у, Худобанда жим, ишорасини қилди. Абу Бакр Калавий сўз олди:

— Рахмат, султонзода! Ха... менинг юмушим талайгина, шу куни бутун чинакчи кишлокларни кезиб чикмогим жоиз. Ижозат этилса-ю, ўз юмушимга равона бўлсам, эй феъли хуш!

Худобанда бу баланд бўйли, кичик салла ўраган, чўяндай қора юзли, шопмўйлов, қўйкўз одамни яхши танийди. У ҳақда сўз кетганда падари бузруквори, тўғрисўзлиги ёкмаса-да, «маънили одам», деб қўяди. Дўсти Мавлонозода ҳам Абу Бакр Калавий тўғрисида хурмат, эътибор билан хикоя қилиб берган, тўлиб-тошиб гапирганди. Айниқса, Наддофлар маҳалласи оксоқолининг қизи Жаҳон бика борасида сўйлаганда шоир бўлиб кетганди.

— Майли, ижозат бериладир... — рози бўлди Худобанда.

Абу Бакр Калавий Қундузакдан чиқиб, аввал Хожани Калонга борди, Совғончига ўтди, Хожани Гунжора билан Кумушкентда бўлди, Ведарда тўхталди. Хартанг кишлогига ҳазрати Имом Бухорий мазорини зиёрат қилди. Кейин Қора Қўчқор деган бурнининг тепасида сўғали бор кисик кўз бир одам Абу Бакр Калавийни уйига таклиф қилди:

— Тамадди қилиб кетасиз...

Вақт ҳам пешин бўлиб қолганди. Улар ҳовли четидаги япаски тол тагида жойлашган сўри томон йўналдилар. Дастурхон ёзилди.

— Тирикчилик оғир бўлиб кетди, Абу Бакр, — сўз бошлади Хартанг оксоқоли, унинг ёши олтмишларда эди. — Чинакнинг юмуши одамни жинни қилади, дейишарди, айтганларича бор экан...

— Ха... — тасдиқлади Абу Бакр Калавий ҳам. — Чинак бошга битган бир бало десангиз-чи. Сизлар-ку уни экиб ундириб йиғиб берасиз, биз толасини толага ажратгунча нақ эсимиз кетади...

— Баъзан ота-боболардан ҳам хафа бўлиб кетасан киши... Фарзанду набираларини ўйлашмай, меҳнатнинг оғирини танлашган экан.

Қора Қўчқор белидан чорсини олди-да, дўнг пешонасини, овиз-бурнини шошилмай артди. Абу Бакр Калавий уни муҳим бир нарсани айтмоқчи эканлигини, бекорга уйига таклиф қилмаганлигини сезарди, шунинг учун ўртага гап қўшмасликка уринди.

— Меҳнати оғир бўлса бўлсин... майли... — Хартанг

кишлофининг оксоқоли давом этди. — Лекин даромади йўк-да! Садр Сулаймон пахтамизни сув текин сотиб олади. Менга қаранг, бир гап бор-да... Ўртамизда қолса, айтардим... — Қора Қўчқорнинг қисик кўзлари сухбатдошига синчков тикилди.

— Айтаверинг, ўртада қолади.

— Шу... чигитдан толани ажратганингиздан кейин ҳаммасини торозига қўйганингизда, сал розини оширишнинг иложи йўқмикин? Бир-икки оксоқол шуни билиб беришни мендан сўрашувди...

— Қандай қилиб оширилади? Англамаётирмен... — хайрон бўлди Абу Бакр Калавий.

Қора Қўчқор дастурхон четида турган оқ ковунни олиб сўйди-да, карж-карж қилиб товоққа тера бошлади.

— Борингки, бир ботмон тола чикса, шуни бир ярим деб... бойга ўтказилса... Ахир ҳамма пахта тўпланганда, билинмай кетади... Хирмон ахир... Бой текшириб ўтирибдими?.. Кейин...

— Э, бас қилинг-е! — деб юборди Абу Бакр Калавий Қора Қўчқор сўзини кесиб. — Уялмасизми? Бу бориб турган фирромлик, кўзбўямачилик-ку!

— Бердисини айтганча ошиқманг-да! — Қора Қўчқор хам бўш келмади. — Агар шундай қилсак, олган даромад хам ўртада арра бўларди. Тушунапсизми? Арра? Арра!..

Абу Бакр Калавий ёниб кетди. У ўзини худди нопок иш қилиб қўйгандай, ўғирлик иш устида кўлга тушиб қолгандай ҳис этди.

— Ноинсоф экансиз-ку! Сиз... Сиз... — Наддофлар маҳалласи оксоқоли қаттиқ хаяжон босганидан гапиролмай қолди.

— Ким билиб ўтирибди? — Қора Қўчқор бурнидаги сўғалини силар экан, энди очикчасига хужумга ўтди. — Сизу мен, тепада худо билади, вассалом! Ҳали худонинг бировга бориб чақимчилик қилғонини одам боласи эшитган эмас, хотиржам бўлинг...

— Ие! — жаҳли чикди Абу Бакр Калавийнинг. — Жуда ноинсоф экансиз-ку, оксоқол? Бунини сиз айтмасангиз, мен айтмасам, худо айтмаса, виждон азоб чекмайди-ми? Э, қўйинг-е! Мен сизни туппа-тузук, халол одам деб юрардим! Адашган эканмен!.. Суф сизга-е, эй феъли хунук!

— Виждон?! Хо-хо-хо! — Қора Қўчқор ўз билганидан қолмасди. — Виждон эмиш! Кимда бор экан ўша нарса! Садр Сулаймондами? Мамлакат ҳукмдори Амир Ҳусайндами? Кимда бор экан ўша нарса, қани билайлик? Ундан кейин, виждон деганингиз ичкарида жойлашган... Эплаб оламиз дейман, битта виждон бўлса?..

— Бор бўлса-ку, эплаб олардингиз... Лекин у сизда йўқ-да, оксоқол! Жигилдонга қўшиб ютиб юборгансиз! Бу бўлмаган гапни иккинчи оғзингизга олманг! Э садқаи одам кетинг-е!

— Сизни одам десам, бир бало экансиз-ку! Агар қорним тўқ бўлса шундай гапни дермидим?.. — ўзини оклашга уринарди Қора Қўчқор.

Абу Бакр Калавий янги келтирилган шавлага ҳам қарамай, ўрнидан шарт турди-да, от жilовини тутиб Қора Қўчқорнинг ховлисидан чиқиб кетди.

— Ҳай-ҳай! Қаёққа... Роса думбул экан-ку бу... — дея жавраганча қолди Хартанг оксоқоли.

* * *

Абу Бакр Калавий покдомон одам эди, у кинғирлик нималигини билмас, тўғрисўзликни шиор этиб олган кишилар тоифасига кирарди. Бу йўлдан чекинмаган, бир бурда нонини ҳалол топиб еган Абу Бакр Калавийнинг Қорасоч бикага уйланиши ҳам бағоят қизик, ўша ҳалоллик йўлини маҳкам тутишига боғланиб кетади.

Абу Бакр Калавий Самарқандга қайтар экан, отни ўз холига қўйдию хаёлларга берилди.

...Боштинда, Сабзаворда сарбадорларнинг кўзғолонлари авж олиб кетди, сарбадорлар давлати оёққа қалқди. Ўн саккиз ёшли Абу Бакр Калавий сарбадорлар сафида иштирок этди. Аммо у Самарқандни соғиниб қолди. Бир кун шу ҳақда оғиз очган эди, Ибн Ямин: «Тўғри, ўғлим! Юртингга қайт!» деб маслаҳат берди. Йигитнинг: «Бизнинг шаҳарга юринг!» деган таклифига: «Самарқандни кўрмак орзуим бор, рўёбга чиқиб қолса шояд!» деб жавоб қилди. Ҳасан Ҳамза билан Ҳусайн Ҳамза Ҳўтанга бораётган бир қарвон сардорига айтишиб, Абу Бакр Калавийни қарвонга қўшиб юбордилар.

Она шаҳрига соғ-саломат қайтиб келгач, Абу Бакр Калавий бир куни не иш биландир Қумушкентга бормоқчи бўлди-ю, Обимашҳад ариғи бўйлаб йўлга тушди.

Айни пишиқчилик, ёз палласи, борлиқдаги файзиёб ман-зарадан кўнгил рўшнолик тортади. Олисда адирлар, ундан ҳам нарироқда, жануброқда, Ургут тоғлари. Офтоб чарақлаган, осмонда бир савам ҳам булут йўқ. Хаво тип-тиник, тоза, шаффофки, агар, чертсанг, жаранглаб садо бериши аниқдай туюлади. Бошида дўппи, эгнида охори тўкилмаган оқ яқтак, йигирма ёшдаги йигит ариқ бўйидаги сўқмоқдан охиста юриб бормоқда. Атрофга боқар экан, она юртнинг нақадар гўзаллигини, табиати бетакрорлигини хис қилди, ғурур туйди. У бир нарсага хайрон: илгари ҳам бу йўлдан юрганди, лекин негадир энди илк бор ўтаётгандай бўлмоқда, ҳамма кўрганлари унинг учун янги — йўл ҳам, тиник сувли ариқ ҳам, олис тоғлар ҳам, кўхна олам ҳам...

Обимашхад ариғи гоҳ тўғри, гоҳ бурилиб оқар, йўл эса, ундан йироқлашмасди. Ўзича хиргойи қилиб бораётган йигитнинг хаёли бирдан бўлинди. Сувдан бир олма қалқиб оқиб келмоқда эди. Мовий ранг сувда олманинг оқлиги, қирмизи ранги тагин ҳам бўртиб кўринарди. «Олтин олма деганлари шу бўлса керак», деди ўзича йигит ва уни олмоққа чоғланди. Узун бир ёғоч топди-да, аста олмани ўзига томон «хайдай» бошлади, аммо олма қувлик қилиб йигитни алдар, ёғоч учи тегиши биланоқ сувга бир шўнғиб яна «қочиб» қоларди. Бундай хол анча давом этди. Ниҳоят, Абу Бақр Калавий олмани ариқ лаби томон келтиришга муваффақ бўлди, олма қалин ўтлар орасига кириб қолди. «Хайрият!» деди йигит ва эгилиб олмани олди.

Муштдек келадиган қимизак олма томоша қилса қил-гудек чиройли эди, бир қараганда оқ бўлиб кўринган олмани қизил ҳам дейиш мумкин, оқдан қирмизига ўтгунча яна бир қанча беҳол ранглар борлигидан йигитга олма камалакнинг бир парчаси бўлиб туюлди. У қўллари билан олмани артди. Олма тиник, доғсиз эди, у ер-бу ери эзилмаган ҳам... Демак, савоғидан узилиб бирон жойга тегмай тўғри сувга тушган... Йигит сувнинг тепа томонига қаради, қаердан оқиб келган бўлиши мумкин? Аммо кўз илғар масофада бирон боғ кўринмади.

Хар қандай гўзал нарса унга тегилгунча гўзалдир. Гул яшнаб турган жойида гўзал, узилгач хазон либосига ўралади, гунча ҳам очилгунча гўзал, очилгач япроқлари тўзғишга маҳкум... Йигит ёш эди, олма эса бемисл гўзал-

лик пардасига беркинганди. Хар иккисини ҳам шиддатидан тўхтатиб бўлмасди. Йигит ўзини тутиб туролмади, қирмизи олмадан бир тишлади! Олманинг чиройи ҳам бир тараф, мазаси ҳам бир ёқни олар экан! Абу Бакр Калавий худди асал қўшилган сутни ичгандай бўлиб кетди, дунёга кўз очиб ҳали бундай олмадан тотиб кўрмаган эди. Оламнинг кенглиги, тоғларнинг баландлиги, Обимашҳад сувининг тиниқлиги, олманинг чиройи, гаройиб туйғулар барча-барчаси қўшилиб йигитни элтиб ташлади.

Йигит бирдан ўзига келди-ю, нохуш ўйдан вужудига ларза кирди, ҳалиги хавойи хаёллардан асар ҳам қолмади. «Мен бировнинг олмасини сўрамай, рози қилмай едим-ку? Бировнинг моли макрух, ҳаром! Қандай қилиб олмадан ошиғич тишлаб қўйдим? Худди ўғрилиқка қўл бергандай бўлдим-ку?..»

Йигит бир лаҳза жойида туриб қолди. Теваракка аланлар экан, ҳеч кимни учратмади. Бир оз ўйлашиб тургач, ўша олма оқиб келган ҳовлига бориб, эгасини рози қилиш керак, деган қарорга тўхталди. У хатога йўл қўйди, лекин бир ишончи бор: хатолар ичида энг оғири ўлимдир, уни тузатиб бўлмайди, тузатиб бўладиганларини эса хато дейиш ноўриндир, улар адашиш холос.

Абу Бакр Калавий ариқ ёқалаб юқорилай бошлади. Шундагина олмани тутмоқ бўлиб хийла орқага кетиб қолганини сезди. Эгри-бугри ариқ бориб-бориб девор билан ўралган боғ ичига кириб ғойиб бўлди. Девор ортидан йигитнинг қўлидаги олмага ўхшаш катта-катта қимизак олмалар ям-яшил барглар ичида товланиб кўзга ташланарди. «Олма ана шу боғдан оқиб чиққан», деб ўйлади йигит. Тўрт танобча келадиган ҳовли дарвозаси кунчиқарга қаратиб қурилган экан. Йигит оҳистагина дарвозани тақиллатди. Бир оздан кейин ичкаридан кимнингдир томоқ киргани эшитилди, дарвоза очилиб, ёши элликлардан ошган, қадини тик тутиб юрадиган, қалин соқолига битта-иккита оқ оралаган, тиниқ юзли, ўрта бўй бир киши пайдо бўлди.

— Ассалому алайкум, ота, — деди Абу Бакр Калавий ўнг қўлини кўксига қўйиб салом берар экан.

Киши рўпарасида турган хушрўй, дуркун йигитга обдан разм солиб чикди, қўлидаги олма ҳам назаридан қолмади. «Қимизак олмага харидор бўлиб келибди, би-

роп тўйчиғи борми, сотиб олиб кетмоқчи шекилли...» — ўйлади у.

— Ва алайкум ассалом, ўғлим! Келинг, келинг!

— Бир юмуш билан келувдим... Исмиим Абу Бакр. Шахарнинг Наддофлар махалласиданмен...

— Бош устига! Не юмуш экан, гапираверинг, ўғлим!

— Мана бу олма... сизнинг боғингиздан... ми?

— Бу олмами? — сўради боғбон олмани наззора айлар экан. Тишламнинг ўрни занг тусига кирганди. — Ҳа, бизнинг боғ олмаси.... Сиз қаердан олдингиз?

Боғбон сўзларидаги самимий оҳанг йигитга далда берди.

— Ўх-ху, жуда узоқдан! — деди у. — Нак икки тош йўл босдим...

— Хўш?.. Ва ё олмадан зарурми, ўғлим? Қоқтириб берайми?

— Куллуқ, куллуқ, — деди Абу Бакр Калавий. — Олма зарур эмас... Ҳамият юзасидан келдим, яъни...

— Яъни?.. — такрорлади боғбон, унинг таажублана бошлаганлиги сезилди.

— Обимашҳадни ёқалаб келаётган эдим, Қумушкентга бораётувдим, сувда ушбу олма қалқиб бормакда экан. Тутиб олдим. Жуда хавасим келиб кетди. Бир тишладим... Шу заҳоти бировнинг олмасини сўрамай еганимдан уялдим... Мана шу олмангизга рози бўлинг, деб тилаб келдим, ота!

— Шундоқми? — битта олмани беизн тишлаб қўйиб, розилик сўраб турган бу йигитнинг ҳалоллиги боғбонни хайратга солди. Биров ҳақини емасликка ўрганган пок одамни учратиш ҳам маҳол эди бу замонда. Бундай йигит учун бир олма экан-ку, бутун боғни берса арзийди!

Ниҳоятда сахий, хотамтойлиги билан ном чиқарган бу боғбонни Абдумавлон юз деб аташарди, пишиқчилик бўлди дегунча, атроф қишлоқларнинг болалари шу боғ теварагидан кетишолмай қолишарди. У бу ердан ўтиб қолган одамларни билиб қолса, албатта уйга таклиф қилмай қўймасди. «Агар ковун ўғирликка киргани тутиб олсанг ўлдир, чунки ковун уч ойга қолмай пишади, шунга чидамаган одам ҳар қандай жазога лойиқдир, — эслади Абдумавлон юз ўзининг севган нақлини. — Узум ўғирликка тушганини қувиб тутиб қўлига яна узум бериб

юбормок лозим, чунки узум уч йилда бино бўлади. Олма эса тўрт-беш йилда вояга етади, хосил беради. Демак, Абу Бакрга бир тишлам олмага рози бўлибгина қолмай, тагин олма бериб юбориш ҳам керак...» Аммо боғбон кутилмаганда йигитга қарата бундай деди:

— Афсуски, рози бўлолмаймен...

Энди хайратланиш навбати Абу Бакр Калавийга етди:

— Нечун? Бир тишлам олмангизга-я? Ё фалак! Ахир...

— Ҳа, бир тишлам олмага...

— У холда не қилмоқ даркор? Нима қилсам рози бўлурсиз?

— Киши моли азиз... Ҳа-а... Менинг бир шартим бор, шуни адо этиб берсангиз, олмага рози бўлурмен... Лекин оғир шарт...

Йигит юзига табассум ёйилди:

— Майли, ота! Айтинг шартингизни... Хўш, ер ағда-риб берайми? Сув чиқариб берайми?

— Йўк... Қани бундоқ ўтиринг-чи... — таклиф этди Абдумавлон юз. Унинг қалин соқоли кўксига тушиб турарди.

— Менинг бир қизим бор... Худо уни тулум қилиб яратрон... — муддаога ўтди боғбон.

— Тулум?.. — сўраганини билмай қолди йигит.

— Ҳа, тулум. Унинг қўл-оёғи йўк... Бу ҳам етмагандай қулоғи қар. Кўзиям кўрмайди, буни қарангки, худо унга тил ҳам бермагон...

— Ие! Ё тавба! — деб юборди йигит таажжуби ортиб. Унинг боғбонга ва бечора қизига раҳми келиб кетди.

— Шартим шуки, шу қизимни жуфти ҳалолликка қабул этасиз! — Боғбон йигитга синчков тикилди. — Шунда мен олмага рози бўламен...

Абу Бакр Калавий кутилмаган шартдан қотиб қолди. Ё раббий! Ўзи ёш, кирчиллама йигит, жуфти ҳалоли эса, қўл-оёқсиз, кўр, қар, соқов қиз... Бир умр азиятини чекиб яшаш... Лекин ичкаридан келган бундоқ ташвишли сасларга қулоқ солмасликка уринган йигит, деди:

— На чора... Розимен, ота!

— Шунақа денг?.. Ҳм... — ўйланганча деди боғбон. — Баракалла! Хўш... оталари ким бўлади, ўғлим?

Абу Бакр Калавий бош эгганча ерга қаради. Боғбон тараддудланди.

— Энди... отасизмиз... Унинг устига, ёлғиз ўрил-мен... Волидимизни Абу Сиддик Калавий дердилар, у киши ҳаж сафари пайтида оламдан ўтдилар...

— Отангизни танир эдим... Яхши одам эди... — деди боғбон. — Ташвиш чекманг, ўғлим, ота ўрнида ота бўлмоққа саъй-ҳаракат қилурмен.

Абдумавлон юз бу гапни сидкидилдан айтди. Ўзи бош бўлиб тўйни ўтказиб берди. Тўйгача Абу Бакр Калавийни ҳар хил хаёллар тарк этмади, ногирон қиз билан бир ёстикка бош қўйиш, тирикчилик, рўзғор... Билмаса ҳам майлийди, барини кўриб, билиб-туриб қилмоқда, кўриб-билиб тиконни босмоқда. Аммо ортга ҳам қайтиш йўк...

Ёр-ёр садолари ҳам тинди, тўй тарқала бошлади. Янгалар Абу Бакрни гўшангага кузатиб қўйдилар. Шу пайтгача қайлиғи хусусида минг турли хаёллар оғушида нарқ йигит энди қаттиқ хаяжонлана бошлади. Чунки, у ўша қўл-оёғи йўк, қар, кўр, соқов бир ожизанинг ҳузурига қиради, унга ҳаётнинг нотекис йўлларида биргалашиб умргузаронлик қилурмиз, деган сўзларни айтади, яқиндан жуфти-ҳалолига назар айлайди, отасининг ўзи «тулум» деб атаган бир бечора қизга!..

Абу Бакр Калавий шундай хаёллар ичида келин остонасига қадам қўйди. Йигит хонани тутган муаттар бўйдан, уфор исдан маст бўлаёзди, бутун вужудига ажиб бир титроқ югурди. Хонанинг тўрисида, икки тахмоннинг ўртасида чуқур тоқчада ёниб турган шам, гўшанга ортида эканидан куёвга кўринмади. Шамнинг нурлари келин ўлтирган гўшанга ичига оқарди. Куёв беш кадамча юргач, гўшангага етди, янгаси «Бисмиллоҳир рахмонир раҳим!» деди-ю пардани кўтарди...

— Мулкингизга қадам қўйинг, куёвтўражон!

Куёв ердан бошини кўтариб келинга қаради! Қаради-ю... кўзларига ишонмади! Рўпарасида оппоқ харир матодан қўйлак кийган, бошига рўзапўчок гулли ипак рўмол ташлаган, юзларида юпка парда нозанин бир қиз турарди! Куёв истиқболига хиёл эгилган қизнинг қадди-комати рисоладагидан ҳам аъло, гулдай чехраси эса маъсум, келинлик ибосию зийнати зебоси чиройига чирой қўшибди!.. Абу Бакр Калавий бир боққанича боқиб қолди, кўзини олай деса олинмади, келин ниҳоятда сулув эди!

Шу пайт ғаройиб ходиса рўй берди.

Абу Бакр Калавий келинни ҳам, янгани ҳам тонг қолдириб шарт ўгирилди-да, ташқарига йўл олди! Янга бўлса ҳеч нарса тушунмай, унинг ортидан саннаб борарди:

— Вой ўлмасам! Гўшангага кирган куёв ҳам чиқади-ми? Вой, мен ўлай! Нима деган одам бўламиз энди? Ҳай, куёв! Куёвжо-о-он! Тўражо-о-он! Қайтинг, айланай! Қайтинг!

Куёв эса қайтишни хаёлига ҳам келтирмасди. У Абдумавлон юзни кидира бошлади. Боғбон ҳовли четида, Обимашҳад ариғи бўйида, сўрида ўтирарди. Абу Бакр Калавийни кўриши билан, ўрнидан туриб пешвоз чиқаркан:

— Нима бўлди, ўғлим? Тинчликми? — деб сўради.

— Бизни алдашмоқчи бўлдилар, ота! Худо бир саклади! Бизни алдашмоқчи бўлдилар! — хаприкканча деди куёв. — Гўшангага бошқа кизни киритиб қўйишибди! Қайлиғим йўк, қайлиғим!

Боғбон мийиғида кулди:

— Майли, ўғлим! Ҳеч ким бизни алдагани йўк! Ўзингизни босинг! Мен сизга айтсам, қайлиғингиз... — ўша сиз гўшангада кўрган киз...

— Нима? Нима дедингиз? Юрагимни ўйнатманг, ота!

— Ҳеч ҳазили йўк, ўғлим! — деди Абдумавлон юз босиқ охангда. — Қайлиғингиз — ўша Қорасоч бика, менинг яккаю ягона кизим, жигарбандим бўлади!..

Абу Бакр Калавий ҳайратдан лол эди! У боғбоннинг ёнига холсизгина ўтирди...

— Ахир... кизимнинг қўл-оёғи йўк, кар, кўр, соков деган...

— Филҳак, ўғлим, шундоқ дегандим, — гапиртиришга қўймади Абдумавлон юз кулиб. — Қўл-оёғи йўк деганим — шу ҳовлидан четга чиқмағонини билдиради. Кар деганим — бирон-бир номаҳрамнинг сўзини эшитмағон, кўр деганим — бегона назари тушмағон, соков деганим — тилидан ножўя сўзлар чиқмағон...

Куёв ҳайрат бармоғини тишлаганча лом-мим деёлмай қолди. Туриб ўзини Абдумавлон юз бағрига отди, кўзларига дув-дув келган ёш боғбоннинг елкаларига сассизгина тўкилди...

Куёв иккинчи марта гўшангага қадам қўйди. Бу сафар энди сахаргача қолиб кетди...

Абу Бакр Калавий Қорасоч бика билан тўрт фарзанд кўрдилар. Шулардан иккитаси бор, Шамсулмулк ва Жаҳон бика, қолганлари турмади.

Наддофлар маҳалласи оксоколи шундоқ хаёллар ичида Самарқандга етиб келганини билмай қолди. Уйда уни Қорасоч бика кўзларида ёш кутиб олди...

Ўн бешинчи боб

«ИННА ЖААЛНОКА ХАЛИФАТАН ФИЛ АРЗ...»

Мовароуннаҳрда ҳукумат Амир Ҳусайн ва амирлашкар Темурбек кўлига ўтгани билан мамлакатда нотинчлик тўхтамади. Нотинчликнинг сабаби ана шу икки амирнинг бир-бирига муносабатларида яширин эди.

Амир Ҳусайн Солисаройда яшар, гоҳ Балх, гоҳ Бадахшон томонларга босқин уюштирарди. Унинг назарида, улус амирларининг ўзлари хукмдорга бош эгиб келишлари керакдай эди. Аммо амирлар гоҳлик қилардилар. Бу нарса улус беклари ўртасида Амир Ҳусайннинг обрўи йўқлигини кўрсатарди. «Барчасини қилич кучи билан бўйсундириш, бирлаштириш керак! — деб ўйлади Амир Ҳусайн. — Бирок бунга қани куч, қани вақт?...» У истар-истамас бу юмушлар ижозатини амирлашкар Темурбекка беришга мажбур бўлди. Тезликда Шахрисабзга чопар жўнатди.

Амирлашкар Темурбек Шахрисабздан бирон ёққа жилмаган бўлса ҳам, тингчилари орқали мамлакатда нима воқеалар рўй бераётганини яхши билиб турарди. «Ё раббий! Улус амирларининг бунчалар тангназар эканликларини билмас эканмен!.. — деди Темурбек Бобо Али Шоҳ деган авлиёга зиёратга борганда. Авлиё кичиккина хужрада кун кечирарди. — Бирортасида ҳам бундоқ улусни бирлаштириш нияти йўқ, барчаси ўзимга бўлсин, дейдир... Ёғийлар эса бундан фойдаланиб юртимизни ғорат қилмакда... Илёсхўжахон ўз жангчиларини юбориб вилоятларни талон-торож этмакда...»

Бобо Али Шоҳ бош тебратди:

— Амирларнинг кўзлари оч, Темурбек! Кўзлари тўймайдур...

— Оч кўзни фақат тупрок тўлдириши мумкинлигини наҳот билишмайду? — бўғилди амирлашкар. — Дараи Суфдалигимда Тамука баҳодир отлиғ бир йигитимни Термиз томонга юбордим. Хабар келтирдик, Жета лашкари Термиз вилоятига келмиш, халқни талаб, уруш-талаш билан машғул эмиш... Элчи Бую сулдуз Балхда ўз салтанати туғини кўтарғон, Муҳаммад Хожа опардий найман Шибирғон вилоятини қўлдан қўймайду... Амир Хизир Ясовурий одамлари эса Тошканд вилоятини бо-сиб олғон, Кайхусрав Хутталонда...

— Темурбек! — деди Бобо Али Шох. — Тангри таоло буюрганки, агар, кўкда икки худо бўлса жаҳон-нинг иши бузилур!

Темурбек бун эшитиб хайрат билан авлиёга тикилиб қолди. Иттифоқо, Темурбекнинг кўнглида ҳам шунга ўхшаш, ер юзида бир подшо бўлмоғи керак, иккитаси ортиқча, деган фикр бор эди. Тавба деб гапириш керак-ку, худои таоло унинг кўнглидагини қайдан билибду?.. Чиндан ҳам тангри билувчандур! Валлоҳи аълам!..

— Тангри таоло шундай буюрганми?

Бобо Али Шох тасдиқ ишорасини қилди ва шу он-даёқ Қуръони каримдан фол очди. Фолда қуйидаги оят чиқди:

— «Инна жаалнока халифатан фил арз...» Яъни, сизларни ер юзида халифа қилдик!..

Темурбекнинг хайрати чексиз эди.

— Туронзамин амирларининг эса бошлари бир жой-га қовушмайди... — афсус билан деди у. — Ҳар бири ўзига хон, ўзига бек...

Амир Хусайндан келган хабар сабаб бўлди-ю, авлиё-нинг башоратли сўзларидан сўнг амирлашкар Темурбек-нинг фикри қатъийлашди. Бас, у нима қилиб бўлса ҳам юрт амирларининг бошини бир жойга қовуштирмоғи ке-рак!

Минг бир хаёлга чулғанган Темурбек қўш табақали нақшин дарвозадан ҳовлига кирганида, ўғиллари — ра-фикаси Турмиш оқадан туғилган етти яшар Жаҳонгир билан ундан бир неча ойликка кичик, онаси канизак маъшуқа Тўлин оқа бўлган Умаршайх иккиси эндигина сабоқдан қайтишган экан, чопиб унинг олдида келишди-да, салом беришди:

— Ассалому алайкум!

Айвонда Темурбекнинг онаси Текина хотун ўлтирар, Темурбекнинг Улжой Туркон оқадан кўрган кизалоғи уч ойлик Султон Бахт бегимни кўлида тутганча суйиб эркалар эди:

— Боласию боласи, қантак ўрик донаси! Қара! Қошлари попукеккина! Ана-ана! Оталари келиб колди... — деди яқинлашиб келаётган ўғлига кўзи тушиб.

Темурбек ипак кўрпачага йўргакланган чақалокқа каради: ажабо, ҳеч қандай попукек кош йўк, қип-қизил жиш чақалокнинг ўзи... «Ожизалар ҳам худонинг мунгул бандалари, умрнинг чечаклари... — деб ўйлади Темурбек. — Борига шукур... Лекин юртга ўғиллар керак, жонини фидо этмакка тайёр валламатлар керак!.. Валламатлар!.. Жаҳонгирлар, Умаршайхлар!..»

Амирлашкар шуларни хаёлидан кечирди-ю, ўзининг ажойиб валламат дўстлари, йигитлари борлигидан қувониб кетди ва содиқ йигитларни йиғиш учун қилган савй-харакатлари ёдига тушди.

* * *

Темурбек ўз йигитлари билан Кешдан унча олис бўлмаган Ҳисор тоғларидаги бир ғорга бориш учун Қалъадарё сойи бўйлаб икки минг газ баландликка кўтарилиш керак эди. Темурбек лашкарига қўшилмоқни истаган йигитлар ана шу ғорга қийналмай чиқа олишлари зарур бўлиб, ғор сафари имтиҳон вазифасини ҳам ўтарди. Йигитларнинг айримлари ярим йўлга борганда хаво сийраклашганлигидан халлослаб қолишарди. Шунда Темурбек йигитларнинг кўнглига қаттиқ тегмай:

— Сен, ажойиб йигитсен... Аммо менга пахлавонлар керак! Майли, ортингга қайтакол! — дерди. У йигитларни шундай ажратиб оларди.

Пастдан қараганда кўзга чалинмайдиган ғорнинг оғзида туриб олис-олисларни кўриш мумкин. Ғорни худонинг ўзи гўё Темурбек лашкари учунгина яратгандек эди. Ғор оғзи маҳобатли, бўйи ўн икки газ, эни ўн беш газча бор. Ўттиз-қирк қадам ичкарига кирилгач, қоронғулик бошланади. Худди шу ерда шифти баланд, катта Гумбазли айвон жойлашган. Гумбазлидан бошқа айвонларга бир неча йўлақлар кетган. Йўлақларнинг бири узунлиги етмиш қадам, эни қирк қадам келадиган зилло сувли кўлга олиб боради. У ерни Кўлли дейдилар. Неча

юз йиллар ичига офтоб нури тушмаган ғор жунжиктирар даражада салқин. Ташқарида авж саратон бўлишига қарамай, айвонлардан бирида янги сўйилган танани осиб кўйиб бир неча кун асрай олган эдилар.

Ғордан юз қадамча нарида қачонлардир қурилган сайисхона ўрнида Темурбек тошлардан бир неча хонали иморат бино қилдирди. Кенг-кенг хоналарда жуда чиройли йўнилган мрамар устунлар ярақлаб кўринар, томинг баландлигидан ичида отлик қиличини хавода ўйнатиб юра оларди.

Темурбек ғаройиб тош салтанати ҳақида биринчи бор ўсмирлигида эшитганди. Беш юз йиллар илгари Аббосийлар халифалиги босқинчиларига қарши курашган Хошим Ибн Ҳаким — Муқанна ҳам шу ғорда истикомат қилган экан. Жангларда ҳориб-толган Муқанна аскарлари билан шу ғорга чекиниб, душман кўзида бирдан ғойиб бўлиб қолар экан. Босқинчилар билан ўн тўрт йил талашиб-тортишгач, душманга таслим бўлишни истамаган Муқанна аввал хотинларию болаларини ўтга ташлатибди, кейин ўзи қизиган тандирга кирибди... «Муқанна мажусийлик динида эди, оловга сиғинарди, — ўйлади Темурбек, — демак, у ҳам ўзини ўтга отиб, худонинг ўзига қочиб борғон экан-да... Пирим ҳам, одамлар балоказодан тангрининг ўзига қочсунлар, деган эдилар...»

Аббосийларга қарши бош кўтарган Муқанна ва Чингизийларга қарши қурол тутган Темурбекни, босқинчиларга нафрат туйғуси билан бир қаторда ғаройиб ғор ҳам бирлаштириб турар, бу ёш амир кўнглига катта далда берарди.

Барлос уруғининг баходир йигитлари йиғилишганда асрлардан бери суқунатга чўмган ғор, бирданига эси йўк болалари жам бўлиб бағрига қайтган, мункайган она кулбаси мисоли шовқинга тўлди. Ахён-ахён йигитларнинг хиргойиси қулоққа чалинади. Улар барлосларнинг суюмли кўшиқларидан айтишарди:

*Хон тағойи баллос,
Мардикорга бормас,
Бўри емас,
Закот бермас...
Юриши чангал,
Ўлтириши дангал...*

Йигитларнинг ичида биринчи бўлиб Темурбекка кўшилишган Икки Темур, Амир Жоқу барлос, Аббос баходир, Йилдирим Султон, Бектурди ўғлон ва Давлатшоҳ бахшилар алоҳида хурмат-иззатда. Уларнинг ҳар бири ўн-ўн беш қиличдай аскарга эга эди. Ёқубхўжа барлос, амир Зайниддин, Суюнч баходир, Темурбеклар хонадонда туғилиб ўсган Мубашшир ва Абдуллалар ҳам оламга бергисиз паҳлавон йигитлардан саналарди. Темурбек барчасини ўнбоши этиб тайинлади.

Темурбек йигитларни Гумбазли айвонга чорлади. Аскарлар фармон кутиб ташқарида, сайисхона атрофларида — кимдир ёнбошлаган, кимдир ўтирган ҳолда жавзо офтобидан бахраманд бўлмоқда эдилар.

— Эй, барлоснинг мардлари! — сўз бошлади тахтда ўлтирган Темурбек пастда чордана қурган йигитларга. — Мовароуннахрнинг жангари ўғлонлари! Киндик қони тўкилган тупроғимиз, Туркистонимиз, мана, юз элик йилга яқинлашиб қолди, келгинди босқинчилар аёғи остида топталадур, қадр кимматлар қора ерга тенг... Ёт одамлар еримизга эгалик қилурлар, эрларимиз қул, аёлларимиз чўри... Ё раббий! Паҳлавонлари бир пайтлар жаҳонни идора этган юртимиз мана шундоқ хору зор, ночор...

Йигитлар лом-мим демай тинглар эдилар.

— Тангри таоло ҳар кимга бир вазифа юклайдур, бировга вайрон қилмакни, ўзгага тикламакни... — давом этди Темурбек. — Буни унинг пешонаси билади... Мен, тангри таоло манглайимга нима битғонини сезиб турамен... Эй йигитлар! Биз горат этилган, хўрланган Туронзаминни душманлардан фория айлашимиз даркор! Мўғул босқинчиларининг туғини мажақлаш — менга ҳаётнинг тўкис, бебаҳо инъоми бўлур!

— Инъоми бўлур! — кичқирди ҳамма баравар.

— Аввало, йигитлар, бир-бирига садоқатда бўламен, деб қасамёд этсунлар! Нияти бузуқлар ҳозирнинг ўзида оёқларини тортсунлар! Барчангиз менинг оғамсиз, инимсиз, яқинимсиз. Кўнглингиз тўқ бўлсинки, мен сиз учун боримни аямаймен, аммо мен учун ҳам керак бўлса жонларингизни фидо қилишларингизни истаймен!..

— Сиз нима десангиз, биз шуни адо этурмиз! Сизни оламда танҳо амиримиз деганмиз! — кичқирди Аббос баходир.

— Ростию русти!¹ — деди Темурбек қўлидаги узукка ўйилган сўзларни силаб қўяр экан. Узукни уч йил аввал пири Зайниддин Абубакр Тойбодий тухфа қилганди, у айни бир пайтда мухр ўрнида ҳам ўтарди. — Адолатга эришурмиз, озодликка чиқурмиз!..

— Ростию русти! — сурон солиб такрорлашди йигитлар. — Адолатга эришурмиз, озодликка чиқурмиз!..

Темурбек лашкарнинг машқи пишиқ бўлиши хақида — маъракаи майдонга қандай кириладию қандай жанг қилинади, ёвни узукдай ўраб олиш, харбий сирлар, чаконлигу мардлик — барча-барчаси тўғрисида узок сўзлади. Мозийнинг баҳодиру лашкарбошилاردан мисоллар келтирди.

— Машқка! — буйрук қилди ниҳоят Темурбек йигитларга.

Барча қиличбозлик машқига киришди. Йилдирим Султон билан Суюнч баҳодир, амир Зайниддин билан Ёқубхўжа барлос «саваш» қурдилар. Офтобда исиниб ётган аскарлар ҳам машқларни бошлаб юбордилар. Кейин бутун лашкар иккига — «ўз» ва «ёғий»га бўлинди. Икки гуруҳ икки қояга чиқишиб, аркон тортишиб, қоядан қояга ўтиш қилишди. Энди курашга навбат етди. Шу пайтгача «Қилични бундай ушла!», «Ўзингни четга ол!», «Хушёр бўл!» деб, ҳаммага маслаҳат бериб турган Темурбек, чарчаб қолган аскарларни илҳомлантириш учун ўзи майдонга тушди. У Икки Темурни курашга чақирди. Икки Темур ҳам барваста йигит эди, тап тортмай амир билан беллашмоқчи бўлди. Уч юз одамнинг ҳаммаси кураш қандай тугаркин, деб қизиқиб қолди.

— Бир Темурга Икки Темур! — дер эди ҳазиллашиб Давлатшоҳ бахши. Аскарлар чиройли лутфдан кийкириб юбордилар.

...Машқлар тугагач, аскарлар сайисхона олдидаги сайхонликка чўқдилар. Темурбек ўнбошилар билан Гумбазлидаги ёқут тусли оқ мармар тахта атрофига давра курди. Ноз-неъматлар, таомлар тортилди.

* * *

Амирлашкар Темурбек улус амирларини бирлаштириш чораларини қидирар экан, зинҳор шошилмасликка

¹ «Адолату озодлик», «Куч адолатда» маъносига (форс.).

қарор қилди. У бир марта ёшлигига бориб шошилиб, афсона бўлиб бўлган. Воқеа бундай юз берганди. Темурбек Шаҳрисабз ёнидаги Дархон қишлоғида бир кампининг уйига кириб қолди. Кампир атала пишириб турган экан. Темурбек қорни очлигидан дарров иссиқ аталадан ҳўплаган эди, оғзи кўйди. Кампир йигитнинг кимлигини танитай, жавраб берди:

— О, болам-а! Мунча, шошилмасанг! Сенинг атала ичишинг худди Амир Темурнинг Шаҳрисабзни олишига ўхшайди-я...

Темурбек қотиб қолди! Икки йил аввал Шаҳрисабзга ҳужум қилиб, тадбир кўргизолмай шаҳарни ололмагани эсига тушди. Эл оғзига элак тутиб бўлмас экан-да! Ўша-ўша, Темурбек ҳар бир ишни етти ўлчаб, бир кесадиған, ўйлаб қиладиған бўлди.

Сафарга чиқишдан бир ой олдин у Давлатшоҳ бахшини чақирди:

— Қешдаги ҳамма чеварларга буюрғил: уч юз аскарга беш хил либос тикиб беришсун. Аскарлар ҳар сафар жангга киришғонда янги либос кийсунлар. Бу қўшинни кўп қилиб кўрсатадур...

Либослар тайёр бўлғач, амирлашқар Темурбек йигитларини олиб Бохтарзамин ва Қандаҳор томонларга отланди. Балх тоғларида Сиддиқ барлос, Боғлон атрофида эса Қозончи баҳодирлар келиб унга қўшилдилар. Йигирманчи кун деганда Темурбекнинг лашқари Дарай Арсиф номли хушхаво тепаликда тўхтади. Амирлашқар аскарларини сийлаб бир неча кун дам берди. Лашқар тепаликни қуршаб ётди. Ишнинг бориши кўнгилдагидек эмас, қўшин оз... Катта ният бору уни амалга ошириш йўллари ноаниқ, мужмал... Қадамларда суръат йўқ...

Кўнгли хижил Темурбек туни билан ухламади, жума кечаси эди, тонг отгунча тилақ қилиб чиқди. Бомдод намозини ўқиб, дуога қўл очди, очдию нечундир кўзлари ёшланди. Амирлашқарнинг юраги бўшашди...

— Э, тангри таоло! — илтижо айлади у, — мени бу сарсонликлардан ўзинг халос эт! Кўнглимға шижоат, илгимға қувват бер!

У сўзларини тугатар-тугатмас, узоқдан бир тўп кишилар кўринди. Улар тепаликни ёнлаб Ғазна томонларга ўтиб кетишмоқда эдилар. Темурбек кишиларнинг ким-

лигини билиш мақсадида уларнинг изидан юрди. Етмиш отлик экан. Эллик кадамча қолганда Темурбек сас берди:

— Баҳодирлар! Ким бўласиз? Қаердансиз?..

— Биз Амир Темурга навкар бўлишни дилга тукканларданмиз. Уни излаб тополмай юрибмиз... — жавоб беришди улар.

— Мен амирлашкарнинг навкарлариданмен... — деди Темурбек ўзини танитмай.

Кишилардан бири буни эшитиб қувониб: «Амир Темурнинг хузурига олиб борадиган одам топдик!» деганча бошлиқлари томон от қўйди. Салдан кейин, бошлиқлар отларини буриб Темурбекка қараб кичқирдилар:

— Хой, навкар! Оллоҳни йўлида савоб бир иш қил: бизларни Амир Темур қошига олиб бор!

Улар уч гуруҳ эдилар. Биринчи тўданинг сардори — Туғлуқхўжа барлос, иккинчиси — амир Сайфиддин, учинчиси — Тўбак баҳодир экан. Бирдан Темурбекни таниб қолишиб, нақ ўзларидан кета ёзишди. Учови ҳам отдан тушишиб, тизза уриб, Темурбек отининг узангисига лабларини босдилар. Темурбек ҳам отдан тушди-да, ўзини кичик олиб, хар бири билан кучоклашиб кўришди. Кўнгли юмшаб, мандилини Туғлуқхўжа бошига қўйди, нозик ишламали, тилла билан зийнатланган камарини амир Сайфиддиннинг белига боғлади. Тўнани ечиб Тўбак баҳодир елкасига ташлади.

— Куллук! Куллук! — дер эдилар таъсирланган бошлиқлар.

Шундан кейин Темурбек шиддат билан Аложур қалъасини эгаллади ва Хулм деган жойга пошилди. Мамлакат ҳукмдори Амир Хусайн ҳам Балхдан шу ерга келди. Темурбек кайноғаси шарафига катта зиёфат берди.

— Амирлар бош эгишмакчи эмас... — деди Амир Хусайн, унинг чехрасида ранжу норозилик аломатлари кўринарди.

— Ха... Хусайнбек... Улар бирлашишни ёқтиришмайду. Ўзим бўлсам, дейду... Туркистон элининг фожеаси ҳам шунда-да... Афсус... Бўлингони бўри ер, деганларидай, хар бири хар ёкка тортаду...

— Қилич билан бирлаштирамак лозимдир, қилич билан!..

— Қилич айирадир, Хусайнбек... — деди Темурбек. — бошқа йўл топмоқ керак! Кун ҳеч қачон қиличга қолмасун...

— Қани ўша йўл?... Арханг вилоятида Опардий бебошлик қиладур. Қайхусрав бўлса Хутталонда...

— Мен Бадахшонга от сурмоқчимен...

Темурбек сўзини тугатиб улгурмади. Чопар кириб, Бадахшон шоҳларининг Темурбек лашкари келаётганини эшитиб, таслим бўлганликлари ҳақидаги хабарни етказди.

— Бу йўлнинг очилишидир, Хусайнбек, иншоолло...

Амир Хусайннинг хиёл чехраси ёришди. Иш юришгандек эди.

Аммо Амир Хусайн кутилмаганда кўполу кўрслик қилиб кўйиб Темурбекнинг катта уринишлар билан мустаҳкамлаб келаётган лашкарига путур етказди. Мамлакат ҳукмдори даврадаги амирларни ланжу ялқовликда айблаб, кўлидан иш келмайдиган ландовурлар, деб атади. Дили оғриган айрим амирлар, Темурбекнинг хайхайлаганига ҳам қарамай, ўз улусларига кетиб қолдилар. Кетишни Пўлат Буғо бошлаб берди... Кейин амир Сайфиддин, ортидан Туғлукхўжа барлос...

— Темурбек, мен Солисаройга жўнармен!.. — деди Амир Хусайн бўлган воқеага парво қилмай. — Илёсхўжахоннинг бир амири бостириб бораётгон эмиш...

Темурбек жаҳли чиққанини билдирмади, жаҳлини бошиш учун атай овозини пасайтириб деди:

— Балхдек мўътабар шаҳарни бобонгиз Амир Қозон, жойлари жаннатдан бўлсун, пойтахт қилмиш эрдилар, Хусайнбек... Энди...

Темурбекнинг сирли гапи Хусайннинг кўнглига гулгула солиб кўйди.

— Бу билан нима демакчилар, Темурбек? — синчков тикилди ҳукмдор от устида.

— Энди, Элчи Буғо сулдуз Балхда салтанат турини кўтарибдур...

— А?..

— Тахт унинг мероси эмас, сизникидир! — Амир Хусайнни Элчи Буғога қайрашда давом этди Темурбек. — Ул эса, салтанатда мен даврон сурадирмен, дер эмиш...

Амир Хусайннинг гўштдор товоқдай бети оқарди, қисик кўзлари баттар қисилиб, ўнг юзи уча бошлади:

— Балхда... энасининг хақи бормикин Элчи Буюнинг?!

Гап тугади. Темурбекка шу кифоя эди, энди Амир Хусайннинг Балхга бориши шубхасиздир.

Шунинг устига тингчи нохуш хабар келтирди:

— Кайхусрав сулдуз бошлиқ олти минг Жета лашкари бостириб келмокда экан!

Энди бу ортиқча эди. Хабар кўпчиликни совутиб кўйди. Баъзилар саросимага тушиб қолдилар. Хайриятки, амир Жоку барлос, Икки Темур ва амир Жалолиддинларнинг харакатлари лашкар парчаланишининг олдини олди.

Шитоб ахволни ўнглаш керак эди. Темурбек дарров бостириб келаётган Кайхусрав сулдузга элчи орқали нома юборди. Номада, унинг Хутталонга ҳеч даъвоси йўқлигини, агар Кайхусрав Арханг вилоятини эгаллаган Улжойту опардийга қарши жанг қилса, кўмакка кўшин юборишини билдирди. Таклиф, қўрккан олдин мушт кўтарар кабилида Темурбекка қарши отланган Кайхусрав сулдузга ёкиб тушди. У кўшинни Арханг вилоятига бурди. Қаттиқ жанг бўлди, енгилган Улжойту опардий чорасиз қолиб, ўтган гаплардан беҳабар Темурбек қошига паноҳ сўраб келди. Темурбек уни яхши кутиб олди, ҳатто кейин Кайхусрав билан яраштириб ҳам кўйди. Эски душманлар дўст бўлиб қолдилар. Кўп ўтмай Амир Хизир Ясовурийнинг Тошкент вилоятини босиб олгани, у ердаги бузғунчиликлари хақида хабар етди-ю, Темурбек икки амирга катта лашкар кўшиб ўша ёққа жўнатди. Иш амирлашкар ўйлагандек бўлиб чиқди: Тошкентни ташлаб қочган амир Хизир Ясовурий ҳам келиб, Темурбекдан паноҳ тилади... Урушлар тингандек эди. Аммо...

Мамлакат ҳукмдори Амир Хусайн Хулмдан чикиб Балх ёки Солисаройга эмас, нечундир Қаршига қараб юрди. Қалъани олгач, қўрғонбеги Амир Мусо бошчилигида етти минг отлик аскарни Қаршини кўриқлашга кўйди. Ҳукмдорнинг амирлашкар билан кенгашмай пинхона Қаршини ишғол этгани Темурбекка оғир ботди. Бу, албатта дўстликдан эмас... Темурбекнинг шижоатгайрати туғёнга келди ва Қаршини тортиб олишга ундади.

— Қаршига юриш қилиш керак! — таклиф киритди амир Жоку барлос.

— Тунда босқин курайлик! — маслахат берди амир Зайниддин.

Аммо Темурбек ўзгача режа тузди: у Хуросон томонга юзланиб, Қарши бекларининг хотирларини жам айлайди, кейин кутилмаганда чақмоқдай ортга қайтиб, шабихун уриб қалъани забт этади...

Амирлашкар барчани ҳайрон қолдириб Хуросон сари отланди. Амударёдан ўтган эдилар ҳамки, Хўтанга бораётган бир карвонга дуч келдилар. Сорбон совғаю тансуқот олиб Темурбекни зиёрат қилди.

— Хуросон амирларининг ахволи қалай?.. — сўради Темурбек. Сўради-ю, нечундир жавоб ҳам кутмай, Хуросонга кетаётганини айтиб, карвон билан хайр-хўшлашди. Аммо ҳеч кимга билдирмай карвонга бир тинғчини кўшиб юборди, ўзи эса дарё бўйида унинг қайтишини кутди. Кўп ўтмай тинғчи бундай гап топиб келди: Сорбон кўрғонбеги Амир Мусога дебди: «Амир Темурни Жайхун ёқасида кўрдик, Хуросон тарафга кетаётган экан...» Бу гап Амир Мусо лашкарига етгач, хурсанд бўлишиб, ўйин-кулгуга берилибдилар...

Хабарни эшитган Темурбек йигитларидан уч юзини олиб, Қарши қалъасига от қўйди. Темурбекнинг бирдан босиб келаётганидан хабар топган Амир Мусо яқинлари билан қочиб қолди...

«Амир Ҳусайн, қайноғам, мамлакат ҳукмдори, бир пайт фақат дўсту қариндошга муносиб иш қилурмен, деб Қуръони қаримни тутиб қасам ичғонди, — хаёлидан ўтказди Темурбек. — Ё раббий, на унинг дўстлигини билиб бўладур, на душманлигини!.. Унинг тутумини тушунмак мушкул...»

Кўп фурсат ўтмади, Темурбек Амир Ҳусайдан қуйидаги мазмунда мактуб олди:

«Темурбек! Ўтгон гаплар ўтди... Мақсадимиз бирдир. Бас, ўртадаги эски аҳд-паймонимизни янгиласак, гина-қудратни унутсак, худо ҳаққи, дуруст бўларди... Келаси ойда Чакчек дарасига келинг, кўришайлик!»

Темурбек учрашувга боришга тайёрланар экан, одати бўйича чаптаст баҳодирлардан бир бўлагини олдинроқ жўнатиб, эҳтиёт шарт дарага яшириб қўйди. Айни пайтда, Амир Ҳусайн хизматида бўлган дўстларига хат юбориб, ҳукмдорнинг нияти қандай эканлигидан хабардор

этиб туришларини ўтинди. Унга Шер Баҳромдан одам келганини айтдилар.

— Кирсун!

Навкар чодирга кириб, Темурбек қошида тиз чўкди:

— Шер Баҳром соғ-саломат... Бир қошиқ конимдан кечасиз...

— Кечдим...

— Амир Хусайннинг нияти бузуқ эмиш... Умрингизга зомин бўлмоқчи. Чакчек дарасиға бормаслигингиз керак... Шер Баҳромнинг ўтинчи шу...

Темурбек бу гапни эшитиб ўйланиб қолди. Лекин ортга қайтмади.

У билмаган киши бўлиб ваъдалашилган Чакчек дарасиға эндигина қадам қўйган эди, олисда Амир Хусайннинг катта қўшини кўринди. Шер Баҳромнинг гапи нахотки тўғри бўлса? Лекин қоровулларнинг айтишларича, қўшинда Амир Хусайннинг ўзи йўқ эмиш...

— Амир Темурнинг ёлғиз ўзи келибдур, деб эшитиб, сизни қўлга олмоқ учун лашкарнинг оз қисмини юборибди, — дейишди тингчилар.

Темурбек ниҳоятда дарғазаб бўлди. Дарага яшириб қўйган баҳодирларига, душманнинг орқасидан йўлини тўсишга буюрди, ўзи эса икки юз отлик аскар билан ёғийга юзма-юз борди. Ўртада қолган ганим аскарари асир тушди.

Бир пайт яна Шер Баҳромнинг элчиси пайдо бўлиб қолди. У анча ташвишли кўринарди.

— Маъзур тутасиз, амирим... Шер Баҳромнинг сизга хабар берганини Амир Хусайн билиб қолиб уни ўлимга буюрди!..

— Нима дединг?! — Темур ўрнидан туриб кетди.

— Шер Баҳромни қатл этдилар... Шер йигит эди... Мени ҳам ўлдирмоқчи эдилар, қочиб қутулдим...

— Эсиз!.. Эсиз!.. — дея олди холос Темурбек. — Шундай ўғлон нобуд кетди...

Темурбек Шер Баҳром учун қаттиқ қайғурди ва дўстнинг ҳар ерда ҳам асқотишини ўз тажрибасида яна бир синаб кўрди. Амир Хусайннинг мунофиқлигидан эса ҳар мўйи найзадай бўлди, аммо у билан алоқани батамом узиб ташлаш хатарли эканлигини, хали бунга фурсат борлигини сезарди.

Чунки хозир кучни ўзаро урушларга эмас, балки бирлашиб ташқи душманга каратиш лозим эди. У буни яхши тушунарди. Бобо Али Шох авлиёнинг Қуръони каримдан очган фолида ҳам «Сизларни ер юзида халифа қилдик» дейилган, «сизни!..» дейилмаган-да! Йўқ эса ҳамма ишни бир ўзи қўлга олган бўларди...

Темурбек ўйлаб-ўйлаб Амир Хусайнга ушбу туркий байтни ёзиб юборди:

*«Ёрга еткур сабо, ким макр қилмишдир манга,
Қилди эрса кимга макрин, қайтадур бир кун анга».*

Амир Хусайн байтни ўқиб, марзини чакди-ю, изо тортиб уялди, дархол яна Темурбекдан узрлар сўраб мактуб битди. Аммо Темурбек энди унинг сўзларига ишонмас, айти бир пайтда ишонмаганини билдирмас ҳам эди.

Ўн олтинчи боб

АХИЙ ЖАББОР

Ахий Жаббор билан Абомуслим Мавлонозода хужрасидан Нозим Мехмет қахвахонаси томон йўл олдилар. Улар Чорсуга чиққанларида кун ёйилиб қолган, аммо хали майдонда одам сийрак эди. Фақат ўнг томонда жойлашган бозор расталари билан майдоннинг у чеккасидаги карвонсарой олди одатдагидек гавжум эди, холос.

Хотира сандиғида узоқ йиллар титкиланмай қалашиб ётган ўтмиш ўйлари кафасдан ногаҳон чиққан кушлардай вазнсиз ва хавойи эди, Абомуслимнинг ўзи ҳам дилхуш бўлди. Гапириб, гўёки оиласининг қисмати учун гунохкор эканлигини лаҳза бўлса-да унутди. Айиқдай лапанглайдиган Абосмуслим хозир Ахий Жаббор ёнида кушдай енгил юриб бормоқда эди.

Ахий Жаббор ҳам боя хужрада Абомуслим хикоясини эшитиб кўнгли увишиб ўтирди. Валламатнинг бир одати бор, буни Тун салтанатида ҳамма ёктиради. Ҳатто Шаҳриёр бошқа фуқароларга мактаб, ўрнак олишга чакиради. Ахий Жаббор ёш бўлишига карамай, ҳар қандай шароитларда ҳам ўзини йўқотмас, дарду ғам, фожеа унинг кадини буколмасди, унда унутиш қудрати бор эди. «Одам боласида, — деди Шаҳриёр бир куни. —

Унутмак одати бор, бу уни оламдаги барча махлуқлар ичида энг хурматли ўринга қўяди. Агар унутиш мумкин бўлмагонда, инсон яшай олмасди. Унутмак — инсон боласининг олий nasibасидир. Бу ҳам бир жувонмардлик белгисидир!»

Жувонмардлик... Ахийлар... Ҳа, Ахий Жаббор ҳам жувонмардликка даъво қилиб юрганлардан. Аслида унинг ўзини ахийларга мансуб, деб ҳисоблай бошлагандан бери олти йил вақт ўтди. Ушанда у ўн тўққиз ёшдайди. Мовароуннаҳр шаҳару кишлоқларини дарбадар кеза-кеза ниҳоят уч йил Марғинонда тўхтаб қолди. Марғинон мадрасаси мударриси япалоқ юзли мўғулбашара Маҳмуд Носириддин деган пайғамбар ёшидан ўтган бир одам Жабборкулнинг чакконлигига эътибор берди. Жабборкул мадрасада фаррошлик қиларди.

— Зуваланг тоза пишиқ кўринади, бўталоғим, — деди унга Маҳмуд Носириддин. — Қани, бер кел-чи, кенгашиб олайлик...

Биров маслаҳат сўраш уёқда турсин, одам ўрнида кўрмаган Жабборкул хайрон бўлди: «Домла бобо мен билан кенгашмоқчилар... адашмаётирмикин?..»

— Менга бир хизматкор даркордир... Сен кўзимга чаккон кўриндинг, тупроғинг ҳам тоза жойдан олинган... Ҳа, ақли қосирим шундай деб турибдир...

Жабборкул сидқидилдан мударриснинг хизматини қила бошлади. Ҳар кун хужрани супуриб тозалайди. Икки кишига декча осади, бирон егулик тайёрлайди. Харажатга мударрис пул бериб кетади. Хужрада бир тўрқовоқда бедана ҳам бор. Мударрис унинг нағмасига ошиқ. Бедана сайрашини эшитганда: «Ҳа, жонингдан!» деб қўяди.

— Хат-саводга ҳам кизиқишинг борга ўхшайди, — деди бир кун Маҳмуд Носириддин Жабборкулнинг тоқчадаги китоблар чангини ихлос билан тозалаётганини кўриб. — Бағоят яхши хислат бу... Элимиз китобга кизиқади, рағбати бор, ўқиб-ўрганмоққа афсуски, имкони йўқ, фурсати йўқ... Кел, саводингни чиқариб қўй, бўталоғим. Савоб бўлар...

— Сиз падари бузрукворим ўрнида отамсиз... — дея олди холос миннатдор йигит.

Жабборкул хат ўргана бошлади. Фаройиб машғулот йигитнинг борлигини чулғаб олди. Алиф, лом, мим, нун...

Фатха, касра, сукун, танвин, ташдид... Сал фурсатда Жабборкул хат танийдиган бўлиб қолди. Илгари китобга қараса кўзи кўрмасди, хира ойнага тикилгандай бўлаверарди, энди хира ойна тиниклаша бошлади.

Махмуд Носириддин Марғинов ахийлар уюшмасининг раҳбарларидан бири эди. Жувонмардлик, футувват туйғулари ҳоким бўлган бу уюшманинг махсус қароргоҳига айланган ховли Эшонгузар маҳалласида жойлашганди, бу ерда турли касбдаги ёшлар ва мужаррад¹ йигитлар тўпланишарди. Мусофирларга ғамхўрлик қилиш, оч кишиларни тўйдириш, хожатмандлар кўнглини олиш, эолимларнинг йўлини тўсиш, мустабид ҳоким ва унинг яқинларини бартараф этиш — ахийлар уюшмаси аъзоларининг асосий вазифаларига кирарди. Улар кун бўйи ишлаб топган пулларига бирор егулик, таом ва бошқа нарсалар сотиб олишиб, қароргоҳга йигилишарди. Кундузи жулдур кийимларда юрган ахийлар оқшом меҳмон ва мусофирларга дабдабали зиёфатлар беришарди.

Жувонмардларча ташкил қилинган биродарлик уюшмаси аъзолари ўзига хос тартиб-қоида, расм-русумни каттиқ тутардилар. Инсон боласи кўнглини обод этадиган нарса учтадир: бири ақл, бири тўғрисўзлик, бири жавонмардликдир, деб ҳисоблайдилар ахийлар. Жувонмардлик ҳам ўз навбатида учга бўлинадир, уч нарса билан устивор. Аввалан, ахий айтилган сўзнинг уддасидан чиқа билиши зарур. Иккинчидан, ҳақиқатга хилоф иш қилмаслиги лозим. Учинчидан, хайрли ишлар илгидан тутсин. Бу уч нарса бир-бири билан боғлиқ. Айтилган сўз адо этилса, ҳақиқатга хилоф иш бўлмайти, демак, хайрли иш шулдир. Кишидаги ўзга барча фазилатлар ушбу уч шарт измидадир.

Уюшма аъзолари бир қанча фазилатга эга бўлмоқлари талаб этилади. Бири шулки, сабот-магонатли, сабрқаноатли, ваъдага вафоли, пок дилу пок забон бўлмоқдир. Иккинчиси — ўзини ўйлаб ўзгаларга озор бермасин, бечораларни қўлласин, ёмонларнинг додини берсин, тўғри сўз десин...

Жабборкул ҳам Эшонгузардаги ахийлар қароргоҳига бориб турадиган бўлди. Бир кун ховлида кимнингдир

¹ Мужаррад — танҳо, уйланмаган маъносида.

хизмат қилиши керак бўлиб қолганлигидан Маҳмуд Носириддин уни ҳам ўша ёққа олиб кетди.

Ховлида у ёқ-бу ёққа елиб хизмат қилиб юраркан, Жабборкулнинг қулоғига шундай гап чалинди:

— Эй, азизлар! — деди кимдир, улар бари бир хил кийинишган, бошларида учли қалпоқ, шарворда, белларига узун пичоқ тақишганидан, ким гапираётганини ҳам аниқлаб бўлмасди. — Кимки, ахий бўлмоқ, жувонмардлик қилмоқни тилар экан, аввало унинг қандай пайдо эрканини равшан билмоғи жоиздир...

— Донишмандлик йўлини тутмоқдан пайдо бўлур! — жавоб қилди бири.

— Хайр-саховат кўргизмоқдан! — сўз қўшди иккинчиси.

— Тўғрисўзликдан! — деди учинчиси.

— Хиёнатдан юз ўгириб диёнат остонасига бош урмақдан!

Жабборкул кизиқиб қолди, юмушини тез ўринлатдида, келиб билдирмай пойгакда чўкка тушди.

— Азизлар! — деди ҳали биринчи гапирган одам, у етмиш ёшларда бўлиб, ахийлар уюшмаси сардорларидан эди. — Пок ақл ва одил жувонмардлик соҳиблари чиройли сўзлар билан тўртта сурат ясабдилар. Бу суратлар — тан, жон, ҳис-туйғу ва маъни суратларидир...

Ғала-ғовур тиниб қолди, Жабборкул ҳам жон қулоғини қўйиб эшита бошлади.

— Ушбу суратлар таърифини бундоқ келтирадурлар. Суратнинг тани — жувонмардлик, ахийлик, жони — тўғрисўзлик, ҳақ баридан тутиш, ҳис-туйғуси — зукколик ва донолик, маъниси эса сафо ила фарахдир. Суратларни кишиларга тақсим айладилар — бировга тан тегди холос, бошқага тандан бошқа жон, туйғу, маъно ҳам насиб қилди. Тан билан жонга эга киши маърифат соҳибидурман, деб кибру хаво ила юрадир, шундоқ хаёл қиладир, аммо халқ уларни сохта маърифат деб атайди. Тан, жон ва ҳис-туйғу соҳиби бўлганлар ҳукамо, анбиё ва авлиёдурларки, улар ростакам донишманддурлар, эл кўзида улувдирлар. Тану жон, туйғу ила маъни, яъни тўрт суратнинг жаъмига етишган гуруҳ эса фаришталардир. Жувонмардлик ана ўша фаришталарга насиб бўлди...

Бу гаплар уюшма аъзоларига ёқиб тушган эди, овозлар ёғилди:

— Фаришталар жувонмарддирлар!
— Жувонмардлар фаришталардир!
— Жуда тўғри! Жувонмард ахийлар — фаришталардир! Улар букун жуда кўпдирлар. Уларни Рум ила Эронда, Хуросону Мовароуннаҳрда, яъни Самарқанду Бухорода, Тошкандда учратмоқ мумкин! — деди яна сардор.

Гапга шу пайтгача одоб сақлаб ўлтирган Маҳмуд Носириддин аралашди:

— Жувонмардлар, ахийлар ранж ила топган нонини ганж деб билгайлар. Улар ихлос бандаларидурлар, ҳар бир юмушга киришсалар, сидкидилдан киришурлар, илло, ҳикмат борким, киши ихлос билан сувга оёқ қўйса, сув ҳам кўтарар эмиш... — Жабборкул уюшмада мударриснинг ҳурмати баланд эканлигини ҳамма жимиб қолганлигидан билди. — Унсурмаолий Кайковус ўз фарзандига насиҳатнома битмиш, баъоят ибратли насиҳатлар. Ул зот айтадурлар: камоли жувонмардлик, ахийхулқлик ўз молингни аниқ билмақдадир, токи киши молини киши моли билғил, элнинг молидан таъма этмағил. Халққа яхшилик қила олмасанг қилма, зинҳор ёмонликни дариг тутғил. Дилтанг бўлмасликнинг йўли қаноатдадир, ҳасадга боқма, ҳасад ғам-ғуссага олиб борадир. Озод баданни бировнинг бандаси айламағил... Кимки жувонмардлик, ахийлик йўлидан юрмоқни истаса, уч нарсадан огоҳ бўлмоғи жоиздир, яъни кўзни ёмон назардин, қўлни ёмон ишдин, тилни ёмон сўздин, ёлғон демоқдан тийсин. Уч нарсани дўсту душманга очик тутмоғи лозим, яъни: уй эшигини, дастурхон бошини, ҳамён боғичини.

— Тилни ёлғон демоқдан тийсин, деганингизга, бир мисол айтурмен, — деди сардор. — Ажабки, бу нақлни ҳам Кайковус келтирадир. Сўз ростлик ҳаққиндадир.

— Бир куни, — нақлни бошлади сардор. — Кўхистондаги ҳовлилардан бирида шундоқ жувонмардлар жамулжам ўлтирар эдилар. Нотаниш одам эшиқдан кириб салом берди: «Мен Марви Шоҳижаҳон жувонмардлари, ахийлари элчисидурмен. Улар сизларга дуои салом айтиб, бир масала ечимини сўраб юбордилар. Масалага жавоб берсангизлар, сизларнинг улуғлигингизни тан олгаймиз, жавоб бера олмасангизлар, сизлар бизларнинг викоримизга иқрор бўлингизлар!» Элчидан сўрадилар: «Ул масалани баён этиб берғил-чи!» У деди: «Улар

сўрадиларки, жувонмардлик, ахийлик нимадир, жувонмардлик ила ножувонмардлик ўртасида қандай фарк бор? Кулоқ беринг. Бир сохибҳиммат йўлнинг четида ўлтиргон бўлсин, бир киши унинг олдидан шитоб ўтиб кетсин. Салдан кейин изидан қилич яланғочлаб бошқа киши қувиб келсин. Аввалги одамни ўлдирмак ниятида йўл четида ўлтирган сохибҳимматдан: «Шу ердан кимса ўтди-ми?» деб сўрайдир, шунда қандай жавоб лозимдир? «Ўтмади» деса алдаган бўладир, «ўтди» деса, чақимчига чиқиб қолгай. Ҳар икки иш жувонмардлик шаънига номуносибдир...» Кўҳистон ахийлари елка қисииб бир-бирларига қарадилар. Улар орасида, иттифоко, Кўҳистонга меҳмон бўлиб келган Афзал Ҳамадоний ҳам ўлтирар эди. У сўз очиб дедиким: «Жувонмардликнинг асли ваъдага вафо қилмоқдир, айтган сўзни бажармоқдир. Жувонмардлик ила ножувонмардлик ўртасида фарк сабрдир. Йўл бўйидаги сохибҳиммат ўлтирган жойидан бир қадам илгари ёки бир қадам кейин силжиб: «Мен бу жойда ўлтирган эдим, ҳеч киши ўтгани йўк», деб жавоб берса, ҳам ёлгон сўз айтмоқдан, ҳам чақимчилик қилмоқдан ўзини тийган бўладир...»

Сардорнинг хикояси барча ўлтирганлар хаёлини ўғирлаб қўйди. Жабборқул ҳам ўзини шундоқ фаройиб кишилар қаторига қўшгиси келиб кетди. Хужрага алламаҳалда қайтдилар. Йўлда Махмуд Носириддин ҳам, Жабборқул ҳам лом-мим демай боришди, афтидан, иккиси ҳам қароргоҳда бўлган суҳбат таъсирида, ўз ўйлари билан машғул эдилар. Фақат Марғинон мадрасасининг қоронғи ҳовлисига қадам қўйганларидагина йигит деди:

— Мен ҳам шул сафга кирсам, бахтимни синаб кўрсам... Не маслаҳат берар эдингиз, ота? Мен бир бечора фарзандингиз...

— Сен ҳеч бечора эмассен! — деди мударрис. — Сени ўғлим деганмен. Магар ахийлар уюшмасига кирмакчи экансен, бу жуда мақбул иш. У ҳолда, исминг ҳам ўзгаргай. Сен энди Жабборқулмас, Ахий Жабборсен, Ахий Жаббор! Англадингми, ўғлим! Шартларини адо этасен. Тез кунларда ахийлик либосини эгнингга ташлайдурмиз...

— Қуллуқ, ота! Қуллуқ! — деди йигит миннатдор. — Ўғлингизмен, ўла-ўлгунча хизматингизни қилайин, валинеъмат!

Ёшлигида ота-онадан ажраб, бировларнинг уйида катта бўлган Ахий Жаббор мударриснинг меҳрибончиликлари-дан жуда бахтиёр эди. Қисмати томчи сувга ташна какраган чўлга ўхшаб кетадиган, хамиша бир чимдим меҳрга зор йигит Маҳмуд Носириддинга каттиқ боғланиб қолди. У хизматни елиб-югуриб бажарар, мударрисни ранжитмасликка тиришарди, турмуш устоди доно этган, ахийлик, жувонмардлик юмушлари деб уйланмай ўтган фаройиб инсон унинг кўз ўнгида инсони комил тимсолига айланди. Айниқса мударриснинг йигит ишини мактаб жун босган қўллари билан елкасига қоқиб-қоқиб қўйиши ёкимли эди.

Бир кун, ҳамал эндигина кирган паллалар, Ахий Жаббор одатдагидек бомдод намози вақтида уйкудан уйғонди. Караса, мударрис ховли томонга ўтиб кетибди, жойида йўқ. У Ахий Жаббор кечқурун тайёрлаб қўйган обдастани олиб таҳорат қилар, келиб намоз ўқирди. Ахий Жаббор шарт ўрнидан туриб жойини саринталлади. Ташқарига чиқди-ю, донг қотиб қолди! Маҳмуд Носириддин ховлига ўтиб таҳорат қилгач, ишқомнинг бурчагида чўққайиб маҳсига сув тортмоқчи бўлибди, энди чап оёғига қўл узатган экан, мункиб кетиб юзтубан олдинга йиқилибди. Ахий Жаббор ховлига чиққанда, Марғинон мадрасаси мударриси Маҳмуд Носириддин ишқом четида мук тушганча ўлиб ётарди... Юраги ёрилиб кетибди, табиблар сўнг шундай дейишди.

Ахий Жаббор бундан кейин Марғинонда қола олмади. Бош олиб чиқиб кетиб Тун салтанатига фуқаро бўлгунча кўп жойларда дарбадар кезиб юрди. Самарқанддаги Тун салтанати нимаси биландир худди Марғинондаги ахийлар уюшмасига ўхшарди, ҳар иккисини ҳам биродарлик туйғулари бирлаштириб турарди. Салтанат Ахий Жабборга ёқди. Салтанатни аччиқ мусибатларни, азобуқубатларни унутиш салтанати деса бўларди. Ёддан чиқармоқ... Унутмоқ... Фақат унутиб яшаш мумкин бу оламда!

Шунинг учун ҳам Ахий Жаббор Абомуслимнинг аччиқ хикоясини бошқа эслаб ўтирмади. Бусиз ҳам Абомуслим хаётининг фожиали эканлигини тахмин қиларди. Фақат Абомуслим эмас, исталган фуқаро тақдирини олиб қўрилганда ҳам, турлича, аммо моҳияти бир хил манзаралар намоён бўлишини биларди. Ўртача жуссали, чап

қулоғи йўқ Ҳасан чинокнинг тақдири ҳам фожиали эмасми? Ҳасан чинок бир дўстиникига қўшни қишлоққа меҳмонга борди. Ўша кечада қаттиқ сел келиб унинг она қишлоғини ювиб кетиб, ота-онаси, ака-укалари, сингилларигина эмас, бутун бир қишлоқдан ном-нишон қолмади... Насафий-чи? Озғин, калласи нокка ўхшаб кетадиган вазири аъзамнинг ўтмишида ҳам рўшнолик кам бўлган бўлса керак... Чийиллоқ овозли, пакана, ёлғонни қийворадиган, гапга уста Сукрот-чи? Ёлғон гаплар билан ўзини овутиб юрмаганмикин? Қизиқ гаплар топиб айтишда салтанатда тенги йўқ Соҳиб Чангал, янгиликлар жарчиси Бобо Султон, доим оқ ятак кийиб юрадиган Шота-биб, Шахриёрнинг ўзи... Бу дунёда илик сўзга, меҳрга зор одамлар... Барчасининг қисмати аччиқ оруга тўла, ҳар саҳифасидан заҳар-заққум томиб турадиган ғурбат китобларидир...

* * *

Улар Чорсу майдонига чиқдилар. Қаландархона кўчасига бориш учун Кўрчилар кўчаси, Бозоркўчани кесиб ўтиб, бозор расталари ёнидан ўнгга бурилишлари лозим эди. Тун салтанати фуқаролари йўлни майдон четидан солдилар. Бирдан Ахий Жабборнинг кўзи рўпарага, майдоннинг у томонига — Наддофлар кўчасига тушди! Кўча бошида бир қиз билан ёш бола майдонга кириб келишарди. Қизнинг бошида такана, гулли кўйлак устидан нимча кийиб олган, қўлида эса оқ тугун. Оралиқ уч юз кадамча бўлса ҳам, Ахий Жаббор қизни дарров таниди, таниди-ю, юраги гурс-гурс уриб кетди. Ахий Жаббор бу қизни Наддофлар маҳалласида бир тўйда кўрганди. Ўшанда катта ховлида Лакшман морбоз илон ўйнатди, морбознинг ўғли Кумар деган бола дор устида ўйинлар кўрсатди. Қиз дугоналари билан илон ўйинини томоша қилар, шу пайт кимдир уни ҳам кузатиб турганини билмас, илоннинг қилиқларидан завқи келиб қаҳ-қаҳ отиб куларди. Кутилмаганда сурнай навосига эриб ўйин кўрсатётган капча илон, нечундир ўйиндан тақ тўхтаб, қизлар томонга ўрмалай бошлади. Илонни кўрган болалар қийқириб қочди, унинг келиши хунук эди, қизлар чувиллашиб ўзини ҳар ёққа урдилар. Лакшман морбоз: «Кўркманглар! Илон ҳазиллашяпти!» — деса ҳам ҳеч ким қулоқ солмасди. Иттифоқо, илондан қочган халиги

қиз, Ахий Жаббор олдига келиб қолди. «Вой, анови илонни қаранг! Чақиб олади!» — деди у жонҳолатда нотаниш йигитга. Ҳозиргина олисдан орзиқиб томоша қилган гўзал кизнинг ёнига келиб ёрдам сўраб туриши йигитни шошириб қўйди. Ё фалак! Бир одамга шунча химмат, меҳру мурувват! Ахий Жаббор: «Қўркманг, ойим-қиз, қўркманг!» — деди ва химоя қилиш учун қиз билан илон орасига туриб олди. Илон ҳамон ҳаммани қўрқитиб ўрмалаб юрар, аммо ҳеч кимга ҳамла қилмасди.

Лакшман сурнайда бошқа куй чала бошлади. Қапча илон энди тебрана-тебрана ўз жойига қайтди. Қиз ўнг қўлини беҳол Ахий Жабборнинг елкасига қўйганча, хиёл эгилиб илоннинг чекинишини кузатар, ҳаяжоннинг зўридан бегона бир йигитнинг ёнида турганлигини ҳам тасма унутганди. Илон жойига қайтиб борди-да, ердан икки қаричча кўтарилиб «Роса қўрқитдим-а!» дегандай беозоргина ҳаммага бир-бир қараб чиқди.

Қиз бирдан ўзига келди-да, Ахий Жабборнинг елкасига қўлини қўйиб турганидан ўзи хайрон бўлди, атрофга бир аланглаб шитоб қўлини олди ва ҳеч нарса демай тисарилганча, йигитдан йироқлаша бошлади. Дугоналаридан бўлса керак, хушрўйгина бир қиз уни чақирди:

— Жаҳон бика! Биз бу ёқдамиз! Бу ёққа кел! Қўрқингми, Жаҳон?..

— Қўрққаним йўқ! Лекин турки совук-да ўлгурнинг! — деди Жаҳон ва салдан кейин айвон тагида турган бир тўп қизларга қўшилиб кетди.

Барчаси туш мисоли бир лаҳзада бўлиб ўтди. Ахий Жаббор, худди оғзига қанд солиб яна тортиб олишган боладай тамшаниб қолди.

Ўша-ўша Ахий Жаббор Жаҳон отли бу қиз хақида тез-тез ўйлайдиган одат чиқарди. Илон ўйини, гўзал кизнинг қўрқиб қочиши, беихтиёр билмай қўлини йигит елкасига қўйиши, қўрқувдан ўзига келгач, хайрон чекиниши — буларнинг бари йигит ёдида муқим турарди. Ахий Жаббор кизни севиб қолди, лекин унинг севгиси тоғнинг тубидаги пинхон олтиндай қалбнинг қатларида яширин. У ҳақда ҳеч ким билмайди, ҳеч кимга ёрилган эмас... Бора-бора бу сирли туйғу ошифта қалбнинг сарватига, пароканда умрнинг мазмунига айланди. Аммо йигитнинг қўнглида ноумидлик туйғуси ҳам бор эди, у

ажабки, Жаҳон бикага бўлган муҳаббат илинжи билан ёнма-ён юрар, бу икки туйғу бири иккинчисининг соясидай туюларди. Хайхот! Ахий Жаббор, ўзига ҳеч қачон бу қизнинг меҳри насиб этмаслигини англади. Ҳар бир киши ўз иззатини билмоғи керак, подшо ўз ўрнида турсин, гадо ўз ўрнида. Йигит ниҳоят оқилона йўл топди, у севгиси ҳақида бировга айтмайди, ҳатто Жаҳон биканинг ўзига ҳам сездирмайди. Майли, у севсин, изтироб чексин, қийналсин, энтиксин, лекин пинҳона... Вассалом!!!

Мана ҳозир олисдан қизни кўрди-ю, қалби ширин бир туйғудан қалқиниб кетди. Ёнидаги болани ҳам таниди, у ўша тўйда дор ўйнаган Кумар. Уларни кўриб, булар қандок қилиб таниш бўлиб қолишган экан, деб таажжубланди.

— Бозорга кириб ўтмаймизи? — деди Абомуслим шу пайт. — Нос-пос олиш керак, носкововим қуриб ётибди...

Ахий Жабборнинг кўзи ҳамон Наддофлар кўчаси томонда, жон қулоғи ўша ёқда...

Жаҳон бика билан Кумар кўча бошига келиб қолишди. Ўнг томонда, қарвонсарой олдида бир неча одам ивирсиб юрарди. Шу пайт кайдандир уч отлик пайдо бўлди. Жаҳон бикаларнинг олдига келганда кишилар отдан тушишди. Уларнинг авзои бузуклигини кўрган Кумар:

— Опажон, булар нима қилмоқчи? — сўради аста. — Қочайлик!

— Нега? Қўрқма! — деди қиз кўлидаги тугунни маҳкам қучоқлаб, аммо жойидан жилишни ҳаёлига ҳам келтирмасди.

— Шакар қиз, сизни акангиз олдига олиб борамиз... — деди йўғон овозда миқти гавдали қиличбурун йигит.

— Акам? — сўради кутилмаган янгиликдан хайрон қиз.

— Ҳа!

— Ишонманг, опажон... Ишонманг! — деди Кумар зорланиб...

Наддофлар кўчасидан кўз узмай турган Ахий Жаббор негадир кўнгли увишиб, Абомуслимга деди:

— Сиз бозордан нос олиб чиқинг. Шу ерда кутиб турамен...

Йигит Абомуслимни бозорга киритиб юборди-ю, бе-
ихтиёр ўзи Жаҳон бикалар томонга юра бошлади. Шу
асно Кумарнинг қичкиргани эшитилди. Халиги номаъ-
лум одамлардан бири унинг қулоғидан чўзиб: «Агар ово-
зингни чиқарсанг, кўрасан!» деб зуғум қилди ва бел
аралаш орқасига қаттиқ тепди. Кумар юзтубан йиқилди.
Қолган иккитаси қизга ёпишишди. Бири Жаҳон бика-
нинг оғзига рўмол тикди, қизнинг овози чикмай қолди,
иккинчиси бошига катта қоп ташлади. Типирчилаган қизни
кийинчилик билан отга ўнгардилар-да, майдонни кесиб
Хонқали кўчаси томон от қўйдилар. Ҳаш-паш дегунча,
отлиқлар Хонқали кўчасига бурилдилару муюлишда ғойиб
бўлдилар.

Ахий Жаббор ўшал захоти отлиқлар изидан чопди.
Аммо майдоннинг ярмига бориб-бормаёк уларни кўздан
йўқотди. Умид узмаган йигит Хонқали кўчасининг бо-
шигача югуриб борди. Кўча тўғрилигидан отлиқлар қора-
сини илғаш мумкин эди, афсуски, улар хийла йирокла-
шиб кетишганди...

Ахий Жаббор нима қилишини билмай боши қотиб
қолди. Уч отлиқ ким бўлди? Нима важдан Жаҳон бика-
ни олиб қочишди? Қайси ул искирт хаёллар тутқуни
бундай кабиҳ ишга қўл урди? Ким ўша? Ким?..

Дилтанг Ахий Жаббор орқасига қайтди. Кумар хали
хам ўрнидан турмаган, ўша йиқилган жойида инграниб
ётарди. Йигит болани авайлаб кўтариб олди-да, тез бо-
зор эшиги томон юрди. Кумарнинг бели лат еганди.

— Болани майиб қилиб қўяман-ку, дейишмайди-я да-
юслар! — Ахий Жаббор сўқинди. Кейин Кумарни юпа-
тиб деди. — Сабр қил, ўзим уйингга элтиб қўямен...
Менга қара, ўшанда жа қойиллатувдинг-а?

Кумар инграшдан тўхтаб Ахий Жабборга тикилди.
Йигит болани чалғитмоқчи эди.

— Қачон... қойиллатувдим, ака? — сўради соддалик
билан Кумар.

— Хў... Наддофлар маҳалласида, тўйда... Дорниям
қийвординг-ку!

— Ҳа... шундайми...

— Менга қара! — деди Ахий Жаббор бирдан. —
Опанглар билан қаёққа кетаётган эдинглар?

— Опам... Жаҳон бика опам.. — йиғлаб юборди
зўрва турган бола. — Опамни қаёққа олиб кетишди?

Мен Абу Бакр амакимга нима дейман? Қорасоч бика холамга-чи? Мени шерик қилиб юборишувди. Бозорга келаётгандик...

— Тўхта, тўхта... — қизикди Ахий Жаббор. — Абу Бакр амаким дедингми?.. Ҳали опанг Наддофлар махалласи оқсоқолининг қизи бўладими?..

Кумар «ха» дегандай бош ирғади.

— Менга қара... Олиб қочганларнинг биронтасини эслаб қолдингми? Йивлама, топамиз опангни, албатта топамиз. Тун салтанати фуқароси Ахий Жаббор бунга бел боғлайдир! Ҳа!

— Бирини эслаб қолдим... Каттаси бўлса керак. Бурни қиличга ўхшаган суйри...

— Топамиз, укажон, топамиз! Мени, Ахий Жаббор, дейдилар!

— Бир нарса сўрасам, майлими? Мен ҳам Жаҳон бика опам топилгунча уйга қайтмайман, деб қўйдим. Сиз билан бирга бўлам! Бугун-эрта топамиз, а?

— Бўпти! Мард йигит экансен! Қойил!

* * *

Бозор олдида уларни бошқа манзара кутарди. Нос-фурушлар бозорнинг хийла ичкарасида эдилар, нос бозори одатда, нон, мева-чева, умуман, ейиладиган нарсалардан узокрокда бўлади. Абомуслим носқовоғини носга тўлдирди, кафтига уюб каппа отди, хумори босилиб роҳат қилди. Ахий Жаббор кутиб қолмасин, деган ўй ҳам миясининг бир четида муқим эди. У изига қайтди. Бозордан чиқиб келар экан, шундай сўзлар қулоғига чалинди:

— Шаҳар ҳокимининг ўғиллари! — деди бозор эшигидаги одамлардан бири Арк кўчаси томонга қараб.

— Султонзода шаҳар сайрига чиқибдилар-да... — қис-тирма қилди бошқаси.

Абомуслим Арк кўчасида бахмал жулли отда келаётган Худобандага кўзи тушди. Унинг ортида Жаммазобон девонбеги кўринди. Уларни бир неча дарра тутган, қилич такқан сипоҳлар — ҳокимнинг хос кишилари кузатиб келарди. Барчаси нарх-наволарни, савдо даражасини назорат этиш учун бозорга боришмоқда эди. Нечундир Абомуслимнинг юраги титраб кетди. У келишган Худо-

бандани, юзлари оқ, кўзлари қоп-қора тийрак бу йигитни ёктирар, ўшани кўрди дегунча, якинрок боришни ис-таб, беихтиёр истикболига ошиқарди.

Ҳозир ҳам у оғзидаги носини тупуриб ташлади ва Худобанда келаётган томонга кадам босди.

— Қани ганақ? Ё лошқанот! — кутилмаганда чиқиб кетди Абомуслим оғзидан, Худобандаларга ўн кадамча қолганда.

— Ўтган йил мингта бия мингта қулун берди, — дер эди Жаммазабон девонбеги Худобандага, улар ўзаро сух-батлашиб келардилар. — Ажабки, доғгоҳ барига торлик қилиб қолди. Султонимнинг омадлари бор! Сиз борма-дингиз... Ажойиб манзаралар!

— Бу йил бешак-шубҳа борурмен! Мен отларга қандай тамға босилишини кўрмак ораусидамен... — деди Худобанда. Бирдан у айикдай лапанглаб келаётган Абомуслимни кўриб қолди: — Тағин анови искиртми?

— Бунчалар кўрку хусни қайдан олдинг, эй худонинг бандаси? — деди Абомуслим. — Бир нафас тўхта...

— Хайдангиз бу тиланчини! — деб юборди ранги оқариб кетган Худобанданинг жаҳли чиқиб. — Наҳотки уни Самарқанддан бадарға қилиб қутулсам? Бу қандок гап ахир?..

— Сипоҳийлар! — буюрди Жаммазабон девонбеги сипоҳийларга қараб. — Бу пир урганнинг адабини бериб қўй! Иккинчи улуглар йўлини кесмайдиган бўлади!

Икки сипоҳий Абомуслимни дўппослай кетдилар.

— Ие, мен нима қилдим? Нима қилдим? — дерди Абомуслим ерда пийпаланиб ётаркан.

— Мана, мана! Қулоқ солмасанг мана! Қулоғинг оғирлик қилиб қолибди! — дерди иккинчиси Абомуслимга кетма-кет дарра соларкан.

Худобанда Абомуслимнинг қалтакланаётганини жим кузатиб турар, шаҳар доруғаси эса «Ана шундок!», «Ана шунака!», «Бопла, искиртни!» деб сипоҳларни гиж-гижларди.

— Бировга яхши гап айтсанг, эвазига қалтак ер экансан-да! Хай, худо хайрингни бергурлар бўлди! — ингра-ниб нола қилди Абомуслим.

— Торғ қўлингни! — ғазабли деди кимдир сипоҳийларга шу пайт. Худобанда кўрди: баланд бўйли, учли қалпоқ кийиб олган шопмўйлов жуссадор бир йигит

келиб гадони сипоҳлардан ажрата бошлади. Сипоҳлардан бири дарра билан ҳамла қилганди, даррасини қўлидан тортиб олди. Иккинчисини қўлтиғининг тагига бир тушириб, ўзи билан ўзини овора қилиб қўйди. Сўнгра Абомуслимни ўрнидан турғизди, енгил-бошини коқди. Абомуслимнинг ўнг чаккасидаги ёнғоқдек нарса калтак зарбидан эзилган, ундан қон оқарди:

— Бир бандага шунча азобми? Бу ҳам сиздек одам-ку! — деди Ахий Жаббор сипоҳийларга вазабли тикиларкан.

— Хай, сен кимсан ўзинг? Жа-а, бировнинг орасига тушиб қолдинг, пир урган? — Жаммазабон девонбеги султонзода олдида ҳаддидан ошган йигитнинг таъзирини бериб қўймоқчи бўлди. — Ўзинг ҳам калтакбоп кўринасан... Хумори тутиб қолдимиз?

— Калтакни биргалашиб еймиз... Мен жудаям очопат эмасмен, барини сиздек оғайнилар билан баҳам кўриб ўрганганмен... Аямаймен...

Қилган иши учун Ахий Жаббордан тавба-тазарру кутган Жаммазабон девонбеги энди тутоқиб кетди, шарт отдан тушди-да, Ахий Жабборга хезланиб кела бошлади.

— Нима-нима? Нима дединг? Яна бир қайтар, пир урган! Бир мушт билан миянгнинг қатигини чиқармасамми!..

— Калтакни бирга баҳам кўрамиз деяпман, холос... — деди Ахий Жаббор ўзини бепарво кўрсатиб, ўнг қўли белидаги узун пичок сопига тиралган эди. Пичокни кўриб қолган Жаммазабон девонбеги сир бой бермади:

— Энди... мендай девонбегининг сендай телба билан тенглашиб ўлтириши султонимнинг шаънларига тўғри келмайди-да... Ана шуни ўйлайман... Бўлмаса-ку, бир таъзирингни ердинг-а! Омадинг бор экан, пир урган! — У сипоҳийларга ўғирилди: — Нима қилиб турибсизлар? Мана бу уришқоқнинг бурнига бир чертиб қўйиш лозимлигини билмаяпсизму?.. Тут мун! Бос, пир урганлар!

Сипоҳийлар тўртта эди, улар Ахий Жабборга хезланиб кела бошладилар. Ахий Жаббор бир қадам олдинга юрди-да, шарт пичоғини суғурди: Наддофлар кўчаси, карвонсарой узра кўтарилаётган куёшнинг нурлари валламаат пичоғи учида шуъла қайтарди. Буни ҳамма аниқ кўрди.

— Ўлгинг келса якин кел, сўлгинг келса якин кел! — деди Ахий Жаббор наърали. У нарида Тун салтанатининг бир неча фуқароси шу ёққа келаётганини ҳам кўриб қолди. — Сендай пўкларнинг тўрттасию менинг бир ҳамлам!

Воқеа Қўрчилар кўчасининг бошида юз бермакда эди. Текин томошани кўриб бирпасда одам тўплана бошлади. Ўровда қолиш хавфини сезган Худобанда Жаммазабон девонбегига, кетдик, ишорасини қилди. Улар ўровнинг сийрак жойидан от солдилар.

Ўн еттинчи боб

ЖАҲОН БИКА, ҚАЙДАСАН?

Қош қорайганда пахтачи қишлоқлардан қайтган Абу Бакр Калавий дарвозадан кирдию донг қотиб қолди. Ёстикдоши Қорасоч бика хўнграганча ўзини унга отди:

— Энди нима қиламиз? Энди нима қиламиз? Войд-о-о-д!

— Нима бўлди? Нима бўлди, эй феъли чиройли? Секин! Секин!..

— Вой, энди нима каламан? Шўрим қуриди! Қуриганда ҳам ёмон қуриди! Бозор юбормай менгина ўлай!..

— Бўлди, бўлди! — юпатди кўз ёшлари юзини юватган Қорасоч бикани Абу Бакр Калавий. — Мунча овоз қўйиб юбордингиз? Қўшнилари эшитса яхши бўлмайди. Қани, ичкарига қирайлик...

— Чошгоҳ вақти эди. Кумар келиб қолди. Бугун Чорсу майдонига йиғилар экансизлар... Кимдир казо қилган эмиш...

— Ким... казо қилибди? — сўради юзига фотиҳа тортиб Абу Бакр Калавий.

— Билмайман... Кимдир эмиш... Ўшанга сизни айтгани келибди. Ҳа, яхши келдинг-а, дедим мен тилинг кесилгур, бундай бўлишини қайдан билибман... Бир тоғора қирим бор, ювиб қўйибман, қачондан бери шунга ранг керак, қайнатиб ранглаб қўяй дейман, фурсатим бўлмайди... — йиғи аралаш тушунтирди Қорасоч бика. — Жаҳонга Кумар билан бориб бозордан ранг олиб келинглар, дедим... Чошгоҳда кетишган, шу пайтгача

йўқ, рангга юбормай мен ўлай, энди рангим чиқиб ўтирибман...

Қорасоч бика яна йиғлашга турди.

— Йиғламангиз, йиғламангиз, Шамсулмулк! Қаерда экан ўзи болалар? — сўради Абу Бакр Калавий. — Ўйнаб қолишгандир у ер-бу ерда?.. Балки Кумарларни-кига кетишгандир!

— Билмаймиз... — деди шўрлик она. — Хали Читрабону ҳам келиб кетди... У ёқда йўқ...

— Балки... Унда қаёқка кетишди ахир? — деб юборди энди воқеанинг бутун даҳшатини англай бошлаган Абу Бакр Калавий.

Қорасоч бика жавоб ўрнига яна йиғига зўр берди. Наддофлар маҳалласи оқсоқолининг боши қотди. Қаёқка кетган бўлиши мумкин? Ўн еттига кирса ҳам хали ёшда, Жаҳон бика, Кумар иккиси шаҳар айланиб юришибдими? Аммо бундоқ одат йўқ эди қизида, унинг устига Читрабону ҳам келиб кетибди. Йўқ, бу ерда бошқа гап бор...

— Жаҳон биканинг шахти йигитларникидан ўтади, — деди Абу Бакр Калавий, у Қорасоч бикадан кўра ҳам кўпроқ ўзини тинчитмоқчидай эди. — Доим дарахт билан жанг қилгани қилган. Қиличбозликни машқ қилишни яхши кўради... Жаҳон шаддод, унча-мунчага эгилиб қолмайди, онаси... Мен унга ишонаман... керак бўлса саваш қуради, ха!..

— Шундай-ку-я... — кўзларини артиб деди беҳол она. — Биламан, шаддод. Шайтон киши хаёлини ҳар қайларга олиб кетади-да тагин... Одамлар ёмон...

Ногоҳ келган машъум ўйдан Абу Бакр Калавийнинг эти жимирлаб кетди. Борди-ю, чиндан ҳам Жаҳон ёмон одамлар қўлига тушган бўлса-чи?.. Йўқ, йўқ!

Шаҳарда бир тоифа одамлар борлигини Абу Бакр Калавий кўпдан эшитиб келар эди. Бу тоифа, асосан хуфия Хонлиқ оқа хонадонини «товар» билан таъминлаб туришга хизмат қиларди. Улар турли йўллар билан ёш қизларни қўлга киритиб, маълум бир муддат саклаб, ўргатиб сўнгра катта пул эвазига машъум хонадон чўрилигига ўтказар эдилар. Кейинги юз-юз йигирма йил ичида бу иш жуда авжига чиқди. Босқинчилар ҳамиша босиб олган юртларида, аввало кишилар ғурурини, муқаддас туйғуларни, ор-номусни поймол этадилар, ўша улус тар-

хини бузишга ҳаракат қиладилар, тозалигини сақлаш борасида асло қайғурмайдилар, қулу чўриларни ўз билгича хор қиладилар. Абу Бакр Калавий Халоукуийлар замонида чўрию жорияларни хўрлаш чегарадан ошиб кетганини биларди. Натижада масжид ва хонақоҳлар ёнида харжойиларни йиғиб фоҳишахоналар очиб, турли ерлардан олиб келтирилган, ҳар хил йўллар билан қўлга туширилган чўриларни хароботда сақлар эдилар.

«Ундай бўлиш мумкин эмас!» — деди ўзига Абу Бакр Калавий ва уйда ўтиролмаё ташқарига чикди.

Шу пайт дарвоза тақиллади, кимнингдир: «Абу Бакр оға! Хо, Абу Бакр оға!» деган овози эшитилди. Дарвоза олдида Самарқанд сарбадори жамоаси котиби Мавлонозода турарди. Салом-алиқдан сўнг ичкарига кирдиларда, ҳовлининг чапидаги мўъжазгина айвончага ўлтирдилар. Уй соҳиби ҳаяжонини босишга ҳаракат қилар, ўзини хотиржам кўрсатишга уринарди. Лаҳза жимлик чўкди, энди Қорасоч биканинг ҳам овози эшитилмасди. Сукунатни қуйида қўшни уйдан оқиб чиққан ариқчанинг жилдирашигина бузиб турарди.

— Дафтарни келтирдим, Абу Бакр оға! — деди Мавлонозода. — Жуда ажойиб манзара намоён бўлмакда... Ажойиб!..

— Шундоқми?.. — сўради Наддофлар маҳалласи оқсоқоли, кўз олдида эса жондан ҳам ширин кизи Жаҳон бика гавдаланар эди: «Хозир қаерда экансан-а, қизим?..»

— Шаҳримизда сарбадорлар сони, аниқроғи сарбадорларга хайрихоҳ кишилар сони хийлагина бор экан. Беш мингдан ортади...

— Беш мингдан?.. Беш мингдан ортади... Демак, беш мингдан ортади, денг? Қаранг-а!..

Мавлонозода шундагина Абу Бакр Калавийнинг хаёли паришон эканлигини сезди. Чиндан ҳам Самарқанд сарбадорлари жамоаси оқсоқоли бугун Мавлонозодага сал бошқачароқдек туюлди. Аввало, у Мавлонозодани хамишагидек хурсанд кутиб олмади. Кейин, Самарқанд сарбадорлари рўйхатини кўп марта ўзи сўради, олиб келинганда эса нечундир унчалар қизиқиш билан қарамади. Муллаваҷчанинг пинҳона Жаҳон бикани бир бор кўрармикинман деган илинжи ҳам илинжлигича қолди — қиз кўрингани йўк...

— Абу Бакр оға... Мен... Мен... нохуш бир паллада келиб қолдим, шекилли... — деди Мавлонозода хижолат, дафтарни Наддофлар маҳалласи оксоколига узатар экан. — Мен борай...

— Йўқ, йўқ! Тўхтаг, Мавлонозода! — деди Абу Бакр Калавий. — Бугун пахтачи қишлоқларни айланиб келдим, бағоят хориб-толдим... Шуники бари...

Дарвоза яна тақиллади ва Лакшманнинг юз овоз ичидан ҳам ажратиб олиш мумкин бўлган, шиддатсиз, пўк овози эшитилди:

— Абу Бакр яқиним!

— Ассалому алайкум, Лакшман оға!

— Ие! Толиби илм ҳам шу ерда эканлар-ку...

Лакшман салом-алиқдан сўнг айвончага ўлтирди.

Қоронғу бўлса ҳам Абу Бакр Калавий Лакшманнинг кутилмаган мусибатдан сабзак ранги тағин ҳам қорайиб кетганини тасаввур қилиб турарди.

— Ха, бу... — деб сўз бошлаган эди Лакшман аламли, Абу Бакр Калавий гапни кесиб қўйди:

— Ха, шундок...

— Энди нима қилиш керак? Иккисини ҳам Вишнунинг ўзи асрасин!

— Ха, иккимизни худо уриб қўйди, уриб қўйди, дўстим! — Абу Бакр Калавий ортиқ чидай олмади. У Лакшманни холсиз кучоқлади.

— Абу Бакр оға! Лакшман оға! — деди ҳалитдан бери ҳеч нарсани тушунолмаётган Мавлонозода-нинг нимагадир ақли етиб. — Нима бўлди? Қандай ташвиш бошингизга тушдики, худо уриб қўйди, дейсиз?..

— Жаҳон бика билан Лакшманнинг ўғли Кумар иккови чошгоҳда бозорга чиқиб кетишгон экан, десангиз, хануз улардан дарак йўқ-да... Оллоҳ ўз паноҳида сақласин! — базўр деди Абу Бакр Калавий.

— Нима?! — сўради жонҳолатда Мавлонозода. — Улардан хануз дарак йўқ?!

Нохуш хабар Мавлонозодага бамисли чакмоқ ургандай таъсир қилди. Абу Бакр Калавий шундан маъюс экан-да, шундан ҳамини чамандай ҳовли ҳам шукуҳини йўқотган, файзсиз...

— Топамен!.. — деб юборди Мавлонозода кутилмаганда. — Ие... топамиз... Абу Бакр оға! Лакшман оға! Албатта, топамиз! Ўқинмангизлар!

— Лакшман! — деди бирдан Абу Бакр Калавий, овоз ҳар галгидай қатъий ва шиддатли эди, мусибатнинг лаҳзалик тўлкини босиб келганида хиёл эсанкираб қолган Наддофлар маҳалласи оқсоқоли энди ўзини ўнглаб олди. — Ортиқча қайғурмайлик, балки қайғудан қутулмоқ чорасини қидирайлик, энг адолатли йўл шу бўлур, эй феъли яхшилар! Бас, алқисса, Чорсуга кетдик! У ерда бутун маҳалла оқсоқоллари, Тун салтанати фуқаролари бизларни кутиб туришибди...

* * *

Улар Чорсу майдонига етай деб қолдилар. Ана, Чорсу майдонининг у чеккасидаги Жомеъ масжиди ёнида лип-лип ёниб турган фонус аниқ кўзга ташланди. Икки юз қадамча қолганида посбоннинг таҳдидли овози эшитилди:

— Жонингдан умидинг бўлса, тўхта! Кимсен ва қаён борурсен?

Наддофлар кўчасининг посбонлиги бугун Аббос баҳодирнинг чекига тушган эди. Амирлашкар Темурбек нечундир Самарқандга катта эътибор берарди. Хижрий 763 йилда Амир Ҳусайн билан Мурғоб бўйида туркманларга асир тушиб, мохонлик бадавлат Муборақшоҳ ёрдамида жон саклаб қолган Темурбек Самарқандга келиб эгачиси Қутлуғ Туркон оқа уйида қирқ саккиз кун яшириниб ётди. Аббос баҳодир ўшандай оғир кунларда ҳам Темурбек билан бирга бўлди. Садоқату ихлос камарини белига маҳкам боғлаган йигит тинччи бўлиб келганда, Самарқанднинг амир диққат-эътиборида турган шаҳар эканлигини доимо ёдида тутди.

Аббос баҳодир ҳар гал амир олдидан қайтганда совға-салом олиб келар, совға-салом ичида Амир Тарағайнинг дўсти мунажжим Яхё Ҳасан барлос ўғли толиби илм Мавлонозодага аталган динор тўла ҳамён ҳам бўларди. Темурбек ҳар сафар: «Мавлонозодага айтғил, ташвиш чекмасун, мадрасани битиришда илғорлик кўргизсун!» деб тайинлаб юборар, аммо бошқа бирон-бир гап кўшмасди.

Аббос баҳодир фақат бир нарсага хайрон қолди. Хўш... Темурбек, бойлиги етарли, ўзи амир бўлса... Бир жойни макон тутиб, дунё ғамини чекмай, маишат қуриб, хурилиқолар билан айш-ишрат қилиб, сафолар айлаб

ётавермайдами? Ахир бандасига ортик не керак, рохату фароғатдан ботқа? Йўк... Темурбек бўлса ўзини ўтга-чўкка уради, гоҳ Қаршида кўришиб қолади, гоҳ Кешда, бир дам қарасангиз, Амударё бўйларида кезиб юради, бир дам Бухоро чўлларида... Бундай азобнинг нима кераги бор? Бу қандоқ одам эканки, жонининг ҳузурини ўйламаган?.. Мана, яқинда у Амир Хусайн билан бирга Сеистонда саваш курди. Шунда бир дайди найза унинг ўнг оёғига тегиб чўлоқ қилди. Энди оқсоқланиб юрибди, хатто битта-ярим душманлари уни оқсоқ Темур деб мазах ҳам қила бошлашди... Буларнинг бари Темурбекнинг хизматкорлари, югурдак қули бўлган Аббос баходирга, — ха, у ўзини амирнинг хизматкори, бир югурдак қули деб ҳисоблайди, — алам қилади. «Дунёнинг ғавғолари билан сенинг нима ишинг бор, э бошига бемисл ташвиш орттирган хом сут эмган банда? Ҳар тарафдан найзалар чикиб турган майдонга тушиб нима қиласен?..» — дейди у хаёлан Амир Темурга мурожаат қилиб.

Албатта, бу бир хизматкорнинг, югурдак қулнинг жаҳонни ўз кафтига қўймоқчи бўлган амири ҳақидаги югурдакларча мулоҳазалари эди холос, ундан ортиғига Аббос баходирнинг ақли етмасди.

— Қўй келади кўзи билан! — деди Абу Бакр Калавий, жойида тўхтаб. Лакшман билан Мавлонозода Наддофлар маҳалласи оқсоқоли айтган сўзлар сирли ишорага эга эканлигини англашди.

— Бир-бирининг изи билан! — эшитилди бир оздан кейин. — Тун салтанатига мархабо! Йўлингиз бўлсин!

— Аббос баходирмисиз? — сўради Абу Бакр Калавий қоронғида посбонни таниб. Шу топда бултур Ҳасан чиноқ тутиб олган бечора шахрисабзлик савдогар эсига тушди.

— Бугун зиммамизда салтанат юки!.. — салом берди Аббос баходир.

— Аббос оға?! — хайратда қолди Мавлонозода, у хол-ахвол сўрашни бошлиб юбормоқчи, нима қилиб юрибсиз, демоқчи эди, Аббос баходир гапиртиришга қўймади — қўли билан бошқаларга билдирмай унинг оғзини бекитди.

— Дурустмилар, э... муллавачча? Их-м! Ихм!.. Қани, ўтсунлар... ўтсунлар...

Мавлонозода посбоннинг ҳаракатларидан Аббос баҳодир билан танишликлари сир қолиши зарурлигини тушунди. Ажабо, мамлакат ҳукмдорининг ўнг қўли, амирлашқар Темурбекнинг содик қули — Тун салтанатининг фуқароси? Наддофлар кўчасининг посбони?! Ақли бо-вар қилмайдиган тушунчалар эди булар. Эғнидаги ки-йими ҳам гадолар жандаси... Хамиша устида бекларга хос либос, бармоқларида узук, ёнида исфиҳон қилич бўлгучи эди... Бундай аҳволга тушиб қолишига нима мажбур қилди экан? Мавлонозоданинг боши қотди. Ўзи-ку Жаҳон биканинг сирли ғойиб бўлишидан туриш-турмуш ҳаёти издан чиқар даражага келди. Кутилмаган ғаройиб муаммо қўл-оёғини боғлаб, тушқун кайфиятга солиб қўйди. Жаҳон бика қаерда бўлиши мумкин? Қандай бадниятнинг қўлига тушди?..

Толиби илм чуқур энтикди, аллақандай оғриқдан юра-ги гумириб кетди. У ҳар қачонгидан ҳам ҳозир Жаҳон-ни қаттиқ севишини хис қилди, усиз ҳаётнинг қизиғи йўқлигини англади. «Шубҳасиз топурмен!» — деди Мавлонозода ўз-ўзига қатъий.

Мана шундай бир ҳолатда Аббос баҳодирнинг Тун салтанати фуқаросига айланиб қолиши унинг оғриманган бошини тағин оғритди.

Абу Бакр Калавий кўча посбони билан Мавлонозода ўртасидаги сирли ишораларни сезди-ю, ўзини билмаганга олди.

Улар Чорсу майдонига етдилар. Жомеъ масжиди ёнидаги минорада липиллаб турган фонуснинг хира шуъласида кимлардир ивирсиб юрарди. Масжид олдидаги учта сандиқда Шаҳриёр ўлтирибди, майдон эса фуқаролар билан гавжум. Аббос баҳодир овозини баланд қўйиб деди:

— Наддофлар кўчасининг посбони Аббос баҳодир хузурингизда! Самарқанд сарбадорлари жамоаси оксоқо-ли, салтанатимиз дўсти Абу Бакр Калавий ташриф бую-радир!

Абу Бакр Калавий шериклари билан тахт томон бо-рар экан, салтанат фуқаролари коронғида уларга йўл бўшатар эдилар.

Салтанат подшоси Шаҳриёр сандиқдан тушиб мех-монларга пешвоз чиқди:

— Хуш келибдилар салтанатимизга, эй мўътабар зот!

Абу Бакр Калавий кўришмакка қулоч ёзиб келаётган Шаҳриёрни ҳар сафаргидек ўша-ўша холда кўрди: бошида дубулға шаклида латта қалпоқ, эгнида етмиш ямоқ мағрибий намаг тўн, қўлида ичига кўрғошин солинган таёк... Вазир Насафий ҳам ўшандоқ, фақат яна ҳам озиб кетганлигидан нокка ўхшаган калласи шалвираб қолгандай туюлди.

Майдон сув сепгандай жим бўлиб қолди.

Салтанатда ҳукм сурган одат бўйича биринчи бўлиб Шотабибга сўз берилди. Аниқроғи, Насафий бундоқ деди:

— Салтанат солимлиги посбони Шотабиб фуқаролар сиххатидан сўз айтадир.

Қотмадан келган, баланд бўйли, оқ яқтак ва оқ кулоҳ кийиб олган Шотабиб тахт пойига яқинлашди. Минорадаги фонус Шотабибнинг ўнг юзини ёритиб турарди.

— Салтанат фуқаролари! Машъум ходиса юз берди, машъум эмас, асли одатий ходиса, демок лозимдир. Илло, ўлим, қазойи қадар ҳамманинг ҳам бошида бор савдодир. — Шотабиб бир оз жим қолди. — Салтанат фуқароси Чигатойхон оламдан кўз юмди... Муолажаю малҳамлар унинг дарди олдида ожизликларига тан бердилар. Эрталаб тонгсахар бомдод намозига чиқариладир, Чокардиза қабристонига дафн этиладир...

Майдонга сукунат чўқди.

— Аммо, ҳаёт, ёруғ дунёнинг қаромати шуниси билан ҳам ғаройиб-да! — Шотабиб давом этди. — Ҳеч нарса изсиз йўқолиб кетмайди. Агар Чигатойхон қазо қилган бўлса, унинг қизи, ўтган йили тўйини қилган эдик, фарзанд кўрибди!

— Яна битта туёқ! — деб юборди кимдир, бу гап пичинг аралаш айтилдими, холис айтилдими, англаб бўлмади.

— Туёқмас, овсар, тирноқ дегин! — тўғрилади бошқаси.

— Ахир из қолибди-да, из! — деди учинчи одам.

— Алқисса, Чигатойхоннинг қизи куёви билан салтанат аъёнлари хузурида, подшо ўзининг бўлажак фуқаросига исм қўйиб берсин, дейишяпти...

Майдондагилар бир тўлқинланиб олдилар.

Шотабиб Чигатойхоннинг набирасини кўтарганча Шаҳриёрга қараб юрди.

— Фуқаро! — чакалокни қўлида тутганча деди Шахриёр. — Бу ҳам бекам табиатнинг бир инъоми, худонинг етказгани! Чигатойхон саксон беш ёшга борди, бунчалар умр кўрмак монандсиз омаддир, илло бу ёшдаги ўлим эмас, байрамдир, тўйдир... Вақти келганда бу дунёдан кўз юммоқ ҳам саодатдир. Инчунин, ўлим экан, деб кўнглингизни чўктирмангиз! Зеро, ҳар қандай ўлим қадимизни букиб кетиши керак эмас, аксинча, сиз билан бизни бирлаштириб кетмоғи, аҳдимизга аҳд, шиддатимизга шиддат қўшмоғи жоиздир...

Одамларда яна жонланиш бошланди.

— Бунга ҳам етган етади, етмаган нетади? — сўз қўшди кимдир.

— Мана, кечаги карвонсаройдаги воқеа... — Бобо Султон тинч туролмади. — Машҳадлик савдогар аҳли аёли билан Хўтанга кетаётган экан. Шу ердалигида хотинларидан бирининг кўзи ёрибди: эгизак! Аммо икки кун ўтар-ўтмас нобуд бўлишибди. Чигатой бува саксон беш йил умр кўрди-я! Саксон беш йил-а!

— Фуқаро! — яна майдондагиларга мурожаат қилди Шахриёр. — Салтанатимизга мўътабар меҳмонлар келишган. Самарқанд сарбадорлари жамоаси оқсоқоли Абу Бакр Қалавий, Уста Кулол, Ҳалвойи, Мавлонозода, камонмерган Хўрдак Бухорий, Исҳоқ этиқдўз, Нозим Меҳмет, Лакшман... Барчаси самарқандликлар...

— Уларни ўзимизга дўсту кадрдон деб биламиз! — гапирди Ахий Жаббор чап томондан. — Дўстсиз бошим, тузсиз ошим, деганлар!

Ахий Жабборнинг ёнида турган Кумар Абу Бакр Қалавий билан отасининг исмини эшитиб саросимага тушиб қолди. У ҳадеб Ахий Жабборнинг қўлини ушлар, «Энди нима бўлади, ака?» — деб қўярди. «Сен шошилма, жим тур! Нима қилишни ўзим айтаман!» — тинчландирди Ахий Жаббор.

Шахриёр қўлидаги чакалоқ сал безовта бўла бошлаганини кўриб, ишни тезлатиш кераклигини тушунди.

— Салтанатимиз ўша Самарқанд сарбадорлари жамоасига бир бўлак бўлиб кирадир... Азизлар, сиз билан биз ҳам сарбадорлармиз...

— Сарбадорлармиз! — гувиллади майдон.

— Сиз билан биз ҳам ўзимизни ўша озоду бахтиёр жамоага шерик деб биламиз...

— Шерик деб биламиз!

— Мен, — давом этди Шаҳриёр, — мана бу чакалокка Самарқанд сарбадорлари жамоасининг энг кенжа фуқаросига исм қўйиб беришни жамоа оксоқоли Абу Бакр Калавийдан ўтинурмен!..

Абу Бакр Калавий Шаҳриёрдан чакалоқни олар экан, кўзларига ёш келди: «Сарбадорлар жамоасининг энг кенжа фуқароси!.. Унга исм қўйишда теран маъно бор...»

— Муаллими соний Абу Наср ал-Форобий ўз рисо-лаларида бизнинг жамоамиздек жамоаларни вужудга келиши ҳақида қалам сурмишдир, — деб бошлади сўзини Абу Бакр Калавий. — Зеро, ҳар бир инсон ўз табиати билан шундоқ яратилмишки, унинг яшаши ва олиймақом даражада етукликка эришмаги учун кўп нарсаларга ўзи-да мухтожлик сезадир. Аммо одамнинг бир ўзи бундай нарсаларнинг ҳеч бирини қўлга кирита олмайди. Бунинг учун фақат жамоа лозимдир, инсонлар жамоага бирлашмоқлари даркордир, бирлик зарурдир... Сиз билан биз, эй феъли яхшилар, ана шундоқ жамоани орзу қилурмиз, шу вайдан ҳам Самарқанд сарбадорлари жамоасига яқдил бирлашиб турибмиз...

Шу пайт кимдир майдон ичидан:

— Ким у ал-Форобий деган? — деб колди.

Абу Бакр Калавий энди оғиз жуфтламоқчийди, майдоннинг чап томонидан биров кичкирди:

— Эсвос бўлсанг на дейман, расво бўлсанг на дейман... — Ахий Жаббор гапирарди, у шерикларининг соддаю саводсизлигидан хижолат бўлиб кетди. — Абу Наср ал-Форобий, муаллими соний ўтзорлик, Фороб қишлоғидан, мен ўша қишлоқда бўлганмен. У донишманднинг ўтганига кўп бўлган, китоблари қолган...

— Жуда тўғри сўзни деди Ахий Жаббор! — Абу Бакр Калавий давом этди. — Биз шундай жамоа тузайликки, яшашимиз яхши бўлсин, ҳаётимизга маъни кирсин, бир-бировга кўмак қўлин чўзайлик. Ҳокимларга қарши бизнинг даъвойимиз ҳам, талабимиз ҳам бўлур. Самарқанд фозил шаҳарга айланмоғи керак... Энди яширинмак лозимдир. Қачонки, каминадан ишорат етадир, сизу биз қўлимизда аслаҳа билан истибдод қошида зоҳир бўлурмиз!..

Абу Бакр Калавий сўзининг охирида қарийб шайх Ҳасан Журийнинг Боштин масжидида айтган даъватини

такрорлаганини билмай қолди. Ичида: «Сўзларим жуда баландпарвоз чикмадими? Шайх Ҳасан Журийга эҳтимол бу ярашарди, сенга ярашармикин, эй феъли хунук?..» — дея ўз-ўзини чандиб олди.

— Айтганингиз келсин! — деди майдон гувиллаб.

— Аҳли жамоа! — деди Абу Бакр Калавий тезроқ асил муддаога қайтишни истаб. — Мана бу чақалоқ исмини зулмдан озод бўлсин, деб, «Озод» деб атайлик! «Озод» бўлсин!

— Озод бўлсин!

— Узоқ умр кўрсин!

— Озод!

— Озод!

Тун салтанати фукарolari Озоднинг дунёга келишини ана шундай муборакбод этдилар.

Факат икки киши атрофидаги издиҳомга ичидан киринди ўтиб қараб турарди. Булардан бири — Аббос баходир. «Сарбадорлар жамоаси худди Сабзавордаги каби ҳокимиятга эришмакчи! Қурол кўтариб чикмакчи! Зудлик билан Темурбекка хабар етказиш керак!» — деб ўйлади у. Иккинчиси, Мавлонозода — Самарқанд сарбадорлари жамоаси котиби. Уни аввало Абу Бакр Калавийнинг обрўи ошиб кетаётганлиги ташвишлантирарди. Шундай ташвишга тушганига, ўзининг ҳам гаши келди, албатта. Ҳар қалай, Абу Бакр Калавий — оксокол, у эса котиб... Аммо, ички бир овоз: «Буни тан олма! Тан олма!» демоқда эди. Жамоа оксоколи ҳозир: «Ҳокимларга даъвойимиз ҳам бўлур, талабимиз ҳам!» деган сўзларни айтди. Буни қандоқ тушунмак керак? Ҳокимларга, яъни Худобандага, Садр Сулаймонга, Темурбекка, Амир Хусайнга қандай даъвойимиз бору қандай талабимиз? Улардан юмуш ўтинишми, емак тилашми, ҳокимият талаб этишми? «Қачонким, каминадан ишорат етадир, сизу биз қўлимизда аслаха билан истибдод қошида зохир бўлурмиз...» Демак, иш Садр Сулаймон мадрасасининг толиби илми ўйлаганчалик, шунчаки йиғинлар, такяхонадаги учрашувлар, «хайрия», жамоа аъзолари рўйхати билангина чекланмайди, балки худди Сабзаворда бўлгандек куч, қурола аслахага бориб тақалади... Демак, инқилобий хуруж, исён назарда тутилмақда... Исён!.. Исён! Қон... тўкиш!.. Қон!..

Ногаҳон қайдандир бир ботиний овоз келди: «Аҳли жамоа! Кўнглимдаги имоним билан шуни айтаменки, агар сарбадорлик эътиқодимдан бош тортсам, бошим дорга тортилсин!..» Ҳа, бу сўзлар ўзиники, Хўрдак Бухорий Мавлонозодани сарбадорлар жамоаси билан илк бор та-ништирганда, муллавачча шундай ваъда берганди...

Йўқ, Мавлонозода сарбадорлик эътиқодидан асло че-кингани йўқ, асло! Фақат, у қон тўкилишини истамайди, барча жанжални хотиржам йўл билан ҳал қилмоқ лозим, дейди. Шу важдан ҳам Абу Бакр Калавийнинг аслаҳа ҳақидаги сўзлари уни сергаклантириб юборди. Лекин у ўйларини ҳеч кимга билдирмасликка қарор қилди.

— Ота! Отажон! — кичкирди шу пайт бир бола ва тахт пойи томон югуриб бора бошлади. Бу морбознинг ўғли Кумар эди, Ахий Жаббор унинг изидан келарди.

— Ўғилгинам! Ўғилгинам! — Лакшман кўзларидан ёшни тия олмай, Кумарни бағрига босди. — Хайрият, Вишнунинг ўзи асрабди! Нажоткор тангри асрабди!..

Кумарни кўриб Абу Бакр Калавийнинг ҳам кўнгли ёришди. Кумар топилди-ку, энди Жаҳон биканинг қай-далигини билиб олади!

— Хайрият! Хайрият! — дерди у.

— Кумаржон! — Лакшман ўғлининг кўз ёшларини артиб сўради. — Опанг қаерда, айт-чи! Бўлди, бўлди, йиғлама!

Кумар аранг йиғидан тўхтади:

— Жаҳон бика опамни эрталаб олиб қочиб кетиш-ди... отда... Ахий Жаббор акам барини кўрди-и-и! — деди-да, яна хўнграб йиғлаб юборди.

Ахий Жаббор гапга қўшилиш фурсати етганини се-зиб, эрталаб Наддофлар кўчаси бошида рўй берган ходи-сани айтиб берди.

— Отлиқлар қаерда ғойиб бўлишди? — сўради Абу Бакр Калавий йўқола бораётган умид тизгинини қўлдан қўйгиси келмай. Мавлонозода кутилмаган янгиликдан лолу хайрон, тили боғланиб қолганди.

— Кўчанинг охирроғида, — жавоб берди Ахий Жаб-бор.

— Тағин ўшалар, ҳа, аниқ ўшалар! — деди Уста Кулол афсусланиб. — Бизнинг маҳалламиздан ҳам бир киз ғойиб бўлганди...

— Нопокларнинг иши бу! — гап кўшди Нозим Мехмет.

— Фаламисларнинг иши деяверинг! — қувватлади уни Ҳалвойи.

— Ўғирлаб нима қилади? — сўради Исоқ этикдўз.

— Нима қилади? — таажжубланди Хўрдак Бухорий. — Сотади! Мана нима қилади! Катта пул ишлайди. Тўхта... — у Ахий Жабборга тикилди. — Хонқали кўчасида, дедингми? Чап томондами, ўнг томонда?..

— Англолмай қолдим... Кузатиб турганимни биламен. Бирдан ғойиб бўлишди қолишди. Чапда шекилли...

— Ҳм-м... — ниманидир эслагандай деди камонмерган.

— Воқеа бугун бўлдими? — гапга аралашди салтанат «қулоғи» Бобо Султон. — Мен айни ўша вақтда Хонқали кўчаси ичкарасида эдим. Шу кўчада яшайдиган Ниёз кизикчиниқида тўй бор эди...

Ҳамма бирдан жонланиб қолди.

— Сиз кўрдингизми? — деди умидвор Абу Бакр Калавий.

— Чўзма, каловланма! — Ахий Жаббор бир сакраб Бобо Султоннинг ёнига ўтди. Мавлонозода ҳам яқинлашиб борганини билмай қолди.

— Ичкаридан Чорсуга қайтаётган эдим, — сўзини бошлади Бобо Султон. — Рўпарамдан уч отлик тасиратусур келиб қолди. Менинг ёнимга келишдию ўнг томондаги темир дарвозага — боришда чап томонда бўлади — бурилишди. Мени кўришгани йўқ. Ажабки, дарвоза ўз-ўзидан очилди. Биринчи отлик бир қопни ўнгариб олганди. Нималигини билолмадим, лекин бир аёл кишининг аниқ инграган овозини эшитдим. Отлик одам: «Келгунча мушукка ўхшаб тимдаланиб келди-я! Ўзиям ғайратли экан!..» деди. Аниқ, қопдаги қиз бола эди. Отликнинг башарасига қарадим: гавдали, қиличбурун йигит экан. Дарвоза очилганда кўзим тушди — ичкари катта ховли, бир кунжагида яна дарвоза кўринди. Киришлари билан дарвоза ёпилиб қолди...

— Ота ўғил, сенга балли, дилга бердинг зўр тасалли! — деди Ахий Жаббор Бобо Султонни кучоклар экан. — Худди ўшалар! Мени ўша ерга олиб борасан! — Сўнг тахт пойида турганларга юзланди: — Подшойим!

Абу Бакр оға! Ушбу машъум ходиса менинг кўз ўнгимда юз берди, лапашанглик қилдим... Тун салтанати фуқароси, сарбадорлар жамоаси аъзоси сифатида гуноҳимни ўзим ювамен, қизни ўшал нопоклар чангалидан ўзим қутқарамен!

— Нега сен? Мана мен қутқарамен!.. — деб юборди кизик устида Мавлонозода, кейин ўзини ўнглаб олди. «Ахий Жабборга-ку, қизни қутқарамен дейиш жоиз, сенга-чи? Сенинг Жаҳон бикани севишингни оллодан бўлак ҳеч ким билмайди-ку, нодон!» — деди ичида ўзига ўзи муллавачча ва хижолат бўлганини билдирмасликка тиришиб давом этди. — бир бегуноҳ ожизани қутқаришда Ахий Жаббор билан мен ҳам иштирок этсам!.. Савоб излаб юрган йигитмен...

— Баракалла! — дейишди майдондагилар.

Қизни қутқармоқчи бўлганлар сафига энди Хўрдак Бухорий қўшилди:

— Абу Бакр оға! Мен бу воқеани эшитиб андоқ мусибатда қолдимки, шу балога сизнинг ширин дилбандингиз эмас, балки менинг жигарпорам гирифтор бўлгандек бўлиб кетди. Жаҳон бика, бас, менинг синглимдир, инчунин жигаримдир. Синглисининг шаънини пок тутмак, уни иснодлардан халос этмак биринчи галда оғасининг бурчи. Бу юмушни мана мен, Ахий Жаббор ва Мавлонозодага топшиурсиз!..

Хамма енгил тортди. Абу Бакр Калавийнинг кўнгли тўлиб кетди, кишиларнинг ҳамдардлиги учун миннатдорчилик билдирмоқчи бўлди, аммо хаяжоннинг зўридан:

— Оллох мартабангизни баланд қилсин!.. — дея олди холос.

Самарқанд сарбадорлар жамоаси билан Тун салтанати фуқаролари бир-бирларига ҳамфикру ҳамкор эканликларини изҳор қилдилар ва ягона жамоага бирлашганини айтдилар. Бу, ҳозирча факиру йўқсул кишиларнинг, рунуду авбошнинг орзу-ўйлардан бино бўлган, халёлий жамоаси эди. Лекин жамоа ўзининг чекига тақдир катта вазифа юклашини ҳали билмасди. Тақдирнинг уларга насиб этган фавқуллода ватанпарварлик шижоати, юртсеварлик туйғулари, бирлашмак фароғати ва фожиаси ҳали олдинда эди. Ҳали олдинда...

Ўн саккизинчи боб

ИККИ ДИЛНИНГ БИР МУАММОСИ

Сўнги сабоққа киришдан олдин, улар ховлида турардилар, Худобанда дўсти Мавлонозодадан сўради:

— Жаҳон бикадан хабар... борми?

— Сал изи топилгандек... — Мавлонозода бошқа ҳеч нарса демади.

— Хайрият!.. — қувонди Худобанда. — Сабоқдан сўнг бизникига борсак... Икки отни миниб шаҳардан чиқиб кетсак... Конибил томонларга...

— Нечук? Не бўлди? Фаромушсиз?

— Юрак сиқилиб кетяпти... Бир ёзилиб келайлик. Сизга айтадиган гапларим бор...

Мавлонозода дўстига қаради. Хушсурат Худобанданинг оксарикдан келган юзи озиб қолгандай туюлди. Қопқора тийрак кўзлари ҳам нечундир маъжус, паришон... Муллавачча бугун Хўрдак Бухорий, Ахий Жаббор, Калтатойлар билан Жаҳон бикани қутқаришга бориши лозим, иш хуфтонга белгиланган. Унгача улгуради.

— Жуда соз, дўстим!

— Дарвоқе, — жилмайди Худобанда. — Кеча қизик бўлди...

— Нима экан?

— Мехмонхонада падари бузрукворимиз девонбеги билан бир ишнинг маслаҳатини қилишмакда экан. «Сарбадорлар деган кўскиларнинг жоловини тортиб қўйиш керак!..» деди девонбеги. «Ялангоёқлар дод-вой қилгани билан қаёққа борарди... Парво қилма, керак пайтда, Солисаройдан сипоҳ чорлаб, ҳаммасини тинчитамен!» Шу пайт мен кириб қолдим. «Сарбадорларнинг нияти яхши, улар бировнинг бурнини қонатмоқчимас, эй падари бузруквор! — деб вазиятни тушунтирдим мен. — Улар шаҳримизни обод қилмакчилар, фозил шаҳарга айлантирмакчилар... Бунинг нимаси ёмон?» «Сиз буларни яхши билмайсиз, султонзода! — куйиниб гапирди девонбеги. — Йўқ, биласиз ҳам! Қишлоққа закот олиш учун борганимизда ахир ҳаммамизни беобрў қилишди-ку! Одамларнинг шундай бўлишига сарбадорлар айбдор...» «Сарбадорлар бечора, ҳалол одамлар, — дедим мен яна. — Эй падари бузруквор, Солисаройдан сипоҳ чорлаймен, де-

дингиз... Нахотки, ўз халқингизга қарши сипоҳ чорла-сангиз? Бу адолатдан бўлмас, дейман...» «Йўқ, ўғлим, йўқ, бир гапирдим қўйдим-да... Сен ташвишланма, сабо-рингни ўқи! — деди падари бузрукворим. — Чорлаганим билан пойтахтда сипоҳ ҳам тайёр турибди, дейсанми?»

— Сизнинг сарбадорлар жамоаси аъзоси эканлигин-гизни билишадурми? — сўради Мавлонозода. — Ўзин-гизга айтишмадимми?

— Йўқ, фақат мени билишмайди, лекин бошқаларни, жумладан, сизни ҳам, яхши билишади...

Улар дарсхонага кирдилар. Мударрис Хожа Лут-фуллоҳ узун пахмоқ соқолини гоҳ-гоҳ силаганча, имон-дан баҳс юритарди:

— Имон — ишонч, эътиқод, икрому амал демақдир. Имон уч нарсадан ҳосил бўлур, яъни: оллога эътиқод-дан, ботиний руҳий тасдиқдан, иккилончи, шул эътиқод-га икродан, тан олмақдан, учлончи, ана шу эътиқодга амал қилмақдан пайдодир. Эътиқод бўлсаю икром этил-маса, ёки ҳам эътиқод, ҳам икром бўлса-ю, амалда қўлла-нилмаса, имон юзага келмайди... У ҳолда имон — бо-тинан пўк бир каломдир...

— Таксир! — деди Мавлонозода. — Кеча бир ҳадис-да мутолаа этдимки, асли бундоқдир: «Ал-имону нисфо-ни — нисфуҳу сабрун ва нисфуҳу шукрун». Яъни, имон уч эмас, икки нарсадан иборатдир — сабрдан ва шукр-дан, эркан...

— Ажаб! Ажаб! — деди мударрис. — Бисёр аклин-гиз тиникдир, Мавлонозода! Ҳадисда тўғри ёзмишлар. Вале, мен айтган уч нарсага риоя қилинса, иншоолло, сиз айтган ҳадис сўзлари келиб чиқади. Билъакс, сабр ва шукр мусулмонликнинг икки таянчидир...

Мавлонозода қаноат ҳосил қилди. Сабоқ асносида хаёли ёнида чўк тушиб сабоқ тинглаётган Худобандага кетди. Худобанданинг нечук ташвиши бор? Оламга маш-хур бадавлат бойнинг якка-ёлғиз ўғли бўлса, якаю ёлғиз меросхўр! Бу йигит ҳақида, албатта, турли гаплар юра-ди. Гўё Худобанда... Садр Сулаймоннинг ўғли эмас эмиш.. Боқимонда ўғил эмиш... Мавлонозода бундай гапларга асло ишонмайди, чунки одамлар ҳасаддан, кўролмасликдан тўқийди ҳар хил миш-мишларни. Мад-раса толиби илмлари орасида бу гапни кўпроқ Абоман-сур таркатади. Тунов уни шу ҳақда гап қўзғалганда

маргинонлик толиби илм Калтатой Абумансурнинг ёқасидан тутиб, хийла таъзирини берди... Толиби илмлар орасида бўлди кулги, бўлди кулги!

— Кетдик! — деди Худобанда кутилмаганда.

Мавлонозода сабоқ тугаганини ҳам сезмай қолибди, у Худобанда изидан ҳовлига чиқди. Шу пайт Калтатой унга яқинлашди:

— Айтган юмушингизга қачон борурмиз?

Калтатой ҳам Жаҳон бикани кутқаришда қатнашмоқчийди, Мавлонозода ундан илтимос қилганди.

— Шай туринг, Той! Ўзим сизни йўқлаймен...

— Самарқанд сарбадорлари жамоаси аъзосига топширилган биринчи вазифа!.. — деди Калтатой, бу содда ва оқил йигит бакувватлигидан толиби илмларнинг кўриқчисига айланиб қолган, у бор жойда кўнгили доим тинч бўларди.

Мавлонозода жузвдонини хужрасида қолдирди. Улар Чорсу майдонидан Арк кўчаси томон бурилдилар. Бирдан Худобанданинг аламли овози эшитилди:

— Тағин ўша гадоми?! Ахир... Ахир... Бу искирт...

Мавлонозода бокса Худобанданинг ранги оппоқ оқариб кетибди, юпка лаблари пир-пир қилади.

— Қани ганак? Ё лошқанот! — деб келар эди ўттиз қадам нарида Абомуслим. Афтидан, у муллаваччаларни сабоқдан чиқишларини атай пойлаб турганди. — Бунча чиройни қайдан олдинг...

— Бу... бу... инсоф...си...сиз... — каловланарди Худобанда.

— Дўстим, ўзингизни босинг! Бу бечора бир одам... — Мавлонозода Худобандани тинчлантиришга уринди.

— Э, бечора одам бўлса, меним билан не юмуши бор?! Кетсун? Йўқса, сипоҳ чорлайдурмен! — Худобанданинг қаттиқ ғазаби келди. — Ўз ҳақдини билмаган инсофсиз!

— Бечора бир гадо-ку! — деди Мавлонозода. — Бировга озори йўқ... хокисор...

— Шунинг озори йўқми? — Худобанда яқинлашиб келаётган айиккелбат Абомуслимга нафрат билан қаради. — қачондан бери менинг хол-жонимга қўймайдир, доим пойлайдир, олдимдан чиқади, изимдан юрадир! «Қани ганак! Ё лошқанот!» деганини эшитсам, кўнглим ағдариладиган бўлибдир!..

— Абомуслим оға! — сўзланди Мавлонозода. — Тўхтангиз! Тўхтангиз! Ўша жойингизда тўхтангиз!

— Сўранг-чи, нима зарур экан унга ўзи? Нима зарур? Айтганини берайлик! Тинчисун! — Худобанда бўғилиб кетди.

Абомуслим ўн қадамча қолганда тўхтади. У ҳеч нарса демади, балки Худобандага меҳр тўла кўзларини узоқ тикиб қолди. Сокол-мўйлов ўсиб кетган юзида, ўнг чаккасида бўртиб чиққан ёнғоқдек нарсада тер томчилари кўринди. Бир неча лахзадан сўнг у шарт бурилди-да, ортига қайтиб кета бошлади, на бир нарса деди, на бир нарса сўради.

— Бу жинними, соғми? — таажжубланди Худобанда Абомуслимнинг ғалати тутумини кўриб.

— Йўк... — Мавлонозода йироқлашиб бораётган Абомуслимдан кўз узмай жавоб қилди. — Соғлигини билмадим-ку, ҳар қалай, жинни эмас... Аммо фарзанд доғида телба бўлганлиги рост. Фарзандларидан мосуво бўлган ношуд ота бу...

— Фарзанд доғида телба бўлган бўлса, мендан нима истайдир, мендан?! Ана шу нарса энди мени телба қилаётир!.. Воҳасрато!

Худобанда ҳам алам, ҳам афсус билан гапирарди.

— Бу искиртнинг ўзи не-ю... болалари нима бўларди... — деди бир оздан кейин яна Худобанда. У Абомуслимни шундай ёқтирмай қолган эдики, кўрса, ногаҳон жаҳли хуруж қилар, ўзини оламда танҳо бебахт сезарди.

— Зинҳор кўнглингизга олманг, дўстим! Бу одам, сиз айтганчалик ёмон одам эмас. Каминанинг акли қосири сасига бир гал қулоқ тутинг, илло, адашмагайсиз! Яқинда бу бечоранинг киссасини эшитдим, ўшандан бери тарихи кўз олдимдан кетмайдур... Хайхот!.. Ўзини танийсизми?..

— Билмадим... билмадим... Кўрсам, жунуним кўзийдир, холос...

— Унинг исми Абомуслим. Тун салтанати фукароси...

— Тун салтанати?.. Салтанатни кўринг!

— Худобанда! — кесиб гапирди энди Мавлонозода. — Аминменки, бу бечора киссасини эшитсангиз, фикрингиз мутлоқ ўзгарадир... Чунки одам боласи Абомус-

лим оға фожеаси билан танишиб бефарк қолмоғи мумкин эмас... Агар одам боласи бўлса...

Мавлонозоданинг аччиқ кинояси Худобандага ботиб кетди.

— Ие! Бу нима деганлари? Ҳали ўалари одам боласи бўладилару биз бўлмаё қолдикми? Биз жезми? Чағир тошми? Ҳеч нарса хис этмайдиган ёғоч бандасими?..

— Ундоқ демадим шекилли...

— Биз бировларнинг фожеасига бефарк қарайдурғон бағри тошлармиз... Сиз...

— Худобанда! Тўхтангиз, дўстим! Шу... сиз ўзингизмисиз? — деди хайратда Мавлонозода. — Ёки шу чиройли қадди-қомат, кўркабой сиймо ботинида ўзга одам жойлашиб олганмидир? Тавба демакка тил қовушмас!..

— Ана шундай чиройли қадди-қомат, кўркабой сиймо ботинида шайтон яшириниб олган бўлса-чи?.. А?..

— Мен сидкидилдан сўзлайдурмен! Кина-кудратни бир четга қўяйлик! — энди Мавлонозода ҳам қизиша бошлади.

— Қўяйлик! Қўяйлик! — деди Худобанда ҳам. Сўнг ўзига-ўзи гапиргандай давом этди. — Бир нарсадан хайратдаменки, ажаб дейсан, неча йиллик дўстлар аллақандай гадони деб жанжаллашиб, пасту баланд саслар ила самони тўлдириб турсак... Бу қандай одам ўзи? Яқинда Чорсу майдонида такрор олдимиздан чиқди. Жаҳлим хуруж қилди, сипоҳларга буюрдимки, дўппосласунлар, токи иккинчи менинг кўзимга кўринмасун! Эл тўплана бошлангач, сипоҳлар уни тинч қўйдилар, ҳа, баланд бўйли йигит унинг тарафини олиб, сипоҳларни қайтарди, Ахий Жаббор дейишди отини. Бошлаб таъзирини еди. Валлоҳ, мулло бўлмабдур, боз кошимдан чиқиб турибдур...

— Сиз... Абомуслим оғани дўппослатдингизми хали?.. — ярим ўкинч-ярим хайрат билан сўради Самарқанд сарбадорлари жамоаси котиби. — Ўзи худо уриб қўйган бир бечорани-я?..

— Ахир, нима қилай, дўстим? — зорланди Худобанда. — Томоғимдан келтирса нима қилай! Ахир, нима қилай?..

Шу ерда гап узилиб колди. Улар Самарқанд хокими ҳовлисига етиб келдилар. Садр Сулаймоннинг ўзи шу кунларда шаҳарда йўк, мамлакат ҳукмдори Амир Хусайн жумла хокиму амиру бекларни курултойга чакирган, анжуман Солисаройда бўлиб ўтмоқда эди, у ҳам ўша ёкка кетганди. Узунқулоқ гапларга қараганда, курултойда Жета хонига қарши уруш жабдуғини тузиш борасида келишиб олинади.

Ичкарида уларни Жаммазабон девонбеги қарши олди. Худобанданинг руҳияти синик эканлигини кўрган девонбеги, бу ёкдаги нохушликлардан, хусусан, Камонгарон қишлоғига борган закотчилардан бирининг ёқалашувда ҳалок бўлганлиги ҳақида сўзлашга журъат этмади.

— Келдиларми, султонзода? — хол сўради Жаммазабон девонбеги. Мавлонозода эътибор қилди: Жаммазабон девонбеги доруға бўлиб тайинланганидан кейин, айниқса, ўзини қўйиб юборди. Энди у бир пайтдаги бозор ичида ўғрини қувган босқоқчилар сардори эмасди, семириб, шишиб кетган, устидаги арғувоний тўн аранг қорнини беркитиб турар, хашам учун боғланган бир неча шохи белбоғ унинг йўғонлигини бўрттириброк кўрсатарди. Ўзи қорамтирдан келган, қуюқ қошлари туташиб кўзини ёпган, салобат учун бўлса керак, бошига хамиша тайласон ташлаб юради. «Бадавийларданмикин?...» хаёлидан ўтказди Мавлонозода.

— Рикқоббошини чорлангиз! Иккита от тайёрласунлар! — буюрди Худобанда, кейин қўшиб қўйди: — Сайрга чиқурмиз...

Садр Сулаймон от жинниси эди. Унинг сайисхонасида бир ярим минг, икки минг от боқилар, ҳар йили баҳор вақтида Кеш яқинидаги доғгоҳда камида минг қулунга тамға босиларди. Отларнинг ҳамма зотидан бор: кулранг, жийрон, қора тўрик, холдор, кўкиш бурул, бўз, қизил, оч малларанг, саман, олча, кашқа дейсизми, ёки ғироту дурот, тўбичок, қуши от, жанг отию олой оти, чўқолли от, казоки от, тангачипор, кўк, чайли, қизил бўз, арғумоқ қорабайир... Худобанда отларнинг номларини эсида сақлаб қолишга уринди, уларга юклатилган вазифалар ҳам турлича эканлигидан хайратда қолди. Чунончи, жанг оти билан чўқолли от, яъни совутлик отда фақат ҳарб майдонига кириладир, дурот, ғирот ва

қорабайирларда пойга ва улоқларда иштирок этиладир, куши отда овга чиқиладир, олой оти тантанали байрамларда миниладир... Худобанданинг «Сайрга чиқурмиз» деб таъкидлаши, отларни шунга мос танлансин, дегани эди.

Жаммазабон девонбеги «хўп» деди-да, Мавлонозода билан совуқкина кўришиб, рикоббошига кўрсатма бергани сайисхонага йўналди. Худобанда гулзор орасидан ўтиб, баланд кўшкнинг чап томонидаги бир ошёнли кунбеткай бинога кириб кетди.

Мавлонозода Худобанданинг изидан қараб қолар экан, хиёбоннинг икки ёнида яшнаб ётган гулзорга кўзи тушди. У беихтиёр гулзор томон юрди. Воҳ-воҳ, гулзор эмас, гуллар макони эди бу! Турфа гуллар бўй чўзиб кўрк талашади! Ана, қизил гул билан оқ гулли настарин бир-бирларига ранг отади, ёнида арғувон, лолаи нўъмон, ана гули Кошғарийнинг қизили, оқи, кўки ва нофармони, қизили Жаҳон биканинг қирмизи юзини эслатади. Сарик ва оқ гули Довудий... Қизил ва оқ чиннигул... Ана буниси шомда очиладиган намозшомгул, униси — гули нозирий. Мана бу — савсан, уни гулсапсар, қўғагул ҳам деб аташади. Ўнг томондаги гуллар ҳам бағоят латиф: гули раъно, ёсмин, гули зебо, якбарг, гултожихўроз, садбарг, гули хинойининг оқио қизили, гули хайрининг қора, қизилу оқи... Муаттар бўй таратувчи қора атиргул эса жуда ажойиб: япроғининг ярми оч қизил, ярми оқ, рангларини худди қалам билан чизиб ажратиб қўйгандек... Басра атиргули шу бўлса керак, Худобанда сўйлаб берганди. Унинг ёнида тугмагул... Жаҳон биканинг кўнгли ўша тугмагулдай тугилиб ётибдимикан? Яна, гули хамишабахор, ошиқи мискиний, печакгул, зулфи хўбон, гули Жаъфарий, гули нофармон, райхон, уни яна нозбўй ҳам дейишади, шуниси толиби илмга кўпроқ хуш ёқади... Барчаси янги келинчаклар каби ўзларини табассумдан аранг тутиб турадилар... Гуллар, табиатнинг эрка чечаклари, йўк-йўк, улар инсон руҳиятининг, кайфиятининг турфа кўринишлари, шамойили, яна ҳам аниқроғи, руҳнинг таърифга сизмас парчалари! Шу вадан ҳам, бири оқ, бири кўк, бири қизил, бири қора, бири сарик, бири зангори... Мавлонозода ҳар бир гулга узоқ-узоқ тикилиб қолар эди.

Шу палла кутилмаганда ичкаридан Абумансур чиқиб келди. Мавлонозода уни кўриб хайрон бўлиб қолди.

— Сабоқда кўринмайдилар, десам, бу ёқда эканларда... Нечук бу хонадонга ташриф буюрдингиз экан... Худобанда хусусида миш-миш гаплар тарқатганингизни шу қулоқларим билан эшитган эдим шекилли... — кинояли деди Мавлонозода.

— Қачон? Нега тухмат қиладурсиз?... — баланд келмоқчи бўлди Абумансур, овози баттар ингичка тортиб.

— Худи шундоқ гапларингиз учун бутун толиби илмлар ичида Калтатой ёқангиздан тутди, бўға бошлади, унинг темир панжасидан сизни факирингиз ажратиб қолди, чамаси... А?..

— Қачон? Қачон? Ким кўрган? — тан олмасди Абумансур.

— Баски, маълум бўлди, икки юзингиз бор экандир, илло, чап юзингиз бир ёққа қарайдир, ўнг юзингиз ўзга ёққа... — Мавлонозоданинг сўзлари Абумансурнинг юракбағрини ўртаб кетмоқда эди, унинг инкордан бошқа чора топа олмаётгани ҳам нимадандир тили қисиклигини кўрсатиб турарди. — Фамозлигингизни сезиб юрурмен... Мени Қавомиддин қози ўз хузурига чорлабдилар... Бу ҳам ўзларининг кўмагидан бўлса керак... Камина ҳам девор бўлмаса, кўчани аниқ кўрадир...

— Тухмат! Тухмат! Бўйнимга қўйиб беринг! — дерди холос Абумансур, аммо Мавлонозодага тик қаролмас, кўзини опқочарди.

Синчков одам ростдан ҳам Абумансурда кейинги пайтларда айрим ўзгаришларни сезиши мумкин эди, у серҳаракат бўлиб қолган, хамиша нима биландир банд, сабоқда ҳам истаса, иштирок этади, истамаса — йўқ... Биров уни тафтиш қилмайди ҳам. Кимдир ул ҳақда мударрис Хожа Лутфуллоҳдан ўтиниб қўйганми...

Бари ўша Мавлонозода хужрадан чиқиб Абумансурнинг гўё «чиникмак» учун лўкиллаб югуриб юганини кўрган кундан бошланди.

Абумансур Мавлонозода хужраси эшигида сарбадорлар жамоаси ҳақида ичкарида бўлиб турган гапларни пинҳона эшитгач, кўнгли негадир ёришиб кетди. Хужрасига қайтди-ю, ўйлай бошлади. Биринчи келган фикр шу бўлдики, бу янгиликни зудлик билан Худобандага билдирмак лозим, токи Самарқанд хоқими Садр Сулай-

мон кулоқларига ҳам етиб борсин. Ахир жамоа ҳақидаги бу гаплар туб моҳияти билан янги ҳокимият тузиш даввосининг айнан ўзи-ку! Шаҳар ҳокимининг илдизига болта урилмоқчи, бу болтани тутганлар сафида ва балки ўша сафнинг бошида Худобанданинг кадрдон дўсти, «тенгқурлари ичида ўн йил олдинга кетган» — хо-хо-хо! — ғайир Мавлонозода туради. Эшитса, Худобанда не дер экан? Икки дўстининг орасига нифоқ тушса ажабмас. Ана шундай нифоқни кўрмак Абумансурнинг орзу-аъмоли. Ахир икки йилдан сўнг мадрасани битириб васиқа олса, бирон-бир юмуш бошини тутмак лозим, бу эса шаҳар ҳокими аралашувисиз юзага чиқмоғи маҳол. Зора унга бирор масжиднинг имомлигини ҳадя этиб юборса! Наддофлар маҳалласидаги масжид ҳам бўлаверарди унга...

Бирдан Абумансурнинг шилпиқ кўзларида ажабтовур ўт кўринди: «Бундоқ олчи гапни Худобандага айтиб ўлтирмоқ на ҳожат? Ахир мақсад не — бу ҳақда аввало Самарқанд ҳокими билмаги зарурми ва ёки ўғли? Бешак-шубҳа, қуйруғи эмас, ўзи билмаги лозим! Бас, шундоқ экан, ўртада воситачи на даркор? Иннайкейин, Худобанда дўстининг айбини яшириши мумкин, эҳтимол, унинг ўзи сарбадорлар жамоасига аъзодир? У ҳолда Худобанданинг мутлоқ аралашмагани маъқул. Баднийат ва гумроҳ Мавлонозоданинг худкомона кирдикорларини ҳокимнинг ўзи билсин, билсину чорасини қилсин!..»

Шу ерда Абумансур эслаб қолди, яқинда мадраса мутавваллиси, унинг пойдеворини қўйган соҳиби, шаҳар ҳокими Садр Сулаймон мадраса битирувчилари билан кўришувга келган ва олдинда ёш муллаваччалар бажармаги лозим бўлган юмушлар, вазифалар хусусида нутқ ирод айлаган эди. «Мадрасани битириб васиқа олгувчи ҳар муллавачча, — деди ўшанда Самарқанд ҳокими, унинг боши худди салла ўраб қўйилган икки кўзли тарвузга ўхшар, ўткир ингичка овози гавдасига ярашмасди. — Яна такрорлаймен, ҳар муллавачча ўзини аҳкоми дин бобида сафарбар этсун, салоҳиятини салтанат сиххати йўлида фидо айласун. Райийатни адолат йўриғига бошласун, ҳокимиятга садоқат туйғуларини ифшо этсун!»

Абумансур ҳокимнинг ана шу сўнгги сўзларини яхши уқиб олди. Кимса билан яқин, ҳамрозу дўст бўлмоқнинг йўли — садоқату ихлос чаманзоридан собит қадам ила

ўтмакдадир. Муллавачча буни яхши билади. Кейинрок хокимга мурожаат қилмакдан воз кечди. Ҳозирча у Садр Сулаймоннинг кўз-қулоғи Жаммазабон девонбегига айтади, гаплашиш ҳам осон кечади.

Абумансур шу мақсадда келиб бор гапни Жаммазабон девонбегига айтиб турган эди.

— Ижозат сўраймен... — ховли ичкарасидан чиқиб келаётган Жаммазабон девонбегига мурожаат қилди Абумансур.

— Яхши бор! Юмушинг тўғрисида албатта сўйлашиб кўюрмен. Йироклашиб кетма...

— Абумансур не юмуш билан келибдир? — сўради Худобанда бир ошёнли бинодан чиқиб келар экан.

— Тирикчилик тавбасига таянтирибди. Чувирчоқ иниларини боқишга қийналаётган эмиш. Бирон юмуш топиб беринг, деб сўрайдир... — Жаммазабон девонбеги ортик сўз демади.

— У ифво бандасидир, бағоят писмиқ... Ундокларнинг изи бўлмаслиги керак бизнинг хонадонда! Шуни эсда тутинг, девонбеги! — таъкидлади Садр Сулаймоннинг меросхўри.

— Маъкул, султонзода! Бошка бу ерга келмайди! — Девонбеги куллуқ қилди, лекин ичида: «Султонзода эмиш-а! Кулбачча десалар мумкин сени!» деб кўйди.

Шу пайт бир рикобдор отларнинг тайёр эканлигини маълум қилди. Дарвоза олдида безатилган қора бахмал жулли дудоғи салки тушган чайли от билан ўксаси норин тўриқ гижинглаб турарди. Худобанда Мавлонозодага: «Танлаб отга минсунлар!» деб илтифот кўргизди. Мавлонозода бўйи ингичкадан келган тўриққа минди, Худобанда чайлининг жиловидан тутди.

* * *

Чорсу майдонидан Кулоллар кўчасига бурилган икки отлик бирин-кетин Конигил ўланзорига қараб юришди. Ҳамма чиройли ясатилган икки отда бораётган шаҳзодалардай хушбичим йигитларга хавас билан қарашар, аммо улар буни сезишмас, бир-бировига билдиришмас ҳам, бир нарса ҳақида, икки дўст орасига нифоқ солишига оз қолган гадо Абомуслим ҳақида ўйлар эдилар.

«Бошга битган бало бўлди-ку бу гадо?» — дерди ичида Худобанда.

«Бу гадовинг бошига мислсиз балолар ёғилди-ку?» — афсусланарди Мавлонозода.

«Доимо рўпарамдан чиқадир... Тушимда ҳам кўрадиган бўлиб қолдим-ку? Қаёққа қочамен?...»

«Бечора ўғил-қиздан мосуво, тентираб Самаркандга келиб қолган. Бу ерда ҳам унга тинчлик йўқ. Мана шўрликни дўппослашибди ҳам... Энди у қаёққа қочадир?...»

«Нима чораси бор экан?...» — азобланарди Худобанда, аммо Мавлонозодага айтмоқчи бўлган гапи бу эмасди.

«Нима чораси бор экан?... — қийналарди Мавлонозода. — Чораси Худобандага Абомуслим тарихини айтиб бермак, унинг беозор одамлигини англатиб, хавотирланган дўстининг кўнглини тинчитмакдир...»

Бир таом пишарчалик вақт ўтар-ўтмас, улар шаҳардан чиқиб олдилар. Конибил ўланзори шаҳарнинг шимол-шарқ тарафида жойлашган бўлиб, уни уч тарафидан Кўҳак адирлари авайлабгина «қучиб» турадилар. Олисдаги адирлар қатлам-қатлам рангларга ажралиб кўринар, бу ердан оқ қум, соғ тупроқ, кизил кесак, сарик тупроқ, гил тупроқ ва кулолчиликда ишлатиладиган бошқа тупроқлар олинарди. Конибил фақат Кулолар маҳалласидагиларнинг саждагоҳи эмас, балки ҳар бир шаҳарликнинг сайр айлаб кетадиган маконига айланган. Ўланзорга қадам қўйган одам чиройли манзарага маҳлиё бўлиб, оламнинг барча ташвишларини унутар, адирдан эсан шабада кўнгилдаги шубҳа-гумонларни, хижилликлар соясини тарқатиб юборишга қодирдай эди. Ҳамиша кўм-кўк майсалар тўшалиб ётадиган Конибилда рўвак, буғдойик, ажрик, савағич каби ўтлар ўсар, адирларда, тоғларда писта, ирғай, зирк учрар, арчазорлар эса катта-катта майдонларни қоплаганди. Зарафшон дарёсини, яна Кўҳак суйи ҳам дейдилар, ўланзордан оқиб ўтиши нур устига аъло нур бўлган, экин олиб келган дарёнинг салқин ҳавоси, ям-яшил майсалар хидига қўшилиб монандсиз бир иқлим пайдо қилганди.

Худобанда чайлининг жиловидан тортди. Бу ердан адирлар аниқ кўзга ташланарди. Кунчиқиш томондан ўланзорга кириб келган дарё бўйида Садр Сулаймоннинг ҳашаматли чорбоғи кўринди, афтидан, икки дўст у ёққа боришмоқчи эмасди. Худобанда отдан тушди, чай-

лини бир супурги ўтга борлади. Мавлонозода ҳам шундай қилди. Улар ажриқзорда чордана курдилар. Вақт пешиндан ўтиб қолган, офтоб ҳам мағриб томон оғган...

— Дўстим, Худобанда! — деди Мавлонозода кунчиқишдаги адирга қарар экан, адирнинг тўрт қулочча жойи кип-қизил кесақдан иборат бўлиб, пешин офтобида худди оловга ўхшаб кўринарди. — Ана бу адирга боқингиз! Мисоли бағрини ўт олиб ёнаётгандай... Вожаб! Аммо ул тош, кесақ, гилдир, ўз дардини айта олмас... Ахир унга забон берилмаган...

— Ростдан оловга менгзайдир! — Худобанда ҳам хайратланиб қаради.

— Биламен, кўнглингизни анови гадо қийнайди... — Мавлонозода дадил мақсадга кўчди. — Мен ҳам аввал сиздек фикрда эдим, аммо киссасини эшитгач... Ўша кеча кўзимдан уйку кетди...

— Уни эслатмангиз, дўстим! — Худобанда инграб юборди. — Тағин бошладингизму? Зўрға ёдимдан чиқиб турибдир. Ажабки, сизга жуда хуш ёкиб қолибдир-да ўшал искирт!

— Хар кўрганымда жунуним кўзийдир, дейсиз... Ахир унинг кимлигини билмак лозим... Шунда нечун сиз билан бизни пойлаб юрганини англайсиз... Йўқ эса, анови адирдек бағрингиз куйиб юраверади...

— Хўш, ким экан ул? — Агар яна рад этса дўстини хафа қилиб кўйишдан чўчиб сўради Худобанда бир жихати, дўсти ҳақ гапни гапирмоқда эди.

— Уни Абомуслим, дейдилар, лекин асл исми бошқа. У гадо эмас, бекзода бўлган, — Мавлонозода жилмайди. — Ахсикент ҳокимининг ўғли...

Ахсикент номини эшитиб, негадир Худобанданинг юраги енгилгина титраб қўйди. Хайрон бўлди, Ахсикентнинг унга алоқаси йўқ-ку! Уни нишопурлик қулжаллобга усрушоналик бир мулла сотиб кетган... Садр Сулаймон сотиб олаётганда, қулжаллоб бундай деганди: «Бу бола Мовароуннахрдан, усрушоналик бир мулла ночорликдан сотиб кетди...» Худобандани бола фахмлаб айтилган бу сўзлар, аксинча, бола хотирида тиник ўрнашиб қолди. Шу-шу, «Усрушона» сўзи жаранглаганда ҳар гал унинг қалбига оғриқ бўлиб ботади, пинҳон ўша муллани сўроқлатиб ҳам кўрди, аммо ҳеч нарса билиб бўлмади. У мулла ким? Отасими? Нега у Усрушонадан

бўла туриб, Нишопурда боласини сотиб кетади?.. Қандок ота экан у? — Худобанда бу саволларга жавоб топа олмасди. — Бу эса Ахсикентдан экан, балки ундан ҳам сўраб олар... Бирон нарса айтиб берса ажабмас...

— Гадонинг исми нима экан?

— Исмими?.. Жалойирбек экан. Ёстиқдошининг оти Сулувбика.

Худобанда таажжуб ичида қолди: «Таниш исм-ку! Жалойирбек, Жалойирбек... Эслаб бўлмаётир... Аммо Сулувбика! Қандай ажойиб исм! Ахир, онаизоримни ҳам шундок аташарди. Афсуски, у кичиклигимдаёқ оламдан кўз юмган...»

— Қаерга борса ўғил-кизини излайдир, — давом этди Мавлонозода. — Йигитларни кўрса ўғлига ўхшатиб юборадир... Сиз билан бизга ҳам ўша маънода қарайдир. Бизларнинг-ку унга алоқамиз йўқ, унинг боласи ҳам эмасмиз. Аммо нотавон кўнгил ўзини шундай овулмакка уринадир...

— Ўғлига ўхшатиб юборадир? — сўради Худобанда. — Ўғли қандок экан?

— Ўғли, айтишича, бағоят ширин эмиш... Ўзидан эшитсангиз!.. Хеч ким ўзидай гапириб беролмайди. Ўғлини Шерўғлон деб атаган экан, қизчасининг оти Ширинбика эмиш...

Астафурилло! Худобандани ҳам болалигида Шерўғлон дейишарди, синглисини ҳам шунга мос исм, балки Ширинбикадир, аташарди, ишқилиб «ш» кетарди. Худобанда кишиларнинг тақдири бир-бирларига ўхшаб кетишини кўп эшитган. Тақдирлар ҳам шунчалар ўхшаш бўладими? Бу не сир-синоат? Аммо, у Ахсикентдан эмасди, Усрушондан... Ахсикентдан бўлиб қолса нима қиларди-я!

— Ростдан ҳам Абомуслимнинг қисмати ғаройиб экан... — Худобанда тан олди. — Хўш, биронта боласини кўрибдирми, изини топибдирми?

— О, дўстим! Бечоранинг куйинганича бор! Халигача бирон боласини топган эмас... Хамма бало шунда-да!

— Нечун? Шунча излаб-а?..

— Йўқ, топмаган.

— Ажаб...

— Чунки болаларини танимайди! Айрилганида, болалари кичик бўлган, бири уч ярим-тўрт яшар, бири бир

ярим-икки яшар. — Мавлонозода хотирлай бошлади. —
Ха... ўғлим, дейди, хозир йигирма иккига кирган, кизим
ўн тўккиз-йигирмада...

Яна Худобанданинг хайратига хайрат кўшилди. Унинг
ўғли йигирма иккига кирган бўлса, Худобанда ҳам бу
йил йигирма икки ёшга тўлди. Икки томчидай бир-бири-
га ўхшаш тақдирлар... Бечора ўғил-кизини ахтариб юриб-
ди, Худобанда бўлса отасию синглисини...

Бирдан чакмоқдай фикр ялт этиб Худобанданинг
миясига урилди! «Борди-ю... Абомуслим, унинг отаси
бўлиб чиқмасин тагин?! Бўлиши мумкин эмас! Мумкин
эмас!..» У худди биров воқиф бўлиб қоладигандай, ши-
тобан бу фикрни калласидан кува бошлади. Зинҳор мум-
кин эмас! Миқтидан келган, бакувват, юзларини соқол-
мўйлов босиб кетган, ўнг чаккасида ёнғоқдек нарса бўртиб
чиққан, қора кулоҳ кийиб, айиқдек лапанглаб юрадиган
бир абтарин, ажойибул махлуқот... Наҳотки Худобанда-
дай гўзал чехра бир йигит шундай гадонинг пушти кама-
ридан бино бўлган бўлса?! Йўқ, йўқ! Фақат тақдирлар
ўхшаш! Ўхшаш!.. Ўхшаш...

Воқеалар тизгини, ўхшашликлар силсиласи — она-
сининг исми Сулувбикалиги, ўзининг Шерўғлонлиги,
синглиси борлиги, фақат унинг Усрушонадан эканлиги-
ни ҳисобга олмаганда, бари-бари Худобандани ўша гадонинг
ўғли дейишга асос берарди. Лекин у салкам йигир-
ма йил Садр Сулаймон хонадонида йўқчилик нималиги-
ни билмай, азият тортмай, доим ҳурмат-иззатда, диққат-
эътиборда, ардоқда «якаю ёлғиз ўғил» бўлиб яшаб кел-
ган, энг муҳими, шундоқ ҳаётга ўрганган йигит эди.
Жаммазабон девонбегидан тортиб шаҳарнинг бутун казо-
казолари — шайхулислон Абулворис Самарқандий, Қа-
вомиддин кози, мударрис Хожа Лутфуллох, имом Қут-
биддин уни танишар, султонзода сифатида икром кўрги-
зар эдилар. Ҳатто мамлакат ҳукмдори Амир Хусайн
билан Темурбек яқинда Самарқандда меҳмон бўлганла-
рида, хушсурат Худобандани кўришиб: «Барақалло, ота
ўғил! Падари бузрукворингга мос бўл! Самарқанддай ша-
харга сен ҳам ҳокимдурсен, зеро, падари бузрукворинг-
нинг танҳо меросхўридурсен!» дедилар. Энди, кандоқ
қилиб, Самарқанднинг бўлажак ҳокими, яккаю ягона
ўғил, юзлари оқ-сарикдан келган, кўзлари қоп-қора, Юсу-

фойин йигит, ана бу таъвияю тараккос, бадрафтор гадо-нинг ўғли бўлади?..

Бугун дўсти Мавлонозодага: «Сизга айтадиган гапла-рим бор», деганида ёлғон гапирмаганди, ростдан ҳам уни кўпдан қийнаб келаётган бир муаммо ҳақида дўсти-га ёрилиб, очиғи, маслаҳат сўрамоқчийди. Гап Худобан-данинг Садр Сулаймонга муносабати хусусида боради. Падари бузруквори доим унга: «Сен ўғлим, кичик бўла-туриб бошинга кўп савдолар тушди, хайриятки, бари яхшиликча тугади, пешонамга битган ёлғизим бўлганинг учун ҳам тангри таоло, оҳимга етиб, сени қайтиб бер-ди!» дейди. Хаммаси рост, Худобанданинг Садр Сулай-моннинг ўғли эканлиги ҳақидаги гапидан бошқа, хамма-си рост. У ҳокимнинг зурёди эмаслигини аниқ билади, ҳокимга фарзанд кўриш насиб этмаган... Энди қайга борса Худобандани ўғлим деб мақтанади, ўзи ичида бу гапнинг ёлғонлигини билади, лекин ташқарида ҳақиқат деб даъ-во қилади ва ўзини ҳам бунга ишонтирмоқчи бўлади. Бу мунофиқлик, сохтагарчилик, ёлғончи дунёнинг ана шу иккиюзламалиги Худобанда дилини куйдиради... Май-ли, у Садр Сулаймонга ўғил бўлмоққа рози, аммо ҳоким ўзимнинг ўғлим эмас, боқиб олганман, десин, ростини айтсин! Ёлғон сафсата, ноўрин даъвонинг нима кераги бор?.. Шундай қилинса, Худобанда ўз отасини бемалол излаб топарди...

Йўқ эса, Худобанда бу хонадонда ўзини худди ўғринча юргандай сезадир, меҳмондай кимтиниб, омонатдай яшаб, яширинча фирром ишлар қилаётгандай бўладир, гўё эрта-индин хамма қилвирликлар очилади-ю, эл аро шарман-даю шармисорликдан бош кўтаролмай қоладир, пасткаш-ликнинг тавқи-лаънати бўйнига иладир...

Худобанда мана шу ўйларини дўсти Мавлонозодага айтиб, кенгаш сўрамакни дилга туккан, оқилона масла-ҳат олиб иш тутмақчийди. Аммо Абомуслим воқеаси унинг фикрини мутлоқ алғов-далғов қилиб юборди, руҳиятида турфа ўзгариш ясади. У энди Садр Сулаймонга бўлган муносабатини наинки Мавлонозодага, балки ҳеч кимга ҳам айтмаслиги керак, уни дилининг туб-тубига ташлаб юборсин, токи зарур бўлганда ўша жойдан олмакка им-кон топилмасин! Устига-устак, отамни топамен, деган хаёлларни хайдаб, Садр Сулаймоннинг ўғли эмасмен

кабилидаги андишаларни хотира чоҳига кўмиб, беш кунлик дунёда хаётнинг мархаматини кўриб, шукроналар ила яшасин!

Аммо, иккинчи томондан, Худобанда истаса ҳам Садр Сулаймонни инсон сифатида хурмат қила олмас эди, зикнаю хасис бу одамнинг турфа қилиқлари, укаларига бўлган муносабати, бефарзандлиги хусусидаги миш-мишлар уни қулоғига ҳам чалинар, рухан азоб берарди. «Шундай одамга ўғил бўлиб юргандан гадо бўлган афзал!» дер эди баъзан ўзига ўзи.

Худобанданинг хаёлга шўнғиб кетганини кўрган Мавлонозода, буни яхшиликка йўйди, хайриятки Абомуслим тақдирини уни бефарқ қолдирмабди, деб қувонди.

— Болаларини танимаса, у холда топиши ҳам мушкул кечадир... — Мавлонозодага тикилди Худобанда. — Энди ул гадо не қилмакчи? Не йўл тутмакчи?

— Топамен, топмагунча қўйманмен, дейдир. Мен ҳам унга кўмак беришга ваъда этдим. Сарбадорлар жамоаси аъзолари барчаси унга ёрдам беришмакчи... Сиз ҳам ёрдамингизни дариф тутмассиз, дўстим...

— Лозим келса... албатта... — Худобанда бош тебратди. — Аммо болаларини танимаса қандай топади? Гап шунда...

— Абомуслим оғанинг топамен, деб умиди катта, — кулди Мавлонозода. — Унинг битта ишончи бор экан. Болаларини таниб оладиган жойи — қизчасининг икки кураги орасида нори бор экан, ўрлининг юрагининг тепароғида... Шундан топамен, дейдир... Бирдан-бир белгиси шу.

Худобанда энди қотиб қолди! У сездирмай ёқасини очди-ю, аста юрагининг тепасига кўз ташлади!.. Ё раббий! Ё раббий! Худобанда юрагининг устида олмадек нори бор эди! Борлигини биларди, яна бир синаб кўрмоқчи бўлди-да...

Шу пайт олис болалиги эсига тушди. Ҳа, ҳа... синг-лиси кичкинайди... икки яшармиди... кўпинча қўйлакисиз юрарди, икки курагининг орасида нори бор эди, ҳа, ҳа... нори...

Мавлонозода кунчиқишдаги адирга қаради, халигина пешин офтобида ловиллаб ёниб турган жой нечундир энди қорайиб кўринарди.

Конирилга кечки шам тушди.

Ўн тўққизинчи боб

ФАЛАКНИНГ ШЕВАСИ

«Юрагим сиқилиб кетмоқда... Бир ёзилиб келамиз», деган ниятда дўстини Конирилга таклиф қилган Худобанданинг бу сафардан, аксинча, юраги баттар увишиб қайтди. Икки дўст шаҳарга киргунча лом-мим дейишмади. Ҳар ким яна ўз хаёллари билан машғул бўлди.

Мавлонозода Хўрдак Бухорий, Ахий Жаббор, Калта-той билан бу оқшом Жаҳон бикани яшириб қўйишган уйга боришлари лозим. Худобанда «гапларим бор» деганди, нечундир оғиз очмади, Мавлонозода вақтдан қизгандию бу ҳақда ўзи сўрамади. Абомуслим ҳақида Худобандага батафсил гапириб, дўстининг кўнглини тинчитганидан бағоят мамнун бўлди.

Улар Чорсу майдонида хайрлашдилар. Худобанда бир оз ўйланиб тургач, чайлининг бошини шартта Хонқали кўчасига бурди. Дили хира бўлган Садр Сулаймоннинг ёлғиз ўғли бу кеча сирли Хонлик оқа хонадониди паричехралар билан айш-ишрат қилиб, Конирил сайрининг хиссасини чиқармакни кўнгилга тугди.

Хонлик оқа хонадониди ишлар ошкор эмас, пинҳона олиб бориларди, ҳар ҳолда, шундай дердилар. Келгувчиларнинг аксарияти мусофирлар, бекзода, амирлар эди. Бобилхона оғалари карвонсаройга бориб, узок муддатта келган мусофирлардан топиб келишарди. Катта пул эвазига уларга бобилхона бекларидан бири сийға қилиб берилар, яъни бир ой, икки ойга, баъзан ярим йил, бир йилга никоҳдан ўтказишар, мусофир юртига қайтмоқчи бўлиб қолса хотинга талоқ хатини тутқазиб кетаверар эди. Улар ховли ичидаги алоҳида уйларда яшардилар. Ундан бошқа махсус бўлмалар ҳам бўлиб, буларга келганлар ҳеч кимга билдирмай яширинча қадам ранжида қилардилар.

Хонадонни ўраган баланд девор, ховлини Арк кўчасининг чап томонидаги хонақоҳдан ажратиб турарди. Ховлидан қаралганда хонақоҳ биноси, унинг ёнидаги юксак мақом мақбара кўзга ташланади. Бу — Самарқанд хокими Садр Сулаймоннинг ўзига тайёрлаб қўйган мақбараси.

Гулдор кўш табақа дарвоза ёнида Худобандани икки бобилхона оғаси қарши олди, бири узангини тутиб отдан тушишга кўмаклашди, иккинчиси отни отхонага етаклади.

Худобанда дарвозадан қадам кўйди-ю, бошқа оламга келиб қолгандай бўлди. Қайдандир бир ажайиб наво келар, сетордан таралаётган самовий куй киши кўнглига бўлажак роҳату фароғатдан хабар бергандек бўлар, ширин туйғулар қошига етакларди. Ховлининг ичкарироғида кунбеткай иморат, ҳароратдан бўлса керак, ўзини баланд ишқом бағрига урибди. Чап томонда мўъжазгина қилиб қурилган кўшкнамо уйлар эътиборни тортади. Олди печакгул билан ўралган бу уйлар паричехраларнинг бўлмаларидир. Улар қилмишларидан уялгандек, юзларини «печакгул» парда билан тўсиб олганга ўхшардилар... Ховли ўртасида ҳам баланд ишқом бор. Ишқомдан берида чиройли кўшк, ундан ҳам ўнг томондаги иморатга, ҳам алоҳида бўлмаларга алоҳида йўлкалар кетган.

Худобандани тўғри кўшкка етакладилар.

— Пойингизга гуллар сочилсин, султонзода! — деди йўрон овозда кимдир. Ўнг томонда йигит билан баравар кўшкка қирган Хонлик оқа эгилиб таъзим қиларкан, давом этди: — Бир табассумингизга диллар мунтазир, химматингизга оҳу кўзлар интиқ, дилкаш мулоқотингизга дилдорлар орзуманд, эй Парис¹ янглиғ ойчехра йигит! Бизнинг кулбаи вайронани обод қилмакка аҳду паймон айлабдилар-да... Хуш кўрдик!

— Шундок... — деди холос йигит, гапни қисқа қил дегандай. — Биров билмасун... Бизни қайси бўлмага юборурсен, эй сохиба?

— Хоҳишингиз... Барча ҳурилиқолар ҳам жон офати истиғнолари билан ҳар қандай пўлат вужудларни симобдай эрита олурлар... — деди Хонлик оқа мовий кўзларини Худобанданинг қоп-қора кўзларига тикиб қошларини чимираб экан. Қошлар чимирилиб ёзилганда ўнг қошига яқинроқ жойдаги қорағат донасидай чиройли холи ўйнаб турарди. Қоп-қора сочларини иккита қилиб зар дўппига чамбарак нусха боғлаб олган, ипкин деган қимматбаҳо қирмизи матодан кўйлак кийган... У кекчил Са-

¹ Парис — Юнон афсоналарида гўзаллик тимсоли бўлган йигит.

марқанд хокимининг бевафолигию бешафқатлигини кечиролмади, аччиққа аччиқ дегандай ўзига яхши қаради, кўрку хуснига оро берди. Дунёда қасослар ичида энг даҳшатлиси аёл оладиган қасосдир, бу йўлдан уни ҳеч нарса, ҳатто ор-номус ҳам қайтара олмайди. У нима ишга қўл урган бўлса, қасосдан келиб чиқди. Хонадонда жазманларни энг аввало ўзи қабул қила бошлади. Бир келган такрор келадиган бўлди. Хонлиқ оқа қарашмаларини аввалдан хуш кўрган Қавомиддин қози тунда барча уйқуда ётганда яширинча ташриф буюрар, ҳар сафар сирлиликда ширинлик бор эканига имон келтириб қайтарди. Бировнинг қўйди-чиқдисини ажрим қилиш, кимнингдир меросини бўлиш, яна кимнингдир даъвосини тафтиш этиш, ўғри-каззобларнинг додини бериш каби ташвишлардан ҳориб-толган қози тунда тўлин ойда Хонлиқ оқанинг оғушига отилар, қошларининг орасидаги қорағатдай чиройли холидан ўпар, неча марта ўпган бўлса шунча шукрона келтирар эди.

Кўнгли ҳамон ёришмаган Худобанда деди:

— Энг ёш, энг одобли, энг гўзал нозанин бўлса...

— Чўтали ҳам «энг» бўладир... — Хонлиқ оқа очикчасига «энг» сўзига урғу берди.

— Э... мени билмайдурмисен ҳали?.. Чўталини ҳам, йўталини ҳам ол, ма! — ҳамён узатди йигит. — Мен роҳат тилайдурмен!.. Уқдингму? Роҳат!..

— Уқдим, султонзода, уқдим! — Хонлиқ оқа динорларни жаранглатиб ҳамённи олди.

У Худобандани эргаштириб, икки ёнида сарв дарахти ўсиб турган уйга бошлаб борди. Аввал ўзи кириб чиқди.

— Мана шу ишқ манзили тонгта қадар сизники. Ичкарида соҳибаси сизга мунтазир... Яқинда бу бўлгани бошқача безаттирдим, фақат шу бўлма шунака... Кўриб роҳат қиласиз... Сиздек барно йигитга муносиб... Сафо айланг, султонзода!

Худобанда ҳамон маъюс эди, бугун Конибилда Мавлонозода билан бўлган суҳбат кўнглининг қаеринидир хижил қилиб турарди.

У эшикка қўл юборди. Эшик очилганда, чиндан учмоҳларда бўладиган бир манзарага кўзи тушди. Ажойиб боғ, ям-яшил дарахтлар, турфа қушлар... Ичкарироқда хурлар учиб юрибди. Худобанда яхшироқ бокса, кўрганлари эшик пардасидаги тасвирлар экан... Пардада хона

ичида ёниб турган икки катта шамнинг шуъласи ўйнардиди. Каттагина даҳлизнинг бурчагида хонтахта турибди, ўнг томонда оқ эшик кўринди. Эшик астагина очилди. Ичкаридан бир канизакнинг майин, ширали, нафис овози эшитилди:

— Қадамингизни дарир тутманг, шер йигит! Буюринг! Хизматингизни адо этай деб бир хокисор гул ўртанадир...

Хонлик оқа канизакка меҳмоннинг султонзода эканлигидан хабар берган, хушёр бўлишни алоҳида тайинлаганди. Худобанда хали кўрмай туриб, овозиданок канизакнинг келишган, хушсурат эканлигини хис қилди. Қанчалар синиқ овоз!.. Йигитнинг вужуди титраб кетди. Беихтиёр оқ эшикдан ичкарига қадам кўйди. Қаршисида, бошига оқ харир рўмол ташлаган ипак кийим кийган бир қамарсиймо ерга боққанча таъзим қилиб турарди!

— Хуш келдингиз! Буюрсинлар!..

Йигит мисоли келин хонасига киргандай бўлди, ўнгда тахмонда кўрпалар, деворда дорпечлар. Девор ёнидаги хонтахта атрофига бахмал тўшаклар солинган, парқув болишлар қўйилган. Хонтахтада турфа ноз-неъматлар, таомлар, титрама кабоб, тухум сомса, яхна жигар, мевалар бор эди, шарбат, мусаллас ҳам кўринарди. Бир четда хурмачада набиз — хурмодан қилинган нимтатир сариқ рангли май турар, у қувватижон саналарди.

Емакхонанинг тўрт бурчагида нақшинкор мис шамдонда шамлар ёниб турибди. Чап қўлдаги эшикдан ётоқхонага кирилади. Ётоқхонада биронта ҳам дарча йўқ, олпоқ деворларига ғалати бетавфик суратлар чизилган. «Лаззат ун-нисо» ва ўшанга ўхшаш китоблардан эркагу аёл зотининг турли ҳолатлари тасвир этилган... Мана, чап томондаги суратда шинам боғ кўринади, майсалар устида йигит билан қиз, либосларини четга ирғитишиб, яланғочу урён висолдан маст эдилар. Суратларнинг барчасида ҳам эркагу аёллар онадан қандай туғилса шундоқ тасвирланганди. Яна нарироқдаги суратда эса йигит қизни оғушига олганча шавқиеблигидан қўли дилдорнинг бўйнида-ю, оғзи қулоғида эди. Яна бирида йигит қизни кўтариб етти қават кўрпага урганди, устларига кўрпа тортишни ёддан чиқариб завқ-шавққа берилганди... Суратлар тобора беҳаёлашиб борар, киши қарашга ҳам

уяладиган жойлар учрарди. Хонлик оқанинг «Бўлмани бошқача безаттирдим, кўриб роҳат қиласиз», дегани шу бўлса керак. Лекин ҳаммасидан ҳам, хонанинг ўртасида солинган устига оппоқ рўйжо ташланган тўққиз қават кўрпали ўрин чиройли эди... Бу хонани ҳам тўртта шам ёритиб турарди.

Ётоқхона ҳам Худобанданинг хижил кўнглини ёза олмади. Хонтахтага кўзи тушиб очиққанини сезди, ўлтираркан:

— Хурмачадаги мусалласдан куй! — деб буюрди. Шу пайтгача қўл қовуштириб турган канизак хиноли нозик қўллари билан чиний косалардан бирини олаётган эди, Худобанда уқтирди:

— Ўзингга ҳам ол!

— Ичмак каминаи ожизага нораводир... — канизак иккиланди. Унинг одоби Худобандага ёқди.

Хонлик оқа бобилхона канизакларининг ўзини тутиши, одобига катта эътибор берарди. Ўн йиллар давомида Қўстантияда орифу обид турк оиласида олган тарбияси бу ерда қўл келиб қолди. Бобилхонада янги чўриларни муомала доирасига киритиш учун у икки ой, баъзан уч ойлаб сабоқ берарди. Иш аввало қизларни қўлга киритишдан бошланарди. Хонлик оқа ёллаган махсус кишилар қўшни мамлакатларда изғиб юришар, чўрилар сотиб олишар, чиройлиси бўлса пинҳон ўғирлаб кетишдан ҳам тойишмасди. Канизакларни Хонқали кўчасидаги сирли ховлида, ер остидаги саройда сақлардилар. Хонлик оқанинг икки ғунчачиси, ўзи бир бўлишиб уларни «тўғри йўлга солиш» билан шуғулланишарди.

— Қани, рўмолингни ол-чи! — деди Худобанда ва кутмай ўзи канизакнинг ёнига келди-да, оқ ҳарир рўмолни бошидан олди. Қошида гилам дўппи кийган, қошлари ингичка терилган, кўзлари коп-қора, тийрак, ўн тўққиз ёшлардаги ўрта бўй ожиза турарди. Чаккасидаги гажаги чаёнининг думидай қайрилиб кетган, бамисли «чаён думи» жамолининг оловидан жизғанаги чиққанди. Оқ-сарикдан келган чиройли юзи, пардозданми ёки шамнинг нуриданми қирмизи кўринди. Орқаси билан битта майда ўрилган сочлари мушқу уфорда ювилганидан иксун қабо узра сезилар-сезилмас товланарди. Худобанда канизакнинг кўзларида мунг, қайғу кўрди, усиз ҳам ғаш кўнгли баттар сиқилди.

— Тўхта... Сен менинг ташрифимдан хурсанд эмас-мусен?

Канизак сал бошини кўтарди:

— Нечун? Нечун ундок дейсиз? — инграгандай деди канизак. — Шундай қилмакка менинг не ҳақким бор экан?..

— Ундок бўлса ўтир! Майдан қуй! Билиб турибман, сен ҳам менингдек недандир андухлисен... Бас! Озрок ором олайлик, мири кам дунёни эздан чиқарайлик. — Худобанда канизакни эмас, ўзини ўзи юпатгандай деди. — Ожизалар ҳам май ичсин, аммо оз-оз... Оз-ози уларга муносибдир.

Канизакнинг хайрати ошди. Умрида биринчи марта ундан одам катори хол-ахвол сўрашмоқда. Келганига бир йилдан ошган бўлса бу хонадонга, кирган одам ундан, умуман, ҳеч нарса сўраган эмас, ишини бажариб кетаверган, мана бу тўшак ўтириш учун яратилган бир буюм бўлса, унга шундок буюмдек қарашган...

Канизак майи набиздан косаларга қуйди, бирини ўрнидан туриб таъзим билан Худобандага узатди. Бирини ўзи олиб юпқа лабларига теккизди.

— Исми зотинг недир? — сўради Худобанда косани симириб.

Хушрўй йигитнинг саволи канизакни яна ажаблантирди. Унга қиз исмининг нима қизиғи бор? Наҳотки, бобилхонага келган киши соҳибанинг исми, кайфиятини сўраш билан вақтини ўтказса?

— Исмида не маъно?.. Айтишни ман этадилар... — Жавоб берди қиз.

— Наҳотки, кишининг исмини билмак мумкин эрмас?

Йигитнинг нимадандир ғашлигини сезган қиз аввало ўша ғашликни ёзиши кераклигини тушунди.

— Исми Жоннигор. Ҳеч кимга айтмаслигингизни ўтинадурмен...

Улар таому мевалардан тановул қилдилар. Худобандани тағин хаёллар чулғади: «Ғадо Абомуслим... ўғли, қизи... уларнинг не айби борки, бунчалар азобларга қолишди? Азобга қолишдими, бас, демак айби-гуноҳи бор. Бор! Хўш... Худобанда-чи? У нима айб иш қилибди? Нега энди у ота-онасидан мосуво, синглисидан айру тушиб, бировнинг сохта ўғли бўлиб эл кўзида мактана-

дир? Фирром ўйин эмасми бу? Буни биладиганлар бор-ку? Хеч ким билмаса ҳам ўзи билади-ку?.. Худо билади-ку!.. Худони олдида нима дейди?..»

— Жоннигор! — деди Худобанда, хаёлларини нари қувишга тиришиб. У ўрнидан турди-да, канизак ёнига ўтиб, кучоқлади, етаклаб ётоқхонага олиб кирди. Жоннигор султонзоодадай хушрўй йигит билан анжуман қураётганидан мамнун эди, у сочларини турмаклашга турди, бадани кизиб, юзларининг ловуллаётганини сизди. Майдан сархуш йигит канизакнинг либосларини бир-бир еча бошлади. Девордаги суратлар шамнинг лип-лип шуъласида худди жон киргандай, кимирлашаётгандай туюлди. Аввал иксун қабонинг кўкракдаги савоқларини бўшатди, кейин этаккача ечиб тушди-да, қабони оҳиста қиз эгнидан олиб ташлади. Жоннигор битта оқ ҳарир кўйлақда қолди, гул жиякли лозими ҳам оқ ҳарир матодан, шу ҳолатда қиз жаннатдан чиққан хурга ўхшарди, унинг оппоқ бағбақаси, бўйнидаги сеҳрли маржонида йирик Яман ақиқи чўғдай ёнарди.

Канизакнинг кизиб турган буғдойранг, оқ бадани, қадди-камоли, кимизак олмалардек қўш сийнаси ҳарир кўйлақ тагидан аниқ кўриниб турар, Худобанданинг иштиёғини оширар, кўнглидаги хижилликни ҳам унута ёзганди. Аммо, шу пайт қутилмаган бир ходиса рўй берди! Худобанда қизнинг кўйлагини ҳам ечди... Канизак йигитнинг бўйнига осилди. Йигит кўтариб кўрпачага урмакчи бўлди. Жоннигор:

— Ҳозир... маржону исирғаларимни олиб қўяйин, ҳалал берадир... — дея ўгирилиб тақинчоқларини еча бошлади.

Бирдан Худобанданинг кўзи қизнинг икки кураги орасидаги норига тушди! У кўзларини ишқалай-ишқалай яқин бориб тикилди... Чиндан ҳам канизакнинг икки кураги орасида нори бор эди! Нори... О, фалакнинг шеvasи!

Худобанданинг бадани музлаб кетди! Тездан ўз кўкрагига қаради: ўзининг нори билан канизакнинг нори бирига ўхшарди! Баданларининг ранги ҳам ўхшаш, чеҳраларда ҳам ўхшашлик бор... Наҳотки!.. Наҳотки, шу канизак... синглиси бўлса?! Йигит ногаҳонда бало-қазодай ёпирилиб келган бир фикрдан даҳшатга тушди! У... синглиси билан айш-ишрат қурмакчи эдимиз? О, нопок

банда! Бир расволигинг етмай, иккинчи расволикнинг тавқи лаънати истаб қолдингму?.. Балки, синглиси эмасдир, одамларнинг тақдири ўхшаб кетади-ку, шундайлардан биридир? Яна кўнгли увишди... Бу кун қандок кун ўзи?..

Хеч нарсадан беҳабар Жоннигор ҳамон ўгирилган қўйи такинчокларини ечар, маржонини олиб бўлган, навбат исирғаларга келганди.

— Жоннигор! — ҳолсиз деди, кутилмаган воқеадан бир лаҳзадаёқ эсини йўқотган йигит.

— Ҳозир... ҳозир... — деди бечора канизак, йигит тоқатсизланипти, деб ўйлаб. — Исирға бўлмай ўл! Ёмон боғланган экан, олиб бўлмаётир... Айтдим, қаттиқ боғламанглар деб... Ҳозир...

— Жоннигор! — деди яна Худобанда ўша машъум нордан кўз узмай. — Либосларингни кий... Емакхонада озроқ ўлтирайлик. Гаплашайлик... Тонг узок...

Йигит шундай деди-да, шитоб кийина бошлади. Жоннигорнинг яна таажжуби ортди. У ўзгача «гап»ни кутган, бас бойлашишга шайланган, ўзини руҳан фароватли онларга чоғлаганди. У ҳозир севган куйига хиром этмокни мўлжаллаган, аммо мусиқачининг созини созлаётиб битта торини узиб юборганидан ўйнолмай ноумид қолган раққоса холига гушди, ноилож хонтахта ёнига чўкди.

— Чоғирдан қўй! Лим-лим қил!

Канизак чоғир тўла косани йигитга узатди. Худобанда бир сипқаришда косани қуритди. Жоннигор мевадан тутди. Йигит бир пишқириб олди-да, канизакка деди:

— Қани! Менга бошингдан ўтганларни сўзла!

— Нимани сўзлаймен?.. — сўради бечора канизак ҳеч нарса тушунмай.

— Нимани? Қандок қилиб бу бижғиган маконга келиб қолганингни сўзла! Кимсен? Қаердансен! Отанг ким? Онанг ким?..

Канизак қотиб қолди. Ўтмишга қайтиш, бошдан кечирган хор-зорликларни тағин эслаш, хотирлаш... Йўк, йўк, уларни эслашга хоҳиш қанию куч қани! Барини Жоннигор кўмиб юборган, ҳа, кўмиб юборган қалбининг туб-тубига! Лекин, бу ғалати йигит, султонзода нега ундан ўтмишини сўрайди? Таажжуб! Нечун унга шўрлик қизнинг кимлиги, қаерданлиги, ота-онаси керак бўлиб

колди? Аччиқ аламу мусибатларга йўғрилиб кетган жафодийда умрнинг кимга қизиғи бор экан?..

Жоннигор нима бўлаётганини тушунмас, тушунишга уринса-да, ақли етмасди. У намланиб фавқулодда чиройли бўлиб кетган қоп-қора тийрак кўзларини жавдиратиб, Худобандага тикди.

— Сўзла! Сўзлаганда ҳам яширмай сўзла! — буюрди катъий қовоқлари тушиб кетган Худобанда...

Канизакнинг бошқа чораси қолмади. Ниҳоят, у хикоясини бошлади.

* * *

Мен Зоминда ўсиб катта бўлдим. Қудукбоши дейшарди маҳалламизни... Лекин бошидан гапирсам, аслида биз Ахсикент томондан эдик. Элас-элас эслайман, отам хўппасемиз, катта одам, қиморбозлик қиларди. Бир неча хотини бўлиб, бизга ўхшаган болалари кўп эди. Мен ачам ва акам билан отамнинг катта ҳовлисида бурчақдаги битта кулбада истиқомат қилардик. Мен югуриб бориб отамга эркалана бошлардим. Бошқа болалари қизганиб, мени итариб йиқитишиб юборишар, мен йиғлаб ачамга келардим. Ачам бошимни силаб: «Қўй, йиғлама! Улар ўзининг болалари-да!» дерди. «Мен-чи?» десам, у бошини эгиб шивирларди: «Кейин ҳаммасини билиб оласан.» Акамнинг кўкрагида жуда чиройли нори бор эди. Ачам акамники билан менинг икки курагим орасидаги ўхшаш норларни бир-бирига солиштириб кўришни ёқтирарди. Акам жуда шўх, ўйинқароқ экан, яхши эсимда қолмаган. Кичкина эдим-да. Кейин-ку, барини билиб олдим, лекин ўшанда... Ўшанда уч-уч ярим яшар вақтим.

Бир куни катта ҳовлимизда қий-чув бўлиб кетди. Хамма болалар, оналаримизнинг дод-фарёдига қўшилишиб чувиллардик. «Тагин шўримиз қуриди!» дерди ачам. Ачам Марғинов бегининг қизи эканлар, отлари Сулувбика. Отамнинг отлари жуда қийин, эсимга тушиб қолар. У Ахсикент ҳокимининг ўғли бўлиб, чиройли, келишган одам экан, ачам кўп гапирарди. У киши бошини олиб чиқиб кетипти. Биз Гардкамшоҳ қиморбознинг уйида унинг чўрилари, қуллари қаторида турар эканмиз. Энди бўлса Гардкамшоҳнинг омади келмай, бутун уйи, ҳовлихонадони, хотинларию чўрилари, бари-барини марғиновлик бир қиморбозга бой бериб қўйибди.

Марғионлик киморбоз бизларни — кўч-кўронли ўттиз чоғли одамни ўзи билан бирга олиб Марғионга жўнади. Йўлда Кумарик деган қишлоқда тунадик. Кечаси тўс-тўполон бўлди, қаёқдандир қароқчилар қишлоқни босишибди. Қиморбоз шерикларини олиб қароқчилар билан жангга киришиб кетди. Осмонда юлдуз ҳам йўқ, қоронғида фақат «ух!», «ох!» деган овозлар, қиличу шамширларнинг жаранглаган садоси эшитилар, бошқа ҳеч нарсани кўриб бўлмасди. Қиморбознинг одамлари енгилла бошлади шекилли, бир-бирига «Қочиб қолиш керак!», «Қочиш керак!» дейишарди. Шу орада киморбознинг ўзи қилич тегиб ўлди. Ҳамма жон сақлаб тумтарақай қочишга турди. Қароқчилар қоронғида хотину чўрию болалардан қўлга кирганини қўйиб юборишмасди. Ачам акам билан мени қўлларимиздан маҳкам ушлаб олганди. Аммо зимистон пардаси кўз олдимизни тўсиб, бу нота ниш жойда қайга қочишимизни билмасдик. Атрофни қий-чув, шовқин-сурон тутганди. Таваккал бир томонга юра бошладик. Бирдан ачам «ох!» деб ерга йиқилди. Қароқчилардан бирининг отган найзаси ачамларга тегиб, нобуд қилганди. Биз бўлса: «Ача! Ача! Туринг!» деб йиғлаймиз. Ачамиз турмайди... Бир қароқчи югуриб келиб акам билан иккимизни олиб кетмоқчи бўлди. Қараса, кимдир бизнинг қўлларимиздан тутиб турибди, ҳеч қўйиб юбормайди. Қоронғида: «Худо ўзинг сақла!» — деди қароқчи кўкрагига туфлаб. Ачам қўлларимиздан маҳкам ушлаганларича ўлиб қолган эканлар, қароқчи ажратиб олгунча кўп уринди, биз қий-чув қилардик. Шу пайт бошқа бир қароқчи келиб бизларни талашиб қолди. Келишиша олмай иш ёқалашишга бораётганда, бири: «Бўпти, сен биттасини ол, мен биттасини!» деди-да, қоронғида қараб ўтирмай, акамни шеригига бериб юборди. Албатта, мен буларнинг ҳаммасини кейин бирма-бир эслаб хотирамда тиклаганман. Шундай қилиб... Қоронғу кечда ҳам ачамдан айрилдим, ҳам акамдан...

Йўлга тушдик... Бир жойга келганимизда тонг отди. Мени олиб қочган қароқчи Мирзахалфа деган зоминлик одам: «Э, ўғилини бериб юборибман-да!» деди афсусланиб. «Ачам қани? Акам қани?» деб яна йиғи бошладим. «Аканг ўша ёқда, йиғлама! Шу ёққа кетяпмиз! Ачанг бўлса... ачангнинг жойи жаннатдан бўлсин...» деди ҳалиги одам. Атрофимга қарасам, яна етти-саккиз ёшли иккита

бола иккита эшакда келишар, эшакларга қоплар ҳам ортилганди. Мени Мирзахалфанинг ўзи отига миндириб олганди.

Икки кечаю икки кундуз йўл юрдик, нақ тупканинг тагига етдик шекилли. Зомин деган жойга етиб келибмиз. Мирзахалфанинг уйи Зоминнинг бошланишидаёқ экан. Ховли эшигидан киришимиз билан, мендан сал каттароқ икки қизча югуриб чиқишди. Қарокчи дарров уларни бағрига олиб: «Қизим! Қизим!» деб эркалади. Ҳалиги икки бола ҳам эшакларидан тушиб қараб туришарди, мен хали от устида эдим. Шу пайт айвонли чалдивор уйдан юм-юмалоқ семиз, пакана бир хотин чиқиб келди. Худойи таоло уни кулгиликка шундай қилиб яратганми... У аввал ҳалиги болаларга, кейин менга қаради:

— Оббо-ов! Тағин нонхўрақлар топиб кепсиз-да! Шу етмай турувди! Ўтган сафар Жиззахдан ҳам иккитасини опковдийиз... Қашқарга бораётган карвонга бир нарса қилиб сотиб қутулувдим. Энди, яна...

Мирзахалфа хотинининг гапини бўлди:

— Хой, вайсашга тушмай аввал сўра, булар ким? Манов болалар Тошматбийники, мен олиб келдим холос. Бизга манов қизча... — у шундай деди-ю, мени отдан туширди. — Қизларинг билан ўйнаб юради. Қара, ширинлигини!

Мирзахалфа дегани қизик табиатли, меҳрибон, юмшоккўнгил одам эди. Асли пахсакаш Мирзахалфа, тенгқурлари: «Юр, қароқчилик қилиб келамиз, йигит кишига кирк ҳунар ҳам оз!» деса, улфатчилик-да, деб, ўзи истамаса ҳам кўшилиб кетавераркан. Бўлмаса бошқалар унинг устидан кулишар, сафдан чиқаришиб қўйишар экан-да! Мирзахалфа ўзи қароқчиликни ёқтирмас, маломатлардан қочибгина қароқчиларга аралашар экан. Лекин хотини норози бўлавериб, ўша Кумарик сафаридан кейин, эрини қароқчиликка юбортирмади, Мирзахалфа пахсакашлигини қилиб юраверди. У икки қизи билан мени лой тепишга кўп олиб борарди.

Ўн беш-ўн олтига кириб қолдим. Мирзахалфа пахсакаш мени яхши кўрарди, даставвал жанжалкаш, уришқоқ кўринган хотини ҳам, аслида яхши аёл бўлиб, унинг бутун инжиқлиги, хархашалари турмушнинг оғирлигидан, эрининг лакмалигига куйиб кетганидан экан. Икки опамви турмушга беришди, мени ҳам «эга»сига топши-

ришни ўйлашарди. Пахсакашнинг хотини менинг тўлишиб бораётган чехрамга қараб: «Яшшамагур! Ҳазир бўл, биров опқочиб кетмасин!» дерди. Бировнинг кўзи тушмасин, деб сочларимни ҳам кўпинча ўрмай, юзларимга билинар-билинемас ўчоқдаги қора қуядан суртиб кўярди.

Бир кун Хўжанд ҳокими амир Боязид жалойир Самарқанд сафарига бораётиб, Зоминни талотўп қилди. Ҳа, ҳа, эсладим: отамнинг оти Жалойирбек эди. Ота-оналарини чирқиратиб ёш-ёш йигитлар, қизларни, мол-қўйларни йиғиб Самарқандга ҳайдадилар. Зоминда биронта ҳам бўй етган йигит-қиз қолмади. Уларнинг ичида мен ҳам бор эдим. Янги ота-онамдан ҳам айрилдим. Мирзахалфа пахсакаш билан хотини дод-вой қилишганча қолишаверди.

Жета хони Туғлуқ Темурхоннинг мамлакатга бостириб келаётганини билиб, Хўжанд ҳокими Амир Боязид жалойир унинг кўнглини олиш мақсадида, жуда кўп бойлик, тиллои аҳмар, қул ва чўриларни пешкаш сифатида олиб истиқболга ошиқди...

Кейинги воқеаларни аниқ айтиб беролмайман. Бизлар элликка яқин қизлар, қуллар, кўп буюмлар қаторида Туғлуқ Темурхонга пешкаш қилиндик. Сўнг у қизларнинг ўнтасини кўп совғот билан Самарқанд ҳокими Шохмалик қавчинга юборди, яна ўнтаси Кеш амири Темурбекка ҳадя этилди. Мен эса Туғлуқ Темурхон Мовароуннахрни олишда шавкат кўргизган Юсуфхўжа деган лашкарбошисига қилинган тансуқотлар ичида эдим. У лашкарбошида чўрилар кўп экан, бизларни кимгадир оширибди, ҳатто сотибди дедилар, ундан кейин яна кимгадир тухфа бўлди... Садр Сулаймон хонадонига бир ҳафта тургач... айланиб Хонлик оқа хонадонига келиб қолдим. Аммо хали-хануз бу жойга қандок келиб қолдим, аниқ билмайман...

Отам Жалойирбек ўликми, тирикми номаълум, ачам кўз олдимизда нобуд бўлди. Акамни Қумарикда қоронғу кечада айрилганимизча бошқа кўрмадим. Кейин Мирзахалфа пахсакашдан акам ҳақида кўп сўрадим, уни олган одам ким, акам қаерда, билиб беринг, дедим. «Бўпти, биламан, у қароқчи Усрушонадан», деди. Бир куни янги гап топиб келди. Ўшанда мен ўн ёшларда эдим. Усрушоналик қароқчи акамни ҳажга кетаётган бир муллага сотиб юборибди...

— Бас! — деб юборди Худобанда шу ерга келганда. Жоннигор кўрқиб кетди. — Бас!! Бас кил! Бунча одамга азоб берасен? Тегирмон тошининг орасига тушган дондек эзасен? Бу дунёда нима гуноҳим борки, тақдир мени бундоқ балоларга гирифтор қиладур?.. Нима гуноҳим бор?!

Жоннигорнинг хикояси давомида лом-мим демай, фақат гоҳ-гоҳда инграб, тоза шаробдан хўплаб ўлтирган Худобанда бирдан қўлидаги косани ерга урди! Хитойи коса чилпарчин бўлиб кетди. У энди дунёга сизмай қолди! Абомуслимнинг ўзининг отаси эканлигини исботловчи рад қилиб бўлмайдиган далилларга қарамай, тан олгиси келмаган Худобанда, Жоннигорнинг мунгли қиссасини эшитгач, қопқонга тушган бўридай тўлғана бошлади. Ёлғиз отасининг ташвишини чекиб тургани етмай, энди синглизисиз гафосига гувоҳ бўлиб турибди. Ха! Синглизиси! У Жоннигорнинг синглизиси эканлигига энди шубҳа қилмасди. Канизак хикоя қилиб бераётганда, йигит эшитар экан, онадан қайта тузилган бир ҳолатга келди. Ахсикент, Кумарик фожиаси, ўша коронғу тунда ачаси Сулувбиканинг ҳалок бўлиши, синглизисининг бир томонга, унинг бошқа томонга кетиши, усрушоналик мулланинг ҳажга бораётиб, уни Нишопурда бир қулжаллобга сотиб юборгани — ҳамма-ҳаммаси Жоннигор айтиб бергандай, ҳақиқат... Отаси, ачаси, ўзи ва синглизисининг исмлари ҳам айни ўзи... Энг дахшатлиси — Худобанданинг кўкрагидаги нори, Жоннигорнинг икки кураги орасидаги нори!..

Лекин ҳаммасидан ҳам Жоннигорнинг Садр Сулаймон хонадонида бир ҳафта «бўлиши» Худобандани адои тамом қилди. Демак... демак, Самарқанд ҳокими ўзининг нопок чангалини шўрлик Жоннигорга ҳам урган экан-да? Худобанданинг падари бузруквори! Самарқанд ҳокими! Энди бунга чидаб бўлмасди. Хайхот!..

Не қилмоқ керак? Бошини деворга урсинми? Кўчага чиқиб дод солсинми? Шундоқ аҳволга солиб қўйдинг, деб Хонлиқ оқанинг ёқасидан олсинми? Осмонга учиб кетсинми, ё ерга кириб ғойиб бўлсинми? Эвоҳ, ўзи билмаган ҳолда отасини дўппослатибди, энди бир кориндан талашиб тушган синглизиси билан айш-ишрат қурмакчи, «сиқилган юраги»ни ёзмакчи экан, бундай шаккоклик,

инсон шаънига мос келмайдиган иснод доғини у қандай кўтарадир?.. Кўтармакка юрак қайда-ю, енгмакка билак қайда?..

— Маъзур тутингиз... Мен нима қилдим?.. — зорланди Жоннигор хафа қилиб қўйдим, деган хаёлда Худобанданинг этагини ўпар экан. — Мен айтмакчи эмас эрдим... Ўзингиз қўймадингиз... Маънисиз қиссам сизни изтиробга чулғади, на чора, бори шу...

— Бас! — қичқирди яна Худобанда яктагини канизакдан тортар экан... — Нега лаб урасен? Ким тилади?..

Оқшом давомида Худобанданинг ғалати қилиқларига, тутамларига ҳайрон бўлиб, сабр косаси тўлиб турган Жоннигор шу ерга келганда чидолмади:

— Англамак мушкул... Не қилмакчисиз ўзи? Айтганингизни бажо келтирсам, яна не керак?... Кимсен, қаердансен, отанг ким, онанг ким, дедингиз... Мен шўрлик асло оғзимга олмаймен, хотирламаймен, ҳеч кимга айтмаймен, деган кечмишимнинг қоронғу кечаларини кўршапалакдек титкилаб чиқдим... Энди, бас, дейсиз... — Жоннигор ўрнидан туриб холсиз деворга суяниб қолди. — Ғалати экансиз... Кишини шунақа ҳам хўрлайсизми ахир? Шунча хўрлаганим етмагандай... Пешонам курсин! Мен ўзи не учун дунёга келдим? Бировларнинг хўрлаб, оёқ учида кўрсатишлари учунми? Хор-зор этишлари учунми? Кўнгил хирманимни совурдилар, орзу чаманимни пайхон этдилар, ғуруримни қора ерга тенг қилдилар... Мен ҳам одам боласи эдим-ку? Э, худо! Жонимни ол! Тўйиб кетдим! Тўйиб кетдим!.. Бир лаҳза бу дунёсида тургим йўк, тургим йўк! Тургим йў-ў-ў-ўк!..

Жоннигор кўзларига тўлиб келган ёшни тўхтата олмай қолди. Ичидан отилиб чиққан йиғи ўкраб садо бўлиб хонани тўлдирди. У бир нафасга қаердалигини унутди. Тезда хушини ўнглаб овозини пасайтириб, инграб йиғлашга ўтди. Бобилхона канизаги йиғи-сийининг бефойдалигини биларди, аммо тийишнинг иложини тополмасди. Мунглуғ юзларини ёстикқа босганча ўксиб-ўксиб йиғлар, гўё ўн тўққиз ёшга кирган бўлса, шу пайтгача тортган азобу уқубатлар, тақдирнинг адолатсизлиги, дунёнинг бевафолиги, жудоликлар, мусибатлар — барча-барчасининг хиссасини бирваракайига шу аччиқ йиғидан олмоқчидай эди.

— Ширинбика!!!

Жоннигор ўз қулоқларига ишонмади. «Ширинбика!» деган сўзни эшитдимми ёки эшитгандай бўлдимми? Йигит айтди шекилли? У ёстиқдан бошини кўтариб, таажжубда ёш тўла кўзларини йигитга тикди. Худобанда эса қиз томон келар экан, юпка лаблари пир-пир қилар, йиғла-воришига бир баҳя қолган — шамнинг ёруғида бари аниқ кўринарди.

— Ширинбика!

Канизакнинг хайратига чек йўқ эди. Ўрнидан тураркан, йигитга қарата:

— Мени... чақиряпсизми? — сўради тўлғаниб. — Кимсиз?... Мени қайдан биласиз? Шу пайтгача ҳеч ким отимни айтиб чақирмаган...

Худобанда ҳеч нарса демади, бир нарса демакка рости қурби ҳам келмасди. У қизнинг қўлини олди, қара, дегандай ишора қилди-да, аста кўкрагини очди... Ҳамон ниманидир гапирмоқчи бўлгандай лаблари пириллар, кўзларида лим-лим ёш тўкиламан, деб турарди.

Жоннигор Худобанданинг кўкрагига тикилди, тикилди-ю, даҳшат ичида ортига тисарилди!

— Сиз... Сиз... Акам?!. Акажон!!!

Тақдир шамолида умрлари хазон бўлишга келган жафодийда ака-сингил бир-бирининг қучоғига отилдилар! Иккаласи ҳам юм-юм йиғлар, аммо уларни юпатадиган киши йўқ эди... Ҳақиқат юзини сидириб ташлади.

Аммо даҳшатли ҳақиқат хали олдинда эди.

Худобанда бирдан Жоннигорни қучоғидан чиқарди ва дағаллик билан нарига итариб юборди:

— Йўқол!

— Акажон!... Ака... — деди кўзлари мўлтираб қўрқиб кетган бечора Жоннигор.

— Йўқол!

— Нега ундай дейсиз? Мен шўрлик нима қилай? Энди топдим деганда... — қиз у ёғини гапира олмади.

— Мен аканг эмасмен! Етти ёт бегонамен! Билдингму? — титраб гапирди Худобанда. — Йўқол, деяпмен! Яқин келма, деяпмен!!!

Жоннигор буйруққа бўйсуниб бурчакка бориб қисинибгина ўтирди.

Худобанданинг хаёли алғов-далғов бўлиб кетди. Отаси Абомуслимни дўппослатганининг ўзи йигит бўйнига осилган тавки лаънат тоши эди, Конирилда уч берган бу ҳақиқат унинг инсонлик гурурини поймол қилди, фикру ўйини, бутун ҳаётини издан чиқариб юборди. У қаттиқ алам чекиб, койиниб, май ичиб, тизгинини йўқотар даражада маст бўлган одамга ўхшарди. Мана энди яна бир дахшат юз берди: у синглиси билан учрашди! Бир кеча-кундузда ҳам отасини топди, ҳам синглисини! Ё парвардигор!

Синглиси, топталган гулдек хор бўлган, кимларнинг овушига кирмаган, танини — вужудини сотган, инсонлик қиёфасидан мосуво синглиси!.. Бахти қаро Ширинбика, Шерўғлоннинг синглиси!.. Ҳайхот! Бу қандай дунё ўзи? Ҳамма нарсага қабоҳат, разиллик чангал солган, оламжаҳонни нопоклик пардасига чулғаган... Туйғуларни, орзуларни, одамийлигу кадр-кимматини поймол этган, тупроққа қорган... Барчасини нима поклаш мумкин? Барчасини — фақат ўлим поклаши мумкин... Фақат, ўлим!.. Ўлим!..

Худобанда тишларини фижирлатар экан, нима қилаётганини идрок этмас эди. У аста Жоннигор томон бора бошлади, кўз олдини туман қоплаб олганди. Шўрлик канизак ака важохатини кўриб, кўркқанидан бурчакка қаттиқроқ қисинишга уринди. Келаётган одам неча-неча йиллардан бери энди топган акаси эмасди, балки разабдан кўзлари чақчайган, раҳму шафқат кўчасидан ўтмаган бир одам эди! У Худобандани танимади, Худобанда етти ёт бегонага айланганди! Чангалини очиб, айиқдек тайпанглаб келаётган Худобандани кўрган Жоннигор ниманидир сезиб, кичкирмоқчи бўлар, аммо овози чиқмасди.

Отасини дўппослатгани — бир, синглиси билан айшишрат курмоқчи бўлгани — икки... Энди у, ҳоким ўғли Худобанданинг синглиси бобилхона чечаги экан, деган гапларни қандай кўтара олади? Буни одамлар билса нима дейди?...

«Ўлим поклайди!» — шивирлади юраги тошга айлана бошлаган Худобанда Жоннигор томон келар экан... У аввал кизнинг харир ёкаларидан ушлади, сўнг қўлини томоғига юборди. Жоннигор қаршилиқ қилмасди, у гўё

умр бўйи шундай тақдирни қутган ва ниҳоят ўша кунга етишганидан мамнун, чехрасида изтироб излари кўринмас, бу гурбатли дунёдан фория этаётганлари учун миннатдордай эди. Ака шафқатсизлик билан синглисини бўға бошлади...

Сал ўтмаёк Жоннигорда тирикликдан асар ҳам қолмади, кизнинг нозиккина танаси шилқ этиб ёнига тушди.

Худобанда бағритошлик билан шивирлади:

— Ўлим поклайди!!!

Бирдан синглисининг жонсиз танасига ўзини отди-да, ўкраб йиғлаб юборди...

— А-а-а-а!!!

Биринчи китоб тугади.

Иккинчи китоб

КОНИГИЛ



Йигирманчи боб

ДАРЁ БЎЙИДАГИ ҚУРУЛТОЙ

Турон ҳукмдори Амир Ҳусайн Солисарой шаҳрида мамлакат ҳокимлари, бек, амирлари иштирокида қурултой чақиртирди.

Сўнгги ярим йилда Мовароуннаҳр бир муддат осойишталик палласига киргандай бўлди. Аслида бу Темурбекнинг хизмати эди. Амирлар ўртасидаги уруш-жанжаллар барҳам еди. Амир Боязид жалойир хоинлиги учун Туғлуқ Темурхон томонидан ўлдирилгач, Хўжанда жалойирлар хийла тинчиб қолдилар. Панжикентдан нарида яшовчи қавчинлар ҳам хуруждан тийилдилар. Амударёнинг жанубидаги арлотлар тавба-тазарру камарини белига боғлаб мамлакат ҳукмдорига садокат кўрғизажакларини билдирдилар. Амир Ўлжойту сулдуз Балхда, Муҳаммадхўжа опардий Шибирғонда, Амир Хизир Ясовурий Ҳисори шодмонда ҳокимлик курсисида ўлтиришарди, гарчи уларнинг ҳаммаси Турон ҳукмдори Амир Ҳусайнга итоат этажакларини ошкор айтсалар-да, бу урушқок, ўжар амирларнинг кўнглида нима борлигини билиш жуда қийин эди. Уларнинг ё олтойи пўстинга, ё сакарлот чакмонга, ё олача хошияли тўнга ўралиб олишганини кўриб кишининг хаёлига ёмон ўйлар келмасди. Аммо бу кийимларнинг ичида яширин ҳарбий совут борлигини ҳеч ким, ҳатто мамлакат ҳукмдорининг ўзи ҳам билмасди.

Лекин Турон мамлакати асосий хавфни ўз ичидан эмас, балки ташқаридан, аниқроғи, шимолдан кутарди.

Шундай кунларнинг бирида Илёсхўжахоннинг Мовароуннаҳрга юриш тадорикида эканини маълум қилдилар. Жета хонининг бу нияти эскидан бор гап эди, буни Амир Ҳусайн ҳам, Темурбек ҳам билишарди, аммо ишнинг бунчалик жадаллашиб кетганлиги турк амирларига

янгилик бўлди. Темурбек зудлик билан ташвишли хабарни Солисаройга етказди, ўзи эса йиғилган солиқларни, от-улов, аслаҳаларни кўздан кечирди. Афсуски, закотга борган хон одамларини ҳар жойда эл-улус газаб ила қаршилар эмиш. Ҳамма мавзеларда, шаҳару вилоятларда райят Амир Ҳусайннинг солиқларнинг икки йиллигини бирдан ундириб олиш ҳақидаги фармонидан норизо эмишлар. Авомуннос билан аҳли хирож орасида иш баъзан қиличу яроққа бориб тақалмоқда экан. Жиззахда эл, солиқу хирож бермаймиз, деб дангал айтибди. Самарқанднинг Камонгарон қишлоғида расмана исён воқе бўлибдир, хон кишиларидан иккитаси исёнда ўлим қоржомасини эғнига илибдир. Фарғона тарафлардан келган хабарлар ҳам қувонарли эмас...

Темурбекка бундай хабарлар пинҳона хуш ёқарди. Гап шундаки, эл мамлакат ҳукмдоридан норозими, бас, бу тахтдан бир поғона пастда турган, аммо ҳокимиятдан умидвор кишиларга айни муддаодир. Ҳукмдор борасида нохуш мишмишлар, улуснинг норизолиги хусусида учирма сўзлар, пискин иборалар барчаси маълум маънода унинг обрўйига путур етказди, энг дахшатли томони, тахтга муносиб эмас, деган фикрни келтириб чиқаради... Темурбекка асли шу керак, бир томони шундоқ бўлишини ўзи режалаштирди, солиқу хирожни икки йиллигини бирдан йиғиб олайлик, деган таклифни у айтди. Амир Ҳусайн ўйлаб ўлтирмай бунга рози бўлди. Ажаб, ўзаро урушлардан, амирларнинг қуюшқондан чиқар даражада юртбузуклиги-ю ёғийнинг от солишларидан энка-тинкаси қуриган Туронзамин халқи, носқобоғини сотиб ейишга мажбур бўлиб турган авом, икки йиллик хирожни йиғиб бера оладирми? Бу эртани кўролмаган оқилнинг телбалиги! Кишининг кулгуси қистайдир, холос... Аммо... амирнинг сулув хотини Сароймулкхоним, Қозонхон зурёди, энди... балои офатнинг нақ ўзгинаси экан-да! Манглайда шўри бор унинг шўх кўзларига тикиладир!.. Бу воқеа Самарқандда, Чорсу майдонида, тунда юз берганди. Амир Ҳусайн учун омонатгина қўйилган тахтнинг чап томонида сўриларга тўшаклар солинганди. Шу ерда ўлтирган гўзал малика Сароймулкхоним билан тахтнинг ўнг томонидаги сўрида тиз чўккан Темурбек машъалалар ёруғида пинҳона илк бор кўз уриштирдилар. Темурбекнинг чақнаб турган ўткир кўзлари малика кўзларига дуч кел-

ди-ю, нури кесилгандай бўлди! О... Бир қарашда минг бир савол кўрди Шахрисабз ҳокими! Ғалати кўзлар эди бу кўзлар! Бунда ноз-истиғно ҳам бор, озгина ўпка-гина, озгина мунг шарпаси, куйдирмажон ўтнинг ёлқини, хиёл хокисорлиғу шикасталиғ — бари-бари нихон эди бу қарашда!

Ўшандан бери Темурбек Сароймулкхонимнинг қарашдаги юз бир саволга жавоб топишга уринадир, топа олмай қийналадир... Худди шу палла Солисаройдан чопар келиб, қурултой хабарини етказди. Темурбек мамнун бўлди. Унинг пойтахтга боришдан бир ошкор мақсади — қурултой, иккинчиси — Сароймулкхонимни пинхона кўриш эди, аммо иккинчисининг имкони топилмади.

Қурултой Солисаройдан четроқда, асов Амударё бўйида, Амир Хусайн саропардаси ўрнатилган ям-яшил ўтлоқда бўлиб ўтмоқда эди. Хукмдор саропарда олдида заррин чаҳорболишли тахтда савлат тўкиб ўлтирарди. Ҳокимлар, амирлар унинг атрофида, ярим ой шаклида тўшалган кўрпачаларда чордана қурган эдилар. Ўртадаги дастурхон дунёдаги бор ноз-неъматлар билан тўла, аёқчи тоза шароблардан косаларга қуйиб турибди. Хукмдорнинг чухралари атрофни назорат этиб юришар, йироқроқда эса сипохийлар қоровуллик қилишарди.

Саропарданинг чап томонида, юз кадамча нарида меҳмонларнинг отлари, эллик-олтмиш чоғлик келади, сувлуғ чайнаб, дам-бадам ер депсинарди, уларга рикобдорлар қарашарди. Ўнг томонда, эллик кадамча ерда хукмдорнинг қора бахмал ёпилган ўтови кўринади. Ҳокиму амирлар олиб келган совға-саломлар ўша ерда жамланган. Ҳадя қилинган тулпорлар эса тушовда, кумуш умилдирикларини, заррин эгарларини офтобда ялтиратиб, ўтов ёнида ўтлаб юришибди.

Қурултойда Жета хонига қарши уруш яловини ёймоқ хусусида кенгаш ясалди.

— Қарши ва Балх ҳокимлари солиғу ўлпонни йиғишда ўрناق бўларли саъй-ҳаракат кўргиздилар, — деди Амир Хусайн. — Айни бир пайтда Самарқанд закоту ўлпонларни вақтида йиғиб бера олмади. Туронзаминнинг энг катта шахри, мамлакат таянчи саналган вилоят, етти туман, не-не қасабаю маҳаллаларни ўзида мужассам этгон фирдавсмонанд Самарқанд ушмундоқ таънаю маломатларга қолиб турса?! Бу нучук хол?...

Мамлакат ҳукмдорининг қурултойни бундай гаплар билан бошлаши барчани саросимага солиб қўйди. Ҳеч ким сўз дейишга ботинмасди.

Дарё лабида сарғая бошлаган ўтлар куз фасли келганидан далолат берарди. Темурбек Амударёнинг бурилган жойида сувнинг камар ҳосил қилиб оқишини кузатар экан:

— Ҳусайнбек! — мурожаат қилди ҳукмдорга нохуш вазиятни ўзгартирмак мақсадида. — Доврукли Самарқанд мамлакатингизнинг пойтахти бўлишга арзирлиқдур... Не-не қадами учқур, каломи кескир йилдиримдай шиддатли зотларнинг изи қолғон бу шаҳарда! Жаҳонгашта Искандар Зулқарнайн, Арслонхон, Султон Санжари Мозий, Муҳаммад Хоразмшоҳ, Чингизхон... Самарқанд гирдобли, ғарқобли жойдур, мана бу дарё каби камарлари борки, ҳокимиятни гирдобига тортиб кетмоғи мумкин-дир... Мамлакат пойтахти Самарқандга жо бўлса, бундоқ унсурлар ўз-ўзидан гум бўладурлар. Дарднинг ўзи билан курашмакдан кўра олдини олмак афзалроқдур, дейди табиблар...

Темурбек кўнглида сақлаб юрган эзгу ниятларидан бирини айтиб юборди. Агар нияти амалга ошса, Самарқандни, Туронзаминнинг энг катта шаҳарини пойтахт айламакни кўнглига тугиб қўйган...

— Нақл қиладурларки, — давом этди Темурбек — Араб лашкарбошиси Қутайба ибн Муслим Самарқандни камал этганда, бир тош кўрибдур. Тошга ушмундоқ сўзлар битилғон экан: «Бу ерга Арабу Ажам подшоси Самар ибн Ифриқишнинг қадами етди. Кимда-ким бу ерга келиб, ундан ҳам нари ўтиб кетса, ўшал мендан қудратлидур, кимки бу ерга етиб келолмаса, мендан ожизроқдур». Самарқанд мана шундоқ устивор қалъадир, салтанат кўрғонидир!

— Амирлашкар мамлакат пойтахтини иккита қилмак ниятидадурмулар?.. — жимликни бузиб захархандалик билан деди Амир Ҳусайн... Унинг овози йўғон эди. Яна ҳамма жимиб қолди. Амир Ҳусайн ўжар, кўпол, ўз ўрнида мардлиги ҳам бор бир киши эди. Қаттиққўллиги таърифи эл ичра афсонага айланганди. У арзномалар девонхонасида раийятни кўлида чўқмор билан қабул қиларди. Агар даъвогар билан жавобгар тилларидан адашиб, ҳукмдор сўзини дабдурустдан англай олмаса-

лар, бошларига чўкмор тушиб қоларди. Бағоят хасислигидан кийимни бетакаллуф киярди. У хамиша пахтадан тўқилган кийимни ёктирар, кийим камон ва эгарга тегиб ишқаланаверганидан йиртилиб кетса, ўша ерга ямоқ солдирарди...

— Ва ё мамлакатнинг пойтахти Солисарой эканлигини, hozir шу шаҳарнинг этагида ўлтирғонларини билмайдурмулар? — Амир Хусайн Темурбекка кирғий қараш қилди. — Пойтахт бордир ва собитдир. Солисарой бизнинг табаррук бобомиз номларига эшидир. Бу ерни пойтахт деб атадилар, обод этдилар... Мамлакат султони Амир Қозоғон тунни тун демай, қон кечиб, сафар байроғини юксак кўтариб, авому улус деб, юртни деб от суриб ўтди. Душманлар олдида қудратли дастини жангарилик этагидан чиқариб кураш бургутини бўш қўйди. Бошлари, вале фароғат ёстиғига тегмади! Билъакс, Чигатой улуси хони Ғозон султон билан Хирот домонида, Дараи Занги мавзеида бўлган жангда, табаррук бобомиз кўзларига бадбахт найза тегиб ногирон қилди. Бас, замон жонбози бўлғон бобомизнинг хурматлари йўқмидур? Ул зот ардоқлағон нарсани, биз бу кунда оёқости қиладурмизму?.. Амир Қозоғоннинг хурмати йўқ экан, ҳеч бўлмаса, унинг муборак шажарасига мансуб ҳукмдорингизга эътибор айлангиз эди! Нима, кўзингизни ёр босдиму, орияту диёнат хирманига ўт қўйдингизму?..

Амир Хусайн ғазабнок барчага бир-бир қараб чиқди, кейин давом этди:

— Иззат-икромли амирлар, зафар туғли акобирлар, содиқ ниятли баходирлар пойтахтни кўчириш ҳақида эмас, балки салтанат саодати, райият рўшнолиги борасида ақл тулпорини елдирсунлар, фасохатда чечанлигин аён қилсунлар! Билингизким, кимки пўлат билакка чонут солмакни хаёл қилса, ўзининг мис билагини оғритадур!..

Саропарданинг сўл томонида ўлтирган Самарқанд хоқими Садр Сулаймон соғ тарафдаги Темурбекка назар ташлади. Амирлашқар лом-мим демади. Фақат бош эгиб узр сўраган бўлди. Ҳукмдор серзарда бўлиб турганда, тилни тиймоғи фуқаронинг толейдир. У Амир Хусайннинг бундоқ аччиқ сўзлаши сабабини тузук англайди. Амир Хусайн тақдир тақозосию даврон илтифо-

ти билан «лоп» этиб тарих майдонига чиқиб қолди, тахтга эга бўлди. Толенинг ҳам кўзи кўр экан! Бўлмаса, салтанат тизгинини шундок дағалу бесавод амир илгига тутказадирму? Унинг Туронзамин халқи орасида на обрў-эътибори бордир, на шиддатю ҳиммати! Даъводан бош ва тож кўтариб юрган на қўшин тизгинини тутишда соҳиби иктидордир. Еттисувни ишғол қилган Жета хонларининг Мовароуннаҳрга ҳужумлари тинмайдир. Кошки ул, лашкарни йиғиб, баронғору жавонғорни, қалбни мустаҳкамлаб, чанох билан соқани¹ фаромуш этмай маъракаи майдонга кирса, ёғийнинг додини берса! Саваш сирларини билмайдир бу гушна, гурурдан димоғи бевакт шишган нодон!

Темурбек Амир Хусайннинг мулохазалари хом, фикрлари думбул эканлигини бир нарсада жуда аниқ билди. Бир куни у ҳукмдорга, мамлакат шаҳарларини деворлар билан ўрамоқ зарурлигини, қалъалар бунёд этмок лозимлигини айтганди, Амир Хусайнга ёқмади:

— Бундай қилмак Чингизхон васиятларини бузмак, демакдир.

— Чингизхон замони ўзга эди, хозир замон ўзгадир, унга бокмак лозим бўлур!.. — эътироз билдирди Темурбек.

«Салтанат соҳиби бўлатуриб, қандок килиб салтанатни устивор этмакни ўйламаслик мумкин? — куйинарди ўзича Темурбек. — Салтанат — мустаҳкам қалъалар, устивор шаҳарлар, собит кўрғонлар билан тирикдир, боқийдир...» Ана шунга амал қилган Темурбекнинг ўзи жим тургани йўқ, Қарши шаҳрини девор билан ўраттирди, бошга қора кун тушиб-нетиб қолса, бу қалъага чекиниб жон сақласа бўлади, амир Хусайн турган Солисарой шаҳри эса хануз ўшандок, тўрт томони қибла, кўчманчининг уйини эслатадур... Пойтахт эмиш тағин!..

Қолаверса, пойтахтни мустаҳкам этайлик, улуғ шаҳарга кўчирайлик, деган гапнинг нимаси ёмон? Бу ерда Амир Қозоғонни ҳурмат этмаслик керак, деган маъно келиб чиқмайди-ку? «Салтанат саодати, райият рўшнолиги» борасида ақл юритиш шунчалар бўлса керак-да! Хаммасидан ҳам Темурбекка алам қилгани, ҳукмдорнинг

¹ Соқа — кўпини ортидаги қисм, чанок — яна бир қанот.

сўнги гапи бўлди: «Кимки пўлат билакка човут солса, ўзининг мис билагини оғритадир!...» эмиш! Кимнинг билаги нимага кодирлигини кейин кўрасен, эй ўз хаддини билмаган!

Темурбек ана шуларни хаёлидан ўтказар экан, оғирликни ўзига олди, шайтонга ҳай берди, индамади.

Амир Ҳусайн гапини тугатаётганда амирлашкарнинг қорамағиздан келган юзи оқариб кетганини кўрди. Ҳа, у Темурбекнинг чапдасту эпчил, ишбилармон эканлигини сезарди. Кўркмас ва қаттиққўл... Темурбекнинг Амир Ҳусайндан бир нарсада устунлиги аниқдир: у жанг йўригини биладир, ясоқ тузишга моҳир, жанг майдонини бир қарашда чамалай оладир... Мамлакат ҳукмдори Темурбекнинг мана шу фазилати билан ҳисоблашмай иложи йўк... «Унга, шубҳасиз, ишониниш керак, — деди ўзига ўзи Амир Ҳусайн, — аини пайтда, ким билади, ишонмаслик ҳам жоиздир. Мамлакат амирлари ўртасида тобора унинг нуфузи ортиб бормақда... Ўзим ҳам бунда айбдормен: уни яқин олиб Самарқандда, ҳамманинг олдида, ўнг кўлим, деб эълон қилдим. Энди эса у рақибга айланиб, беандишалик ила рақобат отининг жиловидан тутмақда. У бамисли бўйнидаги занжирни ечмак учун қўл чўзганинда, ҳаракатларингда душманлик фаҳмлаб, қўлингни тишлаб олган кучукдек тутаётир ўзини. Қўйиб берсанг, ириллайдир, кам деганда норози бўлиб фингиб гувранадир... Ҳукмдорларга эса ириллайдиган кучуклар эмас, мўмин-қобил қўйлар керак!...»

— Бисёр ҳақ гапни айтдилар, амирим! — ялтоқланиб сўзга аралашди мулзам бўлиб ўтирган Самарқанд ҳокими Садр Сулаймон пайтдан фойдаланиб қолмоқ мақсадида. Унинг ингичка овози дарё шовуллашини босиб кетгудай эди. — Нечун табаррук бобонгизнинг ҳурматлари йўк бўладир? Ул зот, мана олам биладир, менинг меҳри қутлуғ волидим Мингқутлуғ билан дўсту кадрдон эдилар, бизга кўп ҳиммат кўргизгонлар... Ким ҳурмат этмайдир? Темурбек ҳам ҳурмат этадир...

— Ҳоким бува! — деди Темурбек босиқ оҳангда, йўк эса гапи ҳукмдорга тегиб кетиши мумкинлигини биларди. — Жанобингизни қўйинг! Ўзингиздан сўз очинг, ўзингиздан! Кимгадир пахта кўясиз, кимгадир похол соласиз... Нечук зарурати бор?..

Садр Сулаймоннинг гапи кесилиб қолди, битта-икки-та оқ оралаган пахмоқ соқолини силар экан: «Ие! Ие!...» деди, кенг пешонасида совук терлар пайдо бўлди. У кўркиб кетди! Орадаги хафагарчиликни йўкотаман, деб ишни баттар чигаллаштириб қўйиши мумкин экан. Икки кўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас, дейдилар. Шу палла уларнинг орасига тушиш хавфли эканлигини Самарқанд ҳокими энди англаб етди:

— Хўп, хўп... Қуллук! Қуллук... — таъзим қилди шоша-пиша у. Бу гал овози нечундир дарёнинг шовшувида эшитилмай кетди.

Самарқанд ҳокими Садр Сулаймондай бообрў одамга кизик устида Темурбекнинг каттиқ тегиши қурултойда иштирок этаётган бошқа ҳокиму амирларга ғалати таъсир қилди. Яна орага нохуш жимлик чўқди. Жимликни дарёнинг бир маромда шовуллаб оқиши, гоҳ-гоҳ осмонда пайдо бўлиб қолган қушларнинг чуғур-чуғури бузарди холос.

Темурбек иложининг бориचा юмшоқ сўзлашга ҳаракат қилди, барибир ботинидаги ғазаб, жаҳлнинг аччиқ иситмаси зоҳирга чиқди, унинг ниятини ҳаммага ошқор айлади. Ўзига неча марта жаҳл устида сўз демасликни, кизикқон бўлмасликни уқтирарди, пайт келганда эса барчаси, ёшликнинг хавойи хаёлларидай унутиларди қоларди. Худди ўшандок бўлди. Ҳукмдор ўз ўйи билан машғулми, индамай, қовоғи тушиб кетганилигидан қисик кўзлари кўринмайди, гўштдор, товоқ юзидан ҳеч нарса англаб бўлмайди. Самарқанд ҳокими сўл ёқда ўлтирганича, дастрўмоли билан манглайи, юз-кўзларини дамбадам артадир...

— Бир қошиқ қонимдан кечасиз, Хусайнбек! — деди Темурбек қўлини кўксига қўйиб таъзим қилар экан. У Амир Хусайн билан муносабатни бузмасликка, ишни жанжалга олиб бормасликка уринди, ҳисоб-китобни эса кейинга қолдирди. — Бизлар фуқаронгиз... Сиздан ўпкагина қилсак, азбаройи, ҳаққимиз... Биз бунда не мақсадлар билан қурултойга жамландик, вале фақирнинг қизик-қонлиги, тезлиги, не-не тулпорларни гижинглатиб миниб, жаҳл қирчанғисига қолғонда ожиз эркони, улуғ юмушлардан барчани четга тортмақда... Қуръони қаримни ўртага қўйиб дўст, оға-ини тутунғонмиз... Баски, узримни қабул этингиз!

— Кабул этингиз, аъло ҳазрат! — деди Садр Сулаймон воқеанинг бундоқ йўсинга кўчганидан хурсанд.

— Кабул этингиз! — кўшилди Балх ҳокими Амир Ўлжойту сулдуз.

— Кабул айлангиз! — қувватлади Мухаммад Хўжа опардий, Шибирғон ҳокими.

— Аъло ҳазрат!.. Йўқ деманг!.. — деган овозлар ёрилди чор атрофдан.

— Бизнинг шаънимизга айтган аччиқ каломларингиз, — давом этди Темурбек, — ҳали ҳам юмшоқ айтилди. Дўст ачитиб гапиради. Сиз ҳақсиз, кўзимизни ёр босди шекилли... номусу ор хирманига ўт қўйдик чамаси!.. Қўйдик... қўйдик!.. Бас! Эй ахли қурултой, сиз билан биз жанг-жадаллар соҳиби, отган ўқи Кайвон айвонининг токини синдиранар шиддатга эга тирандоз, душманларни бало бандига мубтало айлагувчи паҳлавон, урушмагу кенгашмак водийсининг пешқадам амири, мўминлар кутби Амир Хусайн ибн Мусаллаб ибн Амир Қозоғоннинг тузини оқламагимиз, қадрига етмагимиз, сийламагимиз даркордир...

— Даркордир! — кичкирди кимдир. — Даркордир!

— Валинеъматимиз, авому улус қиблагоҳи, аъло ҳазрат олампадох умрлари узок бўлсун! — чийиллади Садр Сулаймон.

Амир Хусайн бошини кўтармади, гўё атрофдаги издахомни сезмасди. Унинг кўнглидан шундай ўйлар кечарди: «Темурбек жуда устомон, ҳасадчи, қора кўнгил, кекчил экан. Бундан уч йил олдин Сеистонда саваш қурдик. Ёғий лашкарбошиси икки ўқ билан Темурбекнинг ўнг қўли, ўнг оёғини яралаб чўлок қилди. Оёққўлига ўқ санчилиб турибди, ўқни олиб жонини тинчителиш ўрнига, у: «Эй кўзим! Яхшироқ қара! Ўша лашкарбошиси оинангда акс этдириб қол! Бир кун бегумон ўч олажакмен!» дейди. Кекчиллиги шунча! Шумлиги ҳам ўзига яраша. Ҳозир Садр Сулаймонга гапирғонида дилидагиси тилига чиқиб кетди. Фаҳм этдики, ишни расвои жаҳон қилибдур. Шитоб тилёғламаликка юз бурди. Туғлуқ Темурхонни ҳам шундоқ мактовлар билан чувтуширғон-да, йўқ эса Мовароуннахрнинг ҳамма амирлари ёмону битта Темурбек яхши бўладирму, ёлғиз уни қабул қиладирму? Ҳамма амирларни тумтарақай этади-ю, битта Темурбекка Шаҳрисабз ҳокимлигини топши-



Адибнинг ота-онаси – Аҳмадқул сўфи Бекназар сўфи ўғли
ва Турдихол Эгамназар сўфи қизи. Андижон, 1974 йил.



Муҳаммад Али. Тошкент, 1972.



Муҳаммад Али дўстлари — шоирлар Абдулла Орипов
ва Омон Матжонлар билан. Тошкент, 1965.



Муҳаммад Али дўсти шоир Тўлан Низом билан.
Тошкент, 1968.



Муҳаммад Али рафиқаси Манзурахоним билан. Тошкент, 1975.



Муҳаммад Али адабий кечада шеър ўқимоқда. Тошкент, 1978.



Муҳаммад Али академик Матёқуб Қўшжонов билан суҳбатда.
Адибнинг хонадонида. Тошкент, 2003.

радирму? Шунинг ўзи ҳам билганга яхши сабоқдир. Темурбекдан эҳтиёт бўлмак зарурдир. Хар нарсанинг ўз фурсати бор. Жета хони билан саваш курурмиз... Балки шу жангда қазо камонидан отилган бирор ўқ тегиб... Темурбек ҳам ўз оёғидан йитиб кетар, Амир Ҳусайннинг ташвишлари битар... Ҳозирча, мен муносабатимни билдирмайин. Маккорликка маккорлик ила жавоб бермак лозим. Аччиқни аччиқ кесади...

— Эй, акобиру аъёнлар! Аҳли қурултой! — мурожаат қилди Турон ҳукмдори. — Бизнинг нордон сўзимизни ширин деб қабул этгонингиз бағоят хушдир. Инимиз ва таянчимиз Темурбек: «Дўст ачитиб айтадир» деганида бисёр ҳақдир. Биз айтмасак, ким айтадур?.. — Ҳукмдор даромад қилгач, давом этди: — Салтанат уч нарса билан обод — подшо, хазина, қўшин билан. Подшо хазинага бой бўлса, қўшини қоим эса салтанати олиймақом даражага етадир, буни унутиш яхшиликка олиб бормас. Инчунин, салтанат олдида катта ташвиш қўндалангдир. Ёғий бостириб келмакда. Жета хони Илёсхўжахон хануз Мовароуннахр деб куйиб-пишиб ёнадир...

Амир Ҳусайн узоқ гапирди. Савашишга тайёргарлик хусусида, солиқ-ўлпонлар йиғишининг сустиги борасида, айниқса шаҳар ҳокимлари зиммасида турган юк тўғрисида алоҳида тўхталди. Шаҳар ҳокимлари вазиятни англаганликларини айтиб, юмушларни тез адо этишга ваъда бердилар.

Шундан сўнг Турон салтанати амирлашқари Темурбек сўз олди:

— Аъло хазратнинг бир каломи олтинга тенгдир. Ҳақ гапни дедилар. Салтанат уч нарса билан тирик — подшо, хазина, черик билан. Доно гапни айтдилар. Хазина қурук бўлса, офатдир. Низомсиз, машқи хом аскар салтанат бошига битгон балодир. Амирларга лашқар тузиш борасида шундоқ кенгаш раво кўриладур: ясоқ юришида қора черикдан ўн саккиз киши бир чодир кўтарсун. Уларга икки от, бир садок, бир қилич, бир арра, бир ялов, бир қопчиқ бир жуводиз, бир болта, бир кескич, бир керки, ўн йигна, бир чаноч берилсун. Баҳодирлардан эрса беш киши бир чодир бўлсунлар. Хар бирови бир совут, бир дубулға, бир қилич, бир ўқ-ёй олсун, отларни бўлса сайлашни ўзларига қўйсунлар. Ўнбошилар хар бирига бир чодир, бир совут, бир қилич,

бир ўқ-ёй берилсун, бешта от измида бўлсун. Юзбошилар қурола аслахадан бошқа ўн от олсун. Мингбошига чодир, соябон, совут, дубулға, чирайна, найза, қиличу садок, эллик от берилсун, ўқдан кўтарганча олсун. Амирлар чодир, бир ўтов, икки соябон олсун, ўпчин, қурол-яроғи ўзидан ошириб бошкаларга бергудай бўлсун. Бир юз ўн отнинг жилови унга берилсун. Уларнинг ҳар бирига бир байрок, бир довул инъом қилинсун... Кўшинга зарур қурол-аслаха, совуту дубулға, от-улов тайёрлаш шахар хоқимларига юклатиладур... Барчаси ҳаққинда низомли ёрлиқ битилур ва ундан бирин-бирин олурсиз...

Темурбек сўзлаганда Амир Хусайн мамнун бош тебратиб ўлтирди. Бу ўртада бўлиб ўтган гаплар унутилганидан далолат эди.

Қурултой келаси хижрий 767 йил кўкламида Жета хони лашкари билан юзлашишга Тошкент томон борилсун, ёвни мамлакат сарҳадида қарши олинсин, деган қарорга келди.

Кенгаш тарқала бошлади.

Амударёнинг бурилган жойида сув ҳамон камар ясаб оқар, осмонда қушларнинг чуғур-чуғури эшитиларди. Энди уларга, қурултой тугаб эгаларининг ўринларидан турганларини кўрган тулпорларнинг йўл юрмоқ иштиёфида ўқраниб кишнашлари ҳам қўшилди.

Йигирма биринчи боб

СИРЛИ ШАРПАЛАР

Самарқандга оқшом чўкди. Кўчаларда одам сийрақлаша бошлади. Рамазон ойида, одатда, кун ботганда ҳамма уйларига ошиқади. Кимлар оғзини очиш учун шопилади, кимлар ифторликка тайёрланган таому тансукотлардан нафланишни кўнгилга тугади. Болалар эса тўп-тўп бўлишиб рамазон айтиб эшикма-эшик юришади. Уларга бирон егулик, нон, мева-чева, баъзан пайса-чақа пул беришади. Болаларнинг айтадиган рамазонлари ҳам қизиқ. Чунончи, ўғли йўқ хонадон эшигида бундоқ қуйланади:

*Рамазон айтиб келдик эшигингизга,
Худойим ўғил берсин бешигингизга.*

*Ховлининг қилманг юзин писта пўчоқ,
Келади уйингизга тилла...*

Бундок яхши тилак билдирилганини эшитган уйнинг эгаси албатта эриб кетиб, саховатини оширарди.

Аслида рамазон айтиб уйма-уй юриш — болалар учун вақтни хушчақчақ ўтказишнинг қулай йўлларида бири. Рамазон ойи оқшомлари Чорсу майдонида туриб турли маҳаллалардан болаларнинг ана шундок пасту баланд овоздаги кўшиқларини эшитиш мумкин.

Шу оқшом Хонқали кўчасида ҳам ўн икки ёшлардаги бир бола негадир бир ўзи рамазон айтиб юрарди. Кўча кичкина, тор бўлиб, унга фонус қўйилмаган, бирон тош-чирок ҳам йўқ... Қоронғи зимистон кўчада ёш боланинг кўркмай юриши уй эгаларини хайрон қолдирарди.

— Шерикларинг қани? — деб сўрашарди. — Кўркма-япсанми?

— Хаммамиз турли уйларда рамазон айтамыз. Кўрқаётганим йўқ, — дерди бола қувноқ овозда, дадил. — Кейин кўча бошида тўпланамиз.

Бу бола Кумар эди. У кўчанинг этагидан тушганди. Ундан юз кадамча олдинда иккита қора кўринар, юз кадамча кейинда ҳам уч қорани илғаш мумкин эди. Улар болани кўриқлаб келишмақдами ёки ёмон ниятда пойлаб юришибдими, билиб бўлмасди. Кумарнинг ўзи орқа-олдида сирли шарпалар юрганини сезармикин? Бу ҳам қоронғу.

Бола бўйнига халта осиб олган, нарсаларни ўшанга солади. У навбатдаги ҳовли дарвозасига яқинлашар экан, олдинга — Чорсу майдони томонга қаради. Олисида бозор дарвозасининг тепасида ёниб турган фонус кўринди.

Рамазон айтиб келдик эшигингизга... —

хиргойисини бошлади бола. Сирли шарпалар ҳам жойида тўхташди. Ичкаридан ҳеч қандай садо бўлмади. Бола яна такрорлади. Тағин ҳеч ким чиқмади.

Одатда дарвозани очишмаса, болалар сўнгги чорага ўтишар, хонадон эгаси шаънига тегадиган, зикнаю хасислигини фош қиладиган кўшиқларни айтиб, қочиб қолишарди. Бундокларини «сассиқ кўшиқлар» деб аташарди. «Бу ҳовлининг эгаси хасис экан, ё рамазон, вой рамазон, хасис экан...» деган кўшиқда уй соҳибининг нолайиқ камчиликлари — чўлоқлиги ёки вилайлиги, семиз-

лиги ё ориқлиги, кўрлиги ё карлиги, итдан кўркиши ва хоказолар қўшиққа солиниб санаб ўтиларди. Лекин очилмайдиган дарвозалар кам учрарди.

Темир дарвоза ҳам ана шундай ховлиларнинг бирига мансуб шекилли, ҳеч очилишидан дарак йўқ... Кумар энди сўнги чорани қўллади — «сассиғи»дан олди. Қўшиқ бошланганига ҳеч қанча бўлмади, бадхазм эканми — чунки унда бу уйдагиларнинг очофатлиги бўрига киёс қилинарди — тездагина дарвозанинг занжири шиқирлай бошлади. Сирли шарпалар эса лип этиб дарвозанинг икки ёнига етиб келишди, ичкаридан чиққан одам дабдурустдан шарпаларни илгамасди.

Бир пайт дарвоза очилиб, эгнига тунбон кийган бир норғул йигит кўринди, у болага қараб, қўли билан «кет!» ишорасини қилди. Кумар кетмади. Йигит энди болани туртиб кетказмоқчи бўлди. Сал олдинга юрганди, қайдандир ён томондан бир темирдай қўл, ўлжасига човут солган бургутдай йигитнинг ёқасидан тутиб четга тортиб олди. Кимдир унинг оғзини бекитди. Норғул йигит ёқасини бўшатишга уриниб ўзини ҳар ёққа ота бошлади. Шарпалардан бири унга: «Жим! Дод солсанг, бошингни оламен!» деди, қилични кўрсатиб. Кўзи ола-кула бўлиб кетган йигит кўпчиликни кўриб тақдирига тан берди.

— Ахий Жаббор! Қўлини орқасига қилиб боғла! — буюрди найза-ёй тақиб олган шарпалардан бири. Бу Хўрдак Бухорий эди. Қолган шарпалар эса Садр Сулаймон мадрасаси толиби илмлари Мавлонозода ва Калтатой, Тун салтанати фуқароси Бобо Султон эдилар.

— Оғзидан қўлингни ол-чи! — буюрди камонмерган Ахий Жабборга.

— Ўзингни ақлга ошноман деб бил, ақлинг расо бўлса айтганимни қил! — деди Ахий Жаббор, қўллари боғлиқ тунбон кийган йигитга.

— Ўғирланган ожиза қаердадир? — сўради Мавлонозода чидолмай, сўнг нечундир ўзини ноқулай сездими, қўшиб қўйди: — Бизнинг синглимиз...

Тунбон кийган йигит елкасини қисди. Нимадир дегандай бўлди, аммо айтганига ҳеч ким тушунмади.

— Нима?! — Калтатой яқин келганда тунбон кийган йигитдан бақувватроқ кўринди. Йигит яна нимадир деб чайналди, яна унинг гапи ҳаммага тушунарсиз бўлди.

— Э... — деб юборди бирдан Ахий Жаббор. — Бул бул экан-ку бу!.. Соков, гунг экан бечора! Мен бўлсам, унинг оғзини беркитиб юрибман!.. Соковмисан, а?

Йигит бош тебратиб «ха» ишорасини қилди. У гапни тушунарди, аммо жавоб беролмас, тили йўқ эди.

— Бизни кўриб гунги мақол бўлдим ва ё ўзини соковликка солдим? — ўртага гап ташлади Мавлонозода. — Валлохи аълам!

— Бас, бундан гап сўраб ўлтириш бенафдир, — деди камонмерган. — Лекин бизни ичкарига олиб кирсун. Бошла!

Хаммалари ичкарига кирмоқчи бўлдилар, ўзлари билан ўзлари бўлиб дарвоза беркилиб қулфланиб колганини сезишмабди.

— Бу ёни неча пайсадан тушди, кадрдон? — сўради Ахий Жаббор ҳайрон.

Соков йигит «Ўхм! Ўхм!» деб қўйди, сўнг «Калит бор, калитни ол!» дегандай тунбон чўнтагига ишора қилди. Кумар эпчиллик билан калитни олиб Ахий Жабборга берди. Дарвозани очиб долонга кирдилар. Долондан ўн кадамча юришгач, тўрт томони қалин деворлар билан ўралган кўрғондан чиқдилар. Ўнг томонда баланд дарвозадан бўлак биронта ҳам эшик кўринмади. Хамма соков йигитга каради. У дарвозага йўналди. Ахий Жаббор унинг ёнида қилич яланғочлаб хатти-ҳаракатини кузатиб борарди. Соков йигит дарвозага қараб овоз берди:

— Мо-о-о! Мо-о-о!

Мавлонозода ушбу саснинг ўзига хос ишора вазифасини бажаришини англади. Ичкаридан жавоб келди:

— Мо-о-о! Мо-о-о! Мо-о-о!

Бирпасдан сўнг дарвоза очилиб, яқтак устидан енгсиз пўстинча кийган, соковдан ҳам бақувватроқ бир йигит чиқиб келди. Унга энди Калтатой ташланди. Бир неча қуролланган нотаниш одамларни кўриб ҳанг-манг бўлиб қолган йигит, Калтатой ҳамласидан ўзини йўқотиб қўяёзди. Иккинчи дарвоза соқчисининг қўлларини ҳам ортга боғладилар. Соқчи соков йигитни кўриб қаршилигини тўхтатди.

— Хўш... — Хўрдак Бухорий сўради. — Дарвозадан яна борми?..

Соқчи «йўқ» дегандай бош чайқади.

— Ичкарида нима бор? — тафтиш қилди Бобо Султон.

— Ўғирланган ожиза қаердадир? Бизнинг синглимиз?... — хаприқди яна Мавлонозода тоқатсизланиб. У тезроқ бу сирни билиш иштиёғида эди, лекин ҳали қалаванинг учи топилган эмас... Топилармикин?..

Сокчи Бобо Султон саволига жавоб бериб нимадир девди, ажабки, унинг гапини ҳам биров тушунмади.

— Булар ўзи соғми? — Ахий Жаббор таажжубга тушганини яширмади. — Нима бўлғон ўзи буларга? Ёки сен ҳам гунг-соқовмисан, а?..

Сокчи тасдиқ ишорасини қилиб бош тебратди.

— Ана холос! Бунисиям соқов экан...

— Ичкарига бошласун! — Хўрдак Бухорий ҳам хайрон эди. — Икки дарвоза, соқчилари эса гунг-соқов... Кўрғонлар бўм-бўш...

Биринчи гунг билан иккинчи гунг дарвозадан кириб торгина долон йўлакдан ичкарига қараб юрдилар. Йигирма кадамлардан кейин ажриқзор кўрғонга чикдилар. Баланд девор билан ўралган, ҳар томони эллик кадамлар келадиган мураббаъ шаклидаги кўрғоннинг тўрт бурчагида шамлар пориллаб ёниб турарди. Бу ерда энди биронта ҳам дарвоза йўқ эди. Камонмерган ва унинг шериклари бу ҳолни кўриб такрор хайрат бармоғини тишладилар.

— Ё фалак! Бу дарвозаларда не сир? — деди Мавлонозода.

— Бамисли эртақларда юргандекман, дарвозалар сирли, соқчилари гунг-соқов... — бош чайқади Ахий Жаббор.

— Ростданам сирли... — кўшилди Калтатой.

— Самарқандда шундоқ сирли жойлар борлигини мен ҳам эшитмовдим... — тан олди Тун салтанати соҳибул хабари Бобо Султон.

— Бу ерда сир — мана бу соқовларда! — Камонмерганнинг фикри қатъий эди. — Мана шулар гапирса, сир очилади...

Бирдан чапдасту чакқон Кумар жонга ора кирди.

— Мен соқовлар билан гаплаша оламан! — деди у камонмерганга қараб.

Кутилмаган янгиликдан ҳамма хурсанд бўлиб кетди.

— Ие! Ана!

— Гаплаш! Гаплаш, шер бола! Шер боламас, эр бола! Ха, аканг айлангур! — эркалатди Кумарни Ахий Жаббор қувониб кетиб.

— Қаердан биласен? — сўради Мавлонозода ишонкирамай.

— Биламан, — деди Кумар дадил. — Қўшнимиз соқов, ўша билан гаплашиб юриб яхши ўрганиб олганман. Илонлар билан ҳам гаплашаман. Илонларнинг олдида имо-ишора билан сўзлашамиз. Номимизни ҳам айтмаймиз. Улар номларимизни билмасликлари керак... Шундай қилиб билиб олганман-да...

— Қулоқ солинглар! — икки гунгта деди камонмерган. — Бу бола сизлар билан сўйлашади...

— Факат қўлларини ечиб қўйиш керак.

Биринчи гунгнинг қўлини ечдилар. У лаблар, кўзлар, қўл харакатлари ёрдамида имо-ишоралар билан ўз аҳволдан сўзлаб бера бошлади. Кумар тездагина унга мослашиб олди, кийинчилик билан бўлса-да, буёқдагиларга тушунтириб турди:

— Мен... машҳадлик... А? Ха, марвлик... бир савдогарнинг ўғли эдим. Чинмочинга карвон билан кетаётиб Самарқандда бир ойча тўхтадик. Отам савдо ишларини юритгани қайгадир кетар, мен кундузи шаҳар айланардим. Йигирма иккига кирганман... Чорсу майдони энг яхши кўрган жойим бўлиб қолди, кунни шу ерда кеч қилиш менга ёкарди. Бозор айланардим, ит уриштиришларни, бедана жангини жуда хуш кўрардим. Ҳамма кўчаларга, маҳаллаларга бир-бир кириб чиқдим.

Бир куни мана шу Хонқали кўчасига кирдим у бошимга шундай балолар ёвилди. Кўчада кетаётган эдим, муюлишдан юзларини ярим тўсган бир қиз югуриб чиқди-да, олдимга келиб: «Мени паноҳингизга олинг! Иккитаси қувиб келаётибди!» деди жонҳолатда. Кўзларида ёш вилтиллади. Шу пайт муюлишдан бири новчарок, бири миқтидан келган қиличбурун иккита йигит чиқиб келди. Улар қизга ҳамла қилишиб қолди. Қиз пинжимга кириб олган... Халиги қиличбурунни шапалоқ билан тортиб юбордим, новчасининг қорнига тепдим! Қочиб қолишди... Ўзимни қолиб сезардим. «Сизни уйингизга элтиб қўяман, бўлмаса халигилар тағин йўлингиздан чиқишади...» Қизнинг: «Қўйинг!...» деганига қарамадим. Мен олдинроқда, у оркароқда йўлга тушдик. Ниҳоят

бир уй олдига келдик. «Уйимизга кириб хордик чиқариб кетасиз...» деди қиз бирдан. Вужудимга титроқ кирди. Худо шохид, шу пайтда маишат, айш-ишрат ҳақидаги гаплар миямни чулғаб олди. Қизнинг кўзларига тикилдим — шахло кўзлари нозли табассум билан боқар, мени ҳеч қўйиб юборгиси келмас, ширин қутқулар оғушида фарқ эди. Ичкарига кирганимни билмай қолдим. Пасқам ҳовли экан...

Гунгнинг қўллари толди шекилли, ҳикоя қилишдан тўхтади. Хўрдак Бухорий дам гунгга, дам Кумарга қарар, қиссага ишонишини ҳам, ишонмаслигини ҳам билмасди. Ҳамма Кумарнинг соқов билан бемалол гаплаша олганига қойил эди.

Ахий Жаббор Кумарнинг бошини силади:

— Ҳаммасини тушуниб оляпсан-а?

— «Уҳм!», «Уҳм!» — тасдиқлади гунгнинг ўзи, яхши гапиряпти, деган маънода.

Тун салтанати фуқароси Бобо Султон индамай эшиттар, гапларни жон қулоғига қуйиб олар, янгиликлар айтишда энди рақиби Соҳиб Чангални ҳам танг қолдириши мумкинлигини ўйлаб қувонарди.

... — Пасқам ҳовли экан, — давом эттирди ҳикоясини гунг. — Атрофи баланд девор билан ўралган. Киришимизданок қиз дарвозани занжирлаб беркитди. Уйга кирдик. Чиндан ҳам парёстиклар қўйилган, тўшаклар солинган. Дастурхон тўла ноз-неъмат... Тўшакка энди ёнбошлаган эдим, чап томондаги эшикдан хали кўчада мендан шапалоқ еган микти гавдали қиличбурун йигит қўлида ханжар билан чиқиб келди, ўнг томондаги эшикда новча бўйли иккинчи йигит кўринди. Қиз халигиларни кўриб дод солиб юборди: «Йўқолинг! Қайдан келдингиз бировнинг уйига! Войдод!» Қиличбурун қизнинг оғзини бекитди: «Жим бўл! Агар финг-пинг десанг қорнингга мана шуни ботириб оламан!» У дудама ханжарни кўрсатди. Қиз кўркиб индолмай қолди. Мен уларга қандай ҳамла қилишни ўйлардим, қўлимда қуролим ҳам йўқ... Шарт эгилиб парёстикни олдим-да, қиличбуруннинг юзига отдим! У қутилмаган ҳужумдан эсанкираб қолди. Шарт унга ташландим, мақсад, ханжарни тортиб олсам дердим. Ханжар тутган қўлини билақдан маҳкам қисдим-да, ўзига қараб қайира бошладим. Кучим етмас эди. Хонага бирдан яна икки йигит кириб келди, билмайман,

улар ердан чиқдими, осмондан тушдими... Кимдир шу пайт елкадан ушлаб қаттиқ силтаб тортиб олди, қўлим қиличбуруннинг билагидан сидирилиб чиқиб кетди, хан-жарнинг дамига урилиб икки жойидан тилинди. Қўлимдан қон оқарди. «Хали дилдор билан маишат қилмакчи эдиларми?» деди новча бўйли йигит, мени ўша тортиб олганди. Мен, кўчада ёнимга паноҳ тилаб келган қиз ҳам, қувиб келган икки йигит ҳам, ичкарига таклиф этилишим, дарвозанинг занжирланиши, яна ўша йигитларнинг пайдо бўлиб қолиши — бари-бари илгаридан режалаштирилган, моҳирлик билан пишитилган ўйин эмасмикин, деган хаёлга бора бошладим. Афсуски, ахвол шундоқ эди, бари мени қўлга тушириш, тузокка илинтириш учун қилинганди.

Фавқулодда бир куч билан новчанинг қўлидан силтаниб чиқиб олдим. Ўгирилдиму қорнини мўлжаллаб боплаб тепдим! Новча шуни кутиб турган эканми, узун қўллари билан оёғимдан шарт тутиб олди-да, ковуғим аралаш зарб билан тепиб юборди! Кўзимдан ўт чиқиб кетди! Букчайиб ётиб қолдим. Ўзимдан кетибман... Неча соат, неча кун ўтганини билмайман. Бир пайт ўзимга келсам, дахшатли фожеа юз берибди: тилим йўқ! Беҳушлигимда тилимни суғуриб олибдилар! Майибу ногирон, гунгу соқов бўлиб қолдим... Бу ерга худди мендек, мана бунингдек, одамлик қиёфасидан айрилиб қолган тилсиз ва ногирон махлуқлар керак экан, токим бу ердаги гапларни гапиролмасин, бир ёққа чиқолмасин...

— Ким ўша новча? Ўша тепган? — Хўрдак Бухорий гунгнинг аламли хикоясини бўлди. — Ноинсоф! Ким экан? Билдингму?

— Шу ердами ўзи? — гапга аралашди Калтатой.

— Кишини шундоқ ҳам хўрлайдиларми? — деб юборди Мавлонозода. — Қабиҳлик бундан ортиқ бўлмас!..

Ахий Жаббор бемисл азобларга чидаб, яна ўзини йўқотмаган бечора йигитга раҳми келиб кетди.

— Ўзи кимнинг дарвозаси бу? Соҳиби ким экан? — сўради у.

Энди ҳаммани шу нарса қизиқтирарди.

— Бу дарвозаларнинг соҳиби Қора арлот... Қора арлот дейишади, ўзи бу ерларга келмайди, уни кўрганимиз ҳам йўқ... Бир одам тез-тез келиб туради, ўтгиз бешларда, қорин қўйган, қуюқ туташ қошлари кўзини

тўсган... Бошида тайласон... Ўша Қора арлотнинг одами эмиш. Отини Жаммазабон — Жаммазабон?! Ҳа, ҳа Жаммазабон дейишади. Бу ерда ер тагида сарой бор, бу саройга бизларга йўл йўқ. Мен ўз кўрғонимдан бошқасини билмайман, шеригим ҳам шундоқ, фақат ўз кўрғонидан чиқолмайди. Саройга йўлак билан тушилади, уни фақат шеригим билади, бошқа одам кидириб тополмайди. Саройда ҳар ёқдан ўғирлаб келинган қизлар яшайди, уларнинг ғунчачи-энагалари бор. Қизлар йигирма-ўттиздан ортик бўлса керак... балки ундан ҳам кўпдир... Бари Қора арлотнинг чўрилари. Улар Қора арлот тўшагининг гуллари... Сўнгра бу гуллар Хонлиқ оқа хонадонига бориб бўй таратишади...

— Қочиб кетсанг бўлмайдимиз? Дарвозани очишни билар экансан? — Гунгнинг гапини кесди Ахий Жаббор тоқатсизланиб.

— Қаёққа қочамен? Хору расво, майибу майриқмен. Қайга борамену кимга керакмен? Энди мен учун бари тамом. Юртим эса олисда... Кетиб қолмасин деб мусофирларни танлашади... Лекин бир марта қочиб кўрдим... Тутиб олишиб ёмон калтакладилар... Бу ердаги эркакларнинг бари ахта қилинган, барчасини Қора арлот сотиб олган экан... Хўш... Қўлим бут, кучим етарли... Менга зулм ўтказган ўша қиличбурун ва новча билан ҳали учрашамен, ҳали...

Гунгнинг фожиали қисмати барчани дол қолдирди. Иккинчи гунг ҳам, маъқул дегандай, дам-бадам бош тебратарди. Кўрғоннинг тўрт бурчагидаги шамлар кечанинг ғира-шира пардасини ёриб ўтолмас, чеҳраларни ёритолмас, хижил юракларни баттар сикарди.

Мавлонозодани хайратга солган нарсалардан бири, гунг хикоясида Жаммазабон девонбеги номининг эслаб ўтилиши эди. Ие! Бу маккор, бу баддин, бу бадкор!.. Жаммазабон-ку, аниқ бўлди, аммо Қора арлот дегани ким экан? Садр Сулаймон мадрасасининг толиби илми Самарқандда бундай нисбали киши борлигини эшитмаган.

— Ер тагидаги саройга бошлаб борсин бизни! — деди Ахий Жаббор сабрсизлик билан. — Бошлаб борсин! Кумар, тушунтир!

— Мен ҳам кашмирлик бир савдогарнинг ўғли эдим... Менинг қиссам ҳам шеригимниқидан қолишмайди... —

сўз олди иккинчи гунг. — Яхшиси, эсламай кўя қолай... Аммо ер ости саройнинг эшигини очаман!.. Ўша бизларни одамликдан чиқарган каслар билан бир ҳисоб-китоб қилажагимиз бор!

— Балли, балли! — қувватлади Хўрдак Бухорий. — Ана ўшаларга сизнинг ўзингиз жазо берурсиз!

— Микти гавдали қиличбурун йигитни олу, аммо новчасини менга кўйиб қўясен, қадрдон! — кўшилди Ахий Жаббор. — Бир отамлашаман!..

— У ёқда нима бор ўзи? Неча одам бор? — сўради Мавлонозода.

Иккинчи гунг жавоб берди.

... — Ер ости саройига, афсуски, бизлар тушмаганмиз, кўрмаганмиз... Аммо ўша саройга лаҳим йўл олиб борармиш... — Бу гапни биринчи гунг ҳам тасдиқлади. — Фақат шовқин қилиш керак эмас...

Ҳамма лаҳим йўлга тушиб, ўша ер ости саройини тезроқ кўргиси келиб тоқатсиэлана бошлади.

Вақт хуфтонга яқинлашиб қолганди. Гунглар мураббаъ кўрғоннинг чап бурчагига қараб юрдилар. Қалин ажриқ оёқ остида сассиз эзиларди. Бу кўрғонни иккинчи гунг билан осмондаги булутлару учиб ўтган қушлардан бошқа ҳеч ким кўрмас, шундоқ сирли маскан, табиийки, Хўрдак Бухорий шерикларини тобора хайратга чулғарди.

Иккинчи гунг кўрғоннинг бурчагига борди-да, эгилиб қўли билан ниманидир ушлаб даст кўтарди. У қопқоқ эди, устига худди ажриқ рангида мато ёпилган, бир қарашда ажриқдан ажратиб бўлмасди. Ҳамманинг кўз олдида гўрдай қоронғу лаҳим йўл очилди.

... — Бизларга кирмак манъ қилинган... — деди иккинчи гунг.

Ахий Жаббор шартта бурчакдаги шамдондан шамни олди:

— «Таваккал ту алолло»ни деган эр, на толқону на қалқоннинг ғамин ер! Бисмиллохир раҳмонир раҳим!.. — дея лаҳим томон қадам қўйди. Иккинчи гунг қўлида нимадир тутиб, барибир, унга эргашди. Садр Сулаймон мадрасасининг толиби илми Мавлонозода ҳам улардан қолишмасликка ҳаракат қилди. Биринчи гунгни кўрғонда қолдирмоқчи эдилар, у кўнмади. Ҳаммалари лаҳим йўлдан ер остидаги сирли саройга туша бошладилар.

Бир тобора кирни бўяш учун ранг олгани Кумар билан бозорга йўналган Жаҳон бика Чорсу майдонида номаълум одамларнинг қўлига тушганидан кейин, нима бўлганини билмайди. Унга қоп кийдиришиб, отга ўнгариб қаёққадир олиб кетишди. Қопнинг паст томони ҳар жой-ҳар жойидан тешиб қўйилганди, ундан ҳаво кириб турарди. Қоп ичида ёруғ дунёси куппа-кундузи қоронғу бўлган бечора қиз, қулоқларига пахта тиқилган, кўзию қўллари боғлиқ ҳолда от устида ўнгарилган кўйдаи тебраниб борар, оёқчалари билан тепинаётгани шундоқ кўри-ниб турарди. У отлиқларнинг бир-бирови билан гангир-гунгир сўзлашиб бораётганини эшитарди-ю, сўзларини фаҳмламасди. Ниҳоят отлиқлар тўхташди. Жаҳон бикани кўтариб олдилар, сўнг зинама-зина қайгадир пастга туша бошладилар. Олдинда микти гавдали қиличбурун йигит борар, қизни кўтариб олганидан хансирарди. Жаҳон бика бир қулоғидаги пахта сал бўшашиб қолгани сабаб баъзи гапларни эшита бошлади. Бирдан қандайдир қизлар чувилладилар:

- Вой, шўрим!
- Яна бир бахти қаро келди!
- Сен бечорага ҳам шу қараб турган экан...
- Мана бу кузғунлар ўлмади, биз қутулмадик...
- Яшшамагурлар!
- Ўзи ея олмайдиган кузғунлар! Бундоқ бўлгандан қора ерга кирган яхшироқ!
- Турқинг гўрда чиригурлар!
- Баримизнинг гунохимиз сенларнинг бўйнингда!

Йигитлар ҳеч нарса дейишмас, афтидан улар бундай аччиқ гапларни кўп марта эшитишган, шундан бўлса керак, бепарво боришарди.

— Хай, тилингда чипкон чикқурлар! Бас қилинглар! Уят бўлади-я! — деди ўрта ёшлардаги бир аёл ёндош хонадан чиқиб келар экан. Ясан-тусан қилиб олган бу аёл, худди ёш қизлардек жилпанглар, ёши ўтиб қолганига карамай, ажабки, қилиқлари ўзига ярашиб турарди.

— Қабул айланг, Гунчачи бегим! Бундақаси ҳали келмаган... Қора арлот тилаганича бор экан... — деди мақтаниб қиличбурун йигит, Жаҳон бикани ерга қўяр экан.

Қизлар даҳшатни сезиб, дарахтнинг ҳар жой-ҳар жойига қўниб олган чуғурчиқлардай гувранишар, чувиллашар, турли усуллар билан Қора арлот чангалига тушиб қолган бахти қора мунгликларнинг бирдан-бир чораси ҳам шу эди.

— Овозинг ўчгурлар, хей, мунча жаврашасан? — зуғум қилди Фунчачи бегим. — Қиз бола деган ҳам шунақа бўладими? Хе, қиз бўмай қизил итга ем бўгурлар!

— Ўзинг жаврамай ўл, қариб қуюлмаган мочағар! Зулук! Чаён! — қичқирди қизлардан бири аламли.

— Зулук! — қўшилди иккинчиси.

— Чаён! — қувватлади учинчиси.

— Илон!..

Фунчачи бегим гапни бошлаган ким эканлигини би-лиш учун қизлар томон юрди. Қизлар, бўри келаётганини кўриб қочишга жой тополмай, бурчакка қисилишган кўйлар каби писиб қолдилар. Фунчачи бегим айбдорни топиб, яшшамагурнинг бир адабини бериб қўймоқчи бўлди-ю, фурсати эмаслигини сезиб, ҳамма ғазабини кўзига жойлади. Терилган қошлари чимирилганидан бир-бири билан туташди.

— Сен ер ютқурларни чатаноғингдан айириб отнинг думига боғлатиш керакку-я!.. — деди тиш орасидан у.

— Бундок хор бўлиб яшагандан кўра отнинг думида ўлган минг марта афзал! — тарсиллатди бир қиз тап тортмай.

Қизга бошқалари қўшилишди, кий-чув бўлиб кетди. Асира бўлиб ётган қизларнинг таънали гапларига жавоб бермаслик энг тўғри йўл эканлигини англаган Фунчачи бегим шарт бурилиб Жаҳон бика солинган қоп ёнига келди.

— Нега қопни дарров очмайсан, галварс? — ўшқирди аёл миқти гавдали қиличбурунга, қизларнинг аламини ундан олиб. — Дарров оч, каллаварам! Нафаси қайтади!

Йигит қоп оғзини еча бошлади. Дағдағаю зуғумлардан қий-чувларини тўхтатмаган қизлар, қопдан ким чиқар экан, деб бирданига жимиб қолдилар.

Ҳамма «Вох!» деб юборди, қопдан чиққан Жаҳон бика эса бегона жойга келиб қолган, имкон топилса қочишни мўлжаллаб турган охудай, атрофга жавдираб

қарар, бирон-бир хайрихоҳ назар, нигоҳ кидирарди. Қизлар орасида шивир-шивир бошланди:

— Мени ҳам шундоқ қоп ичида олиб келишганди...

— Ўлсин бу қоп! Бошга битган бало!

— Келишган, дўндикқина экан...

— Дўндик эмас, пўндикқина экан!

— Ҳазиллашмай ўл! Биров ўлай деб турибди-ю, хазилга бало борми!

— Пешонанг курсин!

— Аммо кўринишидан ғайратли!..

Ҳамма гапирар эди-ю, ҳеч ким қизнинг ёнига келмасди. Афтидан, Фунчачи бегимдан хайиқишарди.

Фунчачи бегим, дарров Жаҳон биканинг пешонасидан ўпиб:

— Хуш келибсан! — деди, сўнг қўлларидан ушлаб бағрига олди-да, микти гавдали қиличбурунни жеркиб берди:

— Шундай паричеҳра гўзал қизни минг азобда олиб келибсизлар, яшшамагурлар! Сенлар қизларнинг кадрили қаёқдан билардинлар, инсофсизлар! Боринг, қорангизни кўрсатманг!

— Ҳеч сасиши қолмади! Қачон қарасанг сасигани-сасиган! — бировга эшиттирмай деди қиличбурун орқага қайтар экан.

— Анов қизни юпатиш учун қилаётир, — тушунтирди новча. — Сарқордан хафа бўлма...

— Э, сарқорингни...

Йигитлар ўз хоналарига кириб кетишди, улар ҳам шу саройда туришар, қизларни ўғирлаб келишдан ташқари, қўриқчилик ҳам қилишарди.

— Она қизим, она қизим! — эркалади Жаҳон бикани Фунчачи бегим. — Сени қийнашдими? Ҳали мен уларнинг бир адабини бериб қўяй, менинг совунимга кир ювмабди хали! Ҳа...

Нотаниш жойга келиб қолган Жаҳон биканинг бу гаплардан кўнгли эриди, беихтиёр Фунчачи бегим орқасидан юрди. «Бу аёл яхши феъллик кўринади, кетиш йўлларини айтиб берса ажабмас!..» деб ўйлади қиз. Жаҳон бика бу ерда бир англашилмовчилик юз берганига, бировнинг ўрнига адашиб уни ўғирлашиб келтиришганига ҳеч шубҳа қилмасди.

- У қўшмачининг ширин гапларига ишонма, хой киз, ишонма! Ширин гапириб жонингни олади у, ха!
- Зулук!
- Илон!
- Чаён!.. — чуғурлашарди асира қизлар.

* * *

Гунчачи бегим Жаҳон бикани бир лаҳза ёнидан жилдирмади, қизлар билан учраштиришга қўймади. Унинг усули шундок эди. «Бирон нарсани гапириш учун, аввал қизнинг этини ўлдириш керак, киз бола хуркак оҳунинг ўзгинаси!», — дерди у. Аввало, Жаҳон бикага меҳрибонлик кўргизди, ота-онасини суриштирди, қайси маҳалладан эканлигини сўради.

— Падари бузрукворимни Абу Бакр Калавий дейдилар, Наддофлар маҳалласи оқсоқоли, волидамнинг отлари Қорасоч бика...

— Жуда чиройли исм экан-а, волидангни исмлари!

— Билмадим, волидамнинг ахволи не кечди?..

— Ха, яшшамагурлар! — қарраб қўярди Гунчачи бегим кизни ўғирлаб келган йигитларни атай. У қизнинг ғайратли эканлигига эътибор қилди. — Менинг қизимни онасидан айирди-я! Бир бегуноҳ кизни шу қўйларга солиб-а...

— Мени уйимга юборинг, ота-онамнинг бағри қон бўлиб кетгандир, опажон! — деди Жаҳон бика зориллаб. Қизнинг кўз олдида падари бузруквори сиймоси келди: Абу Бакр Калавий қизини йўқотиб қўйиб, нима қилаётган экан? Нега ўйламай бозорга юбординг, деб онамларга азоб бермақдаларми? Йўқ, у киши юмшоқ феъл, айниқса онамларга ҳеч ҳам қаттиқ гапирмайдилар, фақат аламлари ичида, ўз ёнига ўзи қовурилиб юрган бўлсалар керак... Қизини қидирай деса еру жаҳонда йўқ... Онаизори-чи? Бир ўзи уйда ўзи ёниб, ўзи ўчиб, ғурбатга гирифтор бўлиб, ранг олиб келишга юборган қизини кутиб ранглари сарғайиб ўлтиргандир? Кумар нима бўлдийкин? Ўшанда отлиқлардан биттаси, ёш бола демай, уни қаттиқ тепди, оёғинг сингур. Кумар пишиқ бола, у ҳамма бўлган гапни отасига етказди, Мавлонозодани ҳам хабардор қилади, ха... эшитиб Мавлонозода зинҳор тинчиб туролмайди, бунга қизнинг имони қомил.

— Пайти келсин, ўзим сени қочириб юбораман, хўпми, қизим?

— Раҳмат, опагон! Яхшилигингизни асло унутмайман!

Бир куни Ғунчачи бегим Жаҳон бикага шивирлади:

— Энди, қизим, қиз бола деган бировнинг хасми бўлади. Ҳандалак етилса банд беради... Пишган олма узилиб ерга тушади... — чарс ва шартаки қизни чўчитиб юбормаслик учун гапни узоқдан бошлади Ғунчачи бегим.

— Бу нима деганингиз, опагон? — Жаҳон биканинг қошлари чимирилди.

— Ҳа... Сени қочириб юборадиган пайт келди, қизим, деганим...

— Ана! Вой қандай яхши! — хурсанд бўлиб кетди гофил қиз.

— Аммо бир шарт бор...

— Қандок шарт?

— Айтаверайми?

— Айтаверинг.

— Йўқ... Эртага айтаман.

— Айтаверинг! Бу ерда тонг отганиниям, кун ботганиниям билмайсан, кеча-кундузнинг фарқи йўқ экан...

— Бўлмаса, — деди Ғунчачи бегим. — Мен айтаман, сен эса, ха деб турасан... Сўз бер!

— Сўз бердим.

— Шинам хона... Ҳа, деб тур! — бошлади хотин.

— Ҳа... — хушламайгина деди қиз хайрон.

— Ипак гиламлар...

— Ҳа...

— Тахмон тўла бахмал кўрпалар...

— Ҳа...

— Ипак тўшаклар...

— Ҳа...

— Пар ёстиклар... Ноз-неъмат тўла дастурхон...

— Ҳа...

— Тўққиз қават кўрпа солинган юшоқ ўрин...

— Ҳа... — Жаҳон биканинг тобора хайрати ошиб борарди. У Ғунчачи бегимнинг гапни қаёққа бураётганини идрок этарди, аммо шунчалик юзсизликка бормаса керак, деб ўйларди.

— Паҳлавон йигит...
— Нима? — сўради қиз. — Нима дедингиз?..
— Сен, ха, деб тур, дедим-ку! — Хотин ўпка қилган бўлди.

— Гапирманг, худо олсин сизни! Бас, йўқ дейман!
— Паҳлавон йигит сенга ҳадялар этса... Сўнг оғушига олиб ширин гаплардан деса... Эркалатса... Кейин...
— Бас қилинг! — деб юборди Жаҳон бика. — Беандиша гапларни гапирманг! Сўзларингиз дилимни куйдираётир!

— Ие! Айтганларимнинг нимаси ёмон?.. Не-не қизлар шундай кунларга етарманми, деб орау қиладилар-ку... Сенинг юлдузинг ёруғ экан...

— Бу гапингизни ўшаларга айтинг!

— Уларга айтсам-ку, жон дейишади-я! — кулди Фунчачи бегим. — Менга ҳам биров айтса экан, қанийди...

— Боринг ўзингиз! Бировга айтиб ўлтирасизми?

Жаҳон биканинг гапи Фунчачи бегимга ботиб кетди.

— Шунақами ҳали? Мен сенга яхшилик қилмоқчи эдим билмадинг. Демак, сен ҳам ана бу қайсарлардай шу ертўлада қопкетмақчи экансан-да? Қопкетиб бўлсан! Тур ўрнингдан, қанчиг! — зуғум билан деди «меҳрибон опа» бирдан, энди ҳалиги мулойим гаплардан асар ҳам қолмаганди. — Эсиз вақтим! Сени анови манжалақиларга қўшиб қўймасам, мен ҳам юрган эканман! Таъзирингни емайсанми! Мен сени подшозодалар, ҳокимзодаларга раво кўргандим. На чора! Энди ҳамма қатори, ё бирон савдогарга насиб этасан, унинг тагида фил эзган гулдек топталасан, ё бобилхонада истаган пулдорга бағрингни очиб турадиган бўласан! Мени билмас экансан! Мен айтганимни қилдирадиган хотинман! — жазаваси тутиб кетди Фунчачи бегимнинг.

— Вой, ў-ўл... уятсиз... — қўллари билан юзларини яшираркан деди Жаҳон бика...

— Мени билмас экансан! Мен Самарқанднинг энг олд гўзали, хуриликоси бўлганман. Бир оғиз сўзим учун Зарафшонни тесқари буриб юборишга тайёр эдилар! Мен Амир Қозоғоннинг гунчачисийдим, Ҳисори шодмон ҳокими Баён сулдуз изимдан юриб ахири висолимга етишди. Баён сулдуз ҳалок бўлгач, мени Балх ҳокими Амир Ўлжойту сулдуз олиб кетди... Боринг ўзингиз, эмиш!

Борсам боравераман! Сендайларнинг ўнтасини хизмати-ни қиламан ҳали ҳам, ҳа!..

Жаҳон бика хайратда қотиб қолди! Рўпарасида беозоргина бўлиб юрадиган Фунчачи бегим эмас, балки оламинг расамадини виждон сотиш билан ўлчайдиган, бу дорилфурурдаги умрни фақат айш-ишрат билан баҳолайдиган юзсиз бир хотин турарди. У ўрнидан шарт туриб ортига чекинар экан, чидамай деди:

— Айтганларинг оғзингдан чиқиб ёқангга ёпишсин! Ўзингдан бери келмасин! Ҳе, айнамай ўл! Афсуски, қиличим йўқ, бўлганда шу онда бошингни танангдан жудо қилардим! Мени ҳам билмас экансан!

— Қилич? — сўради бирдан Фунчачи бегим. — Хо-хо-хо! Қилич эмиш! Қилич берса қандай ушлашни ҳам билмасанг керак... — У Жаҳон бикага яқин келди-да, зуғум билан деди: — Сенинг ишинг қилич ушлаш эмас, Қора арлот қўйнида тўлғаниб ётиш! Шу ишни қиламан деганман, қилмасдан қўймайман!

— Бас! Бас! — чидолмаган Жаҳон бика фавқулодда бир куч билан Фунчачи бегимни бўға бошлади. Хотин додлашга турди. Қиз бу қилаётган ишининг нотўғри эканлигини англади, бўғишдан тўхтади-да, ялинишга тушди:

— Мени қўйиб юборинг! Худо хайрингизни берсин! Отамлар сизга катта пул берадилар!..

— Пулинг керак эмас! — кесди баджаҳл хотин, томоғни охишта силар экан. — Ўлдириб қўяй деди-я!

— Мол-дунё берадилар!

— Мол-дунёнг керакмас!

— Нима керак бўлмаса?..

— Нима керак? Хукқаи ганжинанг керак! Билдингми?..

Жаҳон беҳаё хотиннинг кўзларига қаролмай, қўллари билан юзларини яширди-да, аламли ингради:

— Йўк!.. Йўк!.. Йўк!..

Йигирма иккинчи боб

«ДУНЁ — БИР ФУНЧА...»

Самарқанд сарбадорлари жамоаси оқсоқоли Абу Бакр Калавий маҳалладаги ифторликдан қайтиб келди-да, уйда утиролмади, яна шаҳарга чиқиб кетди. Балки бугун Жаҳон бикадан бирон-бир хабар топилиб қолар...

У посбонлар билан саломлашиб, Хонқали кўчасига бурилди. Тун ўчган кўмирдек қоронғи эди. Хонадонларда чирок кўринмайди, барча ухлаган шекилли... Бирдан чапдаги эшикдан — бу Каримхожининг ҳовлиси эди — йигирмага яқин киши чиқиб қолди. Улар ифторликдан қайтишаётган экан. Абу Бакр Калавий ўзини четга тортди. Кимсасиз кўча бир неча лаҳза уларнинг говур-ғувирини билан андармон бўлди. Кўп ўтмай ҳамма уй-уйига тарқалди. Яна жимлик чўкди.

Ногаҳонда рўпарадан кимнингдир қораси кўринди. Юлдузлар ёруғида одамни илғаш қийин эди. Аммо Абу Бакр Калавий уни таниди:

— Мавлонозода? Тун-кечада нима қилиб юрибсиз?..

Муллавачча ҳам севгилиси тақдирдан хавотирда кечалари ухламай чиқар, нима қилишини билмай кўнглини доғлар, лекин бари ўзи билан Оллоҳ ўртасидаги бир сир эди, холос.

— Ассалому алайкум, Абу Бакр оға! Бир муллавачча дўстимникига бориб, қолиб кетдим, денг... — жавоб қилди Мавлонозода. — Ўзингиз ҳам бемахалда, ёлғиз...

«Бу томонда муллаваччанинг дўсти йўқ эди шекилли...» — ўйлади Абу Бакр Калавий.

— Каримхожи ифторлик қилди... Шундан келяпманда...

«Уйига, Чорсуга қараб кетадиган одам, тескари томонда нима қилиб юрибди?...» — деб қўйди ўзича Мавлонозода. У ўтган кеча ҳам Абу Бакр Калавийни узоқдан илғаб, унга кўринмасликка ҳаракат қилган эди.

Шу пайт нарироқдан кимдир ўта бошлади.

— Ахий Жаббор? — сўз қотди Абу Бакр Калавий. — Тун салтанати фуқароси?

Ахий Жаббор ҳам нима мақсадда юрганини яширди:

— Хабар етдиким, бу кўчада икки бегона одам юрибдур, деб...

Абу Бакр Калавий Ахий Жабборнинг бугун куча побони эмаслигини яхши биларди, чунки у ҳали бошқа одам билан саломлашиб ўтди-да.

Учови ҳам бу ерга Жаҳон бика илинжида келишганини сезиб туришар, лекин бир-бирларидан сир тутишарди. Бу хусусда ҳеч ким сўз очмади. Бошқа гапиришадиган гап йўқ эди ҳам...

Абу Бакр Калавий йигитлар билан хайрлашиб, уйга келганда, кечанинг икки ҳиссаси ўтиб бўлганди.

Озиб-тўзиб кетган Қорасоч бика индамай мунгли кўзларини унга тикди. Бу карашда минг бир савол муҷассам эди.

— Ётиб ухланг... — деди Абу Бакр Калавий. — Худо пошшо эгам...

Абу Бакр Калавий ноҳуш кайфиятларга дучор бўлганда, одатда, муаллими соний рисолаларини титкилаб кўнглига таскин топарди. Ҳозир ҳам шундай қилди. Кейинги кунларда «Ал-сиёсат ал-мадания» — шаҳарни бошқариш ҳақидаги рисола, бахт-саодатга эришув йўллари тўғрисидаги «Рисола фи-т-танбиҳ ала асбоб ас-саодат» китобини ўқиб бўлди. Бугун навбат уни энг қизиқтирган китобга етди: «Китоб аро аҳл ал-мадинат ал-фозила» — фозил шаҳар кишиларининг карашлари... Абу Бакр Калавий шам ёруғида китобни охиста варақлай бошлади. Бошлади-ю, тасаввурнинг бекиёс кучи хаёлнинг шиддатли дулдулида уни олис-олисларга, улф муаллим қошига олиб кетди...

...Абу Бакр Калавий миноралари юксак, мухташам бинолари савлат тўккан катта шаҳарга кириб борар экан, рўпарадан тугун кўтариб келаётган йигитдан туркийда: «Бу қайси шаҳар?» — деб сўради. Ҳалиги йигит сурёний тилида нимадир деди. Абу Бакр Калавий тушунмади, такрор — бу сафар араб тилида гапирди. «Бу ер Димишк!» — деб жавоб қилди ҳалиги йигит. Сухбат шундоқ шаҳарга кираверишда, катта боғнинг ёнида рўй бермоқда эди.

— Мен мусофирмен, Самарқанддан келмакдамен... — Абу Бакр Калавий йигитга тикилди. — Шу шаҳарда ватандошим бордир, менинг устозим... Балки билурсиз?

— Кимдир ул киши? Мен этикдўзман, кўп ичида юраман, билсам мумкин, — мусофирга илтифот кўргизди йигит.

— Муаллими соний, Абу Наср ал-Форобий... Туркистондан...

— О... ким билмайди дейсиз бу улуғ зотни! — қулфи дили очилиб кетди этикдўз йигитнинг. — Ул зотнинг кичикфеъллиги, камтаринлиги, тортинчоқлиги ҳаммани лол қолдиради. Оламга машҳур аллома эканликларига қарамай, фақирона кун кечирадурлар. Халаб ҳоқими Сайфуддавла алломани саройга чорлаб, ўша ерда истиқомат қилишга даъват этибдур. Аммо муаллим кўнмабди. Ҳоқим хазинани очдириб, истаганча бойликдан олингиз, деб фармон қилибдур. Ул зот, кунига тўрт дирҳамдан танга тилабдур, холос... Ажабки, у дирҳамларни ҳам етим-есирлар билан баҳам кўрар эканлар...

— Шундоқми? — сўради Абу Бакр Калавий.

— Худонинг бир куни Димишқ бозорида айланиб юриб, бир этикдўз йигитга кўзи тушибдур. Йигит тагчармни тишида тортиб, этик тикаётган экан. «Жуда каттиқ меҳнат қилар экансен. Бир кунда неча дирҳам топасен?» — деб сўрабдилар Ал-Форобий. «Икки дирҳам», — деб жавоб берибди йигит. Алломанинг раҳми келиб ўзининг тўрт дирҳамини ҳам бериб турадиган бўлибди... Камина ўша этикдўздурмен... Шундан бери ҳамсуҳбатмиз... Мен ҳар куни пиримдан бохабардурмен, егулик олиб келамен...

— Муаллими соний қаерда истиқомат айлайдилар?..

— Мана шу ерда, — деди йигит ўнг томонда ястанган катта боғни кўрсатиб. — Шу боққа боғбонлик қиладилар.

— Ие! Ёнларига келиб қолибмен-ку! — хайратда боғ томонга қаради Абу Бакр Калавий.

— Ўзлари ким бўладилар? — сўради йигит ўз навба-тида.

— Мен шогирдлари бўламен, Абу Бакр Калавий Увайс...

Танишиб олгач, йигит уни боққа бошлади, йўл-йўлакай Абу Наср ал-Форобий ҳақида хикоя қилиб борди:

— Бир марта пиримдан сўрабдилар: «Сен кўп биласенми ёки Арасту?» У жавоб берибди: «Агар мен ўша даврда яшаганимда, у билан учрашиб сабоқ олганимда, муаллимнинг энг егук шогирди бўлардим». Яна бир марта жуда қизиқ бўлган экан. Сайфуддавла, Халаб подшоси, саройда фозилу фузалолар мажлисини чақиртирибди.

Ал-Форобий анжуманга кирганда, подшо тахтда ўлтирган экан. У кирган одамнинг кимлигини билмабди, танимасни сийламас, деганларидай, бепарво алломага жой топиб ўлтиришни буюрибди. Ал-Форобий сўрабди: «Кандок жой топай — ўзимнинг мартаба-ю мансабимга қарабми ёки сенинг мартаба-ю мансабингга, обрўйингга қарабми?» «Ўзингнинг мартабангга қараб жой топ!» — дебди подшо. Пирим барча амиру алломаларни ортда қолдириб, тахтнинг олдига келибди-да, тиз чўкибди. Подшонинг дили каттик ранжиб, вазирга кўпчилик билмайдиган пинҳон тилда аста шивирлабди: «Мана бу турк саройда ўзини қандай тутишни билмади, беодоблик кўргизди, мажлисдан сўнг бир таъзирини бериб қўйинглар! Токи иккинчи бундоқ қилмасун!» Бунни эшитган Ал-Форобий подшога савол берибди: «Мен беодоблик қилмадим, қайси айбимга таъзимни бермоқчисизлар?» Подшо хайратдан бармоғини тишлабди: «Авомунносда бу тил пинҳондир, сен қаёқдан билурсен?» «Жуда кўп тил менинг ҳалвомдир, хотиржам бўлғил!» дебдилар пирим. Шу пайт мажлис аҳлидан кимдир ўртага масала ташлабди, мубоҳаса бошланибди. Саволга ҳеч ким жавоб бера олмабди. Ал-Форобий масалани барчага тушунтириб, шарҳлаб берибди. Ҳамма қойил қолибди. Шунда хайрон бўлган Сайфуддавла пиримга мурожаат қилиб: «Сен муаллими соний эмасмусен? Чунки сен қилган ишлар ёлғиз ўшанинггина қўлидан келадур, холос», дебди. Пирим тасдиқлаб бош тебратибди. Подшо танимаганлиги учун дарҳол узр сўрабди.

— Ана, муаллимнинг ҳурмати! — деб қўйди Абу Бакр Калавий.

— Фозилу фузалолар тарқалишгач, подшо энди мусикачиларни чорлатибди. Ал-Форобий мусикачилар билан ҳам теппа-тенг суҳбат қурибди. Бунни кўрган подшо сўрабди: «Муаллимлар муаллими мусиқа илмидан ҳам бохабармидурлар?» Аллома «ха» дегандай ишора қилибди. Гижжак келтирибдилар. Ал-Форобий гижжакни сайратиб юборибди. Унинг салоҳиятига астойдил тан берган Сайфуддавла, мана шундай анжуманларнинг доимий кўрки бўлинг, деб уни саройга таклиф этибди. Аммо муаллими соний бунга рози бўлмабди, халиги айтган тўрт дирҳамни тилаб олибди, холос...

Боғнинг катта дарвозасига етдилар. Ичкаридан тўкин-чочин ёзнинг ҳимматли нафаси тегиб қизарган олма-лар, болга тўлган шафтолилар, шира боғлаган нашвати-лар кўзга ташланарди. Боғ Сайфуддавллага қарашли эди.

— Пирим, хо, пирим! — деб чакира бошлади йигит. — Мен келдим!

Абу Бакр Калавий сабрсизлик билан дарвоза тиркишидан ичкарига қаради. Лоҳавло вало қуввато! Нечанеча йиллардан бери бир кўришга интиқ бўлган зот, оламга машхур аллома, улуғ ватандош Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад бин Ўзлуқ ибн Тархон ал-Фаробий ат-Туркий келарди! Эғнида туркча оқ яқтак-лозим, бошида охори кетиб қолган дўппи, манглайи Фарғона дехконларидай дурра билан танғилган, оёғига эса ҳеч нарса киймаган... Ўрта бўйли муаллими сонийнинг ёши-ни олтмиш беш-етмишларда чамаласа бўларди. Юриши ёшига қараганда илдамрок эди бу питрак чолнинг.

— Шошилма, тойчоқ, шошилма! — сас берди Ал-Фаробий.

Абу Бакр Калавийнинг юраги ҳапқириб кетди. У Туркистон фарзандини яқтагиданоқ таниб олди. Кўп йиллардан бери мусофир ерларда юрса ҳам туркона урф-одатлар, расм-русмларни, кийинишни унутмаган кўринади аллома!

Шу пайт дарвоза зулфини шарақлаб тушди-да, икки юзи кип-қизил, олпоқ соқолли питрак чол намоён бўлди.

— Мехмон бошлаб келдим бу сафар, пирим! — мактанди этикдўз йигит дарвозадан кираркан. — Юртингиздан, Самарқанддан...

— Ассалому алайкум, муаллим! — Абу Бакр Калавий кўксига қўл қўйиб таъзим қилди. — Она юртингиздан дуои салом олиб келдим. Самарқанду Бухоро, Шошу Фарғона салом йўллаб қолди...

— Ох, она тил, киндик қони тўкилғон тупроқнинг саси! Сен қанчалар буюксану нечоғлик тансиқ! Жарангинг жонга шифо, дарагинг дардга дармон! Хуш келибсен, азиз юртнинг ўғлони, кел!

Ал-Фаробий кучоқ очиб Абу Бакр Калавийни каттик бағрига босди, катта кўзларида нам айланди.

— Мен Абу Бакр Калавий Увайс...

— Увайс? Яъни шогирд?

— Ха, ха, шогирд. Мен олис замонлардан келдим, сизни зиёрат этмак максудим эрди...

— Оллохга шукрим, шундоқ кунларга ҳам нафас етди, мени излагувчилар ҳам топилиб қолди, қуллук, қуллук! Қани, тойчок, — деди этикдўз йигитга қараб Ал-Фаробий. — Қулбани оч, меҳмон атои худо деганлар!

Улар ораста боғнинг ўнг томонида жойлашган кичкина уй сари йўналдилар. Йигит уй олдидаги сўрига жой хозирлади. Сўрига ўлтириб фотиҳа қилган ҳам эдиларки, катта кўчадан шовкин-сурон, отларнинг кишнаши эшитила бошлади. Қўшин ўтмоқда эди.

— Бу не шовкин экан? — сўради Абу Бакр Калавий.

— Халаб подшоси Сайфуддавла Миср малигига қарши лашкар юбормақда... — Ал-Фаробий бош тебрлатди. — Қўшинни кўринг, ғанимлиқ созини чалиб, адоват оҳангида куйлаб бораётир... Муҳориба, жанг, савашин ваҳшийларга хос жиҳатлардир. Улар инсон табиатига зинхор яқин келолмайдилар, билъакс, инсон табиатига зид нарсалардир. Энди саваш тилағонлар ўзларини ваҳшийлар қаторига қўшиб қўйғонларини билишармукин? Маъракаи майдонга қадам қўймак ҳаммавақт ҳам мардлик аломати саналмайдур... Уруш — олам бахтига човут солгувчи баҳайбат ўлим қушидир. Унинг қанотларини кесмак лозим, токи парвоздан қолсун...

Абу Бакр Калавий ўлим қушини тасаввур қилди: қанотлари улкан қора қуш еру жаҳонни эгаллаб парвоз қилмоқда, борликни зулматга чулғамоқда, тириклик сабзасига ҳазон нафасини урмоқда. У учиб ўтган ерларда йўқлик шамоли тентираб кезади, мағрибу машриқни эгаллаган қанотларни кесмак учун бемисл қудрат, шижоат керак...

Этикдўз йигит, мана бир йилдирки, муаллим билан ҳамсухбат, аммо уруш тўғрисида бундай сўзларни эшитмаганди.

Кўчада шовкин-сурон тинмасди.

— Кишига тиг кўтармак бадхўйликдир. Бу Оллохга ҳам ёқмайдир, — давом этди муаллими соний каттакатта кўзларини Абу Бакр Калавийга тикиб. — Бойлигу зар учун ёт элга бостириб бормак, зўравонлик кўргиз

мак, душманликка бормак, ўзганинг тупроғини забт айламак, булар бари жоҳиллик белгисидир. Ахир бировга зўравонлик этмак — куппа-кундузи барчанинг кўз олдида ўғирлик қилмак билан баробардур. Қайдаки ор-номус доирасидан чиқиб ўғирликка қўл урилғон экан, бас, у ерда ёлғончи дунё даврон сурадир, сотқинлигу разиллик илдиз отадир. Бундоқ кишилар истикомат айлагувчи шаҳар, билинғизким, жоҳил шаҳардир, маърифатнинг ёнидан ҳам ўтмаган бир маскандир. Бундоқ шаҳар иллатлар ботқоғида қолғондир...

— Жоҳил шаҳарни яхши таърифлаб бердинғиз... — деди Абу Бакр Калавий, кўз олдидан бир-бир Жета хонининг неча-неча бор юртга бостириб киргани, жанг-параст амиру урушқоқ бекларнинг турфа хил кирдикорлари намоён бўлди.

— Хали жоҳил шаҳар таърифига киришмадим десам ҳам бўлаверади, қулун! — жилмайди Ал-Форобий. Муаллими соний кишиларнинг номини айтиб чақирмас, балки ҳамиша эркалатиб мурожаат қиларди. Абу Бакр Калавий муаллимнинг «қулун» деб суюб чақиршидан қувонди, ажабки, шу биргина сўз уни улуг алломага отаболалардай яқин қилиб қўйди. — Мен урушлар ҳақида айтдим, холос. Агар ўзимиздан киёс қилсак, Қутайба ибн Муслим босқинини назарда тутдим, у юртимизни забт этиб, кўп бегуноҳларни қиличдан ўтказди.

— Юртга бостириб кирган ёвузларга карши тиз қўтарганлар-чи? Хошим ибн Ҳаким — Муқанна каби... — сўради Абу Бакр Калавий. — Ахир улар ҳам уруш қилдилар...

— Ҳа, Муқанна, халқ қахрамони, етти йил жанг камарини белидан қўймади, саваш қурди. Қутайба урушидан Муқанна урушининг фарқи бордир. Қутайба ўзга заминига бостириб кирди — бу зўравонлиқдир, Муқанна киндик қони тўкилғон тупрокни химоя этди — чинакам ўғлонлик саботини кўргизди. Ватанни химоя айламак марднинг дил касамёдидир, юрагига қувват бергувчи эзгу туйғудир!

— Абомуслим янглиғ, — гап қистирди этикдўз йигит.

— Худди шундоқ, тойчоқ, худди шундоқ, — деди муаллими соний.

Шовқин пасая бошлади. Сайфуддавла қўшини ўтиб бўлаёзганди.

— Пирим! — қўймасди этикдўз йигит. — Мана, подшо Сайфуддавла сизни бағоят хурмат этадир, ўзини илму маърифатни кадрлагувчи деб таърифлайдилар. Унга урушнинг шундоқ зиён-заҳматини, ғоратдан бошқа нарса эмаслигини айтсангиз, кулоққа олармиди, Мисрга қўшин тортмасмиди, дейман...

— Филҳак Сайфуддавла маърифатни кадрлайдир, у хур фикр соҳиби эканлиги билан ўзга ҳокимлардан ажралиб турадир. Сайфуддавла анжуманларида этикоди мустаҳкам кишиларнинг ақидалари хусусида озоду малолсиз фикр юритиш мумкин. Аммо биргина Сайфуддавла англағони билан, иш ўзгариб қолмайди, афсус... Мухорибани йўқ қилмак жамоага боғлиқ... Мен Бағдодда яшағон чоғимда, тойчоқ, бир рисола бошлаб эдим, аш-шукрулиллаҳ, ўша рисола ниҳоясига еткурдим...

— Қандоқ рисола экан? — қизикди Абу Бакр Калавий.

— Фозил шаҳар кишилари қараплари ҳақида китобдир. «Китоб аро аҳл ал-мадинат ал-фозила» деб номладим уни. Рисолани араб лисонида туздим...

— Муаллим! Нечун рисола ниҳоясига олиб битмадингиз, балки араб тилида жамол кўргиздингиз?

Муаллими соний бир хўрсиниб қўйди:

— Нозик жойдан олдингиз, қулун... Замон тақозосию фалакнинг гардиши билан маълум бир даврда айрим тил зиммасига катта вазифалар юклатиладир. Санскрит тили шундоқ эди, юнон тили, чинмочин тили, сўнгра лотин тили шундоқ ҳолни бошдан кечирди, башар камоли учун улуғ хизмат этди. Маъқул тиллар баридан тутқонларнинг дасту узун бўлди, назарлари ўткир. Бизнинг замонамизда араб лисони ана шундоқ нуфузга минмакда, Арабу Ажамда уни билгичлар сафи қуюқлашмакда. Мен олам ҳақидаги ўйларимни туркий қалбимда пишитдим, вале араб тилида баён этдим, илло қалбимнинг ўртанишлари юртимнинг пучмоқларида қолиб кетмасун, балки башариятга пешвоз чиқиб борсун, дедим. Мухаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний Ҳосиб каби устодларнинг ҳам, англашимча, бири Хоразмни ташлаб, бири Фарғонани тарк этиб жаҳонга бўлиб юришларида андоқ олий мақсад мужассамдур. Агар она тилимизда

ижод этсак, Турон юртидан четга чиқмагимиз неча йиллар — балки юз йиллар — ортга сурилармиди... Баски, Хоразм ила Фарғона — фарзандлари туфайли номлари дунёга дoston бўлди. Улар замонга боқиб, она тупрокни улугламоқ учун йирокларда унинг шаънини тафаккур дурдоналари билан безадилар, ақлу заковатнинг шиддатли кучини тизгинлаб, Ватан шарафини мангуликка еткурдилар... Мен ҳам аларнинг шогирдимен, етмиш тилни ўргандим, ҳар бир тилда ижод этмагим, рисоалар битмагим мумкин эди. Мен араб лисонида қалам сурмакни лозим кўрдим. Она тилимизда ижод этмоғонимизни кечирмак мушкул эса-да, келажак авлодлардан умидимиз борки, зеро улар оқилу донодурлар, бизларнинг тутумимизни фаҳмлай олурлар!..

Орага жимлик чўкди. Ҳароратдан беҳол бўлган борнинг нафас олгани эшитилгандай туюлар, жимликни ўнг томондаги деворда уясини кидириб фингиллаб учиб юрган чумакарининг овозигина бузарди, холос.

Абу Бакр Калавий тил ҳақида савол бериб муаллимни анчагина изтиробга солганини сизди. У савол эмас, балки дашном бергандай бўлди. Ал-Фаробийнинг ўзлари юрт шаъни деб, илм деб мусофирчиликда юрибдилар, мусофирчиликнинг ўзи бир жазо-ку!

— Фозил шаҳар кишиларининг қарашлари ҳақида китоб битдим, дедингиз, муаллим... — Абу Бакр Калавий мавзуни ўзгартиришга уринди.

Ҳаёлга шўнғиб кетган Ал-Фаробий уйқудан уйғонгандай бир сесканди.

— Ҳа, ҳа, фозил шаҳар ҳақида, қулун, фозил шаҳар ҳақида... — Алломанинг чехраси ёришди. Фозил шаҳар ҳақида гапириш унга ёкиши кўриниб турарди.

— Умримни икки шиша идиш қисқартириб бормакда. Тирикчилигим ана шу икки идиш атрофида кечадир. Идишларнинг бири сиёҳ билан тўлатилғон, иккинчи май билан лиммо-лимдир. Биринчисида, донишмандлик мажмуасин ижод қиламен, иккинчисида юрагимдаги ғам-андухларни нари кувамен... Шу йўсинда олти мучал умр кўриб қўяётирмен ушбу дорилбақода. Ҳа, ҳа, қулун, — таъкидлади Ал-Фаробий Абу Бакр Калавийнинг «дорилбақо» сўзига эътибор берганини кўриб. — Мен ёруғ дунёни дорилфаном эмас, дорилбақо деб билурмен. Ҳар

бир кас ушбу дорилфанони дорилбақога айлантира олмаги лозим. Бу инсоннинг ўз илгидадур. Покиза меҳнат, эзгу юмушлар ҳамиша фанони бақога тенг қиладур... Тупрокдан ташқари тирикчилигимни тебратиб юриб, бир лаҳза тин билмадим, ҳамиша кўзим китобдаю кўлим қаламда бўлди. Юз элликка яқин китоб битдим, муаллим Арастутолис асарларига шархлар ёздим. Кўнглимда ардоқлаб келгон орзуимга эса эндигина етишдим...

— Қандок орзу экан, пирим? — сўради этикдўз йигит.

— Битган рисоаларим илмнинг турли соҳаларига, инсон руҳининг турфа кўринишлари-ю турмушнинг кўп масалаларини ёритишга бағишлангон. Уларда сийрату фазилат, ҳикмату хитоб, алфозу хуруф, қонуну киёс, жону нафс, китобу қофия, ахлоку адаб, мантиқу микдор, мадинату саодат, мусиқа ва рўё каби масалалар таҳлил этиладур. Табиатда бир махлуқ борки, уни маданий-ижтимоий махлуқ демак жоиз, бу — инсондир. У бор махлуқот ичида энг юксаги ва олий мақом даражада турғони саваладур. Инчунин, табиатда жаъми мавжуд нарса инсоннинг яшамаги, камолга етмаги учун хизмат қилмаги зарурдир. Яъни илм ҳам, меҳнат ҳам... Анови олма баргларини силаб ўтгон шаббодадан тортиб тоғларга тушгон қор, офтобнинг камалакдай нури-ю ариқчада жилдираб оқиб тургон сувгача, тафаккурнинг шиддатидан тортиб, орзуларнинг оламни қамрағувчи қудратигача, сўзнинг сеҳридан то билакнинг қувватигача, нознеъматдан бойлигу заргача — бари, бари инсон учун хизмат этмаги лозим!.. Агар инсон бўлмаса, буларнинг бари нега керак? Дур йўқ эса унинг қобиғи нечун зарур? Оламни кўнғирок деб билсак, инсон ўша кўнғирокка сас бергувчи тилдир, агар инсон бўлмаса, кўнғирок сас беролмайдур, олам бамисли кўзи беркилгон қудуққа ўхшаб қоладур... Ва ё суви қуригон сардобанинг ўзи бўладур!..

— Бас, шундан маълумки, — давом этди аллома бир оздан кейин бошига танғилган дуррасини ечиб, манглайини артгач, дурра изларини силар экан. Абу Бакр Калавий унинг кенг пешона эканлигини кўрди. — Инсон оламнинг тожи, ҳаётнинг кўрки чиройидир. Демак, ҳамма нарса унинг камолотга эришувига, бахт-саодатга етишу-

вига қаратилмоғи даркор. Фақат шу хусусда хамиша хаёлларга эрк бериб келдим. Инсон жамоаси ҳақидаги рисолам ана шундоқ мушоҳадалар меваси...

Муаллими соний дурраси билан елпина бошлади.

— Инсон жамоаси қандок бўлмоғи керак, муаллим? — сўради Абу Бакр Калавий, уни алломанинг ажойиб сўзлари тамоман ўзига махлиё қилди. Ал-Форобий янги битилган рисоласини олиб варақлай бошлади:

— Инсон табиатан шундай яралғонки, у яшамағи ва олиймақом камолотга эришмағи учун ўзида кўп нарсаларга мухтожлик сезадур. Бир ўзи эса бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлмақ учун жамоага эҳтиёж туғиладур, яъни инсон жамоа сафида бўлсун. Бундай жамоа ҳар одамга яшаш ва етукликка эришиш учун зарур нарсаларни етказиб берадур. Инчунин, инсон шахслари кўпайдилар ва Замин — рубъи маскунга ўрнашдилар. Инсон жамоаси ана шундоқ вужудга келди... Инсон жамоаси учга бўлинадур. Аввалан, буюк жамоа деймиз; бу барча жамоалар жамулжамидан пайдодир. Сониян, ўрта жамоа келадир, бу муайян халқнинг бирлашувидан иборат. Яна, кичик жамоа, бу муайян халқ яшаётғон шаҳарга айтиладир.

— Рисолангиз фозил шаҳар ҳақида экан, — деди Абу Бакр Калавий. — Демак, кичик жамоа ҳақида эканда?

— Бунинг сабабини тубандагича фаҳмлайдурмен, — тушунтирда давом этди Ал-Форобий. — Бемисл фаровонлик ва камолотнинг олиймақом даражасига аввало энг кичик жамоада, яъни бир шаҳарда эришмақ мумкин деб ҳисоблаймен. Қишлоқларни, турли масофадаги манзиллар, элларни бирлаштириб жамоа тузмақ дабдурустдан мушкулдир. Шул важдан муродни шаҳардан бошламақ хушдир. Чунки шаҳарнинг бу маънода афзалликлари бор, у маълум чегарали, бир майдонни эгаллағон, маҳаллалар бир-бири билан боғлиқ, муайян кўчалари туташма-туташ, уни бошқариш хийла осон кечадур. Аввал бир шаҳарда, сўнг иккинчси шаҳарда, ўзгаларида ўрта жамоа бино бўладур, кейинчалик буюк жамоа дунёга келадур...

Абу Бакр Калавий муаллими соний сўзларини эшитар экан, кўз ўнгида она шахри Самарқанд гавдала-

нар, ҳар бир сўзни унга қиёс қиларди. «Ҳа, Самарқанд маълум чегарали, муайян бир майдонни эгаллагон, маҳаллалари бир-бири билан боғлиқ, кўчалари туташма-туташ...»

— Жамоанинг пайдо бўлиши ҳали ҳолва, «ҳолва» деган билан овиз чучимас... — қулди муаллими соний. — Фалсафада мақулот, дерлар, микдор ва сифатдан иборатдур, жамоаларнинг кўпайиши микдорга оиддир, аммо ҳамиша сифатга боқилур, микдорга эмас, сифатга мувофиқ баҳо берилур...

— Жамоанинг сифатига баҳо бериладур, дедингизму?

— Бешак-шубҳа, қулун, бешак-шубҳа шундоқ! Микдор сифатга айланмоғи жоиздур...

Бир лаҳза жимлик чўқди. Чумақари ҳали ҳам деворда уясини тополмай гингиллаб учиб юрар эди. Аллома кўлидаги дуррани елкасига ташлади-да, этикдўз йигитга ўтирилди:

— Тойчок, чакки харид қилдингму? Бу ишинг чакки бўлмабди! Битта айрон тайёрлаб юбор! Меҳмон билан чанқовбосди қилайлик...

Этикдўз йигит айрон тайёрлашга кетди.

Ал-Фаробий энди шаҳарлар таснифига киришди. Шаҳарлар икки гуруҳга бўлинадир. Биринчиси — фозил шаҳарлар, иккинчиси — жоҳил шаҳарлар. Оламдаги шаҳарларга назар қилинса, афсус-надоматлар бўлсинки, фозилидан кўра жоҳили кўпроқдир ва балки фозили йўқ даражададир. Қулун бунга эътиборда тутсин.

Жоҳил шаҳар кишилари чинакам бахт-саодат нима-лигини билмайдилар, унга талпинмайдилар ҳам. Иқболдан бенасібдурлар, вале ишончлари ҳам йўқ. Уларга зимдан боқилса, худди бахтга етишгандай туюладилар. Яшашдан мақсад, дейди улар, соғлигу сарват, роҳату фароғат, кўнгил кўчасига эрк бермок, сохта шону улғворликни қўлга киритмоқдир. Жоҳил шаҳар кишилари мана шуларни бахт-саодат деб биладилар.

Лекин улар бундай маъмурчиликка қандоқ эришадилар? Мана шу лаънатга мустаҳик жиҳатлардир. Бу йўлда улар ўзаро душманликдан қайтмайдилар, бойлик учун тўхтовсиз кураш олиб борадилар, фисқу фасоду ғийбатга эрк берадилар, зўравонликка кўнгил қўядилар, ўғирлигу воратни олий мақсадга айлантирадилар. Бундоқ ша-

харда яшамоқ учун ҳамиша жанг қилмак, уришиб турмак лозимдур, деб ҳисоблайдилар. Бу эса оддий тилсиз, қувваи нотикадан бебаҳра, қувваи фикрийадан¹ маҳрум тўрт оёқли махлуқ қарашидан туб ўзга эмас!

Жохил шаҳарларнинг хили кўлдир. Биринчиси, лозим-лобид шаҳардир, бу шаҳар аҳли тирикчилик учун зарур, лозим бўлган нарсалар — емак, ичмак, кийим, ётиш-туриш ва жимоъ билан қаноатланадилар, бу йўлда бир-бирларига кўмак берадилар. Хўжанд, Марғинон ана шундай шаҳарлардандир.

Яна айирбош шаҳар бордир, унинг аҳли фақат боёиш, даромад орттириш учунгина яшайдир, бир-бирига ёрдам қўлини чўзадир, бу ерда сарватмандлик — умрнинг мазмунига айланадир. Тошкент, Бухоро ана шундай шаҳарлардандир.

Қабих ва бадбахт деб аталгувчи шаҳарнинг кишилари эса фақат емоқ-ичмоққа хирс қўйган, зинога муккасидан кетган бўладир. Улар туйғу ва тахайюлга таъсир этадиган роҳату фароғат, ҳузур-ҳаловатга интиладилар, ҳамиша хушчакчак бўлиш тарафдоридурлар. Айни пайтда, ўйин-кулгу, ишрат, вақтичоғлик ва эрмакнинг турфа хил кўринишлари-ю ҳолатларидан тап тортмайдилар. Байни Халаб шаҳри аҳлига ўхшаш.

Шухратпараст шаҳар кишилари доим ғараз юзасидан иш қиладилар, улар бениҳоя иззатталабдурлар, бир-бировини шухрат чўққисига чиқарсун, мактаб кўкларга кўтарсун, токи буни эшитиб ўзга халқлар ҳам уларни улуглай бошласунлар... Улар шу ниятдагина бир-бирларига ёрдам берадилар. Димишк ана шундай шаҳарлардандур.

Кейингиси риёсатпараст шаҳардир — кишилари ҳукм-фармоликка ўрганган, ўзгаларни қуллигу забунликда тутмакка иштиёқманд, аммо ўзлари ҳеч кимга бош эгишни хоҳламаган шаҳар. Уларнинг бутун саъй-ҳаракати ғолиблик нашъасидан келадурғон қувончга қаратилғондир. Бағдод шаҳри ана шундай шаҳарлардандур.

Шаҳватпараст шаҳар — кишилари завқи баланд, аммо эҳтиросларини тийишни билмағон, хоҳлаган ишларини қилмакка эркин бўлган шаҳардир. Самарқанд, Нишопур ана шулар сирасига киради.

¹ Қувваи нотика — ақл, қувваи фикрийа — фикр қуввати (араб.).

Бадахлок, беодоб шаҳар ҳам бордир, улар аҳли фозил шаҳар кишиларидек ҳамма нарсани биладурлару, аммо амалда жоҳил шаҳар кишилари тутумидан нарига ўтмайдилар.

Аввал фозил шаҳар бўлиб, бекарорликдан сўнг жоҳилга айланган шаҳар — ўзгарувчан шаҳардир.

Тагин бир шаҳар бор, адашган шаҳар дейдилар, унинг кишилари бахт-саодат бу дунёда эмас, у дунёда бўлади деб ҳисоблайдилар. Ал-Қоҳира ана шундоқ шаҳарга мисолдир.

Жоҳил шаҳар ҳокими ҳам ўша шаҳарга мос бўладир. У ўзини оқилу доно, одил деб билади, аммо ўзи шундоқ эмаслигидан фиррому ёлғонлик, такаббурлик ила ўзгаларни алдайдир, ҳаётнинг бор маъмурчилигию фаровонлиги, фароғати, биргина мен учун, дейдир. Унинг наздида, энг бахтли одам душманини енгган одамдир. Ғолиблар эса ҳамиша бир-бирини йўқ қиладир, чунки ўзгани даражаи камолга етмаган номукаммал ҳисоблайдир, ўзи учун хатарли деб биладир ва қулга айлантирадир, гўё у унга қул бўлишга яратилғондек...

Ушмундоқ фикрлар ҳам мазкур жоҳил ҳокимларнинг тафаккур хумдонида «пишган» фикрлардир: гўё, шаҳар кишилари орасида ҳеч қандай алоқа йўқ, биров бировнинг ҳақини, бемалол емаги керак, биров бировдан ҳайиксин, одам одам билан ўз ҳолича бирлашмайдир, балки зарурият, мажбурият юзасидан бирлашадир, муҳтожлик орқасидан келишишадир, икки одам бирлашса, шубҳасиз, бири ғолиб саналур, бири мағлуб...

Буларнинг бари ҳақиқат оинасига солиб бўлмайдиган фикрлардир...

— Жоҳил шаҳар ҳокимларининг, шундоқ шаҳар аҳлининг айёру маккорлигига эътибор айланг, қулун! — деди Ал-Форобий кўй кўзларини ундан узмай тикилиб турган самарқандлик меҳмонга. — Ваҳший махлуқларни овлашғонда, очиқдан-очиқ хужум қилинадир, айёрлик билан тузоқ ёрдамида қўлга киритиладир. Жоҳиллар ҳам шундоқ: ноз-неъмату бойликни очиқдан-очиқ талайдилар, алдову хийла ёрдамида қўлга киритадилар...

Абу Бакр Калавий кўз олдида Самарқанд ҳокими Садр Сулаймон келди. Самарқанд атрофидаги олти қишлоқдан олинадиган пахта даромадининг бешдан тўрт қисми, шаҳарнинг ўзида маҳаллалардан келган солиғу ўлпон-

лар, ахир куппа-кундузи қилинаётган талаш эмасми? Алдову хийла билан қилинаётган ўғирлик эмасми? Мад-расанинг вақфи деб белгиланган ерлар-чи? Мотурид гу-заригаги мойжувоз, новвойхона, Хожа Кафшир маҳал-ласидаги сополфурушлик, сомсапазлик дўконлари, Над-дофлар маҳалласидаги пахта дўкони, Хожа Гунжора қиш-лоғидаги тегирмон, бозор ичидаги каллапазлик, боккол-лик дўконлари, Соғарч қишлоғидаги юз таноб ер... Бу-лардан олинадиган даромад эмас, ғирт ғоратнинг ўзи-ку!... Жохил ҳоким эхтиросини тия олмай шахарни шах-ватпараст шахарга айлантирди, бобилхона очиб хоҳла-ган ишини килмакка эркин бўлиб қолди. Самарқанд шах-ватпараст шахаргина эмас, қабих ва бадбахт шахар рут-басини ҳам ола бошлади...

— Аммо одамнинг ўзга молини талашни хиёл пардали-дир. — Абу Бакр Калавий хаёлини бўлди муаллими соний. — Одам ҳужум қиладир-ку, лекин ҳақиқий мақ-садини яшириб, ўзини бошқа нарсага интилаётгондек қилиб кўрсатадур. Натижада ундан хавфсирамайдилар, ҳадикка тушмайдилар ва қаршилиқ кўргизмайдилар. У осонгина ўзининг қабих ниятига эриша оладир...

Шу пайт этикдўз йигит бир чапийда¹ айрон олиб келди. У чинний косага муздек айрондан куйди-да, му-аллими сонийга узатди. Нафас бўғиладиган иссиқда то-моғи қақраган аллома айронни кўрди-ю, оғзининг суви келиб кетди. Косани олиб роҳат қилиб симира бошлади. Бир томчи айрон оқиб соқолига тушди. Жимликдан энди чумакарининг ғинғиллаши эшитилмас, чамаси, уясини топиб олганди.

— Шукур Оллоҳга! — соқолини артар экан деди Ал-Форобий. — Мисоли она дарё Сирдарёнинг сувини ичгондай бўлдим. Ота-боболаримиз уни Энчиўғиз деб аташарди, Яксарт ҳам дейишарди...

Айрондан чанқоғини қондирган Абу Бакр Калавий муаллими сонийга юзланди:

— Бир нарса фаҳм айладимки, муаллим, бизнинг шахримиз Самарқанд ҳам жохил шахарлар сирасига кир-рар экан. Сиз уни шахватпараст шахарлар қаторига қўшдингиз... Самарқандни фозил шахарга айлантириш-нинг не йўли-ю йўсини бор экан?..

¹ Чапий — сопол идиш.

— Фозил шаҳарнинг ҳам ўз шартлари бор, қулун, — деди Ал-Форобий. — Аввало, инсон бахт-саодатга эришмаги, иқболига ёр бўлиб яшамаги лозим. Бандасининг рухий камоли унинг ўзига боғлиқ, ўз қўлида. Бахт-саодат нариги дунёда эмас, балки ёруғ дунёдадир. Унга эришмак учун инсонга фозил шаҳар жамоаси зарурдир. Жоҳил шаҳарда ҳеч қачон инсон бахтли бўлолмайдир!

— Фозил жамоа қандай тузиладир?

— Кишиларни чинакам бахт-саодатга эришув йўлида бир-бирига кўмак беришни мақсад қилиб қўйгон шаҳар фозил шаҳардир, иқбол висолига етишмак йўлида одамлари бир-бирига ёрдам қўлини чўзгон жамоа фозил жамоадир. Саодат жамолини кўрмак ниятида шаҳарлари бир-бирига холис кўмаклашгон халқ фозил халқдир. Агар толе-иқбол манглайини ўпмак мақсадида халқлар бир-бирларини қўллаб юборсалар, у холда бутун кураи Замин фазилатли, саховатли маконга айланадур! Бутун Ер юзи фозил жамоага бирлашадир...

-- Айтгонингиз келсун, муаллим!

— Айтгонингиз келсун!

Фазилатли бўлмак, яъни мукамалликка, даражаи камолга интилмак улуг хусусиятдир, бу биз инсонларнинг табиатимиздан келиб чиқади, — давом этди Ал-Форобий. — Камолот ва бахтга эришмакни ҳаёт, турмушнинг ўзи тақозо этадир...

— Тақозо этадир.... Хўш... — муаллими соний сўзини бўлди Абу Бакр Калавий. — Аммо қандоқ қилиб бахт-саодатга эришиладир? Унинг калити қайда?..

— Аввало фозил шаҳарга маърифат ва тарбия керакдир. Маърифат ва тарбия бахт-иқбол, саодат жамолини ёрқинлаштирадигон, унинг хизматларидан баҳраманд этадигон шарафли йўлдир. Маърифат, илм хуш ахлоқ ила безанмоғи лозим. Агар у бўлмаса, жамоа ваҳший махлуқот жамоаларидан бирига айланадур. Сониян, фозил шаҳарда косибчилик ривож топсин, дехкончилик, чорвачилик, тўқувчилик, балиқчилик юмушларини равон йўлга солмак шарт. Савдо йўлларида ҳар қандай тўсиқ олиб ташланиши зарур. Алқисса, фозил шаҳар бамисли соғлом бадан, солимул аъзодир, аъзолар бир-бирига боғлиқ, бир-бирига кўмакчи, акс холда, шаҳарда равнак бўлмаги мушкулдир. Ҳориб қолмадингизми, қулун?

— Асло! — деди Абу Бакр Калавий. — Бекиёс идро-кингиздан эсган майин тафаккур шаббодалари миямнинг пучмоқ-пучмоқларига жон руҳини олиб кирмакда, эй феъли эзгу! Бу менинг учун ажойиб тарихдир, нақлингизда фалсафа теран ва бебадалдир...

Ал-Форобий хаёлга чўмди. Оппоқ соқолини силар экан, катта кўзларига мунг чўкди.

— Ҳа, тарих — хотиранинг ўғлидир, шеърият — тасаввурнинг кизидир, фалсафа — идрокнинг фарзандидир... Айтгонларим авлодларимга тарих бўлиб қолажак, шеъриятга тасаввур беражак, иншооллоҳ... Хўш... қандоқ қилиб бахт-саодатга эришмак мумкин, деб сўрадингиз. Шундоқми, қулун?..

— Шундоқ, муаллим, шундоқ!

— Юкорида зикр этгонларим рўёбга чиқса, бахт-саодат ўша. Аммо бу фозил шаҳар ҳокимига боғлиқдир...

— Фозил шаҳар ҳокимига?

— Фозил шаҳар ҳокимига! — тасдиқлади аллома. — Ҳар қандай одам ҳам шаҳар ҳокими бўла олмайду. У ҳар томонлама етук, ўрнакка сазовор бўлсун, ҳам ақли тугал, ҳам тарзи гўзал, салоҳияти ўткир, руҳи тараккий этгон, фикри солим, сўзга чечан, нутқи равон бўлмаги лозим...

— Ё раббий! — деб юборди Абу Бакр Калавий. — Бир одамда шунча фазилат...

— Мен мухтасар дедим, аслида фозил шаҳарга ҳокимлик қилгувчидан ўн икки фазилатга эга бўлмаги талаб этиладур...

— Ўн икки фазилат?.. — сўради Абу Бакр Калавий. Чунки Самарқанд сарбадорлари жамоасига бошчилик қилмак умиди кўнглининг бир четида учқунланиб турарди. Самарқандни фозил шаҳарга айлантирмак мақсади тинчлик бермасди, шунинг учун ҳокимнинг фазилатлари уни бағоят кизиктириб қолди. Лекин бу ҳақда алломага оғиз очмасликка қарор қилди.

— Ҳамма ҳам фозил шаҳарни бошқариш имконига эга эмас, — давом этди муаллими соний. — Бундоқ одам, биринчидан, табиатан раҳнамолик, раҳбарликка мойил бўлмаги лозим, иккинчидан, иродали, салоҳиятли бўлсун...

— Булар, ҳалиги айтғонингиз ўн икки фазилатга кирадирму?

— Йўқ, уларни алоҳида айтамен, — жилмайди аллома. — Соғлом баданда ҳокимлик этгувчи юракка боқинг. Бошқа бирор аъзо уни бошқармайди, балки у ўзга аъзоларга раҳнамолик қиладур, йўлга соладур. Фозил шаҳар ҳокими ўшанга ўхшаб кетадур. Жамоанинг бирор аъзоси уни бошқармайди, аксинча у барчага раҳбарлик айлайди, чунки ҳар жиҳатдан даражаи камолга эришгон, фаолиятида ақлу идрокнинг юксак намуналарини кўргизадур. Бу — ўша тасаввур имкони табиий равишда сизу биз айтгон камолот зинасига чиқолгон инсондир. Фозил шаҳарнинг бош ҳокими, фозил халқнинг бош ҳокими, фазилатли заминнинг бош ҳокими ана шундоқдир, бу — имом, яъни бошқарғувчи...

Дарвоза тақиллагани эшитилди, кетидан бурғу чалинди. Кун қайтиб, кеч кириб борарди.

— Дарвозани оч, тойчоқ! — буюрди муаллими соний. — Халабдан, Сайфуддавла жарчиси кирмакка интиқ...

Бир оздан кейин «тойчоқ» ростдан ҳам саллалик хушбичим чопарни бошлаб келди.

— Кел, кўзим, кел! — қарши олди аллома.

— Келаси ҳафтанинг чаҳоршанбаси оқшом подшо Сайфуддавла саройда фозилу фузало, шоиру шуаро, машшоқу муғаннийлар иштирокида мажлис қурадур. — Қўлидаги ёрликни узатар экан деди чопар. — Донишманди замон, алломаи офоқ, Абу Наср ал-Фаробий ат-Туркий ушбу анжуманга таклиф этиладур. Мажлисда Абу Фирос, Абулфароҳ, Абул Аббос ан-Номий, Ибн Нувбата, Ар-Роқий, Абу Бакр ал-Хоразмий, Мутанаббий янглиф фозиллар ҳозир бўлурлар...

— Англадим, кўзим, англадим... — Аллома ёрликни олиб бир четга қўйди.

— Мен улов олиб келганмен... эрталаб йўлга отланмагимиз лозим. Халабга икки кунлик йўлдир... — сўзини тугатди чопар одоб билан қўл қовуштириб.

Ал-Фаробий чопарга кетишга рухсат берди.

— Сайфуддавладек илми қўллагувчи, фозилларни қўллагувчи ҳокимда ҳам, ҳар тўқисда бир айб, дегандек, нохуш жиҳатлар бор. Мажлислар қурадур, бойлиги бисёр, ҳарамии тўла нозанин... Шунга карамай, тағин

бачча ҳам тутадир... Бир баччаси бор, уни «Сомил» деб қиз исми билан атабдур. Сомил — бу сўз иккилангувчи деган маънони берадур — ҳар ҳаракатида иккиланиб ёндирадур. Сўзлаганда, «син»ни атай «шин», «р» товушини эса жўрттага томоғидан чиқариб айтадир. Шу пайт Сайфуддавлани кўрсангиз: товушларнинг ўзгарғонидан бирам роҳат қиладурким, ёқа тутасен! Баччавозлик инсон шаънига номуносиб қилиқдур. Бу Халаб ҳокимига тегишли нуқсонлардан биргинасидир. Фозил шаҳар ҳокимида эса нуқсонлар бўлмаслиги лозим, билъақс, ўн икки фазилат соҳиби, деб ном олмоғи керак...

Этикдўз йигит Ал-Форобийнинг юрт ҳокими ҳақида, саройда бўлган ишлар хусусида тап тортмай айтган сўзларидан ҳам хайратга тушди, ҳам кўрқди, Абу Бакр Калавий эса алломанинг гапларини эшитган сари мушоҳаданинг шиддати, тафаккурнинг бемисл кучидан боши овирлашиб бораётгандек бўларди.

— Аввалан, тўрт мучаси соғ, бўлсун, токи бир юмуш илгини тутса малолсиз ижро эта олсун, сиҳхати шунга имкон берсун, — ўн икки фазилат таърифини бошлар экан, деди аллома. — Сониян, табиатан зийрак бўлсун, токи унга айтилғон сўзни лаҳзада англаб етсун, масалани ҳолатига қараб баҳолаб одил хал этсун. Сулсан, кўрғон, эшитрон, билғонини хотира чаманида яхши тутсун, бирон нарсани ҳам фаромуш қилмасун. Идроки пок, тоза, ўткир бўлсун. Каломи тиниқликка мисол, сўзи равшанликка мойил бўлсин, айтмакчи ниятини аниқ ифода этиб беролсун... Ўқиш ва билимга меҳр кўйсун, тиришсун, вале аъзоларида зинҳор ҳорғинлик сезмасун. Ейишичиш, майхўрлик ва хотинга сабр-қаноатли бўлсун, кимордан қочсун, ундан етажак роҳату фароватдан иргансун. Ҳақиқатни ардоқласун, унинг тарафдорларини олқишласун, ёлғоннинг бетига қарамасун. Қалби мағрур бўлсун, ўз обрўйининг кадрига етсун, билсунким, унинг қалби табиатан разил ишлардан юксакда турадур, илло, олижаноб ишлар учун яратилғондур... Дирхам, динор сингари турмушнинг турфа афзалликларидан нафратлансун. Адолатни севсун, нафрат ўқини золимларга қаратсун. Ҳам ўзининг одамларига, ҳам ўзгаларга бир хилда боқсун, барчани одилликка чақирсун, ноҳақлик туфайли етғон зиённи собитқадамлик билан ундириб берсун. Одил бўлсун, вале қайсар бўлмасун, ҳақ олдида ўзбошимча-

лик, ўжарликка эрк бермасун, аммо ҳар турли бедодлик ва кабиҳлик қошида ироданинг шижоатли кучини аён қилсун. Бир юмушга илик сунса, ўша ишни қилмакни зарур топғон бўлса, бас, журъатли, қатъиятли бўлсун, минбаъд кўркиб-писиб колмасун, жасурлигин аён этсун, шиддат кўргизсун...

Кеч кириб бораётганига қарамай, ҳаво хали ҳам дамида эди, аллома дурраси билан юз-кўзларидан келаётган терни артди, яна «тойчоқ» дан айрон сўради, ичар экан, «кулун»га бир қараб қўйди. Абу Бакр Калавий шаҳар ҳокимига шунча фазилат зарурлигини эшитиб анграйиб қолди. Ҳафсаласи пир бўлгандай, оҳиста сўради:

— Муаллим! Борди-ю, шунча фазилатга эга киши топилмаса-чи? Унда не қилмак керак? Ахир беайб ёлғиз парвардигор, дейдилар. Бу — мири кам дунё...

— Агар шунча фазилатга эга киши топилмаса, — тушунтирди аллома, — шу фазилатлардан олтитасини ўзида мужассам этгон киши тасаввур, хаёлининг кучи жихатидан ўзгалардан устун турса, фозил шаҳарга ҳокимлик қилиши мумкин.

— Ўша олти фазилат нималардан иборат экан?

— Бундай ҳоким болалигидан яхши билим олмоғи лозим. Сўнг заковатли бўлсун, биринчи имомлар тарафидан белгилангон шаҳар қонун-қоидаларини яхши эсда тутсун ва риоя қилсун. Яна. Салафларидан қолиб унутилгон нарсаларни тиклашда топқирлик кўргизсун. Тағин. Зийрак ва мудрик бўлсун, токи исталгон пайтда вазиятни англаб ололсун. Биринчи имомлар тарафидан тахмин қилинмагон ҳодисалар моҳиятини ҳам идрок этолсун, шаҳар маъмурчилигини яхшилашни асосий мақсад қилиб қўйсун. Тағин. Сўзи билан кишиларни биринчи имомлар тузгон қонун-қоидаларни бажаришга йўллай олсун, шунингдек, ўзининг қонунлари ижросига диққатни қаратсун. Ва ниҳоят, бақувват бўлсун, ҳарбий санъат — шаҳарга хизмат этадигон ва бошқарадигон санъат эканлигини яхши ёдида тутсун...

— Вой-бўй! Бир одамда шунча фазилат бўлмағи жуда қийин-ку, пирим? — деди этикдўз йигит ҳам хайратда.

— Агар шунча фазилатни ўзида жо этган киши хали туғилмагон эса-чи?..

— Агар шундай одам туғилмагон эса, қулун, у холда икки киши шунча фазилатга эга бўлолса, яъни бири —

доно, иродали, бошқаси ҳарбий санъат устаси бўлса, икки киши шаҳарга ҳокимлик қилиши мумкин. Борди-ю, бир гуруҳ одамларда шунча фазилат мужассам эрса, у ҳолда шаҳарга ўша гуруҳ ҳокимлик қилмаги ишонарликдир. Фозил шаҳар ҳокимлари бир-бирининг изидан келса ҳам, ёки икки, уч киши бўлса ҳам, бамисли бир жону бир тан, бир киши янглиғ фикр қиладурлар, юрт бошқарадурлар. Аммо шаҳар ҳокимида ҳамма фазилат бўлса-ю, донишманд бўлмаса шаҳар ҳалокатга юз тутадур...

— Агар шаҳарда турли дину мазҳаб кишилари яшасачи, муаллим? — сўради Абу Бакр Калавий ва биродари Лакшман кўз олдидан ўтди. — Улар бир жамоага бирлашмаклари мумкинми?

— Ахлоқий етуклик ва мукамалликка эришмак, дин ва унинг хилларига ёки қайси дин тарғиб этилишига боғлиқ эмас. Фозил ва етук шаҳарларнинг фуқаролари турли диний эътиқодга сифинсалар ҳам, бир хил бахтсаодатга, бир хил ёруғ мақсадларга интилмоқлари мумкин. Ўзимдан қиёс қилурмен. Бағдодда истиқомат айлағон йилларим бир кўп ғайридину тарсолар билан кадрдон тутиндим. Жумладан, насаро Абу Башар Матто менга юнон тилини ўргатди. Яна бошқа насроний табиб Юхон ибн Хайлон тиббиёт ва мантиқ илми сирларига ошно этди. Айниқса, Арастунинг «Ал-Бурхон»¹ китобини сув қилиб ичиб юборишимда унинг хизмати катта. Агар Арастунинг «Ас-Симоъ ат-табиий»² китобини қирк марта, «Ал-Хитоба»³ китобини икки юз марта мутолаа қилғон бўлсам, ўша Юхон ибн Хайлоннинг маслаҳати билан қилдим...

— Муаллим! — деди хаёлларнинг маҳобати, фикрлар залворидан ўзини оғир сезиб Абу Бакр Калавий. — Шаҳарда, бир эмас, бир неча ҳоким, раҳбар бўлмакка арзирлик кишилар бор, дейлик. Фуқарони бирлаштиришнинг яна қандай йўли изланадур?

Ал-Форобий жилмайди:

— Аввало, эҳтиёж туфайли жамоа бўлишларини айтиб ўтдим. Тағин талайгина қарашлар мавжудки, уларнинг ҳар бирига тўхталсам, фурсатимиз етмас. Лекин,

¹ «Ал-Бурхон» — «Иккинчи Аналитика».

² «Ас-Симоъ ат-табиий» — «Табиий гармония».

³ «Ал-Хитоба» — «Риторика».

айримларини барибир айтмакни лозим кўрурмен, қулун. Биров дейди, барчадан айрилиб қолгон одам, ўзинг учун ўл етим, қабилада мухтожликка дучор бўладир, ўша мухтожлик уни бирлашмак тарафдорига айлантирадир. Яна биров дейдики, фуқарони мажбурий бирлаштирамак керакдир. Ўзгалар мулоҳазага борурларки, бирлашишнинг калити қариндош-уруғчиликда. Бунинг учун бир қабила эрлари иккинчи қабила ожизаларига уйланадилар, иккинчи қабила эрлари биринчи қабила ожизаларига оғиз очадилар. Натижада қариндош-уруғчилик юзага келади. Тағин бировларнинг фикри ушмундоқки, бирлашмак уч нарса — қасамёд, иттифоқ ва аҳд-паймон асосига қурилса мумкин. Ҳар бир аъзо бирлик отин тутиб қасамёд килур, иттифоқ бўлуви аҳд-паймонини маҳкам тутур ва бу уч шартдан минбаъд юз ўғирмас. Яна бир галат мушоҳада ҳукмрондирки, бирлашмак алоқа-ю асоси — кишиларнинг бир жойда истикомат айланишига боғлиқдир. Уй бир бўлса, кўчалар бир бўладир, маҳалла бир бўладир, шунинг учун киши бошига ҳам тушса кўпни қўмакка келади, мусибатни баҳам кўради, ахир улар бир жойда кун кечирадилар, уй, кўча, маҳалла, шаҳар — ҳаммаси ўртада. Яна бир жиҳат борки, бир жойда узоқ вақт ҳамнафас яшаш, емак-ичмакнинг умумийлиги, ҳунар-қасбнинг умумийлиги, бошга келган бало-қазонинг умумийлиги, умум роҳат-фароғатнинг бирлиги жамоа тузилишига асос бўла олади, дейдилар...

Абу Бакр Калавий мағриб томонга қаради, офтоб ботиб бормоқда, уфқ кип-кизил қон рангига бўялган, шафақ шуъласи Ал-Фаробийнинг кенг пешонасида ўйнардиди. Абу Бакр Калавий улуғ ватандошининг зехнию идрокига қойил қолди. Оламга татирлик фикру мушоҳада, тафаккурнинг баланд парвози, фозил инсонлар жамоаси, толе ила саодат тафсири... Самарқанд сарбадорлари жамоаси оқсоқоли муаллими сонийнинг фозил жамоа ҳақидаги кенгашларини вужуд-вужудига сингдирмоққа уринди.

— Фозил инсон, — деди яна Ал-Фаробий, — ўз умрини узайтириш пайдан бўлсун, ўлимни яқинлаштирамасун, балки бахт-саодатга элтувчи эзгу юмушларга қўл берсун, токи ҳамшаҳарлари унинг саховатидан баҳра олсунлар. Агарда унинг ўлими шаҳар аҳлига тирик-

лигидан кўра кўпроқ наф келтирса, у ўлимга юз бурсун, фозил инсон учун бундан олий бахт-толе йўқдир...

Шу пайт қайдадир хўроз қичқирди, Абу Бакр Калавий, хўроз нега қичқирди, қаерда қичқирди — барини билмакчи эди-ю, лекин, ажабо, бунинг уддасидан чиқа олмади, идроки унга бўйсунмади. Мағрибнинг лолагун шафағига тикилиб турган Ал-Форобий бу гал ўз-ўзига айтгандай деди:

— Рубъи маскунда бахт-саодатга, икболга эришмак мумкин ва зарур хамдир. Тинч-осойишта хаётга, икболга эришмак халқларнинг ўз қўлида, ўз ихтиёридадир. Дунё эса мана шу қирмизи шафақдек бир гунча, у аста-секин очила борадур...

— Муаллим! — Абу Бакр Калавий Увайс ўзини кўпдан қизиқтириб келаётган яна бир саволни берди. — Баски, олти мучал умр танобини тортдингиз, не-не эллар жамолини кўрмакка муяссар бўлдингиз... Айтингчи: сиз ўзингизни дунёда бахт-толе сийнасига бош қўйгон инсонмен, дея олурмисиз?

Муаллими соний шафақдан кўз узди, унинг қарашлари кечки шафақ шуълаларидай маъюс эди:

— Инсоннинг бахт-саодатга етишмагини орзу этдим, хаёлларим тизгинини хоҳлаганча бўш қўйдим... Менинг бахт-толе, саодатим мана шулдир...

Ал-Форобий тагин ловуллаб турган шафаққа юзини бурди...

Шафақ бутун мағриб уфқини эгаллаган эди.

Шу пайт яна хўроз қичқирди. Абу Бакр Калавий бу гал, хўрознинг қаерда қичқираётганини билмакка астойдил қасд қилди. Хўроз овози Наддофлар маҳалласининг нариги четидан келарди. Тонг отарди. Абу Бакр Калавий кунчиқишга пешвоз турарди.

Шафақ бутун машрик уфқини эгаллаган эди.

Йигирма учинчи боб

ТУБАНЛИКДА

Самарканд ҳокими Садр Сулаймон бугун пешинга Қавомиддин қозини уйига чорлатган эди, улар ганч ша-рафали баҳаво меҳмонхонада, ҳар қачонгидек ясатиғлик

дастурхон атрофида ўлтиришар, ҳоким қозикалонга Солисаройдаги кенгаш таассуротларини сўзлаб берарди.

— Жета хони бадбахт Илёсхўжа хануз Мовароуннаҳр даъвосидан кўнгул узолғони йўқ... Кўнгул узиб бўладурми шундоқ чаман-чотир юртдан? Ота-боболари бу ерларда не ишларни қилмағону... Хўх-ху-у!.. Хумори тутадир, хумори! — Жета хонига ғойибона пичинг қиларкан, Садр Сулаймоннинг овози тағин ҳам ингичкароқ эшитилди. — Ўзига қиладур, ўзига ўзи бало тилайдур. Туронзамин ҳукмдори Амир Ҳусайн энди ёғий билан саваш қурмакчи...

— Илло, бадниятларнинг таъзирини берсун! Душман ўз оёғидан йитсун! Хе-хе-хе! — деб кулди Қавомиддин қози ковурилган товукнинг оёғини оёғига солар экан. У тўлишган, бошидаги дастори, эғнидаги уч-тўрт кават тўни қозини яна ҳам салобатли кўргизарди.

— Беради, таъзирини беради, иншоолло! Сизу биздек беозор одамлар тинчини бузгандан сўнг, душман жазосини олмай иложи йўқ!

— Фақирингизни беозор демак мушкул... Хизматимизнинг ўзи кўплар кўнглини ранжитишдан иборат... Хе-хе-хе, — тағин кулди қози.

— Ранжитсангиз ҳам, беозорлик билан ранжитасизда, Қавомиддин! — узиб олди Самарқанд ҳокими. Қозикалон буни сезмаган бўлди:

— Ҳа, биров ризо, биров норизо... Биз шундоқ... лекин, сиз жуда беозорсиз, мусичага ҳам озор бергингиз йўқ... Мана, ҳалигина капалакка қанча меҳрибонлик кўргиздингизу... Ҳоким шундоқ фуқароларига меҳрибон бўлмаги лозим...

Садр Сулаймон капалакни эслаб, мийиғида жилмайиб кўйди. У Қавомиддинни дарвоза олдида қаршилаб, меҳмонхонага олиб келаётган эди. Олтин олма рўпарасига етганларида, иттифоқо, йўлда ётган бир капалакни кўриб қолишди. Капалакнинг бир қаноти эзилганидан учолмас, ўрмалаб йўлка ўртасига чиқиб қолган, беихтиёр кимдир босиб кетиши мумкин эди. Садр Сулаймон дархол эгилиб капалакни қўлига олди-да, гулзор томонга юраркан:

— Сен ҳам худонинг бир махлуқи, — деди авайлаб ва бўзноч гулнинг баргига кўйди. — Юрсанг, юрибсанда...

Ҳокимнинг қилган ишини кўрган ғуломлар, кейинроқ етиб келган Жаммазабон девонбеги фавқулодда бу меҳрибончиликдан кўнгиллари ийиб бир-бирларига дейишарди:

— Ана, мурувват!

— Раҳму шафқат бундоқ бўлибди!

Жаммазабон девонбеги деди:

— Ҳоким бува меҳрларининг бир улушини кўрдингиз, холос...

— Ўша бир улушнинг бир улуши бизларга ҳам бўлсайди... — деди бир ғулом кетар экан, ўзига ўзи айтгандек секингина. — Бир улушининг бир улуши...

Аммо бу гапни ҳеч ким эшитмади.

— Бизнинг падари бузрукворимиз шундоқ эдилар, қозикалон жаноблари! Фуқаропарварлик ўша падаримиздан ўтган...

Орага жимлик чўқди. Лекин жимлик бир лаҳзагина давом этди, холос. Дарвоза томондан қандайдир хуруж садолари кела бошлади. Садр Сулаймон уч бор қарсақ урди. Эшикда Жаммазабон девонбеги пайдо бўлди.

— Кўчамиздан лўлилар тўдаси ўтмас эди шекилли? Бу не шовқун?

— Сурондан мен ҳам хайратдамен... — муносабат билдирди Қавомиддин қози.

Жаммазабон девонбеги шовқин сирини билмакка кетди.

— Қозикалон жаноблари! — деди Самарканд ҳокими. — Солисаройдаги қурултойда бизнинг шаънимизга муносиб гаплар айтилди. Аммо мақтов гаплар эшитсак ҳам, биз отга бир қамчи эмас, икки қамчи урмагимиз лозим... Солисарой пойтахт эса-да, мамлакатнинг кўрки Самарқанддур... Кани, таомга қарасинлар!..

— Хўш?.. Хўш?..

— Биздан озгина ўтди... Ўлпону солиқни вақтида йиғиб беролмадик... Қишлоқларда солиқ йиғмак мушкуллашиб кетди. Қундузак, Хартанг, Соғарч, Хожайи Қалон, Совғончи, Хожа Ғунжорага борган закотчилар хуржиннинг бир кўзини шалвиратиб, бир кўзини ярим тўлатиб қайтишибди. Камонгаронда аҳвол ундан ҳам баттар: қишлоқ аҳли хурушга дил берибди, орада жанжал чиқиб, бир закотчи нобуд бўлибди...

— Ким экан салтанат закотчиларига тиф ўқталгувчи нонкўр? — гижинди Қавомиддин қози. — Илло, мен унинг оёғига тахтакач боғлаб...

— Гапнинг бу ёғини эшитинг! — кози сўзини бўлди Самарқанд ҳокими, — Ўзимиз ҳам Самарқанд ахлидан ўлпону солиқ йиғиб олмадик. Шаҳарни биласиз, олакуррок, барча дину қавмдан топилур. Мен бутун маҳаллалар оксоқолларига буюрдимки, бугун пешиндан сўнг Чорсу майдонига йиғилсунлар. Сиз, қозикалон жаноблари, ҳам ўзингизнинг обрў-эътиборингиз, ҳам адлу инсоф йўлларини яхши билмагингиз боис, элга андак ҳукмингизни ўтказиб берурсиз, деган умиддамен... Шайхулисом, имом, мударрисларга ҳам киши юбортирдим...

— Наҳотки, ҳокимнинг ҳам айтғонидан бўйин товлагувчилар бор бўлса?..

— Бор, қозикалон жаноблари, бор! Замон ўзгариб борадир. Шаҳримизда сарбадорларнинг унсурлари бор эмиш... Косиблар, қўскилар, бошпанасизлар...

— Бор бўлса бордир, бундан ташвиш чекмак, оғримаган бошни беҳудага оғритмак билан баробардир. — Қозикалон парвосиз деди. — Уларнинг илгидан не келадур?.. Қарға... «қағ-ғ-ғ» этадир, илло, вақтини чоғ этадур!.. Бохабармен баридан...

Шу пайт Жаммазабон девонбеги эшикни очди:

— Султоним! Хартанг қишлоғидан олтига дехқон келибдир. Сиз билан кўришишмакчи. Қайтармакчи бўлдим, аммо мушкул...

— Нима гаплари бор экан? Наҳотки, ўзинг тинчитиб юборолмадинг? Тобакай мен аралашамен? Қозикалон жанобларидай бир зот билан давлат юмушлари хақидаги кенгашимизни ким буза оладир? — ранжиганини яширмади Самарқанд ҳокими. — Мен энди давлат ишларини қўйиб, қандайдир ялангоёқларнинг ташвишини чекаменму? Бор, сен девонбегисен, доруғасен, ўзинг ҳал эт!

— Мен ҳал этиб бермакчи эдим...

Жаммазабон девонбеги галини тугатиб улгуролмади.

Эшик очилиб, меҳмонхонага хартанглик дехқон Дадаали кириб келди. Қолган бешта одам эшик тагида қолди. Дадаалининг авзойи бузук, қисик кўзлари янаям кисилиб кетган, яктагининг устидан дурра боғлаган, унда пичоқ осиглиқ эди. Дадаали чамандай ҳовлини, олтин

олма, ҳавзи арзизни кўриб хайратга тушганди, баҳаво меҳмонхонага кириб нима дейишини билмай қолди.

— Хўш, хўш, нима юмушинг бор? Сўзла! — буюрди Самарқанд ҳокими.

— Хартангданман, ҳоким бува... Мен билан яна бешта дехқон ҳам сизни паноҳ тутиб келюн... — Дадаали дилланди. — Икки танобгина ерим бор, хар йили қарзимга беравериб, шу қолди... Бу йил ғўзадан унум бўлмади. Меҳнатим қумга сепилган сувдай беҳуда кетди, харажатларни ҳам қоплай олмади. Ахир бешта болам бор, ҳаммаси оғзини каппа очиб, берсанг ейман, урсанг ўламан, деб турибди...

— Нега болани кўпайтирасен? — чинқирди Самарқанд ҳокими, болалар ҳақида гап кетганда, хар доим унинг фарзандсизлик яраси янгиланарди. Гуё ҳамма фарзанд кўрганлар Садр Сулаймон насибасини тортиб олаётгандай, худди у кўрмоқчи бўлган фарзандни худо бировга бериб юбораётгандай туюлаверади. Бу нарса унинг аламига алам кўшар, одамларга, болаларга, дунёга, умуман, ҳаммага нисбатан ғазабини кўзгар, дийдасини қотирарди. — Кўрпангга қараб оёқ узатмайсенму? Мана, мен ҳоким бўлишимга карамай, фақат биргина ўғлим бор, холос...

«У ҳам бўлса боқинди ўғил...» деб қўйди Қавомиддин қози ичида.

— Энди худонинг бергани... Худо бериб турса не дейман, ҳоким бува! Фуқаропарварсиз... — дер эди шўрлик дехқон, қошонадай меҳмонхона остонасида тураркан, қорайиб кетган, жун босган катта қўлларини қаерга яширишни билмасди. — Еримнинг бир танобини қарзимга тортиб олишмоқда, ҳа, майли, на чорам бор... Мен бошқа нарсани сиздан тилаб келдим...

— Мен фуқаропарвар бўлиб сенга ёрдам берсам, унга ёрдам берсам, уйимни қаердан топамен? — ҳокимнинг куйканаклиги билинди. — Ҳамма ҳам худонинг бандаси. Агар қарзингга босиб қолишса, мен нима деймен? Қарз олма эди...

— Қарзингдан кутулганингга шукр эт, боёқиш! Кушдек енгил юрасен... — насиҳат қилган бўлди Қавомиддин қози.

— Қарзимга майли деяпман... Аммо ўлпон деб қолган еримни ҳам тортиб олишмакда... Мен шу ҳақ-

да... Шерикларимнинг ҳам шундай арзлари бор, ҳоким бува...

— Нима? Ўлпонга деб еримни тортиб олишмакда? — ажабланди Садр Сулаймон калта қирқилган пахмоқ, соқолини силаб. — Жамма! Бу не дейдир? Нега унинг ерини тортиб олишмакда? Ўлпонга ернинг не алоқаси бор? Ўлпон учун ким ерни тортиб ол, деди?..

Дадаали кўзларида умид учкуни чакнади, қайрилиб, Жаммазабон девонбегига: «Қалайсан, баттол!» дегандек тикилди.

— Султоним! Ҳеч ким тортиб олмакчи эмас... Ўлпонни тўламаганидан кейин тортиб оламиз-да... — тушунтирди Жаммазабон девонбеги.

— Ие! — деди энди ҳоким Дадаалига қараб. — Нега ўлпон тўламайсен? Ўлпон кўпга келган тўй! Ҳамма тўлайди!..

— Тўлайман, ҳоким бува, — қайтмасди дехкон. — Ахир бу йилнинг ўзида бир марта ўлпон тўладим-ку! Энди хемири ҳам йўк...

— Ҳар нарса бўлса ҳам ўлпонни тўлаш жоиз. Бош тортган душман саналур. Шунини истармусен?

— Йўк... Аммо не қилай? Хонавайрон бўлаётирман. Бешта боламни олиб қаёққа бораман? Кимникига сиғаман? — деди дехкон тарвузи қўлтиғидан тушиб.

— Яна «бешта болам» дейди-я! Ҳадеб болангни пеш қилаверма! Оллонинг карами улуғ, даргоҳи кенг... Оллодан бошқа кўмакчи йўк, оллога сиғин!.. — Садр Сулаймон гап тамом дегандай, Қавомиддин козига ўғирилди. — Инсофсизни кўрдингизми? Ўлпондан бош тортадир!.. Кошки, бу бадкорлар юрт ташвишини тушунсал!..

Дадаали жавдираб дам ҳокимга, дам қозикалонга қаради, аммо уларнинг кўзларида бирон хайрихоҳлик, раҳму шафқат белгисини кўрмади. У тагин нимадир демоқчи эди, ҳоким тутақиб кетди:

— Э, тинч қўясанми, йўкми? Агар чикмасанг, уруваймоғинг билан зиндон қиламен, тананг ерларда чирийдил!..

Самарқанд ҳокимининг олдидан ноумид чикқан Дадаали Наддофлар маҳалласининг оқсоқоли Абу Бакр Калавийни эслади ва шерикларини олиб ўша ёққа жўнади.

Дадаали билан бўлган муноқашадан сўнг, суҳбатдан ҳам файз кўтарилди. Қавомиддин қози кетишга изн сўради, уйга бирров кириб Чорсу майдонига ўтишини айтди.

Садр Сулаймон меҳмонни кузатиб ортига қайтди. «Жигарларимдан хабар олай!» — деди ўзига ўзи ва меҳмонхона тагидаги тубанликда жойлашган ертўла эшигини очди. У дунёга сиғмай қолганда, охиста ертўлага, уни хазина дерди, кириб танҳо бўлишни ёқтирарди. Бу ерга учта туйнукдан тушиб турган куёш нуридан бошқа ҳеч кимнинг назари етган эмас. Ертўла деганимиз, бўйи ўттиз газ, эни йигирма газдан иборат, деворлари оқланган бир хона эди. Деворларнинг тагида қаторлаштирилиб еттита туясандиқ терилган. Садр Сулаймоннинг «жигарлари» мана шу, бойлигу зар, лаълу ёқут, дуру забаржад тўла сандиқлардир. Ҳоким бориб ҳар бир сандиқни очиб кўрар, гоҳ инжу марваридни қўлга олар, туйнук ёрувига солиб жилосидан ғурурланар, гоҳ лаълу ёқутни томоша қилар, қотиб қолган қип-қизил бир томчи шаффоф қонни кафтида тутиб тургандек бўларди. Сўнг сандиқларни ёпаркан, қучоклаб, ўпиб қўярди. У энг чеккадаги сандиққа яқинлашди...

Ҳа, Самарқанд ҳокимининг ташвишлари кўпайди. Бош қанча катталашса, шунча катта бўрк кияр экан. Самарқанд хамиша ҳам нотинч шаҳар, катта карвон йўлида жойлашганидан, бу ерга кўп эллардан одамлар келиб тубжой халққа қоришиб кетган. Уларнинг ҳар бири ўз урф-одати, расм-русуми, хулқ-одоби билан шаҳар ҳаётига таъсирини ўтказган. Шаҳар ҳокими улар билан тил топмоғи керак. Файридинлар билан-ку тил топмоқ мумкин, аммо ўз қавмидагилар билан келишмак қийин бўлаётир. Мана, Қавомиддин қози. Уни бекорга пешинликка чорлатгани йўқ. Чорсудаги издахомда бир сўзлаб кўрсин, элни бошқариш мушкуллигини англасин. Чунки у ҳокимликка даъвогар! Нотавон кўнгилга қўтир жомашов! Солисаройдаги кенгаш чоғида Темурбек, гарчи аввал жеркиб ташлаган эса-да, сўнг Садр Сулаймон қулоғига шилшиб қўйди: «Қавомиддиндан эҳтиёт бўлинг! Амир Хусайнга ҳадя-тансуқотни бир олам қилибдур...» «Ҳадя-тансуқот меникичалик бўлмас... — деб ўйлади ҳоким, — Мен Амир Хусайн ҳарамига ёш-ёш кизлар юбориб турамен... Кейинги пайтларда ҳукмдорнинг ўзи одам жўнаиб сўратадиган бўлиб қолди...»

Хонлиқ оқани ҳам йўлдан урган қози бўлди... Аммо Садр Сулаймон бу ғайридин канизак билан боғлиқ ўйларни аллақачон унутиб юборган. У хотинлар ҳақида: «Хотин киши мен учун даструмолдай гап — истасам, оғзимни артаман, истасам, бурнимни», деб гапиришни яхши кўрарди. Неча марталаб хотин олган, фарзанд кўрмадинг деб хайдаб, янгиллаган Садр Сулаймонга тўшак алмаштириш чиндан ҳам даструмол алмаштиришдай оддий гап эди. У фарзанд туғиб бермагани учун бутун хотин зотидан ўч олишга қасд қилгандай, хотинларини истганча хўрлар, азоб берар, турли кўйларга соларди. Беш йилдан бери уйланмай қўйди. Энди ҳар икки-уч ойда Хонқали кўчасидаги сарой канизакларидан бири унинг тўшагини обод қилади. Сўнг канизакни кимгадир инъом этади, ёки бобилхона даргоҳига ўтказди. Хотинларни қийнаб, азоб-уқубатларга солиб, лаззат оладиган, машъум одат чиқарганди у. Бу ерда хамият ва поклик, номусу орийат ҳақидаги собит тушунчалар қасос ва белгисиз нафрат туфайли тупроққа қорилган, қабохатга айланганди... Ҳар қалай, бу тўқликка шўхликнинг бепарда кўриниши, ҳокими мутлакликнинг нохуш манзараси соғломликдан нишона эмасди...

У билиб-қўриб туриб шаҳарда сарбадорлар жамоаси борлигига эътибор бермай келди. Мадрасанинг толиби илми Абумансур бу хилдаги маълумотларни етказиб турибди. Ҳа, ҳокимга барчаси аён: сарбадорлар такяхонаси ҳам, жамоа бошида Наддофлар маҳалласи оқсоқоли Абу Бакр Калавий туришини-ю Мавлонозоданинг ушбу жамоага котиблик қилиши — бари-барини яхши биладир. «Хайрия» тузган эмишлар... Солисаройдан қўшин олдириб, ҳаммасини бир лаҳзада тинчитиб қатағон қилмоғи мумкин. Лекин, Қавомиддин қози айтмоқчи, ташвишу ҳадикка ҳожат бормикин? Беш-ўнта кўски, гадо йиғилиб ўзини фалон жамоага аъзодурмиз, ана ундоғу мана бундоғ, деб вайсаб юрган бўлса юрибди-да! Кимнинг кўнглига нималар келмайдир. Мана, Садр Сулаймон кўнглида ҳам не орзулар йўқ, дейсиз... Иложи бўлса, Мовароуннаҳрда уч юз йилдан зиёд даврон сурган Қорахонийлардек катта давлат барпо этарди. Сўнг Хурсонни ўз тасарруфига оларди, сўнгра Ҳиндистону Сандибни, кейин Чинмочинни бирёкли қиларди...

Садр Сулаймон навбатдаги туясандик ёнига келди, аввал оҳиста сандик юзини қўллари билан силади, озгина чанг-ғубор илашгандай бўлди. «Олтинга ғубор илашади, аммо ёпиша олмайди!» — деди ва доно фикридан қувониб қўйди. У секин қопқокни кўтарди. Бирдан ертўла ичи ёришиб қўйди! Ёмби ва кирпич олтинларга тўла сандикдан ташқарига ёғду отиларди. Хоқимнинг кўзлари яшнади, бор ташвишларини унутди. Олтинларни шунинг учун яхши кўради-да у! Олтинлар — киши фаровати, олтинлар — дунёда энг пуркуч нарса, бошингга бир иш тушганда хамиша қўлтиғингга киради, йўк демайди, оғринмайди, писанда қилиб ўтирмайди. Садоқатнинг бундан ортик намунаси бўлиши мумкин эмас. У бефарзанд эмиш!.. Мана, унинг фарзандлари, сандикларда катланиб ётган дуру забаржад, инжу-ю марварид, тилло-ю зар унинг энг яхши кўрган ўғиллари, қизлари бўладир, ҳа! Мана, унга қайишадиган, керак бўлса, меҳр кўргизадиган жигарлари! Ҳа, ҳа, жигарлари! Дунёда булардан ортик меҳрибону мушфик топилмас!..

Садр Сулаймон сандикни очиқ қолдириб, оҳиста унинг ёнидаги ипак тўшакка чўзилди. Ҳар сафар ертўлани айланиб чикқач, шу тўшакда озгина хордик олар, кўзларини юмганча хаёлларга бериларди...

«Мана шу сандикка тушронимга ҳам ўн йил бўлди...» — деди бирдан Инжу.

«Менга эса йигирма йил...» — ўксинди Марварид.

«Менга ўттиз йил...» — Дурнинг овози иккинчи туйнук тагидаги сандикдан келарди.

«Намунча келган йилларингизни пеш қиладурсиз?.. — кесатди аччиғи чиқиб Феруза йирик Дурга жавобан. — Келсангиз келибсиз... Ўлақолсин... Мен кеча келдим, сизга эса ўттиз йил бўлибди, нима фарқи бор?..»

«Жанжаллашманглар! — гапга аралашди Ёқут, юзларига қон югуриб. — Не наф? Мана мен тожни безашни орзу қиламен, аммо қани у тож?..»

«Мен бирон дилдорнинг оппоқ бўйнига тақиламанму ёки умрим шундай ўтадирму?..» — савол ташлади Инжу ҳам.

«Барчамизни йиғиб гўрига олиб кетадирму?» — сўради Забаржад.

«Гўрига олиб кетгани шу-да, сандикда ётибсан, гўрдан нима фарқи бор?» — жавоб қилди Зумуррад.

«Нечун бундоқ гаплар? — тинчлантирмокчи бўлди Ёмби. — Яхшиси, келинг, умримиз шундоқ, тегли-тахтли хонадонда кечаётгонидан гурунглашайлик! Ўйин тушайлик!»

Бирдан Инжу, Дур, Ёқут, Ёмбилар уйнинг ўртасида жаранглаб рақсга тушиб кетишди. Ажойиб мусиқа таралар, ўйинда Ёмби барчасининг ичида ажралиб турарди. Сурон тобора авж оларди.

«Тўхтатингиз! — кичқирди шу пайт Феруза. — Бас килингиз!»

Ҳамма хайрон бўлди, аммо ҳеч ким тўхтамади.

«Тўхтатингиз! Қулоқни қовматга келтирдингиз!» — чинқирди яна Феруза, у ғазабидан кўкариб кетганди.

Энди мусиқа овози пасайди. Ёмби, Инжу, Дур, Ёқутлар унинг ёнига келишди.

«Нималар деяпсен, хой пучук? Кўкармай ўлгур?»

«Ўйин тушсанг бўлмайдим сен ҳам?» — турткилади Ёмби.

«Ўйин тушмаймен! — деди Феруза. — Ҳаммангининг аклингиз қисқалигидан ўртанамен!..»

«Нималар дейди бу? Вой, жиннича-ей!» — кулди Ёқут.

«Тегли-тахтли хонадонда умримиз кечаётгонидан гурурланайлик, эмиш! Нимаси тегли-тахтли экан? Садр Сулаймон бўлғони учунми? На ўғли бор, на кизи! Фақат бир ўзи...»

Ферузанинг бетгачопарлигидан ҳамма ёка ушлаб колди.

«Тентаккинам! — деди Ёмби. — Дунёда бир нарса борки, у ҳамманинг ўрнини боса олади. Бу, мана мен, олтин! Садр Сулаймонда мен бормен! Худобанда деган ўғли ҳам бор...»

Феруза қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди, ертўла кулгудан жаранглаб кетди. Ҳамма хайрон бўлганча жим колди. Мусиқа ҳам тинди:

«Худобанда унинг ўғли эмас...»

«Вой, бу нима дейди?...»

«Нима деганинг бу, қақажон?»

«Бутун Самарқандда шов-шув гап, ҳамма Худобандани Садр Сулаймон ўғли эмас, бир гадойнинг ўғли деб сўз юритадур...»

«Ие! Оғзингни юм! Сасингни чиқарма! Ким айтди?..»

«Мана кеча бир дона Яман ақиқи қарзни узмак учун Хонлиқ оқадан Самарқанд хокимиға тухфа бўлди. Ўша бу гапни айтиб юрибдир...»

Шу пайтгача жим ўтирган Яман ақиқи гапга қўшилди:

«Ўғли эмас, деганлари тўғридир... Мен Жоннигор фунчачининг бир йил хизматини килдим, маржонига зеб бўлиб, бўйнига тақилиб, хуснига хусн кўшдим... Худобанда сотиб олингон кулбачча, Жоннигор эса унинг йўқотгон синглисига бўлиб чиқди... Худобанда билмай бобилхонада синглисига дуч келиб қолди... Билгач, чидай олмади, орият кучидан фунчачини бўғиб ўлдирди! Мен бўйнидан ечилгон жойимда қолавердим...» — деб сўзини тугатди Яман ақиқи қизарганича...

Гапирмаган ҳеч ким қолмади, ҳамма Инжу, Дур, Забаржад, Ёкут, Феруза, уларга кейин Ёмби ҳам қўшилди, ертўлани кўтариб шовкин қилишар, нохуш янгиликдан гўё хурсанд эканликларини билдиришар, сакраб ўйнашар эдилар...

— Бас! — деб юборди Садр Сулаймон, у ғазабидан ўрнидан туриб кетди! Бунчалар беадаблик кўргизган бетавфиқларнинг додини бериб қўймакчи бўлди. Қараса, ертўла жимжит, олтин сандиқ, ўша очиқ холича шуъла таратиб турарди. Инжу, дур, ақиқ, марварид, лаълу ёкут солинган сандиқлар ўша ҳоким кўрганча ёпик, Яман ақиқи ҳам жойида, ҳеч қанақа мусиқа ҳам йўқ... Нахотки, босинқираб қолган бўлса? Ёки туш кўрдими?..

Самарқанд хокими олтин сандиқни ёпиб, шитоб билан ташқари чиқди. Пешвоз келаётган Жаммазабон девонбегини кўрди-да, сўради:

— Жамма! Қаердан мусиқа овози келди?

— Қанақа мусиқа, султоним? — хайрон бўлди Жаммазабон девонбеги ҳокимга таажжубда тикилар экан.

— Ҳозиргина мусиқа чалинди-ю...

— Ҳеч қанақа мусиқа чалингони йўқ... Ҳаммаёк, сув қуйгандай жимжит, султоним!

— Ажаб...

— Султоним! — деди бир оздан кейин Жаммазабон девонбеги, ҳокимда юз берган саросималикни сезиб сабабини сўрашга ботинмади, аксинча, уни чалғитиш керак,

деган фикрга келди. — Султоним! Пайшанба тун окшом димоғингизга хуш бўй таралур! Жаҳон бика исмли бир барно хусни хонаи хосингизда офтобдек барк, ургуси! Ўша ўзингиз кутгон, ўзингиз тилагон офтобжамол... Сирли саройдан ушмундок мужда бор. Элчи нома олиб келиб дедиким: «Қора арлот хузурига бир малак юборилурким, монанди оламда йўк,... Пайшанба окшомида ул малак қадами аробада Қора арлот қошига етгай!»

— Жаҳон бика?

Ха, Садр Сулаймон бу дўндик кизни анчадан бери кутарди. У ростдан ҳам чалғиди, хуш бўй таратгувчи малак хабаридан кўнгли ёришди.

— Ассалому алайкум, эй падари бузруквор! — салом берди жиддий Худобанда яқинлашар экан. У йўлқадан келаётиб, хокимнинг девонбеги билан сўзлашаётганини эшитди-ю, гулзор панасида тўхтаб қолди. Ўртадаги суҳбат, Жаҳон бика ҳақидаги гапларни ногаҳонда у ҳам эшитди. «Жаҳон бика?! Мавлонозода севган киз? Ўша бегуноҳ ожиза Қора арлотга тухфа этилармишму?..» — танг қолди йигит. Садр Сулаймоннинг нопок ишлари, фирром тутумларини кўравериш ранжиган Худобанда пайшанба окшоми бўладирган мулоқот хабаридан каттиқ ғазабга келди. Ширинбика синглисини булғади... хор этди... Энди яна бир бегуноҳни балои нафс деб пайхон қилмакчи... Ноинсоф! Қора кирдикорларини яширмак учун «Қора арлот» деган лақаб танлабди ўзига падари бузруквори! Худодан кўркмаганини!

Худобанда кун ўтган сайин Садр Сулаймонга нисбатан нафрати ортаётганини сезар, улар орасидаги ўпирилиш тубсиз чоҳга айланиб бораётганини кўриб турарди.

— Ие, ўғлим! — деди Садр Сулаймон беихтиёр кучоғини очиб кўришар экан. — Сабоқларинг нечук?.. Яхши... Қани Чорсуга кетдик! Юр! Эл билан, авомуннос билан сўзлашмакни ўрган, тил топишни бил...

Самарқанд хокими бошқа ҳеч нарса демади. Худобанда рози бўлгандай ишора қилди. У барибир ҳам шитобан Мавлонозодани топмаги лозим. Дўсти Чорсудаги йиғинда албатта бўладир.

Улар Чорсу майдони томон отландилар.

Йигирма тўртинчи боб

ЎЛПОН ЖАНЖАЛИ

Чорсу майдонида одам тирбанд. Наддофлар, Холвачилар, Кулоллар, Қўрчилар, Қаландархона кўчаларидан оқиб келаётган одамдан майдон игна ташланса ерга тушмайдиган бир ҳолга келди. Жомеъ масжидининг айвони ердан бир-бир ярим тирсак баланд бўлгани учун, у ердан Чорсу майдони, атроф баралла кўриниб турарди. Айвондаги сўрида қалин кўрпа-тўшаклар устида Самарканд хоқими Садр Сулаймон, Худобанда, Қавомиддин кози, мударрис Хожа Лутфуллох, имом Қутбиддин, Жаммазабон девонбеги, яна бошқа оталиқлар, қозилар, имомлар, кадхудолар бор эди. Майдондан қараган одамга ўн беш-йигирмага яқин саллалар кўринарди, холос. Шайхулислом Абулворис Самарқандий, унга қозикалон таклифи билан хабар берилмади, аммо эшитиб ўзи етиб келди, катта саллали бошини ғоз тутиб айвонга қадам қўйганида ҳамма унга пешвоз чикди.

Масжиднинг ўнг томонида Солисаройдан чакирилган йигирма сипохдан иборат кичик лашкар ҳар эҳтимолга қарши қуролланган ҳолда шай туришарди.

Майдонда, олдинги қаторда Абу Бакр Қалавий дўстлари билан бирга издахомни кузатмоқда. Улардан ўнг томонда Тун салтанати фуқаролари, нарироқ борилса, мадраса толиби илмлари тўпланишган. Издахомда Рўзи аттор, маззаг хотин, «борига шукр қилмайдиган» эроний йигитлар ҳам юришибди.

Қаландархона кўчасидан келган бир гуруҳ қаландарлар, ана, денгизга сингиган томчидай оломонга қўшилиб кетдилар.

— Мухтарам Самарқанд аҳли! — сўз бошлади Садр Сулаймон оломонга қарата, унинг овози чинкириб чикди, майдоннинг турли жойларига қўйилган кишилар «Мухтарам Самарқанд аҳли!», «Мухтарам Самарқанд аҳли!» дейишганча ҳоким сўзларини илиб олишиб, яна нарироққа етказиш пайида кичкира бошлашди.

— Яқинда Солисарой шаҳрида Мовароуннаҳр пойтахтида мамлакат шаҳар ҳокимлари, беклар, амирларнинг қурултойи бўлди. Сиз фуқарога маълум бўлсин-ким, Жета хони Илёсхўжахон Туронзаминга, жаннатма-

кон тупровимизга хуруж черигин бошлаб келмак ниятин-
дадур. Чидаб бўладирғон ишми шу? Тупровимизни топ-
тасинму, боғларимизга от солсинму? Мана шу муаззам
майдонда музаффарият гулханини ёқсинму? Айтинг,
ёқсинму? Айтинг, ёқсинму, а? Ёқсинму?..

Ҳокимнинг сўзлари одамларнинг юрагидан олди. Хар
жой-хар жойдан: «Йўк!» «Ёқмасин!» «Нега ёқади?..» —
деган овозлар эшитилди.

— Туронзамин ҳукмдори Амир Ҳусайн ибн Мусал-
лаб ибн Амир Қозоғон ҳам худди шундоқ фикр илгидан
тутмиш, ул ҳам сизу бизнинг омонлигимизни тилайдир,
юрт маъмурчилиги ташвишини чекадир — давом этди
Садр Сулаймон. — Ул зотнинг табаррук бошлари сизу
биз фуқаро ғами билан оғриғон, мартабалари бундан ҳам
зиёда бўлсун!

Шаҳар ҳокими юрт ҳукмдори ҳақидаги бу мактов
гапларни атайлаб гапирарди, чунки у майдонда Амир
Ҳусайннинг «кўз»лари борлигига шубҳа килмас, юз бера-
ётган сир-синаот ипидан-игнасиғача гап эғасига етиб бо-
ришини яхши уқарди. Ким билади, балки Қавомиддин-
нинг ўзидир ўша «кўз», балки анови турган кўк салла-
дир...

— Амир Ҳусайннинг мартабалари бундан ҳам зиёда
бўлсун! — кичқирди Қавомиддин кози шаҳар ҳокими
сўзини қувватлаб.

— Зиёда бўлсун! — кўшилди Жаммазабон девонбе-
ги.

— Оё, Илёсхўжахондай қаттол ёв билан бас бойлаш-
мак Амир Ҳусайндек кумуш билакли мардлар юмуши-
дир. Ҳукмдоримиз юрт ташвишини ўйлаб, ғамимизни
чекиб маъракаи майдонга қадам қўймоқчи эканлар, сизу
биз бепарво қараб турмагимиз нораводир. Парво килмак
недан иборатдир? Бас, биз хар бир жон бошига олина-
дурғон солиғу ўлпонларни йиғиб бермагимиз жоиз. Оқилу
донолар ўлпону солиқнинг бу йилгисигина эмас, балки
кейин ортикча овора бўлмаслик учун, келаси йилнинг
улушини ҳам бир унновда йиғиб олишни кенгаш қила-
дурлар. Барча маҳалла оксоқоллари, кадхудолар ушбу-
ни назардан фаромуш этмасунларки, ўлпону солиқни,
бор жамалғани Кеш амири, мамлакат ҳукмдорининг ўнг
қўли, амирлашкар Темурбекка шу ҳафта ичида етказиб
бермак мажбурияти бўйнимиздадир... Курултой келаси

йил кўкламида Жета хони билан юзлашишга Тошкент томонга боришга аҳду паймон қилди...

Майдонга бирданига жимлик чўкди. Лекин бу «сукут — аломати ризо» деган мақолга тўғри келмасди, Самарқанд ҳокими айтган сўзларнинг хали мағзини чакиб улгурмаган эдилар. «Мағзини чакиш» кўпга чўзилмади.

— Яна ўлпонми? — овоз Кўрчилар кўчаси томондан келди.

— Фуқарони ҳам ўйлаш керак-да! Тўрт қават кўрпа-чага ўлтириб олиб гапираверасизларми? — деди кимдир майдоннинг ўртасидан. — Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр!..

Гапнинг оқоваси қаерга боришини билолмай саросимада турган оломонга шу кифоя қилди. Фала-говур кучая бошлади:

— Йўк! Ўлпон йўк!

— Ўлпон деб энди ўлиш керакми?

— Мисрлик уламо, фозиллар фозили, — жаранглади Сукротнинг чийиллоқ овози майдоннинг ўртаровидан. Овоз суронни босиб кетар даражада ўтқир эди. — Ибн Махжурий, аззама кадраху¹, ўзининг «Тарихи Махжурий» китобининг олтинчи фасл, ўн иккинчи саҳифасида юқоридан саккизинчи, йўк, ўнинчи каторда ёзмишларки, йилда бир марта ўлпон талаб этилса, ноинсофлик булур, демишлар!

Кулгу садолари эшитилди.

— Ноинсофлик бўлур!

— Ноинсофлик бўлур! Хо-хо-хо!

— Ўлпон тилайдиганларга айтиб бер шуни!..

— Самарқанд ахли! — мурожаат қилди Садр Сулаймон иложи борича овозини қўйиб. — Салтанат уч нарса билан ободдир: подшо, хазина, аскар билан. Подшоймиз бор, оллога шукур, Амир Хусайн Мовароуннахргина эмас, Жета хонлигию Чинмочинни ҳам сўрамоққа кодир ҳукмдордир. Лашкаримиз ҳам етарли... Ҳар иккисининг суянчиги бўлгон хазина эса сизу биз беражак ўлпону хирож ила фаровондир... Ўлпону солиқдан ҳеч ким озод этилмайди. Дехқону косиб, уламою толиби илм, шоҳу гадо, мусулмону ғайридин — барча баб-бара-

¹ Дуо маъносида, «кадрини улур қилсин» дегани (араб.).

вар ўз ҳиссасин берур. Ўлпон нимадир? Бутун элга бўлса бир улушдан тегадир, карнайчидан бир пуф дегандай... Алалхусус, биз беражак ўлпон салтанат пойдеворини устивор этгувсидир. Қани айтинг-чи, ким салтанат пойдевори мустаҳкам бўлмасин, дея олади? Қани ким ўз салтанатига завол тилайдир? Кимки, ўлпондан бош тортса, у салтанат душманига дўстдир!..

— Эй, мусулмонлар! — деб бошлади сўзини одамлар ичида турган Уста Кулол. — Бизлар лаганни хумдонда пиширамиз, пиширгунча ўзинг ҳам пишиб бўласан... Адирма-адир, торма-тоғ юриб долғаши, мағал, гилвой, мис каби маъданларни топиб кўрғошин оламиз, лаганга ранг, жило бермак учун, сирламак учун... Салтанатимизга ранг бермак, жило бермак учун бағри дилимиз анови хумдондаги лагандай куйиб доғ бўлиб кетмакда ахир! Яқингинада ҳокимнинг босқоқчиларига ўлпону солиқни жамлаб бердик-ку! Қани ўша ўлпон? Ўша жилла бўлсин салтанатимизни сирлашга етарди дейман...

Уста Кулол бир оз тўхтаб давом этди:

— Бу йилнинг улушини бердик, Самарқанд ҳокимининг сўзларига қараганда, бу йил ва келаси йилнинг чамасини ҳам йиғиб беришимиз керак эмиш... Лойи пишитилган бўлса ҳеч гап эмас... Ал-косибу хабибуллоҳи¹, деганлар. Мен Кулоллар махалласи номидан шуни айттайки, бизнинг ўлпон берадиган ҳолимиз йўқ... Тирикчилик деб чатаноғимиз керилиб кетяпти... Гапим тамом!

Садр Сулаймон Уста Кулолнинг гапидан норизо бўлди, рижинганча Жаммазабон девонбегига қаради. Девонбеги, сўрининг ёнига келиб майдонга мурожаат қилишим зарур бўлиб қолди шекилли, деб ўйлади. Жаммазабон девонбеги ҳокимга ёқиш учун деди:

— Халойиқ! Юртимизнинг тинчи учун нима юмуш зарур бўлса қиламиз... — Қовоқларини уюб гапирганидан, кўзларини ёпиб турадиган куюк қошлари яна ҳам пастга тушиб кетди, қараган одам, кўзларини юмиб гапирётган экан-да, деб ўйларди. — Ўлпонни уч марта йиғиш керак бўлса, уч марта йиғамиз. Тўрт марта йиғиш зарур бўлса, тўрт марта... Тўғри гапиряпманми?..

— Тўғри! Тўғри! — чинқирди биров, бу Абумансур эди. — Толиби илмлар қўшилади!

¹ «Косиб Оллоҳ таолонинг суйган бандасидир» (араб.).

— Оғзингни юм! Нимаси тўғри? — тўрт-беш кадам наридан унга бақирди Калтатой. У Абумансур томон келабошлади. — Ёнингдан ел ўтмай, тўғри, тўғри, дейсан... Толиби илмлар номидан гапирасен? Тишимизда мисвокни сўриб тирикчилик тебратамиз... Декча ҳафтада бир қайнайди ё йўқ,.. «Тўғри» деганинг шулми, шилпиқ, каламуш, кўршапалак? Шулми?..

Калтатой Абумансурнинг ёқасидан олди. Жаммазабон кўмаги билан қозихонада мирзаллик кила бошлагандан бери кўлига пул тушди, тирикчилик ўнглана бошлади. Буни толиби илмлар кўриб туришарди, Мавлонозода билан Калтатойлар эса унинг писмиқ ножинслардан эканлигини билишар, тўғри келганда юзига айтишарди ҳам. Абумансурдек билими хаминқадар бир муллаваччанинг қозихонада мансаб эгаси бўлиб ўлтиришида сир бор, маълум хизмат эвазига бўлса керак, албатта. Аммо, қандай хизмат?..

— Кўлингга қарға ўтирди-да, а? — Ёкани қаттиқрок бўғиб таҳдид қилди Калтатой. Абумансур Калтатойдан кўрқарди. — «Тўғри эмас!» деб қичқирасен, шилпиқ!

— Ёкамни қўйиб юбор! Бўғма!.. Нега бировнинг ёқасидан ушлайсен?

— Айтмайсенму?..

Абумансурнинг чораси қолмади. Айтай деса, Жаммазабон девонбегига ваъдаси бор, айтмай деса, Калтатойнинг бир кўли ёқасида, тошдай мушти эса биқинига ботиб бормокда...

— Тўғри... эмас! — деди ниҳоят у, «тўғри»ни қаттиқ айтди, аммо «эмас»га қолганда овози чикмай қолди.

— Каламуш!

Калтатой унинг биқинига бир тушириб нари кетди.

— ...Мана, мен, — деб гапирарди Жаммазабон девонбегига, — ўзимнинг бисотимдан ярим қоп гуруч, ярим қоп сабзи, бир хуржун маккажухори, битта қўй, ўн динор пул топширамен!..

— Э, даф бўл-е! Овозингни учир-е! — қичқирди кимдир. Сўрининг ёнига Самарқанд қозиси Қавомиддин яқинлашди.

— Фуқаро! Ўлпону солиқ тўламак, салтанат хазинасини бойитмак бизнинг фуқаролик вазифамиздир. Эрта-лаб туриб юзни ювмак қанчалар зарур бўлса, илло, ўлпон ҳам шунчалар лозиму лобиддир, хе-хе-хе! — ху-

нук кулгиси эшитилди козикалоннинг. — Ким бундан бўйин товлайдир? Магарки, ҳукмдоримиз ўлпон буюрибдилар, бу ул зотнинг сизу бизга қилган меҳрибончилиги холос! Биз меҳрибончиликка шундоқ «Йўк! Йўк!» деб дағалу кўрс жавоб берадурмизму? Қани бу ерда инсоф? Қани бу ерда салтанатга садоқат? Қани ор-номус? Биздан шу озгина ўлпон сўрасалару, биз «лаббай!» деб жавоб бермак ўрнига, бетимизни сидириб ташлаб, «Берганлар бераверсин!», «Бошқа бермаймиз!» деб торсайиб ўлтирсак? Хўш, сиз учун ким берадир? Ундан кейин, ахир бу қолаверса савоб иш-ку? Нахотки, ҳеч кимга савоб керак бўлмаса? Илло, бу қандай бедодлик?.. Бу ерда энг катта гуноҳ маҳалла оксоколларига тушадир! Ҳа! Маҳалла оксоколларига! Мана бу кулолнинг сўзларига қаранг: «Бизнинг ўлпон берадиган ҳолимиз йўк эмиш!..» Бу ҳали кўпчиликни йўлга соладирғон, диндан чиққанни имонга келтирадурғон бир кадхудонинг гапи! Маҳалланинг бошлиғи шундоқ, деса... Илло... Балиқ бошидан сасийди, деганлари шу-да, а?.. Хе-хе-хе-хе!

Қавомиддин козининг арра овозидай ёқдмсииз кулгиси эшитганларни беҳузур қилди. Садр Сулаймон жилмаганча бош тебратиб қўйди. Шайхулислам Абулворис Самарқандий ўнг қўлида тасбех тутиб, чап қўлида чўкки соқолини чимчилаганча, жим одамларга қараб турарди. Қозикалоннинг дағдағасифат гапларидан Худобанданинг энсаси қотди, мударрис Хожа Лутфуллох: «Ажаб, ажаб!» дер эди холос.

— Тўғри айтяптилар, ахир бу савоб иш! — деди кимдир.

— Тўғри, балиқ бошидан сасийди, бошидан! — кичкирди қуйидан Ахий Жаббор. — Бошидан сасимаса, шундай гапларни дермиди!

Ахий Жабборнинг гапини илиб кетишди:

— Бош бўлгандан кейин сасийди-да! — деди Бобо Султон.

— Шукр қилсин, боши бор экан, сасибди... — кулди Соҳиб Чангал.

— Боши бўлмаса нимаси сасирди? — суриштирди Абомуслим.

— Бош эмас экан у турган! Бошнинг ўрни экан... Бош йўк... — бунни Ҳасан чиноқ айтди.

— Мисрлик уламо, фозиллар фозили,— сўз олди Сукрот. — Ибн Махжурий, наввароллоху марқадаху¹, «Тарихи Махжурий»да, ўн тўққизинчи фасл, ўттиз саккизинчи саҳифаси юқоридан бешинчи қаторда қайд этиб-дурларки, бош эмас, балки ўрни сасийди, демишлар...

Ҳамма гуриллаб кулиб юборди. Сўридагилар, бу гаплар каердан чиқди, деб чўзилиб қарай бошлашди. Самарқанд хокими «Ие!» деб қўйди, шайхулислом мийғида жилмайди, Хожа Лутфулло, ёнидаги имом Қутбиддинга кўзларини катта-катта очиб тикилди. Қавомиддин кози, катта салласи оғирлик қилаётгандай ғазабдан бошини сарак-сарак қилди, кейин масжиднинг ўнг томонидаги сипоҳийларга буюрди:

— Ўша бадбахтларни топингиз! Тез топингиз! Илло, оёғига тахтакач боғлаб, товонидан қон тизиллатмасам, мен ҳам юрган эканман!

Ёнига қилич осган қалқон тутган бир сипоҳ Тун салтанати фуқароларига яқинлашди, овозини таҳдидли қилиб айтмоқчи эди, пўписадан нарига ўтказолмади:

— Сенларга кўрсатиб қўяман! Ким у балиқни бошидан сасийди, деган? Чиқсин, бу ёққа!

Ахий Жаббор шу ондаёқ одамларни ёриб сипоҳ олдига келди. Баланд бўйли, учли қалпоқ кийган, шопмўйлов, жуссадор йигитни кўрган сипоҳ сал ортига тисарилди:

— Мана, мен балиқни бошидан сасийди, деган!

Худобанда Ахий Жабборни таниди. У отаси — энди бунга шубҳа йўқ — Абомуслимни билмай дўппослатганда, келиб сипоҳийлардан ажратиб олган йигит. Худобанда ўлтирган жойида безовта бўлиб, негадир Ахий Жабборга қайиша бошлаганини сезди. У ҳозир ўзини сўрида омонат ўлтиргандай ҳис қилар, гуё унинг жойи ана шу фақирлар, пахта тозаловчилар, кулоллар, чорикорлар, юпун толиби илмлар орасида кабидек туюларди. Худобанда сипоҳ Ахий Жабборга бирон зуғум қилмасин, деган хавотирда шарт ўрнидан туриб, бормоқчи эди, кечикди, кимдир отилиб чиқди:

— У-мас, мен балиқни бошидан сасийди, дедим!

Ҳамма ўша томонга қаради. Самарқанд сарбадорлари жамоаси оксоколи Ҳасан чиноққа тан берди. Кўрқмас,

¹ «Қабри нурга тўлсин» (араб.).

мард йигит оқибат кўргизиб фалокатда дўстини ёлғиз қолдирмоқчи эмас.

Бу орада яна иккита сипоҳ шериги ёнига шошилди.

— Адашма, ўғлон, адашма! У гапни айтган мен-ку!.. — энди Шаҳриёр сипоҳга яқинлашди. — Уни тинч қўй. Мана мен!

— Мана мен, ўшандай деган!

— Алдашяпти, мен-ку...

— Мен!..

— Мен!..

Тун салтанати фуқаролари бирпасдаёқ Ахий Жаббор қаторига чиқиб, сипоҳийларни ўраб олдилар. Улар нима қилишларини билмай хайрон, ҳаммага жавдираб қара-шарди. Худобанда содда одамларнинг бу қадар яқдил-лигидан ёқа тутди, ўзлари юпун, оч эсалар-да, одамгар-чилик бобида, мана бу саллаликлардан нечоғлик баланд эканликларини англади. Ўзини оламнинг устуни сана-ган, олифтагарчиликни қўлдан бермайдиган бу казо-ка-золарнинг юриш-туришида сохталик шундоқ аён, зохи-ран бошқа-бошқа киёфага эга бу одамлар, ботинан бир хил... Ажабланадиган жойи шундаки, буни ҳаммаси би-лади, аммо ҳеч ким биламан, демайди... Мана, бойлик-ка муккасидан кетган падари бузруквори. Бу одамнинг биронта тутуми ҳам йигитга ёкмайди. Фарзанди йўқ ... Ҳа... Агар Худобандани суюб, ардоқлаб чинакамига ўғлим, деб қабул қилганида эди, отасиз ўсган йигитнинг ҳам бағри тошдан яралган эмас, юрагининг тубида отага, онага, дўстларга атаб қўйган бир чимдим меҳри бор, аяб ўлтирмайди! Афсуски, Садр Сулаймон билан Худобанда ўртасида ота-болага хос соф илиқ муносабат пайдо бўлма-ди, ясама меҳр-мурувват эса яқинлаштириш ўрнига, ни-фок келтириб чиқармоқда. Бунга Абомуслим воқеаси, Жоннигор фожиаси қўшилиб вазиятни ортиқ чигаллаш-тириб юборди, Худобанда энди жим туриб бўлмаслиги-ни, нимадир қилиш кераклигини фаҳмларди. Нима қилиш керак? Нима? Нима?.. Буни ёлғиз Оллоҳгина биларди холос...

Тун салтанати фуқаролари орасида қолган сипоҳий-лар кимни тутушни билмай хайрон эдилар. Самарқанд ҳокими ишораси билан сипоҳийларнинг бошқалари ҳам ўша ёққа ошиқдилар. Ўртадан низо чикди. Худобанда

сарбадорлар сафига назар ташлаб, Мавлонозодани илғади-ю, охиста одамлар орасидан ўша ёкка юра бошлади. Самарқанд ҳокимининг яккаю ягона ўғлини кўриб, барча чекиниб, йўл берарди. Худобанда эгилиб Мавлонозоданинг қулоғига шивирлади:

— Дўстим... Қандай билганимни кейин айтамен... Пайшанба оқшоми Жаҳон бикани Қора арлот хузурига олиб келар эканлар, аробада... Оқшом чоғи. Чорсу майдонидан ўтишади-ку... Йўлини тўссак... Кўпчилик бўлиб Жаҳон бикани кутқаришимиз даркор!..

Дабдурустдан ҳеч нарсани англай олмаган Мавлонозода гапнинг тагига етиб, дўстини маҳкам қучоклади, кўз олдиди дунё ёришиб кетгандай бўлди!

— Ташаккур, сизга дўстим! Пайшанба... ҳали уч кун бор... Уч кун! О, нечоғлик қувонтирдингиз! Нечоғлик!.. Бир умр олдингизда қаздормен!.. Шукур, оллога!

Мавлонозода бир лаҳза қаердалигини унутди. Хайрият, Жаҳон биканинг хабари топилди! Топилди!

...Ўшанда Мавлонозода шериклари билан лаҳим йўлдан пастга туша бошладилар. Йўл бир киши сиғадиган бўлганидан, қоронғуликда икки қадам нари кўринмасди. Йигирма қадамча юрганларидан сўнг, бошлари қотди: лаҳим икки томонга ажралган эди. Таваккал қилиб ўнг томон юрдилар. Юриб-юриб, айланиб ҳалиги тушган жойларидан, қўрғончадан қайтиб чиққанларини билмай қолдилар. Такрор лаҳимга қайтдилар, ўша жойга етганда, энди чап томонга бурилдилар. Йўлнинг саройга олиб боришига ҳеч шубҳа-гумон йўқ эди. Аммо тагин қўрғончага чиққанларидан кейин, бошлари қотди: ажабо, бу сирли маконда сарой қаерда?.. Соқчилар ҳам танг қолиб бош тебратишарди. Ер ости саройи йўли аслида ўша лаҳим иккига ажралган жойда, аниқроғи, икки йўлнинг ўртасида жойлашганди. Бу ерда темир эшик бор эди. Аммо эшик тупроқ рангида қилинганидан, унинг устига қоронғи эканлигидан, бегона одам дабдурустдан уни илғай олмасди.

Камонмерган Хўрдак Бухорий шерикларига деди:

— Бу ерда сир бор. Ақлимиз етмай, саъй-ҳаракатимиз бенаф кетди. Бошқа йўлларини қидирайлик...

Қайтар эканлар, икки соқчига яна ҳам синчиклаб ўрганишни, кузатишни тайин қилдилар, саройга тушиш-

ни бошқа кунга қолдирдилар. Мавлонозода юраги увишиб турса ҳам, иложсиз, рози бўлди. Ахий Жаббор эса чорасизликдан тили лол эди.

— Тўхтанг, — Худобандага тикилди Мавлонозода. — Қора арлот дегани ким бўлди экан?..

— Хафа бўлмайсиз... Қора арлот — Самарқанд хокиמידир — жавоб берди Худобанда пинагини бузмай.

— Нима-а? Нима дедингиз?!..

Мавлонозоданинг ичи ёниб кетгандай бўлди! Қулоғи битиб қолгандай, атрофдаги сурон эшитилмасди. Йигит сўри томонга қаради: худди тарвузга салла ўратиб қўйгандай кўринган бошқалар ичида ажралиб турган Садр Сулаймон пастдаги жанжални бесаранжом кузатар, жим ўтиролмас, маҳаллалар оқсоқоллари гапларини эшитганда дам-бадам кимирлаб қўярди.

Сипохийлардан бири қиличини яланғочлаб ҳавода ўйната бошлади. Хўрдак Бухорий бирон қор-қол юз бермасин, деган ташвишда ўша томонга интилди. Шовкин-сурон, пала-партшп оломон ичида юришдан кийини йўк. У қилич ўйнатаётган сипохий ёнига борди-да, билегидан қаттиқ ушлаб қисди. Панжалари бўшашиб қолганидан осонгина қилични олди-ю, деди:

— Қани қилични ёнга сол-чи! Бировга тегиб кетса нима бўлади? Ма, ушла қиличингни!

Норғул, паҳлавон камонмерганнинг ҳаракатлари самимий эди, сипоҳ қиличини қинига солиб қўйишга мажбур бўлди ва деди:

— Буларни қаранг! Қозикалон билан ҳазиллашадир!

Шу пайт сўри олдига Самарқанд сарбадорлари жамоаси оқсоқоли Абу Бакр Калавий чиқиб келди. Бошида кичиккина салла, эгнида оппоқ яқтак, баланд бўйли, шопмўйлов оқсоқол майдоннинг ҳамма жойидан аниқ кўриниб турарди, Хўрдак Бухорий ҳали ҳам тинмаган жанжалкашларга қараб йўрон овозда деди:

— Бас қилинг! Бирингиз оға, бирингиз ини, нени бўлишолмай ётурсиз? Жим бўлингиз! Сўзлашаётир!

— Самарқанд хокими, — деб бошлади Абу Бакр Калавий, — Солисаройдаги қурултойдан сўз очдилар. Салтанат хазинаси бой бўлмаги лозимдир, лашқар пуркуваат, подшо собит, салтанат эса устивор. Бизлар ўлпон йиғмакдан чекилмаймиз. Аммо шаҳар аҳлини бир жихат

ташвишга соладир. Бу йил йиғилган ўлпоннинг бирон улуши ҳам шаҳар ободончилиги, кўприк қуриш, йўл тузатиш, қабристонлар орасталигига, етим-есирларга сарф этилмади, бева-бечораларнинг қора қунига ярамади. Мана бу Жомеъ масжидимиз не-не йиллардан бери таъмир этилишини кутади, кўчманчининг кулбаси бундан афзал. Кўчаларнинг тоши кўчиб оёқдан чалмакка мойиллик кўргизадир. Ахир бир оз инсоф кўчасидан ҳам ўтайлик, феъли каттиқлар! Одил подшога шундоқ бўлмок ярашади!

Хайрихоҳ овозлар янгради:

— Инсоф кўчаси қаерда экан ўзи?

— Ундай кўчалар аллақачон бузилиб кетган!..

Шайхулислом Абулворис Самарқандий Наддофлар маҳалласи оқсоқолининг гапларини эшитаркан, беихтиёр жилмайиб қўйди. Садр Сулаймон:

— Пахтачини қара, тили чиқиб қопти! — деди рижи-ниб Жаммазабон девонбегига. Қавомиддин қози, хўш, гап охири қаёққа борар экан, қабалида диққат билан эшита бошлади:

— Қозикалон жаноблари, ўлпондай савоб ишни амалга оширмаслик гуноҳи маҳалла оқсоқолларига тушадир, дея бизнинг чорбоғимизга ҳам тош отиб ўтдилар. Алқисса. Улусимиз ҳеч қачон савоб ишдан бош тортмайди, буни қозикалон жаноблари яхшилаб уқиб олсунлар. Игна ўзи яланғоч бўлса ҳам айбни ёпа оладир. Аммо ҳозир йиғиб олинмакчи ўлпон Жета хони билан бўлажак урушга сарфланар эмиш. Муаллими соний Абу Наср ал-Форобий шундоқ дегандилар: «Кимсага тиг кўтармак бадхўйликдир. Бу Оллоҳга ҳам ёкмайди. Тиг кўтаргувчи кишилар истиқомат айлагувчи шаҳар, билингизким, жохил шаҳардир...» Алқисса. Илёсхўжахон билан уруш куппа-кундузи килинган ўғрилиққа тенгдир. Уруш жихатидан бало олови баланд кўтариладир, фитна-фасод шуҳрат топади. Бечора раоя жанглар ташвишига мубтало-ю, паришонлиққа гирифтор бўладир. Биз бунинг учун ўлпон йиғмакдан бош тортамыз. Бундоқ ўлпон гуноҳи азимдир, англайлик, эй феъли дурустлар!

— Хой, оқсоқол! — бақирди Жаммазабон девонбеги куйиниб. — Оғзингизга қараб гапиринг! Салтанат ҳукмдори Амир Ҳусайннинг уруши ўғрилиққа тенгми? Тағин куппа-кундузи, денг?

— Аввалам, Амир Хусайн уруши, демадим, умуман, урушлар хакида гапирдим. Сониян, бу гапни мен эмас, муаллими соний Ал-Форобий айтгонлар, — хотиржам деди Абу Бакр Калавий.

— Амир Хусайн сиёсатига қарши айтилгон ҳар қандай сўз салтанатга отилгон ўқдир... Ажаб... Ажаб... — деди Хожа Лутфуллох, мадраса мударриси, Садр Сулаймон унга бир неча бор ўқрайиб тикилгандан кейин. — Баски, ўлпон — минг кўзли ярадир, унинг давоси — ижросидир... Инсоф қилайлик... Ўлпонни тўлаб берайлик, мусулмонлар!..

— Шундай деган ўша муаллим ҳам, Наддофлар маҳалласи оқсоқоли Абу Бакр Калавий ҳам жазога мустаҳикдур! — қичқирди Абумансур, у бемалол гапириш учун Қалтатойдан нарироққа силжиди. Қозикалон сўзлари калака қилинганидан хижолат мирза шу билан ўзини оқлагандек эди. Асли-ку, у жим тургани йўқ, ҳали «балиқ боши» аскияси кетганда, «Бас қилинглар!», «Тўхтаңлар!» деб бақирди, аммо ингичка овози суронда эшитилмади. У энди фурсат келганини билди, ҳам Самарқанд ҳокими олдида, ҳам Қавомиддин қози олдида, ҳам Жаммазабон девонбеги кўз ўнгида садоқатини кўргизиб қўймоқчи бўлди:

— Мударрис Хожа Лутфуллох сўзларини эшитдингизму?.. «Амир Хусайн сиёсатига қарши айтилган ҳар қандай сўз салтанатга отилган ўқдир!» дейилди. Бағоят тўғри. Ҳукмдоримиз юртимизнинг тинчи, фароғати учун урушга отланмақдалурлар, аммо бу уруш ўғриликка баробар кўрилди. Ҳа, Абу Бакр Калавий ва унинг атрофидагилар салтанат душманидурлар, зеро улар ўзларини сарбадор санаб, «Самарқанд сарбадорлари жамоаси» туздилар... Шунинг учун ҳам ўлпон тўлашмақчимас, юрт улдуғларининг гапига қулоқ солишмақчи эмас...

Яна майдонда шовқин кўпди:

— Сарбадорлар жамоаси бўлса нима? Ёмонми?

— Абу Бакр Калавий яхши одам!

Абу Бакр Калавий ўзини алланечук сезди. Гап шундаки, Самарқанд сарбадорлари хакида шу пайтгача сир сақлаб келинди. Бугун биринчи марта ошкор айтиляпти. Модомики, Сабзавор ва Мозандарон сарбадорлари каби Самарқанд сарбадорлари жамоаси тақдирида ошкор бўлмоқ насибаси бор экан, бас, ошкор бўлсин! Вақти-

соати етибди, шу палла, ана офтоб ҳам мағриб сари оған бир палла... Самарқанд сарбадорлари ҳам адолат тилаб, тенгсизликка тик боқиб, фозил шаҳар яратиш йўлидаги орзуларини байроқ қилиб тарих майдонига қадам қўйдилар.

— Самарқанд аҳли! — мурожаат қилди яна Абу Бакр Калавий денгиз каби мавж урган майдонга қараб. Уни гапиртирмаслик учун ҳар-ҳар жойдан: «Бас!», «Овози ўчсин!» деган саслар янгради. Бундан бир оз олдин сўзлаган Наддофлар маҳалласи оқсоқоли билан ҳозир гапирётган Самарқанд сарбадорлари жамоаси сардори ўртасида фарқ бор эди, Абу Бакр Калавий бунини яхши англади. Ҳозир унинг сўзлари бошқача салобат касб эта бошлади. — Мударрис хожа Лутфуллоҳ фақирнинг ўлпон ҳақидаги сўзларини Амир Хусайн сиёсатига зид деб баҳолади, ҳатто салтанатга қарши отилган ўк, дейишгача борди. Бу феъли пишиқнинг гапи эмас... Самарқанд сарбадорлари деганимиз ўзи кимлар? Самарқанд сарбадорлари — наддофлар, кулоллар, ҳолвачилар, мадраса шогирдлари, турли косиблар, рунуду авбош, очу гадолардан иборатдир. Улар хамиша адолат томонидадурлар, фуқаронинг, ҳеч кимнинг бурни қонамасин, дейдилар. Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай яралганки, у яшамаги ва олимақом камолотга эришмаги учун кўп нарсаларга мухтож бўладур. Бир ўзи эса бундай нарсаларни қўлга кирита олмаги мушкул, уларга эга бўлмоқ учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилладур... Самарқанд сарбадорлари ана шундай жамоани орзу қиладилар. Бу жамоа фуқароси бир-бирига кўмак берувчи ихтиёрий жамоадир. — Абу Бакр Калавий қарийб Ал-Фаробий сўзларини такрорлади. — Биз она шахримиз Самарқандни фозил шаҳарга айлантирмак хаваси билан нафас оламиз. Кимда-ким аъзо бўлмакчи бўлса, ташриф буюринг, дийдамит устига!

— Фозил шаҳар деганингиз нимадир? — сўради кимдир, овоз карвонсарой тарафдан келарди.

— Фозил шаҳар ҳамма барабар меҳнат қиладурган шаҳар. Биров бировга тобе бўлмаган, эли бахт-саодатга эришган шаҳар! — кичкирди Самарқанд сарбадорлари жамоаси котиби Мавлонозода. У Абу Бакр Калавийнинг обрўи ортиб бораётганидан сал юраги қисилганини сезди, бундан ўзи ҳам уялиб кетди. Унинг кўнглида икки

одам бир-бири билан тортишарди. «Абу Бакр Калавий оқил инсон, халол одам, у сарбадорлар жамоасига бошчилик қилмаги зарур», дерди биринчиси. Иккинчиси унга эътироз билдирарди: «Нега энди у сарбадорларга бошчилик қилар экан? Сен, Мавлонозода, раҳбарлик қилмоғинг шарт! Илғор толиби илмсен, мадрасада обруйинг баланд, Худобанда билан дўстсен, Темурбек сени йўқлаб, қўллаб турадир. Сарбадорларнинг бошида сен турмагинг керак!» Биринчиси бунга жавоб қиларди: «Бу феълингдан қайт, нодон! Абу Бакр Калавий Самарқандда сарбадорлар ҳаракатини бошлаган одам. Ундан кейин — Жаҳон бика — ул кишининг жигарпоралари, сенинг дилингни ёритгувчи офтоб... Шундай зот билан обрў таллашиб ўлтирмак сендай йигитга ярашмайди. Худбинликнинг кўчасига кира кўрма, уят бўлади!» Иккинчиси индолмай қолди. Биринчиси яна нимадир демокчи бўлди, аммо турли томондан ёрилган овозлар бунга йўл қўймади:

- Мени жамоага қабул қилинг!
- Мен!
- Мен...

Чорсу майдони узра кўтарилган сурон анча вақтгача тинмади. Сўрида ўлтирган «казо-казо»лар эса аллақачон жўнаб қолган эдилар. Сарбадорларнинг қаттиқ туриши натижасида шаҳардан ўлпон олинмади. Садр Сулаймон ўлпон ўрнини ўз ёнидан тўлдириб хоннинг хази-насига беришга мажбур бўлди.

* * *

Орадан бир ой вақт ўтгандан кейин Турон салтанати қўшини Тошкент томон йўл олди. Самарқанд ҳокими Садр Сулаймон Амир Хусайнни кутиб олар экан, амирлашкар Темурбек ҳузурида, Самарқанддаги аҳволдан сўзлаб, сарбадорлар ҳаракатидан қаттиқ ташвишда эканлигини билдирди. Амир Хусайн: «Илёсхўжани бир ёкли қилиб келай, сўнг сарбадорларнинг додини берурмен! Ҳозирча фурсат йўқ, майли, уларни ўз холига қўй, билганини қилсунлар. Ялангоёқларнинг қўлидан нима ҳам келарди?...» — деди бепарволик билан. Чорсу майдонидаги воқеадан аллақачон хабар топган Темурбек эса орага ҳеч қандай гап қўшмади.

Йигирма бешинчи боб

ҚОРАСОЧ БИКА ТАШВИШЛАРИ

Оқшом чўкканидан кейин шаҳар кўчаларида одам сийраклаша бошлади. Никоб кийишиб олган Хўрдак Бухорий, Ахий Жаббор, Калтатой, Худобанда, Мавлонозода ва Бобо Султонлар Хонқали кўчасидаги ўша иккита гунг соқчи кўриқлайдиган машъум темир дарвозадан берирокда ниманидир кутишар, кўчанинг бу жойи хийла хилват эди. Худобанданинг берган хабари бўйича, бугун — пайшанба оқшоми Жаҳон бика аробада Қора арлот хузурига олиб борилади. Лекин ароба қачон, қай палла ўтади, буниси қоронғи...

Дунёда кутиш азобининг нималигини онаизордан бошқа одам яхши билмаса керак. Кутишни оналарга чиқарган, кутиш, интизорлик гўё оналарнинг бирдан-бир насибаси. Бошқаларни билмайди-ю, аммо Қорасоч бика буни шундок деб ўйлайди. Мана, олти йилдирки, ўғли Шамсулмулк Сабзавор мадрасасида таҳсил кўради, келса, йилда бир келади. Қорасоч бика ўғлининг-ку келишини кутмайди, билади, мадрасани битирмагига яна бир йил бор. Аммо ундан мактуб пойлайдир, бир хабар келса деб интик бўладир. Абу Бакр Калавий ўғлини соғинганини билдирмайди, эркакларники бари ичида, дийдасиям қаттиқ, унинг устига бориб дийдорлашиб келди, лекин кимга қийин, онаизорга қийин...

Қорасоч бика шундай паллаларда тоқчадаги кичкина сандиқчанинг ичидан Шамсулмулкнинг мактубларини олиб ўқий бошлайди. Мактубларни кўп марта ўқиган бўлса ҳам, такрор мутолаа қилишдан зерикмайди. Шамсулмулк ўзини тутиб олган, мулоҳазали бир йигит бўлиб ўсди. Йигирма тўрт ёшли йигит тарихнависликка мойиллик кўргизарди. Херодотнинг «Тарих»и, Табарий, ал-Балазурийнинг ёдномалари йигит ардоқлаган асарлардан эди. Ўзи пинҳона тарихлар ёзади, аммо ҳеч кимга кўрсатмайди. Падари бузрукворига йўллаган мактубларида суҳан равонлиги сезилади, ровийликка интилиш кўриниб туради.

Қорасоч бика мактублардан бирини олди. Мактуб бундок бошланарди:

«Қиблагоҳим, валинеъматим, тоғлардан ҳам қоим суянчим, соябоним, падари бузрукворимга, умрлари зиёда бўлсин. Дуои саломни ёзмакдан мурод, мусофирлик шаҳрида жумла мўминлар қаторида истиқомат этиб юрган зурёдингиз Шамсулмулк ўз номаи аъмолини баён айлайдир. Тўрт мучам соғ, шукрлар бўлсун. Сабоқлар ҳам кўнгиш хоҳишидек ўз йўсинида кечмакдадир. Бирон нимарсадан камлик сезмайдурмен, вале кам бўлса бир нарса камдир, у ҳам бўлса, сиз қиблагоҳимнинг, муштира онаизоримнинг, ширин синглим Жаҳон биканинг дийдорлари камдир... — Қорасоч бика шу ерга келганда хар сафар кўз ёши қилиб олади, бу гал ҳам шундай бўлди. — Аммо бир нарса кўнглимни тўқ этадир, ки биродарингиз жаҳонсўз шоир Ибн Ямин Фарюмадий ҳамиша кор-ҳолимдан огоҳдурлар, ҳол сўрамакдан зинҳор орланмайдурлар. Ашъори кун-бакун сарбадорлар элида ўзига доврўқлар тилайдир. Ул зотнинг дуои саломини қабул этгайсиз.

Қиблагоҳим, сўровингизга кўра, сарбадорлар давлати зикрида янги юз берган воқеалардан ёзадурмен... Паҳлавон Ҳайдар қассоб Исфаройин қалъаси ёнида завол тоғач, сарбадорлар умаро ва фузалолари жумласидан паҳлавон Ҳасан Домгоний билан хожа Фазлуллоҳ Боштиний амирзода Лутфуллоҳни мамлакат тахтига миндурдилар. Сабзаборнинг арбобу аҳолисига шоду хуррамлик етишди, салтанат сойига қайтадан равона бўлган обиҳаётдек, унга пешвоз чиқиб, қутлуғладилар ва бошидан нисор айладилар.

Аммо тез орада амирзода Лутфуллоҳ, билан паҳлавон Ҳасан Домгоний орасида низо кўпди. Сабаби андоқки, амирзода паҳлавонга дашном берди, паҳлавон Ҳасан Домгоний эса ундан кинадор бўлди, бир кун кечаси уйига бостириб бориб амирзодани бандга олди ва ўз номига довул қоқтирди. Амирзода Лутфуллоҳни қўлоғини боғлаб Дастиржон қалъасига жўнатди, сўнг одам юбориб уни шаҳид қилдирди.

Паҳлавон Ҳасан Домгоний қўрқмас ва шерюрак киши эрса-да, тадбиршуносликда шошқалоқлик қилиб, хатога йўл қўяр экан. У билан дарвиш Азиз Маждий орасида адоват қўзғалди. Паҳлавон Ҳасан Домгоний лашкар ияртиб Машиҳад шаҳрини забт этди. Дарвиш шу дам

намоз ўқирди, паҳлавон унга деди: «Сен бир намозхону покдомон одамсен, ўлдирмакка Оллоҳдан ҳайиқамен. Яхшиси, шитоблик билан юртимдан чиқиб кет!..» Азиз Маждий кўнди. Унга икки харвор ипак мато бериб Исфаҳон томонга чиқариб юбордилар...»

Қорасоч бика мактубнинг давомини ўқимай, энг сўнги келганини олди:

«...Андоқки, паҳлавон Ҳасан Домгонийнинг бошини кесиб Шугондан Сабзаворга жўнатдилар. Энди Хожа Али Муайяд комронлик курсисига ўлтирди, ўз номига хутба ўқитиб, танга зарб этдирди. Ҳукумат тахтига мингач, раийятга ҳиммат кўргизди. Унинг дастурхонидан хосу ом баробар лаззатланадир, ўзим ҳам неча бор толиби илмлар билан ўшал кутлуг хонадонга ташриф буюрдим. У кечалари маҳалла кўйда юриб, беваларга пул ва таом улашадур. Хожа Али Муайяднинг гаройибу, ақл бовар қилмайдиган ишларидан бири, ҳаммаслаги дарвиш Азизни ўлдириши, шайх Ҳасан Журий муридларини инкор этиб, Шайх Халифа ва Шайх Ҳасан мазорларини бозор ҳожатхонасига айлантириши бўлди. Ажабки, бу юмуш инсонгарчилик доирасига сизмас... Тагин Оллоҳнинг ўзи ҳакамдур. Айни замонда, сарбадорлар давлатини кенгайтирди, Фийлон, Табас, Туршиз ва Кўхистонни ишғол қилиб, Домгондан Сарахсгача бўлган ерларни ўзига қаратди. Ул зот буюрдиларким, ҳар кун оқиому саҳар ясатилгон тулпорни шаҳар дарвозасига чиқарсунлар. Соҳиб аз-замона қайтиб келгонларида, токи интизор бўлмай, ўшал тулпорга миниб Сабзаворга қадам қўйсунлар...»

Шамсулмулк сўнг ўзининг сабоқларидан хикоя қилгани, фурсат етса шу йил албатта Самарқандга боришини ёзгани. Шоир Ибн Ямин Фарюмадийнинг насибалари кўшилиб турган эса ул киши ҳам бориб қолишади.

Ўғил соғинчи она бағрини ўртаганда, шадлод ва шартаки қизи Жаҳон бика жонига ора кирар, баъзан йигитчасига, акасига ўхшаб кийиниб олиб турфа қилиқлар кўрсатарди. Гоҳ Шамсулмулкнинг толиби илм эканлигига ишора қилиб бошига нозиккина мисколи салла ўрар, — салла ҳам бир ярашиб кўядики, онаизор хайрон, —

эгнига авра чопон кийиб ховлида у ёқдан-бу ёққа мулла-ваччалардек юриб қоларди. Гоҳ эса айб иш қилиб қўйиб падари бузрукворидан дашном еган акани кўриш мумкин бўларди, ҳаммаси Шамсулмулкнинг ўзгинаси, ҳеч нарса деёлмай ер қизиби туриши ҳам, бурнини тортиб-тортиб қўйиши ҳам...

Оппок юзли, ўнг юзида чиройли холи бор, кишининг ики суюдиган Жаҳон бика худди Қорасоч биканинг ёшлигига ўхшарди, тўлачадан келган, аммо чехраю тарзда монандлик бўлса ҳам, сажияларида турфалик бор. Чунончи, Қорасоч бика бу ёшда майин, кўйнинг оғзидан ҳам чўп олмайдиган, отаси Абдумавлон юзнинг каттагина боғидан ташқари чиқмаган, юмшоқ дил, тортинчок бир қиз эди. Жаҳон бика аксинча — шаддод, шартаки, қўрқмас, шу важдан ҳам ҳайикмай бозорларга бориб келади. Падари бузрукворига ҳам шартта гапириб юбораверади, албатта, ножўя гапирмайди-ку.

Ота билан она, айникса Шамсулмулк Сабзаворга кетгандан бери, Жаҳон бикага жуда қаттиқ боғланиб қолишган. Жаҳон бика уйда уларга ҳам ўрил, ҳам қиз... Ота юришларини мақтаб: «Полвон қизим! Полвон қизим!» деб қўяр, жасурлик, ботирликка интилишларини қўллаб-қувватларди. «Қиздир, йигитдир, ҳар ким керак пайтда ўзини ҳимоя қила оладирғон бўлсин!» — дерди Абу Бакр Калавий. Онаси эса бошқача ўйлайди, қиз бола қиз болалигида турсин, дейди...

— Сен бундай шартаки бўлма! — насиҳат қилди бир куни Қорасоч бика Жаҳон бикага ҳазил аралаш. — Бўлмаса эр олмай қўяди...

— Эрга тегмаймен! — кесди дарров қиз.

— Ие! Урди худо! Нима қиласен унда?

— Бошингизга болиш бўламен! Баланд қилиб ётасиз-ку! Хо-хо-хо! — шарақлаб қулиб юборди қиз.

Бир куни Қорасоч бика пахталарнинг чигитини ажратиб чинакхонадан ховлига чиққанди, айвондаги манзарани кўриб ҳайрон бўлиб қолди. Бошига тож кийган, белига зар камар боғлаган, чап кўлида гаврондан тўкилиб, мато билан ўралган қалқон, ёнида қилич Жаҳон бика қимир этмай узоқларга тикилиб турарди. «Тож» ҳам гаврондан қилинган, унга ялтир-юлтир нарсалар, қийқимлар ёпиштирилган. Эгнида, отаси Шамсулмулк келса елкасига ташлайман, деб олиб қўйган абришим

тўн... Қорасоч бика аввалига танимади, яхшироқ караса — Жаҳон бика! Йигитлардан ҳеч фарқи йўқ... Онаизор қўркиб кетди.

— Хай, кизим? Сенга нима бўлди? Тобинг қочди-ми? — деб юборди жонхолотда.

Жаҳон бика жавоб бермади. У ҳамон қилт этмай, узокларга кўз тиккан... Шу туришида ёш шахзодаларни эслатар, тож кийиб олганидан чеҳраси яна ҳам гўзал кўринарди.

— Саклар маликаси Тўмарис душманга қарши жангга жўнайди! Лашкар! Сурон! Сурон! Сурон! Саваш майдонига кетдик! — фармон қилди Жаҳон бика хаёлий лашкарга, қиличини хавода ўйнатар экан. — Душманга кун йўқ, мардга — ўлим!

— Ха... — бўшаши Қорасоч бика. — Ҳазилинг ҳам бор бўсин-е!

— Ўхшадимми, онажон? А, ўхшадимми? — қаҳ-қаҳ отиб деди Жаҳон бика. — Малика Тўмарис ҳам мендек-дир-да...

— Сендек, кизим, сендек!.. Сенга ўхшаган-да уям!

Яна бир куни боғнинг четидаги қари теракни эринмасдан увадалар билан ўраб боғлаб чиқди. Сандикдан падари бузрукворининг кўктемир деб аталган совутини олиб кийди, бошида дубулға, қўлида қилич... Кўктемир Абу Бакр Калавийнинг Боштиндан, сарбадорлардан олиб келган ёдгорлиги. Ўша ерда беришган. Кийиб сарбадорлар сафида жанг қилган экан. Совут кичкина келиб қолган, сандикда турарди. Жаҳон бика ҳалиги терак («ёв») билан саватишга киришди. Қиличини турли йўсинда ўйнатиб, ҳамлага шайланади, алдоқ ҳаракатлар қилиб, чап бериб қолади... Жаҳон бика қиличбозлик сирини хийла билиб олганди. Қорасоч бика бирпас томоша қилиб турди. «Ха, — деб ўйлади у. — Абу Бакр Калавий бир пайтлар мана шу кўктемирни кийиб олган Жаҳон бикадек нозик йигит экан-да! Одамнинг ишонгиси келмайди...»

Ўтган йили, ҳовлининг четига экилган чорак танобгина жухори пишиб қолди. Абу Бакр Калавий эрталаб қишлоқларнинг бирига кетаётиб, жухорининг бошини қайириб олиш керак, келиб ўриб ташлайман, деб тайинлади. Жаҳон бика: «Ўзим бажараман!» — деди. Қорасоч бика чинакхонада иш қиладиган бўлди. Бир оздан ке-

йин она қизидан хабар олгани борди-ю, хайратдан ёка ушлади! Кўктемирни кийиб олган қиз ўзини жанг майдо-нида сезиб, эгатга кириб қилич билан «душман» (жухори) бошини шарт-шарт узиб ташламоқда эди! Ўзи ҳам терга пишиб кетибди. Боши олинган жухорилар эса мунгайиб туришарди...

— Ҳа, Жаҳон бика қизим! Секин-секин!.. Донлари сочилиб кетади-ку! — деди Қорасоч бика.

— Бировнинг юртига зўравонлик билан бостириб кирганларнинг жазоси шундоқдир! — жавоб қилди Жаҳон бика ерда ётган «бош»ларни кўрсатиб.

— Вой, қизим-ей! Ажойибсан-да! Ўғил бўлиб туғилиб қўя қолсанг нима қиларди экан-а! Умрингни берсин ишқилиб!..

Қорасоч бика шундай дерди-ю, шаддод маликаларга ўхшамоқчи бўлган Жаҳон биканинг шижоатидан, шиддатидан ҳам қувонарди, ҳам кўрқарди.

— Онажон! — деди яқингинада жиддий Жаҳон бика, ғойиб бўлишидан сал олдинроқ. — Менинг падари бузрукворим сарбадордир. Мен Самарқанд сарбадорлари жамоаси оксоқолининг қизимен. Отам айтдиларки, сарбадор замоннинг энг илғор кишисидир, деб. Дуо қилинг: сафларга қира оладиган бўлсин шаддод кизингиз ҳам! Падари бузрукворига муносиб бўлсин! Маҳаллада қўп қизлар менга ўхшаб йигитчасига кийинишни, жангларда қатнашишни яхши кўрадилар.

— Шундай дегин? Вой, айланай қизимдан! — бағрига олди Жаҳон бикани онаси. — Охир замоннинг қизлари-да... Улар билганни биз билмаймиз...

У қизининг катта бўлиб қолганини, қиличбозлик машқлари шунчаки болалик ўйинлари эмас, балки улкан мақсадлар йўлида қилинаётганини англади. Она тезликда бу тахминларининг исботланишини ҳозир билмас эди албатта.

Мана энди қирк кунга яқинлашиб қолди, Жаҳондан дарак йўқ... Унинг Хонқали кўчасидаги машъум саройга тушиб қолганини айтишяпти, аммо ўша саройга йўл топилмасмиш. Падари бузруквори Абу Бакр Калавий бўлса, гоҳ сарбадорлар жамоаси йигини деб Читрабонулар уйига кетади, гоҳ Тун салтанати фуқаролари билан учрашмакка боради, кишлоқларни кезади, бева-бечоралар келса оғирини енгил қилишга тиришади. Яқинда Хартанг

кишлоғидан Дадаали деган бир чорикор келибди, бешта боласи бор. Ғўзаси ҳосил бермай, ер-суви, бор-будидан айрилиб уч қоққан кунжутдай хонавайрон бўлибди. Ана ўшанинг ташвиши ҳам бу кишига юк: маҳалладан жой топ, юмуш бер... Талай вақтлари кетди. Аммо жигарпораси Жаҳон бика, бир ойдан ошиб кетди, бедарак, буни ўйлашга, қидиришга вақт топилмайди. Қорасоч бика чидай олмай яқинда қаттиқ йиғлаб берди. «Ташвиш чекманг, онаси, вақт-соати бор! — деб тинчлантирди Абу Бакр Калавий. — Жаҳон бика ҳам анойилардан эмас!» Отаси шўрлик ҳам шундай дейди-да, бошқа нима ҳам десин?.. Ишқилиб, нима бўлса ҳам боши омон бўлсин — Қорасоч бика шуни ўйларди. Читрабону ҳар икки кунда бир хабар олади. Жаҳон биканинг топилмаганини билиб, хафа бўлиб кайтади. Наддофлар маҳалласи оқсоқоли уйдаги бу ташвиш Абу Бакр Калавийнинг барча дўстларини безовта қилган, улар ҳам кўришганда бир-бирларидан аввало: «Янги гап борми?» деб сўрашар, саволнинг замирида нима ётганини изоҳсиз ҳам англашар, «йўқ» — деган жавобни эшитишгач, бош чайқаб кўяр эдилар.

* * *

Нихоят Ҳонкали кўчасида бир соябон ароба пайдо бўлди. Ажабо, у ердан чиқдими, осмондан тушдими? Кўчадан кўз узмай тикилиб турган Мавлонозода ва унинг шериклари биронтаси ҳам аробанинг қандоқ пайдо бўлганини билолмай қолдилар. Ароба гунглар дарвозасининг берирогидан чиқдими ё нариёғидан?.. Фира-шира қоронғида аробани тўртта сипоҳий кўриқлаб келаётганини илғаш мумкин эди. Унга ясатилган от қўшилган, отнинг пешонасига тумордеккина туғро тақилган. Туғро бу от, ароба, ундаги одамлар Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Ҳусайнга қарашли эканлигини билдиради. Дахлсизликни таъминлайдиган бу белги, мамлакат ҳукмдорининг ўнг қўли, амирлашқар Темурбек кенгаши билан муомалага киритилганди. Анъана ҳали янгилигидан кўникма йўқлиги сабаб, кўпда унга риоя қилмас эдилар.

Аробанинг тўрт томонидаги сипоҳийларнинг иккитаси таниш — миқти гавдали қиличбурун билан новча, улар аробанинг доимий кузатувчилари. Қолган иккитаси

Самарқанд хоқими Садр Сулаймоннинг хос аскарлари, — ароба олдида ўшалар келишарди. Соябон ичида Фунчачи бегим Жаҳон бика ёнида ўлтирар, худди келинга насихат қилаётган янга каби алланималарнидир уктириб борарди. Жаҳон бика келинчаклардек ясанган, харир кўйлаги оқаришиб кўринар, тиллақоши ароба ичидаги фонус ёруғида ялтирарди. У Фунчачи бегимнинг гапларини, уқдим, дегандек бош тебратиб кўярди.

Фунчачи бегим Жаҳон бика билан келиша олмади. Орадан гап қочгандан кейин, Жаҳон бика ўйлаб кўришга қирқ кунга муҳлат сўради. Фунчачи бегим қизнинг чарс, шаддод, ғайратли ва чўрткесарлигини фаҳмлади-ю, бу шартга рози бўлди. «Қирқ кун нима, кўз очиб юмгунча ўтади кетади, — деди у ўз-ўзига. — Қора арлот ҳам бундок чарсу қайсарини ёқтирмайди. У ўзи ийиб, эгилиб борганини хуш кўради». Жаҳон бика бир хонада яшар, ташқари чиқмас, ҳеч ким билан гаплашмас, устидан кулфлаб кўяр эдилар.

Орадан бир ойча вақт ўтди. Қиз кўп нарсаларни ўйлади, падари бузруквори, онаизори, Сабзавордаги оғаси, қошлари коп-қора, олифта мўйлабли хушбичим йигит Мавлонозода, Кумарлар билан неча бор хаёлан суҳбат қурди... Нимани ўйламасин, хаёли барибир бир нарсага келиб такаларди: бу «кабристон»дан омон-эсон чиқиб олмоғи керак! Чиқиб олишнинг йўли фақат битта — Фунчачи бегим айтганига рози бўлса, бас... Фақат «кабристон»дан чиқиб олсин!..

Гоҳ-гоҳ Мавлонозодадан хабар бўлмади, деб ўксиниб кўяди. Отасининг йўқламаганидан йиғлаб-йиғлаб олади. Буларнинг бари Жаҳон биканинг қарорини катъийлаштирди.

Бир кун қиз Фунчачи бегимдан пичоқ сўради.

— Ие! Тентак! Сенга пичоқ бериб бўларканми! — деди Фунчачи бегим. — Йўқ пичоқ! Иккинчи сўрай кўрма!

Яна бошқа кун, тирноғимни оламан, деб қайчи сўради. Фунчачи бегим топиб берди. Жаҳон бика тирноғини олган бўлди, Фунчачи бегим эртасига қайчини сўраганида, парвосизгина, йўқотиб қўйдим, деб жавоб қилди.

— Қаёққа йўқотдинг, яшшамагур! Топ қайчини!

— Қайга қўйганимни билолмай қолдим, опагон! — деди қиз.

— Топ! Топасан, дедим, топасан!

— Эсон-омон бу ердан чиқай, бир қайчингизни икки қилиб олиб келиб бераман, опажон! Битта қайчига шунчами? Ўзиям темиртак экан, тирноғимни олмадиям!..

— Вой! Эсон-омон чиқсам эмиш... Чиқиб бўпсан! — захрини сочди Фунчачи бегим. — Танинг шу ерларда чирийди сенинг бу туришингда, ҳа!..

Фунчачи бегимнинг юмшаганини кўрган Жаҳон бика, қайчининг энди ўзиники бўлганлигига ишонч ҳосил қилди. Яшириб қўйди.

— Айтганингизга розиман, опажон! — деди қиз беш кун аввал Фунчачи бегимга. Шундай қилмаса, айтилган муҳлат тугагандан кейин қўл-оёғини боғлаб олиб кетишлари ҳам мумкин-да. — Бу ерда барибир умрим бекор ўтиб кетмакда. Начора, пешонада борини кўраман-да... Тўғри маслаҳат берган экансиз...

Жаҳон бика бундоқ қарорга келди: «Фунчачи бегимга розилик бериб бу қабрдан ёрур жаҳонга чиқиб олмоғи даркор. Кимга рўпара қилсалар ҳам, осонликча жон бермайди, қиз бола эканман, деб қараб турмайди, тиш-тирноғи билан курашади, ўзини хор айлашга йўл қўймайди! Ёнида қайчи бор-ку.. Балки йўлда қочишнинг имкони бўлиб қолар? Ҳар қалай, ташқарига чиқиб олсин...»

— Вой, айланай ўзим! Эсли қиз мана бундоқ бўпти! — қувониб кетди юзсиз хотин. «Айни муддао! — деди ичида. — Қора арлот ҳам, қачон бўлади, деб шошилтиргани-шошилтирган эди...» — Маликалардай яшайсан, қизим, бахтинг бор экан, еганинг олдингда, емаганинг кетингда... Ўзинг рози бўлсанг, борган жойингдагиларга ҳам роҳат, сенга ҳам...

Мана энди Фунчачи бегим Жаҳон бикани келинлардай ясангириб Қора арлот ҳузурига элтмакда.

Ароба билан Хўрдак Бухорийлар ораси тобора қисқариб борар, масофа юз қадамча қолганди. Бирдан Бобо Султон отилиб чиқди-да, аробага қараб бора бошлади.

— Йулчи момо тили билан сиздан хайр тиларман! Элчи момо тили билан сиздан хайр тиларман! Ё Фавсул Аъзам валиларни тилидан, ё Хожа Кафшир валиларни дилидан, ё Лукмони Ҳаким валиларни кўлидан, ё ҳазрати Вайсул Қароний йўлидан... Хайр қилинглар, садақа қилинглар...

Ароба олдидаги Самарқанд ҳокимининг хос аскарлари сал нарироқда жавраб келаётган девонанинг сўзига зътибор беришмади. Девона эса сўрашини қўймас, нукул: «Хайр қилинглар! Ҳазрати Султон Қулхожа Аҳмад ҳаққи, Термиз ота ҳаққи хайр қилинглар!» дерди.

— Ҳей, девона! Қўсқи! — кичқирди ниҳоят сипоҳийлардан бири. — Қоч йўлдан! Сенга садақа берадиган аҳмок борми? Қоч! Бир уриб қапиштириб ташлайман!

— Сени қапиштира деяётганим йўқ, хайр қил, деяпман холос...

— Э, мунча вайсайсан? — дўқ қилди иккинчи сипоҳий. — Сенга қоч, дедилар... Тушунарли бўлса керак! Миямнинг қатиғи чиқмасин десанг, қочиб қол!

Қиличбурун билан новча гапга аралашишмасди.

— Нега қочар эканман? — қайсарлик қиларди Бобо Султон. — Ҳеч ким девонани туртмаган, йўлдан қоч, демаган... Тўрт томон қибла девонаники! Уям худонинг бандаси!

— Тўрт томон девонаники бўлса, ўша ёққа бор!

Бобо Султон кўнмай йўл ўртасига туриб олди, у деса у деди, бу деса бу. Сабри чидамаган сипоҳийлардан бири, баланд бўйли йигит аста девонанинг олдига келди.

— Сенга хайр-садақа керакми? — деди. — Яхши... Ҳозир хайр қиламан...

Сипоҳий чўнтагини кавлай бошлади. Бирдан қўлини мушт қилиб чиқарди-да, бепарво турган Бобо Султоннинг лунжига қўйиб юборди. Девона умбалоқ ошиб кетди.

— Эй, сипоҳийлар! — кичқирди Худобанда бирдан пайдо бўлиб. — Нега бир бечорани хўрламақдасиз? Ва ё падари бузрукворимиз сизларга шундоқ ҳуқуқ бериб қўйдиларму?

— Ие! Ие! Султонзода... — хайратга тушди баланд бўйли сипоҳий. — Коронву кечада танҳо ўзлари? Сипоҳсиз, аскарсиз?..

— Нечун бир бечорани хўрламақдасиз, деб сўраяпмен?.. Билмайдурмисизки, бир камбағалнинг кўнглини олмоқ етти марта ҳажга бормок савобидан ортироқдур? Бир бечора дилини сиёҳ қилмак гуноҳини дўзах оловида ёниб ҳам ювиб бўлмайдир...

— Султонзода! Девонанинг ўзи ёпишди, ўлгиси келганми, билмадим...

Гунчачи бегим султонзоданинг шу ердалигига ҳеч тушунмади, балки Қора арлот кузатиб борсин дея юборгандир, деб ўйлади ва кўнгли хотиржам бўлди.

— Сипоҳнинг сўзи тўғри, султонзода! — деди қиличбурун гапга аралашиб. — Айб девонанинг ўзида...

— Девона ўзига тилаб олди.. — қўшилди новча ҳам.

— Бас! Сизнинг жазонгизни ўзим берурмен! Ал-қасос сизнинг ёқангиздан тутадур! Ал-қасос, бос!

«Бос!» сўзи белги эди. Анчагина қоронғилик тушиб қолган палла. Ҳали Чорсу майдонига йироқ, ароба ичидаги фонус ёруғи соябон қилиб ёпилган намат тирқишидан ғира-шира кўринарди, холос. Кўз очиб юмгунча Хўрдак Бухорий билан Мавлонозода баланд бўйли сипоҳийга ташландилар, камонмерган қўлини пахса қилиб кирраси билан сипоҳийнинг бўйин жигига каттиқ урди! Сипоҳий ўзидан кетди, шарт унинг қиличини олдилар ва бошини тандан жудо қилдилар. Калтатой иккинчи сипоҳий билан олишарди, бир нима қарс этди, сипоҳий «ох!» деб юборди. Калтатой унинг ўнг қўлини қайириб олмоқчи эди, сипоҳий ножўя ҳаракат қилиб қўйиб, қўли тирсагидан ажралиб кетди! Ахий Жаббор Калтатойни сипоҳий билан бунда қолдириб ўзи новча йигит томон отилди. Келишилганича, икки гунг соқчининг қиличбурун ва новчада алоҳида ҳисоб-китоблари бор эди. Биринчи гунг орқадан келиб билагини қиличбуруннинг томоғидан ўтказиб бўғиб олди-да, каттиқ қиса бошлади, аммо рақиби унга сўз бермасди. Ахий Жаббор қиличбуруннинг қорнига қаттиқ тепди, у букчайиб гунгнинг қўлида осилиб қолди, бўғила бошлаганидан, «хиқ-хиқ» қиларди. Ахий Жаббор Жаҳон бикани ўғирлаб кетаётганларида қиличбуруннинг Кумарни ёмон тепганини кўрган, буни кейин Кумарнинг ўзи ҳам гапириб берганди. Ўшанинг қасдини олиш маъносида қиличбуруннинг кетига ҳам ўхшатиб тепмоқчийди, қараса, гунгнинг қўлида бўғилиб ҳожиси қовул бўлибди. Новчанинг ҳам холи вой эди, иккинчи гунгга Калтатой ёрдамга келганди, икковлашиб саранжом қилдилар. Аҳд шундай бўлса керак, савашини давомида «Их!» «Их!», «Хик! Хик!»дан бошқа бирон садо эшитилмади.

Бу олатасир, ур-сур бир зумда бўлиб ўтди. Аробада соябон ичида ўлтирган Гунчачи бегим нима бўлаётганини тушунолмади. Соябондан ташқари қараш эса маън

килинганди, лозим эса сипохийларнинг ўзлари очишади. Жаҳон бика юраги дарз кетиб: «Наҳотки, қароқчилар йўл тўсишган бўлса?» деб ўйлади, нечундир узун енг ичидаги яшириб келаётган қайчини маҳкам ушлаб қўйди.

— Нима дуп-дуп? Қароқчилар шекилли?! — деб юборди жонҳолатда Фунчачи бегим ва дарров фонусни ўчирди. Соябоннинг ичи зимистонга чулғанди. Иккиси ҳам саросимада нима бўларкин, деб кутиб туришарди.

— Аробани юрит, Той! — буюрди Хўрдак Бухорий Калтатойга. Ароба юрди.

Фунчачи бегим овоз эгасини таний олмади. Жаҳон бикага сал танишдай туюлди, лекин барибир овоз кимники деса айтиб беролмасди. Ташвишланиб қолган Фунчачи бегим:

— Қиличбурун! Хо, қиличбурун! — деб чақирди на-мат тиркишидан.

Жавоб булмади.

— Хай, йигит ўлгур? Нимага индамайсан? Тўғри кетяпмизми? — сўради яна Фунчачи бегим. У талотўп бўлганини билди-ю, қароқчилар хужум қилди, аммо қиличбурун билан новча, сипохийлар барчасини қувиб юборди, деб кўнгли тўқ эди. — Тўхтат, аробани! Тўхтат! — деди Фунчачи бегим буйруқ оҳангида. Кўнгли ниманидар сезиб безовталанди. — Қиличбурун! Тўхтат! Мени Фунчачи бегим дейдилар-а! Тағин бизни бошқа ёққа олиб кетаётган бўлма?! Билиб қўй?.. Султонзода! Ха, султонзода! Тийиб қўйинг ўлгурларни!

Хеч ким жавоб бермади...

Фунчачи бегим ҳар қандай қондани бузиб бўлса ҳам, шарт намати кўтарди. Кўтарди-ю, додлаб юборди! Ароба атрофини юзларига ниқоб тутган аллақандай бегона одамлар ўраб олишган, на қиличбурун бор, на новча, на сипохийлар!.. У фожиа юз берганини англади. Фунчачи бегимнинг додлаганини кўрган Бобо Султон ҳеч кимнинг гапини кутиб ўлтирмай, овозини ўчириш мақсадида чакқонлик билан хотиннинг оғзига рўмол тикди, қўллари маҳкам боғлади.

— Самарқанднинг машҳур фунчачисидир, — деди Тун салтанати «қулоғи» Бобо Султон. — Хайрият, кўрмакка мушарраф бўлдик... Амир Қозоғоннинг фунчачиси, Ҳисори шодмон ҳокими Баён сулдуз қўлига туш-

ган, жуда кўплар унинг атрофида парвона бўлгилари бор эди... Ҳали ҳам киздек...

— Сўлагингни оқизма! — кесди Хурдак Бухорий.

Мавлонозода бу гапларга парво қилмай соябон томон интилди. У қоронғида, парда ичида ўлтирган Жаҳон бикага кўзи тушди, аммо қизни бундай либосларда кўрмаганидан, дабдурустан танимади, Жаҳон бика ичкарироқда ўлтиргандир, деган маънода Мавлонозода наmatни бир четга сурмакчи, маҳбубасини хурликка чиқариб, хар икки кўнгилни обод этмакчи бўлди. Фунчачи бегимни маҳкам тутишганини кўрган Жаҳон бика саросимада қолди, чиндан ҳам улар қароқчилар кўлига тушишибди, бунга шак-шубҳа йўқ! Ниқобли қароқчилардан биттаси, ана, Фунчачи бегим кўлларини орқасига қайириб ташлади, беҳаёлар, уни ҳали ҳам киздек дейишади... Энди унга қўл чўзишса керак, кўлларини боғлашса керак... Она шахри Самарқанднинг қоронғи оқшоми паскам кўчада, унинг оҳ-фарёдини ким ҳам эшитади?.. Шу камлик қилиб турувди ўзи... Йўқ, у қараб турмайди, Тўмарис душманларга қарши қандай курашган бўлса, шундай курашади. У яшашни бош эгиш, таслим бўлишдан иборат деб тушунмайди. Қани бирови якин келиб кўрсин!..

Қиз шундай хаёлларга нарқ бўлиб турганда, Мавлонозода беихтиёр наmatга қўл юборди. Жаҳон бика эса қайчини мўлжаллаб йигитнинг кўлига урди! Қўлини чаён чаққандай бўлган Мавлонозода ингранганча ўзини орқага ташлади!

— Нима бўлди, Мавлонозода? Нима бўлди? — шошилишда исмни атамаслик ҳақида келишувни ҳам унутиб сўради Ахий Жаббор. — Қўлингизга бир нима тегдими?

— Йўқ... Йўқ... — ўзини босишга ҳаракат қиларди Мавлонозода, шу заҳоти кафтида илиқ нарсани ушлаб тургандай бўлди, зарб билан тушган қайчи унинг қўлини тешиб ўтган, кафти қонга тўлиб қолганди. Хурдак Бухорий дарров дастрўмолини олиб Мавлонозода биллагидан каттик қисиб боғлади.

— Чаёндай чақди-я... — дер эди Мавлонозода.

— Ким экан бундай чаён? — сўзланди ўз-ўзича Ахий Жаббор ва Жаҳон бикага тикилиб қолди. У Мавлонозодадан фарқли ўларок, бир қарашдаёк қизни таниди! Ҳа, оппоқ харир кўйлакли, бошига тиллақош кийган

сулув — ўша Жаҳон бика бўлади! Ўша Наддофлар маҳалласидаги бир тунда капча илондан қочиб беихтиёр Ахий Жабборнинг ёнига келиб қолган, ҳатто елкасига кўлини кўйиб турган, бундан шўрлик гадонинг бошини осмонга етказган, бир лаҳзага подшога айлантирган қиз!.. Ўша, кўлида тугун Чорсу майдонида бепарво кириб, лаҳзадан сўнг уни олиб қочишларидан беҳабар дилдор, гулли кўйлак устидан нимча кийган там-там, дўндиқ қиз... Ўша, муҳаббати йигит қалбида тоғ тубидаги олтиндай пинҳон гўзал... Бора-бора бу пинҳон туйғу Ахий Жаббор қалби сарватига, пароканда умр мазмунига айланди, кўнглига қувват, руҳига мадад бўлди.

У ичида Мавлонозодага гаши келадиган бўлиб қолди. Албатта, Ахий Жаббор ўзини Садр Сулаймон мадрасаси толиби илми, Самарқанд сарбадорлари жамоаси қотибига асло тенглаштирмайди. Аммо, унинг Жаҳон бика хусусида бўлган гапларда ҳадеб «Мен! Мен!» дейиши энсани қотиради, холос. Ахий Жабборнинг эсида, Чорсуда у Шаҳриёр билан Абу Бакр Калавийга қараб: «Ушбу машъум ходиса, яъни Жаҳон биканинг ўғирланиши менинг кўз ўнгимда юз берди, мен лапашанглик қилдим, сусткашликка йўл қўйдим. Тун салтанати фуқароси, сарбадорлар жамоаси аъзоси сифатида гуноҳимни ўзим ювамен, қизни ўшал нопоклар чангалидан ўзим қутқарамен!» деди. Мавлонозода бўлса, шарт кесиб: «Нега сен? Мана мен қутқарамен!» дейди бирданига! Ие, унинг нима алоқаси бор? Ёки Жаҳон бика билан иккиси орасида робита бормуким, бундок сўзларни дейдир ул андишасиз? Қизик... Сирли дарвозалар олдида ҳам дам-бадам: «Ўғирланган ожиза қайдадир?.. Бизнинг синглимиз?..» деб сўрагани-сўраган, ўзини қайга кўйишни билмайди. Ғалати...

Жаҳон бика Мавлонозоданинг номини эшитиб қувониб кетди. Хайрият, айтганидай севгани уни қутқармоққа келибди! Лекин шу ондаёқ халоскорининг кўлига қайчи санчиб олганини билиб хижолатдан қизарди. У не дейишни билмасди.

— Жаҳон бика! — деди Хўрдак Бухорий. Қиз овоз томонга қараб, ниқобли паҳлавон бир кишини кўрди. — Бизлар падари бузрукворинг Абу Бакр Калавий биродарларимиз, сенинг оғаларинг! Ушбу фалокат чангали-

дан сени кутқармоқ учун фатво олганмиз. Худога шукрки, шу кунларга етдик. Бизлардан хайиқма, синглимиз!

— Соғ-саломат экансиз, хайрият, Жаҳон бика... — Мавлонозода томоғига бир нарса тикилгандек бўлди-ю, ортиқ гапиролмади.

Жаҳон бика жилмайиб, мамнун бош чайқади, коронғида буни ҳеч ким кўрмади...

Хўрдак Бухорий, Худобанда, Мавлонозода ва Калта-той аробани Наддофлар кўчаси томон ҳайдадилар. Фунчачи бегимни эса Ахий Жаббор билан Бобо Султон олиб қолдилар. Танноз хотинни кўриб аёл зотидан бебахра Тун салтанати фуқароларининг қувончига қувонч қўшилди...

Эрталаб Чорсу майдонига келганлар бостирманинг ичида бир аёлнинг хор-зор бўлиб ўлиб ётганини кўрдилар. Бу қилмишига яраша жазо олган машҳур Фунчачи бегим эди... Лекин унинг ким томонидан ва қандай ўлдирилгани сирлигича қолди.

Йигирма олтинчи боб

ЖАНГИ ЛОЙ

Икки мамлакат — Мовароуннаҳр ҳукмдори билан Жета хони ўртасидаги адоват, низо охир яна тўқнашувга олиб келди.

Илёсхўжаҳон ҳали-ҳануз бир нарсани тушунолмади: зукко, косанинг тагидаги ним косани илғай оладиган падари бузрукворидай бир хон наҳотки Темурбекнинг қандай одам эканлигини англаб етмаган бўлса? Турк амирлари ичида Туғлуқ Темурхонга энг кўп фитна уюштирган, бошқа амирларни Жетага қарши гиж-гижлаган ҳам ўша амир-ку? Энг ашаддий душманни бағрида асраган экан падари бузруквори!.. Ана шундай амирга Шаҳрисабз бир эмас, икки марта топширилса-я! Бу Туғлуқ Темурхоннинг катта хатоси эканлиги шубҳасиздир. У Темурбекнинг ширин сўзларига, қуюқ ваъдаларига ишонган-да... Мана энди ҳамма ишни лойқалатаётган, ўта қайсар ва қув Темурбек яна Жетага қарши бош кўтармоқда. Амир Хусайн уни ўзининг ўнг қўли қилиб тўғри йўл тутди. Унга суянса бўлади, аммо ишониб бўларми-

кин?.. Жангда енгиб чикса, Темурбекни тутдирадир, отасига килган хоинликлари учун уни дорга осдирадир, ха, Илѣсхўжахоннинг биринчи қадами шу бўладир, кейин бошқа юмушларига қўл урадир...

Илѣсхўжахон қўшини билан Тошкентдан унча олис бўлмаган Чинос атрофида чодир тикди.

Турон ҳукмдори Амир Хусайнга Жета хонининг хар бир хужуми, Мовароуннаҳрга бўлган даъвоси бир келгиндининг даъвосидай туюларди. Агар Илѣсхўжахон мамлакатни боз тасарруфига олса, у холда яна писиб қочишлар, музтарликлар, сипох олдида ночорлигу улус қошида хорликлар Амир Хусайннинг насибасига айланади. Улусдан келган хирожу ўлпон, бойликлар қўлдан кетади, салтанат ожизликка юз тутуди. Эҳ, душманингни юзида табассум кўрмоқдан оғир нарса йўк! Темурбек, амирлашкар, куёви, аммо уни дўст бўлиб қолади деб ким айта олади? Унда ким у, душманми? Бу чакмоқ хулқли, қатъиятли, тавакқалчи, бало-қазоларга беписанд қарайдиган кешлик амир хамиша диққатни ўзига тортиб туради. Мовароуннаҳр салтанати ҳукмдори аввало Амир Хусайндир, ҳамма Амир Хусайннинг куч-қудратини билиб қўймоғи зарурдир, жумладан, салтанатнинг ўнг қўли, ўша доврुक таратиб бораётган амирлашкар Темурбек ҳам!

Бир куни Давлатшоҳ бахши билан Икки Темур ҳаллослашганча Темурбекнинг уйига кириб келишди.

— Амирим! — деди Давлатшоҳ бахши. — Ҳукмдорга айтингиз, салтанат йўлида фидойилик кўрғазмаяпсизлар, деб бизларга, сизнинг йигитларингизга товон солаётир! Буни қандай тушунса бўладир? Фидойилик бўлса биз кўрғазганчалик булур...

— Сизга оғир ботишини ўйламай қилган ишидир бу... — гапга қўшилди Икки Темур.

— Бир овиз ҳукмдорга сўз денгиз... — давом этди Давлатшоҳ бахши. — Бизга товон солмасун...

— Бўлдими, уйғур? — гапни кесди Темурбек — Ҳамма гапни айтиб бўлдингму? Биронтаси қолмадиму?

— Айтиб бўлдим, амирим, айтиб бўлдим...

— Ҳукмдорларнинг фармони ижро этилмак учун берилдир... Товонни тўламак керак...

Темурбек бошқа ҳеч нарса демади. У гап йигитлару товонда эмаслигини яхши биларди. Амир Хусайн шу

бахона амирлашкар Темурбекни яна бир камситиб олмоқчи. Навбатдаги китмирлик, холос...

Йигитларнинг товонни тўлашга қурблари келмас эди. Темурбек тездан белидаги олтин камарини ечиб Давлатшоҳ бахшига узатди, ўзида пулга чакиш мумкин бўлган нарсанинг ҳаммасини берди. Ҳатто заифаси Улжой Туркон океанинг йирик ёқут кўзли тилла балдоғини ҳам қўшиб юборди. Қимматбаҳо бу балдоғни синглиси Улжой Туркон оқага Амир Хусайннинг ўзи инъом этганди. Салтанат ҳукмдори тилла балдоғни таниди-ю, аммо: «Буни нега қўшдинглар, менинг синглимга ҳадям эди-ку, қайтариб беринглар!» демади, мартабаси олий ҳукмдорнинг қатъияти, сўзининг залвори нечуклигини кўрсатмак учун шундай қилди. Ёвуз ва бешафқат Амир Хусайннинг бундоқ юзсизлиги Темурбекни беҳад ғазаблантирди, бироқ ўзига ўзи: «Хукмдор не десалар жоиздир!» деб қўя қолди.

Уйга қайтганда, яхши кўрган балдоғидан айрилиб қолган аёл нолий бошлади:

— Оғажоним ҳам кизик эканлар-да... Битта темиртак балдоғни синглисидан ортиқ кўриптилар! Ўзларининг ҳадялари бўлмаса ҳам майлиди...

— Хай-хай!.. Овозингни чиқарма! Айб бўлади!.. — деди Темурбек энди гапхонаси очилиб келаётган Улжой Туркон оқага. — Хали битта балдоғ экан-ку, ҳукмдор учун ўнта бўлса ҳам нисор этмакка тайёрмиз!

Темурбекнинг бундай қилганига сабаб, Улжой Туркон оқа бирдамас-бир кизик устида хотин кишилигига бориб, бу гапни Амир Хусайнга айтиб қўйиши мумкин, деб ўйлади. Иккинчидан, эркак кишини хотин кишига ёмонлашдек қабиҳ ишни ўзига ор деб билди.

Темурбекнинг Амир Хусайн билан танишуви хижрий етти юзу олтмиш учинчи йилга тўғри келади. Ўн ёшидан бошлаб ов ва урушларга қатнаша бошлаган Темурбек қароунаслар билан жеталар орасидаги курашга аралашиб турадиган бўлди. Жета хонлигидаги мўғуллар Мовароуннаҳрдагиларни ҳақоратлаб «қароунас», яъни дурагайлар, деб атардилар. Мовароуннаҳрда эса мўғулларни босқинчи эканликларини назарда тутиб, «жета», яъни қароқчи деб пастга урардилар. Темурбек вазиятга қараб, гоҳ қароунаслар томонга ўтар, гоҳ жета тарафини олар,

дўстлашиш, кариндош бўлишга, ёмон билан мураса қилишга тиришарди. Ҳамиша кўтаринки руҳда юрадиган Темурбек ҳатто енгилиб турса ҳам, шериклари тарк этиб танҳо қолса ҳам ўзини йўқотмасди. Уша Амир Ҳусайн билан танишган йили жуда оғир кечди. Мурғоб бўйида туркман қабилалари билан жанг қилиб юрган икки амирнинг омади юришмай, Моҳон қишлоғида ҳоким Алибекка асир тушиб қолдилар. Олтмиш икки кун давомида амирларнинг аҳволи ит ётиш, мирза туриш бўлди. Темурбек Амир Ҳусайннинг тутқунликдаги ҳолини кўриб ачинди.

— Ўзингизни кўп уринтирманг, Ҳусайнбек! — деди Темурбек.

— Ўлдирадур бу Алибек деганингиз! — руҳи тушиб зорланди, қисик кўзлари яна ҳам қисилиб кетган Амир Ҳусайн. Унинг гўштдор чап юзи учиб турарди. — Ёввойига ўхшайди, гапга тушунмайдур. Олам кўзимга тор...

— Бу кунлар ўтиб кетадур, кўнгилни чўктириш эр кишининг юмуши эмас...

— Кимсен, Туронзамин ҳукмдори Амир Қозоғоннинг набираси, томири тегли-тахтли хонадонга бориб уландиган, юрт сўрашга муносиб Амир Ҳусайндай жангарининг мана бу ерда, сассиқ бир оғилхонада сичкондай писиб ётишини кўрингиз!.. — бўғилиб деди Амир Ҳусайн. — На пешкаш қилмакка бир нимарса бордир, на тарқашда ўқ...

Турғунлигига путур етган шеригига хайрон қараб турган Темурбек, ўзгачароқ ўйларди. Ҳозир-ку, бир туркманнинг қўлида оғилхонада банди бўлиб ётишибди, чархи кажрафторнинг шевалари кўп, тонгда яна нимани аён айлар экан? Дунёнинг иссиқ-совуғини кўриб, ундан тажрибалар кўтармак лозимдир, айниқса тўртта одамни бошқармак умидида бўлган киши шундоқ қилсун. Иши чаппа кетса, ови бароридан келмаса, кимдир ғанимлиқ зоҳир этса, Амир Ҳусайнга ўхшаб: «Мен фалондирмен... Бундоқ аҳволга тушдим... Бевафо дунё...» деб кўз ёши қилиб ўтириб бўладурму? Ахир бу гардуни дунда ўнтадан тўққизтаси душман бўлса, бунга ажабланиш на ҳожат? Ўнтадан биттаси дўст чикса, дўппингни осмонга от! Иккитаси дўстлашиб кетса — омадинг, йўқ эса кимдан ўпка қиласен? Ўнтадан ўн биттаси душман бўлиб турганда ёвузлик қилсалар, нега хайрон қоласен? Ға-

нимдан ёруғлик тилайсенму? Ундай ёруғлик тезак гулла-
ганда бўлади!..

Дунё хиёнатчи хотиндир, унинг хушторлари кўп... Шундоқ дунёда сен ўзингни ўзинг эҳтиёт қилмоғинг зарурдир. Талашиб, тортишмасанг, ҳар нарсадан курук қоласен, сен алдамасанг, сени алдайдилар, сен ўлдирмасанг, сени ўлдирадилар... Ҳар кимнинг қамчиси ўз қўлида бўлсин, чунки қамчи ўтадиган жойини ўзи билади... Темурбек ёш бўлса ҳам бунинг барини кўриб, бошидан кечирди.

Ушанда икки амир Алибек асирлигидан эсон-омон чиқиб олдилар. Аммо қўлларида ҳеч вако йўқ, уч қоққан кунжутдай шомирзаи қоқ-курук эдилар. Ногаҳон Муборакшоҳ, деган бадавлат бир туркман уларга қўмакка келди, от-улов берди, йўл харажатларини кўтарди. Кейин Темурбекнинг эгачиси Қутлуғ Туркон оқа музтарликда қолган амирларни қўллаб-қувватлаб юборди, ишлар юришиб кетди... Сеистон волийси нуфузи кучли икки амирни ўз душманига қарши жангга чорлаб элчи юборди. Элчининг қўлида бундоқ нома бор эди: «Фанимларим менга зулм қилиб, қўлимдан етти қалъамни тортиб олдилар. Амирлар, агар мендан душман қўлини қисқа қилар эканлар, аскарига олти ойлик озиқ-овқат етказар эрдим...» Уша жангларда Темурбек ўнг қўли билан ўнг оёғидан жароҳатланиб, оқсоқланадиган бўлиб қолди. Шундан кейин душманлар унга Оқсоқ Темур, Темурланг деб лақаб қўйдилар, орқаворатдан шундай атай бошладилар. Бу лақаб Темурбекга ёқмас, эшитса фаши келар, ўзини ҳақоратлангандай ҳис қиларди. Аммо на чора?..

Мана энди Солисаройдаги қурултой қарорига кўра, душманни мамлакат сарҳадида қарши олгали чиққан Амир Хусайн ва амирлашқар Темурбек бошчилигидаги Турон қўшини Сирдарё бўйидаги Чиносга яқин Оқар мавзеида қўним топди.

Амир Хусайн чодирини хушҳаво баланд бир тепага ўрнатилди, ўнгда Сирдарё кўриниб турар, Тошкент томон текислик бўлиб ям-яшил майсалар билан қопланганди. Жойини Темурбек танлади, ростдан ҳам бу ердан чор-атроф қафтда тургандек равшан кўзга ташланади. Ана олисда дарё буралиб оқади, чапда жойлашган Чинос кишлоғи яшилланиб қолган дарахтлар туфайли

уфқнинг қошига тортилган ўсмадай кўм-кўк кўринади. Аскарлар тепа айланасини қуршаб ётдилар.

Темурбек Амир Хусайн манзилидан қуйироқда, ярим фарсах масофадаги адирликда чодир тикди. Ёнбағирлик чодир-олачиқларга тўлиб кетди. Қуйиларда аскарлар чопонларини ерга ташлаб ҳордиқ олиш пайида эдилар, ким хиргойи килар, ким қалқонини ялтиратиш учун қум билан ишқалар, бошқа бирови эса эртанги жанг олдидан қўрамтадаги найзаларни назардан ўтказаркан, айримларининг учига қайроқ уриб қурчут қилмоқ билан овора эди.

Темурбек душман ҳолини билиб келишга жўнатилган айғоқчи гуруҳдан хабар кутиб турарди. Ниҳоят, гуруҳ қайтиб келди. Гуруҳнинг бошлиғи Жоварчи ўғлон тездан маълумот берди:

— Ёғий лашкарининг чўғини билиб келдик, Темурбек! — Жоварчи ўғлоннинг ёши Темурбекникидан катта эди. — Улуғ уруш жамалғасини қилибдур. Йигирма мингча бор, вале бизнинг қўшинча бўлмас... ёғий енгилур, чунки...

Жоварчи ўғлоннинг ҳамма хислати бир томон эди-ю, сергаплиги бир томон эди.

— Кўп сўз бошни эгадур.. — деди Темурбек манглайи тиришиб. Амирлашкарнинг ўткир кўзлари душман тарафга тикилди. — Ёғий енгилгандан сўнг дерсен бу гапларингни... Ҳозир эса мухтасар қил!

Душман лашкари таърифига ҳали киришиб улгурмаган Жоварчи ўғлон, бир оз тутилди-да, булуклар, бўлук бошлиқлари, бўлукларнинг жойлашишлари ҳақида икки оғиз-икки оғиздан маълумот бериш билан чекланди.

Амирлар қаерга борсалар, хоҳ сафар бўлсин, хоҳ жанг, аҳли аёлу чўриларини доим ўзлари билан олиб юрардилар. Амир Хусайн билан кўришиб, душман қўшинининг чўғини айтиш ва бўлажак жанг расамадини келишиб олиш учун бораётган Темурбек, Сароймулкхонимни ҳам учратмоқ умидида эди. Икки амир суҳбатни бошлар эканлар, Темурбек чодирнинг ичида ўлтирган Сароймулкхонимга назар ташлаб улгурди, иттифоқо, Амир Хусайннинг завжаси ҳам шуни пойлаб турганди. Улар, асосан, нигоҳлар, кўз қарашлар воситасида сўзлашардилар, чунки ўзга бир имкон ҳам йўк, бўлмоғи мумкин

хам эмас. Амир Хусайндай кўрс, дағал одам бир нимани сезиб колгундай бўлса, фожиа юз беради. Қозон Султонхоннинг кизи буни яхши фахмлайди, биринчи марта Самарқандда Чорсу майдонида кўришишган бўлса, шундан бери улар хаёлан кўп бор учрашдилар, сўзлашдилар. Мана ҳозир ҳам Темурбекнинг нигоҳи дерди: «Қачонга-ча?..» Сароймулкхоним нигоҳи жавоб берди: «Ноумид шайтон ахир...»

— Хусайнбек! — Темурбек Қозон Султонхоннинг кизига узок тикилиб қолмаслик учун кўзини Амир Хусайнга қадаб олди. — Душман ўрдугоҳига йўллагон тингчиларим, қуловузларим келиб етдилар... Бебахт оёғини жанг майдонига қўйган Жета лашкарбошилари­нинг кимликлари аён бўлди...

— Кимлар экан? — сўради куруккина Амир Хусайн. У чодир олдидаги заррин тахтда йирокларга тикилиб ўлтирар, ўзини амирлашкарнинг сўзларини атайлаб безътибор тинглаётгандай кўрсатарди. Турон ҳукмдори шу палла олдида катта саваш турган, хаёт-мамонт жангига кираётган кишига ўхшамас, балки собитлиги бўшашган, маъракаи майдонга қадам қўймай мағлуб бўлган сипохийни эслатарди. Темурбек хайрон қолди. Нахотки, ҳукмдор ёғий қўшинининг аҳволи, аскар ясоли ҳақида, вазият хусусида билмакчи эмас?

— Маълумингизким, — давом этди Темурбек. — Ана бу адирликка чодир тикмасдан бир ой олдин ғаним лашкари тузугидан хабар келтирмак учун тингчилар юбориб эрдим... Жета лашкари беш бўлукка бўлинмишдир. Биринчи кучни — Куч Темур Бекчик ўғли, иккинчисини — Темур Нубкан, учинчисини — Сарик баходир, тўртинчисини — Шункум баходир, бешинчисини — Туғлуқхўжа бошқарадир. Буларнинг бари йигирма минг аскардир...

— Илёсхўжахон элчилари нима бўлди? — гапни кесди Амир Хусайн.

— Қайтиб кетишди.

— Нечун уларни қатл этдирмадингиз? — ҳукмдорнинг овози яна ҳам йўғонроқ чикқандай туюлди. — Айтиб эрдим шекилли... Элчиларга омонлик, берманг, токим бизим ҳақда маълумот еткура олмасунлар деб...

Темурбек бир неча лаҳза жим қолди.

— Хусайнбек! — иложининг борича ўзини босиб жавоб қилди кейин. — Элчига ўлим йўк... Чингизхон элчиларини ўлдирғон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг нодонлик қилғонини жумла жаҳон кўрди. Мамлакат ёт оёқлар остида топталди, улус азиятда колди, гурурлар қаро ер бўлди...

— Темурбек, элчиларни ўлдириш лозим, деб нодонлик қилибмиз-да... Сиз ўлдирмай, донолик аён этиб-сиз... — Амир Хусайннинг овози захархандага тўла эди.

Темурбекнинг юзига қизил тепди. «Менинг шон-шавкатим кучайғони, лашкар олдида, эл-улус кўзида обрў-йимнинг ошғони унинг ғашини келтирмакда, — деб ўйлади ўзича у. — Қасам ила аҳд-паймонлар этғонмиз, харчанд менга душманликлар қилур. Мен унинг мақсадига кўп бордим, эрса ул меним муродимга бир йўл ҳам келиб қўймади. Меним салтанат ғайратим ошғонлигини кўриб, унинг ҳасад томирлари кўзғолаётир... Нияти мени ўлдириб йўқотишдир...»

— Мен Муҳаммад Хоразмшоҳни айтдим, чамаси... Сўнг элчиларни қайтариб юборишимнинг важи улуғдир. Аввалан, бу элчилар Мовароуннаҳр қўшинининг аҳволотини билмакка келғондир, айна пайтда, уруш бошланиши хусусида Илёсхўжахон номасини еткурдилар... — хотиржам деди Темурбек. — Мен элчиларнинг кўнгилларини овлашни буюрдим, кўзларини бўяб аскарларимизни ҳар хил либосларда икки қайталаб олдиларидан ўткардим... Куролу аслаҳанинг энг муътабари — ғанимга хийла-найранг ишлатмакдир... Элчилар Илёсхўжахонга бориб кўргонларини ошириб айтадурлар, улар сўзининг маҳобати ҳали ўз кучини кўргизур, иншооллоҳ...

Амир Хусайн индамади.

Шу пайт тепада ниманингдир патирлагани эшитилди. Икки амир ҳам беихтиёр осмонга қарашди. Тўмигдай ҳам булут йўк, мовий осмон шу қадар тиник эдики, беғуборлигидан кўз қувонар, кўнгил яшнарди. Потирлаган нарса иккита бургут экан, иттифоқо, улар уришишиб амирлар тепасига келиб қолишганди. Бургутлар бир-бирига аёвсиз чангал солишар, бир-бирининг кўзини чўқишга уринишарди. Иккиси ҳам тўк қўнғир рангда, иккисининг ҳам боши малла... Амирлар маҳлиё бўлишиб, ўзларича бургутларни ажратиб танлаб олишган, ҳар ким ўз бургутининг енгиб чиқишини истарди. Аёв-

сиз жанг борарди, бургутлар човут солар, ракибини қанотлари билан урарди. Амирларнинг устига патлар тўкила бошлади. Шу лаҳза дарё томондан от солиб келаётган чопар кўринди. От уришиб ётган бургутларга кўзи тушиб каттик, кишнаб юборди. Қушлар ажралишдилар-да, бир-бирини қувиб адир томон лапанглашиб учиб кетдилар. Энди улар ўша ёқда, қайдадир уришни давом этдиришса ажаб эмас...

Ўша бургутлар Темурбекка Амир Хусайн билан иккисининг рухлари бўлиб туюлди. Икки амир бу ерда бўлсалар ҳам, рухлари қаерлардадир олисларда бир-бирлари билан адолат талашурлар, бир-бирларининг кўзларини чўқурлар, қанотларини қайирмакка уринурлар... Уларнинг бургутлардан фарқи, фақат кўзга кўринмайдулар, пинҳона жанг қиладилар...

— Искандари Зулқарнайн вали тили билан деюрмен, амирим! — мурожаат қилди чопар эллик қадам нарида отдан тушиб, Амир Хусайн ўлтирган тахтга якинлашар экан. — Сойликнинг нариги томонида ёғий лашкари саф тортаётир!..

Амир Хусайн чопарга жавоб бериб улгурмади, Темурбек шитобан сўз олди:

— Хусайнбек! Бас! Савашиш бошланур! Ижозат берсалар, қўшиннинг баронғор қисмини идора этсам... Душманнинг уч бўлугуни, яъни Куч Темур Бекчик ўғли, Темур Нубкан ва Сарик баходирлар лашкарига ўзим юзма-юз чиқурмен! Туғлуқхўжа билан Шункум баходир бўлуқлари ўзингиз бошлиқ жавонғор лашкар тарафиндан кунпаякун бўлмагига аминмен!..

Улар душманга қарши баробар хужумга ўтишга келишиб олдилар. Темурбек чаққонлик билан тубичоқда минди-да, ўзининг чодир жойлашган адирга қараб от сурди. Кетишда чодир томон бир қаради, аммо бу сафар Сароймулкхоним нигоҳини тута олмади.

Қозон Султонхоннинг қизи амирлашкар Темурбекнинг кетаётганини билди, атай карамади. У чодир ичида икки амир ўртасида бўлган гап-сўзларни эшитиб ўлтирди. Малика яна бир марта мамлакат ҳукмдорининг феъли торлигига, қўполлигига имон келтирди, Темурбек олдида Амир Хусайн тутуми учун ўзича изза бўлди. Шаҳрисабзлик амирнинг каломларида мантик кучли, унинг айтганларига ишонасен, Амир Қозоғон набираси гапла-

рида эса косанинг тагида нимкоса аён кўриниб туради, у асл мақсадини пардалашни билмайди, пинҳон нияти ошкор бўлиб қолаётганини хаёлига ҳам келтирмайди. Ҳукмдорми, бас, барча нарса салтанатда ҳукмдорнинг деганича бўлмоғи керак, деб ўйлайди. Бунинг нотўғри эканини аёл боши билан ҳатто Сароймулкхоним тузуккина англаб турибди. Темурбекнинг фикрлари, мушоҳадаси, аксинча, тош босадиган гапларга бой, ишонимлидир. Хўш, Темурбекни ёқтирмаслигини ўзига билдирмак лозиммикин? Шаҳрисабзлик амирнинг кучайиб бораётган нуфузини бундоқ йўсинда тўхтатиб бўлармикин? Агар ким кимнинг томонини олади, деб холис бир гап ўртага ташланса, мамлакатдаги амирларнинг ўндан тўққизи, шубҳасиз, Темурбек томонига ўтиб кетади. Шу ваздан унга илиқ гаплар айтиб, алдаб, кўнглини овлаб, салтанат йўлида унинг нуфуз-эътиборидан оқилона фойдаланмакни ўйлаш даркор... Лекин буни Сароймулкхоним қандай айтади?..

Бир таом пишарчалик вақтга қолмай Темурбек ўз чодирини ёнига қайтиб келди. Кўнгли хижил эди, Амир Хусайн билан мулоқот дилига тош бўлиб ботди. Кўнглининг хижиллиги ҳукмдорнинг тутумидан эмас, балки шундай нохуш воқеа катта мухорибанинг олдида юз берганидан эди. Ҳар қалай, бу яхшилик аломати эмас...

Темурбек доводий совутини эгнига илди, белига мисрий қиличини боғлади, бошига пўлат дубулғани кўндириб, кўлига қалқонини олди, тубичоққа миниб, чодир атрофида уймалашиб, фармонни кутиб сергак турган қўшинга каради. У жангга қаттиқ тайёргарлик кўрганди, кўнгли хижиллигидан ғайрати бир оз чекингандай бўлди. Аммо шу ондаёқ химмати кўзголиб, ўз-ўзига деди: «Сен душман илигидан зафарни олмак учун ўртага чиқдинг. Бас, ўлимдан қўрқиш, урушдан чекиниш мустаҳик иш эрмас. Ё душманни енгиб зафар олурсен, ё майдонда кунинг етиб, бори нарсадан қутулурсен! Душманинг, билдингки, Амир Хусайндир, Амир Хусайнни енгмоқ учун, аввал Илёсхўжахонни бир ёкли қилмоғинг керак! Дадил бўл!»

Темурбек лашкарни бир-бир назардан ўтказди. Лашкар етти бўлукка тақсим қилинганди. Биринчи бўлукда — Амир Жоку барлос, иккинчисидан — Амир Сулай-

мон барлос, учинчисида — Амир Хиндука — бу Илёсхўжахондан юз ўгириб Темурбекка бош эгиб келган лашкарбошидир. Кейин Шайх Махмуд, бешинчиси — Амир Жалололидин, олтинчиси — Икки Темур, еттинчисида Тун салтанати фуқароси Аббос баходирлар бўлукларнинг тепасида эдилар. Лашкарбошиларнинг барчаси Темурбекнинг ўлим ўртоқлари саналарди. Тўпбузар сипоҳлар, лашкарсиндиарар аскарлар атрофни тутиб кетган, жавшан кийган пахлавонлар ушлаб олган найзаларнинг яраклаши кўзни оларди. Ҳамма жанг бошланишини кутарди.

Темурбек сойлик томон назар ташлади. Ярим тош масофа нарида чанг-тўзон кўтарилди. Демак, Илёсхўжахон лашкари жангга кириб келмакда. Турон кўшинлари амирлашкари нимагадир ишора қилди:

— Нақоралар нидоси, бурғуларнинг садоси фалак кулоғини қар қилсун!

Чодирдан ўнг томонда бурғу чалинди. Шу лаҳзадаёқ Амир Хусайн тарафдан келган бурғу овози унга жўр бўлди. Сўнг у ёқдан қарнай тортдилар, бу ёқдан ҳам қарнай сас қилди, бамисли кўк тосига гулгула тушди. Навбат нақораларга етди. Икки тарафдаги нақоралар баробарига уч бор рез бердилар. Бу жангнинг бошланганини билдирарди.

— Оллохумма фансурна алал қавмил кофирин!¹ — калима келтирди Темурбек овозининг борица кўтариб. — Оллоху акбар! Олға! Ур-хо-ур! Ёғийга! Ёғийга!

Амир Хусайн чодир томондан ҳам «Ур-хо-ур!» деган садолар эшитилди.

Тарихда «Жанги Лой» номи билан машҳур бўлган қонли жанг бошланди. Бу воқеа ҳижрий 766 йил рамазон ойининг биринчи кунида² юз берди. Ҳар икки томон баходирлари кийкирик солиб жангга кирдилар.

Уч кун давом этган жангнинг биринчи куни Моваруннаҳр лашкарининг Амир Хусайн бошқарган жавонгор қисми ҳам, Темурбек қўл остидаги баронгор қисми ҳам Илёсхўжахон аскарларини хийла шошириб қўйдилар. Ғалаба яқин эди. Айниқса Темурбек топқирлик кўргизди. Фанимнинг уч бўлугига қарши ўзининг еттита

¹ «Парвардигор кофир қавми устидан ўзинг бизни қолиб эт!» (араб.).

² Милодий 1365 йил 22 май.

бўлук сипоҳларини кетма-кет юбориб турди. Қўшин ол-дига тадбиркор, синамол, ёши катта аскарларни тайин этди, ёшларни эса уларнинг кейинига жойлаштирди. Йўқ эса, жанг кўрмаган ёшлар, ёвни кўриб бирдан шижоати сўниб қолиши мумкин. Эҳтиёт чораси сифатида пусуғда¹ кўшин ҳам кўйиб қўйди.

Дастлаб ёғий лашкарининг хировул бўлугини пароканда қилдилар. Аскарлар қиличининг дами душман оловини тағин ҳам ловиллатиб юборди, найзаларининг узун тили «уруш» сўзидан бошқасини билмасди. Сўнгра чоповул ва шоқовул тўплари чопкулашга кпришди. Темурбекнинг ўзи ғулда туриб олға интилди. У аскарларга илхом бермак учун майдонга ўзини урар, ҳар сафар жангга кирганда жонини ҳалокат гирдобига отарди. Биринчи ҳамладаёқ, ғулда турган Илёсхўжахоннинг ишонган лашкарбошиси Тўлан Буғо тўпини бузиб, ортга чекинишга мажбур қилди.

Чап ёнида Амир Жоку барлос бўлуги, ўнг ёнида Амир Ҳиндука аскарлари майдонга сурон соларди. Ҳар икки томондан кўп одам нобуд бўлди, сойлик маҳшар даштига айланди. Тўлан Буғо тўпи таркатиб юборилгач, ғул аскари чекиниб, Жета қўшинининг ясоли бузила бошлади. Душман туғи йикилди.

Сойликнинг чапида Амир Ҳусайн бошқарган жавонгор қўшин ҳам илғорлик намойиш этди, унинг аскарлари Туғлуқхўжа билан Шункум баҳодир бўлукларини маъракаи майдондан суриб чиқардилар.

* * *

Қош қорая бошлагач, ҳар икки томон қўшини ҳам эртасига қаттиқроқ саваш қуришни дилга тугиб, хордик олгани ўз манзилларига чекиндилар. Отлар туёғи, аскарлар қадамидан кўтарилган чанг-ғубор, яна жанг қўпармикин, дея ҳадиксирагандай ерга қўна олмай узок вақт майдон узра муаллақ туриб қолди.

Иккинчи кунги жангда вазият букаламунлик қилди — лаҳзалик зафар гоҳ Турон қўшини, гоҳ Жета лашкари томонида бўлди. Ўзи жангга кирган Илёсхўжахон бир нарсага эътибор берди. Куч Темур Бекчик ўғли, Темур

¹ Пастирма маъносида.

Нубкан ва Сарик баходирлар Темурбек билан савашишмоқда, вале икки кунда кўрган талафоти ачинарлидир. Темур Нубкан лашкаридаги Тўлан Буғодай баходир ҳам ёғий зарбасига чидай олмай, тўпи тарқаб ночор қолибди. Аммо Туғлукхўжа билан Шункум баходирлар Амир Хусайн сипохларини майдоннинг четига қисиб қўйди.

Иккинчи кўшин манзилга қайтганда, салга кўнгли ийиб кетадиган Илёсхўжахон лашкарбошилар ичида мақтаб Шункум баходирга деди:

— Не сирким, сиз Амир Хусайнни майдон четига қисдингиз. Вале Тўлан Буғо тўпи тарқаб ўзи сичқонсифат бўлибдир. Важи не?

Шункум баходир, йигирма беш ёшлардаги шошқалоқрок йигит, Тўлан Буғо олдида кўкси тоғдай кўтарилиб, томоқ кирди:

— Ахир хар аскаримнинг тиши шамширдан, чангали найзадандир. Уларга бас келадурғон борми бу жаҳонда?

Тўлан Буғо жангда мағлуб бўлганидан аламда эди, энди уни «сичқонсифат»га чиқаришиб қўйишмоқда. У қоплонникига ўхшаган кўзларини ерга тикди-ю, лом-мим демади.

— Ха, Шункум баходир бугун Амир Хусайнни майдон четига қисди, — гапга қўшилди Куч Темур Бекчик ўғли. — Эртага суриб чиқарадур! Хо-хо-хо!

— Хоним! — сўз олди Сарик баходир, хоннинг тағойиси. — Тўлан Буғо, сизнинг азамат лашкарбошингиз... Сичқон деб йигит кўнглини чўктирманг!..

— Ха, ха, ўз номи билан бука-ку! Сичқон эмас!

— Лашкарбоши қайдаю сичқон қайда!..

— Омад — бевафо хотин, лаҳзада юз ўгириб кетади. Тўлан Буғодан ҳам бир юз ўгирди-да!.. Яна келади... — дейишарди бошқа лашкарбошилар ҳам.

Тўлан Буғо бу гаплардан ўзини баттар хўрланган сезди. Йигирма еттига кирган Тўлан Буғо мард йигит эди, мард жигари куйса ҳам кулиб туради.

— Хоним! — деди шахдам, қоплонникидай кўзлари чакнаб. — Эртага ғанимларни қочишга мажбур этганимда не куйга тушар эканлар, дедиму, буни ўз бошимда кечириб кўрмакчи бўлдим... Ха, ҳеч ким сичқон кунига тушмасин экан!..

Илѣсхўжахон ўйламай гапириб қўйгани учун ичида хижолат чекди. Баходирни ҳамманинг кўз олдида хор қилиш инсон боласига ярашмайдиган иш эканлигини англади.

Жета ўрдугохида бўлиб ўтаётган бу хазил-мутойиба гапларнинг сабаби бор эди, иккинчи кундан кейин Илѣсхўжахон қўшинининг устунлиги сезила бошлади.

Мовароуннаҳр лашкарининг жавонғор қисмида ўн мингдан зиёд аскар бор эди. Амир Хусайн жангнинг биринчи куни, сидкидил саваш қурган бўлса-да, иккинчи куни атай жанг тизгинини тортиброк қўйди. Темурбек бундан беҳабар баронғорда каттиқ жонбозлик кўрсатар, фаним аскарини жанг сарҳадигача қувиб борарди. Амир Хусайн эса ёв лашкари бўйнини қайириш ўрнига, ўзга йўлни танлади. Ўтган йили Солисаройдаги қурултой вақтидаги бир гап доим ёдида туради. Ўшанда у: «Жета хони билан саваш қурурмиз. Балки шу жангда қазо камонидан отилган бирор ўк тегиб... Темурбек ҳам ўз оёғидан йитиб кетар...» деб орау қилганди. Амир Хусайннинг ўзи Темурбекни чиркиратиб қиличдан ўтказиши мумкин, ammo бундай қилишга ўртадаги аҳд-паймон йўл қўймайди, ахир улар иккиси Қуръонни ўпиб, бир-бирови билан дўст тутинишган...

Йўк, иш Амир Хусайн ўйлагандай бўлиб чикмади. Хамон Темурбек бешикаст майдонда жавлон уриб юрибди. Ана Темурбек ўққа учди, мана Темурбек халок бўлди, деган хабарни кутиб турганди, бирдан чопар келиб қолди. Хукмдор қувониб кетди.

— Мовароуннаҳр салтанати амирлашқари: «Нечун хукмдоримиз Амир Хусайн маъракаи майдонга кирмайдилар? Ёки сихатлари йўқми? Билиб кел!» деб елдирдилар...

Амир Хусайннинг гўштдор ўнг юзи пириллай бошлади, қисик кўзлари қисилгандан қисилди. Чопарни хайратда қолдириб бошлаб сўқинди:

— Э... амирлашқарингни!..

Чопарнинг қулоғи, иттифоқо, яхши эшитмас эди:

— Нима дедилар?..

— Тилингни тий! Жаллод!!! — ғазабли кичкирди хукмдор.

— Фармонингизга мунтазирмен, хоқоним! — деди жаллод.

— Кес, муниг тилини! — Амир Хусайн овози машъум жаранглади. — Тилни тиймокни яхши ўрганиб олади!..

Жаллод хайрон турган чопарга ташланди. Икки сипоҳий жаллодга ёрдамга келди. Чопарнинг қўлларини ортга қайириб ерга ётқиздилар, тилини шамшир билан шарт кесиб ташладилар. Оғзи қонга тўлган чопарни Темурбекка қайтариб юбордилар.

Бу воқеа Темурбекнинг тўлай деб турган сабр косасини тўлдирди. «Бу қандай гап? Биринчи чопаримни ҳақоратлар билан «сийлашган» эди. Иккинчисининг тилини кесибдилар... Шўрликнинг айби нима эди? Амир Хусайн не истайдур ўзи? Тилаги недур? Вожаба!..» Амирлашқарнинг ғазаб томирлари кўзғалди, кўзларида даҳшатли учқунлар чакнади. У хозирок бориб Амир Хусайнни тириклай ғажиб ташлагиси келди, аммо ғазабини тийишга мажбур бўлди, бу ёри — маъракаи майдон, мамлакат тақдири қил устида турибди, лаҳза сусткашлик ҳалокатга баробардир. Ёғийнинг ҳам кадам олиши кечагидан кўра бугун тетикроқ туюлади. Устига-устак, Мовароуннаҳр қўшинининг жавонғор томони ожизлик қилмакда. Мана, иккинчи куни енгилиб, талафотлар кўрибди...

Учинчи кун эрталаб яна жанг бошланди. Осмонда пайдо бўлган булут кўнгилларга соя соларди. «Мўғулларнинг оқсоқоллари жада тошини ишлатибди, дуони тесқари ўқишиб, тошни сувга солишибди. Осмонда булут шундан пайдо бўлибди. Энди ёмғир ёғар эмиш!» деган хабар яшин тезлигида Турон лашқари томонга ёйилди. Лекин ёмғирдан дарак йўқ эди.

Темурбек бугун жангнинг учинчи куни эканлигини унутмасди. «Уч — куч бўлсин, пуч бўлмасин!» дерди ирим қилиб. Бу маънода Амир Хусайн ундан ҳам ошиб тушарди. Икки кун давомида амирлар бир-бирлари билан кўришмадилар, ҳар ким ўз чодирда, ўз томонида ёғийдан кўз узмаган ҳолда соқ-сергак туришарди.

Мовароуннаҳр қўшини ҳал қилувчи жангга кирди. Энг аввал узокдан ўқ отишлар бошланди. Сафлар тобора яқинлашиб, навбат найзаларга етди. Ёв араллашиб кетгандан кейин, аскарлар қиличу шамширни ишга солдилар. Тиш-тирноғи билан душманга ёпишишиб, ёқалашиб, бўғишдилар. Ҳар ким: «Ўлсам ўламан, аммо ёвга

ён бермайман!» кабилида савашарди. Жанг майдони суронга тўлди. Амир Хусайн тахтдан сойликка каради: ўнг томон то дарёнинг бўйларигача, олдинда эса душман ўрдугохигача ғира-шира чанг-тўзон тутиб кетибди, отларнинг зорланиб кишнаши, киличларнинг жаранги, кишиларнинг фарёдини эшитиш мумкин эди-ю, аммо ўзларини кўриб бўлмасди.

Бирдан шамол кўтарилиб, кўкда булут қуюклашди, хавонинг авзойи хунук эди, осмон ғазабидан киличини кинидан чиқарди — чакмоқ устига чакмоқ чақилди. Севалай бошлаган ёмғир бора-бора қаттиқ жалага айланди, бирпасдан кейин жанг майдонини қоплаган чанг-тўзондан асар ҳам қолмади. Жала майдонда ариқча-арикча бўлиб оқар, отларнинг юриши қийинлашар, аскарлар эса хар қадамда тойиб йиқиларди. Жета аскарлари топкирлик кўргизишиб, ўз устларига қалин кигизлар ёпишиб, қурол-аслаҳаларини ёмғирдан асраб жангни давом эттирдилар. Мовароуннахр аскарлари жалада қолиб кетдилар, ҳўл бўлган қуроли аслаҳалари ишдан чиқди. Душман қўшини устун кела бошлади. Шу пайт Амир Хусайндан чекиниш ҳақида фармон етди. Бу ҳақда ўйлаб кўришга Темурбекда ҳали фурсат бўлмаганди.

— Битта юраксиз ўн юраклига бош бўлса ўн битта қўрқок пайдо бўлар эмиш. Бир юракли ўн юраксизга етакчи эрса ўн битта мард майдонга кирармиш... — ғижинди навкарлар ичида жон олиб, жон бериб юрган Темурбек сойлик томон алам билан тикиларкан, жангда ғолиб чиқишдан батамом умид узиб.

— Эй!.. Вақтида қочиб қолмоқ ҳам бир зафардур! Икки Темур! Аббос баҳодир! Амир Жоку барлос! Амир Ҳиндука! — кичкирди у омон қолган бўлук бошлиқларига, Амир Сулаймон барлос, Шайх Махмуд ва Амир Жалолиддинлар эса майдонда жон бердилар. Жала кўзни очиргани қўймас, ҳаммаёқ шалаббо, шилта, ҳўл бўлганди.

— Отларни ортга бурингиз! Ортга!!!

— Ортга! Ортга-а-а!!!

Турон қўшини шошилинич ортга чекина бошлади. Қаттиқ жала ёғишига қарамай, Жета хони қўшинларининг ғолибона сурони жанг майдони узра баралла эшитилиб турарди.

Йигирма еттинчи боб

ХУДОБАНДАНИНГ АҚЛДАН ОЗИШИ

Самарканд хокими Садр Сулаймон бу кеча ухлолмайдикки. Аввало, Қора арлотга ваъда қилинган Жаҳон бика етиб келмади. Сирли саройдан чиккан ароба қароқчилар қўлига тушиб, қиз ғойиб бўлибди. Сокчиларни эса ўлдириб кетибдилар... Чорсу майдонининг четидаги бостирмада Фунчачи бегимнинг хор-зор бўлиб ўлиб ётгани уни баттар ханг-манг қилди. Фунчачи бегим Жаҳон бикани кузатиб келаётган эди. Булар қаерда ажрашди, Фунчачи бегим қандок қилиб Чорсуга келиб қолди, уни ким ўлдирди?.. Жаммазабон девонбегининг айтишича, номусига тегишган, жуда қийнаб ўлдирилган эмиш...

Ароба қани? Бу кимларнинг кирдикори экан? Дўндик қиз Жаҳон бика қаерда?.. У Жаммазабон девонбегига, қизнинг уйига келган-келмаганини суриштиришни топширди. Ҳамма нарсанинг калити ўша билан боғлиқ...

Унинг устига ўғли Худобанда бобилхонада бир қанизакни бўғиб ўлдирибди. Синглиси эмиш... Қаердан билади синглиси эканлигини?.. Хўш, синглиси бўлса, нега энди ўша билан дуч келиб қолади? Нега тақдир шуни раво кўради?

Шаҳарда ҳар хил одамлар кўпайиб кетди, турфа ювуқсизлар қарор топди. Сарбадорман, деб бош кўтарган қаланғи-қасанғи кўскилар ҳаммани бесаранжом қилишмакда. Буларнинг бари ўшаларнинг иши, Садр Сулаймонда шак йўқ бунга. Энди у сарбадорларни бар тараф этишга қаттиқ киришиши керак! Жета хони билан мухориба тугагач, Солисаройдан катта қўшин чақиртириб, сарбадорман деганни битта қўймай бир ёқли қилади. У ёғини ўзи билади...

Самарканд хокими шундай пала-партиш хаёлларга фарқ ховлида юрганда, ғуломлардан бири Абумансур келганидан хабар берди.

— Айт, тез келсин! Келсин!

Овози ингичкадан келган, бу шилпиқ муллаваччани Жаммазабон девонбеги тавсия қилди. «Садоқатда тенги йўқ бу йигитнинг, султоним! Эътиқоди мустаҳкам, айтган сўзидан қайтмайди. Нима вазифа десангиз, ўзини ўйламай ижроси билан машғул бўлади. Вақти келса, ота-

сини ҳам аямайди... — деди Жаммазабон девонбеги. — Мени қандоқ кўрсангиз, буни ҳам шундоқ кўраверинг!»

Самарқанд хокими Абумансурга бир-икки юмуш буюриб кўрди. Иши пишиқ, ёмон эмас... Мақтаб қўйди. Бир куни хизматини тақдирлаб беш дирхам ҳадя қилди. Абумансур дархол миннатдорчилик изҳор этиб, қўл ковуштириб: «Кучугингиз қаторидамен! Ёт, десангиз ётамен, тур, десангиз турамен, султоним!» — деди. Садр Сулаймонга айни шундоқ кучук керак эди.

— Абумансур! — жиддий оҳангда деди Самарқанд хокими. — Сен менга айғокчи, «кўз» бўлишинг лозим. Эл ичида, мадрасада, кўчада, туй-маъракада юрганда, салтанатга тош отиб айтилғон, менинг шаънимга қотилғон гапларнинг барини дил қулоғингга жойлаб ол. Лекин, билиб қўй, бу гапларни дунёда фақат икки киши биладур, мен ва сен! Уқдингму? Жаммага ҳам айтиш йўк!

Савдонинг бу қадар очиқчасига кетишини кутмаган Абумансур аввалига шошиб қолди. Ким-ким, нақ хокимининг ўзи унга юмуш буюраётир, сирдошликка чорлаётир! Сен умр бўйи кутган фурсат етди, Абумансур! Бахт куши ёнингга учиб келди, тутсанг тутиб қолдинг, бўлма-са ўзингдан кўр!

Абумансур жонҳолатда деди:

— Бош устига, султоним, бош устига! Елдай елиб-югуриб хизматингизни қилурмен! Хонадонингизнинг холисона хизмати ва давлатингизнинг бандалиги рўйхатига киритганингиздан бағоят шодмен!

Шундан кейин Садр Сулаймон Абумансурни Кавомиддин қози маҳкамасига ишга жойлаб қўйди, мақсад маҳкама сир-асроридан бохабар бўлиб турмоқ эди. Абумансур Садр Сулаймондан мирзолик маошидан ортиқроқ ақча олар, табиийки, шуни оқлашга тиришарди.

Кавомиддин қози ҳам анойилардан эмасди, у сопини ўзидан чиқармоқчи бўлиб, Абумансурни Самарқанд хокимига айғокчи қилиб қўймоқни кўнглига тугди. Юмшоқ феъл, пишиқ, эгилувчан бу йигитни гапга киритиш мумкин, деб ўйлади. Темирни киздириб ҳар мақомга солса бўлади.

— Маошингга яна беш дирхам кўшамен... — деди қозикалон бир куни. — Кўп ақлли йигит экансен, илло, назмга ҳам мойиллигинг бор эркандур. Вақти келиб мансабингни ҳам кўтарурмен... Хе-хе-хе!..

Абумансур гап қаёққа кетаётганини аввал фаҳмламади. Сўнг мактовлардан эриб кетди:

— Бош устига, қозикалон жаноблари, бош устига! Устозимсиэ, хизматингизга тайёрмен! — ялтоқланди кўзлари йилтираб.

— Қандок хизмат бўларди? Нима, мен сени ановининг оёғига тахтакач боғла, ур, дермидим! Хе-хе-хе! — Қозикалон овозини пасайтириб деди. — Йўқ... Сен кўча-кўйда, мадрасада, айниқса Самарқанд хокими ҳузурида бўлганинда меним учун кўзлик, қулоқлик вазифасини ўринлатиб берсанг, девдим...

— Жоним омода, қозикалон жаноблари! — ўрнидан сапчиб туриб кетди Абумансур. У тақдир химматидан бениҳоя мамнун, икки тарафлама ўйинни давом эттирди. У чавгончига ўхшарди, фарқи шунда эдики, чавгон майдонида икки саф курашар, икки дарвозабон бўларди, Абумансур эса ҳар икки саф ўрнида бир ўзи ўйнаши керак, икки дарвозани ҳам қўриқлаши, айни пайтда, икки дарвозага тўп уришн керак... Чавгонда тўпни тепиш, ракиб чавгонини ушлаш, синган чавгон билан ўйинга кириш тақиқланади. Абумансурга эса қоида йўқ...

Кичиклигидан катта шоир, фозилу фузало бўлмакни орзу қилган Абумансур, бу юмуш осмондаги ойни олишдек мушкул нарса эканлигини сизди. Кўп байтлар битди, аммо байтлари байтдан¹ ташқари чиқмади. Муллаваччаларга ўқиб берса, маъқул бўлмаганини дарров англарди, чунки шеърларда чўғ йўқ, руҳсиз, улар сўзбозликка мисол эдилар, холос. Яқинда хоразмлик муллаваччалардан бири она кишлоғига борган экан, «Муҳаббатнома» деган дoston олиб келибди, шоир Хоразмий иншо этибди. Дoston шу кунларда Хоразмда жуда машхур эмиш. Ўқиб кўрдилар, ҳар сўзи тиллога тенг, равон, тиник, жуда енгил ёзилганга ўхшайди. Абумансур дostonдан ўзига ҳам нусха кўчиртириб олди. «Бўйунг сарву санавбартек, белинг қил, нафо қилғон кишиларга вафо қил!» деган сатрларни айниқса такрорлаб юрадиган булди. Ана бунини шоир деса бўлади! Уни ғойибона Хоразмийга ҳасадни келди. Начора...

¹ Сўз ўйини: «байт» сўзи ҳам шеърини сатрлар, ҳам уй маъносини беради (араб.).

У айрим одамлардай бой-бадавлат яшамоқни истарди, лекин бунинг учун ҳам имкон йўк... Унда бора-бора одамларга, атроф-муҳитга, ҳаётга нафрат уйғона бошлади, одатан меҳру муҳаббатга, мурувватга тўлиши керак бўлган қалб ҳасаду аламларга, кек, рашкка бағир очди. Натижада ҳамма нарсага гаши келадиган, бировларнинг ютуғини, яхшиликларини кўролмайдиган одамга айланди. Бировни юзидаги табассум унинг кўзига ёш келтирарди. Шу важдан ҳам, у Мавлонозоданинг мадрасада, сарбадорлар орасида обрўи ортиб бораётганини кўролмас, Худобанданинг кул бўлатуриб ҳоким ўғли мартабасига эришганига чидай олмасди... «Одамларнинг қийналганларини кўрсам роҳат қиламен!.. Уларни бир-бирига уриштириб, бесаранжом қилиб қўйиб, панадан томоша айлаш энг олий фароғатимдир! Одамлар тинч юрса, тинчим бузилур. Барчани остин-устун қилурмен, менсиз ҳеч кимнинг юмуши битмайдур, ҳокимнинг ҳам, қозикалоннинг ҳам! Амир Хусайн мени билмайдур, билса Солисаройга олиб кетадур...» — деб ўйларди ўзича бу беозоргина туюлган ёвуз рух.

Мана hozir ҳам Садр Сулаймон ҳузурига келар экан, Абумансур кўп гапларни айтишни ният қилди. Чиндан ҳам бу гал унинг Самарқанд ҳокимига айтадиган турфа гаплари бор.

— Кел, Абумансур! — каршилади йигитни Садр Сулаймон. — Кел!

Абумансур югуриб бориб букилиб Самарқанд хокими чопонининг пешини кўзига суртди, сўнг тавозе билан ортта чекинди.

— Турфа янгиликлар бор, султоним! Аммо энг зарурини айтмақни лозим кўрамен... Бир қошиқ конимдан кечасиз...

— Айт, кечдим.

— Тун салтанатида шов-шув, тўполок... Абомуслим деган гадо ғойиб бўлибди. У салтанатда — салтанатни кўринг! — хазиначи экан... Хи-хи-хи! Бировлар салтанат пулини олиб кочиб кетди, деган ўйда, ўзгалар эса бунга нима дейишни билмай хайрон...

— Нечун қандайдир иприскилардан сўз очасен? Бошқа сўз қуриғонму?

— Султоним, сабр қилсунлар! Ҳамма гап ўша иприски деганингизда-да! У ғойиб бўлгандан сўнг, Тун сал-

танати фуқаролари, сарбадорлар шаҳарни кезиб чикдилар, аммо уни ҳеч қаердан топиб бўлмади...

— Ажабо, қаерда экан у бадбахт? Одамлар кейинги вақтларда тез-тез ғойиб бўлиб қолишяпти-я... — Садр Сулаймон хаёлидан Жаҳон бика воқеаси ўтди.

— Ҳамма гап, ўшанинг қаердалигида-да,.. — Абумансурнинг каламуш башарасига ёқимсиз табассум ёйилди. — Кеча ғира-шира пайт кўчада келаётсам, сипохийлардан иккитаси олдимда суҳбатлашиб боришмақда. Аввалига эътибор қилмадим, нима кўп, сипохийдан кўпи йўқ, ўшалардан бири-да, деб ўйладим. Бирдан «Ҳокимнинг ўғиллари», «Худобанда» деган сўзларни эшитиб қолдим. Қадимини секинлатиб қулоқ сола бошладим. «Ҳаммасини ҳамирдан қил суғургандай бажардик, ўзиям билмай қолди!» — деди бири. «Ҳокимнинг ўғиллари Худобанда ҳам мамнун бўлдилар... Беш динордан ҳадя қилдилар...» «Ўзи ўша одамам айикдек экан-а, зўрға тутдик!» «Билсанми? — сўради биринчиси шеригидан. — Ўша Худобанданинг отаси эмиш!» «Садр Сулаймон-ку, унинг отаси?» «Йўқ-да! Самарқанд ҳокими уни боқиб олган... Ҳақиқий отаси ўша экан...»

— Бас! Нималар деяпсен? — чинқириб юборди Садр Сулаймон, елкасидан худди совуқ сув қуйгандек бадани жимирлаб кетди. — Оғзингни юм, оғзингни! Ўғлимни бадном қилма!

— Бир қошиқ қонимдан кечасиз, дегандим... — эслатди Абумансур, ичида Самарқанд ҳокимини изтиробга солиб қўйганидан мамнун эди. — Сипохийлар гапини айтаётирмен, холос...

— Ха, сипоҳлар гапини айтмай ҳар нарса бўл, ножинс!

Самарқанд ҳокими жойида туролмай қолди. Жимлик чўқди.

— Ҳали ўзимни гапимни айтғоним йук,... — ерга қараб деди Абумансур. — Аввало, мен бу гапларга ишонмадим. Сипохийлардан билғоним шулки, Худобанда ўша кишини тутдириб Арк тагидаги зиндонга солибдир. Ҳар куни ҳолидан хабар олар экан...

— Зиндонга солиб... хабар олади? Сен қайдан биласен?

— Бугун Худобанда ўшани кўргани борганда, мен панада биқиниб турдим. Ҳамма гапларни эшитиб олдим...

Садр Сулаймон Худобанданинг сунгги кунларда жуда безовта ва серманак бўлиб колганини эслади. Мана бугун ҳам, сабоқдан келибок, кўлида тугунми, нимадир бор эди, яна қаёққадир йўқолди. Демак, у зиндонга борар экан-да...

Бир пайт қараса, улар гулзорнинг ёнгинасида, йўлакда тўхтаб қолишибди, фуломлар у ёқдан-бу ёққа ўтиб туришибди.

— Бу ёққа юр! — деди у Абумансурга рижинганини яширмай ва меҳмонхонага бошлади. У ҳар сафар меҳмонхонага кирганда баҳри дили очилар, кўнгли равшан тортарди. Аммо бу сафар маҳобатли меҳмонхонанинг мовий деворлари ҳам, унга нақшланган жозиб нопармон, оқ, кизил гуллар ҳам, нафис нилийранг дарпардалар ҳам нурсиз кўринди.

Улар хонтахта ёнига тиз чўкдилар. Абумансур ҳикоясини бошлади.

...Абумансур Арк кўчасида юз қадам масофача нарида Худобанданинг шитоб кетаётганини кўрди. Пойлади, Худобанда Аркка кириши билан, Абумансур уни кўздан кочирмаслик учун қадамини тезлатди. Худобанда қаттиқ ҳаяжонда бўлса керак, ён-верига эътибор бермасди. У дарвозадан кириши билан чапга бурилди...

Садр Сулаймон чидамади:

— Э, мунча каловланасен? Ўша кўрган ерингдан гапириб кетавер!

— Хўп, хўп...

...Худобанда зиндонга қараб йўналди. Қоронғилигидан Абумансур уни кўрмай колди, айна пайтда, ўзини ҳам биров илғай олмасди, бу жиҳати яхши бўлди. Зиндонбон уни Самарқанд ҳокими ўғли билан бирга деб хаёл шекилли, индамади. Худобанда зиндон эшигига борди, хира шам ёруғида халиги одам кўринди. У панжарани ушлаб, Худобандани таниди-ю, қувониб кетди:

«Қани ганак? Ё лошқанот! Бунча ҳусни қайдан олдинг, эй худонинг бандаси? Тўхта, бир кўриб олай!»

Абумансур шамнинг хира ёруғида маҳбуснинг соқол-мўйлов босиб кетган юзини, айниқса, ўнг чаккасида ён-ғокдек бўртиб чиққан нарсасини аниқ кўрди, Худобанда эса орқа ўгириб турарди.

«Сиз... Ахсикентданмисиз?»

« Ахсикентдан... »

«Исмингиз Жалойирбекми?»
«Қаердан биласен? Ё олло!..» — хайратга тушди махбус.

«Ҳокимнинг ўғлисиз...»

«Ие, ие? Валий экансен-ку?»

«Заифангизни Сулувбика дердилар... Марғинон ҳокимининг қизи...»

«Ие! Ие!..»

«Шерўғлон деган ўғлингиз бор эди...»

«Хай, хай!.. Бор эди... Бор эди...»

«Қизингизнинг оти Ширинбика...»

Махбус чидамай зиндон эшигига ёпишди:

«Тўхта! Кимсен? Буларни қаердан биласен?!..»

Худобандадан энди сас чиқмади. Юрак-бағри эзилган махбус қўлларини панжарадан чиқариб, Худобанданинг ёқасидан олди ва нидо қилди:

«Қайдан биласен барини?! Қайдан биласе-е-ен? А-а-а-а!..»

У хўнграб юборди. Миқтидан келган махбуснинг кенг елкалари силкинар, у тап тортмай хўнграб йиғларди. Шам ёруғида Худобанданинг ҳам елкалари титрай бошлади. Иккита эркакнинг заифаларга ўхшаб йиғлаши кулгили эди. Йиғи орасида Худобанда: «Мен ўғлингизмен! Ўша расво ўғлингиз!» деб кўяр, аччиқ хақиқатни шу йўсинда ошкор айларди. Махбус бўлса: «Шерим! Шер ўғлим!» дер эди, холос.

Ота-бола узоқ шундок холда қолдилар. Махбус ичкарида, Худобанда ташқарида. Худобанда калит билан эшикни очиб ичкари кирди. Улар бир-бирларининг бағирларига отилдилар, узоқ вақт бир-бирларини қўйиб юбормадилар. Йиғи тўхтамасди, кўриб юрагим эзилиб кетди ўзиям. Кейин ботинан бир қарорга келдилар шекилли, ниҳоят кўз ёшларини артдилар. Худобанда деди:

«Ота! Падари бузрукворим! Мен сизни кўпдан излаб юрардим. Хайриятки, топдим... Шу ерда истикомат этурсиз... Ҳозирча... Не қилмакни ўзим айтамен...»

«Ўғлим! Шерим! — дерди махбус. — Сен ҳоким зурёдисен. Ажабки, мартабангдан тушмабсен... Ҳозир ҳам Самарқанд ҳокимининг ўғлисиз... Онангдан хабар топдингми? Синглингдан-чи? Бечоралар қаерда эканлар?...»

«Ох! Синглим! Синглим!.. Топдим...»

«Худога шукур, синглинг ҳам топилибди!..»

«Ох!.. Ундан оғиз очманг, оғиз, падари бузрукворим! — Худобанда ўртаниб гапирарди. — Чархнинг ҳасратли ўйини мени не кўйларга солмади! Мен одам эдим, мен хирси кўпган бир хукка айлантирди, шарманда-ю шармисор этди!..»

«Нималар деяпсан? Мена кўрkitма, болам!»

«Бобилхонада, о... синглим, йўлимдан чиқибди, отажон, йўлимдан!.. Хайриятки, худо мени асради! Мен унинг икки кураги орасидаги норини кўриб колдим, тезда ўзимнинг кўкрагимга қарадим! О-о-о!.. Икки нор бир-бирига ўхшар эди!.. Мени ўлдилинг, мени-и-и!..»

«Ўхшар эди... ўхшар эди...» — Махбус энтикиб шундан нари ўтолмасди.

«Синглимни топган еримда, ундан айрилдим!.. — Худобанда ох уриб давом этди. — Оламдаги барча нопокликларни фақат бир нарса, ўлим поклайди, холос. Ва... синглимни ўз кўлим билан бўғиб ўлдирдим, дуои раҳматини олдим...»

Бу дахшатли гапни эшитиб, султоним, Худобандага раҳмим келиб кетди...

— Кейин нима бўлди, у ёғини сўзла! — Садр Сулаймон ўғли Худобанда фожиасидан каттик ҳаяжонга тушди, у воқеани охиригача билишни, билгач, нима қилишнинг ташвишини чекарди.

— Махбус бу гапларни эшитиб ўзидан кетди. Худобанда унинг ҳушини жойига келтириш учун сув кидириб, ташқарига отилди! Мен, кўриб қолмасинлар, деб олдинроқ чиқиб кетдим... Қолганини билмаймен...

Самарқанд ҳокими Абумансур ҳикоясини эшитиб оғир ўйга чўмди. Унинг бирдан-бир топган ўғли Худобанда мана бундай маломатларга қолиб ўлтирса! Ўзи ягона ўғил бўлса, Самарқанд ҳокимининг иқбол ва салтанат сандиғидаги якка-ю ягона дур! Э, парвардигор, Садр Сулаймондай бир бегуноҳ банданга нима қасдинг бор? Нечун эл ардоқлаб, эъозлайдиган бир одамни, мамлакат аҳли ҳурматлайдиган саромади замона, бомаъни бир кадхудони қурт-қумурскадай авом олдида бунчалар хору хокисор қилурсен ахир? Энди бутун аҳли Самарқанд, шаҳар ҳокими бошига тушган савдодан накл қиладур, оғзига кучи етмаган ҳар ножинс бирга иккини кўшадир, игнанинг учидай гапга фил хавосатини берадир...

— Султоним!.. — ҳокимнинг хаёлини бўлди Абумансур.

— А? — Садр Сулаймон чўчиб тушди. — Ха... Сўзлачи...

— Уларнинг не фикрда тўхталғонларини ҳам билиб келамен...

— Бу қандай бедодликки, энди бир қўски чиқиб, тайёр ошга баковулдай, менинг ўғлимни ўзиники қилиб олмакчи бўладир? Ўғлим деб оғиз кўпиртириб эл ичра юрадир? Не ҳадди бор? Не ҳадди бор? Жамма?..

Садр Сулаймон кириб келган Жаммазабон девонбегига негадир:

— Аркка! Зиндонга! — деб чинқирди.

Самарқанд ҳокими зиндон эшигида ёнидагиларни қолдириб, ўзи ичкари кирди. Биқик хавода нафаси қисилгандай бўлди. Зиндонбон Худобанданинг келишларига кўникиб қолганди, лекин зиндонга оёқ босмайдиган шаҳар ҳокимининг ташрифи бечорани шошириб қўйди.

— Ялангоёқ гадога олиб бор! Лекин Худобанда билмасин! — буюрди ҳоким.

Кимдир келганлигини сезган Абомуслим панжарага яқинлашди. Садр Сулаймон шам ёруғида миқтидан келган бақувват, соқол-мўйлови ўсиб кетган, ўнг чаккасида ёнғоқдек нарса бўртиб чикқан, сочлари патак бир таракосни кўрди.

Абомуслим Самарқанд ҳокимини таниб таажжубга тушди.

— Эй, гадо! — гапни ўдағайлашдан бошлади Самарқанд ҳокими. — Нечун сен Худобандани менинг ўғлим, деб даъво қиласен? Танингни зиндонда чиритиб юборамен, даюс!

Абомуслимнинг қоп-қора юзига табассум ёйилди.

— О... Худобанда — менинг ўғлим...

— Бас! Бу гапингдан тийил, эй бетгачопар!

— Йигирма йилдан сўнг топдим... — сўзларди Абомуслим бепарво.

— Не олсанг ол, мол оласенму, зар оласенму... Аммо

Худобандага тил теккиза кўрма! Ҳар хил гапинг, чўпчагинг билан ёш боланинг бошини оғритма!

— Чўпчак... Ўзга ҳақиқатларнинг юзтасига тенг келадиган чўпчак-да...

Абомуслим ўз фикрида муким турар эди. Самарканд ҳокими ишни ими-жимиди ҳал этиб, ёпди-ёпди қилиб юбормоқчи эди, бўлмади. У қозихонага йўл олди.

* * *

Шу куни оқшом Қавомиддин қозининг сипохийлари Жаммазабон девонбеги билан Абумансур етагида зиндонга кириб келдилар. Одамлар серкатнов бўлиб қолганидан зиндонбоннинг тобора ҳайрати ортиб борарди.

— Бошингга бахт қуши қўнай деб турибди, эй гадо! — деб бошлади сўзини Жаммазабон девонбеги, ўлжасини чўчитиб юбормаслик учун айёрлик қилаётган тулкига ўхшаб. — «Қани ганак? Ё лошқанот!» деган сўзларни яхши кўрар экансен. Ганак ҳам бўлади, нодон, лошқанот ҳам...

— О, мен бу сўзларни ўғлимни топдим эсимдан чиқариб юбордим!.. — деди самимий Абомуслим.

— Сен Худобандани ўғлим, дер эмишсен... Бундан сенга нима фойда? — Жаммазабон девонбеги давом этди. — Худобанданинг султонининг ўғли эканлигини Самарканд тугул, бутун Туркистон, етти иклим биладир. Сен уни менинг ўғлим, деганинг билан, ким ишонадир? Аксинча, ўзинг кулги бўлиб қоласен... Ҳамма, шундай офтобжамол йигитни ким ўғлим дегиси келмайди, битта қўски гадо ҳам хавас қилиб шундоқ деса, дебди-да, нотагон кўнгилга қўтир жомашов, деб масҳара қилади-ку!..

— Худобанда — менинг ўғлим... Унинг исми Шерўлон...

— Ўғлинг эмас... Яхши ўйлаб кўр... — деди катъий Жаммазабон девонбеги. — Хуллас, гап бундай. Султоним сенга катта бойлик ваъда айлайдир, бир кишлокнинг волийлигини ҳадя этадир, яйрайсен, гадолик жандасини эгнингдан бадар улоқтирасен!.. Бир кишлокнинг волийлиги-я!

— Ўғлимни топиб оламга подшо бўлгандекман... — мағрур деди Абомуслим. — Наҳотки подшоликни кичик бир кишлок волийлигига алмаштирсам?..

— Бошингга бахт қуши қўнай деб турибди, рози бўл!..

— Рози бўл!

— Рози бўл! — дейишди бошқалар ҳам.

— Йўк! Йўк! — деб юборди Абомуслим. — Ўғлимнинг кўкрагидаги нори худди ўзи! Воз кечмайман! Воз кечмайман! Ҳамманг жўна! Жўна! Энди топганда воз кечаманми?.. — У икки кўли билан панжарани ушлаб қаттиқ силкита бошлади. Жез панжара қисир-қисир қиларди.

— Шундоқми? — Жаммазабон девонбегининг ўсик қошлари чимрилганидан кўзларини тўсиб қўйди. — Итнинг калласини лаганга солувдик, юмалаб кетди-ку...

Унинг ишораси билан зиндон эшигини очдилар. Олти сипоҳий бир бўлиб Абомуслимни дўппослай кетдилар, кимдир дарра билан урди, кимдир тепди, муштлади. Абомуслим аввал баравар солишди, аммо бас келолмади. «Ўзимникини ўзимники десам, калтак есам-а...» дерди хайратда. Қандайдир зарба келиб кўзи аралаш пешонасига тегди, кўзидан ўт чақнаб кетди! Абомуслим охир букчайиб ўтириб қолди.

— Айтганларингизга розиман, демагунингча шундай бўлади, билиб қўй! Ўз фойдасини билмаган аҳмоқ!..

Эртаси куни чошгоҳда Жаммазабон девонбеги билан Абумансур меҳмонхонага кириб келганларида Садр Сулаймон танҳо хаёл сурганча деразадан олисларга тикилиб турарди. Зарафшон тоғларига ҳам баҳор нафаси етибди, ёнбағирлар ям-яшил рангга бўялибди... Унинг ўша ёқларга боргиси келиб кетди, бироқ шу ондаёқ бунинг иложи йўқлигини ҳис қилди. Аслида доргоҳга бориб, бия ва қулунларни тамғалатмоғи ҳам лозим эди-ку-я...

— Келдингми? — йўтал овозини эшитиб тоғлардан кўзини олди Самарқанд ҳокими. — Биламен, у рози бўлмади... Энди бошқа гап чиқиб қолди, ўғилларим. Бошимизга кулфат тушди! Гапимга яхшилаб қулоқ солинглар, ақлли йигитсиэлар. Сўнгги кунларда менинг якка-ю ягона ўғлим Худобанда восвос касалига дучор бўлибди, ажабки, эс-ҳуши жойида эмас... Кўпдан кузатиб юрадим, аммо кимсага ёрилмас эдим. Энди чора қолмади...

— Йўғ-э! — деди хайратда Жаммазабон девонбеги. — Наҳотки? Султонзода-я?

— Ҳа, энди чора қолмади... Бу нарсани элга маълум этмасак, кўп нохушликларга сабаб бўлади... Йўк эса, Худобанданинг ҳар бир айтган гапига ишона бошлайди-

лар. Унинг эса анчагина эси айниган. Шайтон адаштирибди... Мен сўйлашиб, гапларини англамадим... Эсхушидан мосуво одам оғзига не келса шуни дейдир. Жунуни кўзиб, ўзининг ким эканин ҳам билмай қоладир... Дам мен подшонинг ўғлимен деса, дам гадонинг ўғлимен, дейдир. Зарафшонни тескари оқизадурмен, деса ҳам мумкин. Ха... шу кўргилик ҳам бор экан... — Самарканд ҳокими ух тортди. — Эй, парвардигор, якка-ю ёлғизимни ҳам кўп кўрдингми? Ўғлим пешонамга сирмай қолдими?.. Э, бевафо дунё!..

Садр Сулаймон кўз ёши килди.

— Ўқинманг, султоним! — юпатди Жаммазабон девонбеги. — Дардини берган эгам шифосини ҳам берар...

— Ёмон бўлибди, ёмон бўлибди... — деди Абумансур.

— Эл-улус сиз билан биз айтганчалик тушунмас, турфа миш-мишлар пайдо бўлур... Барчасининг олдини олмоғимиз лозимдир. Начора, пичокни ўзимизга урадурмиз! Якка-ёлғизимнинг ақлдан озганини элга, хайхот, ўзимиз ошқор этадурмиз... Эвоҳ! Токи унинг телба бўлиб қолганини англасунлар!.. Жамма, сен одамларингга буюргил, бозорга боришсин, сен Абумансур, қозихонада, мадрасада одамлар орасида ушбу аччиқ гапни айтинглар! Не чора бор?.. — йиғламсинди Самарканд ҳокими, — Садр Сулаймоннинг ўғли Худобанда ақлдан озибди!.. Бу не деган суз, эй, ёронлар!.. Келиб-келиб, менинг жигаргўшам ақлдан оаздими? Э, худо, нималар қилиб қўйдинг!..

— Ўзкент томонларда бир ажойиб табиб бор, дейишади, — далда бериш учун деди Жаммазабон девонбеги. — Ўшанга кўрсатиш ҳам яхши самар бергай, иншоолло...

— Термиз отага олиб бориш лозим. Бир зиёрат этиб келса бор инсу жинслардан фориф бўлур, деб умидвормен... — деди Абумансур. — Энди шундай улкан давлат меросхўри бўлмак ҳар қандай оқилу дононинг ҳам эсини ўзидан беғона қиладур...

— Ўғлим! Яккаю яғона ўғлим! — дер эди холос Самарканд ҳокими.

Ёмон гапнинг қаноти бор, деганларидай, тезда бутун шаҳарда: «Самарканд ҳокими Садр Сулаймоннинг ўғли Худобанда ақлидан озибди», деган хабар тарқалди.

Йигирма саккизинчи боб

ЙЎҚЛИКДАН ҚАЙТИБ КЕЛГАН ҚИЗ

Бошига тиллақош қўндирган, оппоқ харир қўйлақ кийган, келинчаклардай ясанган Жаҳон бикани кўрган-да, ёпирилиб келган қувончга бардош беролмай Қорасоч биканинг тиззаларидан дармон кетди. Абу Бакр Калавий уни қўлтиғидан тутиб қолмаганида йиқилиши аниқ эди.

— Сизга нима бўлди, эй феъли юмшок? Мана, кизингиз соф-саломат келди, шунга шукр қилинг... — далда берарди ота, аммо ўзи ҳам кўз ёшларини зўрға тийиб турарди. Абу Бакр Калавийнинг қувончи икки томондан эди, аввало, Жаҳон бика тўрт мучаси соф топилди, иккинчидан, бу ташвиш бутун Самарқанд сарбадорлари жамоасини жипслаштирди, бало-қазо олдида уларни бир жону бир тан қилиб қўйди. У бўйи бўйига тенг бўлиб қолай деган қизининг манглайдан ўпди.

— Вой, мени шаддод қизим! Тўмарис қизим!.. — кўнгли потраб дерди Қорасоч бика Жаҳон бикани бағрига босиб тўймай, кўз ёшлари эса кулча юзларини тинимсиз юварди.

Йўқликдан қайтиб келган Жаҳон бика ҳеч нарса демас, онасининг бағрига бош қўйганича, отасига эшиттирмай унсиз йиғларди. У меҳрибон отасини, ғамгузор онасини не ташвишларга солмади, лекин айби нимада? Агар кўзга яқин бўлса, сулув бўлса, унда не гуноҳ? Энди у бир нарсага аниқ ишонди: одам ҳар қандай шароитда ҳам бош эгиб қолмаслиги керак экан, курашмоғи жоиз, шундагина орзусига эришади, инсонлиги оқланади. Агар Жаҳон бика шаддод бўлмаганида Ғунчачи бегимнинг қора чангалидан омон-эсон чиқиб кета олмасди. Ана, қанчадан-қанча у тенги беғуноҳ қизлар ўша ерда хору нотавон ётурлар, керак пайтда буюмдек сотурлар, нокерак пайтда қайчидек бир четга отурлар!.. Аммо уни қутқарган биринчи галда отасининг дўстлари, Самарқанд сарбадорлари ва албатта... Мавлонозода, қошлари тутаб ёнгандай қоп-қора, олифта мўйлабли йигит!.. Оҳ, у севгилисини тезроқ кўрсайди!..

Она-болалар йиғлашиб кўришишиб, кўнгиллар ўрнига тушгач, дастурхон ёнига ўлтирдилар.

Абу Бакр Калавий деди:

— Индин эрталабга ароба айтиб қўйганмен, Қосим аравакашнинг ўғли аробасини олиб келади. Онаси, отамнинг боғига борурмиз. Отам набираси Жаҳон биканинг савдосидан хийла ташвишга тушғонлар... Бориб ул зотни зиёрат айлаб қайтурмиз... Жаҳон бика у жойларни кўриб кўнгил чигилларини ёзиб ҳам келадур... — Кейин қўшиб қўйди. — Камонмерган билан Мавлонозодалар ҳам бизларга ҳамроҳ бўлишади.

Қорасоч бика бу гапдан мамнун бўлди. У қирқ кундирки ота-онасининг олдиларига боролмаган, каттиқ соғинган эди.

— Отажонимдан айланай! Мен бовом билан знамни жудаям кўргим келганди! — Юраги ёрилгудай қувонди Жаҳон бика. — Қандай яхши! Энди уларни кўриб келамен!

Бовоси Абдумавлон юз боғини кўриб келишнинг ўзи оламжаҳонга бергисиз бир шодлик эди, Мавлонозоданинг ҳам бирга боришини эшитиб, қиз тақдирнинг буюк илтифотига ичида шукрлар қилди. Ҳали унгача икки кун бор, қачон ўтади-ю!

Эртасига пешинга яқин меҳмонлар келиша бошлади. Аввал ҳолвачилар маҳалласи оксоқоли Ҳалвойи завжаси Ашур биби билан кириб келишди. Ашур биби кўришиб бўлгач, турфа ширинликлар, қандолатлар ўралган тугунни Қорасоч бикага тутқазди.

— Нима қилардингиз, эгачи, овора бўлиб?.. — деди Қорасоч бика дастурхонни оларкан.

— Вой, овораси борми! Сингилжон-е, бирам суюндим, бирам суюндим! — самимий сўзларди Ашур биби. Асли панжикентлик бу муштипар тожик аёли билан Қорасоч бика яхши дугона эдилар, борди-келдилари узилмасди.

— Вой, онагинанг қоқиндик! — эркалади Ашур биби Жаҳон биканинг юз-кўзларидан ўпиб. — Тўйингда ўйнаб-кулайлик, болам. Ҳа, бутун ширинликлар биздан, бир чақмоқ қандиям бошқа ердан олмайсан... Қодир амак қилиб берадилар, хотиржам бўл!

Жаҳон бика уялиб бошини эгди.

— Айтганингиз келсин! — Жаҳон биканинг ўрнига жавоб қилди Қорасоч бика ва Ашур бибини ичкарига етаклади.

Кетма-кет Уста Кулол, хотини Жаннатой, Лакшман эса Читрабону ва Кумарлар билан кириб келдилар. Ҳам-малари Жаҳон биканинг омон-эсон топилганини эшити-шиб, Абу Бакр Калавий билан Қорасоч бикани қутлаш-га шошилишганди. Аёллар ичкарига йўл олдилар, эр-каклар ёзги айвончага йиғилдилар. Кумар ховли этаги-даги ўчоқ олдида куйманиб юрган Жаҳон биканинг ёни-га борди ва қизга кўмаклаша бошлади. Жаҳон бика ши-рингина қилиб: «Айланай укажонимдан!» — деди-да, Ку-марнинг пешонасидан ўпиб қўйди.

— Кумаржон! — деди Жаҳон бика меҳр билан. — Ўшанда, Чорсуда мендан кейин нима бўлди?

— Мени қаттиқ тепдилар... Сиз кетганингиздан ке-йин йиғладим... Опажон, Ахий Жаббор акам сизни то-паман деб, кўп уриндилар...

— Қайси Ахий Жаббор аканг?

— Ану бор-ку, учли қалпоқ кийиб юради... Жуда яхши акам... — тушунтирди Кумар. — Ёнида пичоқ та-киб юради. Мўйлови бор...

— Мавлонозода акангни ҳам кўриб турдингми? — Кумар билавермагач, тузукроқ эслатди. — Ҳалиги, толиби илм. Олифта мўйлаби бор. Мадрасада ўқийди. Бор-ку...

— Ҳа... Кўриб турдим.

— Яхши...

— Опажон, биласизми, сизни қандай қутқардик? — Кумарнинг кўзларида ўт чакнади. — Мен ҳам қатнаш-дим. Рамазон айтдим...

— Ие? Рамазон айтдим?..

— Ҳа-да! Сирли саройни шундай топиб олдик-да!.. Опажон, — бирдан шивирлашга ўтди Кумар. — Ахий Жаббор акам-чи, сизни жуда яхши кўради, ха...

— Нималар деялсан? — Бу гап унга хуш ёқса ҳам, Жаҳон бика сездирмади.

— Биласизми, сизни кўрса, ёки номингизни эшитса қизариб кетади, шошилиб қолади... Жуда яхши акам-да... — Кумар нимагадир илтижо қилгандай, ялингандай гапирарди. — Яхши акам...

— Бу гапларни қўй! Уят бўлади. — кулди қиз. — Вой ўлмасам, қозон куйиб кетади! Кумар, аста оловни торт! Тез бўл!

Жахон бика капкирни олиб қозондаги паловга кар-
ди.

Ёзги айвончада ҳам суҳбат қизғин эди.

— Тошкент томондан хабарлар борми? Жета хони билан уруш ниҳоясига етиб қолгандир? — сўради Уста Кулол Абу Бакр Калавийдан.

— Турон ҳукмдорининг қўли баланд эмиш... — жавоб қилди Лакшман.

— Шундай бўлсин, ишқилиб! — Абу Бакр Калавий маҳалланинг бир юмуши билан қозихонага борганида козиқалон оғзидан эшитган гапни айтиб берди. — Жанг-нинг биринчи куни Мовароуннаҳр лашкари ёғийни хий-ла тинкасини қуритган эмиш. Келган чопар шундай деп-ти.

— Подшоларга ёлғиз уруш керак экан, ҳақиқий уруш бандалари деб ана ўшаларни айтиш керак, — кулди Лакш-ман. — Биз, хиндлардаги зўр китоблардан «Махабхара-та» билан «Рамаяна» каби дostonларни тингласангиз, шу олам фақат жангу мухорибадан иборат экан-да, дей-сиз...

— Урушнинг урушдан фарқи бор, феъли яхшилар, — деди Абу Бакр Калавий. — Мана кўрингиз: агар мен кўшнимникига бостириб кирсам, бундай урушни кўшним тугул, замон-замон, авлоду аждодлар қоралайди, лаънат ўқийди. Аммо, биров меникига бостириб қиради, менинг уйимда катталиқ қила бошлайди. Мен қараб тураменму? Йўқ... Ўзимни химоя қилиш учун, уйимни асраш учун қўлимга қурол оламен, саваш қурамен!.. Бундай урушни замон замон, авлод-аждодлар қўллаб-қувватлайдилар. Шундай қилмаслик инсонликка тенг эмасдир...

— Қани биров уйимизга бостириб кирсин, нима қилар эканмен! — хезланди Уста Кулол беихтиёр енгларини шимариб, худди ҳозир жангга киришиб кетадигандай. — Кириб кўрсин!

— Кечаги Чорсу майдонида бўлган издаҳомда так-рор ўлпон тўлашни йўқотдик. Бу катта гап, эй феъли равшанлар! Бу Самарқанд сарбадорларининг улкан қуд-ратини кўрсатади, — якунлади сўзини Абу Бакр Кала-вий мамнун.

...Меҳмонлар кетишга қўзғалганларида қош қорая бошлаган эди.

Эртасига чошгоҳга қолмай Кумушкентга, Абдумавлон юз ҳовлисига қараб йўлга равона бўлдилар. Қорасоч бика билан Жаҳон бика эшак аробага чиқиб олдилар, эркаклар олдинроқда борардилар. Наддофлар кўчасидан Обимашҳад ариғигача йўл узок эмасди.

Абу Бакр Калавий Хўрдак Бухорий билан Мавлонозодани Абдумавлон юз боғига таклиф этишининг сабаби бор. Унинг нияти, шаҳардан ташқарида, назарлардан четда жамоа улус ташвишлари хусусида сўйлашиб олиш, ҳаракатлар равишини аниқлаштириш, фикру мақсадни, шижоатни бир жойга қўйишдан иборат...

Ўлпон жанжалидан кейин Самарқанд сарбадорлари сир пардасидан ёруғликка чиқди, борлиги олам-жаҳонга ошкор бўлди. Жамоа сафига қўшилувчилар ҳам кўпая бошлади. Баски, бу жамоани бошқармак, бир йўлга солмак лозимдир. Ҳозир сарбадорларнинг вакиллари шаҳарнинг ҳамма маҳаллаларида бор. Ҳатто Термиз-у Кеш, Бухоро-ю Тошкентдан кишилар келиб сарбадорларга қўшилмакларини изҳор этадилар. Наддофлар маҳалласининг оқсоқоли, Самарқандни фозил шаҳарга айлантирмак, оқил жамоа тузмак орзуси энди хаёллар кучоғида ортиқ қола олмаслигини ҳис қилади. Бу орау энди ана бу Ургут тоғларидан парвоз этган бургутдай оламни кенг қамрамоғи керак... Аммо, у бургут қўнар жойин билурми?..

Обимашҳад бир-икки бурилишлар ҳосил қилгач, уч чақиримча масофадан кейин яйловга чиқиб борарди. Атрофда баҳор нафаси кезар, табиат ажабтовур безанган... Абу Бакр Калавий сал бемалолроқ сўзлашмак маъносида бўлса керак, катта эшакка миниб олган Қосим аравакашнинг ўн икки яшар ўғлига буюрди:

— Араванг билан олдинга ўт, ўғлим! Лекин йироқлашиб кетма!

Халачуп нуқишидан эшак юришини тезлатди. Аробада қалин кўрпачада ўлтирган Қорасоч бика бошига эрининг яктагини ташлаб олган, ёнида Жаҳон бика фавқуллодда шодлиги чексиз, она-бола теварак атрофни томоша қилишар, гоҳ-гоҳда шивирлашиб бир-бирига сўз қотишарди. Қиз Мавлонозода томон кўз қирини ташлаб қўяр, икковлари ёнма-ён бораётганларига ҳеч ишонгиси келмасди.

— Кумушкент сафаридан мақсад битта, — деди Абу Бакр Калавий, оҳиста кадам ташлар экан. Майин эпкин эсарди. — Мақсад битта, эй феъли пишиклар!.. — давом этди Абу Бакр Калавий. — Хўш... Улусни бахтли, саодатли қилиш истаги сусайиб қолмадими? Сарбадорлик эътиқодимиздан чекинмадикми? Мана шу борада сизлар билан кенгашни бир жойга қўймак фурсати келди. Шу дақиқагача жуда кўп сўз кетди, амал ҳақида калом оз бўлди...

Орага жимлик чўкди. Норғул Хўрдак Бухорий қўллари орақасига қилганча вазмин одимлайди. Мавлонозода бошини ғоз тутиб йироқларга боқади, лекин олдинда кетаётган аробага қараётибдими ёки олисдаги адирлар пойида ястаниб ётган ям-яшил кишлоқларни томоша қилаётибдими, билиб бўлмайди.

— Сўз кўп кетди, вале амал мутлок йўқдир! Сиз ҳақсиз! — Абу Бакр Калавий фикрини тасдиқлади Хўрдак Бухорий бўйдоқ ўсмирлардай овози дўриллаб.

— Маъзур тутинг, мен бу гапга унча қўшила олмаймен... — эътироз билдирди Мавлонозода, аробадан кўзини узиб. Ароба юз қадамлар илгарилаб кетган, Жаҳон бика қандайдир қизик бир нарсани Қорасоч бикага сўйлай бошлаганди.

— Важи не экан? — сўради Хўрдак Бухорий.

— Важи, биз шаҳримизда анча-мунча юмушни ўринлатдик, деб айта оламен...

— Нечук юмушлар?

— Нечук юмушлар, дейсизми? — Изохлай бошлади Мавлонозода. — Аввало жамоамиз пайдо бўлди... Самарқандда неча минг кишилар жамоа фуқаролигини орзу этиб, бизнинг хужра эшигин коқадурулар. Тунов кунги ўлпон жанжалидан кейин айниқса кўпайди. Сўғин, «Хайрия» ташкил этилганлиги ҳам улуғ бирлик аломатидир. Ташвиш кишиларни бирлаштирадир. Булар сўз эмас, амал деганимиздир. Мен ушбу сўзни Самарқанд сарбадорлари жамоаса котиби сифатида айтаётирмен...

— Барибир булар, ҳали сўз... — ўз фикрида қатъий эди камонмерган.

— Илмда аввал сўз бўлгон, деган ақида машхур... — ён бермасди Мавлонозода ҳам. — Хамма нарса сўздан бошланади... Сўзу амал!..

Мавлонозода шу ерда ўзининг котиблиги хусусида гапирди. Авваллари Абу Бакр Калавий билан пинҳона кадр талашиб, доимо: «Нега у сарбадорлар жамоаси оқсоқоли бўлади, холбуки мен шунга лойиқмен деган хаёлларга борар, котиблик рутбаси унинг иззат-нафсига теккандай туюларди. Яқинда юз берган бир ходисадан кейин, бундай хаёллардан тийиладиган бўлди. Гап шундаки, уни бир куни, бу ҳали Жета хони билан мухориба бошланмасдан аввал эди, оқшомда Темурбекнинг эгачиси Қутлуғ Туркон оқа хонадонига чақириб кетдилар. У Арк кўчасидаги кенг ховлига кириб борганида Аббос баходирни кўриб хайратга тушди. Энди унда гадонинг жандасидан асар йўқ, эгнида бекларга хос либос, бармоқларида узук, ёнида эса исфахон қилич...

«Нечун мени бундок кўриб хайрон қолурсен, эй муллавачча?» — ишшайди Аббос баходир андишасизларча.

«Гадолиқни тарк айладингизму?» — Мавлонозода кечаги гадонинг бутун ўзини бу қадар бетакаллуф тутишидан ўнғайсизланиб сўради.

«Асло! Одам боласи ҳеч қачон гадолиқдан қутула олмайди! — масхараомуз қулди Аббос баходир. — У бир умр нафс гадоси!»

Улар меҳмонхонага кириб бордилар. Шифти баланд кенг меҳмонхонада, тўрда, Темурбек пар ёстикларга ёнбошлаб ўтирарди. У Мавлонозода ҳурмати ўрнидан турди, ўткир кўзларида яқин қариндошни кўрганда пайдо бўладиган меҳр чакнади. Бошини роз тутганча Мавлонозодага кучоқ очди:

«Жигарим! Омон-эсонмисиз?»

Мавлонозоданинг кўнгли увалғудай бўлди. Падари бузруквори ўтиб кетган бўлса ҳам, ҳали-ҳануз ёлғизликни сезгани йўқ... Қуллуқ, Темурбек ҳамиша хабар олиб туради, чақадан ҳам қарашадир...

Шу асно Қутлуғ Туркон оқа кириб келди. Ўттиз уч ёшлар чамасидаги ўрта бўйли хушрўй бу аёл, ҳамал кирганига қарамай ҳали хавонинг захри синмаганлигидан, пахталик қизил кимхоб тўн кийиб олганди. Хол-ахвол сўрашдилар.

«Сабокларингиз нечук, Нодирбек?» — сўради Темурбек.

«Қуллуқ! Ёмон эмас...»

Бошқа савол-жавоб бўлмади. Барча ноз-неъмат тўла дастурхонга қаради, бир оздан кейин бир қўйнинг гўшти-ни ўртага олиб келиб қўйдилар.

«Инимнинг пойига сўйдирдим бу қўйни... — деди Кутлур Туркон оқа. — Яхши-яхши еб ўлтирингизлар!..»

«Самарқандда сарбадорлар жамоаси не юмушлар қилмакда? Сиз, билишимча, бу издахомдан бохабарсиз, Нодирбек?»

Мавлонозода дарров Аббос баходирга қаради. Сарбадорларнинг кор-ҳолидан Темурбек огох экан, бунда Тун салтанати фуқароси Аббос баходирнинг хизмати йўқмикин?..

«Самарқандни фозил ва обод шаҳарга айлантирмак — биз сарбадорларнинг эзгу ниятимиздир, Темурбек оға!»

Темурбек билан Мавлонозода ўртасидаги фарқ олти ёш эди, холос. Шунга қарамай Темурбек мадрасанинг толиби илми олдида кўпни кўрган, дунёни бир қайириб олган кадхудоларга менгзар, Мавлонозода эса ўзини ёш боладай сезар эди.

«Жамоага оқсоқоллик қилишни Абу Бакр Калавийга қўйиб берингаз! — қатъий деди Темурбек. Ажабо, у Мавлонозода кўнглидаги шубҳаларни қайдан билибди? — Ҳали ишлар олдинда чирой кўргизадир. Сиз, котиб мартабасида бўлмагингиз жоиз. Ҳали ёшсиз. Олло-таоло бандасини бир нарсада кам кўрса, бошқа нарсада ўрнини тўлдириб берадир...»

«Сарбадорлар деганингиз, амирим, ҳокимиятга қарши тугён қилмакчи, Садр Сулаймонни бадном этмакчи... Ҳа! Ҳа! — қуйиниб гапирарди Аббос баходир. — Иш шу йўсинда кетса...»

«Самарқандни фозил шаҳарга айлантирмакни бизлар муаллими соний Абу Наср ал-Фаробий ат-Туркийдан ўргандик... — Мавлонозода Аббос баходирнинг гапига парво қилмай давом этди. — Бешинчи иқлимда бўлган Самарқанд етти иқлимга донғи кетган шаҳар, етук жамоа рутбасини олғусидир! Биз сарбадорларнинг, фозилу фуқаро, рунуду авбош, гадою дарвишнинг ниятимиз ушбурдир!..»

«Абу Наср ал-Фаробий ат-Туркий... Саромади замона... — хаёлга чўмди Темурбек. — Фозил жамоа ҳақидаги рисоласи бекиёс... Ўқиб, мадад олурсен... Жамоа туз-

макни, юрт бошқармакни ниёт қилган ҳар оқил у рисо-
лани бошига қўйиб ётмаги керак... Сиз сарбадорларга
омад тилаймен! Аббос баҳодир! Майли, агар сарбадор-
лар Садр Сулаймонга қарши исён қилмакчи эканлар,
қилсунлар! Бу икки кўзли бир қоп гўшт, нопокликларга
йўл қўймиш, бобилхона очдириб, ҳар мусулмоннинг гуру-
рига, иззат-нафсига тегадиган иш қилмиш... Самарқанд-
да ҳеч қачон бундай бўлмаган! Қўстантия, Қоҳира, Баг-
додда бўлса, нечун Самарқанд улардан улғи олмоғи ке-
рак?... Бу шаҳарда уламою машойихлар қадри тушган-
лигидан далолатдир. — Темурубекнинг қалин қошлари
чимирилди — Бешубҳа, Самарқанд сиз айтгандек, етти
иқлимга донғи кетган шаҳар, етук жамоа пойтахти рут-
басини олғусидир!.. Вақти-соатида... Иншоолло!..»

Мавлонозода Темурубекни фақат қилич бандаси, жанг-
жадалдан бошқа нарсани билмайди, деб ўйларди, унинг
муаллими соний рисоласини ўқиганлигини эшитиб, очиги,
лол қолди. Темурубекнинг Самарқанд ва Садр Сулаймон
ҳақидаги фикрлари ҳам толиби илми каттик ўйланти-
риб қўйди.

Аббос баҳодир эса бир нарсани англай олмади: «Те-
мурбек Самарқанд сарбадорларини қўллаётирми? Улар-
нинг ҳокимиятга, яъни Темурубекнинг ўзига қарши чи-
кишларини маъқул деяётирми? Ахир улар бориб турган
душманнынг ўзи-ку? Уларга имкон келса, на Амир Те-
мурни омон қўяди, на Амир Ҳусайнни!..»

Аммо сиёсий ишларнинг тўққиз улушини кенгашга
қўйиб, бир улушини қиличга қолдиришга ўрганган Те-
мурбек бошқача ўйларди. «Бу дунё даштини кезмак —
ўмба-дўмби жойда юрмакка баробар. Асло тинчи йўқдир.
Ўзинг токим ҳокими мутлоқ эмас экансен, босган када-
мингда ривож бўлмас. Юрт эса, Амир Ҳусайндай бир
ношуд амир илгида хор-хокисор... Бунга чидамак учун
товдек юрак керак бўлур. Ҳукмдорга қарши не бўлса —
Темурубекка ҳушдир. Самарқанд сарбадорлари агар ша-
ҳарни идора эта бошласалар, Амир Ҳусайнга катта зар-
ба берган бўладилар... Инчунин, Темурубек бу хуружга
ривож бердирмаги лозим, ниятини Самарқанд сарбадор-
лари жамоаси котиби Нодирбек ибн Яҳё орқали амалга
оширсин. Сўнг ақл билан барчасини ўзига боқинтирмак
чорасини қилур...»

Темурубек Мавлонозодага юзланди:

«Кўнглим сарбадорлар тарафиндадур. Ўз вақти-соатида ушбу оқ сўзимни барчасига еткурингиз. Аммо ўзлари билсун, ўзганинг билмаги шарт эмас...»

Мавлонозода қувониб кетди. У Темурбекни ҳар нарсани етти ўлчаб бир кесадиған амир, деб билади. Самарқанд сарбадорларининг нияти унга маъқул бўлган экан, бас, Абу Бакр Калавий, Мавлонозодалар тўғри йўл танлашибди-да!

Садр Сулаймон мадрасасининг толиби илми бир неча кун ўша суҳбат таъсирида юрди, лекин ҳеч кимга ҳеч нарса демади, зеро, фурсати ҳам келмаганди.

— Мавлонозода, афсуски, амал деганингиз сал тош босмай турибди-да! — Хўрдак Бухорий жилмайди. — Ҳозир тушунтирмакчи бўламен. Амал деганда мен аниқ ижро этилгон юмушни англаймен. Хўш... Самарқанд фозил шахарга айландими? Йўқ... Эл-улус бахтли, саодатли бўлдими? Йўқ... Сарбадорлар дадил бир ишга илик суна олурмилар! Дейлик, шахарни обод этиш, етим-есир турмушини яхшилаш, ҳар хил урушларга барҳам бериш, эл-улусни илму урфон чаманига бошлаб олиб бориш, фахшу разолатга чек қўйишлар ҳақида оғиз кўпиртирадурмен...

— Бу юмушлар, сиз ҳақсиз, хали бўлғони йўқ... — тан олди Мавлонозода.

— Ха, ўлманг! Мен сўз кўпу амал мутлоқ бўлмади, деганимда ана шуларни назарда тутгондим...

— Хўш... у ҳолда не қилмак керак? — сўради сарбадорлар жамоаси котиби, у бир оз кизиша бошлади. Жаҳон бика ҳам кўринмай қолди, ароба тепалик ортида ғойиб бўлди. — Қани, айтинг-чи, не қилмак лозим? Не?..

— Мен ҳам шуни ўйлайдурмен... — деди Хўрдак Бухорий.

Абу Бакр Калавий улар баҳсига аралашмади. Гапнинг очиғи, бундан буёғига у ҳам нима қилмак даркорлигини аниқ тасаввур этолмайди. Бир нарсани яхши билади, ҳокимиятни қўлга олмак энг биринчи вазифадир. Садр Сулаймонга бориб: «Қани, ҳокимиятни беринг, Арқдан чиқинг!» деса, у қўнмаса керак... Ёки шайхурраис Абу Али Сино айтганларидай, қўлга тиг тутиб, қиличга таяниб, туғён кўтариб ҳокимиятни тортиб олмоқ лозиммикин? Сабзаворда сарбадорлар қандок қилиб юрт

бошига келиб қолишди? У ерда мўғуллар зулми халкни шунга мажбур этди, ҳар бир одамини сарбадорга айлан-тириб юборди. Бизда-чи? Мўғуллар босқини, амиру беклар зулми, ҳокимлар зулми қадр-кимматимизни чақага тенг қилмакда. Эл-улус қул ўрнида, балки ундан ҳам нигун... Ўзи тандир-тандир нон ёпадир, аммо тўйиб нон емайдир, кийим тикадир, ўзи киймайдир...

— Абу Бакр оға! — мурожаат қилди шу пайт Хўрдак Бухорий. — Жамоа бир бўлиб Садр Сулаймондан ҳокимликни тортиб олишимиз керак! Ўзга йўл йўқ!

— Қандоқ қилиб тортиб олгаймиз? — Мавлонозода Жаҳон воқеасидан сўнг «Қора арлот» лақабли бу «садри жаҳаннам»га нафрати ортган эди. Тарвузга салла ўратиб қўйилгандай, занчалиш овозли бу одам наҳотки ёвузлигу қабиҳлик тимсоли сифат туғилган бўлса? — Ахир Садр Сулаймоннинг чухралари бир талай, Солисаройдан сипохий чорлатади... Сўнг Самарқанднинг сарбадор бўлмаган маҳаллалари оқсоқоллари уни қўллайдилар. Қавомиддин қози ҳарчандки ҳокимлик даъвосин қиладир, вале ҳокимни йиқитмакда кўмак берса мумкин...

— Йўқ! — Сўзни кесди Хўрдак Бухорий. Унинг сўзларида сипохий қатъияти сезила бошлади. — Қозикалонингиз узоқдаги қуйруқдир, қуйруқ бўлганда ҳам, унчамунчага тутқизмайдиган қуйруқдир... Ўзимиздан қолмайлик. Бир чора ўйладим. Агар изн берилса, биз маҳалламыздан бир биродарим билан Камонгарон қишлоғига бориб келсак... Унинг хеш-акраболари шу қишлоқда туришади. У ерда ҳарбий аслаҳалар, ёй ясовчилар кўп, сарбадорлар ҳам бор. Мингта камон, ўқ-ёй, найза буюртирсам... Ҳақини «Хайрия»дан оламиз. Келтириб сарбадорларга тарқатсак. Сўнг Аркка юриш қиламиз!

Мавлонозода таклифнинг оқилона эканлигига тан берди. Лекин, иш шу йўсинда кетса, Амир Хусайнга қарши, у ҳолда... Темурбекка ҳам қарши тиф кўтарилдику, деган фикр ярқ этиб хаёлидан ўтди-ю ҳукмдор билан амирлашқарнинг икки хил одамлар эканлиги бир оз унга таскин берди.

— Менинг ақли қосирим ҳам, қўлга қурол олмай туриб, бирон нимага эришмак мушкул, деб турибди. Камонмерган маъқул сўзни дедилар. Бир лаҳза ариқ бўйида тўхтайдик... — таклиф қилди шерикларини Абу Бакр Калавий.

Улар Обимашҳад ариғи бўйида ям-яшил майсаларга тиз чўкдилар. Лойқаланган Обимашҳад тўлиб оқар, Самарканд ва ундан нариги ерларга обиҳаёт элтарди. Анҳор ғаройиб жунбушга келган, буни Самарканд сарбадорлари жамоаси раҳбарлари ўз кўзлари билан кўриб туришар, Обимашҳаднинг баҳор қутқуларидан тўлиб-тошиб айқириши бамисоли улар рухиятининг инъикосидай туюларди.

— Бирлашмакнинг пойдевори учтадир, яъни, «қасамёд, иттифок ва аҳд-паймондир!» деганлар, донишмандлар! — деди Абу Бакр Калавий ариқдан кўзини олиб. — Ушбу ҳолатда ҳар бир кишининг бирликка қўшган улуши аниғу аён бўлур. Киши ана шу уч шарт туфайли, шерикларига қарши бормайдир, бошига иш тушғонда уларни ёлғиз ташлаб қўймайдир, музаффарият учун от сурадир, дўстларини мағлубият балосидан асрайдир!

— Аҳд-паймон этайлик! — деди Мавлонозода дадил.

— Қасамёд қилайлик! — сас берди қамонмерган.

— Иттифок тузайлик! — Абу Бакр Калавий ҳам кўшилди.

Теварак-атрофда ҳеч ким йўк, мовий осмонда кезиб юрган бир савам пахтадеккина оқ булут ва кўтарилиб чошгоҳга келиб қолган офтобгина уларни кузатиб турарди.

— Абу Бакр оға! — мурожаат қилди Мавлонозода. — Мен авваллари қон тўкилиш тарафдори эмасдим, юмуш зинҳор шу нохуш ҳолга бориб тақалмасин, дердим. Илло, йўли битта эканлигига, яъни зулмга тиф кўтармак лозимлигига имон келтирдим... Биз сарбадорларни ёқлагувчилар кўп... Амирлар ҳам бор хатто... ха...

— Амирлар? Йўғ-е! А?

— Амирлар дедингизми, эй феъли тўғри?

— Ҳа, амирлар бор! — Мавлонозаданинг сўзлари қатъий жарангларди. — Фақат мен буни икковингизга сўйлайдурмен... Мамлакат ҳукмдорининг ўнг қўли, Шаҳрисабз ва Қарши амири амирлашқар Темурбек ана шундок...

— Наҳотки? — деди Абу Бакр Калавий бу янгиликдан қувонишни ҳам, ташвишланишни ҳам билмай.

— Бу чўпчакни қўяйлик!

— Зинҳор чўпчак сўзламаётирмен! — қизиша бошлаганидан Мавлонозаданинг пешонасида тер пайдо бўл-

ди. — Зинҳор! Бор гапни айтадурмен! Мана, Амир не дейдилар: «Кўнглим сарбадорлар тарафиндадур. Вақтисоати келганда ушбу оқ сўзимни барчасига еткурингиз. Аммо ўзлари билсун, ўзганинг билмаги шарт эмас...»

— Сиз қаердан эшитдингиз? — шубҳаланиб сўради камонмерган. Мавлонозода бу шубҳани сезди, у Абу Бакр Калавийга қараган эди, иттифоқо, унинг қўй кўзларида ҳам гумон аралаш шундоқ савол кўрди.

— Арк кўчасида, — аниқлик киритишга шошилди Мавлонозода, — Амирнинг эгачиси Қутлуғ Туркон оқа чорбоғида бўлдим. Темурбек оға келгон эканлар. Ўша ерда сўз Самарқанд сарбадорлари хусусида айланди. Тепамда Оллоҳ турибди, Амир бизнинг қор-ҳолимиздан шунчалар бохабар эканларки, кўриб хайрат бармоғини тишладим! Мен ўзим ҳеч қачон сирларимиз ҳақида оғиз очмайдурмен...

— Темурбек қаердан билар экан?.. — қизиқди Абу Бакр Калавий.

— Ана шу менга қоронғудир... — деди Мавлонозода. Унинг сидқидилдан гапираётганини кўриб туришса ҳам, ўртада пайдо бўлган қандайдир ишончсизлик пардаси муносабатлар оинасини хиёл тўсиб қўйган эди. — Амир билан танишлигим кўнглингизга шубҳа солиб қўйди, сезиб турибмен... Асло, шубҳага ўрин йўқдир, азизлар.

Мавлонозода Темурбек билан алоқалари ҳақида хотиржам гапириб берди. Унинг самимий гаплари орадан шубҳани кўтаргандай бўлди.

— Хўш... Агар Амир Темур бизнинг жамоани қўлласа, нимаси ёмон? Амирнинг бундоқ қилувида мантик бор, — деди ўйланиб Абу Бакр Калавий. — Унинг келгинди амирлар ҳокимиятига каттиқ хусумати бор деб эшитамен... Бизнинг жамоа келгиндилар зулмига қарши қаратилмишдир. Шундоқ маънода мақсадлар бир нуктага йўналмиш. Мавлонозода, биз амирнинг тутумини нур устига аъло нур бўлибди, деймиз. Сарбадорларни қўллашимни сарбадорлардан ўзга биров билмасун, дейиши ҳам Амирнинг тўғри кўнглингидан далолатдир, иншоолло...

Ариқда катта ўрик шохи оқиб келарди. Афтидан, сув бирон ерда тўғонни уриб кетганди, кейинроқда яна турли-туман шох-шаббалар кўринди.

— Замон оқими ана шу ариқнинг бўтана сувидай шиддатқордир, — деди Абу Бакр Калавий. — Лекин

сиз билан биз, анови шох-шаббаларга ўхшаб қолмаслигимиз лозим, балки оқимни ўз илгимизда сақлай оладиган бўлмоғимиз керак...

Улар яна йўлга тушдилар. Сухбат давом этди.

— Абу Бакр оға! Инсон ҳаёл бандасидир... Дейлик, Садр Сулаймонни ҳокимликдан мосуво этдик. Ҳокимият нечук бошқарилур?..

Хўрдак Бухорийнинг бу гапи айни муддао бўлди.

— Ушбу сухбатимиздан ниятим ҳам асли шу эди, — жилмайди Абу Бакр Калавий. — Етук жамоа курмак, тенгликни тарғиб этмак, Оллохнинг берган неъматларини жамоа фуқаролари орасида баробар баҳам кўрмак, инсон табиатига зид муҳорибаю уруш изини қуритмак лозим. Ахир етук жамоани ўзида мужассам этган, бахтсаодат калитини илгида маҳкам тутган, кишилари тенг-ҳуқуқли, бир-бирига хайру саховат қўлини чўзган шаҳар қурмак бизнинг ниятимиздир! Самарқанд сарбадорлари жамоаси ана шунга интилулар!.. Бу йўлда, аввало, оқсоқол тайинланиши жоиздир...

— Фозил шаҳар жамоаси оқсоқоли ўзингиз бўлури-сиз... — очик-равшан деди Хўрдак Бухорий Наддофлар маҳалласи оқсоқолига.

— Айни муддао! — қувватлади Мавлонозода ҳам.

— Узр, жамоа оқсоқолига муносиб одам ўн икки фазилатга эга бўлмаги лозим, муаллими соний шундоқ дейдилар... Инчунин, фозил шаҳарда, сарбадор эътиқоди бўйича, сардор ҳам йўқ, сарнигун ҳам... ҳамма тенг-ҳуқуқлидир...

— Абу Бакр оға! Сизда жамоа сардорига зарур жаъми ўн икки фазилат етарлидир...

— Етарлидир! — қўшилди камонмерган.

— Эй, феъли дурустлар, қулоқ беринг. Сизда жаъми фазилатлар бор, дейсиз. Кошки эди, шундоқ бўлса!.. — Абу Бакр Калавий чин дилдан афсусланиб давом қилди. — Шундай кишининг тўрт мучаси соғ бўлиши лозим. Фақир эса бундай даъводан йирокмен. Сўзи тиниқ, каломи равшан бўлсун... Бунда ҳам чорасизмен... Бир ишни амалга ошираётганда журъатли бўлсун, шиддат билан ишга киришсун... вале каминада шиддат азалдан камдир. Кўрган-билганини хотирида яхши тутсун... хотирам сустликда тобора илғорлик кўргазур. Динор, дирҳам янг-

лиғ турмушнинг ўзга афзалликларидан нафрат қилсун... хамиша ҳам нафрат етишмайдур...

— Йўқ, йўқ! Сиз камтаринлик қилмоқдасиз! — камонмерган эътироз билдирди. — Сиз чиндан ҳам жамоамиз сардорисиз!

— Азизлар! Муаллими сонийга дил берайлик. Ул зот айтурларки, шунча фазилатга эга киши топилмаса, икки киши бўлсаю бири доно, иккинчиси қолган фазилатларга эга бўлса, икки киши бошқариши мумкин. Бордию бир гуруҳ одамда ушбу фазилатлар, яъни бирида — донолик, ўзгаси-да — яна бири жам бўлса, ўша шаҳарни бошқара оладир... Афсуслар бўлсунким, — бош чайқади Абу Бакр Калавий. — Бугунги кунда айрим жамоа сардорларида ўн икки фазилатдан бири ҳам йўқ, аммо улар юрт бошқармак хавасида фарқу мустағрикдурлар, феъли ёмонлар!..

Мавлонозода Абу Бакр Калавийнинг ҳалол ва ростгўйлигига қойил қолди. «Унинг ўрнида бошқа одам бўлганда, — ўйлади у, — икки таклифдан кейинок, майли, шаҳарни бошқарсам бошқарибман-да, деб кўя қоларди. Эл-улусни ўйлаган, кўпнинг умидини авайлабардоқлаган покдомон одамгина шундоқ сохта даъволардан тийилишга қодир!..»

— Юсуф Болосоғунийнинг «Кутадғу билиг» достонида, — завқ билан давом эттирди сўзини Абу Бакр Калавий. — Кунтуғди Ойтўлдига бундоқ дейди: «Мен ўлтиргон курсининг оёғи учтадир, шу вайдан ҳам хотиржам ўлтирибмен. Уч оёқли нарса силжимас бўладир, устивор, тўғри ва рост турадир...» Инчунин, феъли улуғлар, Самарканд сарбадорлари фозил жамоасини ҳам уч киши бошқаруви лозим, деб ҳисоблаймен. Бас, ул уч киши кимлардир? Улар — Хўрдак Бухорий, Мавлонозода ва фақирингиз...

Бу гапни на камонмерган, на толиби илм кутган эдилар. Биринчи бўлиб, Садр Сулаймон мадрасасининг толиби илми: «Йўқ! Йўқ!» деди, чунки Темурбекнинг, «Оқсоқоллик даъво этмангиз!» деган гапи эсида турарди. Хўрдак Бухорий ҳам эътироз билдирди, аммо Абу Бакр Калавийнинг қуйидаги сўзларидан кейин, иккиси ҳам бир нима дея олмай қолишди:

— Уч киши демакнинг боиси бордир. Бунда бирида йўқ фазилат иккинчисида бўлур, иккинчисида йўғи учин-

чида бўлур. Бир-бирининг изидан келиб, шаҳарни бошқаришда бамисли бир тану бир жон бўлиб, бир кишидек фикр қиладурлар, юртни бошқарадурлар... Инчунин, биримиз, камина ўрта ёшлардаги анча-мунча оқ-қорани кўриб қўйган кадхудо, иккинчимиз, камонмерган, ўттиз бешга кирдилар, айни қирчиллама йигитлик, жўмардлик фаслига қадам қўйдилар, учинчимиз, Мавлонозода, ёш, умр чаманининг навбахорида бир дунё орзулар оғушида илдиз отмак, барг ёзмакка шайлангон бақувват ниҳол, илм, жўшқинлик ва шиддат унинг болупаридир, ўсмак, камол топмак эътиқодидир. Агар оқ-қорани кўриб қўйгон бир оқсоқолнинг тажрибаси, қирчиллама йигитнинг шижоати-қуввати, толиби илмнинг жўшқинлиги, билими бир ерга жам бўлса, наздимда муаллими соний Ал-Форобий айтгон фозил шаҳарнинг сардори шу бўладир...

Энди ҳеч ким ортиқча гап қўшмади.

* * *

Обимашҳад ариғи сал тепалиқда жойлашган, баланд девор билан ўралган яшнаб ётган боққа кириб ғойиб бўлди. Дарахтларнинг ям-яшил ранга бирам тиниқ эдики, кишининг хаваси ортар, шу боққа кириб оралаб юргиси келиб кетарди.

Кунбеткай дарвоза ёнидаги паст тоқчада шойи кўрпача устида Абдумавлон юз ҳасса таяниб ўлтирарди. Қосим аравакашнинг ўғли эшакни арабадан чиқариб ўтлатишга олиб кетибди, Қорасоч бика билан Жаҳон эса ичкарида эналари Хосият биби олдиларида эдилар. Мехмонлар югуриб бориб борбон билан кўршпмокка тутундилар, аммо саксонлардан ошганига карамай хали бардам бақувват Абдумавлон юз қалин оппок соқолини селкилатиб ўрнидан туришга улгурди.

— Ўғлим! Жон ўғлим!

Кучоқлашиб кўришар экан, Абу Бакр Калавий қайнотасининг елкалари чиқиб қолганини сизди. Ҳа, умр ўтмакда...

Барча ҳовли четидаги, Обимашҳад ариғининг бўйидаги сўри томон йўналди.

Дастурхон ёзилди, таомлар қўйилди.

— Ўғлим, — деди Абдумавлон юз, — биласиз: биздан сал юқорилаб борилса Кумушкент қишлоғи келади. Мен, тўрт-беш йил бўлди, ҳовлидан чикмаймен, лекин

атрофдан келишиб зиёрат қилиб кетишади, шукур... Бу фукаро, авомуннос Амир Хусайн сиёсатидан бисёр озурдадурлар. Халкни эзмак, хор қилмак ҳокиму амирларни суйган юмуши бўлиб келгон, воҳасрато! Мана, яқинда ҳукумат босқоқчилари кишлокқа келишибди...

— Ҳа... Шаҳарда ҳам қаттиқ жанжал бўлди, бу... — Абу Бакр Калавий мухтасар қилиб Чорсу майдонидаги ўлпон жанжалини гапириб берди.

— Юрт валломати Жета хони билан сўғшпмак истар экан, бу унинг хоҳиши, — оҳиста давом этди Абдумавлон юз. — Хўш, бунга Кумушкентдаги бечора чорикорнинг не дохиллиги бор? Шаҳардаги наддофнинг, кулолнинг не алоқаси бор?.. Босқоқчилар Кумушкентга келиб солиқ йиға бошлашибди. Ҳовлиларга кириб қўлга не илинса олиб кетиша ётишганмиш... Бирортаси гапга кулоқ солишмасмиш. Ҳа, кизик бир воқеа содир бўлибдур. — Абдумавлон юз кулди. — Босқоқчилардан бири, кимгадир: «Қани уйингда не бўлса олиб чиқ!» деб буюрибди. «Уйимда ҳеч нарса йўқ!» жавоб берибди у. «Яширма, яширганингни ҳам топиб оламиз, уй экан-ку, ҳатто чолворингни ҳам текшириб кўрамиз!» дебди. Уй эгаси, жонидан ўтиб турган экан: «Майли, текширинг, чолворимдан чиққаниям сизники, олаверинг!» деб юборибди. Дехқонни тинтув қилшпиб, ўзини зиндонга солишибди. Лекин одамлар: «Нима чорамиз бор?» дегандек жим туришармиш... Уларнинг бор-будини олишиб кетишармиш, булар жим туришармиш...

— Э, одамларимиз қўй, қўйдан ҳам ювош... — алам билан деди камонмерган. — Орият йўқ десанг, орият кучли... Ишга келганда бундок... Нега шунақа, хайронмен...

— Қўрқоқ, одамларимиз қўрқоқ, Хўрдак оға! Қўрқоқлик туйғуси қон-қонимизга сингиб кетгон! Билмадимки, бунинг чораси недир... — қўшилди Мавлонозода.

— Қўрқоқ эмас, андишали, — гапга аралашди Абу Бакр Калавий. — Ҳа, бизнинг элимиз андишали, оқибатини ўйлаб, юз-хотирни эсдан чиқармай фикр юритадиган эл. Шунини билган айрим андишасизлар, нима деса ҳам бўлаверади, бу элни таҳқирлаш мумкин, уни қул қилиш мумкин, деган ўйга борадилар. Халқимизда шундок ҳикмат бор: «Андишанинг отини қўрқоқ атаманг!» деган... Жуда мазмуни терандир!

— Мана мен еттинчи мучални ҳам иншоолло, ўринлатдим, саккизинчисига ҳам ўтдим, ўғлим. Насиб этса, ўнинчисини ҳам кўргим бор... — Абдумавлон юз белидан дуррасини олиб елпина бошлади. — Тажрибаларим каймоғидан сўзласам, бизнинг одамларимиз кўпроқ ўзини ўйлайдигон одамлар бўлиб чиқмоқда. Ҳоким бўлса боймакни, сарватини оширмакни ўйлайди, ҳамма жойга ўз одамларимни қўйсам, дейди. Улусни ўйлаш йўк, бевабечорани, етим-есирни ўйлаш йўк... Шунинг учун ҳам ўзим тинч бўлсам бўлди, деган сохта фалсафа этагидан тутади, дунёни сув босса тўпирғига чиқмайди. У ҳоким экан, оддий чорикор-чи? Кўшнисига ўғри тушса, додвойни эшитиб турса ҳам, эшитмаганга олади. У ҳам бу маънода юрт ҳукмдоридан фарқи йўк, ўзим тинч бўлсам бас, дейди. Ахир, у ўғри бугун қўшнинг уйига тушди, сен индамадинг, у индамади, бу индамади, бас, ўғри эртага сенинг уйингни шилиб кетади, чунки билади: у индамайди, бу индамайди, ўнинчи индамайди... Алқисса, улусимиз кишиларида бирлик йўк, ажратиш кучли... Энг катта фожиа мана шундадир, болаларим...

Боғбоннинг гаплари барчани ўйлатиб қўйди. Ҳеч ким лом-мим демас, ҳар ким ўз хаёли билан банд... Орадаги жимликни Обимашҳаднинг суви бузиб турар, бу сув Абу Бакр Калавий назарида ҳар қачонгидан ҳам ҳозир инсон умрига ўхшаб кетди. Ё раббий! Умрнинг тез ва беомон оқишини! Асов оқим! Бунчалар суръату шиддат фаслида инсон бирон нима қилиб улгура олиши мушкулмураккаб-ку! Ошиғич умрда шошилинич юмушни ўринлатмак қийиндир. Аммо! Абу Бакр Калавий авлоди, унинг дўстлари — Самарқанд сарбадорлари жамоаси ана шундай шиддатли замон суръатига суръат қўшмак учун дунёга келгандир, бу осмонда ойкиндай нур таратиб турган ана шу офтоб мисол буюк ҳақиқатдир!

— Валинеъмат, улусимиз кишиларида бирлик йўк, ажратиш кучли деганингизга сал эътирозим бор... — деди Абу Бакр Калавий. — Тан олмай илож йўк, бизлар шундокмиз, юрт суриштириб кетамиз, уруғ суриштирамыз... Аммо бу бир қарашда... Кенг феъл улусимиз, халқимиз аслида сарбадордир, у адолат учун туғ кўтаришга қодир! Фақат улусни кўтармак мушкул, уни уйғотмак мушкул... У бамисли туя — чўккан жойида узок қолиб кетади, атрофидан тўнғизу улок, кучугу хўтик,

тойчоқ ва хоказолар шаталок отиб, тупроқ сачратиб, чангитиб, унга ғубор кўндириб ўтиб кетади. У кенг-феъллигидан барига парво қилмайдир, қолиб кетдим деб куйинмайдир. Лекин кўтарилса-а... унга Оллоҳнинг ўзи инсоф берсун! У ёнидан ўтиб кетган кучугу чўчка, хўтигу улокнинг ўн кадамини бир қилиб еладир, манзилга барчасидан олдин етиб борадир!

— Жуда ҳам мақтаб юбордингиз... — жилмайди камонмерган.

— Зинҳор мақтамадим!.. — камоли ишонч билан сўзлар-ди Самарқанд сарбадорлари жамоаси оқсоқоли. — Фақат, улус биринчи галда қорнини тўйғазиш ташвиши билан банд, бир тишлам нон топмак қайғуси унинг қўл-оёғини боғлагон. Адолат, эрк ҳақида ўй сурмакка фурсати йўқ... Иншоолло, ушмундок фурсатлар етишмакда...

— Хўш, ҳозир Самарқанд сарбадорлари не юмуш билан бандлар? — сўради боғбон.

— Эй феълли улуғ, биз сарбадорлар сиз орзу қилгандек, фозил жамоа бунёд этмак орзусидамиз! — қўлини кўксига қўйиб таъзим айлади Абу Бакр Калавий. — Мана қошингиз-да ўша жамоа сардорлари...

— Муборак бўлсун! Муборак бўлсун! — деди Абдумавлон юз.

Шундан сўнг бир муддат сарбадорлар жамоаси ҳаёти, шаҳардаги вазият ҳақида сўз кетди.

— Оллоҳга шукур... — деди ўйланганча Абдумавлон юз ҳамма гапни эшитгач. — Ҳамиша ҳам элнинг оқил фарзандлари бўлади-да! Худо шу томонидан қисмасин! Элимиз бахтига омон бўлинглар, болаларим!

Боғбон қурукшаб қолган қўлларини очиб юрт ташвиши деб бел боғлаган баходир сарбадорларни узок дуо қилди, уларни дўстга хор, душманга зор этма, деб парвардигордан ўтинди.

Мавлонозода боши қаттиқ қизий бошлаганини сезди. Ҳа, мадрасада шунча сабоқ олиб, онги, шуури бугунгидек ёришмаган, фикри тиниқлашмаган эди. У ҳамма нарсага ўзгача кўз билан қарай бошлади. Жуда кўп нарсалар — сарбадорлар сардорларидан бири бўлиши, жамоа бурчи, Темурбекнинг айтганлари, Абдумавлон юзнинг улус борасидаги ўкинч тўла сўзлари, андишанинг отини кўрқок атамаслик ҳақидаги хикмат... бари-бари битта

каллага сизишни истамасди. У бошига оғрик кирганини айтмади, боғ сайрига бундай баҳона топди:

— Мен табаррук бобомизнинг гўзал боғига хавас кўйдим... Ижозат берилса, озгина томоша қилиб келсам...

— Тўғри киласиз, болам! Йўлда чарчаб келгонсиз. Боғни бир айланиб чиксангиз, баҳри-дилингиз очилади...

Мавлонозода Обимашҳадни бўйлаб боғ ичкарасига қараб юрди. Турфа боғ Садр Сулаймон мадрасаси толиби илмини хайратга солди. Тўрт танобча келадиган бу боғда дарахтлар расамади билан қатор қилиб экилган. Мана, икки қатор кета-кетгунча олма, энди гуллаш арафасида, ана у ерда нок, бир қатор бодом ҳам бор, бодом гулини тўкиб бўлибди. Чаман-чотир гуллаган ўриклар... Шафтолилар ҳам улардан қолишмайди, нопармон гуллари яна ҳам нафис, нозикрок... У шафтолининг бир гулини олмоқчи бўлиб билмай қўл чўзганди, ярадор қўли оғриб кетди. Хонқали кўчасидаги ўтган кунги воқеани эслади. Ха, ўша кун ҳам улкан сабоқлардан бирига айланди. Қирк кун ғойиб бўлган қизни топдилар, мана сабъ-ҳаракат, собитлик, бирлик нималарга қодир экан, билиб олдилар...

Шу пайт йигит кимнингдир нафасини сезгандай бўлди. Ўттиз қадамча наридаги ишкомдан майин кулги овози эшитилди... Эшитилдими, эшитилмадими?.. Йигитнинг қулоғи динг бўлди. Жимжит. Фақат шафтолидаги чумчук чиркиллаб сукунатни бузади. Мавлонозода беихтиёр ишком томон қадам ташлаганини билмай қолди. У ишком қаторига ўтди. Ҳеч ким йўқ... Йигит кейинги қаторга ўтиб улгурмаган ҳам эдики, кулгу овози энди орқадан келди. Мавлонозода бу овозни яхши танийди, у бир умрга йигитнинг жон қулоғига, балки вужуд-вужудига муҳрланиб қолган овоз, Жаҳон биканинг овози! Йигит ортга қайтди. Ишком панасига яшириниб олган Жаҳон бика Мавлонозодани кузатиб турар, йигитни «ўйнатаётгани»дан яйрарди.

— Адашиб қолибсиз. Ҳолвачилар кўчаси бу ёқда эмас.. — деди овози жонон пиёладай жаранглаб Жаҳон бика яшринган жойидан пайдо бўлиб. Бошига такана ташлаган, эгнига янги кўйлак кийган қиз рўмоли билан

оғзини беркитганча самимий куларкан, йигитга жондан ҳам яқинроқ туюлиб кетди. Худди бурноғи йил бозорда Рўзи аттор дўкончаси олдида қандай бўлса, шундай, гўё орадан икки йил ўтмагандай... Фақат қизнинг ранги сал олингандай туюлди.

Мавлонозода бир лаҳза ўзини унутди. Наҳотки қаршисида ўша ойлар давомида бир кўришни орзу қилган, ўйлайвериб тушларида ҳамсухбат бўлган қиз?.. Нечун йигит Жаҳон бика сари талпинадир? Нияти не экан? Шу санам билан умр йўлларида бирга кетмоқми, бир ёстикқа бош қўйиб умр чаманини обод этмоқми? Мавлонозода ҳали бу томонини ўйламайди. У ҳозирча бир соҳибжамолни кўрди, кўнгли шундан сув ичди, мафтун бўлди, мафтун! У ёғини билмайди, у ёғи нима бўлишини дунёда ҳеч ким ҳам билмаса керак... Оллоҳдан бошқа...

— Нега жим қолдингиз? Тилингиз боғландиму, мулла ака?..

Ҳа, Мавлонозода бу тенгсиз чиройни кўриб лол бўлиб қолди. Ажабо, қизнинг химматига қаранг, йигит тилини боғлаб қўйиб, яна «Тилингиз боғландиму?» деб сўраб ҳам қўяди. Йигит ҳам ҳол сўрамоқчи бўлади, аммо беҳол бўлишдан қўрқади. Лайли-Мажнунлар ҳам узоқ хижрондан сўнг, учрашганларида фақат бир-бирларига тикилар эканлар, тиллар боғланганидан, кўзлар сўзлашишар эмиш. Мавлонозода ҳам ҳозир Мажнунсифат эди, Жаҳон бика бўлса Лайливаш... Самарқандлик Лайли-Мажнунлар Қумушкентдаги бир хилват боғда ана шундай учрашиб қолдилар.

Энди қиз ҳам кулгудан тўхтаганиди, зеро сас ҳам чиқмаслиги керак, сўрида ўлтирганлар уларнинг овозларини эшитишлари мумкин, балки эшитишгандир ҳам... Аксига олиб шабада ҳам шу ёққа эсмоқда. Қиз ҳушёр тортди, Мавлонозода лом-мим демас, кўзларини Жаҳон биканинг нур лимиллаб турган кўзларига тиккан... Фақат кўзлар бир-бирига сўз отарди:

«Ҳа, қочок! — дер эди Жаҳон бика. — Бир кўриниш бериб қочиб қолган киши!»

«Қочок эмасмен! — жавоб қиларди Мавлонозода. — Қочган оҳуни қувиб юрган овчимен!»

«Шунчалар ташлаб қўясизми? — ўпканди Жаҳон. — Сизга нима ёмонлик қилдим ўзи?..»

«Сен жону жаҳонимсен, Жаҳон бика! — ўзини оқлай бошлади йигит. — Сен азоб тортмадинг, мен азоб тортдим...»

«Ўртамизда нима бор?...»

«Ўртамизда ишқ бордир, ишқ!»

«Ишқ... нима у?»

«Ишқ — сену мен...»

«Сену мен, деганингаз ким?»

«Сену мен? Самарқанд сарбадорлари жамоаси оксоқолининг гўзал кизи — Жаҳон бика, фақир — бир бечора толиби илм Нодирбек...»

«Сиз бечора эмассиз! Севган киши бечора бўла олмайди, у паҳлавонга айлангусидир!»

«Рост айтасен!

Муҳаббатдан нор нурга айланур,

Муҳаббатдан дев ҳурга айланур...»

«Нега шафтолининг гули нопармон?...»

«Севгани билан висолга шайланибди чоғи...»

«Нечун куёш ботаётиб шафақни кизил конга бўяйди?...»

«Севганига етолмай қон ютиб ўтганлигидан...»

«Илоё, қон ютмайлик, мулла ака!»

«Илоё, қон ютмайлик, доно қиз!»

«Бир умрга сизни дейман, арслоним!» — дерди Жаҳон бика.

«Бир умрга сени дейман, Жаҳоним!» — дерди Мавлонозода.

Йигит билан қизнинг хаёлий айтган сўзлари уларнинг назарида оламни тутиб кетганди, ҳар бир сўз тоғлардан, боғлардан, даралардан, чўллардан, қшплоклардан ошиб коинотни тўлдириб акс-садо берар эди:

«Сизни дейман, арслоним!..»

«Арсло-о-о-ним!..»

«Сени дейман, Жаҳоним!»

«Жаҳо-о-о-о-ним!..»

Йигирма тўққизинчи боб

ЧОРСУ МАЙДОНИДА

Қаландархона кўчасининг ичкарасида, ўнг кўлдаги бир туп терак узокдан кўриниб туради. Терак бир белги, худди Нозим Меҳметнинг қаҳвахонаси ховлисида бўй чўзган. Тун салтанати фукарolari Ахий Жаббор ва Ҳасан чиноқ қаҳвахонага кирганларида димоғларига май билан тамакининг хиди гуп этиб урилди. Ҳаво бўғиқ бўлса ҳам ёқимли эди, курсичаларда насронию яхудийлар, хинду эронийлар ва яна қай бир кавм кишилари яйраб ўлтиришар, дил ёзишарди. Чап томонда бурчакда бир одам аллақандай куйни хиргойи қиларди. Ўнг бурчакда бир неча одам чилим тортиб кулдира-тиш билан овра...

Абомуслим ғойиб бўлгандан кейин, Тун салтанати вазначилиги Ахий Жабборга юклатилди. У ҳозир Ҳасан чиноқ билан бирга «хайрия»га улуш олиб келганди.

Таваккалту алоллони деган эр,

На толқону, на қалқоннинг гамин ер!

Ахий Жаббор овозини эшитган Нозим Меҳмет, пештахта ортидан чиқиб келиб меҳмонлар билан кўришди. Унинг жун босган кўкрагида кизил бахмал тумор чайқалиб турар, катта бурни ажабтовур кизариб кетган, афтидан, озрок кайфи ҳам йўқ эмасди.

— Сиз бурундан шунақасиз, а, Нозим оға? — аския килди Ахий Жаббор.

— Бурунмас, аввалдан таваккалту алоллони деган эрман...

Хонани кулги овози тўлдирди.

— Бир бурун кўрдим бурунлардан бурун... — бошлаган эди Ҳасан чиноқ...

— Кириб турар арога элдан бурун! — илиб кетди Ахий Жаббор. Тагин кулги кўтарилди. Уларнинг аймоки эканликларидан, бу ерда тез-тез бўлиб туришларини англаш мумкин эди.

— Бўлди, бўлди, енгилдим!.. — тан олди Нозим Меҳмет.

— Бурундан енгилиб келгансиз ўзи! — деди Ахий Жаббор қаҳ-қаҳ отиб куларкан.

Ахий Жаббор «хайрия» учун Тун салтанати фуқаролари улушини Нозим Меҳметга топширди. Қизил халта-чадаги «улуш» қўлдан-қўлга ўтганда ундаги тангалар жаранг-жаранг овоз берди.

— Эллик танга!

— Абомуслим етмиш-саксон танга олиб келарди... Ха, у каерда? Нега ўзи олиб келмади? — сўради Нозим Меҳмет.

Ахий Жаббор индамади. Орага нохуш жимлик чўкди. Ҳасан чиноқ йўқ чап қулоғининг ўрнини силади:

— Йўқотиб қўйдик...

— Йўқотиб қўйдик? Бу нима деганинг? — Нозим Меҳмет хушёр тортди. — Буюммидики у, йўқотиб қўясен?..

— Йигирма беш кунча бўлди, мен Қўрчилар кўчасида соқчилик қилардим... — ҳикоя қила бошлади Ҳасан чиноқ. — Бирдан «Абомуслим ғойиб бўлибди», деган гап чикди. Биров, салтанат молини ўғирлаб қочган, деди, ғазначи эмасми. Аммо Жомеъ масжидининг кичик хужрасида салтанатимизнинг темир сандиғи турадир. Сандиқнинг бир қалити Абомуслимда бўларди. Вазиримиз Насафий бошқа қалит билан сандиқни очиб тафтиш этибдир, тийин-тийин ўрнида эмиш...

— Абомуслим ҳалол, ундок нопок хаёллардан йироқ турадиган одам! Бунга шубҳа йўқ! — қўл силтади Нозим Меҳмет. — Аммо... у каерда экан?

— Мана шуни ҳеч ким билмайди-да... — «ух» тортди секин Ахий Жаббор.

Улар ўнг бурчакдага курсичаларга ўлтирдилар. Нозим Меҳмет майиз шаробидан косаларга қуйди.

— Майиздан қилинган, шаърий... Менда бошқачаси бўлмайди.

Тун салтанати фуқаролари иккинчи қадахдан сўнг сал қнзидилару гапхоналари очилиб кетди.

— Уни кўрганамга икки йил бўлган бўлса, шу икки йил давомида бир алпозда учратамен — донм хаёлчан юргани юрган... — Абомуслимдан сўз юритарди Ҳасан чиноқ.

Шу пайт қаҳвахонага Садр Сулаймон мадрасаси толиби илмлари кириб келишди. Улар тўртов эдилар. Энг аввал кирган Калтатойни Ахий Жаббор яхши танирди,

Жахон бикани кутқаришда бу толиби илмга сини тушганди. Нозим Мехмет мехмонларни кутиб олди. Калта-той мезбонга нимадир деди, мезбон уларни хонанинг ичкарасига, хилватдаги курсичаларга таклиф этди. Ахий Жаббор йигитларнинг пинҳона келганликларини сезди, хижолат қилмаслик учун, ўзларининг бу ердаликларини билдирмади.

— Толиби илмлар... — қайтгандан кейин деди Нозим Мехмет. — Гоҳ-гоҳда келиб туришади. Яхши йигитлар. Уларнинг аҳволини билиб, қиммат сўрамайман... Шунинг учун тортинишмайди...

Ахий Жаббор билан Ҳасан чиноқ то соқчилар ҳисоб бергунларигача Чорсу майдонига етиб боришлари зарур эди, улар кетиш тараддудига тушдилар.

— Одамлар, одамлар! Богда битган бодомлар! — деб кичкирди кимдир шу пайт. — Янги гапдан қолманглар, эшитмадим деманглар!

Қаҳвахонанинг «кунда-шунда»си бўлган Абрам жу-худ деган пакана бўйли одам қаҳвахонага кириши билан, ҳамма унга қаради. Гижжакни гийтиллашиб турган ҳам чалишдан тўхтади, четроқда ўлтирган сокол-мўйлови ўсиб кетган чол кулок тутди, нарироқда биттаси ёнидагини туртиб диққатини тортди.

— Самарқанд хокими Садр Сулаймоннинг ёлғиз ўғли Худобанда ақлидан озибди!..

Бу чиндан ҳам фаройиб янгилик эди.

— Шундай одамнинг ўғли жинни бўлса-я! — деди халиги чол.

— Нима... Бола-чақангни боқолмай қолдингми, жинни бўлиб! Вой аҳмоқ-ей! — пўнғиллади кимдир.

— Падари бузрукворининг қўлида дунёнинг сарвати жамдир. Шунча бойлик соҳиби бўлатуриб жинни бўлса... ростданам жинни экан!.. — Фира-ширада гапирган одамнинг кимлигини билиб бўлмасди.

— Жинни эмас, жиннини нақ ўзгинаси экан!

— Ҳой, жинни! Жиннини жинни деб бўлмайди, касофати тегади!

— Ўзингга тегсин!

— Сенга тегсин!

— Бос, бир-бирингни! Ги-и-ж! Гиж! — кимдир оловга мой қуймоқчи бўлди чап томондан. Жанжал хавфи туғилди. Яна Абрам жухуднинг овози жаранглади:

— Худобанда ҳар хил гапларни гапириб юрса ҳам, ишонманг экан!

— Самарқанд ҳокими Садр Сулаймондай падари бузруквори бўлатуриб, жинни, менинг отам қаерда, отамни топаман, дер эмиш...

— Отаси нечта экан ўзи?

— Туғилмасдан аввал биттаям бўлмаган... — кўшилди кимдир панг овоз билан гапни ҳазилга буриб.

— Эй вайсақи! Нимага ҳазилга бурасан? Мен тўғриликча сўраяпман-ку!

— Тўғриликча, эмиш! Одамда ота битта бўлади-да, овсар!

Абрам жухуд яна нимадир демоқчи эди, улгурмади, Калтатой унинг ёқасидан олди:

— Бундай гапни қаердан эшитдинг, ғаламис? Айт! Айтмасанг, ўттиз икки тишингни қоқиб оламан!

— Овора бўлма! — кўшилди яна панг овоз. — Ҳи-хи-хи! Унда ўттиз иккита тшп нима қилади? Яримдан кўпи тўкилиб кетган... Ҳи-хи-хи!

— Ана, бозорнинг ичида ҳокимнинг жарчилари айтиб юршибди... Эшитганимни айтаяпман, холос!.. — бўғилиб деди Абрам жухуд.

— Ҳокимнинг жарчилари?

— Ҳа-да! «Одамлар, одамлар! Эшитмадим деманглар! Самарқанд ҳокими Садр Сулаймоннинг яккаю ягона ўғли Худобанда ақлдан озибди-и-и!..» деб юришибди бари. Кейин, Чорсуда ҳам бир отлиқ шу гапни бақириб-чақириб ҳамманинг қулоғини қовматга келтирди. Мен шунака гап тўкийманми? — зорланиб деди Абрам жухуд сиқувдан бўшаган томоғини силаркан.

«Худобандага нима бўлдийкин?» деб ўйлади шериклари ёнига қайтаркан Калтатой, хушрўй, одобли ҳамсабоғини эслаб. Унинг Худобанда билан яқинлиги йўқ, аммо бир мадрасада таҳсил олганларидан, бу нохуш гап марғионлик йигитнинг иззат-нафсига тегди. Тун салтанати фуқаролари Калтатойни кузатиб туришар, иш нима билан тугаркин, аралашиш лозим бўлса аралашамиз, ҳозирча индамайлик, деган ўйда эдилар. Нохуш хабар уларнинг ҳам дилларини оғритди. Ахий Жаббор, гарчи Чорсуда Худобанданинг Абомуслимни калтаклатганини кўрган эса-да, унинг табиатан ёмон йигит эмаслигини сезарди. Яқинда у Соҳиб Чангалдан бир гап эшитиб

колди. Абомуслимнинг хадеб Худобанда йўлидан чиқа-
веришининг сабаби бор эмиш. Ўша Худобанда шу Або-
муслимнинг ўғли эмиш. Ўз ўғлини таниб, уни кўргиси
келганидан доим кузатиб юрар экан. Ўн тўққиз-йигирма
йилдан бери ўғлини кидириб юрган Абомуслим, топдим
деганда, ўзи ғойиб бўлиб ўтирибди. Худобанда отасига
етишганда ақлдан озиб қолибди... Э, парвардигор!

Ахий Жаббор Ҳасан чиноққа шивирлади:

— Салтанатга кетдик!

— Салтанатга! — деди шериги ҳам.

Улар Чорсу майдонига кириб келганларида ҳамма
соқчилар хисоботи охирлаб қолганди.

— Вазири аъзам! — Шахриёр Насафийга юзлан-
ди. — Нечук лом-мим демайдилар? Абомуслимдан хабар
борми?

— Валинеъмат шаҳаншоҳим! — Баланд бўйли вазир-
нинг нокка ўхшаб кетадиган калласи пастга эгилди. —
Бир қошиқ қонимдан кечадилар...

— Кечдим...

— Надоматлар бўлсинким, то ҳануз бир хабар
йўқдир... — Насафий хижолатда сукутга чўмди. — Ерга
кирганини ҳам билмайдурмиз, осмонга чиққанини ҳам...
Самарқанд заминида саси эшитилмайди...

— Соҳиб Чангал не дейди? — сўради Шахриёр.

— Лаббай, подшойим! — фуқаролар ичидан чиқиб
келди Соҳиб Чангал.

— Абомуслимдан на хангома қилурсен?

— Абомуслим хангомасинда, афсус, сукутга бош урур-
мен...

— Ҳамиша янги гап топиб юрадиган сендай одам ҳам
лом-мим деёлмай турибдирму? — хайрон бўлди Шахри-
ёр.

— Йўқ, бир янги гап айтгим бордир... Бугун бозорда
юриб қизиқ гап қулоғимга чалинди... — Жомеъ масжиди
ёнидаги фонус шамолда лопиллаб дам-бадам Соҳиб Чан-
галнинг катта-катта кўзларини, сокол босган юзларини
ёритарди. — Жаммазабон девонбеги ўзининг одамлари
билан куракда турмайдиган бир гапни тарқатиб юрибди.
Агар Самарқанд ҳокими эшитиб қолса борми, терисини
тириклай шилиб олса мумкин. Илло, у сўзларга илон-
лар пўст ташлайди...

— Нима гап экан?

— Увададан ҳам бир гап чиқар эканми?
— Садр Сулаймоннинг ёлғиз ўғли Худобанда ақлдан озибди!

Ҳамма: «Ух!» — деб юборди.

— Вой бечора!

— Ёлгон бўлса керак-е!

— Мен кеча Худобандани мадраса олдида кўрдим, — деди Қамариддин, у гапирганда биллагидан йўқ ўнг кўли кўтарилиб-кўтарилиб кўярди. — Туппа-тузук, эс-хуши жойи-да. Менга яхшигина садақа берди. Ҳар доим ҳам садақа беради...

— Менга ҳам садақа қилади, — кўшилди Шотабиб. — Ўтган куни Арк олдида кўргандим...

— Яхши йигит-ку у!..

— Лекин яхши йигит деганингаз бир куни Чорсу майдонида Абомуслимни калтаклатган! Шунин билармусиз? — деди Насафий.

— Филҳақ тўғри! — гапга аралашди шу пайтгача жим турган Ҳасан чянок. — Ёмон калтаклатган! Худобанда билан Жаммазабон девонбеги буюриб турган, тўртта сипоҳий Абомуслимни ерга пийпалаб дўппослашган, ҳа! Мана, Ахий Жаббор ўз кўзи билан кўрган!

Сурон кўпди. Ҳалигина Худобандани алқаганлар энди бундай деяр эдилар:

— Бойнинг ўғли-да! Гадога кайишармиди! — деди Қамариддин.

— Отасини айтинг, отасини! Оламнинг бойлигини йиғиволиб, тагин эл танига зулукдек ёпишган-а!

— Отаси шундай маккорки, ўша Амир Ҳусайн билан Темурбекни сувга обориб суғормай опкелади! — кичкирди Холиқберди.

— Ўзиям, ўғлиям қўшмозор бўлсин!

Бир лаҳзада Худобанда хақида фуқароларнинг фикри ана шундай ўзгарди қолди.

— Соҳиб ул-хабар қаерда? — сўради Шаҳриёр бирдан.

Ҳамма гап Бобо Султон хақида кетаётганини билди. Бобо Султон бу сафар нечундир одоб сақлаб навбат кутарди, йўқловни эшитиб тахт пойига ошиқди.

— Шу ердаман, пошшойим!

— Сен нечук жимсен?

— Соҳиб Чангал бирон нимарсалардан сўз очганда, хурмат юзасидан оғзимга толкон солиб турадурмен ... Йўқ эса, иккимизнинг ёқалашган кунларимиз ҳам бўлган.

— Гапни олиб қочма, эй Бобо Султон! — хезланди Соҳиб Чангал. — Бундай гапларингни нечун пошшойимга сўзлайдурсен? Ўзингни тарозига соласен? Билоғонлик кўргизадурсен? Хар доим мени томорқамга тош отадурсен?.. Кимсен ўзинг?

— Томорқанга тошим тушиб қолгани йўқ... Оддий бир гадодурмен, Тун салтанати фуқароси. Мақтанчокликдан йирок, кўп қатори бир банда...

— Ие! — Соҳиб Чангалнинг жиззакилиги тутиб кетди. — Оҳ-о, сен мақтанчокликдан йироғу, камина мақтанчок экан-да? Вой, ноинсоф-ей!

— Ноинсоф бўлмасанг, шундай дермидинг?..

— Нима дединг? Кеча карвонсаройга борганинда мен аллақачон ўша ердайдим. Чинмочиндан келган катта карвонни аввал мен кўрдим. Лекин пошшойимга буни сен айтдинг. Бу ноинсофлик эмасми? Амир Ҳусайн билан Темурбек кўшинлари Жета лашкаридан устун келмакда, деган хабарни амир чопаридан аввал мен эшитдим. Бу ерда сен айтиб олқиш олдинг. Қани инсоф?.. Фалонимга ўхшаб оғзингни тўлдириб айтишга устаси фараангсен! — деб юборди қизишиб кетган Соҳиб Чангал.

— Хай-хай!.. Оғзингда яхши турибди... Чикариб юборма!.. — хотиржам деди Бобо Султон.

Соҳиб Чангал чидолмай Бобо Султонга чангал солди.

Қотмароқдан келган «салтанат кулоғи»нинг ҳимояга мухтожлигини кўриб, Ахий Жаббор уларни ажратишга ошиқди. Майдон ғало-ғовур бўлиб кетди.

Бирдан Шаҳриёр уч бор қарсақ чалди:

— Жаллод!

— Пичоғимни тиви ялтиллайди, қиличимни қиндан суғурсам қилтиллайди. Амрингизга хозиру мунтазирдурмен! — деди жаллод.

Шаҳриёрнинг кўнгли шу палла Зомин тоғларининг заранг тошига айланди:

— Салтанат пойида, барча фуқаро олдида кимсага хурмат кўргизмай беҳаё чандиқ сўзлар айтмак ножоиздир. Улус кўзида, беадаблик аён қилгон Соҳиб Чангалга йигирма дара урилсун! Унга тенг бўлмак ҳавасидан тийилмаган Бобо Султонга ўн беш дарра урилсун!

Икки фуқаро ҳам бошларини эгишиб жим туришарди. Хукм ижроси бошланди. Бақувват Соҳиб Чангал ҳар дарра тушганда «Иҳ-м!», «Иҳ-м!»лаб турди, котмадан келган Бобо Султон сас ҳам чиқармади.

Шаҳриёр ҳеч нарса юз бермагандек, Бобо Султонга мурожаат қилди:

— Абомуслим хангомасидан хабаринг бормудир?

— Бор, пошшойим!.. — Бобо Султон орқаси ачишиб турса ҳам, ўзини тетик кўрсатишга уринди, лекин овози суст чиқди. — Абомуслим, Тун салтанати газначиси, ўн беш кундан бери зиндонда ётибди. Аркнинг остида...

— Нега зиндонга тушган? — сўради майдондан кимдир.

— Ким зиндонга солади?

— Тун салтанати фуқаросига фақат валинеъмат шаҳаншоҳ Шаҳриёр фармонларига кўра жазо берилиши мумкин, холос, — тушунтирган бўлди Насафий.

— Балки пошшойимиз бундан огоҳдурлар? — сўради Шотабиб.

Йўк, Шаҳриёр Абомуслим бошига тушган ташвишлардан беҳабардир...

— Абомуслимдан ҳар куни Самарқанд ҳокимининг ўғли Худобанда хабар олиб турибди... — Бобо Султоннинг бу гапи энди ҳаммани хайратга солди.

— Худобанда?!

— Халиги ақлдан озган йигит-а?

— Гадо Абомуслим ва ақлдан озган султонзода Худобанда... Чиндан ғалати... Буни ўйлаб ўзинг жинни бўлиб қолишинг ҳеч гапмас...

Бу гапни Сукрот айтди.

— Худобанда Абомуслимнинг олдига бориб турса, унда ақлдан озмабди-да! — деди Қамариддин.

— Қайдан биласен? — қўшилмади бу фикрга Холикберди. — Балки ўша бориб туриши ақлдан адашганлик аломатидир...

— Йўк, бечора хolidан хабар олмак донога хос фазилат...

— Аҳли фуқаро! — кичкирди Ахий Жаббор, шамол унинг гапини юлқиб кета бошлади. — Ақл билан сўзлагил, яхши ишни кўзлагил, муродингга етасен, бошқаси-

ни нетасен, деган экан донолар. Мен доно эмасмен, вале донолар сўзига қулоқ тутадиган одаммен. Салтанатимиз русумига кўра, ҳеч ким ўз тарихини бировга айтмайди, бошдан кечган мусибатли дамлар ҳаёлидан йироқ юришни афзал кўради. Бироқ мен Абомуслим оға қиссасини ўз оғзидан тинглаётмен, илло, сарбадор жамоаси котиби Мавлонозода хужрасида юз берди бу...

— Қиссаси нечук экан?

— Сўйлаб бер, Ахий Жаббор!

Ахий Жаббор Абомуслим тарихини айтиб берди, Тун салтанати фуқаролари худди эртақ эшитгандай маҳлиё бўлиб қолдилар. Ҳеч ким гап қўшмади, фақат ора-сира: «О...», «Ие!», «Ана!» садолари эшитилиб турди, холос.

— ... Самарқанд хоқимининг ўғли Худобанда зиндонга бориб турибди, дедилар. Тўғри. Чунки Худобанда Абомуслимнинг ўша йўқотган ўғлининг ўзидир! Ха, ха, ўзидир! Бобо Султонга раҳмат, биз оғамизнинг қаердалигини билиб олдик. Соҳиб Чангалнинг Худобандани Абомуслимнинг ўғли экан, деган гапини Худобанданинг зиндонга бориб туриши тасдиқлайди. Бас, биз Тун салтанати фуқаролари Абомуслим оғани зиндондан қутқариб олишимиз даркор!

Майдон гувиллади:

— Даркор! Қутқариб оламиз!

— Зиндонни ёндирамиз!

— Фуқаро! — суронни кесди Шаҳриёр. — Абомуслимни қутқариш чоралари ҳақида мен сарбадорлар жамоаси оқроқоли Абу Бакр Калавий билан машварат қурурмен, қутқарурмиз, иншоолло... Мени хайратга солган нарса бошқа... Абомуслимни ким зиндонга ташлади? Нимага ташлади? Ушбу муаммо кишини танг қолдирадур...

Чиндан ҳам бунинг сабабини ҳеч ким билмасди. Шаҳриёр фонусга қаради. У ҳам шамолда лопиллаб: «Хабарим йўқ... Билмайман... билмайман...» дегандай бош чайкарди.

Ўттизинчи боб

«ЎЛИМ ПОКЛАЙДИ...»

Худобанда вақт пешинга яқинлашиб қолганда сабоқдан чиқди. Арқ кўчасида болалар уни кўришиб: «Ана жинни!», «Ана жинни!» деб калака қила бошлашди. У дўк-пўписа қилган эди: «Жиннилиги қўзиди! Қоч, жиннилиги қўзиди! Тишлаб олади!» деб урра қочдилар. Мадрасада ҳам муллаваччалар унга ғалати назар билан қараб-қараб қўйишадиган бўлди. Фақат Мавлонозода буни билдирмайди, шунингдек Ахий Жаббор, Ҳасан чиноқ, Бобо Султонлар ҳам ҳеч нарса сездиршмасди.

«Ақлдан озишимга ҳам сал қоляпти... — дерди ўзига-ўзи Худобанда. — Тақдир, пешонанинг торлиги сабр косамни тўлдирмакда... Синглимни бу қабих дунёдан кеткизиб дуосини олдим... Падари бузрукворимни эҳтиёт айлаб, кўздан четроқ, зиндонга киритиб қўйдим. Энди қандоқ қилиб отам билан Самарқанддан бош олиб чиқиб кетмак қайғусида қисинадурмен... Ахсикентга кетамиз, ота юртга...»

У жузвдонини тутганича ҳовлига кириб борди. Кирар экан, орқадан, олдиндан, ён тарафдан, уйларнинг ичидан, тандирнинг ёнидан унга ошқора ва пинҳон нигоҳлар қадалганини сезди. Аввало дарвозанинг олдида эшик-оғабоши бир муддат унга тикилиб қолди, саломлашгач, ўз юмушига йўналди. Қўлида заррин юган ушлаган мирохур унга қараб-қарамай сайисхона томон шошилди. Чап томонда ичкаридаги ўчоқлар ёнида турган баковулбоши унга салом берган бўлди. Дастурхончи гулдор лаганда буғи чиқиб турган таомни олиб меҳмонхонага ошиқар экан, истар-истамас: «Буюрсинлар! Буюрсинлар!» деб ўтиб кетди.

Шу палла эшик-оғабоши меҳмон бошлаб кирди, бу эғнида совут, бошида дубулға, гуппидан келган, семиз Диёрбақр қурчибоши эди. Садр Сулаймон жангта кетаётган Амир Ҳусайндан: «Самарқандда тартиб сақлаш учун сипоҳ қолдириб кетмасангиз бўлмайди, султоним!» деб туриб олди. Мамлакат ҳукмдори рози бўлди. Қўрчибоши ўшандан бери ўзининг элликта сипоҳийси билан Самарқандда яшайди. У ниҳоятда қўпол, муомаласи дағаллигидан, тўғри гапи ҳам ҳақоратдай туюларди. Диёр-

бакр курчибоши хушбичим Худобандага суқ билан тикилди:

— Сипоҳий бўлгунг йўқми? Ҳм-м... Аммо эс бутун бўлмоғи керак...

Қурчибоши гапига жавоб ҳам кутмай, пишиллаганча Худобанда ёнидан ўтиб кетди.

Йигит бунга ҳам чидади. У бугун Самарқанд ҳокими уйга меҳмон чақирганини фаҳмлади. Меҳмонхонадан мусика садоси, кишиларнинг овозлари эшитилиб турарди. Ўз бўлмасига ўтаётганда, меҳмонхона саслари истасистамаса қулоғига чалина бошлади. Садр Сулаймон гапирарди:

— Яккаю ягона ўғлим... Шундоқ бўлиб қолди...

— Худонинг меҳрибончилиги... — буни афтидан шайхулислом Абулворис Самарқандий айтди, овоз ўшаникига ўхшарди.

— Кишини беҳурмат қилар даражага бормакда, — деди яна Самарқанд ҳокими. — Гаплашсам, қўрқиб гаплашадигон бўлиб қолдим. Нима деса, хўп, хўп, сеники тўғри, деб қутуламен...

— Менга қўйиб берсангиз, оёғига тахтакач боғлаб эсини киритиб қўярдим-а! — арраникига ўхшаган овоз козикалон Қавомиддинники эди. — Эркалатиб юборилгон-да, эркалатиб!.. Мана, натижаси!.. Хе-хе-хе!..

— Ақлидан озғон, ҳа, ақлидан озғон... — деб қўйди имом Қутбиддин.

— Шундай хушқад йигит... Муллавачча... Ажаб... Ажаб... — гапга қўшилди мударрис Хожа Лутфуллоҳ.

— Маъзур тутсунлар... Агар менинг жигарпорам шундоқ қиладигон эрса, эл олдида оқ қилиб юборар эдим! — деди яна козикалон.

— Оқ қилиб ўлтирмасдим, ўз қўлим билан қиличдан ўтказардим! — қўшиб қўйди курчибоши.

Бу гапларни эшитган Худобанданинг ёниб кетишига оз қолди. У Жаммазабон девонбегининг келаётганини кўрди-ю, бўлмасига йўналди. Бўлмада узоқ ўлтиролмади, тўрт девор уни сиқиб келаётгандай бўлаверди. Умрининг ўн олти-ўн етти йили ўтган, қачонлардир туғилган уйим деб ҳисоблаган хонадоннинг нечорлик бегона эканлигини ҳис этди. Бир пайт иккита қўли ошиқчалик қилаётганга ўхшади, кейин билса, уларни қўйгани жой тополмаётган экан...

Худобанда аллақандай бир шуур билан девордаги қилични ёнига осди-да, бўлмадан чикди. Ўйланиб ўтирмай, меҳмонхонанинг қўш табақа нақшин нигор эшигини очиб ичкарига қадам қўйди. У нега шундай қилаётганини билмас, лекин шундай қилмасдан туролмаслигини ҳам тузук англади. У нимадир қилиши керак эди. Худобанданинг вазоҳатини кўрган Жаммазабон девонбеги югуриб унинг олдига келди:

— Султонзода! Тинчликми? Ўзингизни босинг! Сизга нима бўлди?..

Худобанда кўрқиб кетган девонбегининг афтига қараб ўзини кўзгуда кўргандай бўлди, нахотки унинг оқ-сарикдан келган юзлари яна ҳам оқарган, қоп-қора чиройли кўзалари чақчайган эса? У дарров ўзини ўнглади, зўр-базўр жилмайиб деди:

— Менга?.. Менга ҳеч нарса бўлғони йўқ... Ассалому алайкум!

— Кел, ўғлим, кел... — тараддудга тушиб деди Худобанданинг киришини ҳеч кутмаган Садр Сулаймон.

Меҳмонлар тўрдаги катта хонтахта атрофида ўлтиришар, шайхулислом, қозикалон, қурчибоши, имом ва мударрис ўзаро суҳбатда машғул эдилар. Худобандани кўриб улар ҳам котиб қолдилар. Мусиқа тинди.

— Ота бор жойга кирмак фарзандга нораводир, дейдилар машойихлар, — деди қозикалон жимликни бузиб.

— Ота бор жойга кирмак-ку фарзандга нораво, бу ҳақ, — қўшилди мударрис. — Фарзандга ҳатто ота ўлтирғон уйнинг томига чикмак ҳам ножоиздир. Гуноҳ бўладир...

— Йўқ, йўқ! — гапга аралашди шайхулислом. — Фарзанд шундоқ қилғонда падари бузруквори химматини аямасун, шунга рози бўлсун. Гуноҳга йўл кесиладир. Иншоолло, Худобанданинг ўзи ҳам катта йигитдир, ушмундоқ анжуманларда иштирок этиш эмас, балки гулла-тиши мумкин бўлғон йигит... Кел, ўғлим, кел! Ўтир!

Худобанда лом-мим демай пойгак томондаги шохи кўрпачага тиз чўкди.

— Ахир ота рози — худо рози, деган гап бор... Қаранг, қайси бир нодири даврон айтган доно фикр-да бу! Хе-хе-хе! — қозикалон шундай дегач, дастурхонга қўл юборди.

— Хадисда дейилмишдирки, Муҳаммад алайҳиссаломнинг ёлғиз ўғиллари бор эрқандир, — деди шайхулислом Абулворис Самарқандий. — Қосим отлиғ. Ўғиллари етти ёшга тўлғонда, бир куни уйга Азроил келибдир. Ҳақ таоло эгам, Муҳаммад алайҳиссаломдан зурёд қолмаслиги керақдир, йўқ эрса, расулдан кейин пайғамбарлик даъвосин қилур, дебдурлар. Ва Азроилга бориб Қосимнинг жонини ол, деб буюрибдурлар... Азроилни кўриб ховлида ўйнаб юрган Қосимнинг этлари жунжикибди. Расул ўғилларига уйга киришни айтибдурлар. Аммо ўғиллари, гуноҳга ботишни истамаймен, сиздан олдин кирмаймен, аввал ўзлари йўл бошласинлар, деб унамайдир, падари бузруквори ортидан уйга қирадир. Қосим отасининг тиззасида ўлтирган пайтда Азроил унинг жонини оладир.

— Ана одобу ана ахлоқ! Мударрис бўладирғон экан-а! Ажаб... Ажаб! — гўё ҳадисни биринчи марта эшитаётгандай ҳайратда деди Хожа Лутфуллох.

— Етти яшар бола-я! Худо берган-да, худо берган! — гап қўшди имом Қутбиддин.

— Агар омон қолганда Алидан ҳам ўтадиган сарқарда бўлиб етишарди-да! — афсуслангандек сўзланди Дирбақр қурчибоши.

— Қозикалонликни ҳам удалай оларди-да!

— Шайхулисломликни ҳам!

— Шаҳар ҳокимлигини ҳам бошқарарди, юртга подшолик қила олар эди, агар шу ёшида қазои қадар ўқига учрамаганида...

— Палаги тоза, палаги! Ҳамма гап палақда!..

Ҳамма бир-бирига шундай деб турганида, Худобанда туйқусдан ўртага савол ташлади:

— Палақ тоза бўлмаса-чи? Палақ?.. А?..

— Ие! Ундоқ дема, ўғлим! Шаккоклик қилма! — ҳаприқди Садр Сулаймон.

— Ёки... палаги бошқа бўлса-чи?

— И-и-и-и!.. Ана холос! Ана холос!

— Ажаб... Ажаб...

— Бу нима деганинг? Ножинсларнинг гапини дема!

Худобанда бу гапларга парво қилмади.

— Айтинг-чи, шайхулислом бува, бир палақнинг тагига бошқа ёқдан хамак олиб келиб қўйсалар... ўсадирми?

— Мен палаги тоза деб, одам боласини айтаётирмен... — шайхулисом Худобанданинг мантиқли гапларини кўриб, унинг ақли жойида эканлигига ишона бошлади. — Мен расулиллох зурёдлари хусусинда гапирдим, болам...

Худобанда каттиқ кулиб юборди.

— Мен ҳам қовун палагини айтаётганим йўқ... — Худобанда шарт кулгидан тўхтаб давом этди. — Мен ҳам одам боласини назарда тутмакдамен...

— Шаккоклик қилма, ўғлим! Шаккоклик қилма! Гуноҳ бўлади-я! — орага суқилди Садр Сулаймон.

— Гуноҳ?! Гуноҳ дегани нима ўзи?.. — Худобанда отасига тик қаради.

— Ие! Ана! — кўзлари чакчайди имомнинг. — Унинг жиннилиги қўзий бошлади...

— Ўғлим, сенга нима бўлди? Нима бўлди?.. Юзимни ерга қаратма!..

— Майли, не деса кечиринг, Садри жаҳон! — деб ўтга сув сепмакчи бўлди Хожа Лутфуллох.

— Кечирдим... Кечирдим... Минг марта кечирдим... Ҳамиша кечириб келамен...

Худобанда тагин кулиб юборди.

— Мени кечирармишлар!.. Ҳамиша кечирармишлар!.. Мени-я? Нимамни кечиради? Мен не гуноҳ қилдимки, кечирадилар? Ё йўқ гуноҳни кечириш мумкинми? Мен иниларимни Тахти Қорачага юбориб нобуд этдимми? Не не шўрликларнинг ёстиғини қуритдимми?

— Ана, бошланди! Айтмадимми? Пойма-пой гапларни кўрдингизми? — Куйиниб деди Садр Сулаймон. — Бири бирига боғланмайдир... Энди оғзидан боди кириб, шоди чиқади...

— Э, буларнинг бари билан сенинг нима ишинг бор-а, бола! — афсусланди кимдир.

— Туппа-тузук жинни экан, — деди қозикалон. — Эркакларнинг ишига нега аралашасен, эй хумпар!

— Жуда бетавфиқ эканлар-ку... — дағдаға қилди Дирбақр курчибоши. — Катталарни хурматлаш кераклигини билмасмусен?..

— Садр Сулаймон тўғри айтибди, жинни бўлганича бор...

— Афсус, афсус... Худо адаштирибди-да... Адаштирибди...

— Кўй энди! Кўй! Шайтонга хай бер! — дердилар атрофдан.

Аmmo Худобанданинг сира шайтонга хай бергиси йўқ эди.

— Мени боқиб катта қилгон отам Садр Сулаймон олти ёшимда мени Нишопурдаги қул бозоридан сотиб олганди. Нега энди Азроил расулиллоҳнинг ўғли янглир ўшанда менинг ҳам жонимни олиб қўя қолмади, деб ўксинамен! Шунча азоб-укубатларни кўрмагон бўлармидим!.. Кичиклигимдан ота-онамдан мосуво... Менинг кимлигимни биласизларми ўзи? Самарқанд ҳокими Садр Сулаймоннинг ёлғиз ўғли Худобанда!.. Хо-хо-хо!.. Менинг отам эса Самарқанд ҳокими эмас, Самарқанд гадоси! Ха, ха, гадоси! Мен отамни топдим... Топдим... Топгунча уни билмай калтаклатдим ҳам... Калтаклатдим!.. Мана буни гуноҳ деса бўлади! Гуноҳ! Гуноҳ! Гуноҳ!..

Жаммазабон девонбеги барини эшик тагида жим кузатиб турарди.

— Сипоҳ чақиртирайми, ҳоким ҳазратлари? — сўради бу кутилмаган воқеадан хайрон Диёрбакр курчибоши. — Бу ёғи қандок бўлди?..

— Жамма! — чинқириб юборди Садр Сулаймон. Жаммазабон девонбеги Худобандага ташланмоқчи бўлди.

— Яқинлашма! — Худобанда шарт қиличини чикарди, унинг вазоҳати хунук эди. — Сапчадай каллангни узиб ташлаймен!

Жаммазабон девонбеги жойида тўхтади. Худобанда жаҳл устида ортикча бақириб-чақириб юборганини фаҳмлаб қолди, ўлтирганларга қулги бўлиш ёмон, булар эса Самарқанднинг казо-казолари...

— Эй йигит! — деди самимий оҳангда Диёрбакр курчибоши. — Ўз отам дейсан, боқиб олган отам дейсан... Самарқанд ҳокимидай машҳури офок бадавлатнинг ўғли бўлиб яшаш ёмон эканми? Қандингни уриб юравермайсанми?..

— Йўқ!.. Менга сохтагарчиликнинг ҳожати йўқ! — Худобанданинг сўзлари қатъий жаранглади. — Бу, ёлгончи дунёда ҳеч бўлмаса ўзлигинг чин бўлсин, ҳеч бўлмаса!.. Ўзлигингни йўқотма!..

Атрофдагилар унинг гапларига тушунмай хайрон боқиб турар эдилар.

— Мен ахсикентлик ҳокимзода Жалойирбек ўғли бўламен, Худобанда эмас, Шерўғлондирмен!..

— Ие! Жалойирбекнинг ўғлимен, дейдирму?

— Шерўғлон? Қанақа Шерўғлон?..

— Ростдан ҳам эси бир ёқлама шекилли...

— Қани кутайлик-чи, яна бирон янгилик чикиб қолар... Ҳозирча у ҳокимзода ўғлимен, демакда... Қани...

— Э, нима фарқи бор? — бўғиларди Диёрбакр қурчибоши Худобанданинг қайсарлигига тушуна олмай. — Ҳозир-ю хузурини ўйласанг-чи!

— Худобанда болам! — деди шайхулисом Абулворис Самарқандий. — Сен яхши, оқил йигитсен... Садр Сулаймонни қаттиқ хафа қилдинг. Сени боқиб катта қилғон одамга ҳеч бўлмаса миннатдорчилик билдирмак ҳалолликнинг бир йўлидир. Лекин сенинг тутуминг инсон боласига ярашмайди. Мана, олдимизда падари бузрукворинг сенга ҳеч қаттиқ тегмади, аксинча барча оғир гапларингни чидам билан эшитди. Кичиклигингдан умид билан катта қилғон одамга буларнинг бари оғир ботадида!..

Худобанда энди индамас, юрагидагини шоша-пиша тўкиб солганлигидан, ботинан бўм-бўш бўлиб қолганди. Нечундир бирданига ўзининг гапирган гаплари ўзига маънисиз туюлди. Нега гапирди? Кимга гапирди?.. Унга ким ишонади? Энди тўғри гапига ҳам ишонишмайди, ҳатто Худобанданинг Худобанда эканлигига ҳам! Ишонишмайди... Энди барибир...

— Мен ўғлимдан хафа эмасмен... — сўз олди бирдан Садр Сулаймон. — Қизишиб гапирди, майли. Ҳаммангизнинг олдингизда бир гапни айтай. У Абомуслим деган бир гадони топиб олиб, шу менинг отам, дейди. Бу ақлсизлик нишонасидир. Бу фикридан қайтсин, мени маломатлардан халос этсин...

Атрофдан маъқулловчи овозлар эшитилди, чунки ҳамма Садр Сулаймон билан Худобанда ўртасида юз берган мужмал ва мантиксиз можародан энсаси қотган, зериккан, кимни ёқлашни билмай бир-бирига хайрон боқарди. Мехмонлар бу кўнгилсиз машмашанинг тезроқ тугашини истардилар.

— Ўғлимни айби йўк... — деди яна Садр Сулаймон. — Ҳамма айб ана ўша, менинг чиройли ўғлимни

ўзиники қилиб олмоқчи бўлган, изидан юравериб ҳол-жонига қўймаган бадбахт гадода! Ўғлимни бошини гал-вирак қилиб ташлади-ку! Ана ўшанинг жазосини бериш керак! Бас, эртага Чорсу майдонига бутун Самарқанд ахли тўплансин! Қурчибоши, сипоҳларингаз тартибни кўриқласунлар. — Садр Сулаймон энди ўғли олдида гунохкор ота сифатида эмас, балки Самарқанд ҳокими мартабасида гапирарди. — Ҳамма, Абомуслим эл олдида, Худобандага ўғлим, деб тухмат этганини, ёлғон гапирганини бўйнига олсин, ўз оғзи билан айтсин! Шунинг билан Худобандани ҳам, мени ҳам маломатлардан халос этади! Йўқ эса, боши дорга тортиладир!..

— Иншоолло! Иншоолло! Адолатли йўл шу! Адолат қарор топсин! — деган овозлар янгради атрофдан.

Ҳар бирига совғаю тансуқот тўла тугунлар тутказиб юборилган меҳмонлар тарқалишаркан, Худобанданинг кўнглини кўтаришиб: «Эсинг бор... Рози бўл, ўғлим, рози бўл! Торинма, адолат қарор топади!» дейишар, йигитнинг елкасига уриб-уриб қўйишарди.

Йигит ҳеч нарса демади.

* * *

Эртаси куни Чорсу майдони чошгоҳдан гавжумлаша бошлади. Ҳокимнинг жарчилари шаҳарнинг ҳамма кўчаларига кириб чиқдилар ва бундай гап тарқатдилар: «Абомуслим деган гадо Самарқанд ҳокимига тухмат қилиб, унинг шаънига тегадифон, иззат-нафсини булғайдифон қадамлар босди. Хусусан, ҳокимнинг ойдек гўзал ўғлига даъвогар бўлиб, менинг фарзандимдир, дейишгача борди. Ёмони, Худобандани бунга ишонтиришга ҳам эришди... Бу бетаҳоратнинг чораси Чорсу майдонида кўриладир. Ҳамма Чорсу майдони-га-а-а!..»

Чорсу майдонининг ўртасига тахтадан эни йигирма газ, бўйи ўн беш газ супа қилинди, пойида дор ҳам тикилди. Супа атрофи Диёрбақр қурчибоши сипоҳийлари билан ўраб олинганидан, одамлардан холи. Қурчибошининг ўзи эса от минганча у ёқдан-бу ёққа юриб турибди. Наддофлар кўчаси томонда баланд бўйли Абу Бақр Калавийнинг кичик салласи кўзга ташланади, унинг теграсини сарбадорлар ўраб олишган. Майдоннинг ҳар ер-ҳар ерида Тун салтанати фуқаролари, толиби илмлар

юришарди. Хотин-халажлар ҳам бир томонни олганди. Қорасоч бика, Жахон бика, Читрабону, Ашур биби, Жаннатойлар, Дадаалининг хотини Умриниса бир-бирлари билан гаплашиб туришарди. Кумар Жахон бика опасининг олдида эди. Гўштдор юзли, дўрдоқ лабли маззанг хотин эса Қорасоч бикалар ёнига келиб: «Сақич оласанми? Игна оласанми?» деб молини бозорга солар, пайтдан фойдаланиб қолмоқчи бўларди. Кўз олдиларида машъум дор турса ҳам, аёллар уни эсдан чиқариб, маззанг хотин молларини томоша қилишар, яхши-ёмонлигидан сўз юритишарди.

— Сардор! — Хўрдак Бухорий Абу Бакр Калавийга мурожаат этди. Обимашхад бўйидаги суҳбатдан кейин сарбадорлар жамоаси оксоқолини «сардор» дейишадиган бўлди. — Камонгарон қшплогидан hozирча беш юзта камон ва қилич олиб келдик. Ҳаммаси тарқатилган, бунда, тўннинг остида...

— Жуда соз, камонмерган! — жавоб берди сардор. Абу Бакр Калавий ҳам сўнгги пайтларда ўзгарган, сажиясидаги юмшоқлик ўрнини қатъият эгаллаган, у кўпчиликнинг тақдири ўзи билан боғлиқ эканлигини билар, раҳбарнинг сўзи отилган ўқдай тўғри ва қайтмас бўлиши лозимлигини англади.

Тун салтанати фуқаролари қаттиқ ҳаяжонда эдилар. Улар бир ойдан бери йўқотиб қўйишган дўстлари Абомуслимни ниҳоят кўражақларидан қувонишса, бошқа томондан унинг жазога маҳкум этилиши эҳтимолидан кўнгиллари хуфтон бўларди.

— Нега бировнинг ўғлини ўғлим дейди? — хайрон деди Тун салтанатининг янги фуқароларидан бири.

— Гап йўғида гап-да!.. — деди бошқаси.

— Ўғил керак бўлса, мени ўғил қилиб олсин, розиман! — қўшилди гапга йигирмаларга бориб-бормаган бир йигит. — Отамни ҳам билмайман, онамни ҳам эслай олмайман... Мени биров туғмаган...

— Сизлар Абомуслим оғани танимайсизлар, — сўзга аралашди шу пайт келиб қолган Ахий Жаббор. — У ҳалол одам... Шунинг ёдингизда тутинг.

Чорсу майдони одамнинг кўплигидан тирсиллар даражага келди. Арк кўчаси томонидан ўн чорли сипоҳий қўл-оёғига занжир солинган Абомуслимни олиб кела бош-

ладилар. Майдон гувилларди. Абомуслимнинг аввалги шижоати йўқ, кадам олиши суст эди. Калтак зарбидан кўзлари ногирон бўлиб колган, атрофни яхши кўрмасди. Қадрдон Чорсу майдонини одам билан лик тўлганлигини гала-говур овозлардан тасаввур қилди. Уни супага чиқардилар. Кўриб Ахий Жабборнинг юраклари эзилди, унинг назарида айикдай лапанглаб юрадиган Абомуслим ўрнига қийноқлардан кичик тортган, каттиқ уринган бир бечора одамни олиб келиб қўйишганди. Озиб-тўзиб кетган Абомуслимни таниб бўлмасди.

Бир оздан кейин Арк кўчасида Самарқанд хокими Садр Сулаймон, шайхулислон Абулворис Самарқандий, Қавомиддин қози, мударрис Хожа Лутфуллоҳ, имом Қутбиддин, кўп маҳаллаларнинг оқсоқоллари, имомлар, шаҳарнинг турфа бадавлат кишилари пайдо бўлдилар. Худобанда Садр Сулаймоннинг ёнида келар, Чорсу майдонидаги издахомга ҳайрат билан қараб кўярди. Улар супанинг тепа томонида ажратилган жойда тўхтадилар. Самарқанд хокими тахтга ўхшаш гулдор курсида қарор топди, ёнидаги курсиларга бошқа казо-казолар ўлтирдилар. Улар шу аснода томоша кўришга келган кишиларга ўхшаб кетардилар, кимдир жилмайиб кўяр, кимдир нимадандир хохолаб куларди ҳам.

— Халойик! — деди супа устига чиққан Қавомиддин қози майдонга юзланиб. Турли жойларга қўйилган одамлар унинг сўзларини илиб олишиб яна нарироққа етказар эдилар. — Маълумингизким, салтанат қўшинлари шу кунларда юрт сарҳадида ёғийга сичкон инини минг танга қилмакдадурлар, иншоолло, музаффарият туғи шубҳа-гумонлар булутини ёриб, умиднинг ёрқин осмонига чиқажак! Илло, мамлакат султони Амир Хусайн бошлари омон бўлсин!

— Бошлари омон бўлсин! — қичқирди Абумансур, у супанинг орқа томонида «казо-казо»лар ичида турарди. Диёрбақр қурчибоши сипохийлари ҳаммадан ҳам каттиқроқ бақирар эдилар.

— Жаннатмонанд Самарқандимизда осойишталик ҳукм сурмоғи зарур, илло шаҳримиз, юртнинг бош шаҳридир, ўзгалар ибратни ундан олурлар. Надоматлар бўлсинким, шаҳримизнинг ўзи нотинчдур, мен сизга айтсам... — Қавомиддин қози бир томоқ кириб олди. — Амир Хусайн голиблик тожини кийиб, мухорибадан мар-

рур кайтғонда унинг табаррук кўзларига не юз билан қарар эканмиз, бас, ҳукуматга ўлпон йиғиб бера олмадик, юзимизнинг шувитлиги қаддимизни букадир... Албатта, бу ерда биз, тартибот оғаларининг айбимиз бир шаҳарга етарликдир... Илло... Абомуслим деган бир бетаффику бетаҳорат таъвияю тараққос, худо урган, пайғамбар ҳассаси билан туртган мана шу нас босган кимса Садр Сулаймондай бир зотнинг пуштикамаридан бўлган ўғилларини менинг ўғлим, деб даъво қалармиш! Хўх-хў!

— Ие! Бу нима қилгани?

— Ха, уни ўғли! — бақирди Ахий Жаббор. — Ўғли! Ўғли!

— Ўғли эмас! Ўғли эмас!

— Ростдан ҳам гадовинг даъвоси тухматдир, юртининг бообрў кишиси шаънига отилган иснод тошидир... — давом этди қозикалон. — Бу гадо билмайдурки, унинг тоши теккан жойида парча-парча бўладир, илло, бир парчаси қайтса унинг ўзига кифоя қиладир. Мен, Самарқанд қозикалони айтар сўзим, ҳукмим шулки, бундай даъво қилғоннинг жазоси битта — уни дорга тортмоқ лозим! Токи уни улус тухматчининг жазосини кўрсин, ўзига ҳисса чиқарсин! Илло...

Қозикалон сўзини тутатолмади. Хар ёқдан: «Жазосини тортсин!», «Нега дорга тортасиз, ўзи ўлай деб турибди-ку!» «Баттар бўлсин!» «Раҳм қилинг!» қабилида турли овозлар ёғилди.

— Инсоф деб лоф урасиз, хўпам гердайиб юрасиз! Қани инсоф? Қани диёнат? Қилганингиз бари хиёнат! — қичқирди Ахий Жаббор.

Худобанда супанинг орқа томонида, «казо-казо»лар қаторида турар экан, Абомуслимдан кўз узмасди. Айни шу пайтда ўзини Мавлонозода кузатаётганидан беҳабар эди. Мавлонозода ҳозир Худобанданинг кўнглидан нималар кечаётганини билгиси келарди. Дўсти нималарни ўйлаётган экан?..

— Мусулмонлар! — издахомга мурожаат қилди шайхулислом Абулворис Самарқандий.

Ғала-ғовур пасая бошлади. Сарбадорлар ҳам шайхулисломнинг сўз олганини кўриб бир-бирларини сукут сақлашга даъват этдилар. Тун салтанати фуқаролари ҳам шундай қилдилар. Шайхулислом давом этди:

— Мусулмонлар! Самарқанд қозиси Қавомиддин Абомуслим деган гадо хусусида ўз хукмини ҳаммамизга хавола қилдилар. Ҳар қачон ҳам гина-кудуратга ўрин бўлмасин, кибру хавога навбат... Ла калъул-жиболи бил-ибари айсару мин ихрожил кибри минаб-қулуби, демишлар ҳадисда. Яъни, диллардаги кибру хавони кетказишдан кўра тоғни игна билан ағдармак осонроқдир... Ўн саккиз минг оламини яратган парвардигорнинг карами кенг, иншооллоҳ! Ана бу деворнинг тагида ўрмалаб, тирикчилик кўйида юрган беозор кумурска ҳам худонинг бир махлуқидир. Абомуслим ҳам бундан истисно эрмас... Эгилган бошни қилич кесмас, дейдилар. Инчунин, Абомуслим ўз даъвосидан кечиб, Худобандани ўғлим дейишдан ўзини тийса, уни дорга тортмакка ҳожат қолмагай. Ўшанда у ҳам Садр Сулаймон обрўйини, ҳам Худобанда шаънини аяган бўладир, ҳам ўз жонини сақлайдир!..

Шайхулисломнинг гапи тутар-тугамас, шу пайтгача жим турган Худобанда, у сипоҳийлардай қилич тақиб олганди, супа устига чиқиб келди. Садр Сулаймоннинг нафас олиши тезлашди, Мавлонозоданинг юраги гурсиллаб ура бошлади. Қорасоч бика ёнида турган Жаҳон бика, — у Худобанда хақида ҳам Мавлонозодадан, ҳам Кумардан эшитган эди, Кумар батафсилроқ гапириб берганди, — ташвиш билан супа томон тикилди. Тун салтанати фуқаролари эса: «Жим! Жим!» дегандай бир-бирларини туртишди. Майдонга сув сепгандай жимлик чўкди.

— Тақдир пешонага нимани ёзган бўлса, ўша бўлади. Бошқа йўл йўқдир... Шайхулислом бува тўғри айтдилар, мен гадонинг ўғли эмасмен, хоким зурёдимен! — деди дона-дона қилиб Худобанда.

Майдонни қий-чув босди.

— Худобанданинг ақллигини қаранг! — деди кимдир.

— Ақлли! Ақлли! — тасдиқлади бошқаси.

— Тегли-тахтли хонадонда ўсган йигит!..

— Кам бўлмасин! — деган овозлар эшитилди.

Садр Сулаймон чехрасига табассум югурди, Қавомиддин кози билан Абулворис Самарқандий: «Ана, кўрдингизми!» дегандай бир-бирларига мамнун қараб кўйдилар. Жаммазабон девонбеги билан Абумансур Ху-

добанда гапини ғижиниш билан қарши олдилар. «Энди ўзингга келдинг, ўғил бола!» деб қўйди аста Диёрбакр курчибоши. Мавлонозода дўстининг айтганини дуруст англай олмади, негадир юрагининг бир жойи ачишди. Ахий Жаббор қаттиқ ранжиди: «Пул-мол деб отасини ҳам унутиб юборадиганлардан экансан-да, ўзи аввали ҳам тутуминг менга ёқмасди!»

«Худобанда нахотки сарбадорлик эътикодидан кайтган бўлса?» — ўйлади Абу Бакр Калавий, чунки унинг назарида Худобанда ёлғон сўзлади, бу эса сарбадор эътикодига ётдир. Ҳаммадан ҳам оёқ-қўли кишанда бўлган Абомуслим танг қолди-ю, пичирлади:

— Ие... гадо... ҳоким...ўғлим...

У атрофни яхши илғамас, одамларни фақат овозидан танирди. Худобанда гапирганда «Ўғлим!» деб талпинишига оз қолди. Бироқ ўғлини хижолат этмаслик учун ўзини базўр тийди.

Худобанда майдонга бокиб, сўзи сарбадорлар ва рунуду авбошга унчалик ёқмаганини сезди, дўсти Мавлонозода қоп-қора қошларини чимириб унга тикилиб турарди. Худобанданинг кейинги гапи эса супанинг оркасидагиларни ҳам, майдонни тўлқинлантириб ётган издахомни ҳам турфа бир хайратга солди:

— Мен гадонинг ўғли эмасмен, ҳоким зурёдимен, дедим... — Худобанда бир оз жим қолди. — Чиндан мен ҳоким зурёдимен! Эл-улус билиб қўйсинларки, мен Самарқанд ҳокими зурёди эмас, балки Ахсикент ҳокими Саъди Акбар ўғли Жалойирбек зурёдимен!..

Майдонни сурон қоплади. Сарбадор, рунуду авбош Худобанданинг бу сўзларини қий-чув билан кутиб олдилар:

— Яша, ота ўғил!

— От чопса гумбурлар тоғнинг дараси, сўзнинг ростин айтар йигит сараси! — кичқирди Ахий Жаббор.

— Э... иккита отанг бўлса нима? Яхши бузоқ икки онани эмади, дейдилар. Юрабер-да!

— Унинг ўрнида бўлганимда, маза қилиб юраберардим! — деб қўйди кимдир. — Учинчи отагаям рози бўлардим! Менга нима!

— Ўшанинг учун ҳам сен унинг ўрнида бўла олмайсан-да! — кесатди бошқаси.

Худобанданинг гапи хотин-халажлар орасида ҳам мухокамада эди:

— Суқсурдай йигитнинг бошига тушган кўргиликларга қаранг, эгачи! — бағри увалди Ашур бибининг.

Қорасоч бика Ашур биби билан Читрабонуга деди:

— Ҳоким буванинг ўз ўғли йўқ экан-да, а? Нимага? Мен ўғли бор деб юрардим.

Бу гапни эшитган Жаннатой нимадир демоққа оғиз жуфтлади-ю, бирдан Жаҳон бика ёнларида эканлиги эси-га тушиб, Қорасоч биканинг қулоғига нималардир шивирлади. Қорасоч бика эшитаркан: «Вой, ўлсин! Оббо, урди худо! Ҳм... Ҳм...» деб қўйди қиз боладай қизарганича.

— Эй, Худобанда! — чинқирди шу пайт Абумансур. — Ахсикент ҳокимининг зурёдимен, дейсан. Синглинг, бир кориндан таллашиб тушганинг билан ўйнашганинга не дер экансен? Қалайсен, ҳоким зурёди?!..

— Ё худо!.. — инграб юборди Абомуслим. — Ўзинг асра!..

— Ҳай-хай! Оғзингни юм! Оғзингни юм! Оғзингга тош! — чидолмади Садр Сулаймон ва шарт ўрнидан туриб супа томон юра бошлади. — Ўғлим! Хонумонимни кул қилма!

У Худобандани қучоқлаб олди. Абомуслим эса ногирон кўзларини уларга тикиб турар, аммо кўрмасди.

— Ўғлим! Кўрар кўзим ҳам сен, ёруғ юзим ҳам сен! — дерди Садр Сулаймон. — Бошқа кимим бор?..

Худобанда лом-мим демасди.

— Улус олдида не деган одам бўламен? Қандок бош кўтариб юрамен? Тузим хурмати... Сени одам қилдим, ахир...

Супанинг устида қизиқ манзара ҳосил бўлди. Ўртада нечундир юраги тошга айланиб бораётган Худобанда, чап томонда Худобандага меҳр қўйган, меросхўрим, ўғлим деб юрган Самарқанд ҳокими Садр Сулаймон, ўнгда не-не йиллар ўғлидан жудо бўлган ва ниҳоят тақдирнинг марҳамати билан ўғлини топган гадо Абомуслим... Бутун Чорсу майдони уларни кузатаркан, биров хайратда, биров разабда, бошқаси гапнинг нимадалигини тушунмай ёнидагидан сўрар, ўзгаси эса ҳокимнинг ўртага чиқиб қолганидан кулар эди.

— Ўғлим! — деди Абомуслим. — Омон бўлсанг, тинч бўлсанг, менинг бахтим шу...

Садр Сулаймон Худобанданинг жим турганини кўриб, энди Абомуслим ёнига келди.

— Эй гадо! Бунча «ўғлим»лайсен? Менинг ўғлимни тинч қўй! Бўлмаса шармандангни чиқарамен! Ўз оғзинг билан «Ўғлим эмас!» деб айт! Айт! Айт!..

Абомуслим индамади.

— Эй, халойиқ! Қўрдингизми? Сукут — аломати ризо!

Худобанда Чорсу майдонига қаради, ажабо, одамларнинг чехралари чаплашиб кетгандай бўлдим, аниқ кўролмади. Унинг қаршисида фақат Садр Сулаймон турарди, у йирик гавдаси билан Абомуслимни Худобандадан тўсиб олганидан Абомуслим йўқдай тасаввур туғиларди. Абомуслимнигина эмас, Садр Сулаймон бутун оламни тўсиб олганди. Ана унинг кенг пешонаси, чиройли қирқилган мўйлаби, калта қирқилган соқоли... Худобанда шу дамгача бир нарсани англай олмайди. Хўш, унинг бошига шундай кунларни солган ким? Тақдир. Тақдир... У нимага боғлиқ? Одамга... Одам ким? Фақат Садр Сулаймон! Чунки атрофда ҳеч ким йўқ... Ха... Демак, Худобанда бошига тушган азобу укубатларда фақат мана шу, тарвуз калла одамнинг айби бор. У пул бандаси, бойлик, дунё бандаси...

Худобандани хаёллар олисга олиб кетди. Ахсикентда унинг отаси кимор ўйнаб хотини, бола-чақаси, уйини ютқазиб қўйди... Нишопурда уни қулжаллобдан Садр Сулаймон сотиб олди. Нега сотиб олади? Отаси Абомуслим бошидан кечирган укубатлар... Шўрпешона синглиси Ширин бика... Хорлик... Зорлик... Ким айбдор бунинг барига?..

Худобанда ўз назарида хозир танҳо қолганди, оламда танҳо... Олдида унинг қисматида, Абомуслим, Ширин бика тақдирида юз берган фожиалар бадали бўлиб фақат Садр Сулаймон турарди!.. Садр Сулаймон! Бошқа ҳеч ким, ҳеч нарса йўқ: Чорсу майдонини тўлдирган издахом — сурон солиб турган оломон, сарбадорлару Тун салтанати фуқаролари ҳам, шайхулислому қозикалону курчибоши ҳам, инсонни тупрокка қормоққа яратилган разолатли олам ҳам... Ҳеч ким йўқ... Йўқ...

Бирдан Худобанда тиш орасидан деди:

— Ўлим поклайди!

— Бу сўзларни ҳеч ким эшитмади. Қай кимдир эшитиб қолганда ҳам, унга бир телбанинг гапи-да, деб қараган бўларди.

— Ўғлим! — деди шу пайт Абомуслим. — Мен розиман, сен ушбу ҳокимни падари бузрукворим дегин! Хурмат қилгин! Омон бўлсанг, тўрт мучанг соғ бўлса бўлди... Менга бошқа нарса керакмас...

Майдонда яна сурон кўпди.

— Баракалла! — деди Абомуслимга шайхулислом.

— Ҳукми бекор қиламен! — билдирди қарорини козиқалон.

— Дордан қўрқди гадо, дордан! — писиллатди кимдир.

— Тўғри қилди Абомуслим! Тўғри қилди! — маъқулади Абу Бакр Калавий ҳам.

— Подшолардай сахий! — мақтанди Ахий Жаббор.

Садр Сулаймон курашда енгиб чиққан пахлавондек суронлар остида Худобандага ўтирилди, унинг юзида табассум ўйнади.

— Ана ўғлим! Ана!.. Ҳақ қарор топди! Қарор топди!..

Самарқанд ҳокими қувониб Худобандага каради-ю, ўғлини танимади! Унинг кўзлари чакчайган, юзлари оппоқ оқариб кетган, мисқоли салланинг печи сал чувалиб елкасига тушганди. Йигит ҳеч нарсани эшитмас, тили фақат дахшатли бир калимани такрорларди холос:

— Ўлим поклайди!..

Худобанда рўпарасида Садр Сулаймон эмас, балки бир ажабтовур махлукни, девни кўргандай бўлди. Бу дев ҳамма нарсани беаёв ютиб юборадиган балои офат, юхо нафсли махлук... Махлук унга қараб таҳдид қилиб келарди. Худобанда шуурсиз чекина бошлади, бироқ орқасида туби йўқ жарликни кўрди! У фурсатни қўлдан бермади, чекинса — жарликка қулайди, чекинмаса — дев ютиб юборади. Хайҳот!.. Шартта қиличини суғурди-да, халиги девнинг бошига солди!

— Ўлим поклайди!!!

Воқеа кўз очиб юмгунча бўлиб ўтди. Бутун майдондагилар «Воҳ!» деб юборишди. Ҳеч ким бундай бўлади деб ўйламаган эди. Қилич Садр Сулаймоннинг бошини танидан жудо қилганди. Кесилган бош юмалаб Абомусл-

лим оёғининг тагига тушди. Лекин гадо ҳокимнинг бошини кўрмасди.

Диёрбакр курчибоши сипоҳларга буюрди:

— Тез Худобандани тутинг!! Жинни-ку!.. Сипоҳийлар қўлида қилич ўйнаб турган Худобандага орқадан билдирмай аста яқинлаша бошладилар.

— Етим кўзи асрасанг, оғзи-бурнинг мой этар, етим бола асрасанг, оғзи-бурнинг кон этар... — деди хаёлга ботиб шайхулислом.

— Қилмишига яраша... — Қавомиддин кози хайратдан анграйиб қолди.

Майдондан келаётган садолар бошқача эди:

— Омон бўлсин Худобанда!

— Чинданам ҳоким ўғли экан!

Найза тутган сипоҳийлардан бири Худобандага яқин бориб қолган эди. Худобанда орқадан келаётган хавфни сезиб шарт ўғирилди. Шу пайт сипоҳийларнинг ортида қандайдир сур-сур бошланди, сипоҳийлар билан сарбадорлар ўртасида жанжал чикди. Иприлган тўлқин кутилмаганда найзали сипоҳийнинг елкасидан қаттиқ туртиб юборди! Заҳри қотил найза Худобанданинг кўксига санчилди!

— Ох! Отажон!.. — ингради Худобанда қўлидаги қиличга таянар экан, аммо қўлидан дармон кетиб борарди. — Нобуд бўлдим!..

Мавлонозода, Хўрдак Бухорий сарбадорлар ёқдан, Ахий Жаббор, Ҳасан чиноқ, Соҳиб Чангал, Қалтатойлар ҳар жой-ҳар жойдан супа томон интилдилар. Оломон жазавага тушиб борар, унинг орасидан ёриб ўтиш осон эмасди. Ҳасан чиноқ бир сипоҳий билан олишиб қолди, шу пайт бошқа сипоҳий унга найза ўқталиб кела бошлади. Ҳасан чиноқ кўрмас эди.

— Чиноқ! Ёнингга қара!!! — қичқирди Ахий Жаббор.

Лекин Ҳасан чиноқ ёнига қараб улгурмади. Иккинчи сипоҳий унинг биқинига найза урди... Ҳасан чиноқ «шилқ» этиб одамларнинг оёғи остига тушди. Одам қалинлигидан шеригига кўмакка боролмаган Ахий Жабборнинг юрагини совуқ ялаб ўтди.

Абомуслим кўзи кўрмаса ҳам, Худобанданинг «Нобуд бўлдим!..» деганини эшитди, нохуш нарсани хис қилди-ю, охиста занжирларини жаранглатиб ўғли ётган

жойга кела бошлади. Аммо йўли йирик бир одамнинг гавдаси билан тўсилган эди, йўлида Садр Сулаймоннинг жасади ётарди. Етиб келган Ахий Жаббор Абомуслимнинг қўлидан тутди ва Худобанда томон етаклади. Гадо ўғлининг устига ўзини ташлади.

— Ўғлим! Мен нобуд бўлай! Сен яшагин, ёшсан! — нола қиларди гадо ногирон кўзларидан ёш қуйилиб. — Энди топганда сени йўқотаманми?..

Худобанда нимадир демокчи бўлар, оғзига келган қондан гапиролмай қийналарди.

— Менинг гуноҳларим учун сен азоб чекдинг-а, ўғлим! — зорланарди Абомуслим ўғлининг юз-кўзларидан ўпар экан. — Нахотки, қачондир йўл қўйилган хатонинг қайтими бўлади-я? Нахотки, қачондир босилган нотўғри кадам бир кун келиб ўчини олади-я? Нахотки, қилинган мудҳиш хато ҳеч қачон кечирилмайди?.. Нахотки, кечирилмайди?.. Инсоннинг ҳар қадами ўлчовли эканини шу ёшга келиб англаб турибмен... Оҳ, шуни аввал билганимда эди, билганимда эди!.. Ўғлим! Энди билиб босамен қадамимни, сен ўлмасанг бас! Ё, худо! Қилган гуноҳларимнинг чораси не? Чораси не?..

— Ўлим поклайди...

Худобанда қийинчилик билан шу сўзларни деди-ю, жон таслим қилди.

Шу пайт Абу Бакр Калавий, Мавлонозода, Шаҳриёр, Шотабиб, Диёрбакр қурчибоши, қозикалон, шайхул-ислом, Жаммазабон девонбеги бари супа олдига етиб келишди.

Абомуслим ўғлини кучоқлаб олди. Гапирай деса тили айланмасди:

— Сен ўлма... мен ўлай... сен ўлма... мен ўлай... мен... — деди-ю, ўша лаҳзада Абомуслимнинг жони чиқиб кетди!

Ҳамма супада ётган уч ўликка жим қараб турарди. Супа пастадаги ноумид қолгандек мунғайиб турган дор оша майдонда сурон пасайиб борарди.

— О, қисмат! — деб юборди шайхул-ислом Абулворис Самарқандий ўзига-ўзи айтгандек қилиб. — Баҳоваддин пиримнинг айтганлари бўлди-я! Садр Сулаймон фарзанд илгидан қафо топди... Караминг улуғ, э парвардигор!

— Худобанда ўлдирмади, Худобанда қўли билан худо жазолади, — деди кимдир. — Садр Сулаймоннинг тутуми наинки инсон боласига, хатто худога ҳам ёкмади...

Чорсу майдонидаги фожиа хамманинг оғзида эди. Ҳамма Худобанда билан Абомуслим — энди топишганда бир-биридан жудо бўлган бечора ота-болалар тақдирига ачинарди. Мавлонозода дўсти Худобанда учун уч кун аза тутди.

Самарқанд сарбадорлари, Тун салтанати фуқаролари Абомуслим билан Худобандани Чокардиза қабристонига ёнма-ён қабрга қўйдилар. Ёруғ дунёда бир-биридан мосуво ота-бола энди мангу бирга бўлишлари кўнгилларга сал-пал тасалли берарди. Бу машъум воқеа сарбадорлар билан Тун салтанати фуқароларини яна ҳам жипслаштириб қўйди.

Садр Сулаймонни катта дабдаба-ю асъаса билан Чорсу майдонида, хонақоҳ ёнида ўзи ясашиб қўйган қабрга дафн этдилар.

Чорсу майдонидаги фожиа Самарқанд аҳли хаёлини узок вақт банд қила олиш қудратига эга эди, аммо бунга имкон бўлмади. Бетўхтов айланиб турган чархи фалак ўзга хангомаларни келтириб чиқарди. Самарқанд аҳлини энди ўзга фожиалар кутарди.

Ўттиз биринчи боб

САМАРҚАНД ОСТОНАСИДАГИ ЖАНГ

Эрталабдан қирғиякнинг шамоли эсди, кейин савалай бошлаган ёмғир, хайриятки, кўп ўтмай тинди...

Куз фасли бошланмоқда эди.

Чинос ёнида Амир Хусайн қўшинларининг мағлубиятга учрагани ҳақидаги шум хабар Самарқандга қандай етиб келганини ҳеч ким билмасди. Бу гапни биринчи бўлиб Тун салтанати қулоғи, соҳибул хабар Бобо Султон топиб келди. Абомуслим билан Худобандани дафн этишиб кўнгиллари қайғуга тўлган фуқароларга бу дард устига чипқон бўлди. Кўплар: «Хой, оғзинга қараб гапир!» дейишди. Соҳиб Чангал: «Нега ёлғон гапириб, хаммани чалғитасан?» деб ўшқирди. Шаҳриёр Бобо Султон гапида жон борлигини идрок этди. Маълум бўлишича, бир чопар Қаршидан келиб Қавомиддин қозига айтиб кетибди. Амир Хусайн билан амирлашкар Темурбек қолган-қутган лашкарни олишиб ўша ёққа ўтиб кетишганмиш...

— Мен айтмакчи бўлган ҳақиқат асли бундоқдир... — деди Бобо Султон. — Ҳозир Амир Хусайн юртни химоя қилмакка ҳам қодир эмас... Шуларга ваздан у аҳли аёлини Жайхуннинг у томонига жўнатмоққа қарор қилибдир. Амир Хусайн шуларга ниятини Темурбекка айтибдир. Темурбекнинг жавоби бундоқ бўлибдир: «Гарчи дарёнинг нариги томонига кўчиб кетишга қарор қилинган эрса-да, юртни ташлаб кетмакка кўнгал бўлмайди, чунки у душман ва келгиндилар оёғи остида топталади. Дарҳол қўшин тўплаб, қайтадан душман билан юзлашайлик!» Бунга бўй бермаган Амир Хусайн Кешдан Солисаройга кетибдир, бориб аҳли аёлу одамларини дарёнинг нариги томонига ўтказибдир ва қиру адирларни босиб ўтиб Шибартуда истиқомат айлабдир. Ҳамма жойга хабарчи-

лар қўйиб, мабодо Жета қўшини яқинлашгудай бўлса, Хиндистон томон чекинмоқни хаёл этибдир...

Бобо Султон рост айтди. Амир Хусайн Кешдан жўнаб кетганидан кейин Темурбек бутун эътиборини аскар тўплашга қаратди, етти қўшиндан иборат черик жамлади. Мақсад аҳволни ўнглашдан иборат эди. Темурхўжа ўғлон, Жоварчи ва Аббос баходирларни илғор расми билан Самарқандга юборди. Улар Кўҳак деган жойда душманнинг Кепак Темур, Шировул ҳамда Хожибек ўғли Инкачок бошлиқ илғор қисмига дуч келиб енгилдилар. Жоварчи деган аскарбоши эса хийлага учиб душман томонига ўтиб кетди... Бу воқеани эшитган Темурбек ҳали давлат ишларида тўсиқлар мавжудлигини англади, оқибатда у ҳам юртни ташлаб кетишга мажбур бўлди. Мамлакат ана шу йўсин ўз ихтиёрига ташлаб қўйилган, химоясиз қолган эди.

— Дахшатли гап шуки, — тугатди сўзини Бобо Султон, — Жета қўшини Лой жангидан сўнг ҳеч бир тўсиқсиз Самарқандга бостириб келмакда!

Хаммани ваҳима босди:

— Душман бостириб келмакда!

— Жета қўшини келиб, хаммани ўлдирадир!

— Бас, эй аҳли фуқаро! — кичкирди вазири аъзам Насафий. — Валинеъмат шаҳаншоҳим сўз демачкилар!

Тездагина майдонга жимлик чўкди. Шаҳриёр ичига кўрғошин солинган таёғини сандиқ четига бир уриб қўйди-да, сўз бошлади:

— Эй, салтанат жонфидолари! Сиз, аввало Тун салтанати фуқаросидирсиз. Салтанатимиз, маълумингизким, Самарқанд сарбадорлари жамоасига кирадир. Инчунин ҳар бирингиз сарбадордирсиз! Самарқанд сарбадори!..

Шаҳриёр шундан сўнг ваҳимага тушмасликни уқтирди, биринчи галда бу хабарни сарбадорлар жамоаси сардори Абу Бакр Калавийга еткурмак зарурлигани айтди. Тонг отиши билан Ахий Жаббор ҳаялламай Наддофлар маҳалласига чопадир, унга шу вазифа юклатиладир. Насафий Ҳалвойи маҳалласига, Суқрот Нозим Мехмет қаҳвахонасига, Шотабиб Уста Кулол маҳалласига, Бобо Султон Лакшманга, Қамариддин мадраса талабаларига, Соҳиб Чангал бозор аҳлига бу хабарни етказсинлар. Йўлларда учраганлар билан ноҳуш хабар хусусида баҳс айлаб борилсин. Ўзга фуқароларимиз шаҳар оралаб жум-

ла мўминларга кўнгилларга тоғдай дард ортгувчи машъум хабарни ёйсинлар. Барча чопарлар бир жиҳатни назарда тутсинларким, бу хабардан сўнг идрок ва фаросатнинг тақозо этувига кўра, барча Чорсу майдонига йиғилуви ҳам таъкидлансин. Сўнгги сўз шулким, сахармардонда Тун салтанатининг барча фуқароси Чорсу майдонида жам бўлсинлар...

Тонг отар-отмас Тун салтанати фуқаролари шакароб сепилган сувдек бир лаҳзада шаҳарга сингиб кетдилар. Ахий Жаббор Наддофлар кўчасига қадам қўйганда кунчиқа бошлади, у офтобни кўчада қаршилади. Ҳали одам сийрак. Шу пайт бир чол хассасини дўқиллатиб рўпарадан кела бошлади. Бозорга ошиқаётган бўлса керак.

— Ассалому алайкум, эй бобо! — деди Ахий Жаббор, нохуш хабар ҳақида учраган билан баҳс айлаб борилсин, деган гапни эслаб.

— Ва алайкум... — алик олди чол хира кўзларини унга тикиб. — Султонқул, сенмисан?

— Йўқ, мен бошқаман... Бобо, бошимизга кулфат тушди... Душман бостириб келмакда. Жета қўшини...

— Ие! Ие! Э, оғзингга шамол-е! Оғзингга шамол! — хафа бўлиб кетди чол. — Ўзи қўйим иккита туғиб, сал кувониб турибмиз! Бундай совуқ гапни гапирма-е!

— Чорсу майдонига боринг, бобо! Қолганини ўзингиз эшитасиз!

— Э, оғзингга шамол-е! Оғзингга шамол! — деганча чол хассасини дўқиллатиб юриб кетди.

Ахий Жаббор айтганига ҳам пушаймон бўлди, кейин елка қисди-да, йўлида давом қилди. Ниҳоят у Абу Бакр Калавийнинг китобасига «Ал-фақру фаҳри» сўзлари битилган икки табақали дарвозасига яқинлашди-да, оҳиста тақиллата бошлади.

Дарвозани Жаҳон бика очди.

— Ассалому алайкум!.. — деди бундоқ бўлишини кутмаган Ахий Жаббор ўзини йўкотаёзиб.

Жаҳон бика йигитни таниди, бу ўша тўйда илондан кўркиб қочганида, фавқулудда ёнига бориб қолган йигит. Кумар шу йигит ҳақида гапиради-да! Ана, Кумар айтгандай, йигит кизариб ҳам кетди...

Йигитнинг каловланиб қолиши Жаҳон бикани завқлантириб юборди. У алик олди-да, чиройли кўзларини Ахий Жабборга тикди:

— Падари бузрукворимда юмушингиз бормиди?..

Ха, йигитнинг юмуши бор... Жуда муҳим юмуши бор...

— Хозир бомдод намозини ўқишмакда... Киригиз!

Ахий Жаббор орқасига ўгирилиб хиром этган офатидан қизнинг навнихолдай қадди-қоматига тикилди. Гўзалликнинг юксак чўққисидан камолга етган ушбу сарв жуда йирок, унга кимсанинг қўли етмайди. Уни фақат олислардан томоша қилмак мумкин. Унда ҳам — насиб этса...

— Билармусиз... — Ахий Жабборнинг овозидаги ташвиш оҳанги қизни сергаклантирди. — Бошимизга бало ёғилмакда, балон офат! Шаҳримизга душман бостириб келмакда!..

— Душман?! — Жаҳон бика қошларини чимирганча тўхтаб йигитга ўгирилди.

— Мўғул қўшини бугун-эрта шаҳримизни ишғол этадир...

— Амир Хусайннинг қўшини қаерда экан?..

Ахий Жаббор қизнинг саволидан хайратдан қолди. Қиз бола қўшин ҳақида сўрайдирму?..

— Мамлакат қўшини мағлублик жандасини эғнига илибдир...

— Э аттанг! Э, аттанг! — деди шу пайт Абу Бакр Калавий, у аллақачон айвонда туриб бўлаётган гапларни эшитиб турарди. — Ахий Жаббор, қани Чорсу майдонига кетдик! Э, аттанг!..

Мўғулларнинг бостириб келаётгани ҳақидаги хабар бутун Самарқандни оёққа турғизди. Ҳамма — каттадан-кичик Чорсу майдонига тўпланди. Жомеъ масжидининг олдида, Тун салтанати тахти турадиган жойда минбар тикладилар. Издаҳомда турли тоифадаги одамлар бор эди, аҳли аъён ҳам, толиби илм ҳам, сипоҳ ҳам, қосибу хунарманд ҳам, дарвиш ҳам, гадо ҳам... Биров минбарга яқин йўламас, ҳар ким ўзича фикрлар, аниқ бир қарор йўқ, ким нима дейишни билмасди. Абулворис Самарқандий шайхулислом, Қавомиддин қози, мударрис Хожа Лутфуллоҳ, имом Қутбиддин, Жаммазабон девонбеги, жуда кўп маҳалла оқсоқоллари, имомлар жим туришар, бу ногаҳонда ёпирилган бало-қазога не чора қилмак лозимлигини билишмас, Диёрбакр қурчибоши эса тонгдаёқ сипоҳийларини йиғиб: «Биз танг аҳволда музтарлик азобини тортаётган Амир Хусайн ҳазратлари ёнларида бўлма-

гимиз жоиздир!» деб, Солисаройга жўнаб қолганди. Босиб келаётган қаттол душман ваҳимаси, унинг эртаминдин шу ерда бўлиши эҳтимоли юракларни сиркиратар, хаммининг кўзига дунёни қоронғу қиларди.

Минбарга Самарқанд сарбадорлари жамоаси сардори Абу Бакр Калавий яқинлашди.

— Эй, ахли мусулмон! Эй, феъли яхшилар! — майдонга мурожаат қилди Абу Бакр Калавий. — Инсон боласининг бошига турли синовлар тушадир, у синовлардан обрў ила ўта олмоғи даркордир. Бугун бошимизга ана шундай синов тушди, синов эмас, кулфат... Она юртимиз хавф исканжасида, она шахримиз душман оёғи остида хор бўлмоқ эҳтимолида... — кутилмаганда унинг овози бўғилди, овози яхши эшитилмай қолди. — Мавлонозода! Нечундир ўзимни нохуш сезадурмен, каттиқ шамоллаш асорати бу... Сиз барчага жамоамиз аҳду қарорини етқурингиз, эй феъли барқарор!

— Бажону дил! — деди белига зарҳал кинли қилич боғлаб олган Мавлонозода майдонга юзланиб. — Ё машаралмуслимин! Куч-қудратда беқиёс душман, душман бўлганда ҳам ким денг — кофирлар! — мусулмонлар хонумонлари ва жонлари қасдига хезланиб келаётир. Амир Ҳусайн билан Темурбекнинг юлдуз нишонли лашкарини, афсуслар бўлсинким, қайира олган душман шахримизга юз тутиб турибдир...

Майдондаги сурон тингандай бўлди, Мавлонозоданинг ўқтам овози Чорсу майдонининг пучмоқ-пучмоқларига ҳам етиб борарди.

— Эл-улудан божу хирож олғон, ўлпон саришталағон Амир Ҳусайн барини тасарруф этишда ўз билгича йўл тутадир, аммо мана бундай қора кунда қорасини кўрсатмайдир ва балки, жумла мўминларни ҳаққа топшириб, кофирлар олдида жуфтакни ростлаб қоладир...

— Амир Ҳусайн эмас, Амир бетайин экандир! — чертиб-чертиб деди Ахий Жаббор. Унинг баланд овози барчага эшитилди.

— Сичқон инини минг тангага сотиб олган амирнинг шўри курсин!

— Амирлашкар Темурбек-чи?

— Самарқандни химоя қилишмай қочиб қолишибдику!

— Саваш қураман, деб ўлпон йигмакка мохир! — Лакшман қичқирган бўлса ҳам, унинг пўк овози ёнидагиларгагина эшитилди холос.

Мавлонозода давом этди:

— Аҳвол тақозоси шундоқки, агар биз совға-салом, хадя-ю тансуқот, мол-ашё инъом этсак ҳам омон қолмоғимиз гумон. Каттол душман раҳм-шафқат нималигини билмайдир. Ундан яхшилик кутмак, тошдан сув чикмагига интик бўлмак билан баробардир. Эй, мусулмонлар! Махшар кунини эсдан чиқармайлик. Айтинг-чи, ичимизда адолат ишини ҳимоя қила оладирғон аҳли аъёну авом олдида, юрт олдида, улус қошида ўзини жавобгар сезадурғон барча бошни қовуштира оладурғон бирор валламат борму? Бизларга, бошингни кундага қўй, деса, бош эмас, балки бутун тану жонини ҳам бахшида этиб хизматига кира оладирғон бирор мард инсон борму орамизда?..

Чорсу майдонига фавқулодда жимлик чўкди. Ҳамма шаҳар казо-казоларига қарар, улардан эса бир садо чиқмас, оғизларига толқон солиб олишгандай жим боқиб туришарди. Халойик толиби илмнинг сўзларидан сеҳрланиб қолгандай сукутда... Сўз айтмоққа бировда журъат бўлмади. Яна Мавлонозоданинг ўзи гапирди:

— Модомики, ҳеч ким шундай жавобгарликни бўйнига ола олмас экан, битта йўл қолади... Борди-ю, Самарканд сарбадорлари жамоаси, юртимизни топтатмаймиз, босқинчиларга қарши сўнгга нафас қолгунча жанг қиламиз, деса-ю, мана шундоқ масъулиятни ўз зиммасига олса, қўллаб-қувватлаб, кўмак берасизларми ёки йўқми?..

— Кўмак берамиз! Мени ёзинг! — деди бўйнига камон осган йигит.

— Сарбадорлар яшасин! Мени ҳам қўшиб қўйинг!

Шу пайт Қавомиддин қози одамларга мурожаат қилди:

— Эй мусулмонлар! Шундай катта мамлакат ва давлатни ҳимоя қилиш, Жета қўшинидай беомон душманга бақамти келиш подшолар ва уларнинг ноибларига тегишли юмушдир... Лекин уларга тобе бўлғон бечора кишилар бу ишнинг уддасидаи чиқа олармукинлар? Ўйлаб кўрайлик! Етти ўлчаб бир кес, дейдилар, илло...

Қавомиддин қозининг гапи оғзида қолди:

— Бу гапга қўшилиб бўлмайдир!

— Ухдасидан чиқади! Эса Амир Хусайндан мадад кутамизму? Ёки қозикалонни ўзи бошқарсун! — қабилда норозилик саслари майдонни тутиб кетди.

Энди шайхулислом Абулворис Самарқандий сўз олди:

— Азизлар! Ҳаммамиз ҳам, иншоолло, худонинг бандасидурмиз... Бандага хос фикр қилмагимиз жоиздир. Агар уйга ўт тушса, у ёниб ётган бўлса, кандок ўчирар эканмиз, деб кенгашиб ўтирилмайди, вақт қўлдан кетиб қоладир. Оқиллар ўйланиб ўлтирмай қўлига челақда сув олиб ўтни ўчиришга шошиладурлар. Фи аййи, суратин ма шаа раккабак, демишлар Оллоҳ-таоло! Бу калима маъноси: «Сени шу ҳолда, сенинг хоҳишингга кўра шундай пайдо қилди...» деганидир. Самарқанд сарбадорлари улуг юмушни гарданларига олибдурлар, кам бўлмасунлар! Зеро, ҳақ-таоло уларни ўзларининг хоҳишига кўра шундай пайдо қилибдур...

Абу Бакр Қалавий энди жим туролмади. У қийналиб бўлса ҳам бундай деди:

— Юртимизни душмандан асрашга, бирлашмакка қасам-ёд этайлик! Қасамёдни унутсак, хотинларимиз бизга ҳаром бўлсин!

«Маъқул!» «Маъқул!» деган овозлар эпштилди. Шайхулисломнинг гапи қозикалонга, Жаммазабон девонбегига хуш келмади. Абумансур шайхулислом билан яқин бўлиш лозимлигини англади. Мударрис Хожа Лутфуллоҳ қози сўзлаганда ҳам, шайхулислом сўзлаганда ҳам «Ажаб... Ажаб...» дейишдан нари ўтмади. Имом Қутбиддин эса фақат: «Ана холос!», «Ана холос!» дерди.

— Эй ҳамшаҳарлар! — деди Мавлонозода. Унинг овози бу гал яна ҳам залворли чиқди. — Каломни қисқа қилурмен. Сарбадорлар жамоаси андок фикр қилур. Зудлик билан, айни шу дақиқадан бошлаб, камина шаҳар аҳолиси рўйхатини тузурмен, уйланганлар қанча, бўйдоқлар қанча, ажнабийлар қанча, ғайридин кавмлари қанча, мусофирлар қанча... Илло, барчамиз шу тупроқ тузини тотар эканмиз, юрт тақдири учун баб-баравар масъулдирмиз...

Мавлонозоданинг сўзидан сўнг одамлар минбар томон ошиқа бошладилар, ҳамма рўйхатдан ўтшига шошиларди.

Хўрдак Бухорий сўз олди:

— Мусулмонлар! — деди у. — Рўйхатдан ўтмоқдан аввал ҳарб интизоми хусусида сўзимизни яхши англаб олингиз. Интизомни бузган киши ўша жойда қиличдан ўтказиладур. Бир юзини гуноҳга тутган киши иккинчи юзини жазога бурмаги макбулдир. Шаҳар дарвозалари, раҳналарига кўриқчилар қўйилсун. Ҳамма кўчалар то Чорсу майдонигача бир неча жойда чеплар, бандлар билан боғлансун, тўсиқлар тиклансун. Чеплар устида ёйандоз, ўқчилар, мерганлар учун шинаклар қолдирилсун. Кимки қайси юмушга тайинланғон эса жойидан бир қадам ҳам нари жилмасун. Кечаси-ю кундузи жойида қолмаги уктирилсун. Хатто шериклар бошига кулфат тушибди, кўмакка бормак лозим деган хаёлда, ўзига берилғон жойни қолдириб кетиш жиноят деб ҳисоблансун. Ҳовлига, бола-чақалар ёнига бориб келиш, мўғуллар билан сўзлашиш каби интизомсизликлар катъиян ман этилсун. Ҳеч кимга ўз ҳолича жанг қилмакка рухсат берилмасун. Жангга кирмак борасида махсус довул садоси жаранг берур!

Одамлар рўйхатдан ўта бошладилар.

— Исмингиз? — сўради Мавлонозода, баланд бўйли йигитдан.

— Тоштемир.

— Қайси маҳалладан?

— Хожа Кафширдан. Нима юмуш топширилса адо этурман.

— Уйланганмисиз?

— Уйланганман. Бир ўғлим бор... Кекса отам, онам бор.

— Сиз шаҳарнинг ичида бўлурсиз, — деди Мавлонозода. — Жангга лозим бўлиб қолса киражаксиз, кекса ота-онангиз, ёш болангиз бор экан...

Тоштемир нимадир демоқчи эди, Мавлонозода:

— Гап матом! — деб кесиб қўйди. — Ҳалвойи оға! Сиз соқа¹ сафини идора этурсиз. Қўшинингизга Тоштемирни олингиз!

Рўйхат шу хилда давом этди. Қўшиннинг баронғор қисмини Хўрдак Бухорий, жавонғор қисмини Ахий Жаббор бошқарадиган бўлди. Илғор қисми Мавлонозода

¹ Соқа — тасодифий ҳужумлардан сақланиш учун қўшин ортига қўйилган қисм.

чекига тушди. Вақт зиклигидан рўйхат маҳалиёк жангчилар сафларга бўлиб ташланди. Мавлонозоданинг қўли қўлига тегмас, иш билан бўлиб одамларга қарамас ҳам эди.

— Исмингиз? — сўради у навбатдаги жангчидан.

— Жаҳонгир!

Мавлонозодага овоз таниш туюлди. Бошини кўтариб рўпарасида ўнг томонига қилич осган, совут кийган ўн саккиз ёшлардаги ингичка мўйлабли йигитга қаради. Йигит жуда келишган, дубулғаси ўзига ярашиб турарди. «Ажойиб йигитларимиз бор-да!» деб қувонди Мавлонозода. Унинг анграйиб турганини кўрган йигит қулиб юборишига оз қолди, эшитмади шекилли, деб ўйлаб, бидирлади:

— Жаҳонгир! Беклар маҳалласидан. Ота-онам бор. Ҳали уйланганим йўқ, бўйдоқмен... Қилич чопамен, найза отамен...

Мавлонозода ҳамма саволга бирданига жавоб берган бу йигитни қаерда кўрганини сира эслай олмади. Яхшироқ тикилиб қарагиси бор эди-ку, аммо фурсат йўқ, унинг устига шу пайт орқадан кимдир ёғиниб: «Нега гапга соласен? Тезроқ ўт!» деб бетоқат бўла бошлади. Сухбатга диққат қилиб турган Абу Бакр Калавий Жаҳонгирга яқин келди-ю, тикилиб қолди. Ажабо! Сал тўлароқ бўлса, нақ Шамсулмулкнинг ўзи бўларди-қоларди. Одам ҳам одамга шунчалар ўхшайдими? Беклар маҳалласиданман, дедими? Ха, шаҳарнинг у томонидан экан-да...

— Ҳа, амаки! Жуда тикилиб қолдингиз, бировга ўхшатдингизми дейман? — сўради Жаҳонгир шартта.

— Йўқ, ўғлим... Жуда чиройли йигит экансан-да! Шунга қараяпмен. Қилични эса чап томонга тақмоқ керак, сен ўнг томонингга тақиб олибсан...

Жаҳонгир қиз болалардай уялиб кетди.

Абу Бакр Калавий бирдан йигитни таниди. Ана холос! У қизи Жаҳон бика-ку! Ана бу эғнидаги кўктемир ҳам, Абу Бакр Калавийнинг совути. Сигмай қолганидан, сандиққа ташлаб қўйганига кўп йиллар бўлган. Илгари ҳам қизининг бир неча марта олиб ҳавас қилиб кийганини эшитганди. Демак, онаси пинҳона олиб берар экан-да.

У даставвал Жаҳон биканинг тутумидан қаттиқ жаҳли чиқди, ташвишланди, қиз бола нарса бўлса... Жанг йигитлар иши... Шартта сирни очиб, Жаҳон бикани жангдан олиб қолмоқчи бўлди. Бирдан яна ўйлаб қолди: «Жаҳон-ку ёшлиқ қилиб «йигит» бўлиб жангга шайланибди. Бўлар иш бўлибди. Жаҳон бикани асли кейинги пайтларда тағин ўғирлаб кетишмасин дейишиб, эҳтиёт чораси сифатида йигитчасига кийинтириб қўйишмоқда эди ҳам. Элга ташвиш тушиб, ҳамма сафга ёзилиб шаҳар мудофаасига бел боғлаб турганда Абу Бакр Калавийдай оксоқол, кадхудо фарзандини мухорибадан олиб қоламан деб ўлтирса... Улус бунга нима дейдир? Одамларнинг шахтини қайтариб қўймайдирми? Ўзи ҳаммани юртни химоя қилишга чорласа-ю фарзандини аяса... Йўқ, бу мумкин эмас! Шамсулмулк бўлганда-ку, Жаҳон бика катнашмаса ҳам бўлар эди. Энди илож йўқ. Оғасининг ўрнига бир аскар... Юртни ёв босиб келганда уйда ўлтиролмаган «ожиза» анчайин йигитлардан устундир. Энди бу ёғи дим-дим, сир очилмаслиги керак... Ишқилиб, Оллоҳнинг ўзи асрасин...»

Сарбадорлар жамоаси оксоқоли тикилавериб Жаҳон бикани хижолат қилмасликка тиришди. Лекин мўйлабни ҳам зуптагина қилиб қўйибди, таниб бўлмайди... Абу Бакр Калавий юрагининг бир чети ачишиб турса ҳам, ичида қизининг жасур ва шаддодлигидан ғурур туйди.

Мавлонозода Жаҳонгирнинг ёшлигини назарда тутиб соқа сафига киритди. Аммо йигит рози бўлмади:

- Йўқ, мени илғор қисмга киритасиз!
- Бирон дайди ўқ тегиб ўлиб-нетиб кетманг, дейман...
- Ўлсам, шу юртни деб ўламен!
- Ёш экансиз...
- Ватан, юрт ёш-қарини танламайди, юрт учун ёш ҳам, қари ҳам бир хилда фарзанддир!

Мавлонозода у деса у деди, бу деса бу, Жаҳонгир айтганида туриб олди. Унинг далиллари мантиқли ва асосли эди.

— Айтганига йўқ деманг, Мавлонозода! Илғор сафга қўшинг! Шундоқ ўғиллар борлиги улусимиз толедир! — деди Хўрдак Бухорий Жаҳонгирнинг қатъий саботидан кўнгли сув ичиб.

Жахонгир Мавлонозода бошқарадиган илғор сафга кўшилди.

Ногахон юртга келган бало-қазо, қаттиқ ёмғир борлиқдан чанг-ғуборларни босиб кетганидай майда, шахсий гина-кудуратларни бир четга суриб ташлади. Олдинда улкан ташвиш турарди. Шу вайдан ҳам Абумансур рўйхатдан ўтмоқ учун келганида Мавлонозода хурсанд бўлди ва уни Ахий Жаббор бошқарадиган жавонғор сафига киритди.

Мавлонозода рўйхатни уч кун давом эттирди, бутун шаҳар аҳлини ҳисобдан ўтказди. Ҳар кимнинг жойи, вазифаси белгилаб чиқилди. Камонгарон кишлоғидан олиб келинган қиличу камонлар етганича қўшинлар аро тарқатилди. Ким қўлига таёқ олди, ким тош... Кўчалар чеплар билан боғлангач, шаҳар собит истехком қиёфасига кирди. Душман хавфини эшитгандан кейин шаҳарда ҳеч ким миҳжа қокмади. Самарқанд сарбадорлари хаёт-мамот жангига шайланар эдилар.

* * *

Чинос ёнидаги ғалабадан хаволанган Жета кўшини, мамлакат ҳукмдори Амир Хусайннинг юртни ташлаб қочганидан хабардор эди, шу сабабли шошилмай мамлакат ичкарисига қараб юрди. Илёсхўжахон кўшини йўлларда кўниб ҳордиқ олди, Хўжанд, Зомин ва Жиззахларни талади, одамларини қул қилиб Мўғулистонга жўнатди. Ҳеч қаерда қаршилиққа учрамади, аслида бундай тўсик бўлишини хаёлига ҳам келтирмасди. Олдинда Самарқанд турарди. Жета хони яхши билади, Самарқанднинг шимолий дарвозалари бобокалони Чингизхон босқини замонида бузиб ташланган, шаҳар ҳозирда қўрғон билан дуруст ўралмаган, унга кириш бағоят осондир. Туркистоннинг бош қалъаси олингач, Шаҳрисабз, Қарши, Солисаройга, ундан Балхга ўтадир. Темурбек билан алоҳида ҳисоб-китоб бор, Амир Хусайн билан эса алоҳида, уларни бир-бирига аралаштирмайди...

Жета кўшини Самарқанднинг Холвачилар кўчасига чошгоҳ пайтида кириб келди. Шаҳар сокин, гўё ҳамма кўчиб кетгандай туюлади. Чорсу майдонига олиб борадиган Холвачилар кўчаси очиқ қолдирилган, қандолат расгалари бўш, одам зоти кўринмасди. Ур-хо-ур солиб қий-қириб бораётган душман кўшини Чорсу майдонига чиқай

деган ерда улкан тўсиққа дуч келди. Кўча мустахкам чеп билан беркитилганди. Тўсилиб қолган отлар кишнашиб бир-бирига халақит бера бошлади, орқадан келаётган жангчилар эса олдинда кўчабанд борлигидан беҳабар отларига камчи босардилар. Бир фарсахча масофада тикин ҳосил бўлди, ҳеч ким ҳеч қаёққа кимирлай олмасди.

Шу пайт Чорсу томондан кучли довул саси эшитилди. Самарқанд мудофааси бошланди. Биринчи бўлиб кўчанинг охиридаги чеп «тил»га кирди, душман устига ўқлар ёмғири ёғилди. Бандни Мавлонозода бошлиқ сарбадорлар кўшинининг илғор қисми кўриқлаб турарди. Мавлонозода камонини олиб душмандан бирини — толиби илм назарида ўша аскарларга буйрук бериб турибди, бошига бўрк қўндирган, совутга ўралган отлиқ баджаҳл мўғул лашкарбоши бўлса керак — шинакдан туриб нишонга олди. Бу палла лашкарбоши ортига ўгирилди, юракка мўлжалланган ўк унинг курагига тегаб отдан кулаб тушди.

— Ёғийга ит ўлими! — кичкирди Мавлонозода.

Наърали садоларга садолар уланди.

— Ит ўлими!

— Ур-хо-ур!

Хамма шинаклардан ўқлар отила бошлади. Жаҳонгир ҳам катта шижоат кўрсатди. Хийла мерган экан, Мавлонозода унга тан берди, ўқи хато кетгани йўқ. Аммо ўзини эҳтиётсизроқ тутарди. Ёш-да... Бирдан бошни кўтармаслик ҳақида буйрук бўлса ҳам, саваш кизигида у билмай ётган жойидан туриб кетди. Отларнинг кишнаши, қиличларнинг жаранги, сурон остида ҳеч ким ҳеч нарса эшитмасди. Мавлонозода шитоб эмаклаб бориб Жаҳонгирнинг қўлидан шарт тортди-да, ерга ётқизди:

— Нима қилияпсен?! Эсинг жойидаму?! Бошинг кетади-ку, нодон!

— Ана бу ёғийни кўринг! Бандга тирмашиб чикмакчи бўладир! Ўшани тепаданок саранжом қилмакчийдим! — кичкирди Жаҳонгир.

— Чиксин, бандга чиксин! Кўявер! Чикади-ю, боши оёғимизнинг тагига тушадир, ўзга йўл йўқ! Ўлимига чикадир, баттол ўлимига! — халлосларди Мавлонозода. — Билиб қўй! Темир қондани бузсанг, бошинг кетадир, ха!

Мўғуллар энди зарба қайси томондан келаётганини билиб қолишди. Улар шинакларни мўлжаллаб камондан

ўқ ота бошлашди. Ҳалимқул шахна бирдан ёнидаги Соҳиб Чангалнинг шилқ этиб йиқилганини кўриб қолди. Дайди ўқ шинақдан ўтиб унинг томоғига тегибди. У тил тортмай жон берди. Ҳалимқул шахна найзани олиб ташлади. Эроний йигит Соҳиб Чангални юзини қиблага қаратиб ётқизиб қўйди. Фурсат йўқ, жанг давом этарди.

Энди Ҳолвачилар кўчасининг икки томонидаги пусуғлар ишга тушди. Сарбадорлар кўшинининг баронғори Хўрдак Бухорий аскарлари душманнинг чапидан, Ахий Жаббор бошлиқ жавонғор қисми ўнгдан ҳужумга ўтдилар. Ҳар иккиси ҳам мўғулларни ичкарига қўйиб юборишлари, душман илғор қисм билан тўқнашгач, жангга киришлари лозим эди. Душманга икки канотдан, томлардан найза-ўқлар ёрилди, қуроли йўқ сарбадорлар мўғулларни қора калтак ва тошбўрон остига олдилар.

Илёсхўжа лашкарбошиларидан Тўлан Буғо бутун кўшинга бақирди:

— Пистирмада қолдик! Ёғий бизни бўғмоқчи! Ортга! Ортга!

Турли томондан қилинган ҳужум мўғулларни шошириб қўйди. Бундай қаршилиқ бўлишини кутмаган душман катакка тушган йўлбарсдек ўзини у ёқдан-бу ёққа ота бошлади.

«Ортга!», «Ортга!» деган овозлар ёғий сафини пароканда қилди. Эртасига қаттиқроқ саваш қуришни дилга туккан Жета кўшини орқага чекинди. Икки мингга яқин ҳалок бўлган мўғул аскарлари кўчада қолиб кетди. Чекинаётган кўшинга ҳамла қилган Хўрдак Бухорий билан Ахий Жаббор аскарлари юзга яқин жангчини асир олдилар, ҳарбий ўлжалар қўлга тушди.

Чорсу майдонида манзил қурган Абу Бакр Калавий кўшин бошлиқларини тўплади. Ҳамманинг руҳияти яшнаган, дили равшан.

— Қаттиқ саваш қурдингиз, эй феъли ўткирлар! — деди сардор. — Бировнинг юртига бостириб келган ганимга адолатдан дуруст сабоқ бердингиз! Ҳар ким ўз жойида бўлсин, хордиқ олиб, чигилини ёзсин. Илло жанг тонг билан тикланур. Мушт еган душман қўтосдай қасосқордир. Хўш... жудоликлар юз бердимиз?

Биринчи бўлиб Хўрдак Бухорий сўз олди:

— Менинг сафимдан ўн беш жигаргўшамиз оламдан кўз юмди. Тун салтанати фуқароларидан беш нафар,

толиби илмлардан тўрт нафар, ғайридинлардан икки нафар, камонгаронликлардан тўрт нафар...

— Йигирма нафар карчиғайимиздан айрилдик... — хисобот берди Ахий Жаббор. — Наддофлардан тўртта, холвачилардан бешта, каландарлардан учта, Тун салтанатидан бешта, толиби илмлардан иккита, битта гунг йигит...

— Эллик нафар аскаримиз халок бўлди... — деди Мавлонозода. — Сохиб Чангалдан айрилиб қолдик... Ўн беш нафар толиби илм, йигирма нафар Тун салтанати фукароси, тўққиз нафар кулоллардан, қолганлари турли қавм кишилари эди...

Кейин ўлжаларни тақсимлаш бошланди.

— Бешдан бирини одатда ҳукмдор олади, — Абу Бакр Калавий қўшин бошлиқларига қаради. — Аммо, феъли яхшилар, сиз барчага баробар тақсим айлангаз! Бу сарбадорлар расм-русумидир...

Машварат алламаҳалгача давом этди. Сўнг қўриқчилардан бошқа барча уйкуга кетди... Фақатгина Абу Бакр Калавий ухламади. Майдонни айланиб посбонларни кўздан кечирди. Мавлонозода аскарлари олдида Жаҳонгир ҳам посбонлик қилаётган экан. Сарбадорлар сардори жанг давомида ҳеч кимга билдирмай қизидан бохабар бўлиб турди. Ҳозир ҳам ундан ҳол-аҳвол сўраб қўйгани ўша ёкка юрди.

* * *

Чўпон ота тепалигида чодир тиккан Илёсхўжахон аҳволни билиб, қаттиқ дарғазаб бўлди:

— Салтанат ҳукмдори Амир Хусайн, Темурбек қочиб қолган бўлса... Кимга қарши от сурдингиз, эй Тўлан Буғо? Кимга қарши от сурдингизу кимдан қочдингаз? Бир пайт сичқон деганимизга кўнглингиз чўкиб кетганди. Хе-хе-хе-хе! Кимсен, Жета хонининг Тўлан Буғодай лашкарбошиси қандайдир сарбадор деган каланғи-қасанғи, кўски одамлардан қочиб ўтирибди. Энди бўйингда бўладир!.. Туғасен!! — Илёсхўжа охириги сўзларини зувум билан айтди.

Жангда енгилиб кўзига дунё тор бўлган Тўлан Буғо ориятнинг кучлилингидан бу гапларга чидаб туrolмади. Шартта қиличини суғуриб Илёсхўжахон томон отилди!

Шункум баходир кўпдан бери унинг авзоини кузатиб турарди. Тўлан Буғо ўрнидан туриши биланок, ён томонидан боши аралаш қилич солди. Қилич Тўлан Буғонинг ўнг елкасини бўйнидан айириб қўйди.

— Даюс! — деди Тўлан Буғо... У энди Шункум баходир томон ўгирилди ва қадам қўймоққа уринди. Шункум баходир хайкиб ортига тисланди, яна қилич солмоқчи эди, улгурмади, Тўлан Буғо бир қадам босди-ю, гурс этиб йиқилди...

Илёсхўжахон тахтда жим кузатиб ўлтирарди. Бугунги мағлубиятнинг ўзи нохуш эди, аммо Тўлан Буғодай баходирдан айрилиши унга бағоят оғир ботди. Бу яхшилик аломати эмас!..

— Эртага жанг жилови Шункум баходирга тутказиладур! Хамма хордик олсин!

Хон бошқа сўз демади.

Чўпон ота тепасида баркашдай ой чиқди. Фир-ғир тунги шабада эса бошлади...

Эртасига мўғуллар жуда эҳтиёт бўлиб хужум бошладилар. Улар кўча охиридаги бандгача бордилар-да, нечундир, бирдан орқасига қочиб қолдилар. Бу хайрон коларлик ҳол эди. Сарбадорлар кўриб ҳеч нарсага туншунмадилар, мўғулларга нима бўлди, мағлубиятни тан олиб жанг майдонини ташлаб қочдиларми, деган хаёлга бордилар. Қувонганлар бўлди. Мўғуллар шу орада шаҳардан ташқарига чиқиб кетишди. Кўча тинчиб қолди.

— Хайрият! — кичкирди жангчилардан бири банднинг орқасидан. — Уруш тинди! Тинди!

— Тинди-и-и!.. — қўшилди бошқа жангчи.

— Душман ўз оёғидан йитди! — хайкирди Жаҳонгир.

— Нима, уруш тугадими?.. — хайратда сўради ёш жангчи. У Ҳалвойи кўшинидан, соқадан — илғор қисмга бугун ўтказилган эди. — Мен урушга кирмай туриб-а?

— Ҳеч бўлмаса душманнинг ортидан қувайлик, нега караб турибмиз? Етган жойимизда тилка-порасини чиқарайлик! — хайкирди эроний йигит.

— Тилка-порасини чиқарайлик! — қувватлади Жаҳонгир ва тез чепдан ошиб ўта бошлади. Бошқалар унга эргашди.

Баронғор сардори Хўрдак Бухорий илғор қисмдан жангчиларнинг банддан ошиб ўтаётганини кўрди, дарров уларнинг ниятини фахмлади: қочган душманни қувиб боришмоқчи! У Дадаалига буюрди:

— Тез ана бу жангчиларга айт, жойларига қайтишсин! Душман ўзини қочган кўрсатиб турибди. У ҳаммамизни шаҳардан ташқарига чиқариб олмоқчи! Кейин осонгина қиличдан ўтказмоқчи! Бу кўчманчиларнинг суйган усулидир. Ёв айёрлик қилмакда! Ҳозир яшиндай ортига қайтадир! Тез бўл! Чоп!

Дадаали кўчанинг ўртасига чиқиб олдинда келаётган Жаҳонгирнинг йўлини тўсди:

— Қайт! Фаним алдовига учма! У қочмаган, балки ўзини қочганга солган! Қайт!

Мавлонозода боқса, Жаҳонгир, келишган йигит тарин қоидадан чиқиб, ҳамманинг олдида душманни қувишга ундаб бораётир! Унга бир неча жангчи эргашган ҳам. Бунинг бари йигирма-йигирма беш қадам нарида содир бўлмоқда. Илғор қисм лашкарбошисининг кўзлари ғазабдан чакнади.

— Жаҳонгир! — Мавлонозода сакраб чепдан ўтдида, йигитга етиб олди. — Интизомни барбод қилганинг учун жазойингни тортажаксен! Начора!

У шартта қиличини суғурди-да, Жаҳонгирга ташланди. Бир чеккаси, лашкарбоши қатъиятини кўрсатиб қўйиши ҳам керак эди. Жаҳонгир бўш келмади, у ҳам қиличини қўлига олди. Терак бўйи кўтарилган офтоб қилични ярақлатиб юборди. Ўртада қиличбозлик бошланди. Эпчилликда ким илғор эканлиги сезилмасди, Жаҳонгир рақибининг хужумини усталик билан қайтарар, ўзи ҳам хужумга ўтарди. Атрофдагилар аралашини ҳам, аралашмасликни ҳам билишмас, бирор кор-хол юз бермасин, деб ташвиш чекишарди, холос.

Мавлонозода ҳеч устунликка эриша олмаётганидан жаҳли чиқа бошлади. У интизомни такрор бузган бу ўзбошимча аскарнинг таъзирини бериб қўйиши лозим! Токи барчага яхши сабоқ бўлсин, интизомни бузиш, русумга риоя қилмаслик нималарга олиб келишини билиб қўйсунлар! Мана унинг бир ҳамласи нишонга тегди, нимадир жаранг берди. Қилич кўктемирга тегиб қайри-

либ кетганди, Жаҳонгирнинг устидаги темир зирх унча мунча зарбани кўрдим демасди.

Жаҳонгир деганимиз ҳам тинмасди. Холисанлилло айтганда, қиз бечора чарчаб қолди, аммо орийат юзасидан Мавлонозода билан баробар олишарди. Одатда кураш пайтида юз берадиган қизғинлик, иштиёқ, жаҳду жадаллик васвасаси уни ҳам қамраб олди. Аммо унга қийинроқ: биринчидан, у савашда Мавлонозодани аяб боради, чунки рўпарасидаги йигитнинг кимлигини билди. Мавлонозода эса, аксинча, рақибининг кимлигини билмайди, шунинг учун аямай қилич ўйнатади.

Шу пайт Хўрдак Бухорий шошилиб улар томон кела бошлади, чапдан Ахий Жаббор ҳам унга қўшилди.

— Тавбангга таянасен хали! — тиш орасидан дерди Мавлонозода хансираб. — Кечирим сўрамагунигча қўймасмен!..

Жаҳонгир эса жангга берилиб кетиб кечирим сўрашни хаёлига ҳам келтирмасди. Мавлонозода ниҳоят рақибининг бошини мўлжаллаб қиличини ёнламасига солди! Жаҳонгир чап бериб қолди. Қилич дубулғанинг учига тегаб учириб кетди, қизнинг қора сочлари кўктемирнинг устига ажабтовур ёйилди! Қиличбозлик қилаётган йигит йигит эмас, қиз экан... Қиз бўлганда ҳам ким денг? Жаҳон бика! Ҳамма оҳ уриб юборди! Хайратга фарк Мавлонозода қиз бола билан жанг қилганига ер ёрилмадию ерга кирмади! Етиб келган Хўрдак Бухорий Жаҳон биканинг жасоратига тан берди:

— Баракалла! Сен қиз бола эмас, мард йигитлар каторидасен!

— Ие-ие! — дер эди холос Ахий Жаббор...

Мавлонозода тездан ўзини қўлга олди, севгилисининг шижоатидан дилида бемисл ғурур туйди, қиличини қинга жойлади-ю югуриб бориб Жаҳон биканинг дубулғасини учиб кетган ердан олиб таъзим билан қизга тутди:

— Сиз енгдингиз! Мағлублик жандасини эгнимга илурмен. Мана, бошим! Бир қошиқ қоним ихтиёрингиздадур...

Банднинг орқасидаги жангчилар орасида шов-шув кўтарилди:

— Қиз бола экан-а? Қаердан келгон у?

— Қиз боланинг қиличбозлик қилишини кўрингиз!

— Тўмарис! Тўмарис!

Жахон бика дубулғасини кийди, у нимадир демокчи эди, бирдан мўғулларнинг сурон солиб чопиб келаётгани эшитилди.

— Хамма жой-жойига! — бақирди камонмерган. — Айтмадимми! Мўғуллар хийладан иш чиқмагач, ортга кайтишди!

— Хамма жой-жойига! — такрорлади Мавлонозода ҳам нокулай вазиятдан қутулганига шукрлар қилиб...

* * *

Шункум баходир бошчилигидаги мўғуласкари шиддат билан бостириб келарди. Мавлонозода лашкари чепнинг орқасидаги шинаклардан хужум қилди. Хўрдак Бухорий билан Ахий Жабборнинг аскарлари мўғул қўшинини икки ёнидан қисти кафасга олдилар, палахмонлар ишга тушди. Сурон кечгача тинмади. Ҳар икки томондан ўлганлар бўлди.

Иккинчи кун ҳам иш чиқаролмаган душман, учинчи куни шаҳар аҳлидан совға-салому тансуқот талаб қилди. Буни эшитган Абу Бакр Калавий деди:

— Уларга берғон ҳадяю тансуқотимиз омонат жонларидир. Бошқа берадиган нарсамиз йўқ!

Мўғул лашкари энди шаҳар атрофини талаб, одамларни қул қилиб олиб кета бошладилар. Бу пайт Илёсхўжахонга нохуш хабар етди: мўғул аскарларининг отларига ўлат тегибди, майдон ичида бари бирдан ўлиб қолаётганмиш. У тезда Шункум баходирни чорлатди.

— Эй, улур хон! — тиз чўкиб деди Шункум баходир. — Отларимизга қирғин келди! Тўртдан бир улов қолди холос, сипоҳийлар пиёда... Отлиқ шаҳарни ола олмадик, пиёда нечук килурмиз? Қўшин ичра хавфу харос шабадаси эсадир, ожизлик ва саросималик саслари эшитиладир...

Илёсхўжахоннинг ковоғи тушиб кетди. Устига-устак, юртдан келган хабар ҳам Илёсхўжахоннинг тезроқ қайтишини тақозо қиларди. Юртда тахт учун линҳона кураш бошланибди. Самарқанд, Қарши, Шахрисабз, Солисаройлар забти... Амир Ҳусайн ва Темурбек билан хисоб-китоблар... Афсус, бари тағин кейинга қолди. Замон такрор найранг кўргизди...

У жанг оқибатидан хурсанд эмаслигини, кўнгли қаттиқ чўкканини яширолмади. Хоннинг ахволи жуда аянчли эди.

— Савашни тўхтатингиз! — фармон қилди Илёсхўжахон. — Юртга!..

Жангнинг тиниши ҳақидаги хабар қўшинга чакмакдай тез тарқалди.

Маънисиз жанг-жадаллардан хориб-толган, оила-ю бола-чақаларини совинган сипохийлар бир-бирларини: «Юртга ёнғаймиз! Юртга ёнғаймиз!» деб табриклашар, қувончларини яширишмасди.

Қайтиш бошланди. Борлар, отларини миниб олдилар, йўқлар, тиркишларни орқаларига боғлаб, ўз диёрларига пиёда юз қўйдилар. Бу мўғулларнинг сўнги бор хуружлари эди, ўша-ўша улар Туронзаминдан бутунлай илик тортиб кетдилар. Мўғул босқинчиларининг оёғи юртдан батамом узилди. Чингизхон истилосидан бошланган, қарийб юз эллик йил давом этган мўғул истибодига чек қўйилди. Буни Самарқанд сарбадорлари бошлаб бердилар.

Ўттинч иккинчи боб

ЖОМЕЪ МАСЖИДИДАГИ ХУТБА

Жума куни Самарқанд аҳли Жомеъ масжидига пешин намозига йиғилдилар. Масжид ховлиси мусулмонлар, косиблар, сарбадорлар, мусофиру мужовирлар билан тўлди. Имом Қутбиддин суннатдан кейинги фарзи айни бошламай туриб сомеларга юзланди, дона-дона қилиб хутба ўқимакка киришди. У одатда хутба ўқиганда бидирлаши йўқолиб кетарди:

— Аҳли мусулмонлар! Подшолик шукуҳисиз, голиб мард Самарқанд аҳли ушмундоқ бадкор ва ғаддор аскарлар билан бошма-бош келдилар. Фанимнинг шиддату иддаоларига баробар тарзда турдилар. Илло Жета сипоҳининг музаффарият ила чўзган қўллари шаҳар аҳлининг номусу молларига тега олмади... Хукмдорлар шавкату шижоатига муносиб черик саъй-ҳаракатлари билангина бўладурғон мулку мерос муҳофизати голиб жамоанинг қўлидан келди. Мангу мунгсиз эгамнинг мархама-

тидан душманнинг кизил юзи сариф бўлди, хуфтон кўнгиллар фаришта жамолидай ёришди...

— Иншоолло! — деб қўйди мударрис Хожа Лутфуллох.

— Ёришди, ёришди! — дейишди сарбадорлар.

— Улуснинг суянчи, мўминларнинг таянчи Амир Хусайн ўз жонини сақлайман дебон, бор жаҳонини ташлаб, юртни аждаҳо оғзида қолдирмакка кўнди. Бас, даврон дийдаси, кўхна дунё кўзи кўрсинким, Самарқандни бало-қазодан омон сақлаб қолган жамоа — сарбадорлар жамоасидир! Анинг тепасида фикру тадбирда оқил Абу Бакр Калавий, саодатманд Мавлонозода, довурак Хўрдак Бухорий камонмерганлар турдилар. Худои таоло аларнинг шаънларини пок этсун, домонларини олудалиқдан сақласун, обрўларини жаҳонларга тенг қилсун! Омин!

Хамма «Омин!», «Омин», «Тенг қилсун!» деб дуога қўл кўтарди. Сурон қўлди.

— Самарқанд сарбадорлари сардори Абу Бакр Калавий шаҳар султони, тангри таоло унинг умрларини зиёда қилсун, — давом этди имом Қутбиддин. — Юрт маснадига минадир, баским биз бул айёмдан эътиборан, яъни тарих етти юзу олтмиш еттинчи йилда, илон йили сафар ойи ўн бири жума оқшоми, унинг муборак номи ни хутбага қўшиб айтадурмиз ва жумла мўминларни яхши дил юзидан огоҳ этадурмиз! Ҳар жума номлари хутбада зикр этилур ва танга зарб қилинур!

Масжид ховлиси гувиллади:

— Буюрсин! Буюрсин! Султонимиз омон бўлсин!

— Одил пошшо! Одил пошшомиз яшасин!

— Оллоҳ-таоло марҳаматидан дариф тутмасин!

— Омин! Омин!

Олдинга қаторда чўкка тушиб ўлтирган шайхулислом Абулворис Самарқандий чархи кажрафторнинг бундоқ шеваасидан ҳайратда, бошини қуйи эгиб ўлтирарди. Ҳа, замон ҳеч қачон бундай ҳолатни бошдан кечирмаган... Қавомиддин қози Абу Бакр Калавийдай бир яланг-оёқнинг шунчалар мартабага эришганига чидай олмас, дунёнинг кўзи кўр эканлигига яна бир қарра имон келтирар, унинг ҳам дарди ичида... Маҳаллаларнинг бойлари эса индашмас, кўргилик-да, дегандай бош тебратиб ўлтиришарди, холос. Абумансур Жаммазабон девонбеги

ёнида чўк тушганди. «Абу Бакр Калавий юрт бошига чикди, у козикалондан баланддир. Бас, мен ўшанга йўл топмоғим жоиз...» дерди у ўз-ўзига. Сарбадорларнинг чехралари очик, улар тақдирнинг бу қадар илтифотидан бағоят мамнун эдилар.

Қавомиддин қози кутилмаганда минбарга яқин келди.

— Имом Қутбиддин хутбани чиройли ўкидилар, илло зиммаларидаги бурчни ухдаладилар. Самарқанд не-не ҳукамо кўрмади, хе-хе!.. Мана букун давлат курсисида қарор топган ардоқли Абу Бакр Калавий улар орасида энг мўътабар, энг манглайи ёруғ одил пошшолардан бўлғуси, иншоолло, худодан шуни тилайдурмиз... Инчунин мўътабар ҳукмдорнимиз Самарқанддай шаҳар ҳукмдориға хос шавқату шижоатига эга бўлмоғи лозимдир. — Қозикалон сукут сақлади. — Султонимиз зудлик билан Наддофлар кўчасидан Арк кўчасига, Самарқанд ҳокими хонадонига кўчиб ўтишлари даркор. Биз, шаҳар акобири аъёнлари ушбу сўровимиз инобатга ўтадур, дебон умидвормиз, илло...

— Умидвормиз!

— Ҳукмдоримиз раҳматли Садр Сулаймон хонадонига кўчиб ўтадир. Илло, девони олий, девони амлок, девони мушриф барчаси Аркда жо бўлмишдир. Садр Сулаймон хонадони, дедик... Илло қўнгилларига заррача келмасинки, киши хонадонига қадам ранжида қилурманму, деб... Ушбу хонадон, аслан уники ҳам эмасдир, бу ўзганинг ёдгоридир... Хе-хе-хе! Дерларки, ҳовли Кепакхон замонида бино бўлмишдир...

Қозикалон узоқ гапирди. У Садр Сулаймон замонида авому улус ахволи бағоят оғирлашганидан сўзлади. Авом-ку авом экан, ҳатто ўзи каби мансабдор бир одамнинг ҳам ҳеч косаси оқармагани, яхшиларнинг хор-зор бўлгани, закоту хирожнинг бемаза қовун уруғидай урчиб кетгани, ноҳакдан йилига неча марталаб ўлпон йиғилишини айтиб ўтди. Самарқанд ҳокимининг нуфузи ниҳоятда кучли эканлиги-ю, қозикалондай одамларнинг кўп сўзлари ерда қолиб кетганидан нолиди. Энди барини яхшиламак учун янга ҳукмдорнинг саъй-ҳаракати лозимлиги, ўзи ҳам шу йўлда белини маҳкам боғлашини билдирди ва бошқаларни ҳам сидқидил бўлишга, иншоолло, Оллохни эсдан чиқармасликка чақирди.

— Ажаб, — деди Хожа Лутфуллоҳ аста қози сўзини тугатгач, имом Қутбиддинга, — Садр Сулаймон замони-ни янги ҳукмдор олдида қорага бўяб ташладилар-ку қозикалон жаноблари? Намунча беқарорлик? Ахир Садр Сулаймон Самарқанд хокими бўлғонда, ҳозиргидек эсим-да, биринчи хутбадан сўнг ҳам Шохмалик қавчин замонидан норизо бўлиб гапирган, янги ҳукмдорни улуғлаб кўкларга кўтарғон эдилар... Бор-йўғи шунга икки йил бўлмакда, холос! Энди бўлса аксинча...

— Ўшанда ҳам, — пичирлади имом Қутбиддин. — Янги ҳукмдорни Шохмалик қавчин хонадонига кўчиб ўтмакка биринчи бўлиб даъват этмиш эди...

— Косам оқармади эмиш... Ажаб! — яна мударрис сўз олди. — Қозикалон ўзларининг нопок ишларига илонлар пўст ташлайдир. Ришвахўрлик, фахшбозлик унинг суйган касби, бу маънода Садр Сулаймондан қолишмасди, Хонлик оқа хонадонидан оёғи узилмасди... Ажаб... Ажаб... Сўзлагани тил айланмайдир! Ё Оллоҳ!

— Нимасини айтасиз, Хожа Лутфуллоҳ! Тағин янги ҳукмдор келса, бу замон устидан ҳам арз қиладир, овзи-га сикқанича марзава тўкадир!..

— Имонсизнинг иши бу, имонсизнинг иши! — мударрис қўл силтади. — Қози даъвогар бўлса, арзингни оллоҳ эшитсин, деган мақол шундан қолғон...

Жаммазабон девонбеги қози сўзларидан хайратга тушмади, аксинча, тўғри қилди, деган фикрга келди. Ахир янги ҳукмдорнинг қошида ишончга кириб олиши керак-ку! Ишончга кирмакнинг йўли, девонбеги назарида, учта, яъни: аввалги ҳукмдорни ёмонламак, унинг айбларини кўпиртирмак ва янгисига хушомад қилмакдир. Аслан бу уч нарсанинг аввалги иккиси бўлса кифоя, иккиси учинчисини келтириб чиқаради, бошқача айтганда, хушомад дегани шулдир. Уччови кўшилиб садоқатни пайдо этадир. Жаммазабон девонбеги ана шундай садоқат эгасидир, деган мартабага эришса кифоя. Унинг қозикалон сўзларига ғаши келган жойи бошқа: нега бу гапларни девонбегидан олдин айтадир? У Садр Сулаймонни Жаммазабон девонбегидан ортиқ билмайди-ку? Асли кўп нарсаларни билгувчи Худобанда эди, у ҳам тупроқ маҳаллалик бўлиб кетди...

— Ҳоким ҳазрат олийлари! — мурожаат қилди Жаммазабон девонбеги Абу Бакр Калавийга қарата. — Садр

Сулаймон яхши одам эдилар, ер бориб айтмасин... Лекин феъл-атворида эл-улус норозилигига сабаб жиҳатлар борлиги, мана, козикалон сўзларидан ҳам аён бўлди. Улус ҳақига, салтанат ҳақига хиёнат бобида ул зотнинг олдига тушадигани йўқ. Азбаройи гуноҳлари кўплигидан ул киши уятдан юзларини тупроқ остига яширдилар...

Жаммазабон девонбеги гапининг сарбадорларга, янги ҳукмдорга нечук таъсир қилмоқда эканлигини билмоқ учун туташ ўсиқ қошларини чимириб Абу Бақр Калавийни қидирди. Абумансурга эса худди шу нарса — Жаммазабон девонбегининг ношукурлик қилиб айтган сўзлари керак эди. У пайт келганини билди, янги ҳукмдорга садоқатини кўрсатиб қўймоқчи бўлди:

— Бу сўзларга ишонмангиз, султоним! — деб қичқирди у.

Ҳамма Абумансурга қаради.

— Ишонмангаз, султоним! Садр Сулаймоннинг гуноҳлари кўп, худо ҳам кўргизди, у ўзи боқиб олган қулвачча дастидан ўлиб кетди. Аммо ўша гуноҳларнинг ярми Жаммазабон девонбегига тегишлидир. Ўзим гувоҳмен, қишлоқлардан олинган хирожнинг ярмини ёнига олиб қоларди, ҳокимга эса раийятни ёмонларди, тафтиш қилдирмасди. Ҳокимнинг гуноҳлари кўплигидан юзини тупроқ остига яширди, деди. Аммо, тупроқ остига яширай деса Жаммазабон девонбегида юз йўқ, нимани яширади?..

Жаммазабон девонбеги Абумансурнинг бундоқ қилишини ҳеч кутмаган эди, шошиб қолди:

— Ие... ие... Абумансур! Туз-намак бўлувдик... Кўзинг шилпиқлашиб юрардинг, одам каторига киритувдим сени, туз кўр қилгур! Ит семирса эгасини копади, деган макол бор... Бас қил, эй ҳўл бало!

— Мақолингиз ўзингизга сийлов! — девонбегининг бикқидай семизлигига ишора қилиб деди Абумансур. У ҳамманинг олдида Жаммазабон девонбегини талашга турди. Унинг айбқоччилиги қолмади, иккиюзламачи деб атади, охирида янги ҳукмдор бундоқ кишилардан эҳтиёт бўлиши лозимлигини уқтирди. «Тўғри! Тўғри!» деб қувватлашар эди уни одамлар. Қавомиддин қози ҳам Абумансурнинг безбетлигидан ҳайратга тушди: «Оббо, зангар-ей! — деди ичида ўзига-ўзи. — Гап келди, деб чолвориниям ечворди-ку? Товонига тахтакач боғлаб жиш

бўлгунча калтаклатадиган хилидан экан-ку, хумпар! Билмас эканмен...»

Хутба жанжалга айланиб кета бошлади. Имом Қутбиддин издаҳомни тинчитмак мақсадида деди:

— Эй, аҳли мусулмон! Бировнинг маърақасини азага айлантирмакни ўйлағон ҳар қандай кас нодон саналадир. Бул маскан ҳар ким ўз душманига нафратини изҳор этадиган жой эрмас. Бул жой масжиддир, мангу мунгсиз эгамнинг кўргизғон илтифотига беадад шукр айлайдигон жойдир! Фақат ўзимнинг-мас, балки етти пуштимнинг ҳам савоби куймасун, деган киши ушмундок мубоҳасадан тийиладур! Шундок кунларга етказғонига шукрлар келтирадир! Шайтонга ҳай беринг, мусулмонлар!

— Маъкул сўзладилар, имом домла! — деб қичқирди Дадаали.

— Имонни унутмайлик! Тоат-ибодатимиз куйиб кетмасин!

— Мусулмонлар! Суронга эрк бермангиз! — деди шайхулислом Абулворис Самарқандий. — Филҳақ, аввалги ҳоким замонида эл-улус азият тортди. Авом очюпундир, эл осмон дастурхонидаги офтобу ой патиридан ўзга бутун нон кўрмасди. Аммо, гап бошқадир. Маълумингизким, пешин намозини бажо келтирдик. Хутба ўкилди. Имом-хатиб Қутбиддин юрт маснадига окилу доно Абу Бакр Калавий чиққанлигини аён этди. Бас, биз ўтғонни кўяйлик, янги ҳукмдоримизни муборақбод айлайлик!

Атрофдан маъкулловчи овозлар эшитилди.

Абу Бакр Калавий олдинги қаторда Уста Кулол, Хўрдак Бухорий, Мавлонозода ва Халвойилар ўртасида чўк тушганди. У пахтагуллик жома кийиб олган, бошида кичик салла, чўяндай қора юзидан қувонганини ҳам, ташвишланганини ҳам билиб бўлмас, гоҳ-гоҳ шоп мўйловини силаб қўяр, қўй кўзлари жиддий боқарди. Одамларнинг гапларини синчиклаб эшитар, у гапларнинг ўзига алоқадор эканлиги кўнглининг қаеригадир жизиллаб тегар, вужуди яйрарди. Масжид ҳовлисини тўлдирган одамлар, бутун шаҳар аҳли, казо-казоси энди унинг бир оғиз сўзини кутиб турибдилар. У султон, Самарқанддай машхури жаҳон гулистон шаҳар султони, одил пошшоси! Шаҳар мана энди фозил шаҳар бўлажак! У юрт

маснадига минди, бас — ҳамма юмуш кўзланган йўлда рўёбга чиқажак! Фармон айлайди, вассалом!

Абу Бакр Калавий атрофига, дўстларига қаради: энди улар шаҳар ҳокимининг фармониغا мунтазир бўлишадди, дўстлари, сарбадорлар, ҳамма — қозикалон ҳам, шайхулислом ҳам, бошқаси ҳам! У баланд кўшкни тасаввур қилди — чиройли ойнаванд нақшин кўшқда тахт қўйилган, унда Абу Бакр Калавий ўлтирибди, пастда эса бутун шаҳар аҳли — уларнинг ичида дўстлари ҳам бор, унга меҳр тўла кўзларини тикишган... Улар фақат бир одамни — юрт султони Абу Бакр Калавийни кўрадилар, холос. У эса одамларга эмас, олисларга боқади, вужудида жам бўлган ҳокими мутлақлик, ҳақ, ихтиёр, ирода, иқтидор туйғуларидан ўзини бақувват сезади... Ҳокимият инъоми, фармон қила билмак нашъаси, бахти унга насиб этди, унга, Самарқанд сарбадорлари жамоаси оқсоқоли, кечаги наддоф, бугунги юрт султони Абу Бакр Калавийга, одил пошшога!

Самарқанд ҳокими Абу Бакр Калавий бундоқ хаёллардан хайрон бўлди, улар кўнгилга ўғринча кириб олгандилар. Уғринча кирган нарса чиқиб кетмасликка ҳаракат қилиб, ўзини ҳар пучмоққа уради. У бошқа одамга айланиб қолганга ўхшади, нечундир ёт хаёлларни ўзидан ҳайдаб юбора олмади, тўғриси айтганда, ҳайдашга астойдил уринмади ҳам. Юрт султони бундоқ хаёллар одами яққалантириб қўйишини, эл-улусдан айириб юборишини ҳозирча билмасди. У хаёллар — кибру ҳаво, бемахал келган ғурур хаёллари эди.

Одамлар эса гапдан тўхтамасдилар. Самарқанднинг манглайи ёруғ шаҳар эканлиги, унинг жуда кўп ҳукмдорлар кўргани, фирдавсмонанд маконга айлангани, Чингизхон истилосидан сўнг вайрон бўлгани, Кепакхон, Тармаширин, Амир Қозорон, Амир Абдулла, Баён сулдуз, Амир Ҳусайн салтанати ва ниҳоят, мана одил подшо юрт маснадига мингани борасида сўз кетди. Абу Бакр Калавийни султони ислом дейилди, етти иқлим шаҳаншохи, арзандаи само, ғолиби ғаним деб аталди. Гап орасида одил пошшонинг фазилатлари ҳам айтиб ўтилди. Мавлонозода, воизлар сўзидан Абу Бакр Калавийдек саллани кичкина қилиб ўраб юриш ҳам ажойиб фазилат эканлигини билиб олди. Одил пошшонинг турган-битгани фазилат экан, соҳиби илм, ақли тийрак, фасоҳат-

манд, чакқон, зехни солим, уйғун таъ, дўстига содик, тавонолиғ унга ёрдир... «Муаллими соний Абу Наср ал-Форобий фозил шаҳар сардориди ўн икки фазилат жам бўлсин, дегандилар. Абу Бакр Калавийда ҳозирнинг ўзида фазилатлар ундан ҳам ошиб кетди-ку? Демак, шаҳарга бир ўзлари ҳокимлик қиларму эканлар! У ҳолда Хўрдак Бухорий ва Мавлонозода нима билан машғул бўлурлар?.. Фозил шаҳарни уч киши бошқарурми ва ё бир кшпи?..» Мавлонозода ана шуларни хаёлидан кечирарди.

— Эй, аҳли мусулмон! — деди яна имом Қутбиддин. — Машойхлар дерларки, юрт соҳиби, тахтга мингон зот ҳамма жихатдан ибрат эгаси бўлмоғи жойиз. У жангларда ботир, арслон юракли, қоплон билакли, айикдай хийлакор, буқадай қасоскор, нортуйдай кекчи, зағизгондай сергак, сорлочиндай кўзи ўткир, инсондай комил бўлмоғи даркор! Мана, юрт эгаси Амир Хусайн андоқ бўла олмади, валлоҳ анинг зиён-заҳмати буткул мамлакат баробаридадир. Бас, айрим каломлардан кўнгилларимиз тугилиб қолди. Тугилгон кўнгилни султон сўзи ёзадир. Ҳокимимиз фуқароларидан икки оғиз сўзларини дариг тутмасунлар! Дариг тутмасунлар!

— Мунтазирмиз! Одил пошшомиз исмига яраша адолатли бўлса кифоя! — кичкирди сарбадорлар.

— Мунтазирмиз! Сўзласин! — қўшилишди Тун салтанати фуқаролари.

— Одил пошшо сўзласин! — хайқирди толиби илмлар.

Ҳамма Самарқанд ҳокими Абу Бакр Калавийни минбарга чорлаб сас берарди. Шайхулислом Абулворис Самақандий бу ғаройиб издаҳомга боқиб ҳануз хайрат бармоғини тишлар эди. У мана бешинчи мучални ҳам ўринлатиб қўяй деб турибди, не-не хутбалар иштирокчиси бўлган, не-не ҳукмдорлар, салтанат эгалари номини зикр этганларини кўрган. Аммо хутбанинг бундоқ хилини илк бор кўриши. Ҳа, ҳа, илк бор кўриши! Пешин намози адо этилгач, фарзи айн бошлашдан олдин ўқиладургон хутба мухтасар, ҳар қандай баҳсу муноқашадан ҳоли бўлгучи эди. Бу сафар эса хутба жанжалу тортшпувга айланиб кетди. Ҳа, ўзга замон келди, сарбадорлар замони. Уларнинг расм-русми не деса бош эгмоқдан ўзга чора йўк...

Самарқанд султони, сарбадорлар сардори Абу Бакр Калавий сўз айтмакка тараддудланганда масжид ховлиси сув куйгандай жимжит бўлиб қолган, сукунатни Чорсу майдонининг у четида — бозор дарвозаси рўпарасида қий-чув ўйнаб юрган болақайларнинг шовқинигина бузарди.

— Мухтарам Самарқанд ахли! Мусулмонлар! Дину ислом ақобирлари! Юртнинг улуғу кичиклари! Бугундан эътиборан билингким, эй феъли яхшилар, янги замон келди, сарбадорлар замони! Термизу Фарғона, Тошкенту Бухоро ахлидан элчилар етишиб, бизнинг йўлимизни тутмакчи эканликларини холисанлилло билдиришмакда. Сарбадорларнинг эътиқодларидан бири ушбудир: «Хокимлар зулму истибдод туғини юксак кўтарадилар. Агар ҳақ-таоло қўллаб юборса, биз истибдод туғини йикитгаймиз, зулм зангини ҳаёт оинасидан кеткизгаймиз. Борди-ю, енгилсак, бошимиз дорга тортилсин! Сарбадор!»

— Сарбадор! — гувиллади масжид ховлиси.

— Сарбадорларнинг саъй-харакати ила юртимизда хуррият насими эсди, Илёсхўжахондай ғаддорнинг нопок қадами етмади, золим ва беандиша жамоанинг илди-зи кесилди... — Абу Бакр Калавий бир оз ўйланиб давом этди. — Сарбадорларнинг эътиқодларидан бири ушбудир: «Заминдорлар, бойлар, барча ерларни, мулкни идора этурлар, ҳаётнинг ноз-неъматларига соҳиблик қилурлар. Тасарруфоти ўз билгиларичадир. Сарбадорлар улардан ана шу бойлигу сарватни тортиб олгусидир ва барчага — толиби илму гадога, косибу заминдорга, мусулмону ғайридинга баб-баравар тақсим айлайдир. Ҳамма тенг бўлмоғи даркордир. Дўкон-у тегирмон, мадраса-ю хонақоҳ карвонсаро-ю бозор — бари-бари сарбадорларнинг умумихтиёрига топширилур. Баски, шаҳар бир-икки кишиники эмас, авомунносники бўлур, эй феъли аълолар! Барча бир хил либос киюр, бир хил таом тановул қилур. Инсонлар бирдай туғиладилар ва шунга кўра улар тенг ҳисобланурлар. Бизлар барча кишиларни тенг ҳуқуқли қилмак, Оллоҳ яратган ноз-неъматларни жамоа ўртасида баб-баравар баҳам кўрмак учун тиним билмайдурмиз ва чекинмайдурмиз. Борди-ю, бу йўлда мағлуб бўлсак, бошимиз дорга тортилсин! Сарбадор!»

— Сарбадор! — кичкирди оломон.

— Муаллими соний Абу Наср ал-Форобий, ватандошимиз, фозил шаҳарни орзу қилмиш эди, — давом этди сўзини сарбадорлар султони. — Фозил шаҳарда зоҳирий вазифа шаҳарни мудофаа этмак, истилочилардан омон сақламакдан иборатдир, ботиний вазифа — улусни бахтли-саодатли қилмакдир. Бахт-саодатга эса йўл маърифат боғидан, тарбия чаманзоридан ўтадир, эй феъли хушлар! Шаҳарни фозил шаҳарга айлантирмак йўли, обод этмак чораси савдо ила ҳалол манглай теридадир. Улуснинг ўзи сайлаган ҳукмдор улусга хизмат қилур. Фозил шаҳарда ҳукмдор ҳам бўлмас, тобе ҳам. Сарбадорларнинг эътиқодларидан бири ушбудир: «Самарқандимизни фозил шаҳарга айлантирурмиз, унинг эли бахт-саодат соҳиб-би бўлур! Агар шундок кутлуғ йўлда толе биздан юз ўгирса, бошимиз дорга тортилсин! Сарбадор!»

Бу гал қудратли садолар шаҳарнинг пучмоқ-пучмоқларигача етиб борди. Сарбадорларнинг волибона саслари еру кўкни тутиб кетди.

Бирдан ҳамманинг кўзи гуллик оқ кийгизни кўтарганча ҳаллослаб келаётган мамнун Жаммазабон девонбегига тушди. Гап шундаки, янги ҳукмдорнинг юрт маснадига чиқиш маросимида яна бир фасл бор бўлиб, хутба ўқилгандан сўнг султон кийгизга ўтказилмоғи керак. Жаммазабон девонбеги бир гуломни уйга физиллатиб кийгиз олдириб келди.

Абу Бакр Калавийни оқ кийгизга ўтиргиздилар. Кийгизнинг бир учини Мавлонозода, Хўрдак Бухорий, Уста Кулол, Ҳалвойи ушладилар, иккинчи чети шайхулислом Абулворис Самарқандий, Қавомиддин қози, Жаммазабон девонбеги, мударрис Хожа Лутфуллох, имом Қутбиддин ва Абумансурлар кўлида бўлди. Учунчи четини Шаҳриёр бошлик Тун салтанати фуқаролари, тўртинчи четини толиби илмлар — Қалтатой ва бошқалар, Дадаали ҳам шу ерда эди, ушлаб борардилар. Кийгизнинг чеккаларини ушлаганлар беадад бўлиб, ҳамманинг чехрасида хурсандчилик ва ҳайрат аломатлари сезилар, ҳамма кийгизга ҳеч бўлмаганда кўл учини теккизиб қолишга уринарди. Бунинг бошқа сабаби ҳам бор эди, маросимда четда туриш хатарли саналар ва янги ҳукмдорга душман экан-да, деган фикр уйғотиши мумкинлигидан чўчишарди.

Абу Бакр Калавий оқ кийгизда ўлтирар экан, хаёлига ҳалиги кўшк келди: ана у тахтда ўлтирибди, пастда эса бутун шаҳар аҳли унга меҳр тўла кўзини тиккан. Улар фақат бир одамни — Абу Бакр Калавийни кўрадилар холос. Самар-қанднинг одил пошшоси эса уларгамас, олисларга боқади, ҳокими мутлақлик, ҳақ, ихтиёр, ирода, иктидор туйғуларидан ўзини пуркуч ва бақувват сезади...

Издаҳом сурон ичида Чорсу майдонига чикди-да, хонақоҳ олдидан ўтиб, Арк кўчасига — Самарканд ҳокимларининг доимий маскани Аркка қараб юрди.

Ўттиз учинчи боб

САЙИЛ

Бор-йўғи бир неча кун аввал Абомуслим Худобанда ва Садр Сулаймонларнинг фожиали ўлимига гувоҳ бўлган Чорсу майдони бугун тонгсахардан яна гавжумлаша бошлади. Кишиларнинг руҳи баланд, кўнгиллардаги фараҳ, чехралардаги нур табиатга ҳам кўчди — эрталабдан кун чараклаб чикди, осмонда бир парча ҳам булут кўринмасди.

Майдоннинг Бозоркўча бошланадиган жойида морбоз Лакшман одамлари дор тикишмоқда, карнай-сурнай овози эшитилади. Ҳолвачилар кўчасининг бошида Ҳалвойи маҳалласи кишилари муваққат дўконларда холва, тутталқон, новвот, нишолда, печак, пашмак, шинни-ю мурабболар сотишар, жужукларнинг тансиқ ширинлиги — сарик, кўк, кизил рангларга бўялган хўрозкандлар нигоҳни қувнатарди. Нарирокда кимдир катта дошқозонга ўт қалар, пишай деб қолган шўрванинг ҳиди димоғлардан кетмасди. Бир чол, набираси бўлса керак, мўнди болакай билан иккиси чўк тушишиб нўхатшўрак уришмоқда. Тун салтанати фуқароларидан бири болага кўз кисиб ўтди:

— Нўхат едингми, бас, эҳтиёт бўласан-да... У ёғинни маҳкам қиласан...

Бола бу хазилга кулиб кўяди.

Майдоннинг ўртасида кизикчи, масхарабозлар ҳам томоша кўрсатишга тайёрланишмоқда, ундан нарироқда

кураш тушишмоқчи бўлган полвонлар ивирсиб юришади. Хўроз уриштиргувчилар, ит жанги ишкибозлари ҳам бўлажак ғалабалар нашъасидан маст кезишади. Хар ёқдан шодлик оҳанглари эшитилади.

Абу Бакр Калавий мана салкам элликка қадам қўймоқда, аммо шаҳарда шундоқ сайилнинг бўлганини эслай олмайди. Отасидан эшитгани бор: юз эллик йилча аввал Муҳаммад Хоразмшоҳ замонида Самарқандда бир сайил бўлипти. Хоразмлик машшоқлар, фарғоналик полвонлар, хўжандлик дорбозлар иштирок этишган экан ўша сайилда. Бир ҳафта давом этган эмиш. Бу сайил ҳам уч кечакундузга чўзилади. Чиндан ҳам халқ сайли бўлади. Сарбадорлар замонасининг сайили сифатида хали уни авлодлар улуғлаб гапириб юрадилар. Жафодийда юрт мислсиз азоб-уқубатлар эвазига ёзилиб байрам қилаётир.

Сарбадорлар султони Абу Бакр Калавий Хўрдак Бухорий ва Мавлонозода билан майдонни оралаб юришар, соддагана кийиб олишганидан, кўпчилик уларни танмасди. Шаҳарда ҳеч ким уйда қолмаган, каттадан-кичик сайилга чиққан, бу ерда оқ яқтак устидан тўн кийган, одмигина салла ўраган чоллар, байрам қилиб ясанишиб олган аёллар, қизлар, қувончидан ўзини қайга қўйишини билмай шаталоқ отиб юрган болақайлар, бева-бечоралар, тул-туғсоқлар, гадолар, каландарлар, дарвишлар, мусофирларни учратиш мумкин. Самарқанднинг атроф қишлоқлари — Хартанг, Ведар, Совғончи, Қундузак, Кумушкент, Хожай Калон, Соғарч, Хожа Фунжора томонларга қувончли хабар етиб борган, сайилга ўша ёқлардан ҳам кўп одамлар келишган эди.

Абу Бакр Калавий шериклари билан бин садоси эшитилган томонга — Бозоркўча бошига, Лакшман томоша кўрсатишга ҳозирлик кўраётган ерга қараб юрди. У оқ ковок билан ғаров найчасидан ясалган бин деган чолғу асбобини овозиданоқ танийди. Илон ўйнатувчиларнинг одатига кўра, болалар саккиз-ўн ёшидан бошлаб бин чалишни ўрганишади. Бин ҳам томошабинни чорлайди, ҳам илонларга «илҳом» беради. Кумар бин чалишнинг хавосини олганди. Лакшман меҳмонларни кўриб уларга пешвоз чиқди. Уччовини ардоқлаб Тримурти деб атади. Ҳиндларда оламни идора этгувчи уч олий тангри — Барохим, Вишну, Шивани Тримурти дейишарди. Ал-

Форобий ҳам фозил шаҳарни уч киши бошқарсин, деб бежиз айтмаган. Балки ўша Тримуртидан олгандир? У ёғини Лакшман, афсуски, аниқ билмайди.

— Томоша кўрғони келдик! — деди Абу Бакр Калавий.

— Бош устига! — Лакшман ҳиндча салом берди. У Кумардан бинни олиб ўзи чала бошлади. Қовоқдан сарғиш-кулранг бўғма илон ўрмалаб чиқди. Илоннинг бошидаги рангин нақшлари, иттифоқо, унинг думида ҳам такрорланарди. Бу илон одат бўйича, олти ой боши билан, олти ой думи билан ўйин кўрсатарди. Хозир навбат думники эди. Илоннинг думи билан «ракс»га тушиши томошабинларни жуда завқлантириб юборди, айниқса болалар ўзларини тутишолмай қий-чув қилишарди. Бўғма илон томошаси тугагач, бин чалиш навбати Кумарга ўтди. Лакшман гулдор қовоқдан энди бир қулочча келадиган чипор илон чиқарди. Илонни аввал белига, кейин бўйнига ўради, бошини эса оғзига, кўзларига олиб борди. Сўнг каттагина қовоқдан бир неча ўқилонни олди, бирини кўйлаги ичига тикди, бирини қалпоғининг тагига солди. Илонлар морбознинг гоҳ қўлтиғидан, гоҳ ёқаси, гоҳ енгидан чиқишиб, қовоққа қараб ўрмалаб қолишар, Лакшман эса бунга қўймас, барини йиғиб, етмайдиган қилиб одамлар томонга отар, бундан томошабинлар сурон солиб, ваҳимада ортга тисарилишарди.

Лакшман катта гулдор қовоқни ўртага қўйди, ўзи бин чалишга турди. Ҳамма кутган зўр томоша энди келди, навбат капча илонга етди. Капча илон тутилгандан кейин одатда юқори жағидаги иккита заҳарли тиши қоқиб олинади, ўрни куйдирилади, йўқ эса заҳари қолади. Шундан кейингина уни томошаларга олиб чиқиш мумкин бўлади.

Зорли мусика сасини эшитган капча илон секин қовоқдан бош кўтарди. Бир тирсак баландликка кўтарилган илоннинг бўйнида кўзойнак расми аниқ кўриниб турарди. Куй сеҳрига берилган илон гоҳ ўнгга, гоҳ чапга чиройли тебрана бошлади. Одамлар: «Қойил!» «Тасанно!» деб қичқиришарди. Кумар пайтдан фойдаланиб қўлида коса тутганча давра айланар, одамлар жаранглаб унга танга-чақалар ташлашарди.

Абу Бакр Калавийлар дор ўйинини кутишмай, мадраса томон юрдилар. Турли чодирлар тикилган майдон

чаманзорни эслатарди. Хар хил касб эгалари ўз хунарларини намойиш этиш учун сайилга чиқишган. Наддофлар маҳалласи кишилари пахтадан оқ минора бунёд этишибди, минора худди фалакка ўрлаган бурама зинапояни эслатади. Бозоркўчалик кўнчилар эса ёғочсозлар билан бирга иккита ажойиб тахтиравон ясашиб, икки туяга ўрнатишибди. Тахтиравоннинг тепасида худди кизларнинг чилвир сочидай ўрилган шокилалар туя лўкиллаганда бир-бирига тегажаклик қилишади. Тахтиравонлардаги иккита гўзал раққосанинг бири чилдирма чалар, иккинчиси рақс тушарди. Туялар шу тахлит майдонни айланишар, қараганнинг кўзини ўйнатарди.

Қаландархона кўчаси бошида ҳар хил «жанг»лар кетарди, бу ерда ҳам одамлар гавжум. Чап томонда ит уриштиргувчилар тўпланишган, итларнинг ваҳшатли ириллашлари майдоннинг бошқа тарафидан таралаётган мусика садоларини босиб кетмоқдайди. Ўнг томонда бўлаётган хўрозлар жанги жуда кизгин шекилли, одамлар оламнинг қаердан ўтиб кетаётгани билан шплари йўк: «Бос, Дакан!» «Теп, Бабақ!» деб кичкиришади. Бабақ деганлари баҳайбат хўроз бўлиб, тожи чўқилаверганидан кип-кизил конга бўялган, кўзларини ҳам илғаш қийин... Дакан хўроз эса Бабаққа қараганда хийла чоғроқ, тепишавериб холдан тойган, унинг устига, чап оёғи лат еганидан оксоқланарди.

Бабақ хўрознинг эгаси бутун Самарқандда машҳур хўрозбозлардан бўлиб, Исмоил хўрозбоз дердилар. У хўроз уриштириш учун бошқа шаҳарларга — Бухоро, Тошкент, Шаҳрисабзу Қарши, Зоминларга ҳам боришдан эринмас, кўп жангларда ғолиб чиқарди. Хўрозни жўжалигидан парвариш қилиб ўргатган Исмоил хўрозбоз шунинг орқасидан бойиб кетган, ўзига тўқ, бадавлат эди.

Даканнинг эгаси эса Шокир хўрозбоз деган, «боз»лар оламида унча номи чиқмаган, кўпчилик танимайдиган, қотмадан келган бир киши. У жим ўлтирар, Дакан ҳар сафар тепки еганда, шўрликнинг бағри увалгудай майишиб кетар, жуссаси яна ҳам кичрайиб бораётгандай туюларди. Ганакка гилам, талай пул, бир хўкиз тикилганди.

Қийқирик авжга мина бошлади. Гап шундаки, Дакан кутилмаганда хужумга ўтган, кетма-кет Бабақни тепиб,

чўқиб бир четга суриб кўймоқдайди. Одамлар Даканнинг жасоратидан жунбушга келган, Исмоил хўрозбоз ўрнидан туриб кетай-туриб кетай дер, фақат Шокир хўрозбоз гужанак бўлиб олганча, жангни жим кузатарди.

— О, яшавор-е! Оқсоқ оёғи билан тепди-я!

— Дакан хўроз — аканг хўроз!

Абу Бакр Калавий овоз келган томонга қаради: Тун салтанати фуқароси шопмўйлов Ахий Жаббор томошабинларнинг олдинги каторида, берилиб жангни томоша қиларди.

Мавлонозода фақат Ахий Жабборни эмас, балки томошабинлар ичида бошқа танишларни ҳам кўрди, Бобо Султон, Насафий... Ие, толиби илмлар ҳам шу ерда-ку! Калтатой, яна аллакимлар...

Бабак Даканнинг ҳамласини даф этиб, ўзи хужумга ўтди. У қанотларини ёзиб, патлари тикка-тикка бўлиб кетган бўйнини чўзганча рақибига хезланиб кела бошлади. Шу топда у кўйлакни ҳам ечиб отиб юбориб муштлашишга кирган жангари йигитчага ўхшарди. Аммо яна Дакан хужумга ўтди. Шарт сакраб Бабакнинг тожини қаттиқ чўқиб тишлаб олди. Икки хўроз судраклашиб юришди, Бабак тортар, Дакан эса кўйиб юбормасди. Бабак жаҳл билан силтанган эди, иккиси ажралиб кетдилар. Бироқ Бабак тожидан бир парча Даканнинг тумшугида қолди.

Мавлонозода хўрозларга боқиб, хаёли ҳаётнинг шўришу ғавғолари, мири кам дунёнинг турфа шеваларига кетди. Расамад шундок: дунё ким учундир ҳаёт-мамот жанги, маъракаи майдон, ким учундир томоша. Бабак билан Дакан ўлиму ҳаёт аро жанг қилишмоқда, одамлар эса, бир-бирингни ўлдир, қани, қайси биринг чиройли ўлдирар экансен, дегандай гиж-гижлашади, баҳслашишади. «Ал-дунё ёвмун», яъни дунё бир кундекдир, деган экан, бир шайхулмашойих. Шундок қисқа муддатда инсон намунача бир-бирига ёмонликни раво кўрадир, пайини қирқадир? Инсон эса, Мавлонозода фикрича, тараккиётга ривож бергувчи, бу ёруғ дунёга кўрк саналгувчидир. У ривож топмаса, олам ривож топмас, сувлар окмас, шамоллар эмас, тоғлар коим турмас...

Бирдан Мавлонозода Наддофлар кўчаси бошида майдонга кириб келаётган Жаҳон бикани кўриб қолди. Ёни-

да онаси Қорасоч бика, яна бир қанча аёллар ҳам бор эди. Йигит ўша ёкка учиб боргиси келди-ю, пайти эмаслигини билиб, ўзини тийди. Лекин кизни кўздан қочирмасликка, илож борича у билан кўришмакка қарор қилди.

Тожининг бир парчасини ракиби оғзида кўрган Бабақ қазабланиб орқага тисарилди-да, қаттиқ қақаглаб юборди ва шиддат билан Даканга отилди. Икки хўроз бир-бирига қаттиқ зарбалар берди. Жанг шиддатига чидай олмаган Дакан бирдан «шилк» этиб кулади. У ўлиб қолган эди! Буни ҳеч ким кутмаганди. Бабақ: «Кучимни кўрдингми?» дегандай ўртада ғолибона юрарди. Одамлар: «Вох!» деб юбордилар.

— Дакан зўр экан! Охиригача курашди-я!

— Дакан хўроз — яшанг хўроз!

— Хўроз ҳам йигитнинг мардига ўхшайди-да! Қочмайди!..

Абу Бакр Калавий бир нарсага тушунолмади: Бабақ ғолиб келди-ку! Нега одамлар Бабақни олқишламай, ўлиб қолган Даканни кўпроқ мақташмоқда? Хўрдак Бухорий ҳам Даканга қойил қолганлигини айтди. Мавлонозодага қараганди, у қаёққадир кетибди, йўк... «Ёш-да толиби илм, ёш...» деб қўйди ичида.

Бутун жанг давомида ғужанак бўлиб ўлтирган Шокир хўрозбоз энди сал қаддини ростлади, лекин юзи жиддийлигича қолди. Исмоил хўрозбоз пишиллаб ўрнидан турди-да, Шокир хўрозбознинг олдига келди. Ҳамма жим бўлди. Шундагина Арк кўчаси билан Хонқали кўчаси томондан қарнай ва сурнай овозлари баралла эшитилди.

— Шокир! — деди Исмоил хўрозбоз. — Хўрозинг мард чикди. Хўроз экан... Ҳолдан тойганига қарамай, майдондан қочмади. Майдонда ўлди... Русумга кўра, майдондан қочмай, сўнгги нафасигача жанг қилиб жон берса, ўша ғолиб топиладир! Ганақдаги моллар бари сеники, ҳалол ютдинг, олавер!

Одамлар: «Баракалла! Баракалла!» дейишар, бир-бирлари билан ажойиб жанг таассуротларини ўртоқлашар, Даканни мақташар аммо, кизифи, унинг ўлиб ётгани билан ҳеч кимнинг иши йўк эди.

Оломон энди Арк кўчаси томон оқа бошлади. Абу Бакр Калавий билан Хўрдак Бухорийлар ҳам ўша ёкка

равона бўлдилар. Арк ва Хонқали кўчалари ўртасида мурабба шаклида кунбеткай катта сахна барпо қилинган, орти айвон эди. Айвон, сахна ипак матолар, кундалу кимхоб билан безатилган, гулдор гиламлар ташланган. Ичкарида ўлтирган созанда-ю машшоқлар ўз асбобларини созлаш билан овора, томоша ҳали бошланмаганди. Шу пайт Бозоркўча томонга қараган одам дор ўйинларининг бошланиб кетганини кўрар, баланд дор устида Кумар барчанинг юрагини ўйнатиб чаппор уриб юрарди.

Муסיқа бошланди.

Даставвал сахнага иккита қизиқчи «от ўйини» кўрсатгани чиқишди. Ясатилган «от»ларни, икки қизиқчи «мини» олишган, улар пойгада қатнашишмоқда. Отлар жойидан жилмасдан шундай чиройли чопишардики, одамлар кулиб ичаги узилай дерди. Олача ёпинчиқли от анча «илдам» бўлиб, қизил ёпинчиқликка етказмасликка ҳаракат қиларди. Биринчи от бирдан қоқиниб, ўмбалоқ ошиб кетди. Қизиқчи «от»ини силаб-сийпаб турғизишга уринарди, от эса бошини силкиб: «Йўқ! Йўқ, турмайман!» деб, одамларнинг ичагини узгудай бўларди. Қизиқчи отга орқадан «елиб» келаётган қизил ёпинчиқли отни кўрсатди ва тез бўл, ҳозир етиб олади, ортда қолиб кетамиз, дегандай шама қилди. От турибок, яна «чопиб» кетди.

Сўнг сахнада «қўй» пайдо бўлди, ортидан «бўри» кўринди. Икки қизиқчи қўй билан бўри териларини ёпинишиб ўйин кўрсатишарди. Бўри қўйни энди ейман деб турган эди, айик келиб қолди. Бўри қочиб қутулди. Кейин қора мушук чиқди, миёв-миёев қилиб бир оз айлангач, бирдан олачипор йўлбарсга айланди — қизиқчи тезликда териларни алмаштириб олди. Навбат олтин мугузали такаларга етди. Улар рақс тушишиб, бир-бирлари билан суҳбатлашиб боришарди. Кўринишидан такаларга менгзасалар-да, айни пайтда, одамларга ҳам ўхшардилар, шу вайдан такаларнинг қилиқлари тўпланганлар қувончига қувонч қўшарди.

Саҳнанинг чап томонига етиб борган Мавлонозода ниҳоят Жаҳон бика билан кўз уриштиришга эриша олди! Улар сахна олдидаги катта майдонда одамлар мавжига фарқ эдилар, бировнинг биров билан иши йўқ, ҳамма қизиқчиларнинг ўйини билан овора. Қиз жилмайди. Ҳар галгидек бошида такана... Икковлари беихтиёр бир-бирларига интилиш сездилар. Жаҳон бика онасига:

— Дугонам билан кўришиб келай... — деб бахона қилди. Қорасоч бика рози бўлди.

Икки ёш одамлар тўлкини орасидан не-не мапаққатлар билан ўтишар, орадаги масофа эса тобора қисқариб борарди. Иттифоқо, Мавлонозода бир кўрган тушини хотирлади. Конибилда, Жаҳон — ўланзорнинг гуллар тўфони қайнаб ётган чап томонида, Мавлонозода — лолалар хирмони тошиб турган ўнг томонида... Иккиси бир-бирларига қараб борадилар... Ўшанда уларга йўлда бодраб ётган гуллар халал берганди. Бу гал эса ернинг тагидан қайнаб чиккандай ўнлаб, юзлаб одамлар ўтгани кўйишмас, бу нарса икки ёш кўнгилни боз ўртантириб юборарди.

— Пошшоҳон, қаёкка шошиладилар? Жонингга жижик!.. — деди кимдир. — Бўйунг сарви санавбартек, белинг қил, вафо қилгон кишиларга вафо қил...

Бу — Абумансур эди. У хушрўй кизни гапга солмоқчи бўлди. Самарқанд мудофаасида жасорат кўрсатган бу кизнинг Абу Бакр Калавий дилбанди эканлигини билар, уни жуда ёқтириб қолганди. Жаҳон бика жавоб бериб улгурмади.

— Йигитларнинг ишига аралашманг, мулла!

Жаҳон бикани кўздан кузатиб турган Ахий Жаббор шу ерда хозир у нозир эди.

— Йўлингдан қолмасанг-чи, гадо! — беписанд деди Абумансур. — «Шайъан лиллоҳ»нингни айтиб юраб-бермайсанми бир чеккада! Садақангни олу жўнаб қол!

Ахий Жаббор кечагина ўзининг сипоҳи бўлган Абумансурга яқин келди-да, бошқага эшиттирмай аста қулоғига шивирлади:

— Оғзингни юм! Бўлмаса тухумингни тўртта қиб кўямен!

— Нима дединг? Яна бир қайтар! Нима дединг?..

— Ўзини билмаган бетаъсирга гап таъсир қилади-ми? — деди киз бирдан Ахий Жабборга. — Қўйингиз! Садқайи гапингиз!

Қиз бир кулиб боқиб гадони подшоларга тенг қилди-ю, йўлга равона бўлди.

Абумансур тишларини фижирлатганча Ахий Жабборга тикилди:

— Адабингни бермоқ лозим экан-ку... Мени ким деб ўйлаясен? Мен қозикалон жанобларининг ўнг қўлидурмен! Сенинг кечаги сипоҳинг эмасмен! Сипоҳийлар!

Дарров иккита сипоҳий етиб келди.

— Мана бу гадо тартибни бузмакда... Гапга кирмайдир. Қўлига кишан солинг! Зиндон қилинг! Бу мени сайилда тартибни кузатишимни, шу ишга масъул эканлигимни билмайдир чоғи. Билдириб қўйинг! — Абумансур заҳархандали кулди.

— Яқинлашма! — таҳдид қилди Ахий Жаббор яқинлашиб келаётган сипоҳийларга. — Ўзи қўлим кичишиб турувди... Эҳтиёт бўл, кунингни кўриб қолма тағин! Шер боласи шер бўлур, душманлари ер бўлур!

Сипоҳийлардан бири Ахий Жабборга ёпишди, иккинчиси мушт тушириб қолди. Олдида одам борлигидан Ахий Жаббор бирор ёкка қоча олмади, мушт манглайига тузуккина тегди.

— Таваккалту алоллони деган эр, на толқону на қалқошнинг ғамин ер! — ғазабноқ хайқирди Тун салтанати фуқароси. У сипоҳийлардан бирининг қорнига тепди, иккинчисини калла қилди. Биринчи сипоҳий букчайиб қолди, аммо иккинчиси яна бир мушт уриб улгурди.

— Сипоҳийлар! — чақирди яна Абумансур. Тез етиб келган икки сипоҳий ҳам Ахий Жабборга ташландилар. Олатасир муштлашув бошланди. Абумансур фақат «Ур! Сол!» деб турарди, холос.

Қайдандир Аббос баходир пайдо бўлди. У икки сипоҳийни икки ёкка улоқтирди. Ахий Жабборнинг қўлини боғламоқчи бўлган сипоҳийнинг қуймичига қаттиқ тепди. Манглайи ёрилган Ахий Жаббор ҳам ўзини ўнглади, рўпарасидаги аскарнинг кангшарига қўйиб юборди. Бу орада Аббос баходир улоқтирган икки сипоҳий қайтиб келиб яна жангга киришиб кетди.

— Тўхтанг! — деди Мавлонозода. У тўполон бошланганини кўриб Жаҳон бикани сал нарида қолдирдида, ўзи бу ёкка чопди, яна иккиси мириқиб гаплаша олмадилар. — Нима тўполон?

— Мана бу қўсқи, — Абумансур Ахий Жабборни кўрсатди, — ўзини баланд олиб бир ожизага тегажоқлик қилмоқчи бўлди... Яхши гапга қулоқ солмади... бор гап шу... мен тартибни сақлаб юрибмен..

— Вой, аблах... — хезланди Ахий Жаббор Абумансурнинг бундай юзсизлик қилишидан тили лол. Аббос баходир уни ушлаб қолди.

— Сиз?... Сиз?... — Мавлонозода Аббос баходирни кўриб, бошқа сўз айтолмади.

— Қарасам... — хотиржам деди Аббос баходир. — Ахий Жабборни дўппослашмакда... Чопдим. Тун салтанати фуқароси бурчини адо этдим холос. Фуқаролар биз бир жону бир танмиз... Ё гуноҳ қилдимми?

— Йўқ... тўғри қилдингиз... — дея олди холос Мавлонозода. У Чинос ёнидаги жанг тафсилотлари, Темурбек ҳақида яхшилаб сўраб олмоқчийди, чунки Аббос баходирнинг амири билан бирга эканлигидан бохабар эди. Аммо бунга фурсат бўлмади.

Шу асно Абу Бакр Калавий билан Хўрдак Бухорийлар ҳам етиб келишди.

— Халқимизда, улусимизда ёмон бир одат бор, камонмерган! — афсус билан деди Сарбадорлар султони. — Катта сайил, тўй, хурсандчиликларда албатта бир кўнгилхирачилик чиқарадилар. Ё муштлашув бўлади мана бунга ўхшагон, ё бирон нарсани ёкиб юборадилар, бузадилар феъли чатоқлар. Қачон бизда бу одат қолади? Нега энди улуснинг хурсандчилиги ғурбатга айланмоғи керак? Қачон бунга чек қўямиз?..

— Ким чиқарди бу тўполонни? — сўради Хўрдак Бухорий.

Ҳамма жим бўлди.

— Мен чиқардим... — жавоб берди Ахий Жаббор жимликни бузиб. Тун салтанати фуқароси кўрдикки, агар ҳақ талашадиган бўлса, гап бориб Жаҳон бикага уланади, қизга Абумансур тегажаклик қилгани очилади, майда-чуйда гаплар чиқади... Қизнинг шаънига тегадиган гаплар бўлади... Яхшиси, қизни аяш керак, Ахий Жаббор, мен айбдорман деса, ёпиғлик қозон ёпиғлирича қолади...

Жаҳон бика нарироқда бутун айбни ўзига олаётган йигитнинг ҳимматига қойил қолганча қараб турарди.

— Шу чиқарди! Шу чиқарди! — тасдиқлади шошапиша Абумансур. — Келсам, тегажаклик қияпти-да... Мард экан, ўзи тан оляпти.

— Кўркма, нокас! — деди Ахий Жаббор. — Самарканд мудофаасида ҳам факат томдагиларга тош олиб бериб туришга ярадинг, холос. Биронта мўғул аскарининг бурнини чақа қилиб қўйганинг йўк... Хозир эса тўполоннинг сабабчиси мен... Сайилни мен буздим... Жазога тайёрмен...

— Сарбадорлар расм-русуми кучга кирадир... — деди жиддий Абу Бакр Калавий. — Шундай сайилни тўполонга айлантиргони учун Тун салтанати фукароси Ахий Жабборга ўттиз дарра урилсин!

Жаҳон биканинг юраги увишди. Мавлонозода билан Хўрдак Бухорий ҳам бир нима дея олмадилар. Етиб келган Шаҳриёр воқеанинг бошида бўлмаганидан вазиятни тушунишдан ожиз қолди. Аббос баходир кутилмаганда Ахий Жабборнинг ёнига ўтди-да, қатъий деди:

— Мен фуқаролик бурчимни адо этгум бор. Ўттиз дарранинг ўн бештаси меникидир. Ўн бештаси менга урилсин!..

Одамлар енгил сўлиш олдилар.

— Йўк... — гапга Шаҳриёр аралашди. — Учга бўламиз. Ўнтаси меники...

— Бешга бўламиз! Олтитаси меники! — деди Шота-биб.

— Олтига бўламиз! — таклиф килди Насафий.

— Ўнга бўламиз, султоним!

Хамма ялт этиб Мавлонозодага қаради. Жаҳон бика севганининг мардлигидан ичида суюниб кетди. Ахий Жаббор хайрат билан боқди, Абумансур бир сесканди.

— Учга дарра менга урилсин! Ахий Жаббор билан ғанимни бирга бартараф этдик, жазони ҳам бирга олурмиз! Душманамиз бирдир!

Хўрдак Бухорий Мавлонозоданинг олижаноблигига тан берди:

— Балли! — қувватлади у. — Хўп килдингиз! Аммо ўн бешга бўламиз... Иккитаси менга урилсин!

Абу Бакр Калавий кишиларнинг ғаройиб яқдиллигидан ҳам қувонди, ҳам хайратга тушди. Иш бундоқ бўлипти, эй феъли улуғлар! Бирлик! Бирлик! Фароғатда бирлик, азиятда бирлик!

— Ўттизга бўлурмиз! — деди энди Самарканд хокими гапни хазилга буриб, у нохуш нарсанинг орадан тез-

роқ кўтарилишини истарди. — Ҳар биримизга биттадан дарра тегадир. Аммо шарти: бу дарра ҳозир урилмай-дир. Баски, ҳар биримиз бад иш қиладурғон бўлсак, бир дарра насибамиз борлигини ёддан чиқармайлик!

Ҳамма дилсиёҳ воқеанинг бундоқ барҳам топганидан мамнун бўлди. Фақат Абумансурнинг кўзлари чакнади:

— Мен қозикалон жанобларига не дейман? Қозихона сипойилари муштумзўрлардан озор чекиб қолаберадирму? Ўттиз дарра не бўлур?..

Тун салтанати фуқароси Сукрот сўз олди:

— Мисрлик уламо, фозиллар фозили, оқиллар оқили, Ибн Маҳжурий, куддиси сирруху, ўзининг «Тарихи Маҳжурий» китобининг ўн учинчи фасл, қирқ биринчи саҳифасида юқоридан бешинчи қаторда баён этмишларки, ишлатилмай қолғон ўттиз дарра Абумансурнинг ўзига насиб қилғай, деб ёзмишлар!..

Ҳамма қийқириб кулиб юборди. Жаҳон бика ҳам Сукротнинг сўзларидан маза килиб кулди, ўнг қўли бармоқлари ҳавасни келтириб нафис лабларини ўпиб турар эдилар.

Сукротнинг сўзи бир кўприк бўлди-ю, барча яна томошани давом эттиргани айвон томонга юзландилар. Абумансур ўз сипоҳийлари билан майдоннинг дор тикилган томонига кетди.

Саҳнага энди машҳур Ниёз қизиқчи жўралари билан чиқишди. Одамлар уларнинг томошаларини ҳамиша ҳам орзиқиб кутардилар. Қизиқчилар хотинларнинг кийимларини кийиб олишиб, аёл тарзида намоён бўлишар, бу томошаларда умуман масхарабозлик унсурлари ҳукмрон, ичакузди гаплар кўп бўларди.

Томоша чилдирма жўрлигида хофизнинг «Қурбонинг бўлай» деган ҳазил қўшиғи билан бошланди. Саҳнада корфармо Талтайхон пайдо бўлди. Тўладан келган бу «хотин» ишораси билан сумалак байрамидан қайтаётган олтига «хотин» имомнинг дарвозаси олдида тўхтадилар. Хотинлар ипак кўйлақларда, «соч»ларини майда ўришган, «кош»ларига ўсма тортишган, юзларида чиройли холлари кўриниб турарди. Биринчиси — Бехолхон, шикилдоқ ушлаб олган, сочларини чамбар қилган япалоқ юзли «хотин». Иккинчиси — Тўкилдихон, бошида рўмол, бўйнида зебигардон тўкилай деб турибди. Гилам дўппи кийган Толмабўйинхон сочларини қирқ кокил қилиб ўриб-

ди, бурнидаги булоқиси ўзига ярашган. Буралдихон ҳар ҳаракатида бир буралиб олади, сочлари эса товонига тушади. Нозландихоннинг турган-битгани ноз-истифно, карашма, тиллақоши ўзидан ҳам нозлироқ жимирлайди. Ингичкабелхон синиб-нетиб кетишдан қўркиб охиста қимирлайди, қўлидаги чилдирмани ҳам эринибгина чалади... Барчаси «Қурбонинг бўлай» лапарини айтишиб, ўйинга туша бошладилар.

Ўйин давом этиб турганда, бирдан дарвоза очилиб оқ саллала, соқоли кўксига тушган, имом (Ниёз кизиқчи) чиқиб келди.

— Бу нима шовқини? — зуғум ила сўради имом. — Оллоҳ таолони дилига туккан, каломуллонинг измидан чиқмагон имони бутун бир бандаи солих эшигида бу не майнавозчилик? Ҳасбатанлиллоҳ, бас қилингаз!

— Имом ҳазратлари! — мурожаат қилди Талтайхон корфармо. — Ижозат берсалар, яна озгина ўйин-кулгу қилсак... Сиз томоша айласангиз...

Бехолхон сассизгина деди:

— Лапар айтсак...

Имомга яқинроқ бориб қирқ қоқилини теккизиб ўтар экан, Толмабўйинхон сирли шивирлади:

— Ўйин тушсак...

— Йўқ десангаз, на чора... — буралибгина деди Буралдихон, сочлари эса ер супурарди. — Йўқ десангиз...

— Нахотки, йўқ десангиз?..

— Мурувватингизни дариг тутманг, ҳазратлари!..

Хотинларнинг сўзларидан имомнинг кўнгли юмшади. Давра унга ёқиб қолди, лекин сир бой бермасликка уринди:

— Маъқул... Фақат битта лапар айтсангиз кифоя.. Хотинлар энди «Ёр, нималар дедим сиза» лапарини айта бошлашди.

Бехолхон имомга қараб муқомлар қилди, Буралдихон ўтли нигоҳ отди, Тўқилдихон хумор кўзларини тикди... Нозландихон, йўқ, ёнингизга бормаيمان, дегандай, имомга дам яқинлашиб, дам йироқлашар, Толмабўйинхон эса бўйнини чўзиб, қошларини учирар эди. Мушиқа сеҳрига берилиб кетган имом хотинлар билан баробар ўзининг ҳам тебранаётганини сезмай қолди. Ингичкабелхоннинг юрайми-юрмайми деб иккиланганлари унинг ҳам кулгисини қистатди. Хотинлар энди имомни ўраб олди-

лар. Имом завқи ошиб қўшиқ айта бошлади, кейин баб-баравар ўйинга тушиб кетди. Ўйин кизигандан-кизиди. Хотинлардан қолмасликка тиришган имом чарчаб, йиқилар даражага келди. Имом салласининг ечилиб чувалганига ҳам қарамай хушсурат Буралдихонни кучокламоқчи бўлиб интилар, қўл чўзарди...

— Ҳа, кучоклагингиз келмай ўлсин-а! — деди Талтайхон қўлидаги пуфак билан имомни енгилгина уриб.

— Кўнглингиз яна нималар тилайдир?.. — Бехолхон ҳам Талтайхонга қўшилди.

— Нотавон кўнглига кўтир жомашов! — кулди Тўкилдихон.

— Ўзим кал, таъбим нозик... — эрмак қилди Толмабўйинхон.

— Кечалар хумор кўзинг жинни килодир, найлайин! — хиргойи бошлади Нозландихон.

Қолганлар ҳам имомни масхара қилиб кулдилар, қўлларидоги пуфак билан уриб ҳайдаб, уйига киритиб юбордилар. Томошабинлар ичаги узилгудек бўлишиб, қах-қах отишарди. Фақат маҳалла имомлари: «Бетавфиқлар!», «Беномуслар!» деб норизолик билдирдилар.

Томошани кўриб турган шайхулислом Абулворис Самарқандий ёнидаги Жаммазабон девонбеги оша Қавомиддин қозига деди:

— Ахли мусулмонни ўзига иқтидо айлагувчи бир шахсни, бандалар кўнглига имон уруғини сочгувчи бир зотни эл олдида бу қадар калака этмак қайси мазҳабда бор? А?

— Сайил итмомиға етсун, мен аларнинг оёқларига тахтакач боғлаб жазосини бердирурмен... Илло... хе-хе-хе! — Қозикалон шайхулисломга шундай дер экан, томоша давомида ўзининг ҳам ҳузур қилиб кулгани кўри-ниб турарди.

— Шайхулислом жаноблари! — Абу Бакр Калавий кулгудан ёшланган кўзларини артаркан, жиддийлашди. — Қизикчилар мусулмонларни ўзига иқтидо айлагувчи бир шахсни эмас, балки мусулмонларни гумрохликка бошлагувчи ноинсофни калака қилдилар... Бандалар кўнглидаги имонни ғорат қилгувчи бебокни масхара этдилар... Бунинг фаркига етайлик...

Бошқа гапга имкон бўлмади, шу пайт бурғу чалиниб қолди. Энди ҳамма Кониғил ўланзорига отланди. У ерда катта улок, кўпқари берилади. Улокни Жаммазабон девонбеги уюштирмоқда эди. У сарф-харажатнинг юзига карамай, янги ҳоким олдида обрў орттирмак, муносабатларни яхшилаб олмак пайида эди.

Ўттиз тўртинчи боб

САРБАДОРЛИК КЎЧАСИДА

Самарқанд султони Абу Бакр Калавийнинг оиласи Наддофлар маҳалласидан Арк кўчасидаги ҳоким Садр Сулаймон ховлисига кўчиб ўтди. Кўчиришда бутун шаҳар аҳли катнашди. Айниқса Тун салтанати фуқаролари, оддий қосиблар, авомуннос ҳайхотдай хонадонга худди ўзлари кўчиб ўтишаётгандай хурсанд эдилар.

Абу Бакр Калавий энг аввало қошига бақовулбошини чақиртирди:

— Бу айёмдан бошлаб ҳар куни дошқозонда кунлик ош қайнамоғи лозим! — буюрди у. — Ҳар куни! Токи ҳар бир сарбадор курсоғини шу ерда тўйғизсун! Ҳозир дарров қозон ос!

— Маъқул, султоним! — ортига тисарилганча деди бақовулбоши.

— Катта-кичик ким келса меҳмон қил. Уқдингму?

— Уқдим, уқдим... — бақовулбоши яна таъзим қилди.

Пешинга қолмай кўчиб бўлинди. Ҳовлидаги хиёбонда, чап томондаги боғ ичида, ҳавзи арзиз бўйида, олтин олма тагида, ташқарида дарвоза олдида, кўчада жойлар тайёрланди. Ҳаммага ош тортилди. Сарбадорлар султонининг ўзи ҳам одамларга қўшилиб таом еди. Бу нарса одил пошшонинг обрўсини ошириб юборди.

Одамлар тарқалгач, Абу Бакр Калавий ховли айлана бошлади. Катта шинам ховли... Ўртадан ичкарига хиёбондан юриб борилса, чапда боғ келади, ўнгда катта ҳавзи арзиз. Қирғоқлари кўрғошин бу ховузда ҳамиша сув лиммо-лим, тўрт бурчагида тўрт қумуш устун, уларга қумуш халқачалар орқали ипак арконлар тортилган,

арконларда ичига ҳаво тўлдирилган чарм кўрпалар... Ховуздаги нилуфарлар барини кўриб, хайратдан кўзларини катта-катта очиб қолишган...

Абу Бакр Калавий олтин олма ҳақида ҳам эшитганди. Лекин, афсуски, дарахт бор шукуҳини йўқотган, унда на олтин мевалар, на турфа қушлар кўринади, танасига қопланган заррин лаппакчалар ҳам шилиб олинган. Сарбадорлар султони дарғазаб бўлди, буни Жаммазабон девонбеги қилган, деб ўйлади... Кунбеткай бир ошёнли, икки ошёнли иморатлар, баҳаво меҳмонхона ёнидан ўтар экан, панжарагулчин зинали баланд ойнаванд кўшк унинг диққатини тортди. Ажабо! Жоме масжидидаги хутба вақтида хаёлига келган чиройли нақшин кўшк шу эмасми? У мана шу кўшкдаги тахтда ўлтирадимми хали? Ҳа, ҳа, ҳа, шундоқ, пастда эса бутун шаҳар ахли унга меҳр тўла кўзларини тикишган... Улар фақат бир одамни — Самарканд султони Абу Бакр Калавийни кўрадилар, холос. Султон олисларга боқади, ҳокими мутлақлик, ҳақ, ихтиёр, ирода, иктидор туйғуларидан ўзини бардам, бақувват сезади...

У панжарагулчин зинадан охиста кўшкка кўтарила бошлади. Кўпдан одам юрмаганидан зина ғичирлаб хиёл тебранар эди. Сарбадорлар султони кўшкка чиқиб борган ҳам эдики, ховлига Мавлонозода билан Хўрдак Бухорийлар кириб келдилар. Улар ҳам Абу Бакр Калавийга ўхшаб пахтагуллик жома кийиб олинганди, бу либос сарбадорларнинг ягона кийими деб қабул қилинди. Бозоркўча, Наддофлар, Кулоллар кўчасидаги чеварларга фақат пахтагуллик жома тикиш топширилди, Мавлонозода — у соҳиб девон этиб тайинланганди — назорат остига оладиган бўлди. Хазиначи Нозим Меҳмет барининг пулини давлат хазинасидан тўлайди, сарбадорлар жамоасида ҳам шу вазифани уддалаганди, яна унга давлат хазиначилиги юклатилди. Хўрдак Бухорий салтанат амирлашкарлиги лавозимига қўйилди, сарбадорларнинг эътиқодига кўра жавшану дубулғаси устидан пахтагуллик жома кийди. Шаҳарда ҳамма — султондан тортиб гадогача эркагу аёл яқдиллик белгиси сифатида шу кийимда юришарди.

— Сарбадор! — деди Мавлонозода қўлини мушт қилиб боши узра кўтарар экан. Сарбадорлар кўришганларида

шундок қилишар, мушт — бирлашиш рамзига айланган эди.

— Сарбадор! — Хўрдак Бухорийнинг йўғон овози ҳам сохибдегон овозига жўр бўлди.

Сарбадорлар султони Абу Бакр Калавий пастга қаради — икки дўсти унга салом бериб туришибди, улар ҳам кўшкка чиқишни кўнгилларига тугишгандай... Бошқача бўлиши мумкин эмас. Бу ҳокими мутлаклик кўшки, юрт тепасида турган кўшк. Унда фақат бир кишига жой бор, икки ёки уч киши сизмайди, бордию сизганда ҳам кўшк кўтара олмайди... «Нималарни ўйлаётирмен ўзи? — деди ичида Абу Бакр Калавий. — Нега ғалати хаёллардан кутула олмай қолдим? Шубҳа-ғумон балоси менга қайдан ёпишди? Ахир биз Кумушкент йўлида, Обимашҳад бўйида буни келишиб олган эдик-ку! Самарқанд сарбадорлари салтанатини уч киши бошқармоғи лозим, яъни султон, сохибдегон, амирлашқар, вассалом!..»

Абу Бакр Калавий бирдан негадир Абумансурни эслади. Хали Наддофлар кўчасида эканидаёқ қидириб борган эди у. Янги ҳукмдорнинг ишончини қозонмак мақсадида Самарқанд султонини жуда кўп гаплардан огоҳ этди. Жумладан, раҳматли Садр Сулаймон билан боғлиқ сирлар, унинг бойликлари, йилқилари хусусида, Жаммазабон девонбеги кирдикорлари, Қавомиддин қозининг номақбул юмушлари борасида сўзлаб берди. Абу Бакр Калавий Абумансурга хутба вақтидаёқ эътибор берган, чакқон кўринган бу йигитни давлат ишларига тортишни ўйлаб қўйганди. Унинг гаплари ажабки, Абу Бакр Калавий билган, эшитган гапларга мос келарди. «Агар мени юмушга олсангиз, не юмуш бўлса ўринлатурмен, — Абумансур сарбадорлар султонида ўзига нисбатан мойилликни сезиб дадилланди. — Мавлонозодани ҳам яхши билурмен... Сабқдошмиз ахир. Қозикалон, шайхулислом, шаҳар бойларини танирмен. Агар менга хуфия саф тузишга ижозат айласангиз, бизнинг саф фақат сизга бўйинсунса, салтанат осойишталиги кафилини олурмен. Не гап бўлса, фақат сизга айтурмен, сизнинг кенгашингизга қўюрмен! Баднияту бадкорлар, иншооллоҳ, давлатингизга хавфу харос сола олмагай!..»

Абу Бакр Калавий Сабзавордаги сарбадорлар давлати подшоси Хожа Али Шамсиддин Чашмий олиб борган

сиёсатнинг жуда қаттиклигини эслади. Борди-ю ақобиру черикдан бирор кишини чақиртириб қолса, у одам подшо хузурига боришдан олдин уйида васиятнома ёзиб қолдирарди. У тингчилар, жосуслар сафини кенгайтирди, саф кишилари жамоа ичида юрар, давлат, подшо ҳақидаги турли миш-мишлар, гапларни оқизмай-томизмай етказиб турарди. Абу Бакр Калавий ҳам шундоқ қилишни ўйлаб юрар, аммо бунга фурсати бўлмасди. «Сен сайилда ҳам тартибот учун азият чеқдинг, билламен... — деди у Абумансурга. — Шундай бир хуфия саф туз. Ҳаммани кузатиб юрасен, Мавлонозодадан то сўнгги гадогача. Билганингни фақат менга еткарурсен. Хиёнат этганингни танаси саккиз пора қилинадир. Улуфани хазинадан олурсен. Уқдингму?...» «Уқдим, султоним, уқдим! — Абумансур эгилиб Абу Бакр Калавий тўнининг пешини шилпик кўзларига суртди. — Умримнинг охиригача қаловузлик қилурмен, содиқ итингиз бўлиб хизматингизни адо этурмен. Битта бошим салтанатимиз йўлида фидо бўлсин! Аммо сайил чоғидаги химматингиз бутун эл оғзида дostonдир, султоним!» Абумансурнинг эгилувчан, юмшоқ супургилиги сарбадорлар султониға ёкиб қолди.

Ана шундан сўнг у Аркка бориб, жуда кўп гапларни гапириб турадиган бўлди. Ўйгирма одамдан иборат хуфия саф тузди. У Хўрдак Бухорийдан эҳтиёт бўлиш лозимлигини, Мавлонозоданинги мадрасада ўқиб юрган пайтлариданок ўзини ҳаммадан баланд олишга уринишлари борлигини айтди. «Менинги салтанатга яқинлигим Мавлонозодаға хуш келмайдир, чунки хасадгўйдир, ичи кўмир янглиғ қорадир... Буни ўзингиз синамоғингиз мумкин, ул мени бегумон сизға ёмонотлик қиладир... Ўшанда ўзингиз хулоса чиқариб олурсиз. Менинги эса, худо шохид, сизға холис хизматкорликдан ўзга бир қорим йўқдир...»

— Сарбадор! — жавоб қилди Абу Бакр Калавий кўшқдан.

— Чорсу майдонида бутун эл интизор кутиб туришибди, султоним! — деди соҳибдевон Мавлонозода. — Тун салтанати фуқаролари...

— Улар фуқаролик жандасини сарбадорликнинг пахтагуллик жомасиға алмаштиришмакчи! — мамнун сўз қўшди амирлашқар Хўрдак Бухорий.

Абу Бакр Калавий кўшкдан тушгунча, сайисхонадан учта от келтирдилар. Аммо сарбадорлар султони деди:

— Тулпорларга хожат йўқ... Пиёда борурмиз. Салтанатда тенгликка асло путур етмасин, эй феъли пишиклар!

Улар Арк кўчасига чиқдилар. Кўчада ҳамма сарбадорлар либосида юрар, бир-бирига «сарбадор!» дейишиб кейин салом-алик қилиб ўтиб кетишарди.

— Черик тузиб бўлдингизму, амирлашкар? — деб сўради йўл-йўлакай сарбадорлар султони.

Хўрдак Бухорий ҳозирча минг аскардан иборат черик тузганлигини, ҳали бу кўзланган мақсаднинг ўндан бири ҳам эмаслигини айтди-да, деди:

— Бугун Тун салтанати фуқаролари бизнинг черикка аскар бўлиб кирадилар. Шаҳриёр билан аҳдимиз бордир...

Сарбадорлар султони черикнинг кийим-кечаги, қурол-аслаҳаси билан қизикди. Сўнг соҳибдевон Мавлонозодага юзланди:

— Девон юмушлари нечукдир?

— Бисёр аълодир, султоним! — Мавлонозода девондаги вазиятдан хабар берди. — Девони амлок, девони мол юмушлари Уста Кулол оғага юклатилди, ул киши салтанатдаги жаъми молия ташвишлари, даромаду буромад, закоту бож ишларини идора этадир.

— Тамға, бож не йўсинда белгиланур?

— Аввалги замонда косиблар салтанат учун маълум мол тайёрлаб беришга мажбур этилгон, — деди соҳибдевон. — Жун, ипак, пахтадан бўлгон буюмлар, гилам ва кўндан ишлангон нарсалар, тиш, кетмон, теша, арра, мих, арава, кулолчилик асбоблари ана шулар жумласига кирадир. Камонгар, шамширгар, тиркишдўз, тийргарлар, ҳоким сафарга отланди дегунча, девонга аслаҳалар етказиб беришгон, аммо ҳақини хазинадан эмас, вилоятдан тушган солиқлардан олишгон. Кўп ҳолларда солиқ тушмағонидан ҳақсиз ҳам қолишгон. Уста Кулол оғага уқтирилдиким, усталар молини олиб келиши билан, баҳосини берилсин. Сўнгра тамғанинг миқдори тенг ярмига қисқартирилди. Жузъя солиғи бекордир. Умуман, бисёр солиқлар шариат асосида бўлмағонидан муомаладан чиқарилди...

— Аворизот, ихражот деган солиқларга ҳам ҳожати йўқ, — деди сарбадорлар султони соҳибдевоннинг юмушларини маъқуллаб. — Зеро, биз мухориба бошламаймиз, саваш қурмак табиатимизга зиддир. Бу закотлар эса уруш пайтидаги харажатларни қопламакка ўйлаб чиқарилғондир...

Шу пайт амирлашкар гапга аралашди:

— Салтанатда биронта ҳам одам тархон унвонида юрмаслиги жоиз. Салтанат солиғи катта-кичikka бир хилдир. Тенглик эътиқодимиз ҳам шуни тақозо этадир. Унутмангиз! Тархонмен, деб ҳар нарсадан бош тортгувчилар бор!

— Англадим! — деди Мавлонозода. — Тағин. Салтанатда мардикорлик мажбурий бурч саналарди, бир рисолада кўзим тушмиш эди, Сосонийлар замонида Эронда бегар ҳам дер эканлар. Улус бу мажбуриятдан ҳам халос бўлди. Барча мамнун...

— Нур устига аъло нур! Солиқларни камайтирғонингиз ўринлидир, инчунин салтанат юмушлари хашар йўли билан адо этилур, ота-боболардан қолғон удумдир. Кенгаш ҳам шуни маъқул кўрди... — Сарбадорлар султони хурсанд бўлди.

Бир ҳафта олдин салтанат кенгаши тузилди, унга султон, соҳибдевону амирлашкарлардан ўзга, Уста Кулол, Қодир Ҳалвойи, шайхулислом Абулворис Самарқандий, Лакшман, Нозим Меҳмет, Исоқ этиқдўз, Жаммазабон девонбеги, Қавомиддин қози, имом Қутбиддин, Абумансур ва Шаҳриёрлар киритилди. Кенгаш салтанат олдида турган айрим масалаларни кўрди. Жумладан, шаҳарнинг кўрки ва чиройи Жомеъ масжидини таъмир этмак жоиздир. Бунинг учун салтанатнинг энг моҳир гилқору кошинпази, наққошу дурадғори бу юмушга бош қўшулар. Уста Кулол маҳалласи яхши виштлар жамлаб берадир. Аркнинг ўзи ҳам таъмирга муҳтож. Карвонсаройнинг бир девори дарз кетиб қулаш хавфи бор. Кулоллар маҳалласидаги масжид томи тушиб кетган, Ҳолвачилар кўчасида жуда қўп уйлар мўғуллар босқинидан вайрона ҳолга келган. Бозорнинг анча юмуши бор, хусусан, учта тимнинг томини очиб ташлаб янғидан ёпиш зарурдир, мол бозорини ўраш лозим. Кеш дарвозаси ҳам ночор аҳволда... Бирок, киш кириб қолди, қаҳратон-

нинг қора кунда лой ушлаш малол келади, қантар оғсин, кунлар ҳам сал илисин, ўшанда бу табаррук юмушга киришилса мумкин. Унгача жиҳозларни шай этмак керак. Сўнг шаҳарни қўрғон билан ўрамак зарур. Шаҳриёр қўрғон қилмак ишига мутасаддиликни Насафийга беришни таклиф қилди, чунки у мохир муҳандисдир, отабоболари Хоразмшоҳлар пойтахти Гурганж шаҳрини тиклашда катнашишган... Кейин гап шаҳардаги қабристонларни обод қилиш хусусида кетди. Шохизинда билан Чокардиза қабристонлари қаровсиз ҳолда ётибди...

«Айни пайтда, — деди Қавомиддин қози, — инсоф ҳам лозимдир. Раҳматли Садр Сулаймон шаҳарнинг коқ ўртасида, Арк кўчаси бошидаги хонақоҳ ёнига дафн этилди. Ҳоким ўзига чиройли макбара қурдирди, қабристонларга эса қарамади...»

Гапга Ҳалвойи аралашди:

«Шаҳар ўртаси — ҳамма сиғинадиғон жой, у ерга шайху авлиёлар, табаррук зотлар қўйилса эҳтимол... Лекин Садр Сулаймондай бир нопоку ножинс одам, ўлганларнинг ортидан ёмон гапириб бўлмайдикун, Оллоҳ кечирсин, Чорсудай майдонга муносиб келмай турибди...»

«Ўлганга майли-ю, бу тириклар шаънига ёмон...» — деди Уста Кулол.

«Шаҳар ўртасидан чиқармак лозим...» — қувватлади Абумансур.

Фақат шайхулислом Абулворис Самарқандий бунга эътироз билдирди:

«Ўлганни безовта қилмак мусулмончиликка ярашмай-дурғон бир юмушдир. Сониян, фалон подшо вақтида фалончини қабридан чиқартириб ташлабди, деган гап бағоят хунукдир...»

Бироқ бу гап эътиборсиз қолиб кетди. Кеча Садр Сулаймоннинг жасади хонақоҳ ёнидаги макбарадан олиниб, Шохизиндага дафн этилди. Аммо Самарқанд ахлида сарбадорлар давлатининг ушбу тадбири яхши таассурот қолдирмади. Хар қалай, Абу Бакр Калавий шуни қалбдан сизди, бошқалар эса бир нима дейишга журъат этолмади.

Сарбадорлар султони салтанатда уч нарсани манъ этиш хусусида фармон чиқарди. Биринчиси, дабдаба-ю ҳашам, ортиқча зеб-зийнатга берилиш, исрофгарчилик, ўғирлик; иккинчиси, бангу чоғир, гиёҳвандлигу майпа-

растлик; учинчиси, фохишабозлик, ғарлик... Абу Бакр Калавий кизи Жаҳон бика ғойиб бўлган кунларни эслади. Жаҳон бикадай не-не қизлар шу дамгача конункоида оёқлари остида хор-зор бўлгани, бундай ишни даромад манбаига айлантириб олган корчалонлар диёнатсизлиги Наддофлар маҳалласи оксоколининг иззатнафсига қаттиқ тегди. Шаддод ва суюкли кизи ҳам сал бўлмаса ўшалар кўлида қолиб кетарди, хайриятки сарбадорлар уни кутқариб олдилар.

Сарбадорлар султонининг ушбу фармони ҳамма томонидан маъқул дейилди...

— Сарбадор! — деди шу пайт кимдир. Абу Бакр Калавийнинг хаёли бўлинди. Кўчанинг у томонида Ҳалимкул шахна бир неча одам билан келарди. Сарбадорлар султони уни зўрға таниди.

Тун салтанати подшосининг одатдаги тахти турадиган жойда одам гавжум. Салтанатнинг барча фуқароси жам, энг қизиғи, биринчи марта кундузи йиғилишлари эди. Бошида дубулға шаклидаги латта калпок, эғнида етмиш ямок мағрибий намаат тўн, чўзинчоқ юзли, патак соқол Шаҳриёр фуқаролар орасидан сарбадорлар султониға пешвоз чиқди. Унинг ёнида Ахий Жаббор, Насафий, Аббос баҳодир, Холикберди, Сукрот, Камариддин, Бобо Султон, Шотабиб ва бошқалар бор эдилар.

— Салтанатимизга хуш келдингиз! — деди Шаҳриёр.

Сарбадорлар султони майдонни тутиб кетган одамларга қаради. Кейинги пайтларда Тун салтанати доврўғини эшитиб Тошкенту Бухородан, Термизу Балхдан, Хўжанду Фарғонадан, атроф мавзёлардан кўплаб ғариблар, тарки дунё қилганлар келишиб Сарбадорлар салтанати фуқаролиғини қабул этишганди. Бугун уларнинг бари бир ота-онанинг болаларидай тўпланишибди.

— Сарбадор! — Абу Бакр Калавий шундай деди-да, кўлини мушт қилиб боши узра кўтарди.

— Сарбадор! — хайқирди ҳамма, муштлар сафи майдонни тўлдирди.

— Тун салтанати фуқаролари! — мурожаат этди соҳибдевон Мавлонозода. — Ҳаётимиз зулматдай қора маъносида салтанатингизни Тун салтанати деб атагондингиз. То ёруғликка чиқмагунча шундоқ қолишга аҳд-паймон қилгон эдингиз... Сарбадорлар салтанати кенгашининг фармони билан, Тун салтанатидан ёруғликка чиқдингиз,

энди Тун салтанати йўқ, энди сарбадорлар салтанати бор! Сиз энди сарбадор бўлдингиз!

— Сарбадорлик муборак!

— Муборак! Муборак! — деган овозлар янгради.

Фукарлар бир-бирларини қутлар эдилар.

— Сарбадорлар салтанати девони барчангизга сарбадорликнинг пахтагуллик жомасини тухфа этадир!

Ахий Жаббор шеър тўкиб юборди:

Бизлар энди сарбадормиз!

Эл сафида биз ҳам бормиз!

Биринчи бўлиб Шаҳриёр хамманинг кўз олдида етмиш ямоқ мағрибий чакмонини ечди. Тун салтанатига уч йил бўлган бўлса, шунча муддатда бир марта ҳам елкадан тушмаган чакмон ечилди. Абу Бакр Калавий пахтагуллик жомани Шаҳриёрнинг эгнига солди. Хаммаёқдан қувончли садолар эшитилди. Сарбадорлик либосини кийган Шаҳриёр «Сарбадор!» деб қичкирди. Сўнг навбат Насафийга етди, сўнг Ахий Жабборга... Аббос баходир либосини алмаштираётганда соҳибдевон Мавлонозода Амир Темурни эслади. Душмандан енгилган мамлакат ҳукмдори Амир Хусайн ва унинг ўнг қўли Темурбек хозир каерда эканлар? Улар сарбадорларнинг Самарқандда салтанат ўрнатганларидан бохабардурлар, албатта... Аббос баходирдан сўраб билай дейди, аммо фурсат йўқ... Шубҳасиз, Амир Темурнинг хабари бор, чунки Аббос баходир Самарқандда юрибди-ку! Хўш, билсанима? Темурбек сарбадорларни қўллашини Қутлуғ Туркон оқа уйнда Мавлонозодага ўзи айтди-ку.

— Сарбадорлик либоси қутлуғ бўлсин! — деди соҳибдевон.

— Қуллук, қуллук! — жавоб килди Аббос баходир, яна бирон нарса сўраб қолмасин, деган маънода, шитоб одамлар ичига ўзини урди.

Қўп ўтмай майдонда битта ҳам фукаро қолмади. Хамма томонда пахтагуллик жома кийиб олган сарбадорлар юришарди.

— Сарбадорлар! Замон жонбозлари! — майдон узра бирдан амирлашкар Хўрдак Бухорийнинг йўғон овози эшитилди. — Сарбадорлар салтанатининг шан-шуқуҳли зафар яроқлик лашкари барпо этилмақда, токим кўрганда ҳар қандай душмanning саботига путур етсин! Че-

рикка бош қўшган давлат хазинасидан улуфа олур. Эй, шижоат бандалари, сарбадорлар давлати химоясига туриб, баходирлик дубулғасини бошингизга қўндирингиз, бас, лашкарсиндиран аскар сафини қурч айлангиз!

Биринчи бўлиб сарбадор Ахий Жаббор отилиб чиқди: — Мени ҳисобга олингаз, эй сарбадорлар салтанати амирлашқари! Бор шиддатимни сарбадорлар давлати душманлари, то суворий отидан паст тушиб пиёда бўлмагунча нисор айлайдурмен!

Сарбадорликка ўтган Тун салтанати фуқаролари энди сарбадорлар салтанати аскарлигига ёзила бошладилар.

* * *

Чорсу майдонида бўлаётган шовқин-сурон Хоилиқ оқа хонадонига баралла эшитилиб турарди.

Садр Сулаймоннинг фожиали ўлиmidан кейин Хонлиқ оқа хонадонидан ҳам файз кетди. Давлат бошига сарбадорлар келишгач, ахвол кескин ўзгарди. Нечундир мижозларнинг қадамлари сийрак тортди. Тушум кам. Унинг шаҳарда бир кун ҳам тургиси келмай қолди. Бошида Садр Сулаймон қарғишимга қолиб жувонмарг бўлди, деб юрган Хонлиқ оқа аслида Самарқанд ҳокимининг ўлиmidан мамнун бўлиши керак эди, чунки ўн бир йилдан бери тўплаган пули энди қарзининг ярмини қоплаган, бу ахволда яқин-ўртада ўн минг динорни йиғиб беришнинг имкони кўринмасди... Мана йигирма тўрт йилдирки, у Фессалоники шахрини тарк этган, отаси Мирикос билан онаси Ҳабиба ўша ёқда қолишган. Самарқандга келганига ҳам ўн олти йил бўляпти. Унинг она юртига кетгиси бор, айтган сўзига содик Хонлиқ оқа бундан қайтгани йўқ. Ҳа, унинг кўрку хуснини сўлитган, ёшлигини хазон қилган, ширасини сўриб олган бадбахт Садр Сулаймон оламдан кўз юмди. Лекин энг ёмони шу бўлдики, сарбадорлар куппа-кундузи ҳокимнинг ўлигини мақбарадан олиб Шохизиндага дафн қилишди. Бу инсон шаънига ярашмайдиган юмушдир, начора, ҳар ким эканини ўрар экан. Эл-улусда бу нарса сарбадорларга нисбатан нохуш миш-мишлар келтириб чиқарди. Аммо Хонлиқ оқа назарида ҳали бу жуда кам. Агар унга қўйишса, бу очофат ҳаромхўрни ўлигини пора-пора қилдириб, оч бўриларнинг олдига ташлатган бўларди. Шунга ҳам

шукр этсин бу муртад! Худобандадай суксур йигитнинг умрига ҳам шу зомин бўлди. Эсиз йигит! Не-не дилдорлар анжуманини офтобдек ёритиб, обод этмакка кодир йигит! Мард экан, синглиси Жоннигорнинг бу қадар хору абгорлигини кўриб чидай олмай, канизакни ҳам азобдан халос қилди, лат еган иззат-нафси ҳам таскин топди. Охири Садр Сулаймоннинг бошини қилич билан узиб ташлади. Э, худо, эртага нима бўлишингни билмайсан, ўз панохингда асра!..

Хонлиқ оқа ана шундай маъшум хаёллар ичида қолган, ундан қандай чиқиб кетиш чораларини ўйлар эди...

Шўрлик Хонлиқ оқа энди не қилсин? Кимга суянсин? «Касби» ҳам жонга тегди. Умрида бу ишни қилмас эди, аммо Садр Сулаймонга ўчакишиб нопок йўлларга кирди. Киришликка кирди, хўп, бу ёғига энди эсини ўнгласин. Бироқ Самарканд ҳокими тириклигида, кетаман, деб юрган Хонлиқ оқа, ажабки, энди бунга шошилмасди. Кетади-да бир кун, қаёққа шошилади? Озгина харжга етгулик жамалға қилсин, сўнг бу офат шахардан кетади. Албатта кетади!..

Бугун Қавомиддин қозининг ташриф буюрадиган куни... Қош қорайгандан сўнг, биров бировни танимайдиган бўлганда келади. Кўнглига қўл солиб кўради. Агар унга ёкса Хонлиқ оқада бир режа бор...

Қавомиддин қози Жомеъ масжиди ёнидаги хира фонус ёқилганидан хийла кейин кириб келди. Иккиси хос хонага йўналдилар. Қозикалон хомуш, дили нимадандир хиралиги кўриниб турарди. Хонлиқ оқа унинг атрофида парвона бўлиб қолди. Пахтагуллик жомасини ечиб олар экан:

— Ўлсин, шуям кийим бўмай! Ярашмабди... — деди.

— Ким ўйлаб топди шунни?

— Мана шу ялангоёқ, супраси нон кўрмагон ювиндихўрлар! — аламли жавоб берди Қавомиддин қози. — Илгимга тушадир ҳали! Барининг товонига тахтакач боғлаб, савалатиб хумордан чиқурмен!

— Шундоқ, гадоларга ҳамма нарсани бериб қўйиб ўлтирасизларми? Қани у давлат деб ёнадургон беклар?.. Амир Ҳусайнга чопар юбориб, сипоҳ олдириб кунпаякун қилмайсизларми ер ютгурларни?.. — Хонлиқ оқа жаҳл аралаш сўзлар экан, терилган ингичка қошларининг ўртасида, ўнг қошга яқинроқ жойида бўртиб чиқ-

кан гилосдек қора холи ўйнаб турарди. Агар қўшни хонада турган одам бўлса, Хонлик оқанинг йўғон овозини фарқлай олмай иккита эркак киши сухбатлашмоқда, деб ўйларди.

— Э, Амир Ҳусайннинг ўзи сичқоннинг инини минг тангага сотиб оладигон бўлиб юрибди-ку! Хе-хе-хе!.. Жонини сақлаймен, деб Жайхуннинг у сориға қочибдир... Амир эмиш!.. Вале ани чорлаб киши юбортирдим, илло.. — Қозикалон саллани ечиб бир четга қўйди.

— Вой, ўлсин! Давлат қўлнинг кири деганича борда, кетганини билмай қоласен... — Хонлик оқа мавзуни ўзгар-тирмоқчи бўлди: — Бегим, бир режам бор эдида... Оламда якка-ёлғиз суянчиғим ўзингизсиз...

Қавомиддин қози Хонлик оқага қаради: тип-тиник мовий кўзлар ўн саккиз яшар кизларникидай жозибали, нафис лаблари табассумга мойил, эғнида баданга ёпишиб турадиган волойи аҳмар аталмиш ҳарир кўйлақдан ўзга либос йўқ... Қозикалон уни шу кўйлақда кўпроқ ёқтирарди. Бобилхона бекаси буни биларди. Қирмизи ипак мато ранги Хонлик оқанинг чехрасига уриб, яна ҳам чиройли ва жозибали қилиб юборган... Қавомиддин қози уни бағрига тортганини билмай колди.

— Нима режа экан? — сўради у.

— Мени бошқа бирон шаҳарга жойлаб қўйсангиз, девдим. — Хотин атай ўзини орқага олди. — Сарбадорларингиздан кўрмакен...

— Ха, булар динни ҳам поймол этди! — Қозикалоннинг кўзлари чақчайди. — Давлат кенгашига ғайридинни киритибдир. Бундоқ бедодлик қаерда бор? Айникса, сайилда Ниёз қизикчи шариат арбобларини масхара этиб элга кулгу қилди. Шайхулислам Абулворис Самарқандий норизолик билдирди, илло сарбадорлар султони Абу Бакр Калавий анга кулоқ солғони йўқ... Кейин биз шайхулислам иккимиз пиёда Арк томонга караб кетдик. Диннинг оёқости этилиши ул зотни бисёр ранжитмиш: «Худоё, гадо мўътабар бўлмағай!» деб юборди у, сарбадорлар тутумини кўриб.

— Эл-улус шундоқ норозимидурлар? — Хонлик оқа қизиқиб колди.

— Амир Ҳусайннинг кишилари шаҳарда кезиб юришибди. Улар маҳаллаларда сарбадорларнинг динга қарши кирдикорларини улусга англатиш билан банд... Буни

кўрғилким, кенгашда мен, шайхулисом, қолғонлари ано-
ви гунгурсдай Уста Кулол, Кодир Ҳалвойи, Хўрдак Бу-
хорий, Мавлонозода, толиби илм... Тағин Исоқ этикдўз,
илонбоз хинди Лакшман, майхоначи Нозим Меҳмет...
бири этикдўз, бири илонбоз, бири майхоначи, бири гадо...
Отини аташ тугул улар билан бир кўчада юрмакка ҳазар
киламен! Лекин начора...

Хонлиқ оқа ҳамиша Қавомиддин қозини ўртантира-
диган диркиллаган куймичини ўйнатиб нариги бўлмага
ўтди, бир оздан кейин чиқди-да, келиб атай қозикалон-
нинг юнгли кўкрагига эркаланиб ўзининг таранг кўкра-
гини босди. Қавомиддин қози оловланиб кетди. Хотин
дарров ўзини тортиб, дастурхонга тиз чўкди.

— Андак тамадди этиб олинг, бегим! Ўзингизга хуш
ёқадиган каклик гўштини димлатиб пиширтирдим. Ис-
сиққина... Таомларнинг тафти кетадир...

— Тамаддини сўнг қилурмиз... Бу ёқдан тафт кетма-
син, дўндиқ! — деди тараддудга тушган қози Хонлиқ
оқани дарчасиз кўшни бўлмага ундар экан.

— Йўқ, сиз менинг айтганимга қулоқ солмадингиз... —
нозланди хотин.

— Қачон?.. Қайси?.. Хе-хе-хе!..

— Йўқ...

Қавомиддин қозининг иши ошиғич эди, у Хонлиқ
оқани даст кўтариб кўшни бўлмага кирди-да, саккиз қават
кўрпага урди...

Бироздан сўнг кутилмаганда кўча дарвозаси қаттиқ
тақиллади. Бобилхона оғалари дарвозани очмай: «Ким?»
деб сўрашди, чунки келганлар ҳар қалай мижозлардан
эмас, улар ўзларини бундай тутишмайди.

— Оч, дарвозани! Сарбадорлар салтанати султони
Абу Бакр Калавий фармони билан барчангиз ҳибсга олин-
дингиз! Оч дарвозани, хунаса!

Дарвоза очилди. Қуролланган пахтагуллик жома кий-
ган кишилар ичкарига ёпирилиб кирдилар. Чап томон-
даги хонадан «Нима гап?» деб югуриб чиққан иккита
бобилхона оғасининг ҳам қўллари боғланди.

— Бобилхона бекаси қайда? Хонлиқ оқа қаерда?..

Қавомиддин қози бу овозни таниди: сарбадорлар сал-
танати амирлашқари камонмерган Хўрдак Бухорий эди.

— Унинг алоҳида хос бўлмаси бордир, эй амирлаш-
қар! — жавоб берди ингичка овоз. Ие! Абумансурнинг

овози-ку! Қозикалон бу иприски овозни хар қандай шовкин-сурон ичидан хаи ажрата олади.

— Дўндик! — деди у шоша-пиша туриб маҳсисини оёғига илар экан. — Мени бу ерда кўрсалар расво бўлур! Илло, менга ортдан чикиб кетишга бир йўл кўрсат! Тез! Бўлақол!..

— Бегим! — ёлворди Хонлиқ оқа. У аллақачон кийиниб олган, оёқда турарди. — Булардан кўрқамен, деб айтгандим-а! Буларнинг қўлидан мени ўзингиз қутқармасангиз, ким қутқарадир? Жон бегим, қозикалонсиз, оғзингизнинг ели...

— Мен бу ердан чиқиб олай ахир! Кейин кўмак берурмен... Базми жамшидлар қуармиз ҳали... Илло қутқариб олурмен! Дўндик, эсинг бор-ку...

У сарбадорлар бу ерда кўриб қолишса гап-сўз бўлишдан кўрқди. «Кимсен, шаҳарнинг қозикалони бобилхонадай жойни қатағон этмак ўрнига, ўзи «бахраманд» бўлиб турар экан-да, дейишлари аён. Айниқса шайхулислом Абулворис Самарқандий билмаслиги лозим, унда ер ёрилиши керак-да, қозининг кириб кетмоғи даркор бўладир. Бундай тавки лаънат душманга ҳам насиб этмасун!..»

— Мени ҳам олиб кетасиз, бегим! Булар ҳаммани хибсга олишмоқчи... — унинг хаёлини бўлди Хонлиқ оқа. — Ёввойиларнинг қўлида колдирманг! Дўндигингизнинг ахволи не кечади ахир?..

Қозикалон энди алдашдан бошқа чора тополмади. Акс холда, бу эси йўқ, бурнининг тагидан нарини кўрмайдиган махлуқ хар нарсага кодирдир. Шу дам қозикалоннинг ақли йилдирим тезлигида ишламоқда эди. «Бас энди, Амир Хусайннинг қайтишини кутиш бефойда, чиқиб оқ уйга борадир, бола-чақасини олиб ўзи мамлакат ҳукмдори Амир Хусайннинг олдига жўнайди, сарбадорларнинг жаъми кирдикорларини айтиб-айтиб хумордан чиқадир. Ҳатто қўшин билан бирга қайтадир, иншооллох, яна унинг мартабаси зиёда бўладир...»

— Дўндик! — Хонлиқ оқани бағрига олиб хотиржам деди Қавомиддин қози. — Розимен! Мен ҳозир чиқаману ўзимнинг сипоҳларим билан келиб сени ажратиб оламан!

Бечора хотин бу гапларга ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмасди.

— Йўқ! Мени ҳозир олиб кетасиз, дедим, ҳозир олиб кетасиз! — Хонлиқ оқа бирдан қозининг қўлидан маҳкам ушлаб олди. — Қўйиб юбормаймен...

— Ҳазиллашяпсенму? Ҳазилингни кўй... Хе-хе-хе!..

— Ҳазили йўқ! Бўлмаса, бақирамен! — хотин шаллакиликка ўтди.

Қози Хонлиқ оқага қаради: халигина ўн саккиз яшар кизларникидай жозибали боққан мовнй кўзлар чакчайиб хиралашган, юққа лаблар қимтилган эди.

— Гапим битта! Мени ҳам олиб кетасиз! Бўлмаса йўқ!

Ташқарида шовқин-сурон кучайиб борар, бўлмалардаги фоҳишаларни бир жойга, мижозларни бошқа жойга тўплашарди. Сарбадорлар Хонлиқ оқани кидиришар, биридан «Йўқми?», «Ўша ёқдами?» деб сўрашаётгани эшитилар, бу эса Қавомиддин қози юрагини тобора сикарди.

— Бўпти! — деди у Хонлиқ оқага. — Олиб кетамен... Орқа эшик борми? Тез кўрсат!

— Бор! Бор! Бегим, бор! Ўзим алоҳида қўйдирганмен! — қувониб кетди хотин. — Бўлмадан чиқиб чапга уй ёнидан юрамиз... Сарбадорлар ўнгда қолади. Деворга етиб олсак бўлди, ўша ердан макбарага йўл чиққан!..

Қози таниб қолмасликлари учун салласини ўрамай, жома ичидан белига боғлаб олди. Хонлиқ оқа бошингизга ташлаб олинг, биров билмасин, деб дурра берди, аммо фурсат кетишидан чўчиб, шошилинч белбоғига қистирди. Хотин шитоб барча шамларни ўчирди. Атрофни қоронғилик чулғади. Улар бирин-кетин ташқари чиқдилар.

Ҳайхотдай ховлининг ҳар жой-ҳар жойида машғала тутган сарбадорлар кезиб юришарди. Улардан бири фавқулудда якингинада экан, машғала ёруғида уларга қараб кела бошлади.

Қавомиддин қози билан Хонлиқ оқа чапга бурилишга улгуришмай саросимада қолдилар. Сарбадор пахтагуллик жомадаги қозини ўзимизникилардан деб ўйлаб, парвосизгина:

— Хонлиқ оқа ўша ердамикин? — деб сўради. — Буёқларда йўқ...

Ортидан машғалали икки сарбадор ҳам унга эргашиб келарди. Қавомиддин қози шошиб қолди. У қўлга тушган ўғридай ночор эди, қочай деса қайга қочади,

курашай деса, бир ўзи шунча сарбадор билан қандай курашади, улар кўпчилик... Хонлиқ оқа унинг ортида яшириниб турганча дир-дир қалтирарди. Қозининг боши котди!.. Тез бир қарорга келиш керак эди. Кутилмаганда у белидан дуррани олди, шартта ўгирилиб, ортида ханг-манг бўлиб турган бечора хотиннинг оғзига тикдида, икки қўлини махкам ушлади. Хонлиқ оқа аввалига ҳеч нарса тушунмади, «Нима қиялпсиз!» дегандай, даҳшат тўла кўзларини Қавомиддин қозига тикди. Воқеа лаҳзада бўлиб ўтди.

— Шу ерда экан!.. — овозини ингичкартириб кичкирди қози гўё бобилхона бекасини тутган бўлиб. — Мана! Зўрға тутдим... Илло!.. Қани, тезроқ ушлангиз!..

Сарбадорлар келиб Хонлиқ оқа қўлларини ортаги килиб боғладилар-да, фоҳишалар бўлмасига олиб кета бошладилар. Хотин типирчилар, нимадир демокчи бўлар, оғзига дурра тикилганидан гапиролмасди.

Қавомиддин қози чархи кажрафторнинг ўйинларига қойил қолди. Хонлиқ оқа яхши ниятда берган дурра, ажабки, ўзининг оғзига тикилди, лаънатлаб турган яланг-оёқларнинг кийими пахтагуллик жома эса қозининг жонига ора кирди. У Хонлиқ оқани олиб кетишган сарбадорлар ортидан бориб, дарвоза олдида тўпланишиб турган сарбадорлар ичига ўзини урди. Ҳеч ким ундан шубҳа қилмади. Бир оздан сўнг тўпдан сирғалиб чиқдида, уйига жўнаб қолди.

Ўттиз бешинчи боб

ОСТИН-УСТИН

Самарқанд сарбадорларининг доврўғи бутун Мовароуннаҳрга ёйилди. Барча эл шу ҳақда гапирар, аслан тобеъ кишиларнинг ҳокимларга хос жасорати хусусида сўз юритарди. Сарбадорларнинг мўғуллар устидан ғолиб келганликлари хабари тез орада Арабу Ажамга тарқалди.

Қиш ярми ўтиб қолган, ҳавонинг совуқлигига қарамай, сарбадорларнинг юмушлари қизғин эди. Соҳибде-вон Мавлонозода, уни вазир ҳам дердилар, раҳнамолигида бир неча тадбирга қўл урилди. Улар сарбадорлар

султони Абу Бакр Калавий, амирлашкар Хўрдак Бухорий ва Мавлонозода иштирокида келишиб олинганди...

— Салтанатимиз кишиларида бойлигу ҳашам, ортикча зеб-зийнатга берилиш, исрофгарчиликка йўл тутиш манъ этиладир, — деди сарбадорлар султони. — Бу нарсаларнинг бари тенглик эътиқодига зиддир. Ҳамманинг қорни баробар тўйсун...

Сарбадорлар салтанати пешволари Аркда, девонхонада суҳбатлашмоқда эдилар. Абу Бакр Калавий тахтда, амирлашкар билан соҳибдевон унинг рўпарасида ўлтиришарди.

— Шундоқ-ку... — эътироз билдирди Мавлонозода. — Аммо қандоқ қилиб кишилардан зеб-зийнатни, бойлигу ҳашамни тортиб олурмиз?..

— Салтанат йўлида тортиб олинадир. Барчаси хазина учун зарурдир. Битга ҳам киши оралатмайсиз, фақирдан бошлаб ортикча нарсаларни хазина учун йиғиб берасиз...

— Бадавлату сарватмандлар англашиларли, — гапга қўшилди амирлашкар. — Аммо бир тоифа борким, уларга эҳтиёт юзасидан ёндошмак жоиздир...

— Очиқроқ десинлар, амирлашкар жаноблари!..

— Мен аҳкоми динни назарда тутаман. Эл-улус ҳаммаша улар сўзига қулоқ осадир. Уларни ранжитмак нохуш ходисалар келтириб чиқарадир, дейман...

— Амирлашкарнинг сўзлари ўринлидир, — ўз фикрини билдирди соҳибдевон Мавлонозода. — Султоним, камина ҳам бу хусусида бир андиша қулидурмен...

— Нечук андиша қулидурсиз, эй феъли чиройли?

— Шаҳримизда аҳли мусулмон ичра, сарбадорлар динни поймол этар эканлар, таом бир, либос бир, хатто... заифалар ҳам умум бўладир эркан, қабалида миш-мишлар қанот боғламишдур...

Сарбадорлар султонининг қўй қўзларида назаб учқунлари чакнади:

— Валлоҳ! Заифалар ҳақидаги сўз қайси феъли баднинг сўзидур? Авингдек, фиску фасод бандасини тўрт пора қилмак ҳам камдур!.. Не дейсиз, амирлашкар?.. Миш-мишдир бу, миш-миш, эй феъли улуғлар!

— Миш-мишларни ҳар қалай, сарбадорларнинг дўстлари демайдилар. Миш-мишу нохуш гапларни ганимлар тарқатадур холос, — жавоб қилди амирлашкар.

— Ушмундоқ вазиятда, — асил мақсадга кўчди соҳибдевон, — амирлашкар айтган тоифага чиндан ҳам эҳтиёт бўлиб ёндошмак талаб этиладур...

— Хўш? — сарбадорлар султони соҳибдевонга синчков тикилди.

— Камина ҳам аҳкоми динни, шариат устунларини ўйлаб андишага борамен. Шайхулислом Абулворис Самарқандий, мударрис Хожа Лутфуллоҳ, имом Қутбиддинлардан тортиб ҳар маҳалланинг имомию сўфисигача холи қудрат улус кўзинда сўз ва нуфуз соҳибидурлар. Уларни ранжитмак нодурустдир. Зеб-зийнат, бойлигу ҳашамни тортиб олишда салтанат уларга тегмаслиги лозим. Ҳеч бўлмағонда улусдан сўнг, энг охирги навбатда бу тоифага ўтилса... Ўшанда улар салтанат султонининг фармонини барчага келғон тўй эканлигини, иншооллоҳ, англаб етурлар ва ранжимакдан тийилурлар...

— Нечун энди сиз айтғон тоифага тегилмайдир экан? — кизишиб деди сарбадорлар султони. — Улуснинг елкасида истикомат қилаётғонлари учунми? Сарвати ошиб-тошиб ётғони учунми, а, феъли яхши? Сахардан то оқшом пахтанинг гардини ютиб тирикчилик қилаётғон наддоф, лойдан қўли чиқмай оқйем бўлғон кулол, қандолатпаз, этикдўз, тийргар, камонгар, нонвой, жувозчиларнинг не айби борки, бирлари икки бўлмайдур? Кечагина сарбадор бўлғон гадонинг не гуноҳи бор? Тенглик эътиқодига тескари ҳар қандай режа гул очар экан, бас, билингизким, ул салтанат сарбадорлар салтанати эрмас!..

— Султоним! — деди яна Мавлонозода. — Салтанатнинг ушбу тадбири, эҳтимолки, аҳкоми динни ранжитмас ҳам... Аммо аёнки, бу қилғон ишимиз улус кўзида ранжитиш ўрнига ўтадур... Ажабки, ўша наддоф, кулол, қандолатчи, этикдўз, гадо салтанат бу юмушларни улар учун қилаётғонини англаб етармукин?

Сарбадорлар султони соҳибдевонга хайрат билан қаради:

— Бу нима деганлари?... Англаб етадурлар, албатта!

— Қўрқаменким, салтанат улус деб жон куйдирадур, аммо буни улус англамоғи мушкулдур... — қатъият билан ўз фикрини давом этдирди соҳибдевон. — Шариат пешволари улуснинг сиғингувчи кишилари. Биз улус си-

гинадурғон, топинадурғон кишиларга зугум этиб, эл ихлосини қайтариб қўймасак, бас...

Амирлашкар Хўрдак Бухорий сўзга аралашмай туролмади:

— Ўша улус хурмат этадиғон кишиларки, салтанатга бўйсунар эканлар, буни улус кўриб итоат камарини белига маҳкамроқ боғлайдир. Ихлос эса ҳаминша итоатнинг хамсояси бўлиб келғон...

— Бошқа бир андиша ҳам бор... — Мавлонозода, энди у ҳақда гап тамом деган маънода. — Ҳозирнинг ўзида улус ичида шундай овоза юрибди...

— Қандай овоза? — сўради сарбадорлар султони.

— Сарбадорлар давлати гўё ғайридинлар давлати эмиш. Илонбоз Лакшманни назарда тутишмақда шекилли...

Абу Бакр Калавий жилмайди:

— Абу Наср ал-Форобий айтадурларки, фозил ва етук шаҳарлар фуқароси турли диний эътиқодга сиғинсалар ҳам, бир хил бахт-саодатга, бир хил ёруғ мақсадларга интилишлари мумкин... — Сарбадорлар султони тахтнинг ёнидаги лавҳдан бир рисолаани қўлига олди-да, варақлаб, тагин жойига қўйди. — Ғайридинлар шахримизда истиқомат қиладурғон кишилар. Улар оздирлар, салтанатимизда, тенглик эътиқодига кўра уларнинг вакили бўлсин. Агар ўшал қавмда бир жанжал қўпса, тиндирадурғон шул бўлур... Борди-ю тенглик эътиқодимизга бўйсунмайдурғон эса, ғайридин тугул мусулмоннинг ўзи ҳам сарбадор бўла олмайди!

— Муаллими соний рисолаларини ўқиганмен, аммо...

— Ва ё сиз... шахримизнинг фозил шаҳар эканлигига шубҳангиз бормудир?.. — Сарбадорлар султонининг саволи кескин бўлди.

Соҳибдевон Мавлонозода хаёлга чўмди: «Фозил шаҳарда инсоннинг камолга етуви диний биқиқликка, қандай дин тарғиб этилувига асло дахли йўқ, зеро, бу фозил шаҳардир. Ғайридинлар давлати, деган овозалар эса фозил шаҳарга хос эмас. Бас, Самарқанд хали фозил шаҳар рутбасига эришмабдирму? Фуқароси бир-бирини ғийбат этса, демак, беодоб шаҳар даражасидан чиқа олгани йўқ экан-да?»

— Шубҳасиз, шахримиз фозил шаҳарга айланаётир... — деди Мавлонозода хаёлидагини айтмай. — Фо-

зил шаҳар ихтиёрийликдан обод бўладир, деб ҳисоблаймен, султоним! Зинҳор зўрма-зўракилик, мажбурийлик усулларига ён бериб қўймайлик...

— Фуқарони мажбурий бирлаштирмак ҳам лозимдир, дейдилар муаллими соний... — гапга қўшилди амирлашкар Хўрдак Бухорий.

— Тўғри-ку... Улус олақуроқ оломондан иборат бўлиб қолмасин, дейман. Яқдиллик тарафдоримен, холос... Улус эса оломон даражасида... — Тушунтирмакчи бўлди фикрини Мавлонозода.

Сарбадорлар султони индамади. У ўрнидан турдида, амирлашкар билан соҳибдевон орасидан девонхона ўртасига қараб юрди. Ҳа... Давлат, фозил шаҳар, тенглик, бахт-саодат, бирлик... Мақсад бир хил, аммо тушунтириш ҳар хил... Баҳслар бўлмаги табиий, энг муҳими, интилиш бир, ғайрат бир — сарбадорлар султонига шу керак...

— Салтанат йўлида бойлигу ҳашам, зеб-зийнатни тортиб олишни фақрдан бошлайсиз... Тенглик эътиқодимиз шуни тақозо этадур. Оллоҳнинг берган ноз-неъматлари олдида сарбадорлар султони билан гадо бир хил мартабага эгадур. Ахир авлоди бани башар бир йўсинда туғилар, бас, бир йўсинда бахтли бўлсинлар! Ҳар бир ховлига кирилсин, сарбадорлар салтанати фуқароси нечта эканлиги рўйхатга ҳам олинсин. Иншооллоҳ, барча сарватманду аҳкоми дин ҳам улги олурлар. Сарбадорларнинг тенглик эътиқодига бўйсунмағон ҳар кас диндан қатъий назар қиличдан ўтказилур!

— Аммо, — эътироз билдирди амирлашкар. — Соҳибдевоннинг гапларида жон борким, кавоиду русумни барчага, балки бирдан қўллаш ўринсиздур. Ахир парвардигор ҳам беш қўлни баробар этиб яратмағон...

— Агар беш қўлни баробар этиб яратмағон бўлса, бу балки, Оллоҳнинг ўзи кечирсун, беайб парвардигорнинг яккаю ягона айбидир, эй феъли барқарорлар! — Абу Бакр Калавий тахт ёнига келди. — Мана бу тахтнинг нечоғлик безатилғонини кўрингиз: лаълу дуру забаржаду зар... Шунчалар ҳашам бир султонга жоизму? Барин териб олурсиз ва давлат хазинасига топшиурсиз. Сўнг, Садр Сулаймон ховлисидаги олтин олма танаси заррин лаппакчалар билан қопланғон, мевалари лаълу марвари-

ду кушчалари олтиндан эди. Лекин кани улар? Жамма-забон девонбеги уйини тафтишга олингиз. Сўнг козикалонга ўтингиз, сўнг шайхулислом, сўнг сарватмандларга...

— Аввал сарватмандлардан бошлайлик, — таклиф этди Мавлонозода.

— Кимдан бошламак, майли, сохибдевонга хавола этилур, лекин бир кас қолмасин. Фозил шаҳар аломатларидан бири маърифату тарбия. Самарканд ҳокими хонадониди катта кутубхона мавжуддир. Инчунин, кўча томондан эшик очиб, ундан барча сарбадорлар бахраманд бўладурғон қилайлик.

— Мадраса бунёд этмак зарурдир, — деди Мавлонозода. — Садр Сулаймон мадрасаси бағоят ошиғич қурилғонидан, бино чўккан, орқа девори нурашга мойилдир. Мактаблар очмак даркор, токи авлод сохиби илм бўлсин... Муаллимлар топайлик. Ўзим ҳам сабоқ бермагим мумкин...

— Хўб айтдингиз, Нодирбек, мен ҳам шул ҳақда сўзламакчи эдим, — қувватлади амирлашкар Хўрдак Бухорий. — Черигимиз улус йигитлари билан тўлсин, машку интизоми аъло бўлсин...

Ўртага жимлик чўкди. Ҳамма гап айтиб бўлингандек эди.

— Султоним! — мурожаат қилди сохибдевон яна. — Тафтишдан маълум бўлдики, шаҳримизда, Садр Сулаймон каби бир неча бадавлат кишиларда бисёр қуллар бордир. Яна Жета лашкаридан тушган асирлар бор... Уларни ҳам тенглик эътиқодига кўра назардан ўтказамизму?

— Асло! — рад этди қутилмаганда сарбадорлар султони. — Улар ўз номи билан қуллардир. Оллоҳ уларнинг манглайига қул бўлиб яшашни битғон, начора...

— Оллоҳ уларни қул қилиб яратмағон-ку? — сўз қўшди орага амирлашкар.

— Бағоят тўғри! Шу важҳдан, уларнинг олдига ушмундоқ шарт қўйилур: агар ўзларини яхши тутса, сохибининг ишонч-ихтиёрини олса, қуллик тавки лаънатидан халос этилур, эй феъли пишиқлар!

Шу асно девонхонага Абумансур кириб келди, ёнига осиб олган қилич дастаси пахтагуллик жомани туртиб турарди.

— Сарбадор! — деди у муштини баланд кўтариб. — Ассалому алайкум!

Салтанат пешволари алик олдилар.

— Турон султони Амир Хусайн ва амирлашкар Те-мурбекдан элчи келмиш, султоним!

Бу кутилмаган янгилик эди.

— Лоҳавло вало қуввато! — деб юборди Абу Бакр Калавий. — Элчи келмиш?

— Қаерда экан Турон султони? — сўради хайратда амирлашкар Хўрдак Бухорий.

Мавлонозода индамади, бу хабардан хайратга ҳам тушмади. У бошқа нарсадан хайрон: «Ажабо, бу «кўрша-палак», каламуш башара қандай қилиб Абу Бакр Калавийдай ҳалол, тўғрисўз одам кўнглига йўл топди? У кенгаш аъзоси бўлиб олди, мана ҳозир ҳам, салтанатнинг уч раҳбари улус ташвишларидан сўз олишиб турганда, бетакаллуфларча бостириб кириб келди. Нимасига ишонадир, бу фосиқ банда? Наҳотки, унинг қора кўнгили эканини сарбадорлар султони сезмайдир?..»

— Шу онларда Турон султони Солисаройда эркандур, — жиддий деди Абумансур. — Бир қошиқ қонимдан кечсалар, элчини олиб кирсам...

— Кечдим! Олиб кирилинг! — ижозат берди сарбадорлар султони.

Абумансур таъзим қилганча орқаси билан юриб чиқиб кетди. Орадаги жимликни соҳибдевор бузди:

— Султоним! Бир нарса важхидан хаёлингизни бўлурмен...

— Хўш, эй феъли равшан, хўш?

— Фақирга падари бузруквор даражасидадурсиз... — хижолат бўлиб деди соҳибдевор. — Вале бир ўтинчим бор: Абумансурни салтанатга яқинлаштирмак хатардир... Аминменки, унинг дўстлиги гумон даражасидан нари ўтмайдир. Мадрасадан билурмен...

Сарбадорлар султони индамади. Дарров Абумансурнинг «Мавлонозода хасадгўйдир, ичи кўмир янглиғ қорадир... Буни синамоғингиз мумкин, у мени бегумон сизга ёмонлайди...» деган сўзлари ёдига тушди.

— Ахий Жаббор ҳам Абумансур ҳақида, деворнинг ости, кўчанинг пасти, томнинг усти билан юрадиғон хилдан экан, деб сўзлагонди, — гапга қўшилди амирлаш-

кар Хўрдак Бухорий. — У Ахий Жаббор кўшинида саваш кургани.

«Ахий Жаббор сайилни бузиб дарра ейишига оз қолувди, уни ҳам Абумансур тутиб олғонди... — хаёлидан кечирди Абу Бакр Калавий. — Ахий Жаббор албатта у ҳақда дуруст сўзламайдир-да...»

— Киши хусусинда фикр юритмак учун, уни яхши билмак лозимдир. Йўқ эса, биров ҳақида сўзланғон ҳар қандай гап тўхматга айланмоғи бир баҳияликдир... — Сарбадорлар султони бошқа сўз қўрмади.

Бу гап соҳибдевон Мавлонозодага ботиб кетди. Боплаб майдакаш ва маккор Абумансурнинг Садр Сулаймонга, айни пайтда, Қавомиддин қозига хизмат қилгани ҳақида, қаззобу ёлғончилиги хусусида, бедаво ҳасад қўлининг кирдикорлари тўғрисида сўзламакчи бўлиб оғиз жуфтлади. Аммо Абумансурнинг элчи Давлатшоҳ баҳши билан кириб келаётганини кўриб тўхтаб қолди.

Давлатшоҳ баҳши югуриб келиб тахт пойига бош урди, сарбадорлар султони жомаси пешини ўлди. Сўнг ортга чекинди-да, қироат билан деди:

— Турон султони онҳазрат Амир Ҳусайн ибн Мусаллаб ибн Амир Қозоғон ва соҳибқирон амирлашкар Темурбек Самарқанд сарбадорлари ҳукмдори Абу Бакр Калавий сарбадорийга дуои салом йўллайдурлар ва Оллоҳ таолодан барча мўмин-мусулмонларга солимлик тилайдурлар!

— Хуш кўрдик! Самарқанд сарбадорлар давлати ҳам Турон султониға омонлик тилайдур! — деди Абу Бакр Калавий.

Давлатшоҳ баҳши сарбадорлар салтанати пешволарига синчков назар солди. Барчаси бир хил пахтагуллик жома кийишган, иккисининг бошида салла, бирида дубулға, дабдабали салтанат соҳибларига асло ўхшашмасди. У Амир Ҳусайн ва Темурбек номидан Абу Бакр Калавийға зарбофт чопон, заррин камар, турнабеллик қилич ва Самарқандни идора этишга берилган найча килиб ўралган ёрлик топширди.

— Юрт амирлари, — деди Давлатшоҳ баҳши, — сиз сарбадорларнинг ҳалокат гирдобида жондан кечиб жавлон урғонингиз учун, юртни беомон душман чангалидан омон сақлаб қолғонингиз учун ушбу иноят либоси билан

сийлайдурлар. Сарбадорлар салтанати барпо этронлигингиз ўринлидур, бу йўлда Турон султони ва унинг амирлашқари сизга кўнгилларида асло кин сақламайдурлар, зеро кўнгиллар ёруғ ёзга етишган осмондай беғубордир. Кайвоннишон амирлар малолсиз даврон сурмагингаз, салтанат ишларига ривож бермагингиз мумкин деб ҳисоблайдурлар ва салтанат дахсизлигин буткул кафолатин олурлар...

* * *

Самарқанд сарбадорларининг босқинчилар устидан ғалабаси хабарини Темурбекга биринчи бўлиб Аббос баҳодир етказди. Мавлонозода, сарбадорларнинг музаффарияти Темурбекни қувонтиради, деб ўйлади, чунки амирнинг «Кўнглим сарбадорлар тарафиндадур...» деган сўзлари эсида эди, шу сабабдан ўзи суюнчли хабарни етказишни Аббос баҳодирдан ўтинди. Бу пайт Темурбек ўзининг кичик кўшини билан Балх ёнида чодир тиккан, Амир Ҳусайн чекиниб Шибертуда тўхтаганиди.

Қавснинг ўрталарида, киш кириб йўллар ёмонлашган палла, икки амир Қундуздан жануброқда Боғлонга яқин жойда учрашдилар. Машварат узоқ давом этди.

— Амирлар қила олмағон ишни уддалағон сарбадорлардан хайикмоқ лозим... — деди Амир Ҳусайн, унинг бўғиқ овози яна ҳам бўғиқроқ эшитилди.

— Бу оламда-ку, Ҳусайнбек, ҳар нарсадан ҳам хайикмоқ лозим, сиз тўғри сўзладингиз... — маъқуллади Темурбек.

— Аммо буни ҳаммадан пинхон сақламоқ керак...

— Пинхон сақламоқ хақидаги сўзнинг ўзи ошқоралиқдир...

Амир Ҳусайн Темурбекга кирғийқараш қилди:

— Сўзингизни англамайдурмен... — Мовароуннаҳр ҳукмдори ўйланганча деди. — Аслида сарбадорларнинг бир танобини тортиб қўймак хақида сўз юритсангиз бўларди. Аммо Самарқанддай исён ва туғён қадами билан ўлчанғон маконни забт этмакка кўшину қувват қайда?.. Бу ёқда бўлса киш қиличини қайраб остонада турибди...

— Ҳусайнбек! Ёмонлик хамиша ҳам одамнинг қўлидан келадурғон нарса... — эътироз билдирди Темурбек. —

Аввал яхшилик йўлларини қидириб кўрайлик... Ўз аҳволимизга бир боқайлик-да, фикр этайлик... Фойдадан холи бўлмас...

— Бу нима деганлари, Темурбек? — Йигирма тўққиз ёшли амирнинг дунё кўриб қўйган оқсоқоллардай сўйлаши Амир Ҳусайннинг гашини келтира бошлади.

— Адолат кўзи билан қаралса, — хотиржам давом этди Темурбек, — биз сарбадорларнинг танобини тортиб қўйишга шошилмаслигимиз керак... Аксинча, улар билан дўст бўлмоқ лозим, мўғулдай қаттол душманимизни бир ёқли қилғон ботирларни ўз одамларимизга айлантирмак зарурдир...

Темурбек сўзлар экан, Амир Ҳусайннинг кўнглидан: «Ҳа, сарбадорлар билан бир бўлиб, мени гумдон этмоқчи эканингни сезиб турибмен... Сарбадорлар билан дўстлигингни яхши билурмен, Темурбек! Бу ёқдагиларни анойи деб ўйлама!» кабилида сўзлар кечди.

— Хўш... Нима қил, дейдилар? — ўсмоқчилаб сўради у.

— Бунинг йўли битта, — деди Темурбек катъий. — Самарқанд сарбадорлари султони Абу Бақр Калавийга, сохибдегон Мавлонозода ва амирлашкар Хўрдак Бухорийларга шаҳарни бошқаришга маншури давлат¹, зарбофт чопон ва турнабеллик килич йўллайлик!

Амир Ҳусайн алам аралаш инграб юборди:

— Темурбек, мени мазах қилаётирмусиз? Мен энди киммен? Мен кечаги душманларни зир титратгувчи Туронзамин ҳукмдори эмас, балки мўғулдан калтак еб қолган бир амирмен, холос... Афсус... Менинг ёрлиғиму чопоним, совға-саломим энди кимга ҳам керак, кимга ҳам керак?... Юборғонимда ҳам ким уларни олади-ю, ким унга қулоқ осадир?..

Амир Ҳусайн сабрсизлик билан у ёқдан-бу ёққа юра бошлади.

Темурбек Амир Ҳусайннинг ожизу умидсиз ҳолга тушганини кўриб, ичида «Бечора!..» деб қўйди. «Эсиз!.. Юртнинг тақдири мана шундоқ бир махлуқнинг қўлига тушиб қолган! Эсиз!.. Сарбадорларнинг эса йўриғи бошқа... Сарбадорлар жасур ва мард кишилардир! Улар

¹ Давлат ёрлиғи.

Самарқандни пойтахт этдилар. О, Самарқанд!.. Менинг ҳам бирдан бир орзуим Самарқандни пойтахт айламак, оламга танитмак, давлат тузмак эди... Сарбадорлар худди шу йўлдан борурлар... Улар билан тил топмак керак...»

— Хусайнбек! — Шиддатли гапирди Темурбек. — Умидсизликка тушмайлик! Ноумид шайтон, деганлар. Сиз, Мовароуннахр хукмдорисиз, Амир Қозоғоннинг зур-ёдисиз! Ҳали биров сиздан тахтни тортиб олғон эмас!..

Темурбекнинг сўзлари Амир Хусайнни рухлантириб юборди. У ичида мавжуд вазиятни дабдурустдан амирлашкарчалик англай олмаганига фикринди.

— Шундоқ, шундоқ, Темурбек! Рост айтасиз, Мовароуннахр хукмдоримен, тахтни биров тортиб олғон эмас!.. Ололмайди ҳам!.. Тахт қўлимда!..

— Бас, биз Самарқанд сарбадорларига элчи юбориб, қўлига шахарни бошқаришга ҳуқуқ берадурғон маншури давлат, зарбофт чопон, заррин камару турнабеллик қилич тутказайлик. Элчига шуни ҳам уқтирайлик: аввало, сарбадорларнинг ҳокимиятни ўз қўлларига олғонликлари мақбул қадамдир. Уларнинг ушмундоқ тутумларидан юрт амирлари зинҳор ранжиғонлари йўқ... Амирларнинг хохиши сарбадорлардек юртпарварлар тарафиндадур... — Темурбек жим қолди. — Шундай йўл тутмоқ аслида бизлардан жойиз. Бу салтанат учун керак...

Амир Хусайн тинглар экан, Темурбекнинг гаплари самимийми, самимий эмасми, билолмади. Шунга қарамай, у Темурбекнинг таклифига рози бўлмай иложи йўқ эди. «Чиндан ҳам мамлакатда сарбадорлар энг катта кучдир... — деб ўйлади Амир Хусайн. — Ҳозирча тан олишга тўғри келади... Ҳозирча... Балки бу Темурбекнинг ўйинидур? Ўйин бўлса, ўйин-да... Аммо Темурбекнинг сарбадорлар билан бирлашиб кетишига йўл қўймаслигим керак!.. Ўйиннинг энг катта шarti ушбудир...»

Амир Хусайн уч бор қарсақ урди. Амир Мусо кирди.

— Самарқанд сарбадорлари номига маншури давлат тайёр этилсун!.. Бугуноқ элчи юборилсун!

Амир Мусо фармонни ижро этгани чиқди.

...Давлатшоҳ бахшининг Самарқандга элчи бўлиб келиш тарихи ана шундай эди.

— Олимаком амирлардан бағоят миннатдормиз, химмат кўргизибдурлар... — деди сарбадорлар султони. — Қадри баланд амирларга еткурингизким, биз сарбадорлар салтанати ҳеч кимга ёмонлик тиламаймиз, бировга кўз олайтирмаймиз. Тилагимиз фақат яхшилиқдур, барча салтанатлар билан дўстлигу дориломонлиқда яшашдур. Биз Тошкенту Ахсикентга, Термизу Бухорога, Сабзавору Кирмонга, Хироту Бадахшонга элчилар юбордик, хусусан, Самарқандда сарбадорлар салтанатининг барқарор эканлигидан хабар еткурдик, муносабатимизни уруш эмас, дўстлик доирасида бунёд этмакни ўтиндик. Агар хохишлари бор эса, бизлар билан бошни битта қилсунлар, деб тайинладик... Амирларнинг элчи юбориб совға-салом ила сийлашлари уларнинг ҳам, иншооллох, шундоқ фикрда эканликларини тасдиқлайдур...

Давлатшоҳ бахши маъқул дегандай таъзим қилди. Мавлонозода ичида Темурбекдан мамнун бўлди. Бегумон, бу яхшилиқ фақат ундандир, зеро Амир Хусайндай дағалу кўрс одам хаёлига бундай оқил йўл келиши мушкулдир. Фақат амирлашкар Хўрдак Бухорийгина ўйлаиб қолди: икки урушқоқ ва жангари амирнинг бу қадамлари чин дилданму ёки хийламу?.. Унга қолса, шарт Давлатшоҳ бахшини туттириб нимта-нимта қилдирарди, аммо элчига ўлим йўқ-да... «Улар адо этолмағон ишни биз адо этдик. Улар ёвдан тарсаки еб қочдилар, биз эса ўша ёвни енгиб турибмиз... — ўйларди амирлашкар. — Мантиқ юзасидан, сен қилолмағон ишни мен бажардим, кабилида фикр юритилса, унда... сарбадорлар амирларнинг ашаддий душмани бўлиб чикади-ку? Наҳотки, Самарқанддай улкан шаҳарда давлат тузғонимиз, даврон сурмагимиз, чекка-чеккада писиб, қочиб юрғон амирларга хуш келса? Ҳамиша тахт даъвогари бўлиб келғон одамлар, наҳотки, тахтда ўзгани кўриб мамнун бўлсалар?..» Бунга ақл бовар қилмасди. Амирлашкар бу ўйлари элчи кетгандан сўнг албатта султону соҳибдевонга айтмоғи керак.

Абу Бакр Калавий уч бор қарсақ урди. Мулозим кирди. У кам пахтагуллик жомада эди. «Ажабо, — деб ўйлади Давлатшоҳ бахши. — Бу нечук давлатким, султони ҳам, мулозими ҳам бир хил кийинурлар? Адолат либос билан белгиланурми?..»

— Сарбадорлар табиатан инсофлидурлар, — элчига деди Абу Бакр Калавий. — Биров ипак мато юборғонда, тикан тугиб қайтармайдурлар. Хазиначига айтинг, Мавлонозода! Қарши шахрида истикомат қилувчи амирлашкар Темурбекга зарбофт тўн, ясатиғлик от, тўққизта чодир, тўққизта хачир, тўққизта қул тухфаи тансуқот этилсун!

— Бош устига! — жавоб қилди сохибдевои ва мулозимга аста нималарнидир уқтира бошлади.

Давлатшоҳ бахши юқуниб тисланганча девонхонадан чиқди. Абумансур унга эргашди.

— Бунда не юмуш-ла машғулсен? — сўради Давлатшоҳ бахши ҳовлида Абумансурдан.

— Мулозимлардан биримен... — деди Абумансур айёрлик билан.

— Катта мартабаларга эришмакни тилармусен? Нима, мулозимлик ҳам мансаб бўптими!..

— Тилармусен? — шипшиди Абумансур. — Катта мартабаларга эришмакни орауламаган нодон хали туғилмағон бўлса керак...

— Ҳм... Мовароуннаҳр султони, унинг сохибқирон амирлашқари олдида сенинг юзингдан ўтинмоғим мумкин... Мартабалик бўлурсен... — Давлатшоҳ бахшининг кисиқ кўзлари яна ҳам кисиқди.

Абумансурнинг шилқиқ кўзлари эса каттароқ очилди.

— Мендан не тиларсиз? Очиқроқ сўзлангиз!

— Сарбадорлар салтанати ахволотидан сўзлаб берсанг бас! Ихлосингни Амир Ҳусайнга етқурурмен, эътиборинг ортадур... Яхшилиғимни ёдингдан чиқармасанг бўлди...

Давлатшоҳ бахши чиндан ҳам тинғчилик касбининг сохиби, Темурбекнинг қуловузлири ичида энг тажрибалиси, суяги қотгани эди. Абумансурнинг кўзлари ўйнаб туришидан дарров мунофиқлигини сеза олди. Бирор жойга гап етказиб турмоқ учун асли мунофиқ бўлмоқ керак.

— Худо урсин, эсимдан чиқмайди! — ишонтирди Абумансур. — Сизга айтадурғон гапларим кўп... Фақат... четроққа чикайлик. Деворда ҳам қулоқ бор, дейдилар...

Улар икки отга миниб Арқдан кунботишга қараб юрдилар. Темурбек элчиси Давлатшоҳ бахши гарчи тун-

оқшом Қутлуғ Туркон оқа хонадонида кўниб, Аббос баходир билан сарбадорлар салтанати хусусида суҳбат куриб, кўп нарсани билиб олган эса-да, Абумансурнинг айтадиганлари ҳам фойдадан холи бўлмас деб, ўйлади.

* * *

Давлат ишлари соҳибдевон Мавлонозода билан амирлашкар Хўрдак Бухорийни шундай камраб олдики, бош кашувга қўл тегмасди. Сарбадорларнинг тенглик эътиқодига бўйсунган холда улар Шаҳриёр, Уста Кулол, Халвойи, Нозим Меҳмет ва синоҳийлар гуруҳи кузатувида давлатманд кишилардаги ортиқча бойлигу хашам, зебзийнатни салтанат хазинаси фойдасига мусодара этмоққа киришдилар. Ишни сарбадорлар султони Абу Бакр Калавий айтганидек, Аркнинг ўзидан бошладилар, сўнг Садр Сулаймон хонадонига ўтдилар. Аввало меҳмонхона остидаги ертўлани калити йўқлигидан эшигини қўпориб очдилар. Олтин, инжу, дур, марварид, ёқут забаржад, феруза тўла олтига туясандиқ чиқди. Еттинчиси Абумансур кўмагида Жаммазабон девонбеги томорқасига кўмилган жойидан топилди. Девонбеги Самарқанд ҳоқими ҳовлисидаги олтин олмани ҳам шилиб олганлиги аниқланди. Унинг бойликлари тортиб олиниб хазинага ўтказилди. Ўзини эса улус ҳақиға хиёнат қилганликда айбланиб, Чорсу майдонида шаҳар аҳли кўз ўнгида қатл этилди.

Жаммазабон девонбеги воқеасидан сўнг, шаҳар сарватмандлари кўрқиб қолдилар ва бор-будларини ўзлари хазинага келтириб бера бошладилар.

Қавомиддин қози Хонлик оқа хонадонидан эсон-омон чиқиб уйига келгач, зудлик билан йиғштиринишига тушди, зарур анжомларни олди. Кечанинг икки ҳиссаси ўтиб шаҳар сукунатга чўмганда, у аҳли аёли, фуломлари билан пана-пастқам йўллардан Солисаройга қараб жўнади. Қавомиддин қози оламда бирдан-бир суянчи Турон султони Амир Хусайнга сизғиниб борадир, сарбадорларнинг бутун разил ишларини битта қолдирмай сўйлаб берадир...

Сарбадорлар Қутлуғ Туркон оқа хонадонига ҳам кирдилар. Бу ҳақда сарбадорлар султони Абу Бакр Калавий билан Мавлонозода ўртасида тортишув ҳам кечди.

— Бу хонадонни четлаб ўтсак... — таклиф қилди сохибдевон. — Ҳар нечук Темурбекнинг эгачиси...

— Ўзимнинг уйимни четлатмадим! — Сарбадорлар султони қатъий деди. — Адолат тарозисига путур етмасин ахир!.. Бари сарбадорлар салтанат ҳазинаси учун қилинур! Бизнинг энг ёмон одатимиз кимгадир енгиллик қилмак, айирмак йўлидур. Салтанат олдида ҳамма бирдир — султон ҳам, гадо ҳам, меним ёстикдошим — Шамсулмулкнинг онаси ҳам, Темурбек эгачиси Қутлуг Туркон оқа ҳам... Хотирингиздадир, муаллими соний дейдилар: «Жамоа бошлиғи адолатни севсун... Ҳам ўзининг одамларига, ҳам ўзгаларга бир йўсинда адолат кўргизсун!»

Мавлонозода бошқа сўз қўшишга журъат этмади.

Шайхулислом Абулворис Самарқандий ҳовлиси Кўрчилар кўчасидан бориладиган Хожа Абди Дарун маҳалласида жойлашганди. Маҳалладаги уйларни оралаб юрган сарбадорлар шайхулислом хонадонига ҳам бетакаллуф киришиб, анжомларни сарҳисоб қилмакка турдилар. Одат бўйича, элликта қўйдан бештаси, тўрт қоп ундан бир қопи, икки қоп гурунчдан бир қопи, тўрт қоп бугдойдан бир қопи, қирқта косадан ўнтаси, олтмиш газ кимхобдан ўн беш газ хонадоннинг ўзига қолдириларди. Ҳовлида ҳамма нарса уйқи-туйқи холда, саришталик издан чиққан. Пахтагуллик жома кийган шайхулислом чўққи соқолини силаганча устунни нақшин нигор ишланган айвонда ўлтирар, гоҳ-гоҳда: «Не кунларга қолдиг-а!» деб қўяр, везиллаб уйга кириб-чиқиб турган сипохийлардан кўз узмасди. Дуркун сарбадор йигит ичкаридан бир тўп оқ матони кўтариб чиқди.

— Юз газ оқ бўз экан... — деди у сохибдевонга қарата.

— Йигирма газини қолдирингиз! — жавоб қилди сохибдевон.

— Кафанликларингизга яраса бўлди... — ўзига-ўзи айтгандай деди бирдан шайхулислом кутилмаганда. Ҳамма эшитди.

Мавлонозода нимадир демоққа оғиз жуфтламоқчиди, ундан олдин амирлашкар Хўрдак Бухорий сўз бошлаб қолди:

— Шайхулисом жаноблари! Қошингизда муридлар эмас, салтанат одамлари турғонини фаромуш этмангиз! Сарбадорлар ҳар нимарсадан инсонни юқори қўюрлар. Бу олинғон нарсалар улусники, бир газ кимхобни султон ўзига олмайду, бир дона бугдойни сохдбдево тасарруф этмайду. Барчаси хазинани тўлдиру. Хазина тўла бўлса, эл тўк бўлу. Бу амирлару беклар ўлпон деб, божу хирож деб, ушр деб улусдан тортиб олғон мол-дунёдан фарқлидир. Улар ўша ҳокиму амирнинг ёнчиғини обод этгон. Биз эса барчасини улусга расамади ила қайтиб берадурмиз...

— Улус ташвишши чекмак ўзгача бўлу... — эътироз билдирди шайхулисом Абулворис Самарқандий, олмишларга бориб қолганига карамай, дадил ўрнидан турди. — Раҳматли Садр Сулаймон билан кўп бахшлашар эрдим. Менинг гапим, ажабо, унга ҳам ёқмасди. Ҳукмдор улус бошини силамак ўрнига ранжитадур, улусни мушти билан силағон ҳукмдорнинг ҳоли вой...

— Сарбадорлар салтанати барча юмушни улусни деб йўлга қўяётир, тақсир! — Мавлонозода жилмайишга уринди. — Улусга жанобларидан бошқа бошпанасиз ана бу гадо ҳам кирадир...

— Бошпанаси бўлмаса фақирда не айб? — тажанг деди шайхулисом. — Оллога ёлборсун. Оллодан сўрасин. Бир кирдикори оллога ёқмбдурки, шу қўйга тушибдур... Амирзода Абдулла замонида юртнинг улуглари қувғину мискинликда умр кечирди, фозиллар обрўйи қора ерга тенг бўлди, оқилларни ҳар томонга сарсону саргардон этдилар. Дорилғурур хавосига берилғон амирлар қайда қолдилар энди?..

— Бу амирзода Абдулла замонида эди... — изох берди амирлашкар.

— Сарбадорлар-чи? Йўқ, улар қувғин қилмаётирлар... — Шайхулисом истехзоли кулди. — Аммо фуқаронинг мол-мулки тортиб олиниб, улус қошида беобрў этилмакда. Кенгашда ҳам айтғондим. Кўпларнинг боши қазо қиличи остида қолди... Айримлар жон сақлаймиз деб, аҳли аёлини олиб ўзга юртларга рихлат қилдилар. Қавомиддин қози, мана, қочиб қолибди. Буларнинг бари қувғиндан бадтар, ахир! Салтанат қарор топдими, ҳукмдор мамлакат улугларини, фозилу фузалоларни тахт ат-

рофига жам этмаги ва бу кишиларнинг ақл-идроки, саъй-харакати, шижоатини юрт фаровонлиги йўлига бурмаги лозим! Водариғо, қачон шундай кунлар келур?.. Э, тангрим! Ман тасаддара қабла авониҳи фа кад тасаддо ли хавониҳи!..

Соҳибдевон Мавлонозода шайхулислом айтган ҳадис маъносини чақишга уринди. Уриндию тагига етиб, бада-ни музлаб кетди! Ҳадис маъноси бундай эди: «Кимки вақтидан олдин, бошлиқликка лаёқати бўлмағи туриб бошлиқ бўлиб қолса, у ўзининг хорлигига мутасадди бўлади». Демак, шайхулислом фикрича, сарбадорлар давлат бошида бўлишга лаёқатсиздурлар, улар хали фурсати келмай туриб салтанат тепасига чиқиб қолдилар, ва... улар одамлар кўз олдида хор бўладилар... Демак... Демак...

Соҳибдевон дабдурустан бунга жавоб беролмади. Шайхулисломнинг келтирган ҳадисида теран мантиқ бордай эди. Унинг хаёлига кўп китоблардан ҳадислар, нақллар келди. Қуръон сураларини эслади. Аммо шайхулисломнинг ҳадиси ажабки, нимаси биландир унинг тилини боғлаб қўйди. У бирдан иккиланаётганини сездиди... Шу пайт ғойибдан салтанат олдида султон ҳам бир, гадо ҳам, деган садо келгандай бўлди. Шундай деганида, сарбадорлар султони ҳақдир, ҳақ! Мавлонозода ўз фикрини мустаҳкамлашга рад этиб бўлмас бирон далил изларди, иттифоқо, Қуръони каримнинг Худ сурасидан бир оятни хотирлади: «Фастақим камо умирта», яъни «Сенга буюрилғон иш устида қоим тур, адо эт!» Оят соҳибдевон кўнглига ишонч туйғуларини солди:

— Ўзини мамлакатнинг улуглариданмен, деб ҳисоблагон одам аввало фақирларга, гадоларга, оч-юпунларга ён босмаги жоиздир... — деди Мавлонозода. — Келсун, шўрлик одамларга кўмак берсун. Сарбадорлар бева-бечора, ночор косибу гадолар, жумла надомат бандаларини қўллаб-қувватлайдурлар. Хар сония авомуннос, рунуду авбошнинг ёнини оладур. Кимки улуснинг кифтига чиқиб олиб озор еткизса, ўзи хор бўлур. Чингизхон замонидан бери улусимиз ёт оёқлар остида топталди, беку амирлар, аёну ақобирлар, ҳокиму қозилар, шўрликнинг ризқини ўз билгича қийдилар, бойдилар, едилар, ичдилар. Сиз улуснинг тили йўқ, демангиз, тили бор-

дур, кўзи йўк, демангиз, кўзи бордур, зиллату сафолатни аён кўрадур!

Шайхулислом эътироз билдирмоқчи эди, сохибдевои кўймади:

— Бечора улусимиз, элимиз! Ул кавак-кандикларда яшади, тангри-таоло офтобнинг нури каби умумий инъомни хосу омга етказғонида ҳам, ундан бебаҳра қолди. Шукрлар бўлсинким, энди бечораларнинг ҳам кўксига шамол тегди, сарбадорлар шунинг учун дунёга келдилар. Улар бу йўлга кирдилар, бундан қайтмайдилар. Муҳаммад алайҳиссалом «ал фақру фахри» каломини бағоят хуш кўрадур эрканлар. Хонадонингиздан ортиқча бойлигу хашамни, зеб-зийнатни олсак, сарбадорлар элни ранжитадурлар, дейсиз, фақир бўлмақдан ор этасиз, кўрқасиз... Фақирлик расулиллоҳга фахр саналмиш эрди, умматларига озор даражасида эркан-да?.. А?..

Шайхулислом қотиб қолди! Сохибдевоининг ҳар бир сўзи унинг аъзои баданини тешиб ўтгандай бўлди. Фавқулодда ғазабдан кўзлари қисилди, қўлидаги тасбеҳ беҳол титрай бошлади.

— Куфр кетмангиз! Ёшсиз! Куфр кетмангаз! Астаффуруллоҳ! — дер эди у.

— Сарбадорлар юртни бошқаришга лаёқати бор эканлигини, чамаси исбот айладилар. Хотирларидан кўтарилмағон эса, фақир Чорсу майдонида бутун машарал-муслимин олдида, ичимизда адолат ишини химоя қила оладурғон, улус қошида ўзини жавобгар сеза оладурғон бирор валломат борму, дедим. Жаноблари ҳам, ўзлари айтғон мамлакат улуглари ҳам лом-мим демадилар. Фақат сарбадорларгина адолат иши химоясига отландилар, душман йўлини кесдилар. Инчунин, одамлар кўз олдида хор бўлмадилар, балки уларнинг хокисор бошлари азиз бўлди...

— Бас! Бас! Бир гапдан қолингаз! — дер эди шайхулислом Мавлонозоданинг ҳадис маъносини англаганидан ҳайратда. Ахир шайхулислом бу ҳадисни сарбадорларга дашном сифатида эмас, балки ўзига-ўзи таскин ўрнида айтган эди-ку!

— Таксир! Гап келганда отангни аяма, дейдилар, — Мавлонозода тобора қизишар эди. — Сиздай мўътабар зот тагин Чорсу майдонида улус олдида тап тортмай

Худобандадай бегуноҳ йигитни ўз отасидан юз ўгиришга ундаингиз, билмадимким, бунинг гуноҳи кимгадир... Жанобларидек нурул-миллати-ваддин шайхулислом Абулворис Самарқандий шаҳар ҳокимига Хонқали кўчасида дор ал-кихоб очдириб, фаҳшу зино гуллашига йўл бериб қўйдилар... Билмадимким, бунинг гуноҳи кимгадир...

Шайхулислом энди чидолмай қолди:

— Навзанбиллоҳ!.. Дор ал-кихоб эмас, раҳматли Садр Сулаймоннинг чорбоғларидан бири эди... Чорбоғим деган... Бировнинг чорбоғи билан нима ишим бор?.. Мен... Мен...

Асаби гаранг тортилган шайхулислом Абулворис Самарқандий қизиқ устида пахтагуллик жомани ечдида, ҳовлида турган соҳибдевор Мавлонозоданинг оёғига ташлади! Сўнг устундаги миҳга илинган сурранг тўнни намойишқорона олиб кийди. Ҳаво хийла салқин эди.

— Мен сарбадорликдан ихрож бўлдим! Бас! Шу ёғи ҳам кифоя қилур! Олғонларингизни олингиз! Мени тинч қўйсангиз бўлди! Менга охират даркор, охират!..

Шайхулислом сарбадорларни дуоибад қилмакчи бўлди-ю, яна ўзини босди. «Дуоибадни англайдирму бу зиндиклар!..» хаёлидан ўтказди у.

Орага нохуш жимлик чўқди. Ичкарига кириб-чикиб турган сипохийлар ҳам тўхтаб, воқеа не билан тугаркин, деб илҳақ эдилар. Улардан бири югуриб келиб Мавлонозода пойида ётган сарбадорлар либосини ердан кўтарди. Жимликни амирлашқар Хўрдак Бухорий бузди:

— Таксир жомани ерга отмадилар, балки ҳаммамизнинг юзимизга тарсаки тортиб юбордилар...

— Оёқ учида кўрсатдилар... — гап қўшди Шаҳриёр.

Хайратдан лол бўлиб қолган соҳибдевор Мавлонозода ўзини ўнглади-ю, салтанат пешволарига хос вазминлик билан қатъий деди:

— Сарбадорлар эътиқодига кўра, таксир сиз ушбу тутумингаз учун саккиз нимта қилинмоғингаз даркор эди, зеро муқаддас либосимизни оёқости этдингаз... Бу шунчаки матоҳ эмас, унинг замирида хурлигу эрк туйғуларни мужассамдир. Афсуслар бўлсунким, ўша туйғула-

римиз лат еди, иззат-нафсимиз топталди... Аммо биз қиличимизни қинидан чиқармасликка билагимизда куч топа олурмиз, сизга жазо бермакдан тийилурмиз! Йўқ эса, сизга дин йўлида шаҳид кетгон зотнинг шон-шухрати тақилур, бу эса адолатсизлик бўлур эди. Сиз қилгон гуноҳнинг жазоси ўзгадир. Сарбадор эътиқодига бўйсунмас экансиз, унда салтанат фуқаролигидан мосуво этилурсиз. Бас, Самарқанддан бадарға қилинурсиз! Бир кирдикорингиз Оллоҳга ёкмабдурки, шу кўйга тушдингиз!..

Лаҳза ўтмай сарбадорлар бирин-кетин ховлидан чиқиб кетдилар. Ҳанг-манг шайхулислом Абулворис Самарқандий устунга суялиб:

— Сизларга худо бас келсин! Худо бас келсин! — деганча қолаверди.

Қор учқунлай бошлаган эди.

* * *

Самарқандда сарбадорларнинг қилган ишлари бутун Мовароуннаҳрга ёйилди. Айниқса тартибот хусусида қатъий ва кескин олиб борилаётган тадбирлар бирга минг қўшилиб ваҳимали тусга кирар, эшитганни бешубха даҳшатга соларди. Шаҳарнинг ўзида эса кўп кишилар, хусусан, ўзига тўқлар кўрқув исканжасига тушиб қолдилар. Бойлигу хашамдан айрилган аламзадалар турли мишмишлар тарқата бошлашди. Сарбадорларни биров «худо-сизлар», деб атади, биров «ёвузлар» деди. Буларнинг ичида талайгина Амир Ҳусайннинг одамлари бор эди, аммо ҳеч нарса сарбадорларни ўйлаган ниятларидан қайтара олмасди. Чоғир ичувчилар билан гиёҳвандлар ҳам пана-паналарга писиб кетишга мажбур бўлдилар. Кўкнорию нашавандлар, майпарастлар айб устида қўлга тушса жазоси ўлим эди. Ана шундай кишилардан ўн олтитаси Чорсу майдонида қиличдан ўтказилди.

Сарбадорлар ҳақида олди-қочди гаплар тарқатиб юрган оғзига кучи етмаганлар учун яна бир баҳона топилди. Гап шундаки, Хонлиқ оқа хонадонидаги канизаклар ҳибсга олингандан сўнг, барча фоҳишаларни Хонқали кўчасидаги темир дарвозали ерости саройига қамадилар. Ўша куни бўлмаларда тутилиб қолган айшишрат ишқибозларидан ўн киши ҳам қўлга тушди. Улар-

нинг бари сарбадорлардан эдилар. Тонгсахар чопарлар куйидагн сўзлар билан одамларни Чорсу майдонига чорладилар:

— Одамлар-одамлар! Эшитмадим деманглар! Имони-ни ютгон, динини сотгон, бузуки, фохишабоз, сафоҳат эгаси валади зинолар сарбадорлар шаънини ерга ургонликлари сабабли қатл этилурлар!

Эл қатлгоҳга оқиб келди. Харжойи-зиногарларнинг дод-войига ҳеч ким қулоқ солмади, улар дахшатли жиноятчилар сифатида бошлари танасидан жудо килинди. Авом барчасига лаънатлар ўқиди.

Орадан бир ойлар чамаси вақт ўтди. Сарбадорлар хонадонларни оралаш билан бўлиб, фохишаларни унутгандилар. Мана энди, фохишаларга не жазо бермак лозим, деб ўйланиб колдилар.

— Ҳаржойининг энг содда жазоси козикқа ўтказдурмок! — деди амирлашкар Хўрдак Бухорий.

— Фахшу зино элни бузадир, улусни издан чиқарадир... — маъқуллади соҳибдефон Мавлонозода. — Зеро эзгу юмушларга қаратилгон ҳаётнинг шавқи, кўнгил шижоати солимул аъзо қуввати шахвоний кутку тарафиндан пажмурда ҳолга келур, не-не шиддатлар синур...

Мавлонозода эсига бир нарса тушиб, ботинан изо тортди. У Худобандага шерик бўлиб қачонлардир Хонлиқ оқа хонадонига меҳмонга борганди. Бир марта... Бошқа қадам изи босмаган. Худо шохид. Соҳибдефоннинг Хонлиқ оқа хонадонига нафрати яна бошқа нарса билан боғлиқ, шу ҳақда эслаганда юраги орқага тортиб кетай дейди. Агар сарбадорлар Жаҳон бикани, унинг жону жаҳонини қутқариб колмаганларида... Йўк, йўк, Мавлонозода у ёғини ўйлай олмайди, у ёғи нима бўлиши тасаввурга ҳам сиғмайди! Ваҳшат! Бу хонадон йўқолмоғи керак! Шундай жазо топилсинки, улус сабоқ даражасида кўрсин!

— Султоним! Хар бирини битта байталнинг думига боғлаб даштга ҳайдаб юбормак лозим...

— Хар бирингаз бузук ахлоқ, ҳирс жорияларини жазога мустаҳиқ ҳисоблайсиз, эй феъли яхшилар! Булар улус бошига битган балодир... — Сарбадорлар султони Абу Бакр Калавий девонхонанинг шифтига тикилди. — Бу жаҳаннам янглиғ чоҳдир, унинг туби кўрин-

майдур. Улуснинг, халқнинг не-не сохибакл мардлари, жонбозлик этгувчи ўғиллари бу гирдобда ғарқу мустарик бўлдилар. Афсусл.. Не-не оқиллар ушмундоқ исрофгарчиликдан тийила олмадилар. Бари қилғилиқ улусга бўлди, шўрлик улусга! Сарбадорлар салтанатида бундоқ ўйинларга ижозат йўқ! Салтанат барчасидан покланур! Ортик қуввату кут, ғайрату шижоат улусу салтанат фаровонлигига қаратилур. Кечмишу келар кунни ўйлайлик. Улус икболи олдинда, иншооллох! Икболга етишмак, бахт-саодатга эришмак учун халқнинг етти яшаридан етмиш яшаригача соғлом, сиҳхати аъло бўлмоғи лозим. Салтанат ҳаками Шотабиб, носоғ вужудни даволамак учун вужуднинг ўзига озор берилур, вале бу озордан вужуднинг дарддан ариганда олажак фароғати юз чандон кўпдир, дейдир. Биз носоғ вужудимизга озор еткурмакдамиз, зеро соғлик фароғати унинг эвазидир... — Абу Бакр Калавий чўяндай қора юзларини дастрўмоли билан артди, кўйиб юборган калта соқолини силади. — Хонқали кўчасининг охирида сайхонликда катта чоҳ қазилур...

— Чоҳ?.. — сўради амирлашкар.

— Чоҳ... Ҳаржойиларнинг барчасин ўша чоҳга ташлатиб тириклай кўмдириб юборурмиз! Худобанда барча гуноҳларни ўлим поклайди, дер эди. Бас! Бобилхона санамларининг гуноҳларини ҳам ўлим поклайди!..

Фоҳишаларнинг даҳшатли қисмати ҳеч кимнинг кўнглини юмшатмади. Одам чика олмайдиган катта ўрага ташланган Хонлик оқа бошлиқ йигирма аёлнинг дод-фарёди осмон-фалаклар катини ўртаб юборди. Барининг бўйнига тош осилган, қўллари орқасига қилиб боғланганди. Имом Қутбиддиннинг фатвоси билан ҳамма бир қисм бўлса ҳам ўрага тупроқ ташлашга шошилди. Тупроқ тортаётганларнинг кўзларида ёш тўлиб турар, аммо ўз ишларида давом этардилар... Ниҳоят аёлларнинг юзини тупроқ яширди, шўрликларнинг қулоқларни коматга келтирган чинкириклари ҳам эшитилмай қолди...

Хонлик оқа хонадонига бўлмалар деворларидан беодоб суратлар кириб ташланиб, қайтадан таъмир қилинган, бошпанасиз ғарибларга тақсимлаб берилди.

Ўттиз олтинчи боб

БИР ҚИЗГА ИККИ СОВЧИ

Самарқанд сарбадорлари султонининг нуридийдаси Жаҳон бика Наврӯз байрамига анжуман чақириш мақсадида мактуб битиб танишу нотаниш қизларга юбормакда эди. Мактубларни эпчил ва чаккон Кумар таширди. Режа бўйича, қизлар султон хонадони меҳмонхонасида йигилишиб, сўнгра Конирилга йўл олишади. Эл катори ўйинкулгу қилишади, кўкларни муборакбод этишади. Бир ҳафта аввал чакса бурдойни онасидан сўраб олиб ундиришга қўйди. Ўзлари алоҳида сумалак қайнатишади. Эртас ва қиссаларга қулок тутишиб, навбахор ҳақида қўшиқлар куйлашади, ёр-ёр айтишади. Кўк чучвара пиширишади, айниқса ичига нўхат солинган ялпиз сомса ажойиб. Шунинг учун ҳам Ашурбидининг қизи Гуландом, Жаннат холанинг қизи Тиниғой деган дугоналарига ёзган мактубларида бирига кўк чучвара, бирига ялпиз сомса тайёрлашни ўттинди.

Жаҳон бика меҳмонхонада ўлтирган эди, Абу Бакр Калавий жума намозидан қайтиб келди. Қиз байрам ҳақидаги режаларини айтиб бергани, падари бузруквори беадад қувонди:

— Соз бўладур, қизим, соз бўладур! Айниқса, дугоналаринг билан байрам қилсанг яна ҳам яхши!

— Валинеъмат қиблагоҳим, мен дугоналаримга харб санъатини ўргатсам дейман... Қирк қиз бўлиб юра-миз!.. — Жаҳон биканинг сўзида шадлодлик баробарида эркалик оҳанглари ҳам бор эди.

— Майли, қизим, майли! Хар нечук, эрдир, аёлдир, ўзини ўзи химоя эта олғони макбул иш, бунинг зарари йўқдир... — Абу Бакр Калавий қизининг бошини силади. — Юртни химоя этишга харб сирларини эгаллағон қизлар ҳам керакдир... Сўнгра сен султон қизисен, ўзгаларга намуна бўлмагинг даркор...

Шу пайт остонада Қорасоч бика кўринди. Бели қисик узун пахтагуллик жомадан қадди-қомати хушбичим кўринар, маликаликка энди ўрганиб келаётган Қорасоч бика сажиясида озроқ қибру ҳаво, ғурур пайдо бўлганлиги сезиларди. У қизини бағрига олди:

— Ҳозиргача ҳам сенинг майдонда соҳибдеворон йигит билан қиличбозлик қилғонингни ўйласам, юрагим орқасига тортиб кетади!.. Вой, қизим-ей, жўхориларнинг бошини олиб, терак билан қиличбозлик қилиб юрғонинг ҳам дуруст бўлғон экан-а! Яхши бўлғон экан-а, қизим!

— Ха... Жаҳон биканинг сарбадорлар сафига ёзилғони, саваш қурғони барчани ҳам танг қолдирди! — деди Абу Бакр Калавий. — Обруйимни сарбаланд этди, шаънимни кўқларга кўтарди. Ахир мен сарбадорлар султони мен, авому улус нафақат ҳар бир тутумимдан, балки фарзандларим, яқинларим сифатларидан ҳам эзгулик қидирадир, фидойилик излайдир. Жаҳон биканинг мардлиги таҳсинларга муносиб! Шамсулмулк, Жаҳон бикани савашга юбориб сиз ҳам тўғри қилибсиз, эй феъли яхши!..

— Билмай қолибмен... Кетиб қолибди... Билсам, юборармидим... — дер эди содда Қорасоч бика.

Абу Бакр Калавий Қорасоч бикадан Наврўзга тайёргарчиликлар хусусида сўради.

— Ҳазиначи Нозим Меҳметга айтдим, — сарбадорлар султони мамнун эди. — Олти кун давомида сосонийларга ўхшаб — кулоллар, наддофлар, қўрчилар, ҳолвачилар, сипоҳийлару толиби илмлар ва заифаларни айтамен — ҳар куни бир тоифага тортиқлар улашилур. Амирлашқар Хўрдак Бухорий ҳам фармон қилдиким, Наврўз куни барча маҳбуслар зиндондан озод этилур. Сўнгра Наврўзнинг олтинчи куни султон хонадони эшиклари фуқароларга ланг очиб қўйилур. Авом қўлига не кирса, не хоҳласа олиб чиқиб кетсин. Сарбадорлар расм-русумида бу одат бордир. Алқисса, Кониғилда катта сайил бўладир. Аёллар ҳам иштирок этсунлар... Мана Жаҳон бика дугоналарини байрамга таклиф этаётир...

Одатий кунлик ошдан сўнг, хонадондан одамлар оёғи тортилди. Жаҳон бика меҳмонхонадан туриб тағин Мавлонозоданинг зорли нигоҳини тутиб олди. Йигит қарашада кўп маънолар яширин эди. Яна уқолмаган жойлари ҳам қолди назарида... Таомни тановул айлар чоғида Ахий Жаббор ҳам бир дам меҳмонхона томонга тикилди. Лекин Жаҳон биканинг кўзи тушди-ю, шопмўйлов йигит дарров ерга қаради. Ҳамма тарқалди.

Бир оздан кейин Кумар кириб келди.

— Айланиб кетай укажонимдан! — эркалатди болани киз. — Мактубларни топшириб келдингми?

— Топшириб келдим... олиб келдим... — деди Кумар кўзлари ўйнаб.

— Ие, қайтариб келдингми? Ким олмади? — хайрон сўради киз.

— Йў-уқ-ўк... — Кумар кулди. — Сиз берган хатларни эгаларига топширдим...

— Унда олиб келдим, деганинг нимаси?

— Олиб келдим-да... Бошқа одамдан хат олиб келдим...

Жаҳон бика шоша-пиша Кумар узатган «найча» хатни олди-ю, ёзиб ўқий бошлади. Хатда дуои саломдан сўнг мухтасар қилиб қуйидаги сўзлар ёзилган эди: «Бугун-эрта муборак хонадонингизга совчилар борурлар... Фақирни иложи бўлса, қўллаб юборурсиз, деб умид қилурмен. Ёлғиз илинжим ўзингиз... Ҳа, десангиз жону жаҳоним ободдир, йўк, десангиз, замон-замоним барбод...»

— Вой, укажонимдан айланай! — деди яна Жаҳон бика Кумарнинг манглайдан ўпиб. Хат қиз юрагининг тубида ардоқлаб юрган хушбахт орзунинг элчисидай туюлди.

— Наврўзга қатнашаман, деб ёзибдирму, мулла акам?

— Ҳа, ҳа... мулла акамг катта Наврўз байрами қилмоқчилар... — деди қиз кулиб.

Кумар озрок жим колди-да, бирдан опасига суйкалди:

— Опажон, Ахий Жаббор акам сизни кўп сўрайдилар...

— Кўп сўрайдилар?

— Ҳа... Ҳар сафар сиз билан кўришганимдан сўнг, мени пойлаб турадилар. «Кумар, опанг нима дедилар?», «Опангни соғлиқлари қалай?» деб сўраганлари-сўраган... Мен гапириб бераман. Ахий Жаббор акам кўзимга тикилиб «Ҳм... Ҳм...» деб турадилар. «Опамлар пешонамдан ўпиб қўйдилар...» деб мактанаман. «Пешонаси ёруғ йигит бўласен... Қаердан ўлдилар? Кўрсат!...» дейди. Кўрсатаман. Ахий Жаббор акам ҳам худди ўша ердан ўпиб, хўрсиниб қўйдилар...

— Шундоқми? Қизик экан-а... — Жаҳон бика хаёлга чўмди.

— Ахий Жаббор акам, — деди негадир Кумар маъюс, — сизни жуда яхши кўрадилар... Биламан...

— Энди-чи, — деди қиз гапни бошқа ёққа буриб. — Мана бу хатларни олиб Холвачилар маҳалласига бориб кел! Шер йигит-да бу, шер йигит!

Эртаси куни чошгоҳда сарбадорлар салтанати амир-лашқари Хўрдак Бухорий билан Уста Кулол Жаҳон бикани Мавлонозодага сўраб совчи бўлиб келдилар. Абу Бакр Калавий совчиларга, кенгашиб кўрайлик, олдида акаси бор, Кумушкентдаги бобосининг розилигини олишимиз даркор, қизнинг раъйини ҳам билмак лозим, деб жавоб берди.

Бир ҳафтадан кейин Жаҳон бикани сарбадорлар салтанати соҳибдевони Мавлонозода — Нодирбек ибн Яҳёга унаштирдилар. Расмга кўра, нон ушатилди. Тўй Наврўз байрамидан кейинги шанбада ўтказиладирган бўлди. Жаҳон бика ўзида йўқ мамнуну масрур, тўйнинг яқинлигидан ҳаяжонда эди. Мавлонозода назарида эса вақт тўхтаб қолгандай, кунлар имиллаб ўтарди.

Бу орада қутилмаган воқеа содир бўлди. Ўн кунлар ўтар-ўтмас Давлатшоҳ бахши бошлиқ уч одам султон хонадони дарвозасини тақиллатиб кириб келди. Уларнинг кўлларида дастурхон, ота-онага, қизга сарполар бор эди. Элчининг саройга эмас, тўғри хонадонга келиш сабабини дабдурустдан англаб етмадилар. «Юмуши шошилич бўлса керак-да... — хаёлидан ўтказди Абу Бакр Калавий...»

— Энди ота-боболардан қолғон удум... — деб гап бошлади Давлатшоҳ бахши дуои фотиҳадан кейин. — Қизли уйга бош эгиб келиш Одам Атодан қолғон. Қутлуғ остонангизга совчи бўлиб келдик, оппоқ тўшли розингизга овчи бўлиб келдик! Жез кўнглингизни эритайлик, қолғон ишни юритайлик, деймиз...

— Келсангиз, мақсадингиз ёр бўлсин, эй феъли яхшилар! — Хайрон сўзланди Абу Бакр Калавий.

— Қадимлардан султону амирлар хамиша бир-бирига қиз олиб қиз бергон, куда-анда бўлгон, томир ёйиб даврон сургон... — йироқлардан тушди Давлатшоҳ бахши. — Мовароуннаҳр султони Амир Ҳусайн ибн Мусаллаб ибн Амир Қозоғон Самарқанд сарбадорлари султони Абу Бакр Калавий сарбадорий билан куда бўлмоқ-

ни ният этди. Маълумингизким, уч ой аввал факирингиз кайвоннишпон Амир Хусайн ва соҳибкирон амирлашкар Темурбек номидан элчи бўлиб келиб эрдим. Алалхусус, салтанат бино этганлигингиз жоизлиги борасида, амирларнинг сизга кўнгилларида зинҳор кин сакламаслиги ҳаққинда мактуб еткурдим. Амирлар салтанат юмушларига ривож тилаб, унинг дахлсизлигига кафолат бергонларким, бу офтобмисол ҳақиқатдир, маншури давлат эса илгингиздадур. Инчунин, Мовароуннаҳр султониға сарбадорларнинг якка-ю ёлғиз дилбанди, окила-ю доно, сулув ҳам барно жигаргўшаси Жаҳон бика кўлини сўраб келдик... Бу нарса икки султонгина эмас, балки икки салтанатнинг дўсту қариндошлиги йўлида ташлангон кадамлардан яна бири бўлғай...

Абу Бакр Калавий ногаҳоний таклифдан хайратда қолди. Унга мамлакат султониинг ўзи оғиз очмоқда, куда бўлмоққа чорламоқда... Кечаги Наддофлар маҳалласи оксоқоли бутун ана шундай шарафга эга бўлиб турибди! Аммо... Унинг кизи Жаҳон бика хақида Амир Хусайн қайдан билади? Ким унга таърифладийкин? Нега бирдан куда бўлмоққа уриниб қолди?.. Лекин нима бўлганда ҳам Мовароуннаҳр султониинг ушбу тутуми фақат дўстлик мақсадида қилинган ишдир...

...Давлатшоҳ баҳши уч ой аввал Самарқандға келганида Абумансур унга кўп нарсаларни гапириб берганди. Абумансур Мавлонозодаға каттиқ ғарази борлигидан, уни элчига ёмонлади, такаббурдан олиб ифвогарға солди, фитначиға чиқарди. Абу Бакр Калавий ёмон одам эмас, аммо у лакма, ҳаммани ўзидай деб ўйлайди, унга ҳам ишонаверади, бунга ҳам... Амирлашкар Хўрдак Бухорий бағоят хавфли одам, айёр, ундан қўрқиш керак... Шу тахлит у сарбадорларнинг хар бириға тавсиф бериб чиқди. Кейин бирдан мавзуни ўзгартирди:

— Сарбадорлар султониинг ҳуснда танҳо бир кизи бор, — деди Абумансур тамшаниб, ичида душмани Мавлонозодани каттиқ ўйиб олаётганидан хурсанд. — У киз ҳам гўзалдир, ҳам жасурдир, мўғуллар билан жангда йигитлар ичида баб-баравар саваш курди. Бутун улус ул кизнинг таърифиди оғиз кўпиртирадир... Исми ҳам ўзига мос — Жаҳон бика! Жаҳонға бергисиз! Ёши ўн саккиз-ўн тўккиз-да... шираға тўлгон анордай етилгон...

Нак Амир Хусайн харамини безамокка кодир бир гули раъно...

Амир Хусайн элчининг жуда кўп гаплар қатори, Жаҳон бика ҳақидаги таърифини эшитиб мамнун бўлди. Бутун саъй-ҳаракат қудратли сарбадорларни чўчитиб кўймаслик, уларни хотиржам этиш йўлида қилинмоқда, хусусан, Самарқандни бошқариш ёрлиғи, зарбофт чопон, заррин камару қилич шу важдан юборилди. Ҳаракат зое кетгани йўқ, сарбадорларнинг кўнглида амирларга нисбатан ҳурмат ва ишонч пайдо бўлди. Энди агар Абу Бакр Калавийнинг қизини Амир Хусайнга сўраб борилса, бу юқоридаги режаларнинг давоми бўлади, сарбадорларни ҳар қандай шубҳаю ҳадикдан халос этади... Аммо бу гапларни Темурбек билмасин...

Амир Хусайннинг ҳисоб-китоби жуда тўғри эди. Сарбадорлар султони совчиларга деди:

— Биз Мовароуннаҳр султонининг дўстлик-қариндошлик ришталарини боғламоқ йўлидаги ниятларини бағоят кадрлаймиз, эй феъли дурустлар! Бир қизимиз эмас, неча қизимиз бўлса ҳам барчасини бахшида этмакка тайёрдирмиз...

— Қуллук! Қуллук! — миннатдорчилик билдирди Давлатшоҳ бахши.

— Зеро Амир Хусайннинг шундоқ совчи юбориши унинг дўстлигию хайрихоҳлигидан далолатдир. Қуллук... — Абу Бакр Калавий ўйланиб қолди: «Не деб жавоб берсам? Қизимизнинг боши боғлиқ, десам, биздан ортиқ эканми ўша, деб иш кадр талашишга айланиб кетади. Бошқача жавоб бермак зарур, баҳона лозим...» — Мусулмончилигимизда аввал катталарни уйли-жойли қилмак жоиздир, сўнг кичикларни... Катта ўғлимиз Шамсулмулк Сабзаворда мадрасада таҳсил оладир... Хали уй кўрмагон... Унинг бошини икки қилмай туриб, синглисини узатсак, тўғри бўлмас, дейман...

— Энди қизнинг оғаси ижозат берса мумкин... — йўл кўрсатди Давлатшоҳ бахши.

— Оғаси Сабзаворда... Сунбулага таҳсилини поёнига етказиб келиб қолар...

Гап тугаб қолганлиги сезилди. Таомдан сўнг Амир Хусайн совчилари кетмакка ҳозирландилар.

Сарбадорлар салтанатидан турли юртлар, подшоликларга юборилган элчилар бирин-кетин қайта бошладилар. Аввало, Тошкенту Ахсикент, Хўжандга борган элчилар қайтиб келишди. Барчаси Самарқандда сарбадорларнинг тахтга минганларидан беҳад қувонганларини билдиришган, совға-ю тансуқот йўллашган эди. Шаҳар атрофидаги қишлоқларнинг оқсоқолу кадхудолари салтанатга тобеликларини айтишиб, итоату ихлос камарини белларига маҳкам боғлаганликларини аён этдилар. Қундузак қишлоғи оқсоқоли Холмат сўфи Абу Бакр Калавий билан кучоклашиб кўришар экан, қувониб деди:

— Хайрият! Хайрият! Охимиз худога етиб, салтанат очу юпун сарбадорлар қўлига ўтди. Қишлоғимиз одамлари барчаси хурсанд!

Хартанг қишлоғи оқсоқоли Қора Қўчқор икки оёғи фалаж бўлиб ётиб қолганди. У Самарқандга қишлоқ имомини вакил қилиб юборди. «Бир ботмон толани бир ярим ботмон қилиб бойга ўтказайлик, деб таклиф этганди, мендан каттиқ дашном еганди. Келгани уялғон...» деб қўйди ўзича Абу Бакр Калавий.

Уч ойча аввал Хўтандан Яманга бораётган қарвон Самарқандда тўхтаган чоғида Ҳалимқул шахна сарбадорлар салтанатининг элчиси бўлиб қўшилиб олганди. Абу Бакр Калавий Самарқанд сарбадорлари номидан Сабзавор сарбадорлари султони Хожа Али Муайядга мактуб юборди. Ҳалимқул шахнанинг сафардан қайтиб келганини айтишганда, Абу Бакр Калавий саломхонада ўлтирар эди. Сарбадорлар султонининг юраги гурс-гурс уриб кетди! Ҳалимқул шахна ўғли Шамсулмулкдан ҳам хабар олиб келиши лозим эди.

— Балли, балли! — деди у Ҳалимқул шахна билан кўришаркан. — Шитоб қайтибсанму, эй феъли тузук?

— Сабзаворга етиб борганимизнинг бешинчи куни Чинмочин қарвони келиб қолди. Бир ҳафтадан сўнгра жўнар экан... Юмушларни битирдим қайтиб келавордим...

Ҳалимқул шахна сарбадорлар давлати баёнини қилди, Хожа Али Муайяднинг жавоб мактубини топширди. *«Сабзавор сарбадорлари Самарқанд сарбадорлари тантанасидан бағоят мамнундурлар ва икки давлат ўзаро*

теран биродарлик робитасини боғламоғи зарурдир... — дейилган эди мактубда. — Ёвларга қарши яқдиллик шиоримиз бўлсун!..»

— Шамсулмулкдан ҳам дуои салом келтирдим, — деди Ҳалимқул шахна. — Ўзи тинч, жони басаломат. Зўр йигит бўпти. Насиб этса, саратоннинг сариқ кунларигача Самарқандга бутунлай қайтамен, деб кишини қувонтирди...

Абу Бакр Калавий Шамсулмулкнинг мактубини ўқишга тушди. Одатдаги дуои саломдан сўнг Сабзавор мадрасасининг толиби илми бундай ёзганди:

«...Самарқандда сарбадорлар салтанати қарор топганини эшитиб бошим кўкларга етди! Сабзаворда ҳар икки одамнинг бири шу ҳақда ёниб сўзлайдир... Бу, филҳақиқат, тарихда монанди бўлмагон салтанатдир. Падари бузрукворим, билурсиз, тарихнависликка мойиллик кўргизурмен. Сабзаворга келибменким, «Сарбадорлар тарихи» номли рисола битмак орзуида эрдим. Кўп одамлар билан сўйлашдим. Энди бўлса, она шаҳрим Самарқандда худди шундоқ салтанат дунёга юзмаюз келмиш, салтанат тепасида падари бузрукворим барқарору устивор эрмиш! Нозик суҳан шоир Ибн Ямин Фарюмадий бир қитъасида, эрк мен учун худди томоғимда туриб қолгон нонни ютишга керак бўлгон сувдай зарурдир, деб таърифламишлар. Сарбадорлар ана шу эрк учун алам чекдилар. Вале эрк ўшал бир қултум сувдай бўлса, ташналикни боса олгаймукин?..

Ибн Ямин саксонинчи баҳорни қарши олдилар. Кексаликнинг темир панжаси ул зотнинг пок домонидан тутиб, бирон ёққа силжишга қўймайдур. Дуои саломингиздан бағоят мутаассир бўлдилар, Самарқанд сарбадорлари салтанатини эшитиб камтарин бошлари нақ осмонга етди. Тирикчиликлари Сабзавор мадрасасининг кичик бир ҳужрасида кечадир. Зиёрат айлаб келдим. «Хуросонда иқомат айламак мушкул бўлиб қолди, болам, — дедилар. — Бунда об-ҳаво ҳам билан тўлиғдир. Шегрларимни дурдай йиғдим, аммо бирор ҳоким бурда нон бермади. Авваллари ўйламай кундузи ҳам шам ёқиб қўярдим, энди бўлса тунда ёққани ҳам йўқ... Бор садаф йўқ дурри Адандан яхшироқдир. Энди фақирлик

йўлини танладим. Ёшлик шижоатимни, илҳомимнинг селини, билагимнинг кучини, умримни сарбадорлар ишига бахшида қилдим, заррача бўлсин икхиланиб турмадим. Хижрий 743 йилда эллик олти ёшимда Зова шахрида бир илгимда қалам, бир илгимда қилич сарбадорлар сафида саваш қурдим.

Ўша талотўнда ёнимдаги ёлғиз девоним йўқолди. Кейин топилмади. Ўзим асир тушдим... Асирликдан қочиб тагин сарбадорларга келиб қўшилдим... Афсус... Йўқ, девоним йўқолгонига ёки асир тушгонимга афсус чекмайдурмен, йўқ! Вале шунча ҳаракат, орзу, эҳтирос, шижоату шиддат, завқу илҳом бенаф кетганига вовайлолар қилурмен! Фуқароси тенг ҳуқуқли, бахтсаодатга эришгон, дориломон фозил жамоани орзу қилгон эдим, менгина эмас, муаллими соний Абу Наср ал-Форобий ҳам ўша армонда оламдан ўтдилар... Афсус!.. Сен тарихнависдурсен, ўғлим, рақам этгилким, Хурсонда золим мутағоллиблар ўз оёғидан йитдилар, мўғул ҳукмронлиги поён топди, ҳайҳот, энди золимлар ўзимиздан чиқди!.. Бир-бирини ўлдирди, бир-бирининг пайини қирқдиш... Не-не асл зотлар бевақт кетдилар. Шайх Халифани дорга осдилар, Шайх Ҳасан Журийга пичоқ урдилар, Дарвиш Азизни шаҳид қилдилар, Хожа Али Шамсиддиннинг ҳаёт шаъмини сўндирдилар... Жаҳон ҳокимлари ва сарватмандлари учун русум бўлгон мол олиш, жон олиш тўхтамади, адолат тулпорига тушов солиб қантардилар, гирромлик қирчанғисин бўш қўйдилар...»

Эй, падари бузрукворим, Ибн Ямин кўп сўзладилар, хотирамда қолганларини келтирдим. Илло, рисоламда барчасин тўлиқ ёзурмен, худо омонлигу рағбату қувват берса...»

Абу Бакр Калавий мактуб давомини ўқий олмади. Уч йил аввал Сабзаворда бўлгани, фасоҳатманд шоир билан суҳбатлари кўз олдидан бир-бир ўтди. Ибн Ямин ўшанда бунчалар умидсизликка тушмаганди. Нега шундай бўлди экан?..

Халимқул шахнанинг айни Сабзавордан қайтиб келган кунлари Қавомиддин қози ҳам оила-ю кўч-кўрони билан қиш чилласида ушук еб Солисарой шахрига етиб борди...

Чинос яқинидаги мағлубиятдан сўнг чекиниш шито-бига тушган Амир Хусайн, шиддатни сусайтирмай Аму-дарёдан ўтиб Шиберту шахрига бориб нафас ростлади. Амирлашкар Темурбек эса юртни ташлаб кетолмай Қаршида тўхтади. Икки амирнинг кўнгиллари тубида мўғуллардай баттол душманни даф қила олган мард сарбадорлардан хавотирлари бор эди. Мовароуннахрдаги ноаниқ ва мужмал вазият мантиқан шуни тақозо қиларди.

Амирларнинг элчиси сарбадорларнинг олдидан совғасаломлар билан мамнун қайтиб келди. Натижанинг кўнгилдагидек бўлиб чиқиши Амир Хусайннинг ҳокимиятга боғлаган умид шаъмини боз ёндирди. У Солисаройга қайтди. Амирларнинг одамлари эса Бадахшон, Боғлон, Андхуд ва Шибурғон вилоятларида аскар жамлашга киришдилар.

— Амирим! — деди Қавомиддин қози, суҳбат амир ўрдасида борарди. — Ёдингизда бордир, ана шу сарбадор деган қаланғи-қасанғилар хусусида, илло, факир неча бор онҳазратга оғиз очғон эрдим... Раҳматли Садр Сулаймон бисёр юмшоқ феъл одам эдилар, жойи жаннатдан бўлсин... Бепарво бўлдилар...

— Амирлашкар Темурбек уни бир коп гўшт дер эди... — Амир Хусайн истамайгина деди.

— Бир коп гўшт! Бир коп гўшт!.. Хе-хе-хе! — Ўрдани қозикалоннинг арра овозидай кулгуси тўлдирди. — Илло, онҳазрат... Самарқанд ҳокимлигини камина тилағонда инъом этғонингизда сарбадорлар бунчалар ўзбошимчалик қилмағон бўлардилар! Мен ҳар бирининг товонига тахтакач боғлаб, жиш бўлгунча савалатар эдим! Хе-хе-хе!..

— Эзгуликнинг кечи йўк, унинг баҳоси пасаймайдир... — Амир Хусайн маънодор жилмайди. — Кеча инъом этмағон эрсак, эртага инъом айлайдурмиз...

Солисаройга етгунча йўлларда уриниб ўзини хийла олдириб қўйган Қавомиддин қози амирнинг гапини эши-

тиб бир қоп семиргандай бўлди. У ўрнидан туриб таъзим бажо келтирди:

— Танамда жоним борича хизматингиздамен, амирим!

— Сарбадорларнинг холи нечукдир?

— О, у бадбахтларни айтишга тил бормас! Барчаси ашаддий душманларингиз! — қозикалон куйиниб деди. — Шундоқ бўлмаса, сизнинг жумла мўмин аъёнларингизни авом олдида хор қилиб гадоларга тенг этармиди? Сарватмандларни ўлдириб, шайхулисломдек окилу доноларни бадарга қилишармиди? Ахир Самарқанддай жаннатмисол шаҳрингиз нақ дўзахнинг ўзидай остин-устун бўлиб кетди-ку! Фаросат эгалари шаҳардан қочиб қутулдилар... Не-не бегуноҳ кишиларнинг ёстиғи қуриди! Илло, сарбадорлар раҳнамоларининг ҳар бири жазога мустаҳқикдир!

— Абу Бакр Калавий — сарбадорлар султони... — сўради Амир Хусайн. — Пахта тозаловчилар маҳалласи оксоқоли эмишми?..

— Булбулнинг қанотидай маҳаллага оксоқоллик қилгон бетавфик, бутун Самарқандга султонмен, деб даъво этса-я! Ор-номус бўлса, шундоқ дейдирму? Ха, у хаддидан ошиб, беиболарча ҳурмат оёғини обрў доирасидан чиқарди! — Қавомиддин қози йўқотган нарсасини топгандай кўзлари чакнади. — Ёзда шаҳарда ўлпон йиғмакчи бўлдик. Чорсу майдонида игна ташланса ерга тушмайди, одам тирбанд. Хаммамиз ўлпоннинг зарурлигини, мамлакат ҳукмдорининг Жета хони билан саваш курмакчи эканлиги, барчаси юрт фаровонлиги йўлида қилинаётгонлиги хусусида сўйладик... Ҳатто ўшанда бакиравериб томоқни ҳам оғритиб қўйибмиз, хе-хе-хе... Биз-ку шундоқ қилиб турибмиз, бу Калавий баттол нима дейди, денг? «Амир Хусайн бошламакчи бўлгон уруш куппакундузи қилингон ўғирликка тенг», дейди! Шундай сўзлаб, қўски, одамлар кўнглига қутқу солди, равон оқиб тургон сувни лойқалатди. Одамлар, ўлпон бермаймиз, деб туриб олди...

— Абу Бакр Калавий бошлаб берди, денг? — тишини вижирлатди амир.

— Ўша! Мўғул бостириб келаётганини эшитгон шаҳар аҳли Чорсу майдонига йиғилди. Сарбадорларнинг яна бир раҳнамоси Мавлонозода, бир қошиқ қонимдан

кечасиз, амирим, сизнинг шаънингизга оғизга олиб бўлмайдигон каломларни деди...

— Нима деди, сўзланг! — ўшқирди амр.

— «...Эл-улусдан бож олиб ўлпон саришталагон Амир Хусайн барини тасарруф этишда ўз билгича йўл тутадур, аммо мана бундай қора кунда қорасини кўрсатмайдур... Жумла мўминларни ҳаққа топшириб, кофирлар олдида жуфтакни ростлаб қоладур...» деди. Сўнг хамма: «Ундок амирнинг ҳолига вой!», «Амир Хусайн эмас, Амир бетайин экан!», «Қочаётиб шаҳарга бир кириб ҳам қўймади...», «Сичқон инини минг тангага сотиб олгон...» деб...

— Бас! — Қавомиддин қозининг сўзини кесди Амир Хусайн, унинг гўштдор ўнг юзи асабий пириллай бошлади.

— Густоҳлик қилдим, узр... Узр... илло... Айтишим керак эмас эди... — дерди холос беихтиёр ўрнидан туриб кетган қози. — Э, ўтиринг! Нега турасиз? — жеркиб ташлади Амир Хусайн. — Шунча фиску фасодни каллада асраб юргон экансиз-да?..

Қавомиддин қози кўрқиб кетди. У, садоқат кўргизамен, душманларимни Мовароуннаҳр ҳукмдорига ёмонотлиқ қиламен деб, меъеридан ошириб юборганини билмай қолди. Амир Хусайннинг гапи дард устига чпқон бўлди:

— Жомеъ масжидида сарбадорлар султони номига хутба ўқилғонда нима деганингиз ёдингиздаму?

— Нима дебман, амирим, нима дебман?.. Ўлибманми бирон нарса деб?.. — таъзим қилиб турганидан қозикалоннинг жуссаси кичрайиб кетгандай кўринди.

Амир Хусайн Давлатшоҳ бахшидан, — элчи эса Абумансурдан эшитган эди — билганларини эслаб деди:

— «...Самарқанд не-не ҳукамо кўрмади... Мана бул кун юрт маснадига ўлтирган ардоқли Абу Бакр Калавий улар орасида энг мўътабар, энг манглайи ёруғ одил пошшолардан бўлғусидир...» Одил пошшо! Бу гапни айтган човингизда хаёлингиз қаерда эди? Халиги сўзингиз билан булар орасида фарқ ер билан осмонча-ку? У гапларни бошқа одам деганму? Ва ё, эй ножинс! — бирдан сенсирашга ўтди дарғазаб Амир Хусайн қозининг ёқасидан тутиб. — Турон султонини фаросати йўқ бир ландовур деб ўйладингму? Сувга олиб бориб суғормаи олиб келмакчи эдингму? Сенга ўхшагонлар тилёғламалик

килиб, ботинида бошқа ўйлаб, зохирида ўзгача сўйлаб, салтанатим асосини кўпардилар, барбод этмакка уриндилар! Эҳтимол, сени сарбадорлар султони Абу Бакр Калаввий тинғчи, куловуз этиб юборғандир? Тириклай терингга сомон тиктирамен!.. Муттаҳам!..

Аъзои бадани музлаб кетган Қавомиддин қози воқеанинг бундоқ тус олишини сира кутмаган эди. Ажабо, хутбадаги гаплар қочкину қувғинда юрган амирга қандоқ етиб келди экан?.. Қалт-қалт титраган Қавомиддин қози миқтидан келган гавдасини тахтда ўлтирган Амир Хусайн оёғига отди:

— Пойингизни гарди бўлай, амирим! Оламда сиздан ўзга суянчим йўк! Раҳм-шафқат қилинг! Мен сардафтари ғурбат, қошингизга паноҳ излаб келдим! Косаи чубин олиб гадолик эт, десангиз, этайин! Илло... Тавба-тазаррудан ўзга даъвойим йўқдир. Даъвойим йўк, амирим! Даъвойим йў-ў-ў-ўк! — Қавомиддин қози ерга қапишганча ўкраб йиғлаб юборди. — Қасам ича-а-а-ма-ен!..

— Бас! — деди Амир Хусайн қозининг аррадай овозидан кўнгли бағоят беҳузур бўлиб. — Қасамга не ҳожат? Агар одамлар ичган қасамларида турганларида бугун мағрибу машрик оёғим остида бўлур эди!..

— Бир эмас, ўн қасам ичай! — Қозикалон сал ўзини ўнглаб олди. — Мен сарбадорларнинг жосуси эмасмен! Аксинча, улардан бурни қонаган бир одаммен! Менинг бойлигимни, бор-будимни тортиб олмакчи бўлдилар! Қочиб қутулдим! Сиз хайдасангиз, қайга борамен? Энди қайга борамен, амирим, бу ортиқча бошимни қайга урамен?!

Амир Хусайн индамади. Кап-катта одамнинг кўз ёши қилиб оёк остида ўралашиб юриши унга ҳам кулгили туюлди, ҳам аянчли...

Шу пайт Самарқанддан совчиларнинг қайтиб келганликларидан хабар бердилар. Давлатшоҳ бахши илдам тахт пойига бориб юкунди.

— Бир қошиқ қонимдан кечасиз, онҳазрат!

— ...Кечдим! Айт айтадиғонингни! Бўрими, тулки?

— ...

— Нечун имиллайсен? — Амир Хусайннинг қисик кўзларида таҳайюр белгилари сезилди.

— Ўттиз беш йилдирки, ер юзида бош қўтариб юрибмен... — гапни узоқдан бошлади Давлатшоҳ бахши. —

Ҳали бирон ерда кокинмадим... Амирим, бу сафар овга бориб ўлжасиз қайтдим, на чора...

— Ҳа, сарбадорлар султони Абу Бакр Калавий бир қизини биздан аядиму? Арзимас эканмизму? — пичинг қилди Амир Ҳусайн.

— Йўқ... Қизнинг оғаси бор экан... — Тушунтирди совчи. — Ҳали уй кўрмағон, Сабзаворда таҳсил олармиш. Акадан олдин сингилни чиқаришга ийманадилар... Вазлари шу холос...

— Ҳм... Важни кўринг!.. — пишқириб қўйди Амир Ҳусайн, сўнг бирдан сўради: — Абумансур қалай?

— Яхши... Ҳамма режа айтғонингиздек йўсинда...

Гапга жим қулоқ солиб турган Қавомиддин қози Абумансур номини эшитиб ҳайратда қолди! Амир Ҳусайн, мамлакат ҳукмдори, қозикалон қўлида ишлаган нопок, ипирисқи шилпик бир йигитни қаердан биладир? Ёраб, бу қандай йигит ўзи? Инсми, жинсми, шайтонми?..

— Сарбадорлар султони бир жигарпорасини олимпиаком амиримдан азизроқ кўрибдир-да... — деди пайтдан фойдаланиб Қавомиддин қози. — О, ғуруру кибру хаво бандаси! Ўзини билмаган нокас! Султонга қизини бермаса! Пайт келар, амирим, ул менинг илгимга тушар... Оёғига тахтакач боғлаб жиш бўлгунча калтаклатурмен! Зиндон қилурмен!

Амир Ҳусайн ўрнидан турди. У чуқур хаёлга чўмган, худди атрофдагиларни унутгандай туюларди. Бари гапларим таъсири деб тушунган қозикалон руҳланиб кетди:

— Абу Бакр Калавий агар қизини бермаса, ҳеч амиримнинг кўнгиллари чўкмасин! Мана менинг гулдай-гулдай икки қизим бор — Меҳр Султонхон ва Қутлуг Нигорхон. Ҳар иккисин ҳам сизга бахшида айлашга шайдурмен! Сайлаб олинг, йўқ эса, ҳар икки қизим ҳам сизнинг бош-кўзингиздан айлансун, амирим! Хизматингизни қилсун!..

Қавомиддин қози ўзини бир лаҳза мамлакат ҳукмдори Амир Ҳусайннинг қайин отаси деб тасаввур қилди: ўх-хў... «Ана ҳукмдорнинг қайин отаси келмакда», дейди бири. «Қайин ота эмас, ота деявер!» дейди бошқаси. Барча унга йўл берган, ҳурмат қилган, назарига тушиб қолай деб шошилган...

— Давлатшоҳ! — деди бирдан Амир Хусайн қозикалоннинг гапларини гўё эшитмагандай. — Шитоб тайёрлан-да, Қаршига йўл тут! Амирлашкар Темурбекка еткизгилким, шай турсун! Тезликда етиб борурмен!

— Бош устига, онҳазрат! — жавоб қилди Давлатшоҳ бахши.

— Бугунок йўлга чиқурмен!

Амир Хусайннинг сабри чидамай ташқарига йўналди. У хозирок қўшин бошликларини чақиртириб, зудлик билан сафар анжомини шайлашга буюрмоқчи эди.

Қавомиддин қози қизлари хусусидаги таклифига Амир Хусайннинг муносабатини била олмай дарда қолди...

Ўттиз еттинчи боб

КОНИГИЛДА

Хижрий 767 йил кириб келмоқда эди. Наврўз хамиша кўнгилларга фарах олиб келади, деб хисоблайдилар. Бу йилда рўёбга чиқмаган орзулар янги йилда жамол кўргазса ажаб эмас, деб умид қиладилар.

Сарбадорлар Конибилда ўтказиладиган Наврўз байрамига катта хозирлик кўришар, бўлажак томоша-ю базми жамшиднинг завқи-шавқи билан яшардилар.

Қорасоч бика тўй ташвиши билан овора, Ашурбиби, Жаннатой ва Умринисаларни кўрпа-тўшак, дорпечу сўзана тайёрлаш юмушларига чорлаган. Жаҳон бикани унаштирганларидан сўнг, Мавлонозода ҳар кунлик ош пайтида бўладиган «кўз уриштириш»лардан ҳам бенасиб қолди. Қиз кочиби, куёвга кўринмасди.

Сарбадорлар султони Абу Бакр Калавий хуфия саф бошлиғи Абумансур иккиси вақти-вақтида кийимларини ўзгартиришиб кечаси пинҳона шаҳар кезишади, кундузи бозор айланишиб, савдо-сотик, нарх-наво боришини кузатишади. Мана бугун ҳам улар боққолчиликдан аллоф дўқонига ўтишди, ундан заргарликка, кейин дон-дун бозорига...

Абу Бакр Калавий ўн динор солинган ҳамёнини бозорга кириб кетаётиб дарвоза олдида атайлаб тушириб қолдирди. Салтанатда ўғрилигу горатга қарши қонун

амалдами, йўқми эканлигини текшириб кўрмоқчи бўлди. Бир оздан кейин бозорда икки жарчи: «Одамлар! Одамлар! Эшитмадим деманглар! Ким ҳамёнини йўқотди? Ичида ўн динор пули бор? Ким ҳамёнини йўқотди? Ичида ўн динор пули бор?» деб бакириб-чакириб юрганини кўрдилар. Ҳамма ёнини пай-паслар, ҳеч ким ҳамённи меники, демасди.

Сарбадорлар султони бориб ҳамённи оларкан, хуфия саф бошлиғига деди:

— Мана сарбадорлар эътиқодининг улувланиши! Сарбадорлар юртида ўғирлигу ғоратга йўл йўқ, киши ҳақиқа хийнат қилинмайдир. Кийим-кечагидан тортиб емагигача барчанинг ҳуқуқи тенгдир!..

Наддофлар маҳалласи оқсоқоли Абу Бакр Калавий умр бўйи ана шундай ҳалол салтанатни орзу қилди ва ниҳоят она шахри Самарқандда эзгу ниятига етиб турибди.

— Тенг ҳуқуқли деган эътиқодимиз бор-ку, султоним, афсуски, кўпларга ёкмайдир... — деди Абумансур Чорсу майдонига чикканларида. — Самарқанднинг ярмидан кўпи бой-бадавлат, ўзига тўқ одамлар. Бунга турли мансаб эгаларини кўшингиз, имом, сўфи, оқсоқоллар бор... Тенгҳуқуқлилиқ эътиқоди барининг ҳамёнига зиён бўлди...

— Бўлсин! Бўлсин-да, эй феъли тузук! — гапни кесди Абу Бакр Калавий. — Сенинг гапинг ҳам соҳибдевон Мавлонозоданинг гапларига уйқаш... У ҳам шундай одамларга тегмайлик, айримларини қолдирайлик, девди...

Абумансур Мавлонозода номини эшитиб афтини бужмайтираркан, шилпиқ кўзлари қисилиб кетди:

— Мени маъзур тутинг... Мен хуфия сафингаз сардори... Фақат сизни, салтанатимизни ўйлаймен. Мавлонозода, гарчи куёвингиз, бироқ унинг ниятлари пок эрмас... У салтанатга ҳоким бўлмоқни ўйлайдир...

— Тухмат этма! — ғазабланиб кетди Абу Бакр Калавий. — Тухмат этма! Агар бир марта тухмат этганинг билиниб қолса, хуфия сафинга суф бўладир! Ҳа!..

— Ёлғон айтсам, каламулло урсин! — деб юборди Абу Мансур. — Мен сарбадормен, ёлғон сўзлаш эътиқодимда йўқ!.. Борини сўзлаймен! Амирлашкар Хўрдак Бухорий яхши одам, аммо ҳеч кимга, хатто сизга ҳам

ишонмайдур... Дўстлиги йўк... Куловузларим шундок де-йишади. Уста Кулол девони молни ўз билгича тасарруф қилиб ётибди. Нозим Меҳмет кечалари уйида майхўрлик айлар эмиш... Кодир Халвойи, сарбадорлар султони бўлгандан бери Абу Бакр Калавий билан гаплашиб бўлмай колди, деб ёзгириб юрганмиш... Морбоз Лакшман...

— Бутун ёр-дўстларимни душманга чиқариб қўйдинг-ку, эй феъли бад?! — Абу Бакр Калавийнинг жахли чиқа бошлади. — Шунча одам ёмону биргина сен яхши бўлишинг мумкинму? Сен ҳеч кимга ишонмайсен, дўстлигинг йўк, сен ҳаммани ёмонлаб юргонинг-юрган... Сен!.. Сен!..

Сарбадорлар султони, кўчадалиги эсида йўк, Абу-мансурнинг ёқасидан олиб силкалай бошлади. Воқеа Чорсу майдони ўртасида пешин чоғи бўлиб ўтмоқда эди. Рўпарадан келаётган уч ёш сарбадор қарашса, икки дарвиш, ота-бола бўлсалар керак, мусофирлар, нимадан-дир ранжиб жанжаллашишмоқда... Иш, мана, ёқалашишга бориб етди.

— Қўйинглар! — тинчлантирмоқчи бўлди сарбадорлардан бири. — Мусофир экансизлар... Билиб қўйинглар, Самарканд сарбадорлари салтанатида уруш-жанжал деган нарса бўлмайди. Манъ этилгон... Бас қилинг, йўқса султон навкарлари даррасини ейишингиз тайин!..

Пахтагуллик жома кийиб олган ёш сарбадорлар ўз йўлларига равона бўлдилар. Ханг-манг Абу Бакр Калавий улар кетидан қараб колди.

— Султоним! — Абумансур вазиятдан чиқнш учун шаллақиликка ўтди. — Менга ишонмасангиз қувиб юборинг! Ёки анов минорадан ташлатинг! Розимен! Кечани кеча демай, кундузни кундуз, салтанатингиз шаъни деб жонимни жабборга берсаму, бундок маломатларга қолсам... Ўзи шундақа, савобнинг тағи тешик, ҳа... Бундан кўра дунёдан кўз юмиб кетмоқ аълороқдир!

Ўтган-кетганнинг яна эътибор қила бошлаганини кўрган Абу Бакр Калавий лом-мим демай Арк кўчасига қараб юрди.

Сарбадорлар султони ховлига кириб келганида яна бир дилхирачилик юз берганини кўрди. Панжарагулчин зинали баланд ойнаванд кўшк қулаб тушган, атрофида одамлар уймалашган, кимдир ойна синиқларини териб

олар, кимдир ёғочларни йиғарди. Абу Бакр Калавий якин бориб каради. Кўшк турган устунни катта бир каламуш кемириб қирқиб юборибди. Кўшк қулаганда қоча олмаган каламушнинг ўзи ҳам устун тагида қолибди. Ана, кемирилган устуну каламушнинг тумшуғи, бақрайган кўзи... Ажабо, каламуш шу пайт Абу Бакр Калавийга... Абумансур бўлиб кўриниб кетди! Бу каламуш ку кўшкни қулатди, у каламушбашара нима қилмоқчи экан? Сарбадорлар салтанатини тубдан қўпармакчими, фиску фасод билан кемирмакчими?.. Амир Хусайн элчиси билан кўп қаймоқлашиб юрибди, дедилар, аммо Абу Бакр Калавий эътибор қилмади. Мавлонозоданинг сўзларига ҳам қулоқ солмади...

Абу Бакр Калавий кийимларини алмаштириб меҳмонхонадан эндигина чиққан эди, ғуломлардан бири найча қилиб ўралган номани келтириб берди. Нома Мовароуннахр ҳукмдори Амир Хусайндан экан. Унда бундай ёзилганди:

«Турон султони Амир Хусайн Самарқанд сарбадорлари султони Абу Бакр Калавийга дуои салом йўлайдур, салтанат ишларига ривож тилайдур. Бизнинг сизга тўла эътимодимиз бордур, сизларни ўзга амиру беклардан ортиқ кўрурмиз. Инчунин, сиз билан дийдорлашмак нияти дилимизда барқарордир. Иншооллоҳ, Наврўз кунлари меҳрингиздан баҳраманд бўлгоймиз. Биз то Ўрдани Кониғил яйловига олиб бормагунча сиз истиқболга чиқмангиз, ўзингизни уринтирмангиз. То дийдор.

Солисарой. Хижрий 767 йил,
ражаб ойи ўн иккинчи куни».

Юқоридаги икки воқеадан кўнгли хижил бўлиб турган сарбадорлар султони, нома баҳонасида амирлашкар Хўрдак Бухорийни уйига чорлатди.

Норғул, баланд бўйли амирлашкар меҳмонхонага кириб келганида Абу Бакр Калавий деразадан йироқларга, баҳор сепини ёя бошлаган тоғларга қараб турарди. Амирлашкарнинг назарида эски кадрдони сарбадорлар султони бўлгандан бери анча озиб қолгандай туюлди. Салтанат юкини елкада тутмоқ осонми?

— Кўшк қулабдиму? — сўради у. Иккиси хонтахта атрофига тиз чўкишди.

— Ха... — деди Абу Бакр Калавий, у негадир хор-гин эди. — Кўшк қулабди... Бугун ҳам бозорни хуфия айланиб келдим...

У ҳамён вокеасини гапириб берди.

— Ундан ҳам кизикроғини эпгатинг! — давом этди сарбадорлар султони. — Уч кун аввал, эгнимда жанда, белимда кашкул, елкамда тўрва, термизлик дарвиш бўлиб, ҳассага таяниб бир ўзим шаҳар кездим... Ҳеч ким танимайди. Чорсуда бир одамни тўхтатдим-да, ундан сўрадим: «Бу юртнинг пошшоси ким?» Ҳалиги одам бепарво деди: «Э... Абу Бакр Калавий деган бир кўсқи, қаланғи-қасанғилардан...» «У сенга нима ёмонлик қилдики, бундай дейсен? Ёкмайдирми?» «Ёкмайдир! Ҳамма тенг-хуқуқли, деди. Уйида ҳар пешинда кунлик ош пишадди... Ҳаммага бир хил кийим берди...» «Ие! Бунинг нимаси ёмон, э феъли ғалат?» дедим. «Ялқовлар кўпайиб кетди, тайёр ош... Текинхўрларнинг куни туғди. Текин кийим... Барини фозил жамоа кураман, деб ўша султон ўйлаб топди, гўрингда тўнғиз кўпгур! Бу ахволда тезда ҳамма нарсани еб бўламыз, очарчилик бошланади...» Жаҳлим чиқиб кетди: «Мени танийсанми?» — деб сўрадим. «Йўқ!» жавобини олдим. «Мен, — дедим, — ана шу юрт султони Абу Бакр Калавий бўламен!» «Сен ҳам мени танийсанму?» — сўради у ҳам. «Йўқ!» «Мен машхур Саттор жиннидурмен. Йилда уч марта жинни-лигим кўзийдир. Бугун биринчи марта жинни бўлишим!..» Мен кулиб юбордим. Жиннимен, дейди-ку, гаплари сен одамнинг гаплари...

— Кизик... — деб қўйди амирлашкар Хўрдак Бухорий. — Очарчилик бошланади, дейишида жон бор... Демак, салтанат кўшини машқини пишитмоқ, санъатини оширмоқ устида ғайрат кўргизмак лозим. Йўллар қуриши билан, сарбадорлар салтанати доирасини кенгайтирмак учун юришларга чиқиб, бойлик орттирмак, юрт кўшмак даркор. Биринчи галда Турон хукмдори билан хисоб-китобни аниқ этиб олурмиз...

— Турон хукмдори билан ора очик, назаримда... — деди Абу Бакр Калавий.

— Менимча, ора очик эмас... — қатъий эътироз бил-

дирди Хўрдак Бухорий. — Биз уларнинг шаҳарни бошқаришга юборгон ёрлиғу чопону қиличига маҳлиё бўлиб қолмайлик! Улар юрт сўраб келган амирлар, хатто Амир Хусайн билан Амир Темур бир-бирига дўст эмас, пайт топса бир-бирининг пайини қирқишади. Аммо ишончим комилки, улар сарбадорларга асло дўст эмаслар!

— Йўк, эй феъли яхши! — сўзни кесди Абу Бакр Калавий. — Ўзингиз ўйлаб қаранг. Улар мўғулларга қарши туғ кўтардилар, енгилдилар. Биз ҳам мўғул билан саваш қурдик, енгдик. Душманамиз бир бўлди. Шу ваддан ҳам икки амир бизга элчи йўллаб, дўстлик изҳор этишмакда. Бизларнинг ёмонлик қилмаслигимизни билишади...

— Ёмонлик-ку қилмаймиз... Аммо уларнинг элчи йўллаб, дўстлик изҳор этишлари замирида ўзга нарса бор дейман. Улар биздан... қўрқишади! Мулозаматларининг тагида гап бор! Ахир мўғуллардай каттол душман изини қуритгон лашкардан ким ҳам қўркмайди? Баттол амирлар эса олдини олиб тилёғламалик қилишмакда холос, бизни содда фахмлашмоқда... Мана, кўрасиз!

— Нечун шундоқ деб ўйлайсиз, эй феъли қаттиғ! Амирлашкар Хўрдак Бухорий масалани астойдил тушунтиришга уринди.

— Сиз билан биз, унда-бунда юрт бошқармагон, илгари сиёсат жиловини тутмагон содда кишилармиз, наслимиз хону амирга бориб уланмайди ҳам... Улар эса Туғлуқ Темурхондай хонга ҳам чап бериб, доғда қолдиргон амирлардир. Буни унутмайлик. Бизга ҳам ҳийла қилишмаётганмукин?.. Агар шундай йўл тутишмаса, Мовароуннаҳр тупроғида фозил жамоа тузишга қурби келгон мард сарбадорлар авлоди икки амир устига бостириб бориб бир кундаёқ енгиб қайтишмайдими? Улар ана шундан қўрқишади! Шунинг учун шаҳарни бошқаришга ёрлиқ юборишибди! Ҳимматни кўрингиз! Бизга у ёрлиқнинг нима кераги бор? Шаҳарни бошқариш ҳуқуқини ўзимиз қон билан, жон билан олдик! Амир Хусайннинг ёрлиғи бўлмаса ҳам шаҳарни бошқараверамиз! Гапни мухтасар қилсам, илгари ҳам айтгондим, ижозат бўлса, Наврўздан кейиноқ биринчи галда амирлар устига юриш бошласам!.. Улар бор экан, сарбадорлар салтанати осойишта бўла олмайди!..

— Дўстмен, деб турсалар, эй феъли барқарор, устига қандоқ қилиб қўшин етаклаб борасиз? Душманлик зо-хир этса эрди, бошқа гап эди...

— Содда бўлмайлик! — деди амирлашкар куюниб. — Улар билдирмай душманлик қилишади!.. Амирлар туту-ми муаллими сонийнинг ушбу ҳикматини ёдга туширади: «Ғолиблар ҳамиша бир-бировини йўқ қиладир, чунки ўзгани камолга етмағон ҳисоблайдилар, ўзи учун хатар-ли деб қарайдилар». Улар кечаги ғолиб эди, эсингизда-ми, икки йил аввал Чорсу майдонида, Шохмалик қав-чинни, аскарбошиларни хор-зор қилиб ўлдирдилар. Биз-лар эса бугунги ғолибмиз... Нахотки икки ғолиб бир-бирини тан олса, бир-бирига дўстмен, деб талпинса!.. Ишониб бўлурми!..

Сарбадорлар султони ўйлаиб қолди. «Агар Амир Ҳусайн дўст бўлмаса, Жаҳон бикага совчиликка одам кўярмиди? Қуда-андачиликни йўлга қўйиш қариндош-уруғ бўлмоқ дегани-ку! Демак, амирнинг нияти холис... Аксинча, совчиларга рад жавобини бериб Турон ҳукмдо-ри ранжитиб қўйилди. Энди Амир Ҳусайн ҳар қанча ўпка қилса арзийди. Мен дўсту қариндош бўлмакчи эдим, истамадингиз, дейди. Шунга қарамай Кониғилдаги учра-шувга таклиф этиши Амир Ҳусайн томонидан кўргизил-ғон катта химматдир, олижанобликдир... Ўзини хокисор тутиб, дўст кадрини кўтариш шунчалик бўлади-да...»

— Мана Амир Ҳусайндан бир нома келибдир... — деди сарбадорлар султони ва номани ўқиб берди.

— Султоним! — Амирлашкар каттик хайратга туш-ганини яширмади. — Ақли қосирим дерки, биз Амир Ҳусайн ва Темурбеклар билан дийдорлашувдан воз ке-чишимиз жоиздир... Бу таклиф хийла эмасмикин, деган шубҳадамен...

Абу Бакр Қалавий жилмайди.

— Ўзлари ҳам бисёр гумонпарастликка берилибди-ларми, дейман... Жуда ҳар нарсадан ҳам шубҳа қила-вермасунлар!..

— Билмадим, билмадим... Аммо номанинг ушбу ери-га назар этингиз: «Биз то Ўрдани Кониғил яйловига олиб бормагунча сиз истикболга чиқмангиз...» — Амир-лашкар бошқиси тебратди. — Англамайдурмен, не дегани бу?..

Сарбадорлар султони энди қаттиқ кулиб юборди.

— Нахот англаш мушкул бўлса? Амирлар сизу бизнинг қадримиз юзасидан шундай қилишмакда! Ҳурмат ншпонаси бу, амирлашкар, ха, ха! Ўзлари хону амир авлодидан бўлишларига қарамай, биздек оддий фуқароларни эъозлаб, ҳурматимизни жойига қўйиб кутиб олишмакчи!..

— Нега энди, — эътироз билдиришдан тўхтамасди амирлашкар. — Улар, биз самарқандликларни ўзимизнинг Кониғилда мезбондек кутиб олишади? Биз, нима, ўз юртимизда ўзимиз меҳмонмизми? Ана шунга ҳайронмен... Кониғилга уларни келтириш уёқда турсин, ҳозирги жойларига қувиб бориб изини қуритардим, менга қолса...

Сарбадорлар султони билан амирлашкар узоқ тортишдилар. Ниҳоят Хўрдак Бухорий деди:

— Сиз борсангаз, мен ёлғиз юбормаймен, албатта... Ёнинғизда бўламен! Охири бахайр бўлсин ишқилиб, султоним... Фақат бир шарт: биз билан қўшин бўлмоғи зарур!

Сарбадорлар султони бунга розилик билдирди.

* * *

Наврўз арафасида Амир Ҳусайн билан Темурбекнинг Кониғилда чодир тикканлари ҳақида хабар келди. Сарбадорлар салтанати кенгаши аъзолари Абу Бакр Калавий, соҳибдевон Мавлонозода, амирлашкар Хўрдак Бухорий, Уста Кулол, Қодир Ҳалвойи, Лакшман, Нозим Меҳмет, Исоқ этиқдўз, Шаҳриёр, Абумансурлар Ахий Жаббор бошчилигида яхши қуролланган қўшин кузатувида катта совға-саломлар билан Кониғилга жўнадилар.

Абу Бакр Калавий тонгсахар Қорасоч бика ва Жаҳон бикани янги йил байрами билан қутлади. Дам ўтмай байрам қилиб қизлар кела бошлашди. Сумалак пишини кўришга ошиққан, қайвони хотинлардан турли чўпчагу қизик гаплар эшитишни орзу қилган қақажон қизлар эса кечаданоқ ховлидаги катта ўчоқ атрофида парвона эдилар. Қорасоч биканинг қистови билан қизлар сумалакка алоҳида қозон осишмади, қозонларни бир қилиб юборишди.

Кўклам қуёши чарақлаб ётган кўҳна шаҳарда байрам кайфияти ҳукмрон. Бир неча томондан сув кириб турадиган уммонга ўхшаган Чорсу майдони Наврўз сайлига ошиқаетган чоллар, кампирлар, эркагу хотин, тул-туғсоқ, бола-бакралар билан тўла. Етти кўчадан майдонга кирган пахтагуллик жома кийган одамлар тўлқини Куллар кўчасини тўлдириб Конирилга оқади. Дорбозлар бир кун олдинроқ кулай жой топиб ўланзорда дорларини тикиб бўлшган. Йўлда отини гижинглатган улоқчиларни, курашга шайланган полвонларни, саватларини кўтариб олган морбозларни учратиш мумкин. Ана биров кўлида хўроз, бошқаси ит етаклаган... Улар «жанг»ларда қатнашишмоқчи. Машхур Ниёз қизиқчи ҳам жўралари билан сайилга бормоқда. У йўл-йўлакай қизиқчилик қилиб одамларни кулдирар, кўз қисиб, ҳар хил қилиқлар кўрсатиб, болакайларнинг юракдан чиққан кийқирларига сазовор бўларди. Одамлардан бири:

— Тўкилдихон ҳам боряптими? — деб сўради.

— Ҳа, Буралдихон ҳам, Толмабўйинхон ҳам боришяпти! — жавоб берди Ниёз қизиқчи.

Абу Бакр Калавий ўз сафдошлари билан Конирилга яқинлашмай туриб узоқдан Амир Ҳусайн чодирга кўзалари тушди. Баланд тепаликка қирмизи баркутдан тикилган чодир яшил тусга кириб келаётган яйлов манзарасида ажабтовур маҳобатли ва гўзал кўринарди. Сайхонликка кўйилган сўрида машшоқдар соз чалишар, мусиқа садолари мусаффо осмонга тараларди.

Амирлашкар Хўрдак Бухорий отини секинлатди ва Ахий Жабборни чақирди.

— Лашкарбоши! — деди буйруқ оҳангида секин. — Кўшин билан икки юз кадам берида қўнингиз. Шарт шу: келишганимиздек, агар мен пахтагуллик жомани ечиб силкитсам, тез от солиб бостириб борасиз, биз хавфда қолган бўламиз. Уқдингизму? Кўзингиз биз ёқда бўлсун!

Гарчи Абу Бакр Калавий билан узоқ суҳбатлашиб, Конирилга келишнинг мусбату манфий томонларини тарозига солиб кўрган бўлса ҳам, амирлашкар Хўрдак Бухорий барибир кўнглидаги шубҳа-гумонлардан қутула олмади. Ким билсин, амирлар хаёлида нималар бор?

Олисдан пахтагуллик жома кийганлар келаётганини кўрган Амир Ҳусайн:

— Ана сарбадорларингиз, Темурбек! Самарқандда салтанат тузган ялангоёқлар! — деди захарханда аралаш. — Салтанат эмиш!..

Нечундир Темурбекнинг гаши келди, аммо билдирмади:

— Ортида қўшин ҳам бордир...

— Қўшин? — сергакланди Амир Хусайн. — Улар не истайдилар?

— Оллоҳнинг ўзига аён... — жавоб берди Темурбек. — Ё уларнинг кўнгиллари эгримурму? Йўқ... Қўшин колди...

Сал фурсатдан кейин меҳмонлар истиқболига чиққан Давлатшоҳ бахши Самарқанд сарбадорларини бошлаб келиб колди. Машшоқлар «Шодиёна» куйини чалдилар. Биринчи бўлиб тепаликка сарбадорлар султони Абу Бакр Калавий кўтарилди. Айти пайтда барқут чодир ичидан Турон ҳукмдори Амир Хусайн чиқиб келди.

— Ассалому алайкум! — деди Абу Бакр Калавий, у Амир Хусайнга қараганда баландрок эди. — Наврўзингиз қутлук бўлғай!

— Ва алайкум ассалом! — алик олди амир. — Сизга ҳам қутлук бўлғай!

Пахтагуллик жома кийган сарбадорлар султони билан эгнига зарбофт арғувоний тўн ташлаган Мовароуннахр ҳукмдори кучоқлашиб кўришдилар.

— Одатда майдонларда қилич билангина кўришадиган ҳокимларнинг кучоқлашишиб туришлари ғалати... — деди аста амирлашкар Хўрдак Бухорий ёнидаги Уста Кулолга.

— Ҳа, ғалати кўриняпти... — деб қўйди ўзини бегона сезиб турган Уста Кулол ҳам. — Лойи пишитилган бўлсин, ишқилиб...

Абу Бакр Калавий энди Темурбек билан ҳамоғуш бўлди.

— Бошингиз омон бўлсин, Темурбек!

— Айтғонингиз келсин! Салтанат ривож топсун! — деди Темурбек.

Диёрбакр қурчибошидан кейин, навбатда... Қавомиддин кози турарди! Амир Хусайн уни атай зиёфатга таклиф этган, қозикалон ростдан сарбадорлар зулмидан қочиб келганми ёки уларнинг қўйган одамими, шуни билмакчи эди.

— Ие! — хайрон бўлди Абу Бакр Калавий. — Ўзларини йўқотиб қўйгандик... Шу ерда эканлар-да?..

— Хе-хе-хе! Наврўз айлаб келгандик, илло...

Бу палла Амир Ҳусайн Мавлонозода билан кўришарди-ю, зимдан кўзи қозикалонда эди.

Сарбадорлар амир Мусо, амир Кайхусрав ва бошқа амирлар билан кўришишгач, чодир олдида ёзилган катта дастурхон атрофида бахмал кўрпачаларга тиз чўкдилар. Дастурхонда одам жонидан бошқа ҳамма нарса бор. Бутунича қайнатилган икки катта кўй ўртани эгаллаган. Икки лаганда тасма-тасма кесилган фарчча думба ёғ оғиздан сув келтиради. Оқ майизу қора майиз, асал, турли мураббололар, тутталкон кўзларни қувнатади, жигари хаста кишилар дил қувватини оширадиган олтиндай беҳиларнинг бўйи димоғларга хуш ёқади.

Аввалига сухбат қовушмади. Кечаги наддофу кулол, холвачию этикдўз юрт ҳукмдорининг маҳобатли саропардаси олдида ўзларини ноқулай сезишар, амирлар билан сарбадорлар орасидаги катта жарлик жарлигича қолмоқда эди. Амир Ҳусайнга бу ёқмас, даврада тезроқ хушчақчақ кайфият ҳукмронлик қилишини истарди.

Амир Ҳусайн соқийга буюрди:

— Андак қизиб олайлик, ҳамал захри ўтиб кетди-ку!

— Оз-оздан олайлик!.. — қўшилди амир Мусо.

Соқий четига «ас-сабр», «ал-модда» деб ёзилган қосаларга майи нобу шарбатдан қуйди. Турфа майларни кўриб Нозим Меҳметнинг кўзлари ўйнаб кетди. Шу палла ғуломлар тандирдан янги узилган, буғи чикиб турган кўк сомса олиб келдилар.

— Сарбадорлар май ичмайдилар... — деди Абу Бакр Калавий. — Бизда манъ қилинган...

— Майнинг ози буюрадир, деганлар улуғлар... — Темурбек даврадагиларга қаради. — Бугун Наврўз сайли. Сайил майсиз бўлмас. Зеро майни, четига «сабр берсин», «узок умр кўринг» деган тилаклар битилган қосаларда нўш айлаймиз... Бори яхшилиқдур...

— Бу тилакларнинг нохуш жойи йўқ шекилли... — деди Амир Ҳусайн ҳам.

— Яхши тилак тилаш одамга хос... — гап қўшди амир Кайхусрав.

Ўртага ғалати жимлик чўкди. Жимликни биринчи бўлиб амирлашқар Хўрдак Бухорий бузди:

— Мезбонларни ранжитмайлик... — шундай деди-ю, кўнглидан майга бир нима қўшилмаганмикин, деган ўй кечди.

— Оз-оздан раводир... — муносабат билдирди Мавлонозода. У йиғиндан хурсанд, хаёлида шанба куни бўладиган тўй манзаралари жонланарди.

«Раводир!», «Раводир!» деган овозлар эшитилди.

— Бугун ҳамалнинг биринчи куни — Наврўз айёми сиз Самарқанд сарбадорлари Мовароуннахр хукмдори меҳмонидурсиз! — деди босиқ Амир Хусайн. — Сиз Мовароуннахрни мўғул оёридан тозалашда чунон саъй-ҳаракат кўргиздингизким, бунинг баҳоси улғудир! Инчунин сизларга эътимодимиз зўрдир, мардлигингизни яхши кадр этурмиз... Бу айём жангу жадални унутингиз, салтанат ташвишларини бир четга отингиз! Фароғат, хордик чоғидир...

Амир Хусайн шундай деди-да, қўлидаги косани сип-кориб юборди. Бошқалар ҳам унга эргашдилар. Бир оздан сўнг косалар яна бир давра айланди. Дастурхонга энди каклик ковордоқлар тортилди. Маишқоқлар тўхтаб қолган жойидан олдилар, «Наврўзи Ажам» янгради. Май, нукли таомдан сал баданлари қизиган, чехралари ёришган меҳмонлару мезбонлар энди нарида хиромон айлаб ўйнаётган офатижон раққосага тикилиб қолдилар. Кимлар унинг рақсига маҳлиё, ким эса нозик адо қадди камолига... Навбат катта ашулага келди, икки хофиз қўлларига ликопча олишиб, кучли ўктам овоз билан бутун Кониғилни жаранглатиб ашула айта бошладилар. Базми жамшид авжига чиқди.

Май сеҳри, дастурхон шарофатию ўйин-кулгулар билан даврада кайфияту руҳиятлар тенглашгандай бўлди. Мовароуннахр хукмдорининг баркут саропардаси олдида ўзларини ноқулай сезган сарбадорлар май таъсирида хийла дадилланиб қолган эдилар. Май ҳам муҳаббатга ўхшаб барчани тенг қилиб қўяди. Абу Бакр Калавий Темурбек билан сўзлашарди, иккисига боқиб, уларнинг фикри бир жойдан чиқаётганини кўриш мумкин эди. Абумансур қошлари чимирилган Амир Хусайнга астойдил нималарнидир тушунтирарди. Амирлашкар Хўрдак Бухорий ҳам сархуш бўлганча ҳар қандай шубҳа-гумонларнинг ўринсиз эканлигига ишона бошлади.

Буғи чиқиб турган қовурилган ширвоз гўшти тортил-
гач, даврада яна майкоса айланди. Қийқирик, ўйин-кул-
гу то шомгача тинмади...

— Наврўз сайли олти кун давом этадир, — деди
Амир Хусайн. — Тонг билан сизларни яна шу ерда
кутамиз. Сайилни келгөн жойидан бошлаймиз... Сайил-
нинг каттаси эртага бўлади. Улокни томоша қиламиз,
полвонлар курашини кўрамиз... Полвонлардан борму? —
Мовароуннахр ҳукмдори хуш қайфиятда эди. — Фақат,
бир нарса... Эртага қўшинга ҳурлик берингаз, токим
улар ҳам Наврўздан баҳраманд бўлиб қолсинлар. Ўза-
рингиз келсангиз кифоя, вале дўст оғушига келурсиз...

Амир Хусайн уч бор қарсақ чалди. Амирлашкар
Хўрдак Бухорий бирдан сергак тортди. Хамма чодир
эшигига қаради. Ўнта ғулум кетма-кет табассум ила сар-
бадорлар учун сарполар кўтариб чиқдилар. Биринчи
зарбофт тўнни сарбадорлар султони Абу Бакр Калавий
эгнига ташладилар. Иккинчисини соҳибдевон Мавлоно-
зодага, учинчисини амирлашкар Хўрдак Бухорийга қий-
дирдилар. Сарбадорларнинг барчаси ана шундай ким-
матбаҳо сарполар олдилар.

Ахий Жаббор бутун кун давомида Амир Хусайн са-
ропардаси ёқдан кўз узмади, бироқ амирлашкар Хўрдак
Бухорий бирон марта ҳам пахтагуллик жомасини боши
узра силкитмади... Устига-устак, эртага қўшинга ҳурлик
берилганини, лашкар ҳам сайил қилиб, хордик олиши
лозимлигини айтдилар.

* * *

Самарқанд сарбадорлари султони Наврўз сайлидан
қайтиб келганда, шом тушиб қолганди. Ҳовлида сумалак
пиширилган катта қозон тўнкарилиб қўйилганди. Қозон-
ни кўрди-ю, Абу Бакр Калавий тўйнинг эртаси куни
гавжум ховлининг хувиллаб қолиши кўнгилни қандай
сирқиратса, ўшандай холга тушди. Тўхтамай ётоққа шо-
шилди, қаттиқ ҳориган эди. У буни кун бўйи бир жойда
қоқилиб ўлтиришдан ёки хийлагина майхўрлик қилгани-
дан эмас, балки игнанинг устида бориб келгандек бўлган-
нидан деб билди. Ҳар қалай, амирлар билан мулоқот
ҳазилакам иш эмас... Амирлар ва сарбадорларнинг дўст
бўлмоғи улус учун бахт-саодатдир...

Абу Бакр Калавий каттик уйкуга кетди. У ғалати туш кўрди... Мана шу ҳовли эмиш. Ҳовлида қулаб тушган кўшк атрофида Мавлонозода, Хўрдак Бухорий, Уста Кулол... хуллас, ҳамма дўстлари тўпланган. Ҳаммалари жам бўлиб эгнига пахтагуллик жома ташлаган муаллими соний Абу Наср ал-Фаробийга тикилиб туришар, ул зотнинг сўзларини тинглар эмишлар. «Фозил жамоа қурғонларингизни эшитиб кўрғони келдим, қулун, — дер эмиш Абу Бакр Калавийга қарата. — Киши қонини тўкмак, ҳибс этмак фозил жамоага ярашмайдир. Кимсага тир кўтармак бадхўйликдир. Бу Оллоҳга ҳам ёқмайдир. Сизлар кўпларнинг умрига зомин бўлибсиз, кўпларни озурда этибсиз... Тенгхуқуқли жамоа хусусинда фалсафа сўқасиз, вале қулларни занжирдан фориг айламайсиз, қулун...» Муаллими соний кўп гапирган эмишлар. Абу Бакр Калавий ҳаммасини эслай олмайди. Ниҳоят Ал-Фаробий қўлларидаги китобни очиб ниманидир ўқий бошлабди. Абу Бакр Калавийнинг кўзлари ҳам китобнинг қуйидаги сўзларига тушибди: «Фозил шаҳар сардориди жаъми фазилатлар бўлса-ю, донишманд бўлмаса, шаҳар ҳалокатга юз тутадир...» Шу ерда қизик хол рўй берибди. Китобнинг «Донишманд бўлмаса, шаҳар ҳалокатга юз тутадир...», «...шаҳар ҳалокатга юз тутадир...», «...ҳалокатга юз тутадир...» сўзлари жаранглаб бутун Самарқандга таралмиш! Бирдан «ҳалокат» сўзи саҳифадан кўчиб чиқиб, йириклашиб Абу Бакр Калавий кўзларини ёруғ олам-жаҳондан беркитиб қўйибди! Кўз олдини зулмат қоплаб олибди. Қуловида эса муаллими сонийнинг ўша сўзлари йироқлаша бориб охри эшитилмай қолганмиш...

Абу Бакр Калавий чўчиб уйғонди. Ғира-шира тонг отиб келарди. Майдан оғриган бош озрок беҳузур қилмоқда эди. «Босинқираб қолибман-ку... — деди ўзига ўзи калима келти-риб. — Салтанат юмушлари билан бўлиб муаллими сонийни ҳам фаромуш этдим. Рухлари безовта бўлибдир...»

Сарбадорлар султони ўрнидан туриб таҳорат олди. Жойнамозни ёзиб бомдод намозини ўқшпга тутинди. У бугунги тоат-ибодатини астойдил муаллими соний Абу Наср ал-Фаробийга бағишлади. Намоздан кейин ҳам, қимирламай узоқ тиловат туширди. Сўнг қўлини фотиҳага очиб, дуосини:

— Аъзама кадраху каррама важҳаху¹, илоҳо омин! — сўзлари билан якунлади.

Эрталабки салқин баҳор хавосининг сеҳрими ёки ихлосу ибодатнинг шарофатими, ҳар қалай Абу Бакр Калавий бир оз енгил тортди. Энди бош оғриғи таркаган, ноҳуш тушни ҳам ҳаёлидан нари қувгандай бўлди.

У об-ҳавога эътибор қилди. Ажабо, бугун билан кечаги кун ўртасида еру осмонча фарқ бор эди. Куннинг кўзи кўринмас, осмон ҳам қовоғини уйиб олган, булутли, гўё қандайдир сирни пинҳон сақлаётгандай, нима-нидир яшира-ётгандай туюларди.

Чошгоҳ бўлиб-бўлмаё Самарқанд сарбадорлари салтанати кенгаши аъзолари Чорсу майдонидан Кониғил томон йўл олдилар. Абу Бакр Калавийнинг негадир оёғи тортиб-тортмай борар, аммо буни бировга билдиргиси келмасди. Гарчанд кечаги майхўрликдан озгина ланжлик бўлса ҳам, кўплар тетик, бугун бўлажак зиёфату маишатнинг завқу хавоси дилларни аллаларди. Айримлар Наврўзнинг биринчи кундаги сайил тафсилотларидан сўзлашар, таассуротларни ўртоқлашар эдилар. Айниқса, Абумансур жуда хурсанд, каламуш башарасига табассум ёйилиб, сарбадорлар шаънига мактов гаплар ёғдирарди:

— Биз, сарбадорлар андоқ қудратлимизки, ҳатто Турон ҳукмдорининг ўзи меҳмонга чорлайдур! Кўркишадур, ҳа, бизлардан ҳайикишадур! Бу шундоқ кўришиб турибди. Мовароуннаҳрда якка-ю ягона коким бўладур-миз ҳали, мартабаларга эришадурмиз!

— Бисёр хурсандсиз, Абумансур? — сўради ғаши келиб соҳибдевон Мавлонозода, — Важи не экан? Билсак бўладирму?

— Важи? — Абумансур отини соҳибдевон томон бурди-да, секин деди: — Ахир яқинда дўстимизнинг тўйларида кайфу сафо айлайдурмиз... Хурсандчилигимизнинг важи шу!.. Қувонмайликми ё?.. А?..

Абумансур шундай деса ҳам, ичида бошқача ўйларди: «Кимнинг тўйида ким сафо айлапини ҳали кўрасен! Сенинг қайлиғинг Жаҳон бика билан ўзим айш-ишрат қурамен! Қозикалон бўлиб, Самарқандда давру даврон сурамен!..»

¹ Улуғ қилсин, муқаррам қилсин, маъносида (араб.).

Мавлонозода индамади. Чунки у тўй, қайлиғи хақида бировлар билан ошкор гаплашишни хуш кўрмасди.

Сарбадорлар гавжум Чорсу майдонидан, Кулоллар кўчасидан ўтиб Кониғилга яқинлашиб боришарди. Улар шу палла ўзлари куйган, ёнган, севган, кадрлаган она шаҳар Самарқанд билан бир умрга хайрлашаётганларини, Кониғилга бўлган юриш дунё билан видолашув эканлигини хаёлларига ҳам келтирмас эдилар...

Амир Хусайн чодирини олдида бугун кечагидан кўпроқ одам тўпланганди. Одатдагидек, сарбадорлар ташрифига «Шодиёна» куйи чалинди; карнай, сурнай ва ноғора авж пардага чиқди. Мамнун сарбадорлар, ҳеч нарсдан беҳабар эллик кадамча берида тўхтадилар. Отдан тушар эканлар, Амир Хусайннинг саропардадан чиқиб келганлигини, кеча дастурхон ёзилган ерга етганда, уч бор қарсақ урганганини эшитдилар. Шу палла ҳукмдор: «Отил!» деб қичқирди. Қаёқдандир норғул-норғул аскарлар пайдо бўлиб, хайратда қотиб қолган сарбадорларга ташландилар. Кўз очиб юмгунча ҳаммасини қуролсизлантириб, қўлларини орқасига боғладилар. Фақат Абумансурга тегадилар, аксинча у амирлашқар Хўрдак Бухорийни, Мавлонозодани банди қилишда аскарларга кўмак берди:

— Бадбахт! Сотқин! — тиш орасидан деди Мавлонозода. — Ҳақиқий башаранг энди очилди!

Абу Бакр Калавий бу гапни эшитди-ю, Мавлонозоданинг «Абумансурни салтанатга яқинлаштирмак хатарлидир...» деган сўзларини эслади. Афсус... Сарбадорлар султони алданганларини кеч билди.

— Не қилмақдасиз, эй феъли ғалатлар? — деди у аскарларга. — Эй, Амир Хусайн, бу не қилик? Мардлар ишими бу найранг? Ҳеч нарсани англамайдурумен!..

Амир Хусайн ҳеч нарсани эшитмагандай жавоб бермади. Амирлашқар Темурбек эса негадир кўринмасди.

— Лойи пишитилган бўлсин, ишқилиб, дер эдим-а... — деб қўйди Уста Кулол.

— Тахири чиқиб кетди-да... — ўксинди Ҳалвойи.

— Салтанат чокидан кетди, чокидан! — алам билан деди Исоқ этикдўз. — Тоб ташлаб юборди, эсиз...

— Сизга нима ёмонлик қилдик, хибсга оласиз? — қичқирди бирдан Нозим Меҳмет бутун фожиани англаб етиб. — Не истайсиз ўзи?..

У одати бўйича бурнини ушлаб қўймоқчи эди, қўлига чилвир ботди.

— Нима ёмонлик қилдик?.. — аламсинди Лакшман хам.

Тақдирнинг бу ўйинига хайрон қолган Мавлонозода ўз-ўзига деди: «Нима бўлмакда ўзи? Сарбадорлар амирларга душманлик зохир этмадилар-ку! Амир Хусайн-ку, тўғри, у феъли бад бир махлук, ҳатто Жаҳон бикага совчи юбортирибди, ножинс! Ҳай, у билан ҳисоб-китобни соҳибдеворон кейинга қўйиб қўйғон... Аммо, Темурбекчи? Темурбек қаерда? Нега Темурбек кўринмайдир? «Менинг кўнглим сарбадорлар тарафиндадур...» демағонмиди?.. Мавлонозода кенгаш аъзолари олдида, Абу Бакр Калавий билан Хўрдак Бухорий олдида нима деган одам бўлди энди? Ахир бу гапни Обимашҳад ариғи бўйидаги суҳбатда Мавлонозода айтган, шерикларини Темурбекка ишонтирган эди-да! Аҳд-паймон-чи? Ахир ҳар иккиси оталари гувоҳлигида, то ҳаёт эканлар, бир-бирларини қўллашларини изҳор этиб аҳд-паймон айладилар. Аҳд-паймон эмас, қурук сўз экан-да? «Фақат юлдузларгина бу дунёда абадул-абаддир, — деганди падари бузруквори Яҳё Ҳасан барлос. — Улар умр деган оқар дарёнинг сўл томонидан макон қидирадурлар, бизлар бу кирғоқда қолаверамиз. Дарё эса азим дарёдир, қурдим дарёдир. Дарёнинг у ёғида туриб, пайт келганда сенга қўл узатмайди, буни ёдингда сақла!..» Мавлонозода шу пайтгача бу сўзларга тушунмай келганди, мана энди тушунди...»

Амирлашкар Хўрдак Бухорий лом-мим демас, ҳозир сўзнинг шамолга сочилган қумдек бенафу бефойда эканлигини билар, тишини тишига қўйганча саропарда томонга қараб турарди. Гапирмаслигининг яна бир жиҳати, унинг Абу Бакр Калавийга айтган ҳадиғу гумонлари барчаси исботланди. Бу ҳақда оғиз очса, сарбадорлар султониға таъна бўлиб туюлмасин, деган андишаға борди, дўстини аяди. Бусиз хам унинг аҳволи аён... Ана саропарданинг рўпарасида шитоб баланд дор тика бошладилар. Ўтғиз етти ёшга кирган амирлашкар Хўрдак Бухорий ёш туриб ўлиб кетишдан қўрқмайди, бир бошга бир ўлим ҳамиша бор. Фақат фозил жамоа қурмак орзуси амалға ошмай қолаётганидан ва бунга эса ўзлари,

ха, ёлғиз ўзлари айбдор эканликларидан жони ачирди, холос. Аксига олиб, бугун лашкар ҳам тарқатиб юборилган, буни амирлашкарнинг ўзи қилган, ғофил аскарлар эса сайил қилиб турли жойларда юрар эдилар...

Сарбадорлар султони Абу Бакр Калавий ногаҳоний ғазабдан тили боғланиб қолган, инсон зотининг бу қадар маккору айёрлиги, тақдирнинг буқаламунлигидан ҳайратда эди. Кечаги зиёфату мана бу фалокат... Кеча улар амирлар билан бир дастурхон атрофида ўлтирган, машат қилган эдилар. Бугун эса ана бу саропарда билан мана бу тикилаётган дор ўртасида дахшатли тубсиэ жарлик ётибди. Шу пайт Қавомиддин қозининг арра овозидай кулгуси эшитилди. Нега қозикалонни омон қолдирди? Абумансур-чи? Сарбадорлар салтанати хуфия сафи сардори бўлиб туриб, раним учун от сурғон экан! Ё раббий! Сарбадорлар султони ўзини тўғрисиўз, ҳалол деб билади... Наҳотки тўғрисиўз, ҳалол одамга кун йўқ бу оламда? У Амир Хусайн билан Темурбекларга ишонди, йўқ эса Хўрдак Бухорий айтганига кўнганда, бундай фалокатга йўлиқмасдилар. Кўнгилни қийнайдиган жойи шуки, сарбадорларнинг сардорлари дорга тортилмайдилар, балки улусни бахт-саодатли қилмак ғояси, тенгхуққлик аъмоли, мақсади, нияти дорга тортилади! Халқ такрор калтабин, мартабалар ишқибози ўшал мансабпараст ҳокиму амирларга қул бўлиб қолаверади, қолаверади... Барча айб Абу Бакр Калавийда, ҳа, авлодлар билиб қўйсинларким, Самарқанд сарбадорлар салтанати халокати фақат Абу Бакр Калавий бўйнидадир! У амирларга кўр-кўрона ишонди, менинг ниятим яхши бўлгач, ёмонлик кўрмаймен, деб ўйлади. Ёнида қиличи борларга ҳеч ишониб бўладими, эй Абу Бакр Калавий! Ҳайхот!..

Сарбадорлар султонининг қорайиб кетган юзига аччиқ кулгу ёйилди.

Чодир ичида ўлтирган Амир Хусайн мамнун, қисик кўзларида кулгу ўйнар экан, дунёда энг ашаддий душмани бўлган сарбадорларни — осонгина! — қўлга туширганига ишонмасди. Яна у Мовароуннахрнинг яккаю ягона ҳокими!

— Салтанат тузган ялангоёқлар! Хе-хе-хе! Тахтга мишиш осон эканму? — кулди Амир Хусайн. — Тахтимга кўз тикканлар ана шундок қон ютадир! Шағолни шер

боласисен, деб алдадилар, у ишонди. Шервачча деб чакирсалар, махлиё бўлиб чоҳга тушганини билмай қолди. Ўзидан кетишнинг оқибати шулдир. Заковатсиз кишилардан йилки афзал!

Амир Ҳусайн «менинг тахтимга кўз тикканлар...» деганда ғойибона Темурбекга ҳам теккизиб ўтди. «Жуда ўзингдан кетма, бир кун сен ҳам шундай ахволга тушасен» қабилда маънони жойлади у назарида ўзининг гапига. Иттифоқо, амирлашкар Темурбек сахар шаҳарга, эгачиси Қутлуғ Туркон оқаникига кетган, улар Наврўзнинг иккинчи куни Шохизиндага бориб азиз-авлиёларни зиёрат этишни дилга тугишганди. Икки ой олдин вафот этган Улжой Туркон оқа ҳам шу ерга дафн этилганди. Амир Ҳусайн буни билганидан пайтдан фойдаланиб қолмокчи эди. Икки амир ўртасида пинҳона кураш ҳеч тинмас, ҳар ерда ҳар лаҳза давом этарди.

Қавомиддин қози билан Абумансур ёнларига аскарлардан олишиб сарбадорлар раҳбарларининг дорга осилишини билдиргани шаҳарга кетдилар.

Абумансур тўрт аскарни етаклаб бошқа кўчаларни оралаб бўлгач, кейин Арк кўчасига боришга қарор қилди. Унинг мақсади гўзал қиз Жаҳон бикани қўлга киритмок эди. «Абу Бакр Калавий ҳам, Мавлонозода ҳам дорга тортиладир... — деб ўйларди у от чоптириб бораркан. — Энди Абумансур олдида ҳеч қандай тўсиқ йўқ! У Жаҳон бикага уйланиб, даври даврон сурадир! У мана шундай кунларни орзу қилиб келди. Хайрият, ниятига етди!..» Унинг шилпиқ кўзлари қувончдан юмилди.

Бирпасда машъум хабарни эшитиб, дор атрофида одам ёғилиб кетди. Бу томоша сайилдаги жаъми томошалардан кескин фарқ қиларди.

Нақоралар қоқилди. Ташвишли садолар юракларни сиркиратиб ўтди. Саропарда олдида қўйилган тахтда Турон ҳукмдори салобат тўкиб ўлтирибди, атрофда эса Бадахшону Боғлон, Андхой ва Шибирғон, Қаршидан йиғиб келинган қўшин саф тортган. Дор теварагида Самарқанддан, узоқ-яқин кишлоклардан сайилга келган одамлар туришарди. Улар ичида сарбадорлар ҳам учрарди.

Амир Ҳусайн издаҳомга қараб деди:

— Эй, ахли Самарқанд! Маълумингизким, бадбахт мўғул билан юз берган жангда бевафо омад биздан юз

ўгириб чекинишга мажбур бўлдик... Ҳукмдорингиз Жайхуннинг у томонида, амирлашкар Темурбек эса бу томонида аскар йиғиб, кучдан қолғон салтанатни оёққа турғизмак ташвишида кўп азият чекдик... Юртнинг улуглари шундоқ машаққат гирдобига ботғон бир пайтда Самарқандда бир тўда ялангоёқ, гадо, рунуду авбош ўзларини сарбадор атаб, фақат Чингазхон авлодларига мансуб бўлғон ҳукуматга қасд қилиб, иқтидор курсисига ўтирдилар, ярим йил мобайнида идора этдилар. Қуввату ихтиёрлари кўп бўлғон бу ялангоёқлар бошларига гурур боди хаёли тушиб, жасорат оёғини ўз ўрнидан баландроқ кўтардилар ва ғазабли ёвуз кўлларини кон тўқшпга, фасод чиқаришга чўздилар... Ҳукуматга тажовуз айлағон бадхулк бандалар дину мусулмончилиқни поймол этишда илғорлик кўргиздилар, расамадни буздилар...

Саропарда ёнидаги одамлар орасида мударрис Хожа Лутфуллох, имом Қутбиддин, шайхулислом Абулворис Самарқандийлар ҳам бор эдилар. Шайхулислом Совғончи қишлоғига бадарға қилингандан бери мударрису имом билан илк бор учрашиб тургандилар.

— Бало-қазосидан сақласин, бало-қазосидан сақласин! — дерди имом Қутбиддин.

— Сарбадорлар ўзлари ёмон одам эмас эдилар, — сўзланди шайхулислом афсус билан. — Аммо юрт бошқаришни билмасдилар, ахир ота-боболари юрт бошқариб келишмағон...

— Ажаб... Ажаб... — демакдан нарига ўтмасди мударрис.

— Чинос жангига бораётиб раҳматли Садр Сулаймондан сарбадорлар хақида ташвишли гаплар эшитиб эрдим... Бир кун қолиб, бори тўнғбўйинларни қиличдан ўтказиб бормагим лозим эди. Эсини ўнғлар, деб йўлдан қайрилмадим. Ҳимматимизни англашмади бу кўскилар! Аксинча, ўлпондан бош тортишди, мухорибамизни ворагга чиқаришди, қочиб қолғон амирларнинг холи вой, деб айюханнос солишди. Бу оламда ҳар нарсанинг жавоби бордир... Мовароуннаҳр хони Қобулшоҳ фармони билан ўзларини сарбадор деб атаган гумроҳлар дорга тортиладур! Ахир сарбадорларнинг эътиқоди «бошимиз дорга тортилсин» деган сўзларда жам эмиш-ку... Фармон ижро этилсун!

Амир Ҳусайн Темурбек қайтгунча сарбадорларни саранжом этп ташвишини чекарди. Нақоралар овози кучайди. Биринчи бўлиб сарбадорлар султони қўллари боғлиқ Абу Бакр Калавийни дорга олиб бордилар. У ҳеч нарса демас, қўй кўзлари одамлар оша йироқларга, тоғларга тикилган, уларда афсус-надоматдан белги кўринмасди. Ха, олам кенг, бепоён, аммо ҳозир бу оламдан бор-йўғи беш-олти лаҳза қолган эди, холос... Унга бир нарса қаттиқ ботди, одамлар ичидаги сарбадорлар сийрак тортгандай кўринди, сабаби, айрим сарбадорлар пахтагуллик жомаларини ечиб қўлтиққа урган эдилар. Водариг!

Аскарлардан бири унга сиртмоқ солмоқчи бўлди. Абу Бакр Калавий бўй бермади.

— Шошилма, эй феъли хунук! Битта бош бўлса сеники бўлур!

Иккита аскар унга ёпишишиб қийнай бошладилар. Шу пайтгача индамай ўлтирган амир Кайхусрав аскарларга ғазабли кичкирди:

— Нечук султонни хор қилурсен! Тийил! Гуноҳкор бўлса ҳам ул сарбадорлар султонидаур! Абу Бакр Калавий калима келтирмакчи! Имкон бер!

Аскарлар чекилдилар.

— Улусимиз, халкимиз сарбадордир! — деди Абу Бакр Калавий. — Ҳокимлар зулму истибдод тугини юксак кўтардилар, афсус, биз зулм тугини йиқа олмадик, зулм занги ҳаёт оиналаридан кетмади... Барчани тенгхуққли этиб бўлмади. Самарқандни фозил шаҳарга айлантириб улгурмадик... Начора, Оллоҳнинг иродаси шундоқ экан... Сарбадор ота-боболар хатоси сарбадор фарзандларга сабоқ бўлсин! Биз ҳозирча енгилдик... Қутлуғ йўлда мағлуб бўлдик... Бас, бошимиз дорга тортилсун! Сарбадор!

Абу Бакр Калавий энди мағрур бошини сиртмоққа тутиб берди. Шу пайт бирдан эрталаб кўрган тушини эслади. У тушини Қорасоч бикага айтмоқчи бўлган, лекин шерикларини кутдириб қўйишдан андиша қилиб, шошилиб, буни кейинга қолдирганди. Афсуслар бўлсинки, Қорасоч бика энди бу туш тафсилотини ҳеч қачон, ҳеч кимдан эшита олмайди... Абу Бакр Калавий охирга марта Кониғилга қаради, Самарқанд томонга тикилди,

бир лаҳза Қорасоч бикани, қизи Жаҳон бикани кўз олдига келтирди, Шамсулмулкни ҳам... Сарбадор хожа Яхё Қурробий ёдига тушди. Сабзаворда сарбадорлар элхоний Туға Темурхонни ўрдасига бориб меҳмон бўлиб, ўлдириб қайтгандилар. Бу ерда эса сарбадорларни меҳмонда ўлдиришмоқда... Такдирнинг тескари ўйинлари... Бирдан ўйлар, хотиралар кесилди, сиртмоқ бўғиб, ёруғ жаҳон қоронғи бўлди-қолди...

Амирлашкар Хўрдак Бухорий бир оғиз ҳам сўзламади, фақат дор тагида мағрур туриб «Сарбадор!» деб гулдираб овоз берди...

Камонмерганнинг дордаги паҳлавон гавдасини кўрган амир Мусо: «Шундай лашкарбошиларинг бўлса экан, — деди ўзига ўзи. — Паҳлавон увол кетди-я!..»

Нодирбек ибн Яхё — Мавлонозода, сарбадорлар салтанати соҳибдевони ҳам умрининг санокли онлари қолганлигини билди. Эндигина йигирма тўрт ёшга кирган йигитнинг орау-хаваслари бир олам эди, икки-уч кундан кейин Жаҳон бика билан тўйи бўлиб ўтарди... Йўк, йўк, бари энди ортда қолди! Такдир уни ўзгача сийлашни лозим топди.

Аммо у зинҳор ўксинмайди. Умрини сарбадорларнинг улуғ эътиқоди йўлида балогардон қилди. Қўлидан келганча, юрт ташвишини чекди, эл-улус ғамини еди. Бир фарзанд учун шу кифоя қилур, иншооллох... Аммо, Темурбек қаерда? Темурбек?..

Қошлари қоп-қора, олифта мўйлаби бор Мавлонозода бошини роз тутиб дор тагига қараб юрди. Дорга тикилди-ю, бир пайтлар Лакшманнинг уйида кўз олдига келган дорни эслади. Ажабо, ўшанда дорда аввал Мавлонозоданинг мисқоли салласи осилган, кейин салла бошга айланиб қолган эди. Мана, яна дор... О, қисмат!

Шу топда:

— Тўхта!!! Тўхтангиз!!! — деган кучли овоз эшитилди.

Хамма овоз келган томонга қаради. Уч юз қадамлар нарида шаҳардан кимдир от чоптириб келарди! У — Темурбек эди. Шоҳизинда қабристонига бориб, эндигина Қусам ибн Аббос мақбарасини зиёрат этиб чиққан, Улжой Туркон оқа қабрига эса ҳали ўтолмаганди. Одамларнинг оғзидан: «Кониғилда фалокат юз берибди! Сар-

бадорларни дорга тортишмоқда экан!» деган сўзларни эшитиб қолди. Эгачиси Қутлуғ Туркон оқага қараб:

— Яна Амир Ҳусайн иш кўргизибдур!.. Ўз билгича қадам босибди!.. — дедида, узр сўраб шитоб Конибилга от қўйди.

— Нега тўхтадинг?! Ос дорга, даюс?! — бакирди Амир Ҳусайн.

Дор тагидаги навкар каловланиб Мавлонозоданинг бўйнига сиртмоқ сола бошлади. Одамлар дам дорга, дам иш сушт кетаётганидан вижинган Амир Ҳусайнга, дам эса узоқдан отига камчи босиб келаётган Темурбекга қарар эдилар.

Рикобдор чошиб бориб амирлашқарга тушишга кўмаклашди. Темурбек ҳеч ким билан салом-алиқ қилмай тўғри дорга қараб юрди. Баланд бўйли чорпахил амирлашқарнинг шиддат билан келаётганини қўрган навкар беихтиёр ортига тисарилди. Темурбек ранглари оқариб кетган Мавлонозоданинг бошини сиртмоқдан чиқарди ва пастга олиб тушди. Бу пайт нариги дорда Уста Қуллол билан Ҳалвойиларни осиб бўлган эдилар.

— Бу ёғи қандок бўлди, Ҳусайнбек?! — сўради Темурбек, ниҳоятда дарғазаб эса-да, билдирмасликка тиришиб. — Бу бечора сарбадорларнинг гуноҳи не? Булар ҳам худонинг бандалари-ку?..

Амир Ҳусайн тахтда ўлтирар экан, Темурбекнинг бирдан келиб қолиб ишга халал берганидан ранжиганини яширмас, Темурбекга боқмай хадеб навкарни жеркир эди:

— Ландовур! Латта! Олиб бориб йигирма дарра урингиз! Сендайларнинг орқасиндан салтанат пароканда, турли ялангоёқлар юртни эгаллашга уринмоқда!..

— Ҳусайнбек!!!

Темурбекнинг кучли овози хаммани ўзига қаратди. Улжой Туркон оқанинг тўсатдан вафот этиши ораси асли яхши бўлмаган икки амирнинг ўзаро муносабатларини ортиқ таранглаштириб юборди. Сарбадорлар воқеаси бунга қўшимча бўлди, ўрталаридаги сиркани тағин ачитди...

— Ҳусайнбек! Сиздан сўраётирмен: сарбадорларнинг гуноҳи не? — Темурбек тахт олдига яқинлашди. — Бу қандай мусулмончилик ахир?

— Ах-ха!.. Темурбек!.. Мана энди кимлигингиз аён бўлди! — деди кутилмаганда Амир Хусайн. — Сиз хамиша менинг тутумларимга қаршилик этиб келдингиз! Биламен, мен сизга ёкмаймен!.. Ха!..

— Гапни опқочманг, Хусайнбек! — Энсаси котди Темурбекнинг. — Гап сарбадорлар устида кетмоқда, сиз хакингизда эмас!..

— Ўзингиз опқочмоқчисиз гапни, Темурбек! Тўртта-бешта ялангоёқни деб, орамизга совуқчилик тушиб турибди...

Бўлаётган гаплардан амирларнинг ҳар бири ўз ҳолича иш тутишлари кўриниб турарди. Нариги дунёнинг оғзидан қайтиб келган Мавлонозода атрофга аланглар, бу остин-устун оламга хайратда бокиб, ўзича пичирларди: «Нега дўстларим ўладилар, мен омон қоламен?» Хеч кимнинг у билан иши йўқ, ҳамманинг хаёли икки амирда эди. Бирдан Жаҳон бика йигитнинг ёдига тушди. Ха, у шу қизни деб тирик қолиши керак! Қизнинг ҳоли не кечди экан?.. Кўнгли раш йигит одамлар орасидан аста сирғалиб чикди, қайдандир қилич топди-ю, тўғри келган отни миниб шаҳар томон учиб кетди.

— Мен сўзимнинг эгасимен, Хусайнбек! — деди Темурбек вазминлик билан. — Ўн сўзни сўзласанг, бирини айтғил, тўққизини тийғил, дейдилар. Бас, тўққизини тийиб, бирини айтғоймен, ўшал сўзимда турғоймен...

— Нима, Мовароуннаҳр ҳукмдорининг сўзи иккитадирму? Ул айтгон сўзида турмасму?

— Буни бандаси билмайдур, Оллоҳ биладур, илло айтмайдур, — киноя билан жавоб қилди Темурбек. — Қуръони каримни ўртага қўйиб дўсту биродар бўлдик... Шундан сўнг, Чакчек дараси ёнида қўлга тушириб ўлдирмоқни ўйладингаз... Салтанат хизматини яхши адо этмади, деб баҳона қилиб, менинг йигитларимга товон солдингиз... Чинос ёнидаги жангда атайлаб сусткашлик этдингиз, енгилмоғимиз сабаби ёлғиз ўшалдирки, яна душманнинг бирор ўкига учрар деб кутдингиз... Чопаримнинг тилини кесиб оғзини қонга тўлдириб жўнатдингиз... Барча-барчасини пинхона менинг бағримни ўймоқ учун қилдингиз!..

— Зинҳор! Зинҳор! Мен ҳаммага бирдаймен, менга хосу ом баробардир! — ён бермасди Амир Хусайн. —

Аммо мени сарбадорларга бунчалик меҳрибончилик кўрғиза ётғонлигингаз хайратга соладур... Улар билан қилғон аҳд-паймонларингизни бузиб қўйдимми, дейман, а, Темурбек?..

— Сарбадорлар мард одамлардир, Оллоҳ олдида айтадурғон сўзим шулдир! Мен мардларга хамиша тан берурмен! — деди Темурбек. — Сиз билан биздай амирлар қилолмағон ишни ўшалар адо этдилар, юртни душман ғоратидан асраб қолдилар! Сиз билан биз эса, Хусайнбек, андоқ қилодурмиз, бундоқ қилодурмиз, деб, биримиз Амударёнинг у томонида, биримиз бу томонида жонимизни сақладик... Сўнг бизлар уларга маншури давлат юбордик... Улар бизларни одам деб ўйладилар, ишондилар... Ишониб Кониғилга келдилар, дилларида ёмонликни ўйламадилар... Биз шундай яхшиликка нима билан жавоб бердик?.. Дорга осиш билан!.. Билинғизким, бундай ноинсофликни Оллоҳ кечирмайду! Келажак авлодларга Амир Темурбек ўз улусининг одамларини ўзи дорга осибду, деб масал бўлғоним алам қиладу, холос... Афсус, ғафлатда қолдим... Бир умр юрагимга тош бўлиб ботаду бу нарса! Чунки сиз яна менинг бағримни ўйиш учун бегуноҳ сарбадорларни дорга тортдирдингаз!..

Хамма жим, ҳеч ким орага қўшилолмас эди. Амир Хусайн Темурбекнинг мантиқли гапларини эшитиб, оранинг узил-кесил бузилишини пайқади, уларни бирлаштириб турган синглиси энди йўқ...

— Э-ха... билмабмиз-да, Темурбек... Сарбадорлар сизнинг дўстларингиз экан-ку... — Амир Хусайн шартта шаллақиликка ўтди. — Биламен! Мени пандовоқи деб ўйламангиз, биламен! Сиз кўпдан бери тахтимга кўз тикасиз, ўзингизга бино қўйиб, Мовароуннаҳрга хону хокону шаҳаншоҳ бўлиб даврон сурмакчи бўласиз... Мен эса йўлингизда ғовмен!.. Энди сарбадорлар билан тил бириктириб Туронзаминда ўн йил ҳукм сурган шавкатли Амир Қозоғон зурёдини орадан олиб ташламакчи эдингиз! Худди шунинг учун ҳам сиз Самарқандга маншури давлату у-бу юборайлик деб, эсингиз кетди-да! Шунинг учун ҳам, сарбадорларнинг ҳокимиятни ўз қўлларига олғонлиқларини мақбул ҳисобладингаз-да! Нима, улар ҳокимиятни сизга беришмоқчи эдиларму?.. Аҳд-паймон ё шундоқ эдимму?.. А?..

Темурбекнинг бир лахза тили боғланиб қолди, лекин дарров ўзини ўнглади.

— Туғлуқ Темурхон Мовароуннахрга бостириб келганда менга ўзининг бобоси Қобулхон билан менинг бобом Қочувли баҳодирларнинг ахдномасини кўрсатган эди. Ўша пўлат тахтачада шундай сўзларни ўқигондим: «Хонлик Қобулхон авлоди қўлида, амирлашкарлик эса Қочувли баҳодирхон болаларида бўлсун, улар бир-бирлари билан ёвлашмасунлар». Аввалроқ эса бешинчи жаддим Қорачор нўён Чингизхон қўлида амирлашкар бўлган... — Темурбек Амир Хусайнга тик боқди. — Э, Хусайнбек! Мен амирмен, иншооллох, амирлигим ўзимга етадир, менга амирлашкарлик ота меросдир, хар доим амирлашкарлигимни килурмен! Борди-ю Оллох юрт бошқаришни фақирга насиб этса, билсунларким, мен ўзимни хон, хоқон ё шаҳаншоҳ деб атамасмен! Асло! Менга ёлғончи шон-шуҳрат, сохта обрў ҳожат эрмас! Мен Темурбекмен... Амир Темур! Амир Темур бўлиб қоламен!..

Темурбек гапирар экан, беихтиёр қўли қиличга бориб қолар, Амир Хусайн эса ўрнидан туриб кетай-туриб кетай дерди. Икки томоннинг амирлари эса, иш қиличга бориб тақалгудай бўлса, нима қилиш кераклигини ўйлаб, шай холда қараб турар эдилар. Амирлар бир-бирларига ён бермасдилар. Темурбек авваллари бундай холларда шайтонга хай бериб, кечириб кетаверарди. Ҳозир эса ундай бўлмади:

— Бас! Сўзини иккита қиладурганлар билан ортик бир йўлда юрмасмен! — қатъий деди Темурбек.

Амир Хусайн ҳам қараб турмади. Шу ондаёқ Темурбекдан амирлашкарликни олиб, ўрнига амир Мусони тайин килди. Амир Мусо бундан хижолат эди.

«Яхши бўлмади!», «Хунук бўлди!» дейишди одамлар.

Темурбек Аббос баҳодирга буюрди:

— Сарбадорларни Шохизинда қабристонига дафн этурмиз... Оллохнинг буюргани бу, начора... Кулли нафсин заикатул мавт¹...

¹ «Хар бир тирик жон ўлим шарбатини тотати» («Қуръони қарим»дан).

Аббос баходир Шахриёр, Нозим Мехмет, Лакшман, Исҳоқ этикдўзлар ҳаммалари биргаллашиб дафн ишлари билан машғул бўдилар. Конибилдаги Наврўз байрами азага айланди.

* * *

Тўрт аскарни ёнига олиб махаллаларни оралаган Абумансур от бошини ниҳоят Арк кўчасига бурди. Хаёлида дўндик қиз Жаҳон бика, Самарқанднинг олди қизи, кўрку хуснда танҳо хурлико... Садр Сулаймондай ҳоким орзу қилган дурри якто... Сарбадорлар салтанати сохибдево-нига унаштирилган барно... Ҳатто Мовароуннаҳр ҳукмдори уйланмоқчи бўлган офатижон санам!.. Мана энди ҳамма етишолмаган нозик адо гул на ҳукмдор, на ҳоким, на сохибдево бўлган Абумансурга насиб этиб ўлтирибди! Югурганники эмас, буюрганники! Садр Сулаймон чарс қизни ўзини рози қилинлар, кейин олиб келинлар, деганмиш... Ўзи рози бўладирму? Рози қилиш йўлини Абумансур яхши билади. Айш-ишрат қилади хали, баэмлар куради...

Абумансур сарбадорлар салтанати султони хонадони дарвозаси олдида тўрт аскарни қолдириб, дадил ичкари кирди.

— Ҳой, ким бор?

Жавоб бўлмади. Йигит бориб мехмонхона эшигини очди. Лаҳза ўтмай рўпарадаги бир ошёнали уйдан Жаҳон бика чиқиб келди.

— Нечун беижозат қадам қўйдингиз? — сўради қошларини чимирганча қиз. Вужудидан ғайрат ёғилиб турган пахтагуллик жома кийган дўндик қизни кўриб Абумансурнинг хаваси бадтар ортди. У еб қўйгудай бўлиб тикиларкан:

— Фалокат юз берди, ойимқиз, фалокат! — деди йиғлағудай.

— Нима?! Қандай фалокат? — сўради Жаҳон бика жонҳолатда.

— Амир Хусайн хоинлик қилди! Барча сарбадорларни дорга осдириди! Сарбадорлар султони Абу Бакр Калавий ҳам, амирлашкар Хўрдак Бухорий ҳам, қайлиғингиз Мавлонозода ҳам... Бошқалар ҳам дунёдан кўз юмдилар... Мен қочиб келдим...

Ичкаридан чиқиб келган Қорасоч бика совук хабарни эшитиб ўзидан кетди. Жаҳон бика аясига қараб югурди.

— Аяжон!.. Аяжон!.. — юраги увалди шўрлик кизнинг.

Худди шу пайт Конибилнинг бошка бир бурчагада дунёдан беҳабар сайил килиб юришган Ахий Жаббор, Бобо Султон, Шотабиллар фожеадан огоҳ бўлишиб дор томон чопдилар. Рўпарадан, дор ёқдан гуррос-гуррос одамлар қайтаб келишарди. Одамлардан сўрашган эди, тўрт сарбадор бошлиғи дорга осилди, Мавлонозода, Шахриёр, Нозим Меҳмет, Исоқ этикдўз ва Лакшманларни Темурбек дор тагидан олиб қолди, деган жавобни беришди. Абумансурдан гап очгандилар, одамлар, кўрмадик, деб елка қисишди. Нечундир Ахий Жабборнинг кўнгли увишди. Юраги нимадандир безовта бўлди-ю шитоб шаҳарга қараб чопди, дўстлари ҳам унга эргашишди.

Қорасоч биканинг юзига сув сепдилар. Ўзига келган она Жаҳон бикани кўриб, ҳолсизгина:

— Кизим... — деди-да, бошка гапга қурби келмади. Онаизорнинг кўзларидан дув-дув ёш тўкиларди,

— Ойимқиз! Тезроқ қочмоқ керак! — деди шошилтириб Абумансур. — Амир Хусайн битта ҳам қўймай сарбадорларни қирадир! Мен сизга қўмак бергали келдим...

Жаҳон бика жавоб бермади. У бирдан бу каламул башара йигитни таниб қолди. Чорсу майдонидаги сайилда йўлини тўсган, Мавлонозоданинг айтишича, Амир Хусайнга жосуслик қилган, Жаҳон бика ҳақида хотинпараст амирга гап етказиб кизиқтириб қўйган ҳўл бало ножинс мана шу бўлади!

— Ойимқиз, гап бундай... Яхшиликчасига менга тегишингизни сўраймен! — деди бирдан Абумансур юзини сидириб. — Мавлонозода бўлса ўлиб кетди... Умид қилмангиз!

Унаштирилган, эрта-индин тўйини кутиб турган бечора киз учун бундан ортиқ жазо, бундан ортиқ дахшатли фожа бўлиши мумкин эмас эди!

— Кизим... — деб қўйди яна аяси, кўзидан ҳамон дув-дув ёш оқарди.

— Қани, кетдик! Қочмоқ керак! — энди буйруқ оҳангида деди йигит.

Жаҳон бика аясининг дийдагирён кўзларини охиста артиб қўйди-да, индамай ичкарига кириб кетди. Йигит кизнинг етилган қадди-коматига суқ билан қараб қолди.

Шу пайт дарвозада колган аскарлар шовкин кўтариб кириб келдилар.

— Нима гап? — ўшқирди аскарларга Абумансур. Аскарлардан бири шоша-пиша деди:

— Дарвозадан бир сарбадор кирмакчи бўлди. Қўймадик. Биримизни шахид қилди... Ана бостириб келмакда!..

Абумансур кириб келаётган сарбадорни кўриб турган жойида қотиб қолди!

— Мавлонозода?! Дордан қочдингму, даюс! Ах-а! Сени тутиб ҳали тортиклик ҳам бўлурмен чоғи! Қани, бос йигитлар!

— Мени ўлди, деб ўйладингму? Сен ярамас ниятингга ета олмайсен! — ғазабдан юзлари оқарди Мавлонозоданинг. — Энди жаъми қилган гунохларингни бирваракай ювасен! Сендай бадбахтдан улусни фориф этмак мен учун савобдир!

Мавлонозода Абумансурга шердай ташланди! Ичкаридан шу пайт кўктемир кийган, қилич таққан Жаҳон бика чиқиб келди.

— Қадамингиз қутлуғ бўлсин, эй пошшо йигит! — хайқирди киз, қайлиғининг омон-эсонлигига бир қувонса, кўмакка етиб келганига икки қувониб! У кучига куч қўшилганини сезди ва шиддат билан жангга киришди.

— Сурон! Сурон! Сурон!

— Қизим... — дерди ҳолсиз Қорасоч бика қиличлар жанангидан ваҳимага тушиб.

Дийдаси қотиб кетган Мавлонозода аёвсиз жанг қиларди. У Абумансур билан қиличбозликка киришар экан, бир кўзи Жаҳон бикада эди. Ногаҳоний келган ғазаб, бемисл фожиа алами қизни жўшдириб юборди! Ҳаракатларининг чакқон чиқаётганига кизнинг ўзи ҳам хайрон эди.

— Отил! Фаним устига отил! — шерикларига далда берарди Абумансур

Мавлонозода Абумансурни ҳовуз томон сиқиб борди, аммо иккита аскар ундан соқ-сергак туришни талаб қилар, натижада кучи бўлиниб кетмоқдайди.

— Сурон!! — деди киз бирдан ва ракибига қилич урди. Ёшгина аскар шилқ этиб қулади. Икки аскар энди кизга ташланишди. Мавлонозода чекинаётиб, кизга қарайман, деди-ю, орқада турган катта ғўлага қоқиниб кетиб йиқилди!

— Ах-ха! — кувончдан қичқириб юборди Абумансур. — Энди кунинг битди, дордан қочган даюс! Излаб юришган бўлса керак сени! Сени ўлдириб ҳали Амир Ҳусайндан сийлов ҳам кўрамен!

У Мавлонозоданинг юрагини мўлжаллаб зарб билан қилич урди! Мавлонозода вақтида қочиб қолди, аммо қилич чап елкасига тегиб ярадор қилди. Оғриққа парво этмаган йигит ўрнидан турди-ю, фавқулодда бир куч билан ракибига қилич солди. Биқинидан қилич еган Абумансур «Их!» деб йиқилди. Мавлонозода Жаҳон бикага кўмакка ошиқди. Боқса, қизнинг дубулғаси учиб кетган, ўзи ҳам ниҳоятда ҳолдан тойганди. Мавлонозода улгурмади, ярадор бўлган киз, яна бир қилич теккандан сўнг инграганча ерга қулади.

Мавлонозода энди икки аскар билан савашишга турди. Бири оғир жароҳатланганидан харининг устида чўзилиб қолди, унинг аста-секин жони чиқиб борарди.

— Қизим... — деб қўйди яна Қорасоч бика...

Мавлонозода иккинчи аскарни ҳам саранжом этди. Шундан кейингина ўзининг ҳам аҳволи танглигини сезди. У гандираклаб Жаҳон бика ёнига борди. Қизнинг сочлари ер билан битта бўлиб ётарди.

— Жоним-жаҳоним! — деди у хансираб. — Биз ўлмаймиз! Асло ўлмаймиз! Умримиз узоқ бўладир...

— Узоқ бўладир... — тасдиқлади киз кўзларини базўр очиб тўймасдан йигитга термиларкан.

Йигит қайлиғининг бошини қўлларига олди. Умрида биринчи марта уни яқиндан томоша қила бошлади. Ана ўнг юзидаги чиройли холи, гўзал чехраси... бир пайтлар нур лимиллаб турган кўзлари...

— Тўйимиз бўладур... — хаёл сурарди йигит.

— Тўйимиз... — қизнинг бошқа сўз дейишга холи йўқ эди.

Беҳуш Абумансур ўзига келиб, йигит билан қизнинг суҳбатлашаётганларини кўрди, кўрди-ю ҳасад томирлари титради, минг азоб-укубатда судралганча Мавлонозодага

яқинлаша бошлади. Ошифтахол куёв-қайлиқлар эса бундан беҳабар, чучут отган қушлардек бир-бирига парвона эдилар. Абумансур охириги кучини тўплаб Мавлонозоданинг қоқ миясига қилич урмоққа чоғланган ҳам эдики, кимдир оркадан унинг ўзига пичоқ солди! Абумансур инграганча ортга ўгирилди: олдида Ахий Жаббор турарди!

— А-а-а! — деди-ю, Абумансур шу лаҳзадаёқ тил тортмай жон берди. Унинг каламушникига ўхшаган башарасида киноями, захархандами, англаб бўлмайдиган бир нохуш ифода котиб қолганди.

Ахий Жаббор куёв-қайлиқларга қараб турар, уларнинг ҳам умрлари санокли қолганлигидан ичида унсиз йиғларди.

— А... Ахий Жабб-о-ор... — деди зўрға Мавлонозода. — Дўстим, биродарим...

Жаҳон бика ҳолсизланиб борар экан, Ахий Жаббор номини эшитиб базўр кўзини очди ва йигитга қараб миннатдормен, дегандай бир жилмайиб қўйди-да, яна кўзларини юмди...

Ахий Жабборнинг юраги калкиб кетди, бардоши чидамай, ўкраб юборишига оз қолди. Нахотки, юрагининг тубида пинҳон асраб юрган олтин севгиси, йўқ, севгилиси, ўн гулидан бир гули ҳам очилмай оламдан кўз юмса?! Бу қандай разолат? Бу қандай адолатсизлик? Эй, бевафо дунё! Хайхот!..

— Қизим... — деди яна Қорасоч бика. У остонада эшик кесақисига суюнганча маъносиз кўзлар билан термилиб ўлтирар, ёшли кўзларини энди ҳеч ким артиб қўймас эди.

— Биз узок... умр кўраимиз... — деди Мавлонозода...

— Узо-о-ок... — дея олди ҳолос Жаҳон бика...

Куёв-қайлиқлар пешинга бормай бир-бирларига талпинганларича Ахий Жаббор қўлида жон бердилар...

Қорасоч бикани ўрнидан турғизишмоқчи бўлишганди, тегишлари билан қулаб тушди. Онаизор аллақачон бандаликни бажо келтирган эди.

Мавлонозода билан Жаҳон бикалар дафн маросими ҳам худди сарбадорларники сингари Темурбекнинг ўзи ўтказди, Аббос баҳодир билан Икки Темур елиб-югуриб хизмат қилишди. Йигит билан қизни Шохизинда қабристонда сарбадорлар ёнига дафн этдилар. Қорасоч бикани уларнинг бош томонига қўйдилар.

Мавлонозода қабрига бир сиқим тупроқ солар экан, унча-мунчага парво қилмайдиган Темурбекнинг бақувват юраги ҳам дош бера олмади, кўзларига қалқиб ёш келди. Бевакт кетган инисининг қисматини кўриб, ўкраб юборай деди, аммо ўзини тутди. Чунки Темурбек, юртининг улуғи шундай қилса, бошқаларнинг мусибатдан қадди букилиб, нола-фарёди осмон-фалакни тутиб кетиши шубҳасиз. Ўзгаларнинг қаддини кўтармоқ учун ҳам ўзининг ғамингни ичингга ютмоғинг керак... Бас, ҳозир нола чекмак фурсати эмас, нола-ғам киши кучини қирқади, ожиз қилиб қўяди... Нола билан олдиндаги улуғ юмушларни адо этиб бўлмайди. Олдинда катта муждалар кутмакда... Темурбек буни яхши билар эди.

Дафн маросимида Шаҳриёр, Нозим Меҳмет, Ахий Жаббор, Насафий, Сукрот, Шотабиб, Бобо Султон, Калтатой, эроний йигит, Рўзи аттор ва бошқа кўп кишилар қатнашдилар.

Ахий Жаббор қабристондан қайтиб келгач, Чорсу майдонида бир лаҳза тўхтади. Кечагина оламдай кенг яшнаб турган шаҳар бугун кўзларига жуда тор ва файзсиз кўринди. Юраги сиқилди. Шаҳарда тургиси келмай қолган йигит тездаёқ бошини олиб, белгисиз ёққа ғойиб бўлди...

Т а м о м

1984—1989 йиллар

МИЛЛИЙ ХОТИРАНИНГ БАДИИЙ ИФОДАСИ

Одамзот табиатан номаълумга маълумлик киритишга, ноаниқни аниқлашга интилаверади. Шунинг учун ўзини танимоқчи бўлган одам хамиша ўтмишини билишга интилиб яшайди.

Бугунни туймоқ ва тушунмоқ учун кечани тадқиқ этишни хуш кўрадиган кишилар орасида санъаткорлар алоҳида ажралиб туради. Негаки, илм тарихда нима бўлгани билан қизиқади. Ижодкорни эса тарихнинг қандай кечгани қўпроқ жалб этади. Бу ҳол боис олим ўз назарини тарихий воқеаларга, санъаткор эса ўша воқеаларни амалга оширган одамларга қаратади.

Ана шундай қизиқувчанликни қондиришда тарихий мавзуларда ижод қилувчи санъаткорларнинг ўрни бекиёсдир. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти эгаси шоир, ёзувчи, таржимон, адабиётшунос, публицист ва жамоат арбоби Муҳаммад Али шундай ижодкорлардан бири.

Чинакам адибнинг истеъдоди эса табиий равишда ўз миллатининг тарихий ўрнини тайин қилиш ва ҳақини ажратиб олишга йўналтирилади. Шу ҳолат унинг битикларига ижтимоий салмоқ бағишлайди. Ижодий умри маҳсулининг асосий қисмини бир неча том ҳолида ўқувчилар назаридан ўтказмоққа тутинган Муҳаммад Алининг болалиқдаги шеърларидан тортиб энг сўнгги романига қадар ўзининг, бинобарин, халқининг ҳақини «даъво» қилишга бағишланган дейиш мумкин. Бир пайтлар ёзилган: **«Яна келдим, эй Тарих бобо, Сендан яна талаб қилурман. Ўз ҳаққимни қилмоқни даъво Ҳақиқатнинг йўли билурман»** сатрлари адиб ижодининг лейтмотивидир. Тарих билан бўйлашгани боис Муҳаммад Алининг ижоди миллатдошларимиз руҳияти ва сезимларигагина эмас, тафаккур ҳамда эътикод тарзига ҳам чуқур таъсир кўрсатиб келмоқда. Миллат аҳлининг ўтмишдаги кайфият ва руҳиятини адиб бадиий яратикларининг умумий бош қаҳрамони деса бўлади. Тарих Муҳаммад Али

учун ўтмиш эмас, бугундир. Унинг асарларида персонажлар ўтмишда юз берган воқеаларнинг шунчаки иж- рочилари эмас, балки адибга туйғудош бўлган жонли одамлар каби тасвирланади.

Муҳаммад Али ижодидаги тарихга мойиллик ўзига хос илдизга эга. Бўлажак адиб болалигидан кўп китоб ўқир, оламга хайрат билан боқиб, ундан тенгдошларига сезилмайдиган диққатга лойиқ жиҳатлар топар ва хаёт- дан кўра хаёл оғушида яшарди. У ҳар бир нарсанинг тагига етишга интиладиган бола эди. Шоир кейинчалик ёзган «Бекинмачоқ» шеъридаги: **«Паккада қолардим мен эса ҳар гал, Мен излаб топшишни яхши кўрардим»** мисралари ижодкор табиатига хос бош хусусият — изланувчанликни акс эттирган. Муҳаммад Али мустақил меҳнат фаолиятини шағал корхонасида тошсараловчи- ликдан бошлагани ҳам бежиз эмасди. Ёзувчи бутун ижо- дий умри давомида тарихда юз берган воқеалар ва улар- ни амалга оширган одамларни саралаб, улар орасидан миллатнинг асл руҳиятини ифода қиладиганларини то- пишга интилиб яшаб келмоқда.

Бўлажак адиб болаликда кўркем сўзга ошуфта му- хитда ўсди. Унинг энаси Хосият биби қишлоққа танил- ган отинойи эди. Қулоқ сифатида анча йиллар Украина- га сургун қилинган оилада, юртдан узоқда яшаганига қарамай, исломий эътиқодига гард юқтирмаган, ўқимиш- ли кайвони невараси Муҳаммад Алига айрича меҳр қўй- ган, уни ёнидан жилдирмас, отинойининг турли маро- симларда ўқиладиган китобларини кўтариб юриш бўла- жак шоирнинг зиммасида эди. Энасининг овози сирли, у ўқийдиган китоблардаги сўзлар тушунарсиз, аммо сеҳр- ли эди. Уларни неча бор тинглаганига қарамай, ҳар сафар ёш Муҳаммад Алининг йиғлагиси келарди.

Отаси, шопилмай, салмоқлаб гапирадиган қорувли Аҳмадбой, ўттизинчи йилларда колхоз раиси сифатида Катта Фарғона каналини қазииш илғорларидан бўлиб, Та- марахоним эътиборини қозонган жўмард ва танги одам эди. Ишлаб дам оладиган отаси хаёлпараст Муҳаммад Алининг назарида, энаси айтиб берган эртақ ва дoston- лардаги баҳодирларга ўхшаб кетарди. Отаси мақолсиэ сўзламас, ҳар гапида яширин лутф бўларди. У шаънини гоят баланд тутар, боболарининг кечмишлари билан фахр-

ланар, улар хақида сўзлаб беришни яхши кўрарди. Кейинчалик ёзувчи «Абадий соғинчлар» асариди бу ҳақда: **«Отам тарихдан ҳикоя ва қиссаларга уста эдилар, аждодлардан турфа ҳикоялар сўйлаб берардилар. У ҳикоя ва қиссаларнинг кўплари менга кейин асарлар ёзишимда қўл келди»**, — деб ёзади. Шу боис бўлажак адибга ўтмиш бугундан кўра сирлироқ, кизиқарлироқ, аҳамиятлироқ туюларди. Бунинг устига, табиатидаги изланишга мойиллик ҳам унинг ижодини тарихга ёвуқлаштирганди.

Кўпчилик ёзувчилар сингари Муҳаммад Али ҳам ижодини жамоатчи мухбирликдан бошлаган. Қишлоғи ва мактабидаги янгиликлар, ўтаётган турли-туман тадбирлар унинг хабарлари учун мавзу эди. Айниқса, тўғриси ўз ўспирин камчиликларга муросасиз эди. Даврнинг ҳаётида эса камчилик деганлари тўлиб-тошиб ётарди. Бинобарин, Муҳаммад Али хабарлари учун материал етиб ортарди. Бўлажак адибнинг ҳақпарастлиги шунчалик эдики, кунларнинг бирида отаси бошчилик қилган бригададаги ўт босган пайкал тўғрисида туман газетасига танқидий мақола ёзиб юборди. Мақола чиккач ҳам отаси ҳақиқатни байроқ килиб калам сурган ўғлига индамади, шаштини қайтаргиси келмади.

Муҳаммад Али ўн ёшидан шеърлар ёзар, уларнинг кўпчилиги туман, вилоят ва республика матбуотида чиқиб ҳам турарди. У шеър ёзибгина колмай, унинг моҳиятини англашга ҳам уринадиган ижодкор бўлгани учун «Рамаёна оҳангларида» туркумидаги шеърларидан бирида: **«Шеър яралди дунёда илк бор, Илк бор оҳанг шаклга кирди»** мисралари дунёга келди. Бу сатрлар чинакам поэзиянинг моҳиятини акс эттириши жиҳатидан бетакрор аҳамиятга эгадир. Унда асл шеърятнинг моҳияти бетакрор шакл ва ўзига хос оҳанг экани ўта назик илганган.

Муҳаммад Али шеърятни кўнгил эрмаги деб билмайди. У истеъдодини Ватан равнақига хизмат қилдиради. Санъаткор шеърларига кўнгил инжаликлари ифодаси деб эмас, балки ватан ва миллат дардлари деб қарайди. Шоир: **«Шеърят бир олтин сарой, Ватан — сарой бекаси»**, — мисраларида ўз ниятини очик ифода этади. У тарихдан тарихни эмас, ватан ва миллатни киди-

ради. Шу боис адибнинг битганларида Ватан шунчаки адабий тимсол эмас, балки кўнгилга кўчган туйғу сифатида намоён бўлади. Шоир шеърларидан бирида: **«Битта тушунчадир уй ила Ватан!»** — деб отамаконни ўқувчига яқинлаштира, Спитаменга бағишланган туркумидаги бошқа бир асариди: **«Ватанни севишга топингиз бардош, «Севаман!» деб сотиб юрманг гап»,** — дея шеърхонни фаолиятга ундайди.

Муҳаммад Алининг ижоди Ватан ишқидан туғилган, Ватан руҳига йўғрилган ва бошдан-оёқ ватансеварлик туйғусини куйлашга бағишланган. Лекин шоирнинг ватансуярлиги хитоблардан иборат ялтирок ва куруқ чақирик эмас. Унинг ватансеварлиги, миллатпарварлиги ватан ва миллат тарихини билишдан, миллий хотирага эғаликдан келиб чиқади. Зеро, севмоқ билмоқни, билмоқ изланмоқни тақозо этади.

Хотира илдиздир. Илдизнинг мустаҳкамлиги оғочнинг миқёсини, салобатини, маҳкамлиги ва ҳосилдорлигини таъминлайди. Шу боис Муҳаммад Али шеърларида ҳам тарихга кўп мурожаат қилади. Тарихнинг қоронғи саҳифаларини бадиият нури билан ёритади. Шоир миллий хотиранинг йўқолишидан чўчийди. Шу сабабдан ҳам: **«Вайрон бўлган хотира — ўлим!»** — деб ёзади у. Адиб Ватанга бўлган бугунги муҳаббатнинг илдизини кечаги кундан излаш лозим деб билади. Ватан тарихини билмай, унга кўр-кўрона кўйилган кўнгил омонат, ўзгарувчан бўлади деб ҳисоблагани сабаб халқнинг шонли ўтмишини ҳароратли муҳаббат билан тасвирлайди.

Шоир Муҳаммад Али дунёни ўзича кўради, ўзигагина хос йўсинда тасвирлайди. Шу боис унинг битганларида: **«Туғилган мушт каби Кўкка ўқталиб, Барг ёзмоқ пайида Каллакланган тут», «Канал ёқасида шовуллар мағрур, Осмонга санчилган мирзатерахлар», «Томларда «лов» этди Лолақизгалдоқ», «Ҳазабдан гижирлар йўлларнинг тоши», «Аламимни жарликларга солгандим тўкиб, Жарлик баттар чўкиб кетди, яна ҳам чўкиб»** каби жонлантирилган ташбиҳлар тасвир аниқлигини ошириш билан биргаликда ҳиссий муносабатни ҳам ифодалашга хизмат қилади. Шоир қўллаган қутилмаган ташбиҳлар, ёрқин тимсоллар унинг шеъриятига тароват бағишлайди, уларни ўқишли қилади.

Муҳаммад Алини ижодкор сифатида тарихнинг сирли ва номаълум воқеалари, қачонлардир яшаган улус одамларнинг фикру ўйлари ўзига кўпроқ чорларди. Шу тариқа, у бора-бора бугундан кўра ўтмиш тўғрисида кўпроқ ўйлайдиган бўлиб қолди. Ёзувчи тарих қаърини қидириб, шаъни баланд, мақсадлари улусвор бўлган одамларни, уларнинг сирли тақдири ва кайфиятини тасвирлашга интилди.

Шу боис озодлик учун кураш руҳи ёлқинланиб турган «Спитамен» шеърий туркуми, «Машраб» достони, «Боқий дунё» шеърий романи дунёга келди. Муҳаммад Алининг тарихий мавзуларни қаламга олиши ва тадқиқ этишида диққатга молик бир жиҳат бор. У ўтмишдаги воқеаларни эмас, балки биринчи навбатда, аждодларимизнинг ёвқур, мардона ва танти руҳий оламини, маънавий дунёсини кўрсатишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам адиб қаламидан чиққан боболарнинг сезимлари бугунги ва эртанги ўзбекка ҳам англашилари бўлаверади. Аждодлардан мерос гўзал инсоний туйғуларни тасвирлаш, улар ёрдамида бугуннинг одамини шакллантиришга уриниш адибнинг «Сарбадорлар», «Улуғ салтанат» романларига ҳам хосдир. Гарчи бундан салкам етти юз йилча олдин рўй берган воқеалар тасвирланган бу романларда мардлик ўшанда ҳам эзгулик экани, хиёнат ўшанда ҳам жирканчлиги, севги ўшанда ҳам ҳаётбахшлиги акс эттирилган. Бу романларнинг қахрамонлари бўлмиш тарихий шахслар ҳақидаги маълумотлар, аксар ҳолларда, китобхон томонидан фақат билиб қўя қолинмайди, балки уларнинг кўнгил сезимлари ҳис этиладики, бу адибнинг ижодий ютуғидир.

Тарихнинг сабоқ бўларли ходисаларини қаламга олиш ва уни ўқувчи ҳиссиёти ҳамда тафаккурига таъсир этадиган тарзда тасвирлаш жиҳатидан шоирнинг «Гумбаздаги нур» достони алоҳида ажралиб туради. Достон яратилган 1967 йилда дунё тарихини боши-кепи йўқ ғавғолар сари буриб юборган Октябр тўнтаришига эзлик йил тўлганди. Шу ҳақда ёзиб сиёсий бонус олиш мумкин бўлган бир дамда миллий тарихга мурожаат этиб, Амир Темур шахси тўғрисида ҳайрат ва эҳтиром билан қалам суриш ҳукмрон мафкурага қарши қўйилган қадам эди. Муаллиф тарихни бузиб кўрсатувчи, чиркин ўтмиш-

ни қўмсайдиган миллатчи сифатида маломатта қолиш хавфи олдида турарди. Адибнинг юртга мухаббати, миллий хотирага эҳтироми ва ёшлик самимияти шахсий хотиржамликдан устун келди. Жасоратли шоир «Гумбаздаги нур» достонида тарих ҳақиқатига хиёнат қилмасликка куч топиб, миллат ва ватан тарихининг шонли манзараларини ёрқин акс эттирди.

Достонда ўша даврда ижтимоий, сиёсий, ҳарбий ва маданий мавқеига кўра очуннинг бошкентига айланган Самарқанд шундай тасвирланади: *«...Миноралар кўк баланд деган Лофчиларнинг оғзига урар. Мадрасалар мўйсафидсимон. Рўпарангда ўқишар дуо... Буюк пойтахт яшарди гўё Фароғатнинг тўшагида маст»*. Бу тасвирлар шаҳарни шонли Туркистоннинг тимсолига айлантиради. Эътибор қилган киши бу мисраларда шаҳарнинг манзарасидан кўра, унга шоирнинг муносабати ифодасини бериш муҳимроқлигини пайкайди. Юқоридаги сатрларда муаллифнинг миллий тарихдан ифтихори, шу миллатга мансублигидан туйган нурури акс этган.

Асарда валиаҳд Муҳаммад Султон вафоти тасвири орқали Амир Темурнинг инсонлик сифатлари акс этирилади. Достонда не-не подшоларни зир титратган соҳибқироннинг тақдир ҳукми олдидаги ожизлиги таъсирли кўрсатилган. Қисматнинг қудрати Темурбекдай жаҳонгирни ҳам ўз исканжасига олиши, унинг кўзларидан ҳам алам ёшларини тўктира олиши маҳорат билан акс этирилган. Асарда жаҳонгир суюкли невараси вафотидан қаттиқ қайғуга чўмган бобогина эмас, балки Муҳаммад Султоннинг тирилиб келиши учун тахтидан воз кечишга тайёр жўмард ҳукмдор сифатида ҳам намоён бўлади:

*О, чораси бўлсайди агар,
Агар келса тирилиб ўғлон,
Ростланса гар тақдири хато,
Амир Темур, фотиҳ, ўшал он
Тахтидан ҳам кечарди, ҳатто!*

Амир Темурга дунёни қонга ботирган каллакесар тарзидагина қаралган шўролар замонида унга бундай юксак инсоний туйғулар хослигини тасвирлаш катта ижодий

жасорат эди. Шоир бу билан кифояланиб қолмай, соҳибқирон табиатида бузғунчилик эмас, балки яратувчилик майли устунлигини **«Наҳот қаҳру гумонлар аро Гулдан нозик кўнгил яшайдир? Ки юрт аро, майдонлар аро Нафосатни кўрмакка шайдир?»** сатрларида ифода қилади. Асарда тарих олдидаги миссияси сабаб қонлар тўкишга мажбур бўлган Амир Темурдай жангари зотнинг гўзалликни шу қадар нозик хис этиши, пойтахтини ақлни лол қолдирадиган иморатлар билан безаши унинг шахсиятидаги ажиб бир мукамалликдан нишона экани ишонарли акс этади. Шоир юрт майдонларида нафосатни кўра олган жаҳонгирнинг нафис туйғуларини ўта билгичлик билан тасвирлайди.

Достонда Амир Темур тимсоли ҳам, қанчалик шонли бўлмасин ўтмиш ҳам идеаллаштирилмайди. Асарда ҳаётнинг йўриғи ва инсон қисмати бутун мураккаблиги билан акс эттирилгани боис оғир меҳнат ва мўъжизакор санъатлари билан тенгсиз обидалар яратган меъморларнинг аччиқ турмуши борича кўрсатилади. Қўли гул, хунарда тенги йўқ меъмор бировларга гўзал бино қурди, лекин жўнгина тандирга ёлчимаган хотини нонни қўшнисиникида ёпишга мажбур. Ўзгаларга қошоналар тиклаган меъморларнинг ўз кулбалари вайрона ҳолида. Шоир ҳаётнинг адоқсиз аччиқ-чучуклардан иборатлигини, улар оғушида яшашга маҳкумлик қисмат эканлигини **«Йигитларнинг қараши кескир, Қайтаради қилич дамин ҳам. Фақатгина собит ва эски: Лабда кулгу, кўзда қотган нам...»** тарзида нозик ифода этади. Асарда қурувчи йигитлар нигоҳидаги ёвқурликнинг қиличдан ўткирлиги қутилмаган йўсинда ифодаланган бўлса, инсон ҳаётида вам билан қувончининг ёнма-ён юриши лабдаги кулги ва кўздаги қотиб қолган ёшга жуда чиройли менгзалган. Ана шу тасвирлар асарнинг ўқишлилигини кескин оширган. Чунончи, асардаги: **«Чопар зоти — худди замона! Чақмоқдай тез у минган тулпор!»** каби тасвирий топилмалар киши эътиборини тортади. Маълумки, нурнинг тезлиги билан ўтгувчи замон асло тиним билмайди. Чопарлар Амир Темур салтанатининг қудратини ифода қилади.

Достонда гўзал Самарқанд иморатларининг кўрку салобати кўз илғамас бир маҳорат билан акс эттирилади:

*Қаранг, гумбаз қобиргалари,
Бир-бирига вазмин нур ташир.
Кодир қисмат йўлидай бари
Бир нуқтага бориб бирлашур.*

Асарда бирор тасвир фақат ахборот вазифасини ба-
жариш билан кифояланмайди. Юқоридаги мисраларда
поэтик динамика, тўхтовсиз ички ҳаракат сезилиб тура-
ди. Унда пастдан юқорига қараб бирлашиб борадиган
гумбаз қобиргалари ўқувчи кўз ўнгида яққол гавдалана-
ди, уларда жилваланаётган нур кўзга кўрингандай бўла-
ди. Маҳорат билан битилган асарда ҳар бир тасвир
бадий эффе́кต์ беради.

Достонда Темурнинг тарих олдидаги хизматлари, та-
рихнинг эса Амир Темур олдидаги қарзлари ишонарли
акс этирилган. Асарда буюк жаҳонгирнинг амал киши-
си экани, тинимсиз фаолият кўрсатган одам эса, хато-
лар қилиши мумкинлиги таъсирли кўрсатилади.

Шоирнинг сўзни нозик хис этиши, уни тасвир тала-
бига мувофиқ тарзда маҳорат билан қўллай олиши асар-
нинг жозиба кучини оширган. Ўзларидан ном эмас оби-
далар қолдирган меъморлар қисмати акс этган:

*Сиздан на бир қолибди хабар,
Сиздан на бир қолибди исм.
Ўн икки жон — йўқолган гавҳар,
Ўн икки жон — очилмас тилсим...*

сатрларида шоир маҳорати тўлиқ бўй кўрсатади. Отлари
«ошкоралар аро яширин» қолган, аммо ишлари абадият-
дан ўрин олган шахсларнинг фожиали ва ибратли тақди-
ри ифодаси ўқувчини ларзага солади. Шоир қурувчи-
лар изсиз йўқ бўлиб кетмаганини, улардаги яратувчи-
лик иштиёқи авлодларга мерос қолганини таъсирли акс
эттиради. Достонда инсон ва тарих муаммоси бадий хал
этилган. Асар ўқувчида оддий одам тарих олдида қандай
қимматга эга, у унутилишгагина маҳкумми, келажак ав-
лод эслаши учун инсон қандай яшаши керак каби савол-
лар уйғотади.

Шоир «Гумбаздаги нур» достонини яратишда био-
график усулдан ҳам ўринли фойдаланган. Муҳаммад Али-
нинг «Абадий соғинчлар» китобида қайд этилишича, шо-
ирнинг отаси Аҳмад полвон Катта Фарғона каналини

қазишда қатнашганларнинг илғорларидан бири бўлган. Маълумки, ўша даврларда томошалар кўпинча очик майдонда ўтказилар, санъаткорларни доира бўлиб ўраб олган томошачи эркакларнинг ҳар бири ўша давр бадиий этикетига кўра, ўз олдига белбоғини ёзиб қўйган ҳолда ўтирар, раққоса ўйини давомида кимнинг белбоғига тиззалаб муқом қилса, бу ўша одам учун энг олий сийлов ҳисобланарди. Айтилишича, Аҳмад Бекназар ўғли қурилишда катта обрўга эга бўлганидан ялла айтиб раққ ташаётган Тамараҳоним нафақат унинг белбоғига тиззалайди, балки ўз бошидаги рўмолини совға қилади. Бу ҳаётий ҳодиса дostonда гўзал бадиий ифодасини топган. Дostonда девкор ва содда чапани йигитнинг табиати жуда жонли тасвирланган. Ўқувчи тимсолнинг нафасини туйиб, ҳаракатларини кўриб тургандай бўлади. Чунки ифода сохтакорлик, зўракилик, атайинликдан бутунлай холи ва табиий.

Шунингдек, асарда омма руҳиятининг поэтик манзарасини яратиш борасида ҳам ютуқларга эришилган. Юзидаги чангини қувонч ёшлари билан ювган, қулникидан да оғир меҳнатининг самарасини каналдан қаҳ-қаҳ уриб келаётган сув оҳангида кўрган омманинг феъли сезилар-сезилмас енгил чизиклар ёрдамида эсда қоладиган қилиб тасвир этилган. Тўғри, бу тасвирларда муайян киёфа чизиб берилмаган. Аммо муайянликнинг йўқлиги, ҳар бир ўқувчига тасаввурини ишга солиш имконини беради. Чунки дoston ритмикасида омманинг ҳаракат динамикаси яққол сезилиб туради.

«Гумбаздаги нур» дostonи ватанни муқаддас қилган миллат ва халқи киёфасини сақлаб қолабилган ватан ҳақидаги самимий битикдир. Асарда шоирнинг халққа чексиз эҳтироми оташин мисраларда баён этилган. Чунончи, у куйидаги мисралар орқали ватан ва халқ ҳақида гап сотиш ўрнига, унга хизмат қилишни эътиқод деб биладиган оташин фарзандлар кераклигини акс эттиради: **«Халқим! Нокас эрур ул фарзанд, Гар сени деб бўлмаса фидо!»**

Тарих шундай бир сирли феноменки, унга меҳр қўйиб, яқинлашган одам қайтиб унинг бағридан чиқиб кетолмайди. Муҳаммад Али ижодий тақдирида ҳам айни ҳолат содир бўлди. Адибнинг бутун ижодий умри тарих

билан боғланиб келмоқда. Шоир «Машраб» достонида **«хаёл деган шунқорга қўл бериб, уч юз йил ортига»** қайтиб, икки ёш ўртасидаги покиза муҳаббат фожиасини кўрсатади. «Боқий дунё» шеърий романида: **«Дўстим, сенга айтар гапим бор, Эрмак учун ёзмаман асло. Рўпарамда турар барқарор Курашлардан боқий бу дунё»**, — дея ўз ижодий кредосини баён этган шоир нисбатан якин ўтмиш ходисалари ва унинг иштирокчиларига тарихий-ахлоқий баҳо беради. Бу асарда у воқелик ва одам табиатини эпик йўсинда бадий тадқиқ эта олиш салоҳиятини намоиш қилди. **«Бир томчи ёш ва бир қатра қон Пайдо қилур минг битта дoston»**, — деган ақидадаги шоир озодлик йўлида кўз ёшидан денгиз, конидан дарё яратган халқи кўнглидаги энг боқий туйғу бўлмиш эрк учун жон берган кишилар тимсолини яратди. Шеърий романда адибнинг воқеалар замирида одам қисмати ва инсоний туйғулар қатида воқеаларни юзага келтирувчи мояни кўра билиши намоён бўлди.

Роман жанри тасвир кўламининг кенглиги, халқ ҳаётининг муайян даври ва унда яшаган кишилар табиатини ҳар томонлама тадқиқ қила олиш имкониятига эгаллиги, мураккаб характерлар, инсоний тақдирларни ифода этишга қодирлиги жиҳатидан ҳар қандай давр ва миллат адабиётининг кифасини белгилашини англаб етган адиб тарихни романик тафаккур элагидан ўтказишга бел боғлади. Кейинги йилларда ўзбек романчилиги тараққиётида теран ички силжишлар содир бўлаётир. Бу ҳол миллий романчиликда ҳаёт ходисаларини тасвирлашдан кўра, инсоний туйғулар ифодасига эътиборнинг кучайганлигида намоён бўлмоқда.

Шу вақтга қадар ҳаётнинг эпик қатламларини ҳам шеърий шаклда тадқиқ этиб келган Муҳаммад Али 1984 — 1989 йиллар орасида ёзган икки китобдан иборат «Сарбадорлар» романи унинг насрий йўсинда битилган биринчи бадий асари бўлди. Роман сўзбошида академик М. Кўшжонов таъкидлаганидек, **«...баъзи бир такрорларга, чўзиқликликларга, бадиият талабига жавоб бермайдиган бир бет-ярим бет баёнларга...»** дуч келиш мумкинлигига қарамай, бу йирик асарда самимийлик устувордир. Унда тарихий тимсолларга

нисбатан тўқима образларнинг таъсирчан ва ишонарли тасвирланганлиги илк бор насрда қалам сураётган ижодкорнинг тарихий шахслар ифодасига эркин ёндашишдан ҳадиксираши натижаси эди.

Романдаги Шерўғлон, Ширинбика, Жалойирбек, Жаҳонбика, бир оз китобийрок бўлсада, Ахий Жаббор сингари тимсоллар тасвири ўқувчини ўзига ром этади. Тасвир мароми қай сари бораётгани ўқувчидан усталик билан сир тутилган ўринларида воқеаларнинг кутилмаган йўсиндаги ривож асарнинг таъсир кучини оширади.

Ёзувчи қўл урган мавзу табиати ва тасвир қўлами миқёсидан келиб чиқиб, неча ўнлаб тақдирларни ҳаётий бир фокус атрофига йиғиб кўрсатишни уддалай олган. Адиб романда боболарни эзилган, ожиз, бетадбир кул эмас, ҳақиқатни қарор топдира оладиган бек сифатида тасвирлайди. Бу ҳол тасвирнинг бир қадар романтик, кўтаринки, қўлланиладиган сўзларнинг-да бир қадар китобий бўлишини тақозо этган. Ёзувчи узоқ тарихда рўй берган бир факт бўлмиш сарбадорлар ҳаракатини қайд этишнигина эмас, балки оддий талабаси ва пахта титувчиси мамлакат барпо этиб, юрт сўраб, адолат ўрнатишга кодир миллатнинг тарихий қайфиятини ифодалашни ният қилган. Романда ёзувчининг бир умрлик муҳаббати нишони бўлмиш Амир Темур сиймоси атрофлича тасвирланмади. Зеро, сарбадорлар тақдирига бағишланган асарда Темур сиймосини батафсил тадқиқ этиш бадиий мантиқни бузган бўларди.

Муҳаммад Алининг тўрт китобдан иборат бўлиши кўзда тутилган, ҳозир икки китоби чоп этилиб, Давлат мукофотига эришган «Улуғ салтанат» тетралогиясида соҳибқирон Амир Темур ҳамда ўғиллари тақдирининг турли қирралари ифода қилинган. Асарда Амир Темур мураккаб инсоний характерга эга бетакрор феномен сифатида талкин этилган. Бу шахс истиклолнинг илк йилларидан бошлаб то шу бугунга қадар илмий-тарихий, маърифий-маънавий ва бадиий-эстетик жабҳаларда улуглаб келинади. Аммо булар Амир Темур шахсини тўла англаш ва ардоқлаш учун кифоя қилмаётгандай эди. Чунки уларда соҳибқироннинг жаҳонгирлик, саркардалик, донишмандлик сингари сифатларига урғу бериларди-ю унинг ички

олами, ўзига хос инсоний сифатлари, оддий одам тарзидаги кўриниши сояда қолиб келарди.

Муҳаммад Алининг «Улуғ салтанат» асарида бу улуғ шахсият илк бор солих фарзанд, жонкуяр ини, оқибатли оға, меҳрибон ота, севимли эркак сингари кирралари билан намоён бўлди. Ёзувчи китобхонни Амир Темурнинг ички оламига олиб киради ва унга соҳибкироннинг ҳамма каби хис-туйғуга эга, ушалмаган орзулари, туганмас оилавий муаммолари бор оддий инсон эканлигини кўрсата олди. Муҳаммад Али романларида соҳибкироннинг биз кўниккан — ҳеч хато қилмайдиган идеал қиёфаси ўрнини баъзан қудратли, баъзида ожиз қоладиган оддий бир инсон-тасвири эгаллади. Ўқувчи бошқа темурномаларда соҳибкироннинг ҳарбий салоҳиятидан фахрланган бўлса, энди уни тирик инсон тарзида кўра бошлади. Муҳаммад Али жаҳонгирнинг нафақат ижтимоий-сиёсий, балки оилавий-маиший тузуклари ҳам таҳсинга сазовор эканлигини кўрсатди.

Муҳаммад Али тарихий ходисаларга бадий ёндашибгина қолмай, ўша воқеаларга бугуннинг нуқсини юктира олган, баъзи ўринларда эса уларда бевосита иштирок этиб, таъсир ҳам кўрсатган. «Улуғ салтанат»ни ўқиётган китобхон тарихий воқеалардан хабардор бўлибгина қолмайди, балки асар қахрамонлари билан биргаликда тарихни яшаб ўтади. У салтанат хақида Амир Темур билан бирга қайғуради, яқинларини йўқотганда изтироб чекади, Бибихоним суҳбатидан кўнгли ёришади, жаҳонгир сиймосида ўз қадрдонини кўргандай бўлади. Давлатни бошқариш имтиёз эмас, шахсий истак ва имкониётларини чеклашга мажбур қиладиган қисмат эканлигини англаб етади. Адиб Амир Темурни умри оғир синовларда ўтаётган, ҳамиша ҳукмдорлик ва одамлик ўртасидаги кураш шароитида яшашга маҳкум банд сифатида кўрсатади. Шу боис баъзан ўқувчига улуғ салтанат эгасининг шунчалар кўп изтироб чекиши қалати туюлиши ҳам мумкин. Шу тариқа, китобхон Амир Темурнинг авало инсон эканини туяди.

Амир Темурнинг улуғ салтанатни барпо этиш ҳамда пайдор қилиш йўлидаги интилишлари ўзбек адабиётида қатор тарихий ва ижтимоий омилларга боғлиқ тарзда кўп тасвирланган. Муҳаммад Али ўз асарида шу инти-

лишни соҳибқирон сезимларига таянган ҳолда ҳиссий-руҳий жиҳатдан далиллайди. Бунга асарда узок ўтмишда яшаб ўтган улур одамни ҳаракатга келтирган етакчи кучнинг тўғри белгилаб олинганлиги сабаб бўлади. Амир Темур даври мамлакат ва халқ ҳаётининг тарихий бурилиш палласи эди. Адиб ана шу тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш, улардан керакли сабоқларни чиқариш бугун учун табиий зарурият эканлигини яхши англагани ҳолда асарида фақат давлатчилик муаммоларини кўрсатиш йўлидан бормай, ҳаётини масалаларни эзгулик ва разолат орасидаги доимий кураш фонида акс эттиради. Бу кураш жараёнида тимсолларнинг ўзлиги, сезгилари намоён бўлади. Шу боис ҳам «Улур салтанат» романида тарихий воқеалар кўлами эмас, балки муаллифнинг муайян ҳодиса ва одамлар ҳақидаги қарашлари салмоғи ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бундай концепция асарга улкан эпик миқёс бахш этган. Адиб парокандаликка барҳам берилиб, кучли салтанат бунёд этилган тарихий шароитни шахс драмаси орқали кўрсатган. Амир Темур ўзи эришган зафарлари фонида эмас, ички олами билан намоён этилган. Гарчи, асар «Улур салтанат» тарзида номлансада, салтанатни улур қилган омил уни ташкил этган ва тепасида турган шахснинг буюклиги эканлиги ишонарли кўрсатилган. Чунки аслида майда одамни салтанат ҳам улур қилолмайди.

Романнинг сюжет чизиги, воқеалар баёнида кўпинча тарихий хронологияга эмас, балки образ мантиғига риоя этилган. Шунинг учун ҳам асарда ёзувчи ҳаёлий суҳбат, туш мотиви сингари бадиий воситалардан унумли фойдаланган. Романи ўқиган киши муаллифнинг Қуръони карим, Ҳадиси шарифдан тортиб, «Темур тузуклари» ва буюк соҳибқирон ҳаёти ҳамда фаолиятига доир турли илмий, фалсафий, диний, тарихий ва биографик манбаларни чуқур ўрганганлигига гувоҳ бўлади. Бу адибнинг тасвирга катта масъулият билан ёндашганлигини кўрсатади.

Муҳаммад Али асар қаҳрамонларига уларнинг табиати мантиғидан келиб чиқиб, турли ракурсларда ёндашади. Жумладан, Амир Темур табиатидаги инсоний хислатларни бадиий вазиятга мувофиқ тарзда кўрсатади. Юрт ва халқ тақдирини зиммасига олган кишининг ҳам

Ўз шахсий-интим ҳаёти, яширин дарди, рухий-ҳиссий олами, қувончу изтироблари борлигини тасвирлайди. Айнан мана шу ҳолат роман қаҳрамонларига инсоний жозоба бағишлайди. Романнинг аксар қаҳрамонлари тасвирида лирик асос устувор, айрим ходисалар баёнида эса фантастика ва мистикага мойиллик ҳам сезилади. «Улуғ салтанат» шоирона жўшқинлик билан битилган асар бўлганлиги учун ҳам воқеалар тасвирида романтик кўтаринкилик, характерларни далиллашда субъектив ёндашув, ҳаёт ходисаларини поэтик йўсинда идрок этиш кўзга ташланади.

Асар марказида турган Амир Темур ўз даври ахлоқини тажассум этувчи ёрқин миллий характер эканлиги билан ажралиб туради. У эл тинчлиги, мамлакат яхлитлиги, адолат ва ҳақиқат тантанаси борасидаги адоқсиз ижтимоий ташвишларни шахсий ҳаёти ила уйғунлаштира олган. Муҳаммад Али қаламида Амир Темур эл-юрт фидойиси бўлиш билан бирга атрофидаги минглаб бошқа одамлардаги каби туйғуларга эга бир инсон ҳамдир. Адиб соҳибкиронни улугворлик ва етуқлик пиллапояларидан юксалтирган омилларни унинг ўзига хос табиатида, билганларини амалга қўллай олиш иқтидориди, ниҳоятда кечиримли, сабр-бардошли эканида, улус дардини ўзининг шахсий ишига айлантира олганлигида ва мақсади йўлида оғишмай ҳаракат қила билганлигида, рақибларини дўстга айлантиришга куч топа олганлигида, сўзи билан иши бирлигида, ҳар бир юмушга атрофлича мулоҳаза қилиб, астойдил киришишида, ҳамиша замонсининг оқил ва ойдинлари фикрига таянганида кўради.

Табиий истеъдодини ички интизом ва миллатнинг ижтимоий дарди билан омукта қилган адиб шу вақтга қадар ўнлаб публицистик мақолалар яратган. Унинг мустамлака исканжаси ҳали жуда мустаҳкам бўлган 1988 йилда яратилган биргина «Ўз-ўзингни англаб ет» эссеси миллат аҳлининг ўзини таниш жараёнини бир неча йилга тезлатди деб бемалол айтиш мумкин. Унда ўзбекнинг қандай миллатлиги, уни қўшни халқлар билан терс қилиб қўйиш кимларга керак эканлиги тарихий далиллар асосида, синчковлик ва жасорат билан кўрсатиб берилган. Адибнинг «Ошиқ бўлмай ҳақ дийдорин кўрса бўлмас» китобида халқ тарихи турли ғаразли хуруж ва жохилона

менсимасликлардан ҳимоя қилинган қатор публицистик мақолалар жой олган. Улар халқимизнинг ўзлигини англаши жараёнида муҳим илмий-маърифий аҳамият касб этди. Муҳаммад Алининг «Ҳақиқатдан чекинма, тарих», «Сарбадорлар — халқ курашчилари», «Тарих мангу давомли сабоқдир», «Нима сабабдан Туркистон тарихини ўрганиш керак», «Нажот ўзликни англашда» каби мақолалари миллат аҳлида тарихий хотирани уйғотиши, миллий ғурурни шакллантириши жиҳатидан улкан аҳамиятга эгадир.

Ўзувчининг «Мен кўрган Америка» саёхатномаси тасвирнинг охори, бегона юрт ва ўзгача турмуш тарзидан уйғонган хайратнинг вазминлиги билан ажралиб туради. Адибнинг синчков нигоҳи океан ортидаги сирли диёрнинг асосий жиҳатини беҳато кўради. Вашингтон университети профессори Муҳаммад Али қанча йиллардан бери Америкага бориб келаётган бўлсада, ўзга юртнинг камолига суқлик, ялтоқилик билан қарамайди. Балки, таги кўрган миллатнинг зукко бир ўғлони сифатида у ердаги яхши-ёмон ҳолатларга холис баҳо бера билади. Ўзувчи ҳар бир америкалик учун ўзидан ортиқ қадрият йўқлигини, ҳар қандай иш, ҳатти-ҳаракат менга бундан қандай фойда бор нуқтаи назаридан ўлчанишини айтар экан, қуйидаги гўзал далилни келтиради: Америкада «мен» маъносини англаторувчи биргина ҳарфдан иборат **«I»** сўзи гапнинг каерида келишидан қатъи назар катта ёзиладики, бу ҳолат юрт аҳлининг қанчалар ўз шахсига маҳлиёлигини билдиради.

Муҳаммад Али «Абадий соғинчлар» номли роман-хроникасида: **«... ватандошларимиз ҳеч қачон ўз хоҳишлари билан юртни тарк этиб кетмаган эканлар»**, — деган қаноатдан келиб чиқиб, турли сабаблар билан ватанидан кетишга мажбур бўлиб, ўзга юртларда яшаган ўзбеклар тақдири ҳақида қалам суради. Бу романда шунчаки бир оила аъзоларининг бошидан ўтган саргузаштлар акс эттирилмаган, балки ўзбек деб аталувчи этносга хос эзгу маънавий-руҳий фазилатлар бир ўтбоши мисолида тасвирланган. Асарнинг қаҳрамонларидан бири ўз юртидан кетишга мажбур бўлган миллатдошимиз Саид Акрамхон Тўранинг ўттиз саккиз йил давомида Афғонистон мамлакатининг бош вазири бўлиб тур-

гани, бошқа бир юртдошимиз Саид Махмудхон Тўранинг эса куфрона ишлари учун подшо Омонуллохоннинг амакиси Файз Муҳаммадхон Зикриёни маҳкамага топшириб, устидан ўлим ҳукми чиқарилишига эришган, иломни бузишга уринган саккиз миссионерни тошбўрон қилдирган ҳақпараст ва адолатпеша одам эканлиги ҳамда унинг авлодлари бошидан ўтган синовлар тасвири асносида Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Махмуд аз-Замахшарий, Махдуми Аъзам, мавлоно Лутфулла Чустий каби табаррук зотлар ҳаётидан ибратли лавҳалар келтирилади ва улар ажиб бир уйғунликка эга бўлиб, асарнинг ўқишлилигини таъминлайди. Айниқса, китобнинг «**Ватан бизга ўзимиздан кўра азизроқдир**», — деган қаноат билан тугаши ўқувчиларга ўзгача таъсир кўрсатади.

Муҳаммад Али таниқли шоир ва ёзувчи, публицистгина эмас, балки жиддий таржимашунос олим ҳам. У назарий билимларини таржима амалиётига муваффақиятли қўллашга эришган ўғирмандир. Муҳаммад Али кўп йиллардан буён мохир таржимон сифатида жаҳон адабиётининг сара асарлари билан ўзбек ўқувчиларини ошно қилишга астойдил ҳаракат қилиб келаётир. Унинг таржимасидаги «Рамаяна» эпоси эндиликда фақат хиндларнинг эмас, ўзбекларнинг ҳам бадиий мулкига айланди. «Шаҳриёр», «Маспошшо» сингари қорақалпоқ халқ достонлари ҳам Муҳаммад Али томонидан ўзбек тилига ўғирилган. Шотланд шоири Роберт Бёрнсдан у қилган таржималар худди асли ўзбекчада ёзилгандай таассурот қолдиради. Муҳаммад Али туфайли Катулл, Хоконий Ширвоний, Румий, Шиллер, Махтумқули, Абай, Байрон, Пушкин, Лермонтов, Бердақ, Тҳакур, Туманян, Табидзе, Леонидзе, Ҳамзатов, С. Лойиқ каби шоирлар шеърлари ўзбекларнинг кўнгил мулкига айланган.

Муҳаммад Али бадиий ижодни илмий тадқиқот, педагогик ва ижтимоий фаолият билан қўшиб олиб бора олган серқирра истеъдод эгалари сирасига киради. Филология фанлари номзоди, Вашингтон университетининг профессори, Ўзбекистон Миллий университетида қатор йиллар маъруза ўқиган, бугунги кунда Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика университети профессори лавозимида фаолият кўрсатаётган таниқли олим Муҳаммад

Алининг бадий асарлари дунёдаги йигирма беш тилга таржима қилинган. Адибнинг ўзбек адабиёти ривожига ҳамда миллат маънавияти юксалишига қўшган хиссаси ҳисобга олиниб, унга 1992 йилда «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» унвони берилди. 2007 йилда эса «Улуғ салтанат» тетралогиясининг дастлабки икки китоби учун Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотиغا сазовор бўлди.

Муҳтарам ўқувчи! Ушбу сўнгсўз бир қадар чўзилиб кетган бўлса-да, совриндор адиб Муҳаммад Алининг «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси томонидан чиқарилаётган томликларига киритиладиган барча асарларнинг моҳиятини тўлиқ акс эттиришдан ожиз. Бадий яратилган чин баҳосини синчков ўқувчи беради. Таниқли ёзувчининг асарлари билан қайта учрашувингиз хайрли бўлсин.

Қозоқбой ЙЎЛДОШ,
профессор

МУНДАРИЖА

БИРИНЧИ КИТОБ

ЧОРСУ МАЙДОНИ

БИРИНЧИ ҚИСМ

<i>Биринчи боб.</i> Тахтсиз мамлакат.....	6
<i>Иккинчи боб.</i> Тун салтанати	17
<i>Учинчи боб.</i> Шахрисабзлик йигит	43
<i>Тўртинчи боб.</i> Икки амирнинг аҳди	50
<i>Бешинчи боб.</i> Номаълум киз	59
<i>Олтинчи боб.</i> Тақяхона	69
<i>Еттинчи боб.</i> Шайх Ҳасан Журий	80
<i>Саккизинчи боб.</i> Боштин қишлоғи четида дор.....	94
<i>Тўққизинчи боб.</i> Абу Бакр Калавий	110
<i>Ўнинчи боб.</i> Тунги Самарқанд кўйнида машғалалар	130

ИККИНЧИ ҚИСМ

<i>Ўн биринчи боб.</i> Худонинг бандаси	158
<i>Ўн иккинчи боб.</i> Хонлик оқа хонадони	177
<i>Ўн учинчи боб.</i> Мавлонозоданинг хужраси	204
<i>Ўн тўртинчи боб.</i> Сувда қалкиб келган олма	221
<i>Ўн бешинчи боб.</i> «Инна жаалнока халифатан фил арз...»..	238
<i>Ўн олтинчи боб.</i> Ахий Жаббор.....	250
<i>Ўн еттинчи боб.</i> Жаҳон бика, қайдасан?	264
<i>Ўн саккизинчи боб.</i> Икки дилнинг бир муаммоси.....	278
<i>Ўн тўққизинчи боб.</i> Фалакнинг шеvasи.....	294

ИККИНЧИ КИТОБ

КОНИГИЛ

УЧИНЧИ ҚИСМ

<i>Йигирманчи боб. Дарё бўйидаги курултой.....</i>	312
<i>Йигирма биринчи боб. Сирли шарпалар</i>	322
<i>Йигирма иккинчи боб. «Дунё — бир ғунча...»</i>	339
<i>Йигирма учинчи боб. Тубанликда.....</i>	361
<i>Йигирма тўртинчи боб. Ўлпон жанжали.....</i>	373
<i>Йигирма бешинчи боб. Қорасоч бика ташвишлари.....</i>	387
<i>Йигирма олтинчи боб. Жанги Лой</i>	401
<i>Йигирма еттинчи боб. Худобанданинг ақлдан озиши.....</i>	417
<i>Йигирма саккизинчи боб. Йўқликдан қайтиб келган қиз....</i>	429
<i>Йигирма тўққизинчи боб. Чорсу майдонида</i>	451
<i>Ўттизинчи боб. «Ўлим поклайди...»</i>	460

ТЎРТИНЧИ ҚИСМ

<i>Ўттиз биринчи боб. Самарканд остонасида жанг</i>	479
<i>Ўттиз иккинчи боб. Жомеъ масжидидаги хутба</i>	497
<i>Ўттиз учинчи боб. Сайил</i>	507
<i>Ўттиз тўртинчи боб. Сарбадорлик кўчасида</i>	521
<i>Ўттиз бешинчи боб. Остин-устин</i>	536
<i>Ўттиз олтинчи боб. Бир қизга икки совчи</i>	558
<i>Ўттиз еттинчи боб. Кониғилда</i>	572
<i>Қозоқбой Йўлдош. Миллий хотиранинг бадий ифодаси ...</i>	604

МУҲАММАД АЛИ

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

Биринчи жилд

САРБАДОРЛАР

Тарихий роман

Дилогия

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2011

Мухаррир *Улугбек Раҳимов*
Рассом *Михаил Самойлов*
Бадий муҳаррир *Толиб Қаноат*
Техник муҳаррир *Диана Габдрахманова*
Саҳифаловчи *Любовь Бацева*

Босилга рухсат этилди: 26.08.2010. Бичими 84x108¹/₃₂. «Петербург» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма тобоғи 32,76. Нашриёт-ҳисоб тобоғи 33,5. Адади 5000 нусха. Буюртма № 4765. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмаҳонаси,
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.